


Анатолий  
Виноградов

---

ПАГАНИНИ  
ЎҚИСМАТИ

---

Роман



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2013

УДК: 821.512.133-3  
ББК 84(2Рос-Рус)6  
В62

ТАРЖИМОН: Алишер САЪДУЛЛА

Дунёда шундай машхур сиймолар борки, улар хоҳ бугунги кунда ҳаёт кечираётган бўлсинлар, хоҳ яқин ё узоқ ўтмишда яшаб ўтган бўлсинлар, турмушлари одамларнинг кўз ўнгида, жамият орасида кечганига қарамасдан, уларнинг ҳаёти, илмий ёхуд ижодий фаолиятлари борасида турли-туман миш-мишлар, овозалар, афсоналар юради. Шундай шахслардан бири 1782—1840 йилларда яшаб ўтган италиялик беназир бастакор ва тенгсиз скрипкачи Никколо Паганинидир.

Мазкур романда ижодкорнинг машаққатли, зиддиятларга ва фожиаларга тўла ҳаёти, ўзи яшаб турган давр жамиятининг бу тенгсиз истеъдод соҳибига муносабати, унинг саргардонлик йиллари, машхурлик чўққисига чиқиш йўлидаги мисқолча келадиган муваққат шодлик-қувончлари ва бемисл, беҳисоб азоб-кубатларининг бадиий баёни ўз ифодасини топган.

Таниқли рус ёзувчиси Анатолий Виноградов қаламига мансуб ушбу асар жаҳондаги жуда кўп тилларга қайта-қайта таржима қилинган бўлиб, қаҳрамонларнинг руҳияти, ички кечинмаларининг маҳорат ила, рангин ва сержило ифодаларда баён этилиши билан ҳам бутун дунёда миллионлаб китобхонларнинг қалб тўридан муносиб жой олиб келмоқда.

ISBN 978-9943-01-879-2

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2013

---

## СЎЗБОШИ

*Никколо Паганини. Италиялик машҳур бастакор, скрипкачи, беназир созанда. 1782 йил 27 октябрда Генуя Республикасининг Генуя шаҳрида туғилган. 1840 йил 27 май куни Сардиния қироллигининг Ницца шаҳрида, 57 ёшида вафот этган. XVIII–XIX асрлар мусиқа тарихининг энг буюк намояндаларидан бири. Жаҳон мусиқа санъатининг умум тан олинган даҳоси. Олти нафар ўғил-қизларнинг ота-оналари бўлмиш бандаргоҳ ҳаммоли Антонио Паганини ва Тереза Боччардо оиласидаги учинчи фарзанд. Беш ёшидан мандолина, гитара, олти яшарлигидан эса скрипка чалишни ўрганишни бошлаган. Мусиқа асбобларини чалишга аввал отаси мажбур қилган, ижродаги ҳар бир хатоси учун беаёв калтаклаган. Лекин кейинроқ Никколо ёш гўдак бўлишига қарамасдан, скрипкачиликка қаттиқ муҳаббат қўяди ва умрининг сўнгги онларигача бу чолғунинг сир-асрорларини ўзлаштиришга ва шу саз ижросида ўз маҳоратини орттириб боришга интилади. Энг нозиктаъб ва талабчан кибор томошабинлар қаршисида илк концертини берганида у ҳали ўн беш ёшга ҳам тўлиб улгурмаган эди.*

*Никколо Паганини бола пайтиданоқ машҳурликка эришиб, бутун ҳаёти давомида Оврўпа бўйлаб концертлар берган ва ўз даврининг энг таниқли мусиқачисига айланган.*

*У болалик чоғлариданоқ скрипкани шу қадар мураккаб ва инсон қўллари учун имконсиз услубларда чалар эдики, Паганини нотага туширган ёки ўзи ижро этган асарларни чалишни ундан кейин шу бугунги кунга қадар ҳам ҳали ҳеч ким такрорлай олган эмас.*

*Мана, машҳур мусиқачининг оддий таржимаи ҳоли. Лекин шу оддий баён ичида Никколо Паганини ҳаёти-*

нинг энг мудхиш, аянчли, азоб-уқубатга тўла, машаққатли кунлари, ойлари, йиллари яширинки, бу улкан истеъдод сохибининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ҳужжатлар, мақолалар, илмий тадқиқотлар билан танишган, бадиий асарларни мутолаа этган ўқувчигина буюк бир ҳаёт йўлини ўзи учун кашф этиши мумкин.

Бадиий ижодида биографик асарлар асосий ўринни эгаллаган адиб, тарихий романлар муаллифи, рус ёзувчиси Анатолий Корнелиевич Виноградов (1888–1946)нинг энг машхур асарларидан бири — «Паганини қисмати» романи буюк скрипкачининг тақдири маҳорат билан акс эттирилган бадиий сўз намунаси.

А. Виноградов 1931 йилдан бир қанча тарихий романлари ва қиссаларини нашр эттиришни бошлади. Виноградовнинг асарлари китобхонлар орасида жуда тез оммалашиб кетди ва муаллифнинг ўлиmidан сўнг ҳам унинг асарлари тез-тез чоп этила бошлади.

«Замоннинг уч ранги» (1931), «Ака-ука Тургеневлар ҳақида қисса» (1932), «Қора консул» (1933), «Паганини қисмати» (1936), «Байрон» (1936), «Стендал ва унинг даври» (1938), «Малевицкийлар солномаси» (1943) асарлари ҳозирги замон ўқувчиси учун ҳам ўз жозибадорлиги билан ниҳоятда қизиқарлидир.

Тилшунослик билан шуғулланишни тадқиқотчи сифатида бошлаб, асосан француз адабиётини ўргангани боис ёзувчи ўз асарлари учун хориж манбаларидан жуда кўп муҳим ва қимматли маълумотларни тўплаган.

Волфганг Казак «XX асрдаги рус адабиёти сўз бойлиги»да унинг асарлари ҳақида шундай ёзганди: «Виноградовнинг романларига хос жиҳат бу — енгил баён, кифаларнинг уйғунлиги ва диалог (сухбат)ларнинг жонлилигидир. Мактублардан ва кундаликлардан келтириладиган жумлаларнинг ниҳоятда кўплиги аксари ҳолларда унинг нарсини оғирлаштириб юборади. Тарихий нуқтаи назардан эса унинг баёни ҳаддан ташқари ишончсиздир».

Бу борада шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, А. Виноградовнинг романлари ва қиссалари энг аввало бадиий асарлардир. Унинг ижоди намуналари ҳеч қачон тарихий аниқликка даъво қилган ҳам эмас. Шу жиҳатдан ёзувчининг асарларидаги тарихий маълумотлар аксари ҳолларда ҳақиқий воқеликдан фарқланиши, муаллиф томонидан

бадий тўқималар силсиласида талқин этилиши табиий ҳолдир.

«Паганини қисмати» романи муסיқачининг ҳаётини XVIII—XIX асрлар Оврўпасидаги, хусусан Италияда мавжуд ижтимоий, ҳарбий-сиёсий вазият ва айниқса, диний бошқарув муҳитида акс эттирган.

Никколонинг болалигини хароб қилган оиладаги оғир шароит охир-оқибат жамият томонидан қилинган тажовузларга, қувғинларга уланиб кетса-да, бутун умрини бетобликда ўтказган бу касалманд одамнинг метин иродасини букишга ожизлик қилди; уни умр бўйи таъқиб этиб келган ёвузликлар бу оққўнгил инсоннинг қалбидаги эзгулик чашмасини қурита олмади. Зотан, умри давомида фақатгина ғаразларга, ҳасадларга, ғазабларга нишон бўлиб келган бу даҳо энг ёвуз душманларига ҳам фақат яхшиликни раво қўриб яшади. Сотқин дўстларидан, хиёнаткор шогирдларидан, ҳасадгўй яқинларидан ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда ўзининг беғараз кўмагини аямади.

Мазкур асарнинг муаллифи бу даҳонинг фожеавий қисматини ҳаётий тасвирларда, ёрқин ифодаларда баён этиш асносида унинг руҳий оламини, маънавий дунёсини бор зиддиятлари билан, хато-камчиликлари билан кўрсатишга интилган. Барча замонлар ва маконлар скрипкачиси бўлмиш maestro Никколо Паганинини ШАХС ва ИНСОН сифатида қандай қабул қилмоқлик эса китобхоннинг ўз ихтиёрига ҳавола этилади.

*Алишер Саъдулла*

---

## Биринчи боб

### «ҚЎШ ҚИЁФАЛИ ИЛОҲ» ШАҲРИ

**З**амона зайли билан ер сиртида янги-янги йўллар бунёд бўлиб, қўхна замин юзига бирма-бир яна ва яна ажин чизиги тушган чоғларда қадим йўллар худди пешанада янги бурушиқ бўртгани янглиғ, қўхна шаклу шамойилларидан маҳрум бўлиб бораверадилар. Куррамиз мамлакатлари ўртасида мозий яратган йўллар ғаройиб ўзгаришларга учраб боради. Бирлари ўзининг ободлиги, кенглиги, ёқимли ғала-ғовурларга тўла гавжумлиги, елкасидаги тинимсиз ҳаракат ила кишини ҳайратга солади. Бошқалари узоқ вақт давомида ўз улугворлигини сақлай-сақлай, ниҳоят жон таслим этиб, йўқлик сукунатига чўмади. Тош қопламалар орасидан майсалар ниш уриб, охир-оқибат дов-дарахтлар жонли хужайраларининг қудратли оқими ила тошларни ёриб, юзага чиқади. Бу йўллар тепасидаги қушлар ва жониворлар қачонлардир шу ерлардан гичир аробалар қатнаб, инсон қадами ботиқ излар қолдирганини унутиб ҳам юборадилар. Асрларга мўлжалланган йўлларнинг кўпчилиги хануз ўз мустаҳкамлигини сақлаб турган бўлса-да, аллақачон улардан одам оёғи узилиб бўлган.

Катта тарих йўлларида ястанган шаҳарлар барча бу ўзгаришларнинг изларини ўзида намоён этади. Айримлари ўлиб боради, бошқалари мислсиз ва бетиним шовқин-суронга тўла ҳолда яшашда давом этаверади. Бирлари ўз теварак атрофини ямлаганича, маҳридаги кўчаларини эски чегаралар, қўрғонлар, сарҳадларнинг нарисига тортиб боради. Бошқалари эса қўшни дарахтзорлардан ва дала-лардан сочилган уруғларни ўз бағрига — емирилган тош йўлларига қабул қилиб олади. Ташландиқ кишлоқлардаги черковлар дарахтлар билан қопланади, қўнғироқларини чанг қоплаб, бонгнинг тилидан девори томон тортилган ўргимчак тўри офтоб нурларида кумушдай ялтирайди.

Шаҳарларнинг номланишлари ҳам тасодифий эмас. Ўзининг буюк даҳоси учун айбланган ва истеъдоди туфайли лаънатланган Паганини туғилган шаҳар ҳам ўзининг Генуя номини бежизга олган эмас. Ўрта асрларда бу шаҳар Janua деб аталарди. Лотинча Janua сўзи эшик деган маънони англатади. Бу шунчаки табақаси ошиқ-мошиқда очилиб-ёпиладиган эшик эмас, балки остона ва пойгоҳ маъносига, бутун ёруғ оламни одамзоднинг қулфлоғлиқ кулбасидан ажратиб турган эшикдир. Janua бу — фақатгина эшик эмас, бу — янги кунга чиқиш йўли, кечаги кундан эртанги тонгга олиб чиқувчи остона, бу — келажакка тикилган нигоҳ ва ўтмишга ташланган назар. Janua — уйларнинг остоналарини, шаҳарларнинг дарбозаларини кўриқловчи Рим маъбуди, у — ўтмиш билан келажак ўртасидаги чегарани белгилловчи қандайдир сирли ҳандасавий рўёнинг тимсолидирким, бу хилқатда келажак сари тортилган ришта ўргимчак тўри ипагининг кўланкасидан ҳам ингичкалашиб кетади.

Бу Рим маъбуди икки қиёфали мавжудот кўринишида ўз тимсолини топган. Унинг битта юзи олдинга қараган, иккинчиси эса ортга тикилган. Ваҳоланки, иккиси ҳам асли бир калланинг бўлакларидир.

Йилнинг биринчи ойи Януарий деб аталган. Қишнинг изғиринли, бўронли ва қаҳратон совуғида, яқинлашиб келаётган баҳорнинг рангин товушлари эшитилишни бошлаган он у эски йилнинг сўнгги лаҳзаларини тўсиб қолган.

Қачонлардир сайёрамиз бағрида улкан тухум шаклида ўралиб олган Ўрта Ер дурдона шаҳарларни тож қилиб бошига қўтарган эди. Узоқ Фарбда, Херкулес Устунларининг нарисидида Атлантика уммони ястанган. Юнонларнинг қадим афсоналари финикияликларнинг Херкулес Устунлари ортига қилган саёҳатлари ҳақида, Язоннинг олтин жунли терини топиш учун қилган сафари тўғрисида ҳикоя қилади. Афлотун ўзининг «Тимея»сида ва «Крития»сида қачонлардир Херкулес Устунлари ортида Атлантидага йўл бўлганлигини ёзган эди. Мамлакат денгиз қаърига фарқ бўлган. Ҳозирги Еримизнинг юзида қадимги халқларнинг қолдиқлари ҳали-ҳамон учраб туради. Архимед қум зарралари ҳақида ёзгани каби, Афлотун ҳам қадимги дунёлар тўғрисида, уларнинг пайдо бўлиши ва таназзули борасида ёзади. Кўҳна тамадун ютуқлари Херкулес

Устунлари билан якун топди. Шарққа — қуёш уйқудан бош қўтарадиган тарафга, Левантга томон йўл очган жасур денгизчилар Фарбга сари йўл олган сайёҳлардан кўра анча кўпроқ муваффақиятларга эришдилар. Ҳиндистон олтинларига эга бўлишни истовчиларнинг кўнгиллари ва Муқаддас Қуддуснинг ўчмас машғалаларини кўрмоқлик ишқида ёнганларнинг қалблари Машриқ сари ундайверарди. Ўша асрларнинг Генуяси эса Ўрта Ер шаҳарларининг бошидаги тож устига қўндирилган сартож, замин дарвозаларини очувчи калит эди.

Эски дунё дарвозаларини ёпишни ва Янги Дунёга йўл очишни мақсад қилган одам Генуядан чиқди — Генуяда Колумб таваллуд топди.

Америка олтини Оврўпани тўлдириб, Янги Ҳиндистон Левантнинг Кўҳна Ҳиндистонини сиқиб чиқарган чоғда Оврўпани Генуя дарвозалари орқали қадимий Машриққа олиб чиқувчи улкан йўлларнинг жони узилди.

XIV юз йилликда Генуя Кипрдан айрилди. Тўрт аср ўтиб, у Корсикадан ҳам маҳрум бўлди. Корсика — Генуянинг ороли эди. Уни фаранглар босиб олишди. Мана энди корсикалик зобит шимолдан Италия сари кетиб бормоқда. Бонапарт ва Массена Генуя томон юриш бошлаганлар. Шаҳар эса ўз эркини асраб қолишга интилади. Генуя Республикаси Бонапартнинг даврида ҳам ҳали мамлакат бошлиғини — дожни сайлаб қўяр, унинг қамровида маъмурий-ҳудудий бўлинмалар сифатида ҳамон ўн иккита гувернатория ва саккизта префектура мавжуд эди. Генуя киборлари Кичик Кенгашда шаҳарни бошқариб турардилар, бадавлат шаҳарликлар ва зодагонлар уч юз кишидан иборат Катта Шаҳар Кенгашини ташкил этгандилар...

## **Иккинчи боб**

### **ТАВАЛЛУД ҲАҚИДА АФСОНА**

Уйлар орқали бир кўчадан бошқа ёндош кўчага тўғри олиб ўтувчи йўлакнинг учта ифлос, чириган зинапояси Пассо ди Гатта Морадаги кулранг иморатга чиқади. Овозаларга кўра бир пайтлар шу зинапояда доя кампир қоқилиб тушган экан. Кампиршо йиқилаётиб, «ҳа, сени жин чалсин», деб юборганмиш; айни шу пайтда эшик



очилиб, ичкаридан эндигина дунёга келган Паганинининг бўғиқ чириллаган овози эшитилибди.

Бола тун бўйи ариллабди; чақалоқ эрталаб ҳам додлашдан тўхтамабди. У довул тўлқинлари худди замбарак гулдурраги каби гумбурлаб, Генуянинг ҳар икки соҳили ихотасига урилиб турган, тинмай жала ёғаётган мана шу нотинч тунда ўзини туғилишга мажбур этган ота-онасидан шикоят қилган каби тинмай йиғларди.

Паганини 1782 йилнинг 27 октябрь тунида дунёга келди.

### Учинчи боб

## ҚАШШОҚЛИК

Ўша йиллари Пассо ди Гатта Морадан салгина нарида дерзасининг ромлари қорайиб кетган, деворлари захдан доғ босган, моғордан кўкарган қадимий сувқлари тўкилиб тушган эски бир бино эътиборни тортарди. Бу — камбағаллар учун бошпана — «Albergo dei poveri» эди.

Кўлмакларда қоғоздан ёки ёғочдан ясалган қайиқчаларни оқизиш учун ана шу бинодан тўдалашиб чиққан ёхуд бақир-чақир ва тўс-тўполон билан кўча муштлашувларига киришиб кетган жулдур болалар орасида жағи олдинга туртиб турган, дўнгпешона, қоп-қора жингалак сочли ҳамда бурни ниҳоятда узун митти маймунчани пайқаш қийин эмасди. Шу бадбуруш башарадаги ақиқ рангли улкан кўзлар эса ғаройиб бир жозибаси билан ажралиб туради. Бениҳоя чиройли кўзлар бу кўллари узун, оёқлари кийшиқ, панжалари улкан, узун тирсаклариди узунчоқ бармоқлари осилиб турган болакайнинг бутун киёфасига номутаносиблиги билан кишини ҳайратга салади. Бу кўзлар дунёга қизиқиш билан чакнаб боққан вақтларда эса унинг юзлари текисланиб, ўзининг беўхшовлигини йўқотар эди. Аммо оний бу ёқимтойлик булутни бир лаҳзада эриб, бу жажжи одамча тишларини иршайтирганича, додлашни ва бўралатиб сўқинишни бошлар, ўртоқларига қўшилиб қўшни болаларга чанг солиб, уларнинг кўчадаги оқаваларда шиддат билан сузиб бораётган кемача ва қайиқчаларини олиб қўярди...

«Бошпана»нинг тор ва қоронғи дахлизларида улар беркинмачоқ ўйнашни одат қилган эдилар. Якшанба кунлари эса кекса бир ногирон қўшни кун ярмидан ўтганидан кейин маст бўлиб олиб, ҳассаси билан кампирини калтаклашини томоша қилишарди. Болақайлар зинанинг юқори майдончасига чиқиб оладилар: эшик тепасидаги чирк босган ойна оилавий можароларни кўришга имкон беради. Улар эҳтиёткорлик билан қашшоқлар ошиқ ўйнайдиган ҳужра эшиги олдига тўпланишиб, киморда ютқизганлар довни кўтарганлар билан муштлашув бошлайдиган дақиқаларни сабр билан кутишади. Муштларнинг қисирлаши ва синган курсиларнинг тарақ-туруқлари остида улар томошадан завқланган кўйи ҳар томонга тирақайлашади ҳамда ҳозир ота-оналарининг зуғумидан вақтинчаликкагина озод эканликларининг ташвишли ҳиссиёти билан уй-уйларига тарқалишади.

Дастлабки ларзалардан бири — узоқ давом этган дахшатли касаллик. Уч ҳафта давомида Никколо босинқираб, катидан<sup>1</sup> ирғиб туриб кетаверди; унинг оёқ-қўлларини боғлаб қўйишади, бошига муздай сувда сочиқ ҳўллаб босишади. Дард уни буткул ҳолдан тойдирди. Бола узоқ вақтгача ўз тенгқурлари тўдасидан ажралиб қолди. Онаси тикиб-ямаб, кир ювиб, дазмоллаб, бирор ёвғон пиширгунича, у соатлаб уд чалиб ўтиради. Никколо отасининг гитарасини чалишни ҳам биларди.

Никколо онасининг ғамхўрлиги остида ўсди. Катта акаси, Франческо, деярли ҳеч қачон уйда бўлмасди. У жаноб Антонионинг ёнига келиб турадиган чоллар билан доимо қандайдир махфий музокаралар юритарди. У Никколо учун бегона, ҳатто, ёкимсиз одам эди. Жаноб Антонио ҳам уйдан тобора кўпроқ ва узоқроқ вақтга чиқиб кетадиган бўлиб қолди. Бир куни Никколо тунда уйғониб кетиб, онасини михпарчин қилинган масиҳ тасвири маҳкамланган хоч қаршида кўрди, у астойдил ибодат қилаётганди. Отаси яна уйда йўқ. Онаси ўғлига қараб, унинг тўшаги ёнига келди ва деди:

— Ухла, болам, ухла, у ҳализамон келиб қолади, отанг шу яқин ўртада. У кимор ўйнайверади ва ютқазаверади: бизни бахтли қилиш умидида ғам-қайғу олиб келаверади...

---

<sup>1</sup> *Kam* — каравот.

Эртасига кундузи Антонио Паганини уйга қайтди. Болакай уд чалиб ўтирарди. У чолғуга шундай берилиб кетгандики, отасининг келганини ҳам сезгани йўқ. Антонио Паганини юзида табассум билан уни тингларди. Унинг ортида эшик ёнида онаси ҳам тўхтади. Бола чалиб бўлгач, отаси чапак чалиб юборди ва ўғлининг ёнига келиб, — чамаси, умрида биринчи марта бўлса керак, — ўзининг улкан кафтини унинг қора жингалак сочлари тўлқинланиб турган бошчасига қўйди. Митти маймунча тишлари саргайиб кетган катта жағини ланг очганича, ялтоқланиб ва қўрқа-писа юқорига — отасининг жаҳлдор юзига қаради.

— Фу, бадбашаралигингни қара! — деди кутилмаганда жаноб Антонио. Унинг юзидаги мулоим ифода ғойиб бўлди, сўнг хотинига ўгирилди. — Тереза, сен боргинда, тушлик таомга нима керак бўлса, ҳаммасидан сотиб олиб кел. Қорним оч. Шу бугун озгина кўнгилхушлик қилайлик.

У гитарасини қўлига олиб, ўғлининг рўпарасига ўтирди-да, бошини ликиллашиб қўйди:

— «Карманиола!»

Отаси яхши чалади, ўғил чўчинқираб, куйни такрорлашга ҳаракат қилади. Кейин эса Антонио Паганини тўсатдан торларни қаттиқ чертди-да, гитарани жойига қўйди; шахдам ва катта қадамлар билан ўрта хонага ўтди. У ердан эски бир скрипкани олиб чиқиб, боласига буюрди:

— Никколо, сен энди скрипка чалишни ўрганасан. Мен сендан мўъжиза яратаман, сен кўп пул ишлаб топасан. Бунинг нима эканини биласанми? Бу — қачонлардир Капуядаги Анна черковига дафн этилган аждодимизга тегишли бўлган скрипка. Менинг биржада бой берган ақчаларимни сен скрипка чалиб ўзимизга қайтаришинг керак. Бугун жуда яхши кун. Манави машинани кўрясанми? — отаси ёзув мизи<sup>1</sup> устида ётган картон жадвалларни кўрсатди. — Бу менинг ихтиройим, каминанинг кашфиёти. Ютуқларнинг сири менинг қўлимда. Оддийгина картон доирачалар чириллаб айланиб, менга омад тилсимини очиб беради...

<sup>1</sup> Миз — стол.

Шу пайт хонага қўлида савати билан Паганини хоним кириб келди.

— Нима қилай, Антонио, бораверайми?

— Бор, боравер, боравер. — У кассасидан бир тўп кредит билетларини чиқарди, энг кичик қийматли билетни ажратиб олиб, хотинига узатди. — Мана кўрдингми, Тереза, — деди у, — менинг ишларим юриша бошлади, фол очар машинам алдамайди. Энди мен ютуққа эга бўлиш учун қайси рақамли лотереяни сотиб олишни биламан!..

— Қара-я! — унинг гапини бўлди хотини. — Мени алдашнинг ҳечам кераги йўқ, сен қарта ўйнаётганингни жудаям яхши биламан...

— Ёлғон гапирма!.. — дўқ урди қария. — Бор, жўна бу ердан! Хоҳлаган жойингга даф бўл...

Скрипка чалишни ўрганишнинг биринчи сабоғи бошланди. Кичкина одамча отасининг сўзларини тушунишга қийналади. Отаси эса асабийлашиб, ўғлининг ҳар бир хатосига тарсаки билан жавоб қайтариб турибди. Кейин миз устидан узун тўртбурчак чизғични олиб, ўғли ҳар сафар янглишганида ўшани ишга сола бошлади. У енгил, сезилар-сезилмас зарбалар билан унинг тирсагига қонталаш қилиб уриб турарди. Тереза Паганини харидини қилиб қайтиб келган пайтда жаноб Антонио ғазабга тўлиб бўлганди. У болани қазноққа қамаб қўйиб, биринчи дарсни машқ қилишни буюрди.

Жаноб Антонио Паганини бир шиша шаробни хотини билан нўш қилиб ўтирган бир соат давомида қазноқдан қулоқни қулоқ бўлганига пушаймон қилдирувчи товушлар эшитилиб турди. Эр ўзининг пул ютуқлари билан мактанар экан, фаранги банкларни касодга учратиб, Францияни яхши, кимматли, жарангдор тангалар ўрнига кредит билетларига тўлдириб ташлаган Лоу афандини лаънатлашдан тўхтамасди. У фаранги савдогарлар билан тил бириктириб олган италиялик сармойдор пайчиларни ҳам қўшиб қарғади: «анави лаънатга учрагур фарангилар Парижнинг асосий қалъасини истило қилиб, қиролни зиндонга тикқан, Худони ва муқаддас черковни инкор этган» ўша машъум кунда денгизда илгариги довулларга ҳечам ўхшамайдиган тўфон уфуришни бошлади... Аммо ҳали ҳеч бир бўрон денгиз савдо-сотифига фаранги авомнинг исёничалик кўп зарар етказган эмасди. Англияликлар фа-

ранг савдо кемаларига тажовуз қилишмоқда. Франциянинг тужжорлари эса италияликларга ўз мажбуриятлари бўйича қарзларини тўламай қўйишди, биржалар таназзулга юз тутди. Франциялик қора халқ қўзғолонга қўтарилган айни пайтда ҳалол кекса даллол Антонио Паганини ахир қайси гуноҳлари учун азият чекиши керак экан?

— Балоба йўлиққур ўша йўқсиллар найзаларига одам калласини санчиб олиб, қизил қалпоқларни кийиб, кўчалардан ўтиб бораётганида Генуямизнинг «Карманиола»сини куйлаяпти! Бизнинг генуяча дилбар ашулаларимизни бадном қилишдан уялсалар бўларди!..

Қари Паганинининг тобора тили тутила бошлади. Антонио энди янада кўпроқ сўқинарди. У аслзодаларнинг номуссизлиги, савдогарларнинг хонавайронлиги ҳақида гапира туриб, ҳаммани баравар айбларди. Бир пайт ўзининг лотерея машинасини макташга тушиб кетди. У энди ўзининг ҳамсуҳбати жим бўлиб қолганига ҳам эътибор бермай қўйганди. Унинг юзида зоҳир аламли изтиробга ҳам бепарво бўлиб қолди. Мақтана туриб, миз устига мушт тушириб қолди:

— Вой, иблислар тўдасига дуч келгур-эй! Боланинг чалишини эшитяпсанми? Ундан бир нима чиқади!..

Шундагина Тереза болакайнинг эндигина касалдан турганини, бунчалик узоқ ва кучли зўриқиш гўдакнинг саломатлиги учун хавфли экани ва у хали тушлик ҳам қилмаганини эслатишга журъат этди. Жаноб Антонио қаҳр билан унинг сўзини бўлди:

— Биринчи машқни беҳато чалишни ўрганмагунича хеч нарса емайди...

## **Тўртинчи боб**

### **УРУШ**

«Бошпана»дагилар ғалати нарсаларни гапира бошлашди. Францияликлар Париж шаҳридаги катта майдонда бир супа ўрнатишганмиш; супа устига иккита ёнма-ён устун тиклаб қўйишибди, устунларнинг ўйиғига эса икковининг ўртасидан катта пўлат учбурчак жойлаштирибдилар. Ўша темир матоҳ ўйиқдан пастга қўйиб юборилиб, ўткир томони билан кундага тушириларкан. Хуллас,

фарангилар бир пайтлар миланлик қассоблар кушхонада буқаларни ўлдиргандақа «милан машинаси»ни ясашибди. Бу сафар улар одам калласини узадиган машина ясашган. Хуллас, қиролни хибсда сақлаб турилган минорасидан олиб чиқишибди, уни ўша машина остига ётқизишибди ва оғир пўлат учбурчакни юқоридан ташлашибди. Кейин эса танасидан жудо бўлган бошни сочидан кўтариб, майдонга тўпланган паришликларга кўрсатишибди ва шундай дейишибди: «Мана бу — Франциянинг ҳақиқий қироли».

Никколо оғиздан-оғизга кўчиб юрган бу миш-мишларни ҳайрат билан тингларди. Айтишларича, ўша қирол ёвуз ва ўз халқининг хоини бўлган экан; унинг қатл этилиши — ўз мамлакатига қарши содир этган жиноятлари учун адолатли жазо бўлибди. Эмишки, у Францияни ўт ва қилич воситасида хонавайрон қилиш учун хорижий кўшинларни ёллаганмиш. Одамлар Франция қишлоқларидаги даҳшатли ёнғинлар борасида, фаранги авомнинг оч-яланғочлиги ҳақида, кўшни подшоликлар Людовик XVI ни халос этиш учун бирлашганлари ва энди улар қўзғолон кўтарган франция халқига қарши урушаётганликлари тўғрисида гапиришмоқда эди.

— ... Эшитдингизми? Фарангилар бизнинг «Карманиола» мизни мадҳия қилиб қуйлашаётганмиш...

... Кичкина Паганини энди чолғуни анча яхши чалаётганди. У ноталарга қараб чалишни ҳам ўзлаштириб олди. Қари отаси йўқ пайтларда эса ўзи ҳам қисқа-қисқа мусикий асарларни ижод қила бошлади. У францияликларнинг байроқлар тўлқини остида, қизил қалпоқлар кийиб Париж қалъасини ишғол қилиш учун бораётганларини ўзича тасаввур қиларди. «Бастиа, Бастилло», — митти Паганини сўз ва қуйни эслашга ҳаракат қилар ва шуурида тўсатдан туғилган оҳангларни у эски, ўзига ниҳоятда катталик қиладиган скрипкасида ифодалашга интиларди. Унинг «Карманиола»си жонли, оҳангдор чиқди. Бу энди бутунлай бошқа «Карманиола», буткул бошқа кўшиқ эди. Жажжи Паганини отасининг уйда йўқлигидан фойдаланиб, биринчи марта шу кўшиғи билан уйдан чиқди. Худди ўз ўлжасини маҳкам ушлаб олган овчи каби скрипкасини қучоқлаб, шу кўшиғи билан «Бошпана»нинг ним қоронғи даҳлизига кириб келди. У илк бор кўпчилик бўлиб тўпланган тингловчилар

қаршисида чолғу чала бошлади. Кутилмаганда скрипкасининг оҳангига катта кишиларнинг хиргойилари жўр бўла бошлагач, болакай қалбида ўзгача бир ғурурни хис этди. «Бошпана»да унинг атрофини ўраб олган эркаклар ва аёллар «Карманиола»ни ўзгача бир мақомда куйлашаётгандики, бунга Никколонинг скрипкасидан таралаётган тантанавор оҳангларга бой садо сабаб эди.

Генуя узра қуёш ҳамон ёрқин нур сочиб турарди. Денгиз тўлкинлари Дарсена Реаледа соҳилнинг тош ихоталарига бош урган қўйи, аввалгидай майин куйлайди, шаҳар боғидаги дарахтлар худди кечагидай бир маромда силкиниб турибди, қабристондаги улкан мрамор ёдгорликлар офтоб нурлари остида илгаригидай осуда, мағрур тарзда Генуя киборларининг эски қабрларини қўриқлаш билан банд.

Мухташам саройларнинг томларини қўпориб ўтаётган тўфон шимолдан жанубга, ғарбдан шарққа томон шиддат билан келаётганини, бугун бўлмаса эртага Генуянинг тиниқ осмони қора булутлар билан қопланишини ҳозирча шаҳар кенгаши аъзоларидан бошқа ҳеч ким билмасди. Аллақайси тоғлардами-ей, Ғарбий Алплар бағридами, ишқилиб, қайсидир тоғ дараларида қизил-кўк-оқ ҳарбий либос кийган ҳарбийлар пайдо бўлганлиги, Кастел Франко тарафга — Бард қалъаси томон бораётган отлик қўшин бошида уч рангли байроқлар хилпирай бошлагани ҳақида узунқулоқ гаплар юриб қолди. Аммо булар ҳозирча шунчаки миш-мишлар эди, холос. Омадли ва бахтли қуръа маъносини англатувчи италияча исм-шариф одамларнинг оғзидан тушмай қолди. Бундай насаб эгасининг тақдири хайрли бўлиши ҳақида гапиришар эди. Буонапарте — «омадли тақдир», — шимолдан жанубга томон исёнчиларнинг беҳисоб лашкарини бошлаб бораётган кишини шундай аташарди.

— Улар ўзи кимлар? — Ўзича фикр юритади кекса Паганини тамадди пайтида. — У — корсикалик оддий ишчининг ўғли. Генерал мундирини кийишга қандай журъат этибди бу ҳароми? У ҳатто франциялик аслзода ҳам эмас-ку?! Ахир бунақалар Австрия қиролининг мунтазам қўшинига бас кела олармиди?.. Охирзамон яқинлашиб қолди, — хулоса қилади у тўртинчи шишани ҳам бўшатиб бўлгач. — Тез орада қочишга ҳам жой тополмай қолади.

Генуя биржаси яна икки марта очилди. Жаноб Паганини ҳар икки гал ҳам катта миқдордаги ютуқларни санаб олди. Қарта ўйинида ҳам унинг омади келди, шубҳали лотерея найрангларида ҳам иши роса бароридан келди. Қўшнилари лотерея рақамларининг топилишида шайтоннинг қўли борлигини, лотерея машинасининг гилдиракчалари олтин мойи билан ёллангани ҳақида шивирлаша бошладилар... Худди эртақдагидай чолнинг омади чопди.

Айни киши эшик қоқиб кела бошлаган маҳал Генуя қўчаларида ташвишли хабарлар тарқалди; Фарбдан — Ниццадан фаранг қўшинларининг юриш бошлагани ҳақида энди очиқчасига гапиришаётганди. Паганини атрофида юз бераётган ишларни гўё кўрмасди ҳам, эшитмасди ҳам. У лотерея ўйинларининг мураккаб таомилларига боши билан шўнғиб кетганди. Ҳар турли картон доирачалардан, ёғоч тагликлар, пўлат игналар, миллар, кўрсаткичлардан таркиб топган ҳисоблаб фол очиш машинаси энди илгаригидай чолнинг эътиборини тортмай қўйганди. Ускуна бир бурчакда чанг босиб ётар, мушуклар эса уни заруратдан булғаб ташлаганди. Энди тунги телбавор ҳисоб-китобларга ҳам ҳожат қолмаганди. Пўлат милларнинг картон устида худди сичқон қитирлатаётгандай шитирлашлари ҳам барҳам топди. Энди фақат соат миллари Паганини жанобларига хизмат қилмоқда. Вақт ҳам энди унинг фойдасига ишляпти.

Паганини тасодиф оқида сузиб борарди. Уни вақт дарёси оқизиб кетмоқда. Бу дарёнинг сувлари лойқаланиб кетган, Генуя шаҳрининг кекса даллоли унда йирик балиқларни овлаш билан банд эди.

Шимолда эса ахвол чатоқ. Шаҳарлардаги барқарор ва нуфузли корхоналар тангликка учраган. Кемалар денгизга чиқмай қўйган. Англиянинг «ҳарбий қароқчи»лари Ўрта Денгизда ҳукмронлик қилмоқдалар. Генуядаги банкдорлик уйларидан бирининг эгалари бўлмиш Романелли ва Спиро эрта тонгда Антонио Паганинини ўз ҳузурларига чақиртирдилар. Улар генерал Бонапартнинг даъват варақасини ўқиб бердилар:

«Аскарлар, сиз оч-наҳор турмуш кечирдингиз, ҳаммангиз яланғочсизлар. Республика ҳукумати ҳаммаси учун сизнинг олдингизда қарздор, аммо сизлар учун ҳеч нарса



қилгани йўқ. Сабр-тоқатингиз, мардонавор жасоратингиз сизнинг шаънингиздир. Аммо бу хислатлардан сиз ўзингиз учун шухрат ҳам, манфаат ҳам топа олмайсиз. Шу боис мен сизларни тоғ-тошлар орасидан дунёнинг энг серҳосил водийсига олиб чиқишга қарор қилдим. Қаршингизда улкан шаҳарларга олиб борувчи кенг йўллар очилади, сиз гўзал музофотларни, янги мамлакатларни ўз кўзларингиз билан кўрасиз. Сизларни у ерларда обрў-эътибор, шон-шараф, мол-давлат кутмоқда».

— Қаранг-а! — хитоб қилди банкдор Спиро кўк рангли варақани Паганинининг тумшуғи олдида асабий сил-китганича. — Сенинча, шу тўпори аскар ўзи Ниццадан эргаштириб келаётган қароқчилар қўшинига берган барча ваъдаларининг устидан чиқяптими? — Ва ўз саволига ўзи жавоб қилди. — Ҳа! У шаҳарларни шип-шийдам қилиб талайпти ва аҳолига шунақанги ўлпонларни соляптики, уни тўлашдан кўра ўлиш осонроқ!

— Биз банкни ёпишга қарор қилдик, — гапти давом эттирди банкдорнинг шериги Антонио Паганинига мурожаат қилиб. — Сенга, бизнинг садоқатли ёрдамчимизга шарафли бир юмушни таклиф этмоқчимиз: сен шимолга йўл оласан ва ўзинг билан баъзи юкларни олиб кетасан. Бу — бизнинг хужжатларимиз, гаров хатлари, векселлар, тилхат, акция, облигацияларимиз солинган халталар бўлади. Биз нақд пулларни олиб чиқмоқчи эмасмиз. Банкимизни ёпамиз-у, ўзимиз вақтинча Генуядан узокроққа жўнаб кетамиз. Сен эса Кремонага корхонамизнинг юрагини ва руҳини олиб борасан.

Антонио узоқ вақт сукут сақлаб турди. Унинг юзи тобора ғамга ва қайғуга ботиб борди. У қовоғини очмаган бир алпозда кўзгу оркали суҳбатдошларининг юз ифодаларидаги ўзгаришларни кузатиб турди ва ниҳоят бошини кўтарди. Унинг кўзларида сохта қўрқув зоҳир эди. Банкдорларнинг юзларида саросималик пайдо бўлди.

— Биз сенга энг йирик битимларимизни ишониб топшириб келганмиз, банкнинг денгизчилик билан алоқадор барча ишларида воситачи бўлгансан. Биз учун бажарадиган эндиги хизматингни олдиндан қай йўсинда тақдирлашимизни истайсан?

Романелли кўп ортиқча гапириб юборди. Спиро тўсатдан қовоғини солиб, гапнинг лўндасини айтиб қўяқолди:

— Жаноб Паганини, агар бу иш сенга оғирлик қилса, вазифани ўз укамга топширишим ҳам мумкин — у шундок ҳам шимолга кетмоқчи бўлиб турганди.

Кекса даллол энди уларнинг попугини пасайтириб қўйишга қарор қилди. У ака-укаларнинг ўртасидаги муносабатдан яхши хабардор эди. У биродарларни ёвлаштириб қўйган кирдикор тафсилотини ҳам яхши биларди. Спиро ўзи билан иниси ўртасидаги ишга Австрия полициясининг аралашувини истамаслигига сабаб асло қондошлик туйғуси эмасди, шу боис у ўша можарони дарҳол бости-бости қилиб юборганди.

Паганини уларга бироз тикилиб турди-да, башарасига янаям қайғули тус бериб, шундай деди:

— Мухтарам афандилар, менинг хотиним, бола-чақам бор, уларни тақдир ҳукмига ташлаб қўёлмайман, ахир. Агар кадрдон шахримни тарк этадиган бўлсам, мен албатта улар билан бирга кетишим лозим. Яхши ароба сотиб олишим керак бўлади, йўлда отларни ҳеч қандай монеликсиз алмаштириш учун эса, бошқа йўловчилардан кўра кўпроқ ҳақ тўлашимга ҳам тўғри келади; айни вақтда мен йўлда ўзимни сафарга чиққан камбағал хунарманд қилиб кўрсатишим шарт. Шундай қилинса адолатдан бўлади десам, эътироз билдирмасиз, деб умид қиламан, чунки сизлар менга топшираётган юмушни бажариш — аждарнинг жигилдонига сакраш билан баробар.

Орага сукунат чўкди.

Жаноб Спиронинг шахсан ўзи минг бир азоб билан беш минг лира нархга розилик бергунига қадар бу машина роса уч марта такрорланди. Паганини қалпоғини қўлига олиб, ўрнидан турди ва деди:

— Жаноблар, узр, мени оилам кутяпти, энди кетишимга ижозат берсангизлар. Ишонтириб айтаманки, сизга чин дилимдан...

Романелли уни кескин қўл ҳаракати билан тўхтатди:

— Бунча ўзингни тарозига солмасанг! Оилангни қаноатлантирадиган бирор рақамни айт-қўй-да. Хотин, бола-чақангни олиб кетиш сенга нега керак бўлиб қолди ўзи?

— Йўқ, афандилар, мени маъзур тутинг...

Паганини эшик томонга йўналди. Жаноб Спиро дарҳол банк дафтарлари турган жавон ёнига ўтиб, унинг йўлини

тўсди. Жавондан семиз бир дафтарни олди-да, эшик олдида оёғини кериб, зорланди:

— Мана буни кўр, қайсар одам, биз салкам касодга учраб турган бўлсак, нима ҳам қила олардик?

— Мен сизни баттар хонавайрон қилмоқчи эмасман, жаноблар, — деди Паганини. — Камина ҳам сўнгги пайтларда машаққатли меҳнатим билан ишлаб топган сариқ чақаларим ҳисобига тирикчилик қилиб юрибман.

— Ўзинг айт, ахир, сенга нима қилиб беришимиз мумкин?

Шундан сўнггина Паганини бошини ҳам қилганича, тилга кирди:

— Марҳаматли афандилар банкнинг денгизчилик билан боғлиқ амалиётларини қайта тиклаганларидан сўнг, фойдадан фойзаларини камина билан баҳам қўрадилар. Мен Кремонага олиб борадиган хужжатлар қаторига, илтифотли афандилар каминани банк даромадларига шерик этувчи мажбуриятномани қўшиб қўйишдай саховатпешаликни ўзларига раво қўрсалар ва кетар куним эса йигирма минг лира нақд пул тақдим этсалар, шугина кифоя.

### **Бешинчи боб**

## **МАШАҚҚАТ ЙЎЛЛАРИ**

Италиянинг шимолидаги Кремона шаҳрида жаноб Паоло Страдивари умргузаронлик қиларди. Ҳикоямизда баён этилаётган ўша кунларда у хар куни дафтарига кундалик ходисаларни ёзиб борар ва жумладан қуйидагиларни қайд этганди:

«Савойя, Ницца; Алессандрия, Кони қалъалари; Суза, Бунетта, Экзилля истехкомлари ишғол этилди ва вайрон қилинди. Франциялик аллақандай зоти нотайин генерал, ярамас бир муттаҳам Мантуяни — энг мустимаҳкам қалъани тўрт тарафидан қуршаб олди... Милан шаҳри фаранг лашкари томонидан эгаллаб олинди. Шаҳар дарвозасига лавҳа илиб қўйишди:

«Шавкатли Франция қурол-аслаҳасига шон-шарафлар!».

Рангдор қўйлақлар кийган хотинлар ва байрамона калта камзул кийиб олган эркаклар францияликларни қўшиқлар

билан ва шодон хайқириқлар билан кутиб олмоқдалар. Зобитлар устидан гуллар сочадилар, замбаракларни чечаклар билан ва ток барглари билан безатадилар. Австрия салтанатининг миршаблари шимолга қараб қочганлар; рухонийлар ваҳимада шаҳарларни тарк этмоқдалар, буларнинг барчаси — католик этиқодини бекор қилган ва мазҳаб черковларини ёпаётган корсикалик босқинчининг беаёв таъйиқи остида юз бермоқда. Парма ҳерцоги биргина ярашув аҳдномаси учун икки миллион тўлашга мажбур бўлди. У ўз сувратхонасидаги йигирмата энг яхши сувратларни, Парма отхонасидаги энг зотдор отларни топширди ва Пармани озик-овқатсиз қолдирди. Модена ҳерцоги сулҳ эвазига ўн миллион пул ва ўз саройидаги барча сувратларни ҳамда хайкалларни берди. Наполи қироли кўрққанидан ўз қўшинларини чақиртириб олди, ҳатто Римнинг олий рутба рухонийси ўша талончига йигирма бир миллион нақдина тўлади. У яна Ватиканнинг юзта энг гўзал расмларини босқинчининг қўлига топширди; ўзи эса Болониядан Феррарага жўнаб кетди, Анкона шаҳрини кўрқоқларча фаранг қўшинини қабул қилиб олишга даъват этиб дуо қилиб қўйгач, Феррарадан янаям узокроққа кетди-ворди. Ҳатто бизнинг Ломбардиямиз ҳам йигирма миллионлик хирожни тўлашга мажбур этилди. Буёғига нима бўларкин? Бу ваҳший ёвузга кимлар йўлдошлик қилмоқда? — Бири аллақандай Мюрат — шаробхоначининг ўғли, бириси — қандайдир зоти бетайин Массена, яна аллақанақа насли нотаин Ожеро. Ораларида бирорта насабдор аслзода, бирорта зодагон йўқ. Ха-я, биттагина барон унвонли полк қўмондони — Марбо дегани бор».

1797 йилнинг 27 декабрида фаранг генерали Дюфо Рим аҳолиси билан ўз аскарлари ўртасидаги кўча жангларига аралашиб қолади ва ажаловар жароҳат олади. 1798 йилнинг 10 феввалида Рим деворлари остида ўн саккиз минг кишилик лашкари билан Бертйе дегани пайдо бўлиб қолди. Орадан беш кун ўтиб, дунё бошкенти, қачонлардир Ийсо Масихнинг ҳаворий ноиби ташриф буюрган Бокий шаҳар тўсатдан ўзини Рим республикаси деб эълон қилиб қолди-ю, Франция лашкари мусиқа садоси ва туғлар остида Римга кириб келди. Фаранг генерали Дюфонинг хоки дунё тарихидаги энг буюк эрлар дафн этилган Капитолийга қўмилди. Римнинг олий

рутбали рухонийси — ҳазрат Пий VIII эса асир сифатида оддий аробада, фаранги зобитлар Миолис ва Раде кузатувида Валансга олиб кетилди.

Генуяда очарчилик бошланди. Генерал Массена ва унинг садоқатли ёрдамчиси Марбо аскарларни ёпишқоқ сули бўтқаси билан боқа бошлашди. Якшанба кунлари тансиқ таом сифатида нишаста<sup>1</sup> ва ловия беришарди. Аталага майдаланган эски чарм жилдларнинг қийқимини қўшиб қайнатишни бошладилар. Ҳар куни шу аҳвол, ойлар ҳам шундай ўта бошлади. Францияликлар оч эди. Шимолдан озик-овқат келиши ёмонлашди. Марселдан юборилган фаранг уловлари йўлда талонга учраётганди. Уфқда янги ва янги оқ нуқталар пайдо бўла бошлади. Кунботар томонда баҳайбат кемаларнинг улкан елканлари оқариб кўринади. Кемалар лангар ташлай бошлади ва узун тўсиқ бўлиб, бутун уфқни бирлаштириб, денгиз кенгликларини хошиялаб олди. Фаранг соқчилари жиғали қалпоқ ва дубулғаларини ярақлатганларича соҳил бўйлаб қўриқчилик қиладилар. Кўча болалари аскарларнинг озғин, қилтириқ таналарида увада хоскийимларнинг осилиб туришидан куладилар: Париж милициясининг миллий муҳофизлиги мундирлари конвент хоскийими билан аралаш-қуралаш қийилиб, унинг устидан эса роҳибларнинг жуббасини сафар ёпинчиғи кўринишида қайта тикиб олиб, ёпинишган.

Фаранг соқчилари аҳолини соҳил томонга ўтказмайдилар. Дамба охирида қўриқлаш тўсиқлари қўйилган. Генуя савдогарларининг мусодара қилинган кемалари Франция ҳарбий хизмати учун мослаштириб олинган. Франция қўмондонлиги уфқ ортидан ташвиш билан аҳволни кузатиб турибди. Кемаларнинг елкан устунларидан ҳосил бўлган ёғочлар ўрмони, енгил кемалар ҳамда соқчи кемалар улкан мунтазам ҳарбий кемалар билан ўрин алмашди. Бу ерда жуда қудратли куч — инглиз адмирал Кейснинг эскадраси тўпланаётганди. Соҳилдаги ихота мрамартошлар устига тўфанлар ўрнатилди; гилдираклари ечиб олинган мис замбараклар ва тўпларнинг ағдарилган тагдастгоҳлари шу ернинг ўзида ётибди. Тўптошлар, бомбардлар, калта қувурли замбараклар, ўтқукун қутилари — ҳаммаси тартибсиз ҳолда кирғокни қоплаб ётибди.

<sup>1</sup> *Нишаста* — крахмал

Генерал Массена аллақачон шимолга кетган бўлиши лозим эди, аммо инглизлар ишғолчи бўлинмаларини ташлаб қолишидан хавотирланиб, бу шаҳарни ташлаб чиқиб кета олмаётганди: зеро, бу ерда оч аҳоли энг охириги кабутарларни ва қарғаларни ҳам еб битирган, ит ва мушукларнинг қўчаларда одам кўзига тушиши ҳам хавфли бўлиб қолган, фаранг аскарлари аллақачон балиқчиларга айланиб бўлган ҳамда соҳил бўйи аҳолисининг тўрларини тортиб олиб, қайиқларда балиқ илинжида дамбанинг сўнги ғовларидан ҳам нарирокқа ўтиб кетаётган эдилар...

Олислардан тўпларнинг гумбури эшитилиб турган, денгизнинг Лигурияга яқин соҳилларида елканлар титилиб кетаётган, кема саҳнлари алангаланиб, елкан тўсинлари парча-парча бўлиб тўзиётган, қорли тоғ дараларида гулханлар ёқилаётган, тоғ ёнбағирларида эса қўлларидаги милтиқларини баланд кўтарган одамлар тўда-тўда бўлишиб, ҳайқириб югуриб юрган мана шу кунларда Комо, Бергамо, Пескьеро орқали эшиклари чириган, ойналари синган эски, шалоғи чикқан хос ароба ўтиб бормоқда эди. Унинг ичида шамол урмаслиги учун қалин ўраниб олган эркак, аёл ва болакай ўтиришарди. Унинг томида каттакон бўғча-тугунлар боғлаб қўйилган. Ароба эгаси ва аравакашлар хуштак чалиб, қамчинларини қарсиллатганларича ориқ қирчанғиларни қистайдилар. Ароба ҳар дақиқада йўл бўйлаб яёв юриб келаётган одамларга рўпара келиб тўхташга мажбур бўларди. Павияга ва Пйаченцага олиб борувчи йўлни фаранг ҳарбий бўлинмалари эгаллаб олганини йўловчилардан эшитиб билишди. Сўнг жанубга кескин бурилишди. Кремона йўли жуда машаққатли эди, шу боис айланма йўлларга қайрилишга тўғри келарди. Франция лашкарининг тўплари йўлларни ўйдим-чуқур қилиб ташлаганди, фаранги замбараклар ўтган жой борки, филдираклар залворидан шудгор бўлиб кетган.

Саёхатчилар ўзларини жаноб Паганинилар деб танитишмасди. Бу — қашшоқ, урушдан ваҳимага тушган, соҳил бўйидан Италия шимолидаги ўз қадрдон шахрига қайтаётган оддий сартарош оиласи эди. Тунаш учун кичик, ифлос қўноқхоналарни танлашарди. Кийимларини ечмасдан ухлашар, қари Паганини тинмай минғирлаб, Лигуриядан қочишга даъват қилиб, оёқ тираб туриб олгани учун хотинини койигани койиган. Аввалига буни

одамлардан сафарларининг асосий мақсадини яшириш учун, томоша сифатида жўртага қилаётганди. Кейин эса шу машмашага мазаҳўрак бўлиб қолди.

Йўл тобора юқорилаб бормоқда. Соя-салқин, ям-яшил файзли боғлар; ер бағирлаб ўсган тоқзорлар тоғ этакларини буткул қоплаган, уларнинг тўқ зангор барглари орасидан олтинранг шингиллар ийманибгина мўралайди. Офтобда тобланиб ўсаётган пўртаҳол, лиму дарахтлари тез-тез лолазорлар билан, кимсасиз кулранг зайтунзорлар билан алмашина бошлади; бепоён кенгликларда қуёш нурларини эмган барглardan шаффоф бир зангор ёғду таралаётгандай туюлади. Шаҳарга кираверишда хос аробанинг ўқи синиб кетди. Аробани тузатгунларича шу ерда уч кун яшаб туришларига тўғри келди. Бу биринчи катта ҳордиқ бўлди. Йўл азоблари ва нўш этилган бир чирпит шаробнинг кучи билан жаноб Паганини пинакка кетди-ю, йигирма саккиз соат тарракдай қотиб ухлади.

... Кичкина Паганини каптархонага чиқди-да, ғилоф ичидан скрипкасини чиқарди. У ноталарни очиб ўтирмасдан, камончани қўлига олди. Онаси қўч-қўронларини қўриқлаб ўтирибди, отаси маст уйқуда. Пастда, устахонада кекса темирчи ўчоғини пуфлаш билан овора. Бир дақиқагина олдин Никколо кўзгу олдида башарасини буриштириб, тилини чиқариб, масхарабозлик қилиб ўтирар, скрипка чалишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Тўсатдан эса у йўлда қулоғига чалинган, тасодифан инган турли товушлардан олган таассуротларини ўз-ўзи билан баҳам кўргиси, барқ уриб ўсаётган табиат яшилликларини бола-ларча туйғу билан куйга солгиси келди.

Кўлдан қайтаётган балиқчилар жойларида тўхтаб, скрипка навосини тинглай бошладилар. Орадан бир соат вақт ўтиб кетди, болакай токи деразадан бир оломон шаҳарликларни, тўрларини кўтариб олган балиқчиларни, милтиқ ушлаган овчиларни кўриб қолгунига қадар созини чалаверди. У чалишдан тўхтади, скрипкани жойига қўйди ва эҳтиётлик билан зинадан пастга туша бошлади...

...Йўл яна ва яна юқорига ўрлайди. Йўлда от топиш тобора қийинлашиб боради. Қари дирдов қирчанғилар катта, кенг хос аробани базўр тортиб бормоқдалар. Орада тез-тез тўхтаб, йўлларида учраган ҳар бир қишлоқда отларни ҳатто эгар-жабдукларидан бўшатмасдан, жони-

ворларга дам беришга тўғри келарди. Никколо учун эса бу тўхташлар катта мусибат эди. Кекса Паганини гўё тўсатдан қутуриш касалига чалинган телба каби, ўғлидан ҳар бир қўнимгоҳда соз чалишни талаб қилишга бошладди. У ўғлини тунлари уйқудан уйғотиб, соатлаб куй ижро этишга мажбур этарди. Чарчаб, ҳолдан тойган скрипкачи қўлидаги камончасини тушириб юборса, отаси уни тепибтепиб уйқусини қочирар эди.

Сафарнинг тўрт ҳафтаси шу алпозда ўтди. Болакай оёғида зўрға турарди. Ёмғир остида, елвизак шамолларда у қаттиқ шамоллаб, қон қусиб йўтала бошлади. Аммо отаси шунга ҳам қарамасдан, уни беаёв калтаклайверди. Парда босишда янглишса, маромда адашса, куйни сал бўшроқ чалса — ҳар бири учун жазо муқаррар. Узум ва қайнатилган гуруч ошхона мизининг нариги бурчагига суриб қўйилади. Бола тансиқ таомни узокдан томоша қила оларди, холос. У ҳолдан тойғунича камонча тортишга мажбур эди. Шундай пайтларда тақсимчадаги бир лукмагина гуруч унинг кўзига баланд қорли тоғ бўлиб кўриниб кетарди. Тиззалари чалишади, даҳани оғирлашиб, бошини скрипка устига қўяди, болакайни безгак тутиб, бармоқлари парда устида шиддат билан югура бошлайди. Бу ерлар илик, нурафшон, қуёшдан ёлқинланган Ломбардия водийсига сираям ўхшамайди! У ерда ҳароратли бас товушлари боланинг илик, қудратли зангор дарахтзорлардан олган таассуротлари ифодаси сифатида янграрди; бу ерда эса — қорли далалар, баланд тоғ ва абадий музликлар орасида ногоҳ кўзга ташланиб қоладиган сийрак ўрмонлар. Ҳаммаёқ қор, фақат тоғ чўккиларидагина бўладиган мовий ранг, йирик донатор қорчаларнинг совуқ учқунлари парвозда нозик, кумушвор жаранги мисоли шантрел торининг тиниқ оҳанглирига сингиб кетади. Скрипканинг шантрел торидан куй таралади; у соф, баланд оҳангларда қорли чўккиларнинг садоларини сочади...

Отаси кўчага чиқиб кетган пайтларда митти Паганини озиқ-овқат солинган саватнинг қопқоғи тортиб боғланган қайишни эҳтиётлик билан ечар, кейин эса яширинча уйдан ташқарига қочиб қоларди. У тоғ этаклари бўйлаб югуриб юраркан, кампирлардан бир бўлаккина қўй пишлоғи ёки озгина эчки сути беришларини тиланарди. Бола силласи



қуриган, тошларнинг ўткир қирраларидан ҳаммаёғи тирналган бир ахволда отаси излаб тополмайдиган энг овлок жойларга яширишиб олади. Офтоб нурларидан илиқлик олган дарахт шохларида уйқуга кетар экан, ўзи учун азобли қийноққа айланган скрипкага лаънатлар ўқийди.

Генуянинг эски қамоқхонасида болакай маҳкумларга кийдириладиган ёғоч қўнж ҳамда кўринишидан скрипканинг қорнини эслатувчи тахтакач кишанларни кўрганди. «Испан этиги» деб ном олган шундай матоҳлар билан жиноятчининг оёғини чўзиб қийноққа солганлар. Скрипка ҳам шу норасиданинг қўллари, юраги ва мияси учун ана ўшанақа қийноқ қуролига айланганди. Тирсақлари ва елкалари зирқирайди, қўлчалари камонни ушлаб туролмайди, чап қўли соз дастасини қўйиб юборади; улкан скрипка шолчанинг устига даранглаб тушади. Бу ҳам майли-я, ўз отасининг «мохирона» чимдиб ўймалашларидан қолган қонталашлар, кўкаришлар ҳафтalar давомида ачишиб азобларди. Қўллари, оёқлари, юзлари, бўйни — ҳаммаси қонталашиб ётарди. Онаси дадасининг оёқлари остига йиқилиб, гўдакка раҳм қилишини сўрайди, аммо унинг илтижолари эрининг қаҳрини баттар зўрайтиради, холос. Кекса Паганинининг қайсарлигини ҳеч нарса синдира олмасди.

— Мен сендан фаройиб мўъжиза яратаман, лаънати маймун!.. Сен барибир иблиснинг маҳрига тушгансан. Энди буёғига ё ўлиб кетишинг, ёки мени давлатманд қарияга айлантиришинг лозим. Яна мамлакатда тинчлик ўрнатилиб, лаънати фаранг дайдилари даф бўлгач, мен сени, болакай, бадавлат ва нуфузли жанобларнинг тўдаси ҳузурига чиқараман. Сен бойваччаларнинг хайратига ва раҳм-шафқатига сазовор бўласан, улар ийиб кетиб, ўз хасисликларини ҳам унутиб қўйишади...

Яна таҳликали кунлар бошланди. Жанубий музофотлардан келган ҳамма қочоқлар Ломбардияни тарк этишга шошилардилар. Италиянинг бутун шимоли Франциянинг ҳукмига ўтганлигини айтишарди. Қария Швейцариядан паноҳ топишга қарор қилди. Тичино қирғоқлари бўйлаб саргардонликлар бошланди. Пратодан бошлаб, Дация Гранде ва Киота орқали — айланма йўллар билан Брунйаско, Алтанна ва Роннога қараб юришди. Ритом қўли атрофига келиб, ўша ерда тўхташди.

Кечки маҳал, Паганинилар оиласи энди тамаддига ўтирган пайтда филдиракнинг дириллаши эшитилди. Мўъжазгина қўноқхонага бир ўрис генерали икки зобити билан келибди. Аробани тўрт нафар отлиқ ҳарбий дастёрлар қўриқлаб келганди. Антонио сакраб туриб, дераза олдига борди. Демак, бу ерда ҳам тинчлик йўқ! Австрияга кўмакка келган ўрис қўшинлари фаранг инқилобига қарши юриш қиладилар, эҳтимол улар генерал Бонапартнинг бўйинини синдиришар ҳам. Аммо ким билсинки, улар тинч саёҳатчиларга қандай муносабатда бўлишади!

Ўрис генерал бутун пастки қаватни эгаллади. Паганиниларни ашқол-дашқоллари билан отхонага улоқтиришди. Қишлоқдагиларнинг айтишларича, яқин атрофдаги тоғларга ўрис замбараклари ўрнатилганмиш, тез орада Ритом қўлининг бутун сохилбўйи тўфангларнинг тўптошларидан ўйдим-чуқур бўлиб кетаркан. Кун қорайиши олдидан ўрис аскарлар роса ашулалар айтишди, каттакон чўмичларда бадбўй, нордон мусаллас шимиришди; деразалардан ҳадеб мўралайверишларига қараганда улар кимнидир кутишмоқда эди.

Тонгга яқин вазият тамоман ўзгарди. Сахар пайти қария Паганини отхона дарвозасидан бошини чиқариб, қўноқхона эгасининг ҳовлида юрганини кўрди. У шодон ҳолда жаноб Антониога кўз қисиб қўйди ва деди:

— Сартарош жаноблари, ўрис айиқлар билан казаклар жўнаворишди, катта унволи бир суворий келиб, ҳаммасини бошлаб кетди.

Йўлда яна қорли қияликлар, шамолда гувиллаб куйлаётган қарағай ва қорақарағайлар кўзга ташлана бошлади. Қўллар совқотиб, оёқлар увушади, изғирин шамол юзларни тирнайди. Хос ароба ўнқир-чўнқирларда силкинади. Ёпишқоқ қор тошлоқ йўл билан алмашинди, йигирма тўртта тақанинг баравар чақирлаши хос аробанинг бир бурчида сувга бўккан қуш мисоли хурпайиб ўтирган кекса Паганинининг уйқисини қочирди; у қипқизил бурнининг учида қотиб қолган томчини қўлқопи билан ишқалаб туширди...

**Олтинчи боб****КРЕМОНА**

Тоғлар орасида ўтказилган дахшатли хафтадан сўнг — яна яшиллик, яна тоғ ёнбағирлари ва водийлар муздай тоғ кўлларининг кенгликлари-ю, бепоён яйловлар билан ўрин алмашиб боради. Подачи сурнайининг ноласи ҳавони ёриб боради, олислардан кўнғироқ жаранглари таралади, бутун борлиқ турфа оҳангларга тўйинган.

Ниҳоят Кремонанинг кўхна қалъа деворлари кўринади. Икки сой билан битта дарё. Кичик Адда, кичик Оглио ҳамда сувлари тўлиб оқаётган По. Қалъа билан қасрнинг таровати бекиёс. Мана, шаҳар қопқаси. Жаноб Антонио эгилиб-букилиб аробадан тушди, увушган оёқларининг чигилини ёзди; кулранг тошдан тикланган кичик уйчага кириб, синчков ҳарбий соқчига ҳужжатларини тақдим этди. Булар жаноб Антонио Паганинининг — аллақандай нотайин сартарошнинг эмас, балки ҳурматли, эътиборли кишининг, нуфузли касб эгаси, собиқ воситачи Антонио Паганинининг ўз рафиқаси Тереза ҳамда ўғли Никколо билан қонуний сафардан қадрдон шахрига қайтиб келаётганини тасдиқловчи ҳужжатлар эди.

Кейин яна қачин қарсиллайди, отлар ўнг томонга, кўноқ учун одагий жойга айланиб қолган даъватчи роҳиб ҳовлисига томон елиб кетди. Хипчиннинг бир неча беаёв зарбасидан сўнг, ҳолдан тойган қирчанғилар оёқ олишини ўзгартирган кўйи қарама-қарши томонга бурилади.

Бу ер шаҳар майдони. XVII асрга мансуб кўхна олон-ломбардия уйлари. Қизил ва пуштиранг мрамар, жомеъ черковининг учли баланд минораси. Мана, киррадор қилиб ёпилган томи кизил сополчаноқ билан қопланган уй. Пастак, лекин кенг табақали эшиклар меҳмонлар учун бажонидил очилди. Антонионинг акаси Витторио Паганини остонада уларни кутиб олди. Оқарган сочлари сийраклашиб кетган, қизилбурун, кўзлари қўрғошин тусида, энсиз-энсиз бурушиқ қоплаган йўғон, қуруқшаган даҳанининг ўртасидаги қоп-қора чуқурчаси худди мих қоқилишидан қолган изга ўхшайди. Қулоқлари кичкинагина, гўё кўпдан бери ювилмагандай кулранг тусда.

Унинг кўзлари болакайда ёқимсиз таассурот қолдирди. Ўзаро салом-алиқ қилиб бўлишгач, амакиси камзулининг барини очди-да, чўнтагидан тамакидонини олди, тамаки-сини хидлаб, акса уришни бошлади. Кўзлари ёшланиб кетди. Амаки хочсимон шаклда устма-уст тушган икки калит тасвири кашталанган яшил шойи рўмолчаси билан ёш томчиларини артиб ташлади. Бунақа дастрўмолларни фақатгина руҳонийлик рутбасига эга шахслар ёхуд черковга катта миқдорда хайр-эҳсон қилган кишилар тутишлари мумкин, холос.

Тонг ҳам отди. Никколо онаси билан бирга черковга жўнади. Онаси скрипка чалаётган фаришта тасвири чизилган деворсурат қаршисида берилиб ибодат қилди...

Тунда онасини безгак тута бошлади. Йўлда барча азобларга бардош берганди — Никколо учун доимий хавотирлар, отасининг калтаклари болани ахийри гўрга тикади, деган қўрқув, ўзининг кундалик бир бурда нонини ҳам боласига илиниш каби ташвишлар бошқа ҳамма нарсани четга суриб қўйишга, ўз дардини унутишга, яширишга мажбур қилганди. Бу ерда, Кремонада эса у биринчи кунданок тавба-тазарру қилишга киришди. Қутилмаган хушсизлик унинг куч-қувватини қирқди. Тонгга яқин, иситмада тўлғонган қўйи у ўғлини ёнига чақирди. Болага узоқ вақт унсиз тикилиб ётди, кейин эса заиф товушда деди:

— Ўғлим, биз сен билан черковдаги суратда кўрганимиз скрипка чалаётган бола бор-ку, ўша бугун тунда тушимга кирди. У сенинг дунёдаги энг мохир скрипкачи бўлишингни башорат қилди. Биз ушбу шаҳарга бежиз келганимиз йўқ — бу шаҳарга бизларни сенинг тақдиринг бошлаб келди. Бу ерда энг яхши скрипкасозлар — Амати, Гварнери, Страдиварилар яшашган. Онангни шу тупроққа дафн қилишингни кўнглим сезиб турибди. Скрипкангни ҳеч қачон ташламасликка ваъда бер.

Болакай бу гаплардан жуда қўрқиб кетди, онасининг пойида мук тушганича йиғлаб юборди. Қўз ёшлари ёнига туртиб чикқан чаккаларидан учбурчак қўринишдаги энгаги томон оқиб туша бошлагач эса юзлари янаям бадбурушлашиб кетди. Никколо онасининг барча истакларини бажаришга сўз берди. Онасининг зорларини эшитмаслик учун ва онаси уни абадийга ташлаб кетиши мумкинлиги

тўғрисидаги фикрнинг дахшатини ҳис этмаслик учун у ҳозир бундан минг марта ортиқроқ ваъдалар беришга ҳам тайёр эди.

Кунлар ўтиб бораверди. Ҳеч кимни кўмишга тўғри келгани ҳам йўқ. Онаси ҳам соғайиб кетди.

Отаси кун сайин хушчақчақлашиб, мулоийм тортиб боряпти. Никколо билан ҳам тез-тез гаплашадиган бўлиб қолди. Бундан боланинг юрагига енгил бир шубҳа ўрлай бошлади: «Бошпана»да орттирилган илк ҳаётий тажриба уни анча зийрак қилиб қўйганди. Митти Паганини худди катта одамлардай хушёр тортди: амакиси билан суҳбатлари чоғида отаси ниманидир ўз акасидан яширишга ҳаракат қиляпти, амакиси эса ана шу пинҳон тутилаётган нарсани Никколо орқали билиб олишга уришиб ётибди. Аммо боланинг ўзи ҳам бу ҳақда ҳеч нарса билмасди. Умрида биринчи марта у ўз отасининг ишлари ҳақида ҳеч нарса билмаслигидан афсусланди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши у ўзини ҳамма нарсадан хабардордай тутиб, гўё бу сирларни махфий тутишга мажбурдай кўрсатди. Ҳийласи иш берди. Амакиси энди бутун каллапочаси билан унинг қўлида эди.

— Сен бу расво ижроинг билан кулоқ-миямни еб юбординг. Скрипканг эса бунданам баттар! — дея бир кунни сўз қистириб қўйди амакиси.

Кичик Паганини бу сўзлар шунчаки муқаддима экани, суҳбатнинг каттаси ҳали олдинда навбат кутиб турганини англади. У гапнинг индаллосига тайёргарлик кўриб қўйди. Бола яна қандайдир бир сирдан хабардор одамнинг қиёфасига кириб олди ва қарши ҳужумга ўтди. У Кремона скрипкалари ҳақида, бу шаҳарни машҳур қилган скрипкасоз усталар тўғрисида ва ниҳоят жомеъ черкови яқинида яшайдиган Паоло Страдивари ҳақида тарқалаётган гап-сўзлар тўғри-ноғўғрилиги борасида сўради. Амакиси унга дикқат билан тикилди ва унинг нимага шама қилаётганини тушунмади. Ниҳоят чол унга жавоб қилди:

— Тентаквой, бизнинг шонли шаҳримиз бутун дунёга ипакчилик корхоналари билан машҳур. Тўғри, ўтган йили англиялик бир телба лорд бу ерга келиб, жаноб Страдиварилар ҳақида ҳамма нарсани сўраб-суриштириб, бир нималарни ёзиб юрганди. Жаноб Страдиварилар —

шаҳримиздаги иззат-эътиборли аслзодалардан. Улар сенаторлар бўлишган ва ҳеч қачон касб-хунар билан шуғулланишган эмас. Уларнинг қадим бир аждодлари скрип-касозлик билан шуғуллангани рост. Аммо у ҳам зодагонлардан бўлган ва чолғуларини эрмак учун ясаган, ўз буюмларини эса ҳеч қачон пулга сотган эмас.

Бола уни ишонқирамасдан тинглаб ўтирди.

— Менга қара, — чол уни қизиқаётган мавзусидан чалғитмоқчи бўлди, — сизлар, чамаси, Генуядан жўнаб кетмасларингдан олдин жуда ночор яшар эдинглар-ку, а?

— Ундаймас, амаки, — болақайнинг жавоби қисқа бўлди.

— Ана, холос! Демак, қашшоқликда кун кечириб юрган экансизлар-да?

— Йўқ, амаки, — яна ўша оҳангда жавоб берди бола.

— Нима, сизлар камбағалмидиларинг?

— Йўқ, амаки.

Шундан кейин амакиси яна гапни айлантиришга қарор қилди.

— Биласанми, — дея гап бошлади у, — Жаноб Паоло Страдивари ҳозир ҳам ҳаёт. Анави англиялик эсини еган лорд жаноб Паолонинг қачонлардир скрипка ясаб ўтган аждодлари ҳақида суриштиравериб, жонини ҳикилдоғига келтирганини у менга бир сафар сўзлаб берганди. Мен сенга омади бир гапни айтиб қўяй: агар отангнинг ишлари юришиб, ҳозир пулдор бўлиб қолган бўлса, яхшиси сенга граф Козиодан скрипка олиб беришини сўра. Бу довдир чол бисотига камида олти юзта скрипкани ғамлаб қўйган. Агар кимдир анави телба лордга ўхшаб Жаноб Паолони безор қилиб юборадиган бўлса, у ўша одамни графнинг ҳузурига йўллаб юборади. Жаноб Паолонинг ўзи скрипкани жинидан баттар ёмон кўради.

Бу маълумотлар ҳам болани қаноатлантира олмади.

... Бир куни жаноб Паоло Страдивари маймунга ўхшаган қандайдир қоп-қора жингалаксоч шайтонваччанинг дарахт тепасидан тўғри уй деразасига сакраб тушганини кўриб, эҳсонаси чиқиб кетди.

— Афандим, худо ҳақки, мени кечиринг! — қичқирди болақай. — Уч соатдан бери дарвозангизни тақиллатяпман, аммо ҳеч ким эшигингизни очақолай демайди.

Жаноб Паоло оқсоқланганича дераза олдига борди ва болани ўғри деб ўйлаб, савалаш учун кўлига ҳассасини

олди. Аммо митти Паганини унинг оёқлари остига тиз чўкди.

— Ўгинаман сиздан, афандим, мени урманг! Мени отам савалаётганининг ўзи ҳам етиб ортади, энди сиз ҳам калтакламанг! Мен сиздан, жаноб Страдиварилар скрипкаларни қандай тайёрлашларини сўрамоқчи эдим, холос...

Жаноб Паоло қовоғини уйди.

— Сен ўзи қаёқдан пайдо бўлиб қолдинг, эсипаст маймунча? Аждодларимиз скрипкачи бўлгани ҳақидаги чўпчакни сенга ким айтди? Менинг бобокалонларим сенаторлар бўлишган, улар қизил чакмон ва қирмизи қалпоқ кийиб юрганлар. Бизнинг шавкатли наслимиз ҳақида тўкилаётган ғийбатлар билан менинг ишим йўқ... Шошмачи... — шу пайт жаноб Страдивари болани ёқасидан олди. — Сен муттаҳам ўғрисан! Шу кунларда лаънати англияликларнинг миясига кириб қолган саволларни такрорлаётганларнинг сен камида юзинчиси бўлдинг. Мен ҳали ёш бўлган чоғларда бирортаям аҳмоқ эски-туски, чириган скрипкалар билан қизиққан эмасди. Энди эса тентак инглизлар мени ҳол-жонимга қўйишмаяпти. Сени бу ёққа ким жўнатди? — жаҳл билан сўради у.

— Ҳеч ким, жаноб. Ҳеч ким мени юборгани йўқ, ўзим келдим. Ўз хоҳишим билан. Мен скрипка чаламан, ўша...

— Бу шаҳарнинг ҳавоси тобора захарланиб боряпти! — хитоб қилди жаноб Паоло. — Бу қандайдир телбалик. Бутун шаҳар Страдивари скрипкалари тўғрисидаги мишмишларга тўлиб кетган. Демак, сенингча мен аллақанақа хунармандларнинг авлоди эканманда, а? — Кейин эса бир оз юмшади. — Айт-чи, сен ўзинг кимсан? — сўради болага мурожаат қилиб. — Ёшинг нечада ўзи? Шу ёшингда скрипка чала оламан деб алдаяпсан!

— Мен Генуядан келдим, — жавоб берди бола. — Жаноб Антонио Паганинининг ўғлиман. Отам менга скрипка чалишни ўргатган. Мен скрипка чалишни яхши кўраман. Лекин дадамнинг зулми мени скрипкадан бездирадиган даражада азобли бўляпти.

— Мен бўлсам сени ўғри бола деб ўйлабман — деди жаноб Паоло. — Мен Кремонада яшаб, кундалик содиротларни ёзиб боряпман. Италиямиз устига даҳшатли кўргуликлар босиб келяпти... — Қария худди ўз-ўзига гапирётганга ўхшарди. — Охирги бир йилда дунёда шун-

дай нарсалар юз бердики, бундан аввалги юз йил ичида ҳам шунчалик кўп ходисалар содир бўлган эмасди. Нима, сен бу уйда ҳеч ким йўқ деб ўйлаганмидинг? — у яна болага сўз қотди, — бирор нима ўғирлаш учун келган эдингми?

У ҳассасини баланд кўтарди-да, яна пастга туширди. Шундагина болакай жаноб Паолонинг росаям мункиллаб қолганини фаҳмлади. Ора-орада кекса Страдиварининг жағлари осилиб кетаётганди. Чолнинг камзулига омонатгина қадаб қўйилган аллақандай эски нишонлар қуриб битган кўксидан тўкиламан деб турарди...

— Бутун Оврўпага қандайдир телбалик ёйиляпти! Бир қарасанг, қиролларни ағдаришади, яна бир қарасанг, алмисокдан қолган скрипкаларни ҳозирги энг яхши скрипкалардан ҳам қиммат баҳолашади. Эски скрипкалар янгиларидан аълороқ эканлигини ҳали исботлаб бериш керак... Янги сиёсат эскисидан маъқулроқ эканига ҳам далолат зарур, — қўшиб қўйди у. Қариянинг юзида бир маҳал қаҳрли бир ифода пайдо бўлди. — Франция республикаси, — бақира кетди у, — қадимий подшоҳликлардан кўра мақбулроқ эканлигини ҳали исботлаш керак!

Чолнинг қовоқлари ёпилди, бир маҳал у тўсатдан, худди ўзини уйғонишга мажбур қилган каби бир зўриқиш билан кўзини очиб, Никколога мурожаат қилди:

— Болам, сен яхшиси граф Козионинг ҳузурига бор. Ўша аҳмоқ ғирт скрипка жиннисига айланган. Страдиварилар насли скрипкасозлик ҳунари билан шуғулланган, деган овозаларни ҳам тарқатаётган ўшанинг ўзи. Граф Козио бизнинг оиламиз ҳақида нимаики демасин, унинг сўзларига ишонма. У қари ишқалчи ва сафсатабоз, аммо унинг скрипкалари жудаям кўп, ўзи эса барибир яхши одам.

Жаноб Паоло миз устидан қўнғироқча олди-да, жананглатиб чалди. Хонага қирқ ёшлардаги, қирмиз юзли, бақувват, дуркун бир аёл кириб келди. У кекса жанобга хушламайгина олақараш қилди, митти Паганинига ғазабли тикилди ва жаноб Паолога мурожаат қилиб, жаҳл билан сўради:

— Нега бу ерда шовқин кўтаряпсиз?

— Катарина, — деди Страдивари, — болани ташқарига кузатиб қўйгин-да, нонушта тайёрла.



— Нонуштага шароб йўқ, — шанғиллади Катарина. — Манави митти ярамас бу ерга қандай кириб қолди?

У дағал, қўпол гапирар, бу билан гўё маша шу уйнинг соҳибаси ўзи эканини кўрсатиб, жаноб Страдивари эса унинг итоатида эканини таъкидламоқчи бўларди.

— Қазноқнинг калити ўзингда, Катарина, — эътироз билдирди қария ранжиган оҳангда.

— Пуллар эса сизда, — тўнг жавоб қилди Катарина.

— Пулни сенга берганман, — қария ўзини оқлашга уринди.

— Арзимаган чақаларингиз аллақачон тугаб битган.

Жаноб Страдивари лабларини қимтиди, эътирозини билдириб қўймоқчи бўлди-ю, кейин қўлини ноумид силтаганича, калитини олиш учун камзулининг киссасини кавлаштира бошлади. У девор жавонидан ақчаларини узоқ излади. Ниҳоят Катарина унинг қўлидаги кумуш тангалар солинган халтачани юлкиб тортиб олди-да, митти Паганини томон тезгина ўгирилганича, дўқ урди:

— Қани юр!

— Ҳазрат Доминик майдонига бор! — ортидан бақирганича қолди Страдивари.

— Сени уйга ким киргазди, шайтонвачча? — қаҳр билан сўради Катарина, Никколога эшикни очиб бера туриб. Бола вазиятни баттар чигаллаштирмаслик учун очик эшикдан зипиллаб чиққанича, ўзини тош йўл томонга урди...

...У граф Козионинг икки қаватли уйига етай деб қолган вақтда, қулоғига тушган шапатидан ерга қулашига бир баҳя қолди. Кимдир уни елкаларидан қаттиқ сиққанича, беаёв силталай бошлади. Болакай елкасини силтаб тортиб, орқасига ўгирилиб қаради-ю, жаноб Антонионинг қутурган башарасини кўрди.

— Мана қаерда экансан, иблисдан тарқаган! Мана қаерда экансан, оиламиз ризкининг ўғриси! Сенинг ғамингни еб икки кундан бери граф Козионинг қабулига изн олиш учун югуриб юрсам, сен жин қўчаларда шайтоннинг кетидан изғияпсанми? Граф жаноблари бугун сенинг ижроингни эшитиб кўришга розилик берганди, сен эса ер ютгандай йўқ бўлиб кетдинг. Агар яна бирор марта берухсат кўча-қўйда санғиганингни кўрсам...

— Мендан қўлингизни олинг, ота! — қаттиқ силтанди болакай. — Мен граф Козионинг хузурига кетяпман. Ҳаммасини ўзим ҳал қилдим!

Жаноб Антонио ўғлини қўйиб юборди, хозиргина болакайнинг ёқасидан олиб турган қўлларига хайратлангандай тикилди ва деди:

— Нима? Қанақасига? Бу нима деганинг?

— Ҳа, шундай, дада, — бола буюғига нима дейишни билмай оғзига келганини валдирай бошлади. — Ҳа-да, мен граф Козионинг хузурига кетяпман... чунки... анави... менга айтишувдики, ўшани...

— Алдаяпсан! — бўқирди чол. — Ёлғонингдан тилинг ҳам айланмай қолди.

— Томоғимдан бўғиб, қўрқитиб юбордингизда, — ўзини оқлади бола.

— Бу ҳечам бўғилганингдан эмас: алдаганингдан!

Миттивой шу баҳона вақтдан ютиб олди. Улар панжардор тўсиқ олдига етиб келишди. Жаноб Антонио эшикни тақиллатди. Дарвозабон эшикни очди. Кекса Паганини худди сакраб рақсга тушаётгандай қилпанглаб, гўё ҳамма нарса фақат мана шу одамга боғлиқдай, ялтоқланганича унга чуқур эхтиром кўрсатган кўйи: графга унинг садоқатли қули Паганини ўз ўғли — беназир скрипкачи билан ташриф буюрганини етказсангиз, дея ўтинди.

Никколо титраб кетди, худди мушук боладай кўзлари қақнаб, қовоқ остидан аста отасига боқди. Беназир скрипкачи! Гўдак шу лаҳзада отасининг беаёв калтаклашларини, ҳар кунги ранж-аламларини унутгандай бўлди; отасининг бағрига отилгиси — ўзини савалаш шарт эмаслигини, ҳамма нарсага ўзи қунт билан интилаётганини, мусиқани ва скрипкани жудаям яхши кўришини, отасининг калтакларидан кейин эса аксинча, қуй чалишга ҳам безиб қолаётганини айтгиси келди... Лекин чолнинг ялтоқланиб, лаганбардорларча ўшшайишни кўргач, бу кимса учун ҳеч қанақа ўғли Никколо мавжуд эмаслигини, чол ўз ўғлини буюм ўрнида кўришини, тирикчилик воситаси деб билишини, унга ҳар сафар бегумон ютуқни таъминлаб бераверадиган машина сифатида қарашини англади. Жажжи Паганинининг митти юракчаси сиқилди. У авваллари ҳеч қачон отасининг башарасида бундай айёрона ва разилона ишшайишни кўрган эмасди.

Дадаси ўғлининг олдида хижолат бўлаётгани ҳам йўк. Қария ўзининг ёнгинасида турган митти одамчанинг зийрак нигоҳини сезмадиям. Унинг учун Никколо нағмачининг тўтиқуши ёки томошабознинг маймуничалик ҳам кадр-қийматга эга эмасди. Никколо ўша тўтиқуш каби манави чолга тез орада бахтли чиптани тортиб берса бас.

Кейинги дақиқада ота ва ўғил каттагина бўм-бўш хонага олиб кирилдилар; бу ерда кичиккина миз ёнида қирғийбурун ва кўзлари худди йиртқич қушниги каби ниҳоятда тийрак бир қария ўтирар эди. Бошига жингалак ясамасоч кийиб олган, қизил-пушти рангли калта чакмонининг жимжимадор тўр хошияси кирлаб кетган. Чолнинг ингичка, қуруқшаган қўлларини ёпиб турган чакмоннинг сарғайиб кетган енг қадамаси эски латтадай осилиб ётарди. Эътибор бериб қараган киши бу қадаманинг шимолда тўқилган нозик ва пишиқ гулдор тўрдан эканини пайқаш мумкин эди. Улар чакмоннинг енгидан йиллар давомида ечилмаганига қарамасдан, титилиб кетмаганди. Унниқиб, фижимланиб кетган бўлса-да, тўрлар нақшларининг гўзаллиги сақланиб қолган. Улар ўз эгасига жуда ҳам мос ахволда эди. Йиллар бу одамнинг афти-ангорини шудгорлаб ташлаганди. Юзининг табиий қусурлари йилларнинг тазйиқи остида яна-ям зўрайган, ўйдим-чукурлари баттарлашган. Қариянинг юз териси худди ошланган чарм каби, яллиғланмасдан ўз пишиқлигини асраб қолган. Унинг атрофидаги ҳамма нарса тўзғиб битган, сийқаланган, аммо мана бу кекса мавжудот хануз шакл-шамойилини сақлаб келмокда. Уни кўрган одам албатта: бу киши неча юз йиллардан бери ёруғ дунёда, ёмғир, қор остида, Италия иқлимининг нурафшон қуёши тафтида яшаб юрганийкин?, деб ўз-ўзига савол берган бўлурди.

Граф Козио ўз ташрифчиларини бошдан-оёқ назардан ўтказиб, шошмасдан бир унисига, бир бунисига тикилди. Кейин баланд овозда кулиб юборди. Унинг бўғиқ «қоқо»си улкан хонани энига ҳам, бўйига ҳам қоплаб олди.

— Довдиргинам Манегетти менга ҳали мана шу кучук-вачча ҳақида айтганмиди? Бунинг бўйи ахир уста Амати ясаган энг кичик скрипкадан ҳам паст-ку?! — у хафсаласи пир бўлиб, қўл силтади. — Болалар «Поншон»ини

мен ўтган ҳафта анави тентак англияликка сотиб юбордим. Бу Страдивари болалар учун ясаган, менга маълум бўлган ягона скрипка эди. Энди ўғлингиз қайси скрипкани чалади, жаноб Паганини?

— Граф жаноблари буюрганларини чалавераман, — жавоб қилди бола, отасига қараб ҳам қўймасдан.

Козио девор ёнига келди-да, бир арқончани шошилмай торта бошлади. Қизил-пушти рангли каттакон парда сурилиб, ойнаванд жавонлардаги ўнлаб сариқ, яшил-симон, олтинранг, жигарранг, тўқ олчаранг скрипкалар ҳамда уларнинг турли хил: оддий ва одми, нафис ва бежамдор, марварид ва садаф қадалган камончалари қуёш нурларида жилваланиб кетди. Бу ерда семиз ва қориндор виолончеллар, қудратли, тўла овозли алтлар; камончалари узун ёки калта, дасталарига эса скрипкасоз усталар турли шаклчалар, калчалалар, шернинг боши қабилар ифодаланган тасвирларни туширган скрипкалар жой олганди. Ниҳоят Паганини калта, семиз, дастасига булдог зотли ит калласи ишланган ғайритабиий, беўхшов бир скрипкани кўрди.

Митти скрипкачи улкан хонанинг бутун девори бўйлаб худди одам бўйига бир ярим баравар келадиган санъат асари каби терилиб турган жавонлардан кўз узолмай қолди. Қартайган граф Козио эса мутаассибона муҳаббатли бир нигоҳ билан скрипкаларнинг мана шу жамланмасига фидойиларча боқиб турарди; унинг севимли тўплами хонага ёйилиб кираётган, шуълаланиб, учқун мисоли чақнаётган қуёш нурларининг олтинранг оқимидан жилоланиб, ярқироқ юлдузчалар сингари нурланиб турган чанг заррачаларининг нафис пардаси орасидан афсонавий суратда кўринарди.

Козио митти Паганинининг ёнига келди. Унинг пешанасига тушиб турган сочларини юқори кўтарди, пешанасига, кошларига, кўзларига диққат билан тикилиб туриб, кейин гап бошлади:

— Мен ҳозир тўқсон етти ёшдаман, шундан саксон йилини мана шу хазинани тўплашга сарфладим. Ўзимнинг тахминим ҳамда мунажжимимнинг ҳисоб-китобларига кўра каминанинг ниҳояти икки йиллик умри қолган. Сен кўриб турган мана шу уйда мусиқа асбобларининг энг биринчи тўпланмаси сақланыпти. Ер кўрраси инсон учун

бунёд бўлган, одамзод эса ўзининг машаққатли ҳаётини бир оз бўлса-да, енгиллаштириш учун буюк бир муҳаббат билан мўъжизакор оҳангларни кашф этди.

Қария ана шу кўтаринки сўзларни айтган қўйи жавонлардан бирининг олдига яқин борди. У майда калитчалар шодасини қўлига олди ва сон-саноксиз шаклдор қулфчаларни бирма-бир оча бошлади. Қария сўнгги қулфни ечганида табақалардан бири сокин оҳанг таратиб, ўзи очилиб келди. Шумтол ёғочидан ишланган зўлдирли ромча чеккага филдиради ва чол жавон деворига илиғлик қадимий олтинранг скрипкани олди. Чап қўли билан уни эҳтиётлаб ушлади-да, чангини ҳам артмасдан, болага узатди. Кейин эса яна шундоқ эҳтиётлик билан, салкам тантанали равишда унга камончани топширди. Жажжи скрипкачи чолғуни чалишни бошлади.

### **Еттинчи боб**

#### **ГРАФ КОЗИО**

Жаноб Паганини Терезага янгиликни етказди:

— Мен граф Козиодан ўн луидор кўмак пули олдим.

— Нима, ўзимизнинг пулимиз тугаб бўлдими? — ташвишланиб сўради Тереза хоним.

— Оббо, сен яна ўша эски нағмангни бошладинг-а! — газаби қўзиди чолнинг. — Хўжайинлар менга ишониб топширган пулларни итваччангга сарфлаб юбора олмайман-ку. Бу тирранчанг ҳеч бўлмаса бир чентезими ишлаб топгунича ҳам ҳали анча вақт бор. Ҳали уни ўқитиш ва ўқитиш керак! Граф Козионинг айтишича, агар боланг хозирданоқ жаноб Ролладан сабоқ олишни бошламаса, ундан ҳеч нарса чиқариб бўлмасмиш. Менимча, бу болани умуман пулга ўқитишнинг кераги йўқ. Яхшиси, анави лаънати фарангилар даф бўлиши биланоқ, у билан Ломбардия бўйлаб сафарга йўл олиш керак. Улар эса барибир кетишади, менга ишонавер, ҳали бу юртларда излариям қолмайди. Кеча оқшомда роҳибларнинг йиғилишлари бўлди. Венадан бир миршаб руҳонийлар либосида келибди, яхши хабарлар келтирибди. Фарангиларга ҳамма ёқда зарба беришяптиймиш, яқинда улар жуфттакларини ростлашаркан.

Қария шу сўзларни айтиб, ёнидан қалин яшил катмон чиқарди ва ундан қандайдир қоғозлар боғламини олди.

— Мана, — деди у, — бу ҳужжатлар минг етти юз саксон тўққизинчи йилдан буён бутун дунё бўйлаб муомаладан тўхтаган. Франция қиролининг ўлиmidан кейин бошқа ҳукмдорлар ўша қирол даврида чиққан акцияларни қоп-қоп қилиб куйдира бошладилар. Мен эса бутун Кремона бўйлаб уларни сотиб олдим. Наридан борса бир ойдан кейин мен Ломбардиядаги энг бадавлат одамга айланаман.

— Агар францияликлар қайтиб кетишмаса-чи?

— Кетишади. Маҳаллий бир мунажжим уларнинг тўла мағлубиятини башорат қиляпти. Юлдузлар ва сайёралар уларнинг таназулини кўрсатаётганмиш. Миррих сайёраси Астреа юлдуз буржига кирибди. Астреа бу — Австрия дегани, яъни Габсбургларнинг Австрия подшолиги. Биласанми, мен ютуғимнинг бир қисмини черковга иона қилдим. Аббат Саганелли менга: «Манави акциялардан сотиб олинг, кўпроқ сотиб олаверинг», деб айтди. Мен ундан икки минг лиралик акциялар сотиб олдим...

\* \* \*

...Қария Козио кичкина Паганинига скрипканинг тарихини сўзлаб берди.

— Эшит, болакай, — сўзини бошлади чол, ўз кошонасининг улкан, бирор анжомсиз хонасида у ёқдан бу ёққа юрган қўйи, — бу ер дунёдаги энг машҳур скрипканинг ватани бўлади. Унинг бунёдга келишига сабаб — бу жойда шумтол ўсади. У — дарахтларнинг фақат бизга маълум бўлган туридир. Ва фақат шу заминдагина табиат одамзодни оҳангларга ошуфта ҳамда хунарга моҳир ва муҳаббатли қилиб қўйган. Уч аср мукаддам шахримизда Жованни Марко дел Буссетто исмлиқ киши яшаб ўтган. У ўз оиласига Андреа Амати отлик жанобни қабул қилади. Буссетто ҳалол хунароманд бўлган, Андреа Амати эса таниқли насабга мансуб эди. Тақдир тақозоси билан уларнинг ҳар икковларини битта хунарга бўлган меҳр учраштиради. Бу кекса ва ёш усталар, ҳозир мен билан сен бир-биримизни қандоқ тушунаётган бўлсак, бир-бирларини ўзаро шундоқ тушунар эдилар. Андреа Амати

шу асно ўзининг номдор оиласига қайтмади. Оиласи уни ҳунарманд бўлиб кетгани учун нуфузли наслларига доғ туширган деб ҳисоблади. Скрипкасозлик санъатининг олийжаноб касблар сирасига кириши, қора ишларга алоқаси йўқлигини ханузгача кўпчилик тушунмайди. Масалан, Паоло Страдиварини олайлик: у скрипкачи созандалар, скрипкасоз усталар зотидан эканини яшириш билан овора; ваҳоланки, пулга сотиб олинган зодагонлик унвони скрипкасоз устанинг табиат ато этган истеъдодидан кўра тубанроқдир. Аммо жаноб Паоло ҳақида фикрибад билдирмоқчи эмасман. У яхши одам, келажак авлодлар учун йилнома ва хабарномалар ёзипти, у фақат бугунни ўйлаб яшайдиганлардан эмас... Нима учун Амати ўз оиласини ташлаб кетган? Нимага деб сўрашнинг ўзи кулгили. Митти Андреа Амати уста Буссеттонинг болалари билан бирга ўйнаб юрарди. Ҳунарманднинг болаларига эса Амагиларнинг боғида ўйнашга рухсат этилган эди. Амати Буссеттонинг устахонасига чиқиб турарди. Андреа Амати у ерда ўйинчоқлар ясай бошлади. У ўйинчоқ скрипка ясади, Буссетто эса унга ёрдам берарди. Бир куни отаси уйда йўқ пайтда ёш Амати отасининг боғидаги нок дарахтларини чопиб, уларни Буссеттога совға қилади. Биласанми, Амати скрипкаларининг қорин қопқоғи нок дарахтининг ёғочидан ишланади. Хуллас, кекса Амати уйига қайтиб келгач, боғдаги ахволни кўради. Кўшни чолкампирларнинг насихатларига ҳам қарамасдан, ўз боласини қаматтириб юборишни маъқул топади. Ҳаммаси ана шундан сўнг бошланади. Болакайни хибсхонадан қўйиб юборишганидан сўнг, у Буссеттолар оиласида қолади, отасининг ўтинишлари ҳам уни ўз уйига қайтишга мажбур қила олмайди.

Қария жавоннинг олдида борди ва юпқа-юпқа қатламли олтинранг тахтачаларни кўрсатди:

— Мана ўша нок дарахтининг ёғочи. Унинг биз учун ширин таъмли бўлган мевалари кичик Амати учун жуда ҳам аччиқ татиди... Қариялар чин дунёга ёшлардан аввалроқ рихлат қиладилар. Оталар одатда ўғиллардан илгарироқ вафот этишади. Андреа Аматига жуда катта давлат мерос қолди. Аммо унинг танлови сенга ибрат бўлмоғи лозим: у ўз касбидан воз кечиб кета олмади ва скрипкасоз уста бўлиб етишди. Балки, унинг мияси

хибсхонада лат еган, деган гаплар ростдир. У қандайдир безовта бир руҳиятда ишлар эди. Шу қадар шошиб, бор кучини сарфлаб меҳнат қилардики, кундузи ҳам, кечаси ҳам тиним билмасди. Амати скрипка яшашдан бошқа бирор ишга қўл урган эмас, агар хотини унинг устахонасига тушлик нонуштани келтиришни унутса, у очликни ҳам ҳис этмасдан, токи бошлаган ишини тугатмагунича икки-уч кун ўша ердан чиқмасдан ишлайвериши мумкин эди. Унга, агар тўрт юзта скрипка ясай олса абадий умр қўришини фол очишган эди. Лекин у, башорат қилинган абадиёт ўзининг жисмига тааллуқсиз эканини яхши биларди. Унинг ҳар бир скрипкаси аввалгисидан яхшироқ чиқаётганиди, шу боис ҳам у гап қандай боқийлик ҳақида бораётганидан бохабар эди. Аматынинг қўллари кесилиб кетган, икки бармоғининг тирноқлари кўчиб тушган, шу қадоқ, тилинган, қонталаш беўхшов қўллар худди сенинг норасида қўлларинг каби ўз ишига ёппа ёпиша қоларди.

Кекса Козио Паганинининг қўлларини ушлаб баланд кўтарди ва ўзининг заиф қўзларига яқин олиб келди.

— Сенинг ҳар бир бармоғинг ўрдакнинг тумшугига ўхшайди. Жудаям хунук қўллар. Очиғи, сен ўзинг ҳам бадбашарасан. Аммо бунақа қўллар соз чалиш учун айти муддао.

Тез орада митти Паганини скрипка турларини ҳам фарқлай бошлади. У баланд дасталарга, худди фйезола роҳибининг сувратларидаги каби нафис, гўзал, бир-бири томон таъзим қилиб тургандай қилиб йўнилган эфларга хайрат билан тикиларди.

— Бу овози кучли скрипка эмас. Князлар ва ҳерцоглар машшоқларни кичкина хоналарда тинглашни ёқтиришган, уларга ёқимли, нозик ва сокин оҳанглар даркор эди. Шу боис Аматынинг скрипкасида ҳеч қачон улкан қошоналарда куй ижро этма. Агар сен буни мана шу хонанинг анави бурчагида, менинг ёзув анжомларим ётган миз ёнида туриб чалсанг, хонанинг ўртасида буни эшитиш осон бўлмайди. Юмшоқ ва нафис товушлар — аслида ёқимли нарса. Лекин республикаимиз мустабидларга қарши қурашаётган, Габсбурглар галаси Шимолий Италияга тажовуз қилиб турган таҳликали бир пайтда одамларга ўзгача оҳанглар керак бўлди. Зобит жанобларнинг каттагина бир йиғинида концерт беришганида мен Милан-



да эдим. Ўша одамларнинг афт-башараларига қараб, янги замон ёлланма ҳарбийлари ўз қудратларини ифодаловчи оҳангларни эшитишни истаётганларини кўриш мумкин эди. Янгича мухорибаларнинг бу янги тўралари Амати скрипкаларининг енгил ва нозик оҳангларини тушунишга ожизлик қилдилар. Сизларнинг Генуяларингиздан келган скрипкачи Серветто сахнага Страдиварининг улкан скрипкасини кўтариб чиқиб, ҳатто кўчманчи қушларни тўкиб туширишга қодир бўлган кескин товушлар билан ҳавони қиймалай бошлаши ҳамано эса ҳалиги одамларнинг қадлари бирдан тикланиб, елкалари кенгайиб, кўкраклари керилди, кўзлари ёниб, қорачиқларидан учкун чакнай бошлади... — Козио бир муддат жимиб қолди, кейин эса ўйга чўмган кўйи сўзида давом этди: — Версалда, Париж остонасида Аматынинг дунёдаги энг яхши бўлган созлар тўпланмаси бор эди. Минг етти юз тўқсонинчи йилда у изсиз йўқолди. Бу — олтига алт, иккита виолончел ва ўн саккизта скрипка жамламаси эди. Улар ҳаммаси фаранг қироли Карл Тўққизинчининг торли созлар оркестри учун буюртирилганди. Эндиги гап-сўзларга қараганда ўша тўпланманинг қолдиқларини Оврўпа шаҳарларида англияликлар тасаввурга сиғмайдиган баланд нархларда сотиб олишганмиш.

Паганини ровийнинг сўзини бўлиб қўйишдан қўриқиб, жим ўтирарди. Козио эса бир мавзудан бошқасига ўтиб кетаверарди:

— Андреа Аматынинг иккита ўғли бор эди — Жеронимо ва Антонио. Улар оталарининг ишини давом эттиришди. Ака-ука иккови иттифоқо битта қизни ёқтириб қолишади. Мана шу қўнгилсизликка қадар улар бирга-лиқда меҳнат қилишар, юмушларни «сеники-меники»га ажратмасдан, ахил ишлашарди. Қиз Жеронимога турмушга чиққач эса оила тарқаб кетди. Биродарлар алоҳида ишлай бошлашди. Антонио акасиникига унда-бунда бориб турарди. Кейинчалик бир-бирлариникига тобора кам борадиган бўлишди. Алҳол, бир куни Антониони устахона ёнида арғамчига осилган ҳолда топишди. Жеронимо энди оила ишини давом эттира бошлади. Унинг ўғли — Аматыларнинг энг истеъдодлиси бўлган Никколо ҳам отасининг изидан кетди. Никколо ўз устахонасига четдан шогирдлар ола бошлади. Шу асно унинг хонадонидан Андреа

Гварнери ва Антонио Страдивари ҳам бошпана топишади. Уларнинг икковлари ҳам машҳур скрипкасоз усталар бўлиб етишдилар. Сен ўзинг жаноб Страдиварининг уйида бўлдинг, у Страдивариларни таниқли насл деб ёлғон айтяпти. Уларнинг машҳурлиги — ясаган скрипкаларида.

Козио митти Паганинига Страдиварининг учта ўғли ҳамда кизи билан чизилган кўхна сувратини кўрсатди. Расмда Страдивари устахонада тасвирланганди. У оқ чарм белбанд таққан, қизил сахтиён қалпоқда, қўлида бир бўлак ёғоч ва усқуналарни ушлаган ҳолатда турарди.

— Бу ўйма сувратни мен ўзим бўйганман, — деди Козио, — менимча рангларни тўғри танлай билганман. Сенга бу расмни кўрсатишимдан мақсад — унинг оддий хунарманд эканлигини, на сенатор ва на аслзодалигини билиб қўй. Лекин биласанми, болакай, мана шу Страдивари олти яшарлик пайтида ясаган скрипкаларининг ақалли биттагинасини ясай олиш истеъдоди учун мен қадимий графлик унвонимни жон деб бериб юборган бўлардим!

Кекса граф болани бошқа бир жавоннинг ёнига бошлади.

— Мана, қара: олтинсимон тусли лок, у ёғоч қатламларидаги чизикларнинг бирортасини ҳам беркитиб қўймаган. Кўргин-а, бу ёғоч худди қоплоннинг холдор терисига ўхшайди, юқориги қопқоғида эса бирорта кўз ҳам, доғ ҳам йўқ. У толадор чизиклар билан қопланган! Бу скрипканинг ёғочига уч юз эллик йилдан ҳам ошиб кетган. Айтишларича, Венеция туркларга қарши уруш олиб борган даврда Страдивари туркларнинг кема қурилиши учун мўлжалланган ёғочларидан анчагинасини сотиб олган экан. Устахонада бу ёғочларни ўнлаб йиллар давомида қуритишган. Кейинроқ эса, Адриатиканинг шарқий сохилларига қадам босиб бўлмай қолгач, бу ёғочларнинг ҳам харидори йўқолди. Юпқа қатламли қорақарағай бизнинг тоғларда ҳам у ер-бу ерларда учраб туради, аммо у скрипкасозлик каби нозик ва мураккаб ишга яроқли ҳолга келиши учун уни узок вақт тобига етказиш керак бўлади. Хорижда, Адриатика сохиллари ортида эса, забт этиб бўлмайдиган юксакликларда скрипкасоз усталар учун гўё атайин яратиб қўйилган болкон қорақарағайлари ўсиб ётибди.

Козио болага скрипкаларни бирма-бир кўрсатишда давом этди.

— Қара, битта уста ҳеч қачон бир хил шаклда скрипка ишлаган эмас. Қўряпсанми, уларнинг ҳаммаси ҳар хил. Агар қўлингга циркул олиб, эфлар орасидаги ма-софани ўлчасанг, ҳамма скрипкалардаги ҳамма эфлар турлича қўйилганини ва уларнинг скрипка ўқига нисба-тан оғиши ҳам турлича эканини сезасан. Биласанми, бу нимани англатади? Бу нарса скрипкасоз усталар ёғочнинг сир-асроридан хабардор бўлганларини билдиради. Улар турли дарахт навларининг ёғочи турлича товуш бериши-ни билганлар. Улар тайёрлаган эфларнинг чизгиларига қараб, усталар ўз касбларининг синоатларига қанчалик чуқур кириб борганликларини англаса бўлади. Уларнинг ҳар бир ишларида эфлар алоҳида сифатли овоз бера-ди. — У ниҳоятда эҳтиёткорлик билан яна битта скрип-кани қўлига олди. — Мана бунисини мен жуда кам ҳол-ларда жойидан оламан. Бу — «Оққуш қўшиғи». Унинг бундай номланишига сабаб, Страдивари ўлими олдидан, бир юз етти ёшида ясаган энг сўнги скрипка — мана шу. Қария ёшлик давридан қўра кексайган пайтида яхшироқ ишлаган.

Кекса граф Страдиварининг скрипкасини кумуш оҳангли соз деб атар экан, алтларнинг товушини олтинга таққослайди, виолончел, унинг фикрича, биринж жаран-гига эга, контрабас эса мисоли миснинг товушини беради.

Бир куни, Козионинг қулфи дили очилиб кетиб, бо-лакайга сирини ошкор қилди: у Страдиварининг тўртта скрипкасини синдириб ташлаган экан. Худди бегоналар унинг сўзларини эшитиб қолишларидан қўрққандай, граф оёқ учида юриб, аста пичирлаган қўйи болани пастак эшик сари бошлади. Ғира-шира хонада чироқ ёқиб, юзида худ-ди муқаррар жиноятга қўл ураётган одамдай саросимали ифода билан миз устига бурама мих воситасида маҳкамлаб қўйилган тўртта тахтачани кўрсатди. Қадимий камертон-нинг чангини қоқиб ташлаб, Козио уни ёғочга урди.

— Эшитдингми? — шивирлаб сўради қария.

Бола ҳам паст овозда жавоб берди:

— Ҳа.

— Мана буниси ҳам ўхшайдими?

— Ҳа.

— Бунинг нима эканини тушуняпсанми? Камертон куйлаяпти, Страдиварининг скрипкасидан қирқиб олинган

ёғоч бўлаги ҳам у билан бир хил оҳанг беряпти. Бу товуш роппа-роса беш юз ўн икки тебранишда жаранглаяпти... Мана бунисичи? — Қария бошқа тахтачани чертди.

Болакай бош ирғаб қўйди.

Улар ҳамма тахтачаларни синаб кўрдилар ва ҳар сфар митти Паганини бош ирғаб турди:

— Бу ҳам! Буниси ҳам!

Ҳамма товушларнинг баландлиги ва тебраниши бир хилда эди.

— Кўрдинг-а, — деди қария, — буларнинг ҳаммаси бир сонияда беш юз ўн икки тебранишга эга. Сенинг эшитиш қобилятинг зўр, болакай! Мана, қара: мана бу — Страдивари томонидан минг етти юз саккизинчи йилда ясалган скрипка тахтчасининг бўлаги, унинг ёнгинасида эса мен айнан шу уста томонидан минг етти юз ўн еттинчи йилда ясалган скрипка ёғочининг бир бўлагини жаранглашга мажбур эдим. Бу тўлқинли заранг дарахтининг ёғочи. Унинг ёнидагиси эса — қорақарағай тахтчаси. Скрипка минг олти юз тўқсонинчи йилда ясалган. Мана бу ердагиси — энг сўнгги тахтача: у ҳам қорақарағайдан ишланган. Скрипкаси минг етти юз ўттизинчи йилда тайёрланган. Энди тажрибани бошлай қолайлик.

Қариянинг кўзларида шижоат ўти чакнади. Сокин, сезилар-сезилмас урилган зарбдан тахтача оҳанг тарата бошлади. Болакайнинг жавоби тайёр эди:

— Ля диез!

— Яхши, — деди Козио.

Иккинчи тахтача ҳам худди ўша нотани берди. Учинчи ва тўртинчисида ҳам — шу оҳанг. Тажрибали қўлларнинг зарби остида тўртала тахтачанинг ҳаммаси бараварига қўйлай бошлади.

Бола жимгина турган қўйи, катта-катта очилган кўзларини тахта бўлакчаларидан узмасдан тикиларди. Устининг юзида эса мутаассибона табассум тошқотган.

Ниҳоят қария яна сўзида давом этди:

— Бундай қумушвор оҳангга эга бўлиш учун зарангнинг ва қорақарағайнинг табиий хоссаларини уйғунлаштириш керак. Оҳанглар табиатда доимий яшайди, лекин бу оҳангларни тута билиш керак; уларни мана шу дарахтларнинг шохларидан-шохларига сассиз-садосиз қанот қоқиб ўтаётган қушлар мисоли қўлга ўргата олиш лозим. Уни

қўлга шундоқ ўргатиш керакки, охир-оқибат сайраб юборсин. Эътибор бергин-а, болакай, скрипканинг тепа қопқоғи доим қорақарағайдан ишланади, пасткиси эса — фақат зарангдан тайёрланади. Ва мен яна шуни ҳисоблаб билдимки, қорақарағай товушни ҳавога қараганда ўн олти марта тезроқ ҳосил қилиш қобилиятига эга экан. Зарангнинг кичик тезликдаги тебранишлари ва қорақарағайнинг юқори даражадаги сезувчанлиги уйғунлигида скрипкада дунёга келган товуш ўн иккига ўн олти нисбатга эга бўлади. Лекин кўпчилик кишилар овоз тепа ва пастки қопқоқларда бир хил оҳангда туғилади, деб ўйлашади. Ваҳоланки, булар иккита турли товушлардир. Табиатнинг хушоҳанглиги сабаби шундаки, унда ранг-баранг оҳанглар яғона, яхлит, мукамал, ажралмас овоз бўлиб бирикадилар. Бир сафар мен фақат зарангдан ишланган, қопқоқлари бир хил қалинликдаги скрипкага буюртма бердим. Бу скрипкани ҳечам тинглаб бўлмади, унинг товуши бўғиқ, ёқимсиз эди. Табиат бир хилликни ёқтирмайди, болакай. Тепа ва пастки қопқоқлар турлича жаранглаши лозим, уларнинг фарқи тўлиқ бир пардага тенг бўлиши шарт. Бу бирикувдан туғиладиган соф ва ажралмас товуш моҳиятан икки асил металлларнинг қотишмаси мисолидир — уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда мўрт ва юмшоқ, бир-бири билан уйғунликда эса қаттиқлик ва мустаҳкамлик касб этади. Икки заифлик бирикувидан қудрат вужудга келади. Ёдингда бўлсин — скрипкаларнинг ўлчамларини катталаштириб ҳам, кичиклаштириб ҳам бўлмайди. Скрипканинг қутисидagi ҳаво ортиши биланок, шантрел симтори худди думи босиб олинган кучукболадай ангиллай бошлайди, паст, йўғон товушлар эса, маст одамнинг гўнғиллашига ўхшаб, бўғиқ хиркироқ бўлади. Агар мабодо қутини кичрайтирсанг, аксинча ҳолат юзага келади. Бунда тўртинчи торнинг уни ўчади-ю, паст, йўғон товушли бас тори эса бўғилиб додлашга тушади. Лекин сен бу оҳангларни барқарор қолади, деб ўйлама. Табиат ҳам, одамзод ҳам ўзгарувчандир. Ҳар бир авлоднинг қулоғи ўзига хосликка эга бўлади. Ҳозирги замон камертони аввалги асрларнинг камертонидан ўзгачароқ жарангламоқда. Агар скрипкани одамларнинг катта тўдаси олдида чалмоқчи бўлсанг, уни беш кишилик оила ҳузурида чаладиганингдан бошқачароқ созлашинг керак бўлади. Сенинг бо-

бонг ва бобокалонинг табиатнинг оҳангларини ҳозиргидан бошқачароқ эшитишган. Улар бир нарсани мароқ билан тинглаб, бошқасига қулоқларини беркитиб олганлар. Бу нарса беихтиёр равишда, улар томонидан ҳеч қандай инжиқликларсиз рўй берган. Бунақа нарсаларда одам ўзини ўзи алдай олмайди, ҳозирги авлодни ўзининг чолғу асбобларини ўтган юз йилликнинг камертонига созлашга мажбур қила олмайсан. Мана, кекса Таргини олтмиш йил муқаддам скрипка қутисига тортилган симторларнинг босимини ўлчаганди. Шунда у олтмиш уч фунт натижани олган. Лекин шуни билгинки, у пайтлардаги симторлар ингичкароқ, торларни ушлаб турувчи таглик эса пастроқ бўлган, торлар юқори қопқоққа ёпишиброқ ётган. Ҳозирги авлод одамлари бошқачароқ талабларни қўйишмоқда. Улар кўҳна скрипкаларни тинглашмаяпти. Шу боис камертонни кўтаришга тўғри келди, торларнинг тебраниши ҳам ортган, симторлар остидаги таглик ҳам кўтарилиб, симлар тепа қопқоқда капантахта билан тортиб қўйилди. Таглик симторларни шундай баланд тутиб турибдики, шантрел билан тепа қопқоқ орасидан энди ҳатто сичқон ҳам бемалол ўтиб кета олади. Билиб қўй, болакай, диапазон аввалги асрга қараганда ярим товушга ортган, симторларнинг қопқоққа босими эса энди олтмиш эмас, саксон фунтга етди. Одамзод торларни қаттиқроқ торта бошлади, кишиларнинг асаблари эса янаям таранглашмоқда. Вақт жадал ўтиб боряпти, кунлар бир-бири билан шошилишч алмашилиб, одамлар ҳам тинимсиз ўзгаришмоқда. Буёғига нима бўлади, бани башар қачон ўзгаришдан тўхтаркин? Ҳозирнинг ўзидаёқ мен дунёнинг ўз ранг-тусини ўзгартираётганини сезяпман, қулоқларим бошқача товушларни илғаяпти ва менга ҳатто қуёшнинг нурлари ҳам хира тортгандек туюляпти...

Козио кичиккина диванга ўтирди. Рўмолчасини олиб, ёшланиб турган кўзларини ҳафсала билан арди. Кейин ўрнидан турди-да, Паганинини қўлидан ушлаб, хонадан олиб чиқди.

— Юрақол, болам, — деди мулоийлик билан. — Мендан эшитганларингни ҳеч кимга айтиб юрма. Табиат ўз сирларини валақлаб қўйганларни ёқтирмайди, у синчковларни беаёв жазолайди.

**Саккизинчи боб****ЮЛДУЗЛАР ЕТОВИДА**

Оила Генуяга янги таркибда қайтди.

Кремонада жаноб Антонионинг қизлари Лукресиа ва Маргарита билан кутилмаган ярашуви юз берди. Никколо уларнинг борлиги ҳақида шу пайтгача хатто эшитган ҳам эмасди, чунки оилада улар ҳақида гапириш тақиқланганди. Паганинилар оиласи бир йўла икки баварарга ортди, сабаби, жаноб Антонионинг қизлари турмушга чиққан эдилар.

Тўнғичининг, яъни Лукресианинг эри жуда жонсарақ одам чиқиб қолди. Танишганларининг дастлабки кунларидаёқ у жаноб Антонио билан сал бўлмаса ёқаллашиб кетадиган даражада жанжал бошлаб юборди, Генуяга келишлари билан эса кун бўйи нотаниш одамлар орасида қартабозлик қилишдан боши чиқмай қолди. У қиморда жуда кўп ютқизарди, омади келиб қолган пайтлар эса ўйинни бой берган одамлар уйига бостириб келишар ва бутун атрофдагиларнинг тинчини бузадиган тўс-тўполон бошланарди.

Буям етмагандай, жаноб Антонионинг ишларига ҳам қаттиқ путур етди.

У ўрта асрлар мунажжими каби мутаассибона бир саркашлик билан кечки осмонга тикилганича, сайёраларнинг ҳаракатини кузатар ва бурни остида қандайдир юлдузлар жисмиёти масалаларини минғирлаб ўзига-ўзи изоҳлаб ўтирарди; у юлдузларнинг одам томирларидаги қон ҳаракатига кўрсатадиган таъсири, сайёраларнинг ўз оиласи тақдирига алоқадорлиги ҳақида гапирарди. Унинг сўзларида мунажжимлик башоратлари билан келгусидаги даромадларининг ҳисоб-китоблари ғаройиб тазда айқашуйқаш бўлиб кетганди. Паскал ва Лейбницнинг ҳисоблаш машинаси бу даллолнинг қўлида бухгалтерия ҳисоблари асбобига, фалсафий ҳақиқат изловчиси Раймонд Луллийнинг мантиқ машинаси эса ютуқли рақамларни аниқлаб, омадли лотерея сотиб олиш имконини таъминлаши лозим бўлган ютуқ филдирагига айланганди. Ўрта асрлар телбалари ўз орзуларидаги инсон бахтига, жамиятнинг тартиб топишига боғлиқ, деб ишонган барҳаётлик малҳами ва

хикматлар тошини излаш учун яратган илми нужумлари ва ал-кимёлари кекса Паганинининг шуурида биржа ўйинларида табиат қонунларини алдаш учун, ғойибий кучлар билан воситачилик битимларини тузиш учун маблағ топиш васвасасига айланиб кетганди.

Аммо унинг барча бу уринишлари беҳуда эди.

Банкдорлар олдидаги мажбуриятлари ҳам бажарилмай қолиб кетди. Кекса Паганини ўзини йўлда тунаб кетишганини, Кремонада таланганини важ қилиб, ҳарбий ҳаракатлар туфайли муваффақиятсизликка учрагани ва бошқа қўп баҳоналарни териб ташлади. Аммо мудир жаноблар, кекса банкирлар ҳам бунақа найрангларнинг кўпини кўриб юборишганди. Бу орада узок суд жараёни бошланиб кетди.

Жаноб Антониодан эски ошналари ҳам ўзларини четга ола бошлашди. Агар у илгарилари ўзининг даллоллик курсисида кеккайиб ўтирган бўлса, энди ўзи денгизчиларни излаб изғиб юрар, бандаргоҳга қандай моллар келтирилганини суриштирар, бирор битим тузиш илинжида муассасада ҳозир бўлганида эса, савдогарлар уни кўришлари биланоқ энсалари қотиб, жимиб қолганларининг гувоҳи бўларди; келишувлар энди унинг иштирокисиз амалга ошаётганди. Биржада муваффақиятсиз ўтган ҳар бир кун оиласининг елкасига оғир юк бўлиб тушаётганди.

Узоқ саргардонликдан сўнг Никколонинг акаси ҳам уйга қайтиб келди. У митти скрипкачининг аҳволини кўриб даҳшатга тушди.

— Бу қанақаси бўлди? Қандай қилиб бу текинхўр итваччанинг жони ҳалигача узилолмай осилиб турибди? — қўпол, хиркироқ овозда отасидан сўради у; қон тупураётган қоқсуяк бола оёғида аранг турарди.

Франческо билан отаси ўртасида муросасиз катта жанжал бўлиб, Франческо ҳатто отасини урмоқчи бўлиб хезлангач, онаси тун бўйи йиғлаб, митти Никколонинг тепасида чўк тушганича ўтириб чиқди. Онаси оиласининг бутун умиди энди унинг тиришқоклигига боғлиқ эканини айтди — қандай бўлмасин, у энди муваффақият қозонмаса бўлмайди.

Никколо Генуяга қайтгач, Козионинг маслаҳати билан Жованни Серветтодан олаётган сабоқлари учун тўлашга отаси ҳатто бир байокко ҳам тўламади.



— Жаноб Серветто укубатга ва ғамга тўла бу бевафо дунёда олиш мумкин бўлган барча кўрсатмаларини бериб бўлди, — деб қўяқолди Антонио. Серветто бундан қаттиқ ранжигач, дарсларга ҳам чек қўйишга тўғри келди. Тўғри, бу вақтга келиб асбобни ўзлаштиришнинг барча машаққатлари ортада қолиб бўлганди, болакай *a vista*<sup>1</sup> ҳатто жаноб Серветтонинг ўзидан ҳам кўра анча яхши чалаётганди-ю, аммо олдинда ҳали ишлар кам эмасди!

Дардкаш қўшни аёллар зўр бериб Тереза билан шивирлашишни бошлаб юборишди. Тереза қаердандир пул топди. У жаноб Антонио судда банд бўлиб қолган куни пайтдан фойдаланиб, ўғлини жаноб Жакомо Костанинг хузурига олиб борди. Жаноб Жакомо Коста Генуя капелласининг муаллими эди ва Генуянинг барча черковларида биринчи скрипкани чаларди.

Эртаси куни Паганини жомеъ ибодатгоҳида созандалик қилишни бошлади. Ибодат тугаши билан жаноб Коста болани чақиртирди ва унга ҳар ойда беш марта ўзининг уйига келишни буюрди.

Дастлабки машғулотлардан кейиноқ жаноб Коста боланинг ижросидаги товушларнинг тиниқлигидан, шогирдининг фавқулудда зеҳнли эканидан ва ҳаракатларининг чакқонлигидан бениҳоя ҳайратда қолди. Ярим йилдан сўнг, Тереза Паганини эридан яширинча ўттизта дарс учун пул олиб келганида, Коста жаноблари маккорона ишшайганича, мана шу олиб келинган пуллар билан Паганини иштирок этган черков концертларидан ўзи олган тушумларнинг нисбатини ичида бир ҳисоблаб қўйди.

Тереза хоним Генуянинг олий мансабли руҳонийларининг мурувватларига ноил бўлиб, оиласининг аҳволидаги ўзгаришларни парвардигорининг марҳамати, дея қабул қилди.

Жаноб Антонио ичкиликбозликни тўхтатди. У ўғлига назар ташларкан, оғзининг таноби қочарди. У, айниқса, жаноб Коста билан бўлган учрашувидан сўнг, Жакомо афанди ўзидан пул олмоқчи эмаслигини билгач, қувончини ичига сиғдиролмай қолди. Икковлари ҳам мамнун эдилар: Жакомо — ўз шогирдидан ва шу шогирд орқали топаётган пулларидан мамнун, жаноб Антонио Паганини

<sup>1</sup> Қоғозга қараб (*итал.*).

эса — Коста афандининг химматидан, Паганинилар оиласининг рўзғорига яхшигина барака бўлиб кираётган олийжаноблигидан хурсанд эди.

Лекин кўп ҳам вақт ўтмай, кутилмаганда Коста афандининг манфаатпарастлиги аён бўлиб қолди ва жаноб Антонио ўзини ҳақоратланган ва алданган каби ҳис эта бошлади. У рухан дадиллашиб олиш учун керагича шаробни жиғилдонига жойлаб олгач, орани очиқ қилиш учун отланди. Бўралатиб сўкинишлар черков капелласи устасининг мўъжазгина кулбасидан анча нариларда ҳам бемалол эшитилиб турарди. Келгуси муносабатлар узил-кесил ҳал бўлди. Жаноб Костадан олинаётган сабоқлар барҳам топди. Жаноб Коста ўз ўқувчисининг концерт ижролари учун ҳақ тўлашдан бош тортди ва ғазабдан кутурган жаноб Антониога бир байокко ҳам бермади. Бу иш ёмон тус олиб кетди.

Жаноб Коста ўз ўқувчисининг чўқинтирилиши, унинг болалик йиллари ҳақида керагича маълумот тўплагач, боланинг скрипкачилик истеъдоди, ғайриоддий мусиқий қобилияти, гўдакка хос бўлмаган чолғучилик маҳоратини неъматини илоҳий билан изоҳлаб бўлмайди, деган қарорга келди. Шубҳасиз, бу ерда ёвуз кучлар аралашган ва унинг ижросига албатта иблиснинг таъсири бор. Доя кампир башорат қилган тавқи лаънат кичкина Паганинининг ақл бовар қилмас муваффақиятининг асл сабаби экани аниқ.

Ўзаро муносабатлар узилган ўша кунда Никколо Паганини ўз отаси билан жаноб Коста ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан ҳали беҳабар эди. У, ҳали ҳеч гапдан хабарсиз, қўлига скрипкасини олиб, устозининг ҳузурига йўл олди. Кучли шапалоқ уни зинапоядан ўмбалоқ ошиб думалашга мажбур қилди.

У жаноб Жакомонинг ёнига чиқиб келаётган кўзлари қоп-қора, новча одамни ағдариб юборишига бир баҳя қолди.

Нотаниш одам оғзи гапдан бўшамаган кўйи болакайни тўхтатди.

— Сен кимсан, сенга нима бўлди, қаёққа учиб кетясан, шайтонвачча?

Паганини нимадир демоқчи бўлди-ю, тили гапга келмай, қўл силтаб қўяқолди — унинг кўз ёшлари томоғига тикилганди.

— Сенга нима бўлди? Нима гап ўзи? — нотаниш одам уни сўроққа тутишдан тўхтамасди...

— Шу ерда кутиб тур, — деди у Паганинига, бола ўз ташишларини гапириб бергач.

Жаноб Коста ўз меҳмони билан зинапоянинг юкори майдончасида гаплашиб бўлгунига қадар Паганини пастда сабр билан кутиб турди. Жаноб Коста нотаниш одамга мурожаат қилар экан, уни «азизим Нйекко» деб атаётгани Паганинига эшитилиб турарди. Уларнинг суҳбатларидан шу нарса аён бўлдики, бу нотаниш киши — опералари Шимолий Италиянинг барча театрларида, Наполи, Венеция, Милан, Падуа, Ливорнода ўйналадиган машхур композитор Нйекко экан. Паганини Генуяда Нйекконинг асарларидан парчалар эшитганди; у Нйекконинг опералари хатто Бокий шаҳарда ҳам ўйналишидан хабардор эди.

Юкоридаги суҳбат якунига етиб, жаноб Нйекконинг яқинлашиб келаётган қадам товушларини эшитгач, болани интизорлик ва ширин энтиқиш ҳисси чулғаб олди.

Жаноб Нйекко болага ҳеч нарса демасдан, ёнгинасидан ўтиб кетди. Паганини индамай унинг ортидан бораверди. Архимед кўчасидаги кўхна уйнинг рўпарасида жаноб Нйекко унга сўз қотди:

— Сенинг ижроингни эшитдим, скрипка кўтарган иблисвачча. Такдирингга ёвуз кучлар аралашгани тўғрисидаги сафсаталарга мен ишонмайман, албатта: сенинг шахсингга жуда ортиқча баҳо бериб юборишибди. Аммо ўзинг ҳақиқатан ҳам митти мўъжизасан. Отанг сени савалаб турадими? — тўсатдан, ҳеч қандай сабабсиз сўраб қолди у.

— Қаттиқ уради, — жавоб берди Паганини аламли бир ўкинч билан.

— Ҳар ҳолда нафи бўлаётгандир? — мазах қилгандай кўзини кисиб туриб сўради боладан Нйекко, каттагина, саришта хонанинг эшигини очар экан.

Қирмизи чизиклар устига олтинранг сиёҳда ёзилган ноталар митти Паганинини ҳайратга солди. Бу хонадаги ҳар бир буюмда нафислик ва назокат асари зоҳир эди. Клавесин, арфа, чиройли кумуш трубалар, флейта, фагот, гобой ва рангли металлдан ишланган қизил, оқ-кўкимтир, сариқ қўнғироқчалар тўплами; пюпитрлар, пултлар, фил суягидан ишланган олтин пойнакли таёқча; босма нақшли испан чарми қопланган оромқурсилар, чарм муковали

китоблар ва партитуралар терилган жавонлар, ёркин олранг венеция шишасидан тайёрланган идиш-товоқ жавони; кизил шароб тўлдирилган кумуш бардоқ ва Флоренсия мозаикаси билан безакланган миз устида қандайдир оқ металлдан ишланган шарқона идиш. Паганинига худди буларнинг барини тушида кўраётгандай туюларди.

Жаноб Нйекко Паганинининг скрипкаси филофини очди-да, ичидаги скрипкани диққат билан кўздан кечирди; уни бир чеккага олиб қўйиб, ўймакорлик билан ишланган ойнаванд жавоннинг ёнига келди, ундан олчаранг каттагина скрипкани, камонни олиб, Паганинига узатди. Кейин пюпитрни унга яқинроқ суриб қўйди-да, нота белгилари майда қилиб ёзилган кичкина дафтарчани олди...

— Демак, гап бундай, — деди Нйекко, Паганини ижросини тугатгач, — бу ой мен сафарга чиқмай, шу ерда бўламан. Хар куни хузуригма келасан. Агар уйда йўқ бўлсам, мени кутиб ўтир, ўзинг чалишни машқ қилиб тур. Умуман олганда, бунақа пайтларда мен доим уйда бўламан.

Шу суҳбатдан кейин бор-йўғи тўрт кунгина ўтди. Жаноб Франческо Нйекко битта ҳам дарсни ўтказиб юборгани йўқ. Болакай эса хар сафар юраги энтиккан ҳолда Архимед кўчасига яқинлашаркан, ўзини жаноб Нйекконинг кўшкига рўбарў қилган тақдиридан чексиз миннатдорлик хиссини туйар эди.

Ғоз патлари, олтинранг сиёҳ, қалин сарғиш қоғозга тортилган кизил чизиқлар, мазахомуз қисилган кўзлар, меҳрибон овоз...

— Мен сени табриклайман, — дейди Нйекко, — мен ҳали ҳеч кимда бунчалик ноёб эшитиш қобилиятини учратмаганман. — Жаноб гўё ўз сўзларининг аҳамиятини кучайтирмоқчидай бошини силкиб қўйди. — Лекин сенга шуни айтиб қўйишим керакки, ўтган сафар сен ўз ҳаёлотингга берилиб, куйимни безаклаб чалганингда, менинг нарсаларимни айнан ижро этганингдан кўра ёқимлироқ эшитилди. Сен менинг асарларимни ўзгартириб ижро этасан, худди мен ёзганим ёки чалганим каби чалмайсан. Сен ҳаётда ҳамма нарсани ўзгартириб яшайсан. Сен ҳеч бир нарсани ўзинг истагандай ислоҳ этмагунингча, ундан қониқиш ҳосил қилмайсан. Сенга маслаҳатим шу: сен омма олдида куй ижро этганингда, ҳозир ҳаёт бўлган

бастакорларнинг асарларини минбаъд чала қўрма. Чунки уларнинг наздида ўз ижроинг билан уларни ҳақоратлаган бўласан. Тўғри, сен бировнинг ижод намунасига қўшган оҳанглар эҳтимол уни ўз муаллифи яратганидан қўра кўпроқ бойитиши мумкиндир. Сен феъли хўйи меникига ўхшаган бастакорга дуч келсанг-ку, яхши. Бошқаси, ҳаттоки, сенинг бу ёшинга муносиб бўлмаган бунақа илҳом маҳсулинг учун, сенга бегона мусиқа оҳангларига синдираётган туйғуларинг учун юзинга шапати тортиб юборган бўларди... Лекин сен олға интил! Мени ўз хаёлотинг, илҳоминг билан қўрқитишдан чўчима; сен ўзгаларнинг нарсасини ижро этибгина қолмасдан, ўзингникини ҳам яратишинг лозим... Нимага бундай қизариб кетдинг, митти маймунча? — тўсатдан гапиришдан тўхтаб, қовоғини уйди Нйекко. — Мен сенга ҳеч қандай муҳим нарсани айтганим йўқ, жудаям кеккайиб кетма!

Шунда Паганини журъатсизгина, ҳадиксираган кўйи жаноб Нйеккога қўнглини очиб, Коста афандининг талабларини бажаришни ҳечам истамаганини айтди.

Болакай қўлларини кўкрагига қовуштирганича, дардини ёрди:

— Жаноб Костанинг чолғу камонини юргазिश услубини ўзлаштиришга ҳеч ҳам хоҳишим йўқ эди. У мен билан шуғулланаётганида қандайдир зулм қилишга уринаверарди. Мен доим унинг топшириқларини мажбуран бажарар эдим. Ҳатто унинг қўлидан кутулиб, сизга ўтганимдан хурсандман...

— Бўпти, бўпти, — унинг сўзини бўлди жаноб Франческо, — бас қил, мен ҳушомадгўйларни ёқтирмайман. Агар бир-икки ойдан кейин бошқа муаллимнинг қўлига ўтсанг, унга ҳам мен ҳақимда худди шундай гапларни айтсанг керак.

— Ҳеч қачон! — аччиқланиб хитоб қилди Паганини.

— Отанг нима билан шуғулланади? — сўради жаноб Франческо.

— Мени черковда куй чалишга мажбурлаш билан банд.

Жаноб Нйекко томоқ қириб қўйди.

— Такводор италияликларнинг ҳаммаси ҳозир скрипка васвасасига дучор бўлган. Сен, скрипка кўтарган бола — сени халойиқ шундай атаяпти, — черковга жуда

қўп одамларни жалб қиялпсан, бу эса руҳоний оталарнинг даромадларини орттиряпти. Қараб тур, сени ҳали авлиё деб ҳам эълон қилиб юборишади.

— Йў-ўқ, — жавоб қилди Паганини, — мен оғир черков қуйларини чалишни ёқтирмайман.

— Менинг фикримча, капеллада соз чалиш машшоқни хароб қилади, — деди сўзларини дона-дона қилиб болага Нйекко.

...Опера бастакори билан «скрипка қўтарган иблис-вачча» — жаноб Нйекко унга шундай ном қўйганди, — икковининг ўртасида галати дўстлик пайдо бўлганди.

Бир куни, Кремонага саёхат ҳақида гап очилиб қолганида ва митти Паганини скрипка созининг тарихи ҳақидаги барча билимларини намойиш қилишга тиришиб ҳаракат қилаётган бир пайтда, боланинг Франция қўшинлари ҳақидаги хикояларини диққат билан тинглаб ўтирган жаноб Нйекко, қутилмаганда гапни мусиқа мавзусидан сиёсатга буриб, илк бор Паганинига Ломбардиянинг австрияликлар томонидан асоратга солиниши тарихини сўзлаб берди. У францияликларнинг Италияга bosқинининг аҳамияти ҳақида гапираркан, худди ўзи билан ўзи баҳслашаётгандай жуда тез сўзларди. У болага ўзининг Миланда туғилганини айтди. Ломбардиянинг қўхна озод шахри бўлмиш Миланда, Австриястибдодидан норозилик айниқса яққол сезилади. Петрарка айтганидай, Италияни ёввойилардан қутқаришга ёрдам берувчи қандай воситалар бор бўлса, бу воситаларнинг барчаси яхши. Фаранг қўшинлари Австрия миршабларини қувишяпти, улар Венадан келган роҳибларни ҳайдаяптилар, Бонапартнинг даъватномалари эса диний ва сиёсий зулмдан озод этиш ваъдасини бермоқда, шу боис ҳам хамма ерда — «Яшасин Франциянинг ҳарбий қудрати!..»

Ўша суҳбатдан кейин Паганини ўзининг Жаноб Франческога ўзгача бир ришта билан боғланиб қолганини хис этди. Устознинг ўз митти шогирдига бўлган ишончи муносиб тарзда мукофотини олди.

Жаноб Нйекко буни сезиб турарди ва нурафшон тош йўлларда пистакўмир тўлдирилган қанор қоплар тоғдай уйиб ортилган эшак араваларни етовлаб бораётган одамлар томонга эҳтиёткорона имлай туриб, аста пичирларди:

— Сабр қилиб тур шайтонвачча, бир вақт топсам, сенга мен ўзгача, бунданда оғирроқ юкни зиммаларига олган бошқа кўмирчилар ҳақида сўзлаб бераман.

Италия тилида «кўмирчилар» деган маънони англа-тувчи «карбонарийлар» сўзини Паганини бунгача «Бош-пана»да кўп бора эшитганди. Бир куни болалар «Бош-пана»да яшаган иккита карбонарийнинг ҳибсга олингани ҳақида сирли бир қиёфада сўзлаб беришганди. Паганини ўша одамларни танирди. Уларнинг юзлари консиз, узун қўллари қилтириқ... Аммо кийимларида кўмир чангидан асар ҳам йўқ эди. Митти Паганини нима учун уларни кўмирчилар деб аташларини сўраганида, болалар «бил-маймиз», деб жавоб қилишганди.

Болага бу сирни маълум қилар экан, Нйекко қурган дарахтларни куйдириб, кўмир олувчи «ўрмон биродарлари» ҳақида сўзлаб берди. Бу ўрмон биродарлари ўрмондан бозорларга чиқиб борадилар. Шу тарзда, фореста, баракка, вента каби сўзлар бора-бора Никколо учун яхши ўзлаштириб олинган одатий тушунчаларга айланиб борди. Аммо қачон болакай у ёки бу сўзнинг маъносини изоҳлаб беришни сўраса, жаноб Нйекко кўрсаткич бармоғини лабига босиб, «жим» дегандай ишора қиларди.

Кичкинтой Паганини италияча «Карманиола»нинг янги оҳангини яратди ва ўзининг шахсий мусиқий мавзусини ижод қилди. Бу оташин фарангича қўшиқни у франциялик денгизчилардан тасодифан эшитиб қолган, ўша куни навқирон, ўктам марселликлар баланд қирғоққа чиқаётганларида уни қўйлаб боришган эди. Бу қўшиқ Ватаннинг барча фарзандларини қўзғолишга даъват қилади. У халқ қонига бўялган қирмизи байроқнинг баланд кўтарилганидан дарак берарди, шаън-шавкат кунлари етиб келганидан огоҳ этарди. Унинг ҳар бир тўртлиги: «Қуроллан, фуқаро!» сўзлари билан яқунланади.

Паганини «Карманиола»дан кейин беихтиёр мана шу, ўз таъбири билан айтганда «марселлик денгизчилар қўшиғи»ни чалишни бошлаши биланоқ, Нйекко қаттиқ ҳаяжонда оромкурсидан туриб кетди ва катта-катта қадамлар билан хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Никколо биринчи марта уни бундай аҳволда кўраётган эди. Жаноб Нйекко генерал Бонапартнинг Шимолий Италия бўйлаб тарқатилган фарангича даъватнома-

ларининг кулранг бўлакларини деворжавондан олиб, болага кўрсатди. Ўрмон биродарларининг сири аён бўлди. Ўз қаърида исён алангасини ботин тутган кўмирнинг оғир юки энди митти Паганинига тушунарли эди.

Карбонарийлар биродарлигининг фаолияти боланинг шуурини буткул эгаллаб олди, устози билан бўлган барча бу суҳбатлар махфийлик пардасига ўралгани эса ўзгача бир жозибага эга эди. Паганинининг болалиқдан айро шахсий бир ҳаёти бошланганди. Энди у отасининг калтаклашлари ва таъналарига чидамлироқ, бардошлироқ бўлиб қолганди. У опалари, акаси, отаси ва онасининг ўрталаридаги узоқ давом этувчи жанжалларни хотиржам эшитиб ўтирарди. Унинг ўз ҳаёти, ўзининг шахсий турмуши қарор топди.

Паганинининг кон доғлари билан қопланган дастрў-молчаси жаноб Нйеккода ўз ўқувчисининг саломатлиги, оғир аҳволи тўғрисидаги илк шубҳалар туғилишига сабаб бўлди. Дўстлари воситасида жаноб Нйекко Никколонинг оиласи тўғрисида маълумот тўплади. Баъзан уни бирор соат ортиқча олиб қолар ва ўз ўқувчисини ранжитиб қўймаслик мақсадида, эҳтиёткорлик билан, бирга нонушта қилишга таклиф этарди. Аммо кўп вақт ўтмай кичик Паганини бу ушланиб қолишларга қарши ўзининг қатъий норозилигини билдирди. Жаноб Нйекко шогирдининг юзидаги қонгалаш жароҳатларни кўргач, унинг ҳақлигига кўзи етди: отаси дарсларнинг чўзилишига қаршилигини шу тарзда намоён этаётганди.

Жаноб Нйекконинг шогирди ўз устози ҳузурида бўладиган онларни қандай йўл билан бўлмасин оз бўлсада чўзишни жудаям истаётган эди, чунки валинеъматининг тез орада жўнаб кетишини унинг кўнгли сезиб турарди. Аммо бунинг учун ўз ортидан исковучдай кузатиб турган отасини алдаши керак бўларди.

Нйекко, карбонарийлар махфий ҳаракатининг иштирокчиси бўлгани боис, эҳтиёткор ва сергак кузатувчилик кўникмасига эга эди. Шу йилларда Нйекко афсонавий бу фаолиятнинг ёш скрипкачи ҳаётига шиддат билан кириб келишининг аҳамиятини аниқ тасаввур қила олувчи ягона инсон эди. Жаноб Антонио Паганини ўзининг тужжор дўстлари ва душманларининг тўдаси билан, унинг рафиқаси Тереза хоним ўзининг тажовузкор дарғазаб



қариндошлари ва узоқ аймақлари бўлмиш Боччардилар уруғи билан биргаликда Никколонинг шу ёшда бу истеъдодни қаёқдан олақолганлиги ҳақидаги гумонлардан миялари ғовлаб, бунга ғайритабиий кучлар таъсир этганини тахмин қилароқ, мундай маҳорат ё даҳшатли шайтоний қудрат, ёинки фаришталар ҳикмати аралашувисиз вужуд топмайди, деган қарорга келиб қўйишган бир пайтда, Нйекко афанди омонатгина саломатлиги ўзини бениҳоя хавотирга солаётган бу болакайнинг тақдиридан қаттиқ ташвишда эди. Нйекко бундоқ беқиёс истеъдод қудрати унинг бутун хонумонини кўйдириб ташловчи алангага айланиб кетишидан қўрқувда қолди.

Баъзан эса у, модомики, бу болакай ўзининг шу нимжон ҳолига жаноб Антонио томонидан елкасига ортиб қўйилган шунчайин оғир машаққатларга бардош бераётган экан, демак метиндай мустаҳкам соғлиққа эга бўлса ажабмас, деган хаёлга ҳам бориб қоларди.

Паганини кошларини бепарво кериб олиб, мутлако хотиржам ҳолатда ўзининг етти яшар пайтида ҳаддан ташқари узоқ вақт машқ қилганлари, скрипкани зарур ҳолатда тутиб туришга мадори қолмагач, мана шу чолғуни ўрганиб-ўзлаштириш учун гўдак ҳолига уни худди виолончел каби кичкина қийшиқ тиззалари орасига қўйиб чалишга мажбур бўлганларини сўзлаб берган дақиқаларда мазахкаш, хушчақчақ Нйекконинг кўз олди қоронғилашиб кетарди. Боланинг кечмишларини тинглай туриб, Нйекко унинг кўзига қарашга ҳам уялиб қолар эди. Унга гўёки инсон мусибатларининг қандайдир тубсиз қора туйнуғи ўзини комига тортиб кетаётгандай туюлаверарди.

Болани тинглаб ўтираркан, жаноб Нйекко Милан ходисаномаларида ўқиганларини эслаб, қалтираб қоларди. Унинг муаллифи ёзишчи, ломбардиялик дехқонлар ўз болаларини сарой масҳарабозлари сифатида Сфорц ҳерцогига сотиш учун уларни атайин бадбуруш мажруҳларга айлангиришар экан. «Янги одамлар, янги зулмлар, — хаёлга толарди Нйекко. — Мана шу ғаройиб мавжудот разил бир махлуқнинг ҳукмига тобе, у боланинг истеъдодини хароб қилиб, норасидани сариқ чақалик томоша машшоғига айлангириши шубҳасиз...»

Жаноб Нйеккони Никколонинг қисмати ҳақида фикрлашга ундайдиган яна бир мавзу бор. У черков

муסיқаси ўзининг митти шогирдига мутлақо ёт эканига амин эди. Кичик Паганини ўз скрипкасининг қудратли оҳанглари билан черков муסיқачиларининг овозини босиб кетар экан, худди бунга ўзининг алоқаси йўқдай бепарво қолаверишини Нйекко кўп кузатган. Католик бадниятлар тўдасининг писмиқларча, суллоҳларча уринишларига қарамасдан, янги аср боласининг қалби уларнинг шум мақсадлари учун ёпиқлигича қолаверди. Лекин қачонки Нйекко унга Италиянинг озодлиги, карбонарийларнинг жонли ва жўшқин фаолиятлари ҳақида сўз очса, боланинг ёноқлари хаяжондан ловиллаб ёна бошларди.

Черков муסיқасига нисбатан бундай бефарқликнинг бирор сабабга боғлиқ жойи йўқ. Кичик Паганинининг кўнглида черковга нисбатан қандайдир ғараз ёки нафрат борлиги ҳам даргумон. Аммо жаноб Нйекко унинг қачонлардир, кейинроқ, черковга дохил бўлиши маъқул экани ҳақида ҳам баъзи-баъзида ўйлаб қолади. Аммо айна пайтда Никколонинг бирор роҳибга истиғфор келтириб қолиши жаноб Нйеккони каттагина балоларга гирифтор қилиб юбориши ҳеч гап эмасди. Маҳаллий кардиналлегат ўз рухонийларидан, улар тавбаларни қабул қилаётган пайтларида черков ўғилларининг ва қизларининг фикр-шуурларида қандай ўй-хаёллар борлигини албатта тергаб-суриштириб билиб олишларини қаттиқ талаб қилмоқда эди. Унинг ўзи ҳам ҳар ҳафта Рим ҳаворийлик кенгашининг Генуядаги вакилига маълумот етказиб турарди. Бу ердан ахборот Римга, баъзан эса Венага жўнатилиб, хаворий қирол ва ҳукмдор ҳазрати олийларининг полиция нозири у ерда тегишли хулосаларини қайд этиб, келгусида эҳтимол тутилувчи қўзғолон ўчоқларини харитага белгилаб қўяди.

Боланинг жим юриши ва ювошлиги, унинг қандайдир хотиржам тортиб қолгани жаноб Антониони шубҳага солиб қўйди. Бу ҳақда у ўз рафиқасига айтди, рафиқаси буни дарҳол рухонийга етказди. Лекин маҳаллий ибодатгоҳ роҳиби митти Паганинига хайрихоҳ муносабатда эди. У Тереза хонимни тинчлантириб, бола тақво йўлидан бораётгани, ҳафтада уч марта черков тадбирларида қатнашаётгани, унинг ижролари тўда-тўда қавмларни ўзига жалб этаётгани, авом эса бунинг таъсирида иона ва садакаларини черковдан дариф тутмаётганини айтди, —

шунинг асносида, Никколо Паганини ва унинг скрипкасини тангрига мақбул келувчи ходисот дея таърифлаш жоиздур.

Шундан сўнг жаноб Антонио Паганини бироз тинчланди. Жаноб Нйекконинг ташаббуси билан кичкинтой скрипкачи дунёвий мусиқа кечасида иштирок этиш учун таклиф қилинганида, Антонио эътироз билдириб ўтирмади.

Ўша даврларнинг Италияси яна сопраночилар ижросига ҳам ихлосманд эди. Машҳур ахта Маркези ўз бенефиси ўтказилаётган кундаги ижросида ўзининг ниҳоятда нозик дисканти — болаларча овозининг кумушдай соф жаранги билан кўнгилчан Генуя аҳлини мингинчи бор лол қолдирди ва ҳайратга солди.

Маркези ҳаяжондаги томошабинлар оммаси қаршисида дисконт руладаларини мохирона ижро этаркан, Паганини митти ҳайвончаларга хос қизиқувчанлик билан Маркезини яширинча томоша қиларди. Лекин хотинча овоз билан кўйлаётган эркакнинг санъати уни қизиқтиргани ҳам, ҳайратга солгани ҳам йўқ.

Маркези кўйлаб бўлганидан кейин, машҳур қўшиқчи аёл Албертинеттининг қўшиқларидан сўнг, митти Паганинининг ижроси бошланди. Юқори қаватларда ўтирган омманинг бир қисми кичик скрипкачининг черковдаги ижролари ҳақида эшитган эди, аммо шу куни улкан театрга тўпланганларнинг кўпчилиги бу гаройиб болакай ҳақида ҳеч нарса эшитмаганди. Асл насаб ўрта табақа шахарликлар, зобитлар, руҳонийлар, бозорчиларнинг хотинлари, савдогарлар, нотариуслар, даллоллар, путурдан кетган қадимий унвонларга молик қўхна насл денгизчилар, қашшоқлашган аслзодалар, камбағаллашган зодагонлар, хонавайрон бўлган графлар — скрипка кўтарган бола сахнада пайдо бўлиши билан буларнинг ҳаммалари шовқинлаб, бош сикита бошладилар. Қўкси ботиқ, елкалари осилган, узун қўллари эса косаси ташқарига бўртиб чиққан тиззасига қадар осилиб турган нимжонгина болакай худди оёғига ёғоч бошмоқ кийиб олгандай, оғир қадамлар билан сўлғин бир ахволда сахнага чиқиб келди. Қаторларда таассуфдаги томошабинларнинг шивир-шивирлари тарқалиб, илжайишлар бошланди. Никколо бундай катта омма олдида илк бор соз чалаётган эди. Агар илгарилари митти скрипкачи ҳақидаги ёввойи афсона кадрдон

кўчасининг чегарасидан нари чикмаган бўлса, энди бу афсона қанотларини кенг ёйганича, шаҳар бўйлаб, денгиз узра, Лигуриянинг бутун мовий кўрфази тепасида ўз парвозини бошлади.

Қизиқувчанлик энди ҳайрат билан алмашинди. Болакай ўзининг бўйига муносиб бўлмаган улкан скрипкадан беқиёс даражада қудратли ва ниҳоятда гўзал товушларни ажратиб ола бошлади. Мана, унга оркестр кўшилди, мана, кўшиқчилар ижросининг тўлқинини юзлаб чолгуларнинг оҳанглари ютиб юборди, лекин барча бу товушлар устидан қўнғироқлар жаранги тўкила бошлади — саҳнада гўёки битта эмас, ўнлаб скрипкалар чалинаётгандай эди. Оҳангдор куйнинг кенг қамровли тўлқини хорни ва оркестрни қамраб олди; мана, сўнги мақоматни яқунлай туриб, оҳангдор, бениҳоя узун бир садо ҳавода гўёки муаллақ қотди. У ҳавога сингиб кетган кўйи бир, икки дақиқа узилмай туради, тураверади...

Омма ўрнидан туриб кетди, томошагоҳ бўйлаб ғалавогур ёйилди, бошлар худди дон бошоқлари каби тўлқинланиб силкина бошлади. Томошабинлар боладан кўзини узолмайди. Ҳайрат ўрнини энди завқ эгаллайди, кўплаб чехраларда эса хурофий бир ваҳимага ўхшаш кўрқув ифодаси зоҳир эди.

Юзи қонсизгина ёш диния билим юрти толиби Нови, қаҳрли кўзларидан ўт чакнатиб, ёнидаги кўшнисига нималарнидир пичирлайди. Ғазабнок илонзоданинг бу вишиллашини жаноб Нйекко жуда яхши эшитди. Новининг айтишига кўра, бу ерда инс-жинслар намоёни ўз таъсирини кўрсатган эмиш, зеро, иблиснинг кўмагисиз ҳеч бир одам, айниқса, гўдак ёшидаги болакай ўлик бир ёғочни бундай нола қилишга мажбурлай олмаган бўларкан.

Айрим овозларни, ҳатто қарсақлар довули ҳам босиб кета олмади.

— Ҳаттоки мен, — хитоб қилди черков роҳиби, — илтижولي қўлларим доимо кўкка қўтарилганига қарамасдан, ҳатто камина, бу шайдойи бола ўз камончаси билан скрипканинг қаъридан суғуриб олаётган наволарни тинглаб, томирларимда қон эхтиросли кўпириб оқа бошлаганини ва гуноҳга ботган ҳаёти дунё нафосатини бутун тану жоним билан ҳис этдим.

Роҳибнинг бу очикча изҳоридан ташвишланган масиҳий дархол муқаддас инквизициянинг — католиклар олий тафтиш идорасининг дунёвий либосга бурканган вакилига маъноли боқди. У эса бунга жавобан бепарво бир нигоҳ билан шунчаки қараб қўйди. Кейин балиқниқандай бакрайган жонсиз қўзлари билан саҳнага тикилганича бош силкиб қўйди ва роҳибнинг ёнига бориб, сўз қотди:

— Унинг ота-онаси — черковнинг содиқ хизматкорларидир, бола ибодатгоҳда соз чалади. Бу мусиқа — садойи илоҳий эрур.

Тунда митти Паганинини безгак тутди. Эрталаб эса у ота-онаси ўртасидаги жанжал тушига кирдими, ёнки ҳақиқатда бўлиб ўтганмиди, сираям эслолмади. Болага узук-юлуқ етиб келган айрим гап-сўзлар уни изтиробга солиб қўйди. Отаси «узоқ йўл олдидан яхшилаб боқиш» ҳақида нималардир деди. Онаси «хали эрта» деган гапни кўп қайтарди, отаси эса бўралатиб сўкиниб бўлгач: «Айни вақти», деди. Никколо чала-чулпа жумлаларни хаёлан бир-бирига улаб, отасининг Лигуриядаги соҳил бўйи шаҳарлари бўйлаб кичик скрипкачининг концертлари билан олис сафарга чиқиш нияти ҳақида гап бораётганини тушунди.

Отаси биржага кетиши биланоқ бола ўрнидан сакраб турди-да, тезгина кийиниб, жаноб Нйекконинг ёнига югурди. У энди эшикнинг тутқичини ушлаган пайтда жаноб Нйекконинг шу эшикни очаётганини кўрди; шу он зинанинг ён томонидаги деразалардан тушиб турган қуёш нури пардасида Франческо афандининг остонасида жангдор овоз билан кулаётган бир қиз кўринди... Кичик Паганинига қўзи тушиши билан унинг юзидаги табассуми сўнди ва қиёфаси дархол жиддийлашди.

— Мана, митти скрипкачингиз ҳам келиб қолди, — деди у жаноб Нйекко томонга ўгирилиб. — Демак, мен сизни қутаман.

У пошналарини тақиллатганича зинадан тушиб борар экан, юриб бораётиб, шошган қўйи тўр рўмолини бўйнига ўраб олди. Паганини, сабабини ўзи ҳам билмаган ҳолда, юрагига муздай совуқ бир игна санчилганини, ўша игна кўксига синиб, бир бўлаги қалбида санчилганича қолиб кетганини ҳис этди.

Жаноб Нйекко Паганинини баланд кўтариб олди, у билан хонада гир айлана бошлади, уни пешонасидан ўпдида, шашт билан ерга туширди.

— Табриклайман! — деди у. — Афсуски, сени ўзим билан олиб кетолмайман. Эртага мен жўнаб кетяпман.

Паганини оромкурсига ўзини ташлади, кўзидан ёшлари шашкатор оқа бошлади. Кечаги концертининг бутун муваффақиятлари, болаларча гурурининг барча шодликлари — ҳамма-хаммаси тенгсиз кулфат қаршисида дафъатан чилпарчин бўлди.

### **Тўққизинчи боб**

#### **ЎСМИРЛИК**

Антонио Паганини митти скрипкачининг концерти атрофида кўтарилган шов-шувлардан бироз ташвишга ҳам тушиб қолди.

Бир куни эрта сахарда, Тереза Паганини тинчгина ухлаб ётган маҳал, офтоб нурлари Генуя қабристонидаги ёдгорликларнинг юқорисига олтин пуркай бошлаган, денгиз соҳилидаги қумлар ҳали тонгги шамолнинг илик ҳовуридан қочиб улгурмаган туманнинг юпқа пардасига бурканиб ётган, қушчаларнинг чирқ-чирқи Генуянинг кимсасиз етим кўчаларини энди-энди тўлдиришни бошлаган паллада, митти Паганини мўъжазгина тугунчаси ўтказиб олинган таёғини елкасига ташлаганича, отасининг каттакатта одимларига етиб олиш учун пилдираб кетиб борарди. Қария катмонини, ҳамёнини, «Италия мессажери» чиптасини жонсарақлик билан тинмай у чўнтагидан бу чўнтагига олиш билан овора. Бир соатдан кейин улар Фочеда эдилар, сал ўтиб Нервига етиб келишди, кейин очик денгиз соҳилида Реккони кўрдилар; сўнгра тоғ томонга йўналишди, қуёш тиккага келган пайтда эса, ёмғирдан ивиган йўлдан ўрмон ичкарисига кириб бордилар. Шу алпоз Киаварига етиб келишди. Киаварида арзон тамаддихона олдида тўхташди. Бу ёққа етиб келишганидан кейингина кичик скрипкачи онаси ундан хавотир олмаслигини, онасига хат ёзиб қолдирилганини билди. Жаноб Антонио бирданига Никколога меҳрибон бўлиб қолди. У ҳатто ўғлини юзидан силаб қўйди ва унга деди:

— Биласанми, мен буткул хароб бўлдим. Энди оиламизнинг ҳаёт-мамоти ёлғиз сенинг қўлингда. Чал, энди ҳамма ёқда скрипкангни чал. Пул тўплаб олайлик, кейин турмушимиз яхшиланиб кетади.

Никколо биринчи бор шаробхонада соз чалишга мажбур бўлган Киваридан чиқиб, жанубга томон йўл олишди. Бола Спесияда икки марта томоша берди. Кейин эса концерт кетидан концертлар уланиб кетаверди — церковларда, тамаддихоналарда, қўнокхоналарда: бойлик ортириш дарди чолни шаҳардан шаҳарга ҳайдай бошлади. Антонио Паганинига гўё ёшлик қуввати, тетиклиги қайтиб келгандай эди; у боласига бир дақиқа ҳам тиним бермас, ўзини ҳам аямасди. Унинг руҳида қаёқдандир энг абжир импрессарио лаёқати пайдо бўлиб қолди. Даллоллик пайтида удалай олмаганларини томошабоз тадбиркор сифатида эплай бошлади.

Массадаги кичкина босмахонада, иш ҳақи арзонлиги боис, афишаларга ҳам буюртма беришди. Антонио Паганини боланинг узоқ қариндоши киёфасида ўғлини зўр бериб тарғиб қила бошлади. Лукка, Пиза, Флоренсиядан айниқса умиди катта эди. Кейин эса Болоньяга, Модена, Режио, Парма, Пйаченца, Павия ва Алессандрияга кетиш истаги бор. Сафар охирироғида яна жанубга йўл олишди, Новида концерт бериб, тоғ йўллари билан Генуяга қайтишади. Шу зайлда Ривьера ди Левантенинг бутун соҳил бўйи бу қари қароқчининг фаолият майдонига айланди.

Катта шаҳарлардаги ижролар орасида олчоқ қария ҳеч бир пасткашлиқдан ҳазар қилмасдан, ёш болани қўнокхоналарда чалишга мажбурлаб, хачиркаш маркабчилардан, дайди артистлардан, шаробхўрлик устида *фрути ди маре* — денгиз меваларининг бошига етаётган семинария талабаларидан байокко, чентезима ва солдоларни тиланишдан орланмасди.

Шу тарзда Ливорнога етиб келишди. Бу шаҳардаги илк концерт олдидан қария энг оғир тугунини очди. Унинг ичида кулранг камзул, чолвор, янги пайпоқлар ва пойабзал, пат қадалган катта кулранг қалпоқ бор эди. Буларнинг ҳаммаси қўпол, боланинг бўйига мос бўлмасида, қиммат матолардан тикилганди. Оқ тўр ёқа бир неча лира туради; митти скрипкачи шунга яна бир бор амин

бўлдики, Антонио учун Никколонинг кадр-қиммати ил-гари болага маълум бўлмаган янги нархга ҳам эга экан.

Ливорно томошабинларининг қурама оммадан иборат-лиги концертнинг муваффақиятига халақит бергани йўқ. Отасининг ўзи барча тушумларни кузатиб турди ва уни бир байоккога ҳам алдаб кетмасликларининг бар-ча чораларини кўрди. Кечки пайт эса ўлгидай бўкиб тамадди қилиб олгач, чол ўзи учун яна бир тантилик қилди. У ливорноча лидотто ўйинига бир луидор тикди ва ўша кечанинг ўзида минг франк ютиб олди. Ютуқ унинг калласига шаробдай сархушлик берди. Чол пеш-тахта ёнига бордида, бир қадах қора арча арағини бир кўтаришда жиғилдонига жойлади ва яна ўйинга қайтди. Ўғлини бир лаҳзага ҳам ёнидан жилдирмади, унингча, гўёки бола ёлғиз қолса, кимларгадир қандайдир сирни айтиб қўядигандай эди. Балки у Никколо уйини қаттиқ қўмсаётганини билгани учун кўнглига қандайдир шум шубҳа оралагандир, чунки муваффақиятли концертдан кейин митти Паганини бу ҳақда гап очгандай бўлвди.

Уч соатдан кейин эса, концертдан тушган барча ту-шумларни ҳам, омадли бошланган окшомнинг ютуқларини ҳам — ҳаммасини бой берди, охириги йигирма беш франк-ли кредит қоғозини ҳам у денгиз бўйидаги киморхонада ютқизди.

Эрталабга яқин қўноқхонага қайтишди. Қари Пагани-ни тинмай вайсаб, сўқинарди. Уйқуга ётар экан, эртага қайтадан концерт беришларини писанда қилиб қўйди.

Митти скрипкачи эрталаб уйғонгач, янги кулранг кам-зулининг енги йиртилганини кўрди. У бунинг қандай юз берганини эслолмади, лекин энди калтак ейиши тайин эканини биларди, бундан ташқари, кечки томошада кия-диган бошқа нарсаси ҳам йўқ.

Отаси ухлаб ётибди. Бола йиртиқ камзулга шун-дай ўқинч билан тикилардики, гўё ўзи қаттиқ жароҳат олган-у, териси шундоқ шилиниб тушган каби. У камзу-лини қўлига олиб, асталик билан хонадан чиқди. Эшик олдида чўриқиз билан йўлак хизматкорига рўпара келиб қолди. Чўриқиз ўзига шилқимлик қилаётган мўйловдор хизматкорни тирсаги билан туртмоқда эди. Лекин эшик-нинг очилганини пайқаган хизматкор шошиб ўзини четга олди. Ходима ҳам қочишга шайланди. Бола уни тўхташиб,



игна-иш сўради. У қўз ёшларини оқизганича, чўриқизнинг маслаҳати билан чордоққа йўл олди. Чордоқда шамол ўйнарди. Совуқ ўйиб оламан дейди, шамол устунлардан ва тўсинлардан ачимтир юпқа чанг қатламини кўтаради. Паганини чўриқиздан камзулни тикиб беришини сўрашга юраги бетламагани учун ўзини койий бошлади. Аммо бу иш учун пул тўлаш кераклиги лозим бўлиши хаёлига келгач, ўз қароридан қониқди.

Бир пайт Паганини сабзавотфурушнинг овозини баралла қўйиб ашула айтаётганини эшитиб қолди. Соф ва тиниқ овоз гўё кўчадаги ҳавони кесиб бораётгандай эди. Бола тоқчага таянганича пастга энгашди-да, деразадан қаради. Шамол эпкинни унинг қўлидан камзулини юлиб кетди. У зинадан пастга югуриб тушгунича, кимдир камзулини олиб жўнаворибди. Кўчага югуриб чиққан Паганини йўловчиларнинг хайрон нигоҳларигагина дуч келди.

Бола кўзда ёши билан эшик олдида тўхтади. Қўли бир неча бор эшик дастаси томон чўзилди-ю, лекин у худди қўлини куйдираётгандай, қўрқиб тортиб олди. Ниҳоят, кўз ёшларини қуришиб, ичкарига кирди. Отаси ҳали уйқудан уйғонмаганди. Паганини шовқин чиқармасликка ҳаракат қилиб, эҳтиётлик билан эшикнинг иллагини илдида, ўрнига чўзилди. У пойабзалини ечиб, ўзини гўё ҳали ўрнидан турмагандай кўрсатмоқчи эди-ю, лекин шу пайт чойшаб остидан отасининг битта кўзи ўзини бошдан-оёқ диққат билан кузатаётганини кўриб қолди. «Кўрдими ё кўрмаганмикан?» — ўйлади болакай ва кутилмаганда қатъият билан деди:

— Отажон, сизга тан олиб айтишим керак: камзулимни ўмариб кетишибди.

Кекса Паганини ўрнидан сакраб туриб кетди, бир зумда уйқиси ҳам ўчиб кетди.

— Сен мени кафангадо қиялпсан! — бўқирди отаси ва безовта типирчилаган қўйи хонани беҳудага тита бошладди.

«Биби Марямга дурудлар бўлсин, — ичида қувонди Паганини, — отам ҳеч нарсани кўрмабди». Кейин эса сохта бир ғайрат билан отасига ёрдамлашган бўлди. Лекин бу ерда титкилайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди — аслида бу хонага Паганинининг бир бўғча лаш-лушидан бошқа ҳеч бало кирмагандиям. Хона жихозлариям йўқ, бу ерда

камзул йўқоладиган жой нима қилсин. Сал ўтмай қари Паганини энди дахлизда қичқира бошлади: энди у ёток учун сариқ чақа ҳам тўламаслигини, ҳозироқ ҳокимликка бориб, бу қўноқхонада талончилик ва қотиллик билан шуғулланаётганларини айтиб огоҳлантириб қўйишини билдирди. Кичик Паганини эса хонада биқиниб ўтирарди. Кимдир қариянинг кийимлари йўқолибди, деган хаёлда уни келишувга кўндиришга ҳаракат қила бошлади.

У эса росмана қутуриб кетган, ҳеч нарсани эшитишни ҳам истамасди. Тинмай бақирди билан овора эди:

— Менинг ўғлим, менинг маълум ва машхур ўғилгинам бугун концерт бермоқчи-ю, унинг либосларини ўғирлаб кетишса-я!..

— Қанақа ўғлингизни айтяпсиз? — аёл кишининг овози эшитилди.

Жаноб Антонио эшикни очди ва Никколо ўзига игна-ип берган бояги чўриқизни кўрди. Ёлғон шу ондаёқ фош бўлди.

— Жаноб, сиз шу зумрашани машхур скрипкачи деяпсизми? Бунақа муттаҳамлардан ҳеч қачон машхур машшоқ чикмайди!

Шунда ота ўғлига қараб мушт дўлайтирди:

— Сен текинхўр бола, парвардигорингнинг ота-онани эхтиром этиш ҳақидаги буйруғига осийлик қиялсанми? Сени одам қилиш учун тош йўлларда товонларимни йиртиб юрганларим бир пул бўптида... Камзул қани?

Митти Паганини мук тушган қўйи отасига қўлларини чўзиб, эсанкираб, гапидан чалғий-чалғий, бўлган воқеани сўзлаб берди.

— Алдаяпсан! — ўшқирди отаси. — Сен уни сотиб юборгансан! Ё, тангрим, вой худойим, шундоқ концерт увол кетди-я, бир чақасиз колдик-а. Уни сотгансан! — у яна додлаб, ўғлининг тепасига бостириб келди. — Бугун кечгача камзулни қайтариб олиб келасан!

Кичик Паганини онаси совға қилган эски камзулни кийди-да, кўчага чиқди. У аввалига отаси чақириб қолишидан умид қилиб, секин одимлай бошлади. Лекин чол одамгарчиликни унутганди. У болани ортига қайтармади.

Никколо шахар чеккасига чикқач, йўл бўйидаги харсанг устига ўтирди. Кейин қаттиқ холдан тойгани асар

қилиб, камзулини ечди-да, уни бошининг тагига қўйиб, ўт устига чўзилди. Лекин ҳеч ухлолмади: қаншарига нимадир, думалоқ бир нарса ботди. Паганини хурсанд бўлиб, ўрнидан сакраб туриб кетди. Бу — беш фунтлик танга эди. Тереза Паганини ниҳоятда иримчи аёл эди — болаларининг ҳар бир янги камзулининг астарига танга-чақа тикиб қўйиш одати бор эди.

Паганинининг хаёлига келган биринчи нарса қўноқхонага қайтиш бўлди, аммо дарров бу фикридан қайтди. Кечгача Ливорно атрофларида санғиб юриб, қоронғи туша бошлаши билан оч-наҳор бир аҳволда бандаргоҳнинг ёнидаги — кеча отаси бор-будини бой берган қиморхонага кириб келди. Кекса Антонио Паганинининг касрига, болакай ўз хаётида иккинчи бор касофатхонага қадам босди.

Паганини нимқоронғи йўлакка кириб саккизта зинапоғони санади-да, кеча ўзига таниш бўлиб қолган эшикни пайпаслаб топди, уни очиб, денгизчилар ва фоҳишаларнинг йўлни тўсиб қўйганларига парво ҳам қилмасдан, деворга қапишганича, ўзига йўл очганича, қимор ўйналадиган хона томон юрди.

Бу ерда омадсиз дарғалар, хаддини билмаган ботсманлар, увада камзул, барлари узун чакмон кийган касби нотайин кимсалар, мулойим кўзлари безовта боқаётган аллақандай чол ва яна аллақимлар бор эди. Нарирокда, ғира-шира ёритилган хонада эса қора арча арағидан масталаст бандаргоҳ юкчилари ва денгизчилар ағанаб ётишибди. Ўша ерда бир маст ҳабаш узокқа сузувчи кемаларга ишчиларни ёллайдиган бир воситачи билан сўкишасўкиша, зўр бериб гап талашяпти. Қўрғошин майқадах дам-бадам ёғоч пештахтага тақиллаб урилиб, ҳар сафар сарғимтил ичимлик чайқалиб, томчилари мардикор ёлловчининг қўлига сачрайди. Ҳабаш оғзидан тупук сочганича, ўзига таниш ҳамма тилларда бетиним сўкинади. Миз атрофида эса қимор кетяпти. Ганига арзимаган пул тикишяпти. Паганини миз ёнига бориб, ўзининг беш фунтлик тангасини довга тикди — онаси берган пул омад келтириши тайин.

Ўнлаб кўзлар болага қадалди. Кимдир нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин оғзи гапга келмай, ғўлдираб қолди. Ўйин бошланди. Кимдир одатдаги саволни берди:

— Ган қўйиб бўлиндими, бошқа тикадиган йўқми?

Қария боланинг ёнига келди.

— Хўш? — қўполлик билан унга сўз қотди Никколо.

Орқа томондан бир денгизчи келиб, Паганинини ёқасидан олди. Бола худди бўйинбоғидан ушланган кучукчадай тишларини иршайтириб питирлаганча, ўзини ушлаб турган қўлни тишлашга уринарди.

— Сенга нима керак! Қўйвор! — дўқ урди болакай.

— Сенга қимор ўйнаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман, — деди офтобда пишиб-қорайган бир ботсман. — Пулни кимдан ўмардинг?

— Ўзимники, — жавоб берди бола. — Мен ўзимга кийим сотиб олишим керак, камзулсиз отамнинг ёнига бо-ролмайман.

Кейин у қўйлагининг йиртиқ жойларини кўрсатди, ҳамма либослари олачалпоқ эканидан шикоят қилди.

— Эҳтиётингни қилиб қўй, шайтонвачча, тагин бугун ёғоч кийим кийиб, қайин қутида асфаласофилингга жўнавормагин!

Аммо ўйинбошининг бу ишга муносабати бошқачарок чиқиб қолди. У бола томонга бир қараб қўйди-ю, ўйинни давом эттираверди.

Ярим тунда митти Паганини билан қиморхонадан чиқиб келган ҳалиги ботсман унга сўз қотди:

— Бугун омадинг чопди, бир қарич маймунча. Лекин ростини айтсам, мениям ҳеч қачон бугунгидай довим келган эмасди. Туғилганигда иқбол юлдузинг тепангда чарақлаб турган экан, шекилли. Аммо сенга бир гапни айтиб қўяй: сенинг саксон луидор ютганингни кўрдим. Сен энди бойсан. Сенда ҳозир бор бўлган пулни мен бир йил ишлаб ҳам топган эмасман. Менга беш луидор берсанг, уйинггача кузатиб қўяман, йўқса сени бирорта тор қўчада чавақлаб кетишади.

Ҳақиқатан ҳам уларнинг ортларидан иккита шарпа измаиз келмоқда эди. Ботсман камарини сал бўшатди-да, қўйнидан қўндоғига кема тасвири зарб қилинган битта тўшпонча чиқарди, дудама ханжарининг сопи илинган қайишни ҳам тўғрилаб қўйди. Ботсман ҳамма ҳаракатларини шунақанги бир вазоҳат билан бажардики, у гўё камида ўн иккита босқинчини жойи растонига жўнатиб юборишга тадорик кўраётгандай эди. Аммо ҳеч ким бировни талашга интилмадиям-уринмадиям. Болакай соғ-

саломат уйига етиб олди, ботсман ҳам омон-эсон беш луидорлик бўлиб қолди.

Отаси ухлаб ётибди. Каттагина шиша идиш катнинг тагида думалаб ётар, тўкилган шароб эса ерда қип-қизил бўлиб халқобланиб турарди. Қариянинг бошмоқлари роса шаробга бўкибди.

Митти Паганини тунбўйи кўз юммади. Унинг тишлари такиллар, юраги безовта ураётганди. Чол уйғонгани йўқ. Тонгга яқин, қари отасини уйғотиб юбормаслик учун аста-секинлик билан, ҳеч кимга сездирмайгина қўноқхонадан чиқиб кетди. Скрипкасини қўлтиғига кистириб олган, қўлидаги бўғчага бор нарсаси тугилган: онаси совға қилган ибодат китоби, қизил, яшил ва қора шоҳи тасмалардан боғланган капалакнусха безак — уни бирда жаноб Нйекко совға қилганди.

Бола бўлиб эсини танибдики, Никколо Паганини энди илк бор ўзини енгил ва хотиржам ҳис этди. Қаттиқ очқаганини сизди. Икки кундан бери тариқдай урвоқ ҳам егани йўқ. У ўтиб бораётган, бутун сохил бўйлаб олисларга чўзилиб кетган тош ихота ортида майсалар кўкариб, қушлар шодон чуғурлашади. Бир қиз денгизда чўмилиб чиқиб, жарангли овоз билан қўшиқ айтиб кийин-япти. Шаҳар шошмайгина ғафлат уйқусидан уйғонмоқда. Сохил бўйидаги қахвахона скрипкачи саёқ бола кирган биринчи жой бўлди. Эшик олдида туриб ойналарни артиб тозалаётган одам Паганинига шубҳаланиб тикилди.

— Тўлашга ақчанг борми? — сўради у, Паганини ўзи учун ёшига муносиб бўлмаган даражада кўп нонушта буюртирганидан сергакланиб.

Паганини эҳтиёткорликни ҳам унутиб, кафтидаги бир ховуч беш фунтликларни шикирлатди ва қолган пуллари яшириб қўйилган пайпоғига ишора қилиб қўйди. Қуюқ дамланган қайноқ қахвани хўплаб, қайнатиб пиширилган тухумларни ютокиб ямлаётган бола дафъатан кечаги қимор ўйинини эслаб қолди. Охир-оқибат қиморнинг хумори қиморхонанинг разолати олдидаги қўрқувни енгиб кетди. Боланинг боши айланиб, олтин тангалар оқиб келаётган пайтдаги бекиёс муваффақият лахзаларини ширин бир беҳудлик билан ёдга олди.

...Тўсатдан уни ваҳима босиб, ўғриларнинг қурбонига айланиш хавфи миясига урди. Қахвахонадан шошиб

чикиб, болакай тонгги сокин кўчалардан жадал одимлаб кетди. У айни шаҳар майдонига кириб келган маҳал «Вена кўйлаклари» деган чиройли ёзувли пештахта илинган дўконнинг эшиги очилиб, новчагина бир киши аробадан ичкарига тугунлар ва қутиларни таший бошлади.

Бола ўзига бирйўла иккита камзул сотиб олди. У кўзгудаги олифтани ўзига ўхшатолмади. Бегона ва нотаниш шаҳарда ёлғиз ўзи дўкон кезиб юриши аввалига юрагига хавотир солган бўлса, энди хотиржам эди. У дўкондан чикиб, шундоққина муюлишда туриб олдида, қаерда эканлигини ҳам унутган кўйи скрипкасини филофдан чиқарди. Бир неча товушларни уйғунлаштириб чолғуни созлаб олгач, оҳанглар ўз-ўзидан кўйилиб кела бошлади. Уни чулғаб олган туйғулар, шу йил бошидан ўтган барча кўргуликлари йўлида учраган ҳамма нарсага вайрон қилиб ўтгуччи, бутун борликни қамраб олгуччи, қадрдон уйи билан, оиласи билан боғлаб турган ришталарни узиб-титиб ташлагувчи садолар бўронига қўшилиб, юрагидан ташқарига отилиб чиқди. Бола гандираклаб қолди, этлари увишиб, дафъатан иситмаси кўтарилди; у худди бир савдойидай, телбавор бир аҳволда соз чаларди, хатто ўзининг қаердалигини ҳам, қанча вақтдан бери бу чолғусини чалаётганини ҳам англашга қодир эмасди. У ўз атрофига тўпланган оломонни ҳам, қайсидир бир йўловчи унинг қалпоғини ечиб олганини ва оёғи остига ташлаб қўйганини ҳам, қалпоғига ҳар томондан пуллар тўкилаётганини ҳам сезмас эди. У кўзларига шўртанг ёшдан парда тортилганини ҳам ҳис этмаётганди. Йиқилар даражада мункиб кетганидан кейингина камончасини пастга туширди. Боланинг тиззалари қалтирар, елкалари худди кўрғошиндан қуйилгандай ерга тортиб кетаётганди. Шундагина у атрофидаги сон-саноксиз одамларни кўрди ва бутун майдон қарсак чалиб, ўзини олқишлаётганини эшитди. Кўшк ароба чорпоясида ўтирган аравакаш ўрнидан туриб олганича завқдан қийқирар ва шляпасини силкитарди, дўконлардаги дастёрлар пештахталарни тарк этишган, харидорлар остоналарда тўхтаб қолишган, митти скрипкачини таниганлар у ҳақда сўзлашмоқда эдилар.

Паганини оёғи остидаги пулларга ҳайрон тикилди, қалпоғини қўлига олиб, қандайдир бир саросималикда чўнтакларини танга-чақа ва қоғоз пулларга тўлдира бош-

лади. Скрипкани филофига солгач, ёлғиз ўзи, қаёққа боришини ҳам билмай йўлга тушди. Оёқлари ўзига бўйсунмай қолаётганди. Аста-секин унинг ортидан эргашиб келаётган бекорчилар ва тўп-тўп йўловчилар тўдаси ҳам тарқалиб кетди. Боланинг беҳол чехрасини, ёш тўла кўзларини, дард-алам томчилари инган узун киприкларини кўргач, бирор савол билан мурожаат этишга ҳеч ким ботина олмади. Бола энди буёғига нимадир қилиши кераклиги ҳақида тинмай ўйлар, аммо айнан ҳозир нима қилиш лозим, деган саволга жавоб топа олмасди. Ниҳоят, ечим топилди: пули бор одам арава ёллаши мумкин. У хос аробага ўтиргач, уйқу билан курашишга ортиқ ҳоли қолмаганини тушунди. Скрипкасини қўлтиғига қистириб олганча, ўнг қўли билан қуловини чимдий бошлади. Кўп ўтмай карвонсаройга етиб келишди. У ерда бир соатлардан кейин кечки малпост<sup>1</sup> жўнаб кетишини билди ва Милангача чипта олди. Вақт ярим тундан ўтганда карнай чалиниб, жўнашга рухсат берилгач, кенг-катта қадимий йўлдан шимолга қараб жилишди. Бу йўллардан қачонлардир Рим лашкарлари ўтган. Поёни йўқ бу роҳисанглардаги ўтмишда терилиб, рим араваларининг филдираклари юкидан емирилиб кетган тошлар янги терилган тош йўллар билан алмашилиб боради.

Эски ҳаёт поёнига етди. Қиморхонадаги биринчи ўйин скрипка чалишдан кўра қизиқарлироқ туюлди. «Мен ўзи нималарни ўйлаяпман, — уйқусираб, аробанинг ҳар бир силкинишидан боши ликиллаган кўйи хаёлга берилди Паганини, — бирорта майдонда яна бояғидай томоша берсам бас, яна бой бўламан-қўяман. Қонимни ичиб тўймайдиган отамнинг ёнига қайтишга бало борми?»

Кўҳна Пиза дарвозаларидан шимолга томон йўналишди.

«Ҳаво яхши бўлиб турганда малпостда ўтириш жуда завқли, — дея ёзишади қадимги саёхатчилар ва яна илова қилиб қўйишади: — декабрь ёмғири шивалаб турган дамларда, агар хос аробанинг деразаларида ва тагларида тирқишлар бўлмаса, агар захирангизда иссиқ кийимларингиз бисёр бўлса, ошқозонни яхшилаб тўлдириб олган бўлсангиз, бўғчангиздан олтинрангли қуюқ ўткир ичим-

<sup>1</sup> *Малпост* — темир йўллар пайдо бўлгунига қадар йўловчилар, хат-хабар ва жўнатмалар ташиладиган махсус аравалар.

лик солинган шиша мўралаб турган бўлса-ю, ўзингиз аробанинг энг ичкарасига жойлашиб олган бўлсангиз, малпостда кетишга нима етсин».

Лекин Шимолий Италия йўлларида ёлғизгина бола-нинг саёхат қилиши охир-оқибат хайрли бўлмади.

Хат-хабар муассасасининг хос аробаси Луккадаги карвонсарой дарвозасидан кириб келиши биланок, иккита миршаб дарҳол миттигина Паганинини ҳибсга олди. Қари Антонио қарз қўтариб, бор маблағлари-ю, ваъдаларини аямасдан, Ливорно полициясини оёққа турғазибди, улар эса, Луккага гелиограмма жўнатиб, боланинг ўша ёққа бориб қолиши мумкинлигидан огоҳлантиришибди. Паганини икки кеча-кундуз маъмурият идорасида ўтирди. Уни камоқхонага ҳам, ҳибсхонага ҳам, панжара ортига ҳам ўтказишгани йўқ. Бола бу ерда деярли тўла эркинликда эди. Унга фақат ҳокимликнинг биносидан ташқарига чиқиш тақиқланганди, холос. Полиция амалдорлари унинг турки тароватидан қулишса-да, деярли сўроқ ҳам қилишгани йўқ, уни «хойнахой бирор бойваччанинг арзандаси бўлса керак», деган хаёлда, вазиятни чигаллаштирмай, бу ҳолат ўз-ўзидан ечим топишини кутишга қарор қилишди. Миршабхона ходимлари мана-ви жинойтчи ҳисобланмаган, эхтимол насабдор зотлар оиласидан бўлган болага нисбатан қандай муносабатда бўлишни ҳам билмай турганлари боис, Паганини Лукка маъмурияти биносида худди меҳмондай кун кечирмоқда эди: истаганича мириқиб ухлайди, қорни ҳам тўқ.

У бир неча бор жаңубий малпостнинг қачон келишини сўраган бўлса-да, айтилган вақтни ҳар сафар унутиб қўйверарди. Ниҳоят, охирги бор эшикни очиб, пастда турган миршабдан жанубий малпост ҳақида сўраб турган пайтда, у ёқдан отасининг овози эшитилди:

— Келиб бўлдим болам, мен шу ерданам.

Уйга қайтишда йўл бўйи калтаклашлар ҳам, бўралашиб сўқишлар ҳам бўлмади. Билбакс, ота ўз хулқига хос бўлмаган меҳрибонлик аломатларини ҳам зуҳур эта бошлаганди. Отаси хос аробада уйқуга кетган пайтларда ҳам бола унга хавотир билан тикилиб ўтирарди; хушёрлик ҳисси Никколони бир дақиқага ҳам тарк этгани йўқ. Лекин боланинг хавотирига зид ўлароқ, кекса Антонио ўзини тинч ва хотиржам тутар, кам гапирар, қандайдир



ўйчан бўлиб қолганди. Улар шимол томонга олислашиб борганлари сари, Левантия Ривьерасига қанчалик яқинлашганлари сайин митти Паганинининг мияси шунчалик тез ишлай бошлади. Никколо, мана шу ҳодиса — отасидан қочиб кетиши ўзининг бола ҳаётида қанчалик улкан аҳамият касб этганини дафъатан англаб етди. У ўзини оиласидан узилиб қолгандай ҳис қиларди. Хос ароба қадрдон шахрига яқинлашиб боргани сари онасига бўлган соғинч дарди ҳам йўқола борди. Агар Паганини сал каттароқ бўлганида, у ўзининг отасига бўлган муносабатини айни ўз тарбияланувчисининг хулқини муваффақият билан ўзгартира олган мураббийга нисбатан бўлган ҳиссиёт сифатида эътироф этган бўларди. Энди мавқеларнинг ўрни алмашди. Паганини бундан буёғига отаси ўзининг қўлида эканини ҳис этди. Лекин айни пайтда отасидан барибир қўрқарди ҳам.

Ота-бола ўзаро келишиб олган бўлмасалар-да, уйларида худди беғам, бахтиёр ва бадавлат саёхатчилардай кириб келишди. Кўнгилсиз воқеа ҳақида ортиқ эсламадилар.

Генуяда шод-хуррамлик ҳукмрон.

Кимдир митти Паганинининг муваффақиятлари ҳақида мужда келтирган экан, маркиз ди Негро ўз зиёфатида Шимолий Италиянинг машҳур кўшиқчиси Тереза Бертинотти хоним билан жўрликда иштирок этишни сўраб таклифнома юборибди. Айни шу концертда Крейтсерота ҳам клавиесинда ўз асарларини ижро этар экан.

Паганини ўз ҳаётидаги биринчи улкан синов туфайли эришгани — хотиржамлик ва ўзига бўлган ишонч ҳисси билан ди Негронинг оқшом зиёфатида катта зафар қозонди.

Паганини ўзининг янги мавқеидан қандай фойдаланишни тезда ўзлаштириб олди. Опалари унинг шаънига тўқийдиган ҳақоратли лақабларга, акасининг ҳасадли, нафратомуз нигоҳларига қарамасдан, Паганини ўзини оиласининг валинъёмагидай ҳис этарди.

Отаси ҳам ўзини худди ҳамма нарсани қойил қилиб қўйгандай виқорли тутишни бошлади: фарзандининг истеъдодини юзага чиқариш учун бекиёс саъй-ҳаракатлар қилган севимли ота ва фидойи онаизор томонидан тарбиялаб вояга етказилган мўъжизавор ўғил, — кекса Паганини томонидан танланган янги нуфуз эди бу.

Никколонинг онаси бу ўзгаришлардан чексиз қувончда, бу вазиятни худди ҳақиқатдай қабул қилди. Отасига яхши таъсир кўрсатгани учун ўғлининг дуои жонини қилмоқда эди.

Бир куни жаноб Крейтсер ўзининг кўшк аробасини Пассо ди Гатта Морадаги хароба уйнинг файзсиз эшиги олдида тўхтатди. Бадавлат мусиқачи, зодагонлар хулқ-атвориға тақлид қилгувчи артист, фарангистонлик маркиз қиёфасидаги Крейтсер афанди зинапоядан қўтарилиб бораркан, бурнини шоҳи рўмолчаси билан тўсди.

Жаноб Крейтсер болани Пармага жўнатиш жоизлиги борасида маркиз ди Негро жанобларининг номидан юборилган таклифни жаноб Антониога узоқ тушунтирди. Зеро, у ерда митти Паганинининг мусиқий билимини такомилиға етказа оладиган ягона скрипкачи яшайди. Болага бу исм таниш эди. Ди Негро ва Крейтсер болани Алессандро Ролланинг хузуриға олиб боришға Антониони кўндиришға уринмоқда эдилар.

Орадан бир хафта ўтди. Яна тоғ гулларининг енгил ифори аробанинг очиқ ойналаридан сузиб киради. Қария билан скрипка кўтарган бола малпостда Парма йўлида кетиб бормоқдалар.

Айни туш пайтида ҳамсафарлар қўзланган манзилға етиб келишди.

Уларни киборийлик ва бетартиблик нуқси урган хонаға бошлаб киришди. Бу — оғир ва бедаво дардға мубтало бўлган узлатдаги бир одамнинг хонаси эди.

Дераза ёнида, кундузги офтобнинг қайноқ нурлари тушиб турган миз устида нота дафтари оқариб қўринади. Янги мусиқий пйесанинг қирқ саккиз сатри қўрғошин қаламда қоралаб чиқилган.

Ролла бетоб. Кекса Паганини ўғли Никколони буюк Роллага «бир дақиқа»гагина кўрсатиб чиқишни унинг хотинидан ўтиниб сўрайди.

Ролла хоним чеккадаги хонада ётган эридан митти скрипкачини қабул қила олишолмаслигини билиб келгунича, болақай скрипкасини филофдан олиб, Ролланинг янги асарини биринчи садолариданоқ ишонч билан *a vista* чалишни бошлади. Скрипка учун ёзилган бу концерт ҳали ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳеч ким, ҳатто муаллиф томонидан ҳам ижро этилган эмасди. Буни билмаган Па-

ганини берилиб чалади; концертнинг илк оҳанглириданок таъсирланиб, чалди, чалди, чалаверди.

Мана, йигирма еттинчи сатрдан ҳам ўтди; мана, адажио янграмоқда, айна шу лаҳзаларда эшик очилди ва аъзойи бадани дард касридан сарғайиб кетган, бемадор бир одам, кўйлагининг тепаси кўксигача очилган бир аҳволда остонада пайдо бўлди. Сочлари ҳам, кўкрагидаги юнглари ҳам оппоқ оқарган, ажинлари чуқур-чуқур, кўзлари яллиғланиб кетган. Бирорта ҳам сўз демасдан, сап-сарик узун бармоғини силкитган кўйи, қўл ишораси ижрони давом эттиришни буюриб, Ролла оёқларини базўр судраб оромкурсининг ёнига борди, унга оғир чўкди-да, бошини кафтларининг орасига олди ва кўзларини юмган ҳолда ўз концертини тинглай бошлади.

Мана, кантилена поёнига етди. Учқун янглиғ учқур питсикато, сўнг ферматадан ўтгач, бола аста скрипкасини пастига туширди. Ролла қўлларини юзидан олмасдан, бошини оромкурсининг суянчигига қўйди. Чолнинг елкалари титрайди, бироқ кўзларида ёш йўқ, бола бунинг нима эканини тушунолмади лол қолади, нима бу — кекса бастакорнинг яширишга уринаётган фиғоними ёки бевақт қўзғаб қолган йўталани босишга уриняптими, билолмайдими.

Ёш скрипкачи хижолатда, у нигоҳини отасидан олиб, кекса Роллага қарайди, бастакордан кўзини олиб қочиб, унинг хотинига тикилади. Бу аёл ҳам кафтларини худди қарсақ учун очиб олган каби қўл чўзганича, даҳшатними, завқними — нимани англатаётгани номаълум бир кифолада туриб қолган. Қари Паганини безовта бир ҳолатда қўлидаги қалпоғини фижимлаш билан овора. Ноқулай бу сукунатга барҳам бериш учун Никколо жаноб Ролланинг ёнига борди.

— Маэстро!..

Лекин Ролла унинг сўзини бўлди:

— Мен сенга ҳеч қачон устозлик қилолмайман, болакай. Ҳаётнинг жадаллигини қарангки, бизлар бор куч-қувватимизни сарфлаб бўлибгина ўрганган нарсаларимизни болалар гўдак пайтидаёқ ўзлаштириб бўлишибди! Дунёга нима бўлди ўзи, умр бунчалар тез ўтиб кетмаса!

Кекса скрипкачи митти Паганинини диққат билан, бошдан-оёқ кўздан кечирди. Қариянинг юзида тобора

қўпроқ ва қўпроқ қониқиш аломатлари зоҳир бўла бошлади, ажинлари ёйилиб, хаяжони босилди, у қатъий овоз билан болага деди:

— Мен кексайиб қолдим, сенга ҳеч нарсани ўргатолмайман. Лекин Пармада ғайратли ва куч-қувватга тўлган бир йигит бор, унинг сенга нафи тегиши мумкин. Сен Виале Ментанага чиқиб борасан, у ерда кулранг тошлардан терилган дарвозага кўзинг тушади. Дарвозадан ўтиб, гулзор боғчали, устундор ички ховлини топасан — у ерда мусиқа мактаби бор. Унинг мудир — жаноб Пайер, ана ўшанга мурожаат қил, сени тангри ярлақасин.

Қария қўйлагининг барларини йиғиштириб олди, ўрнидан чаққон турди, унинг елкалари худди совукдан қалтираётгандай титрарди; у хайрлашмаёқ ўз хонаси томон йўналди.

### **Ўнинчи боб**

## **ҚИМОР, ОШИҚ, СКРИПКА**

Пармадаги ярим йиллик ҳаёт худди бир кундай ўтиб кетди. Кичик жаноб Никколо Паганинининг мусиқа машғулотларига Пайер афандининг ўзи раҳбарлик қилди. Мусиқа назариётини ўрганиш қийин бўлмади.

Пайернинг қиёфаси бола тасаввурида симобни эслатарди. Пайернинг қадам ташлаши шунчалар оғир эдики, ҳақиқатан ҳам унинг томирларида қон ўрнига симоб оқаётгандай туюларди. Аммо бу вазминлик унинг табиатидаги ғалати бир ҳаракатчанлик, тезкорлик ва салобат билан уйғун эди. Айни пайтда Паганини унинг қонидаги совуқликни доим ҳис этиб турарди. Симоб ҳам худди эритилган металлга ўхшайди, лекин у совуқ. Бу ғалати одам болани доим ҳайратга соларди, кўз қорачиқлари муздай ва ўлик бир оғир назар билан боқиб, нафармон тусда товланади; сиёҳрандан сал очроқ бу нафармон кўзлар, настарин рангидаги кийимлар, бинафшаранг бўйинбоғ, қўлқоплар — булар ҳаммаси Паганинига ғалати таъсир этарди. Пайерни тез-тез тушида қўриб туришидан боланинг ўзи ҳам ҳайрон. Жаноб консерваторий мудир, мухтарам Пайер афанди бу тушларда доимо чучмома рангли чакмон кийган ажабтовур дохий сифатида иш-

тирок этарди; у оркестр ижрочилари — ўзига ўхшаган бинафша тусли одамлар, яъни сиёҳранг дохийлар қарши-сида қўлларини силкитади ва ҳар бир бармоғидан кумуш томчиларми-ей, ёки симоб заррачаларими сачраб, майда-лашиб кетади-да, дераза ойналарига тўкилиб, уларнинг овози миллионлаб кумуш қўнғироқчалар жаранги янглиғ садо таратади. Кейин ойналар синиб парчаланadi ва майда шиша зарраларига, учқунчаларга, юлдузчаларга, дўлчаларга ҳамда қор парчаларига айланиб, улар эса дов-дарахтларни қоплаб олади. Дабдурустан совуқ тушиб, дунёни худди июль ойида ҳам болалар яхлаган қўлларида чана учадиган юксак Кремона тоғларидаги каби кишки аёзлар эгаллайди; водийларда эса подалар ўтлаб юради ва подачининг олтин жарангидай оҳангдор сурнайи қўйлар подасини бир ерга жамлайди, уларни қуёш нурига бурканган ям-яшил тоқзорларнинг баланд ишқомларидан ҳосил бўлган ихоталар оралатиб ҳайдаб кетади. Энди ҳалиги симоб заррачалари боғлар узра сочилиб, хиёбоннинг тунги йўлакларида минглаб оппоқ чироқлар мисоли порлай бошлайди. Кейин эса тун зулмати қундуз билан алмашинади ва Парманинг бинафшазорлари Парма шаҳри консерваторийсининг жаноб мудиридан таралаётган настарин ва нафармон рангнинг сеҳри таъсиридан янада ёрқинроқ ловиллайди...

Кунлар ўтиб бораверди... Парма консерваторийсининг ўқувчилари Гарди ва Нови иккови Паганинининг рақиблари эдилар. Улар скрипка ижроси бўйича ҳам, назария синфи бўйича ҳам Никколо устидан ғолибликка эриша олмадилар, аммо композиция борасида улар устозларининг қўнглига йўл топиш бўйича Паганини билан баҳс олиб боришга қодир эдилар. Гарди билан Нови аслида бир-бирларидан нафратланардилар. Аввалига консерваторийнинг бу икки диния бўлими ўқувчиларининг ҳар бири Паганинини ўз томонига оғдиришга уриниб кўрди. Лекин Паганини улардан биттаси билан дўстлашиб, иккинчиси билан ёвлашиб қолмаслик учун бу дўстлашиш таклифларини қабул қилмади. Шундан сўнг икки ғаним Паганинига қарши умумий нафрат билан бирлашди.

Нови қадимий Генуя черкови фатвоchi роҳибининг укаси эди. Ака-ука Новилар бир-бирларига хуштакаллум мактублар ёзишар, черков хизматига содиқликлари бора-

сида ўзаро онтлар ичар эдилар. Тўнғичи кенжасига Паганинининг оиласи ва унинг болалик йиллари ҳақида маълумот етказиб турарди. Кенжаси эса оғасига ёш скрипкачи ҳақида қандоқ мазмундаги ифволар тарқатиш тўғрисида топшириқлар берарди. Паганини иш билан машғул бўлиб, куч-қувватини ҳам, саломатлигини ҳам аямасдан, кунига ўн тўрт соатлаб машқ қилиш билан банд бўлган бир вақтда, бошқа шаҳарда унга нисбатан қалтис ва хатарли синов — фитна тайёрланаётган эди.

Паганини Августина хонимнинг хужрасида яшаб турган эди. Хужра эшиклари яхши ёпилмасди. Паганини консерваторийдан қайтган вақтларида ўз хонасида бегона одамларнинг оёқ излари қолишидан аллақачон ҳайратланмай ҳам қўйган. Ҳар сафар буюмлари, ҳатто ич кийимигача титкиланган, ёстиғи сўкилиб, яна нўноқларча тикиб қўйилган, онасидан ва опаларидан келган мактублари очилиб, сўнг бетартиб ҳолда нари-бери тахланиб, боғлаб қўйилган бўларди. Қўпинча Паганини эшигини очар экан, хонасининг доимий ташрифчисига айланган каттагина каламуш ёзув мизига чиқиб олиб, кимлардандир қолиб кетган нон бўлагини ғажиб ўтирганини кўрарди. Шунда Паганини титраб, жойида тўхтаб қоларди. Ва ҳар гал каламуш мусикачига қаҳрли назар ташлаб, жуда секинлик билан, шошмасдан, миздан шалолаб тушганича, хужранинг тахта тўшамаси тагига кириб кетарди.

Тақволи католик газеталари катта ҳодисалардан дарак берадилар. Аммо бу хабарлар Парманинг сокин муҳитини титрата олмасди. Пармада қўнғироқлар ўша-ўша хотиржамлик билан бонг уради, бақалоқ, башарасини ёғ босган аббатлар ваъзаларини минғирлайдилар. Ёш скрипкачилар бурчлари тақозоси билан черковга қатнайдилар. Вояга етган Гарди черков ходимига истиғфор топширар ва покланиш маросимида қатнашарди. Ҳар сафар тавба-тазарудан сўнг Нови икковлари истиғфорхонада қандайдир махсус муҳокамалар учун узоқ вақтга қулфланиб олар эдилар. Улар консерваторийдаги ўртоқларига мақтаниб, ўзларига консерваторий талабаларининг фикрлашлари, мафқураларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш вазифаси топширилганлигини тасдиқ этардилар.

Паганини скрипка ижросининг амалда иложсиз бўлган пассажлари устида соатлаб машаққат чекарди. Кейин эса,

катта жисмоний толиқишларга олиб келувчи машқлардан тинкаси қуриб, шаҳарнинг нариги чеккасига, наполилик кекса дирижёр Гиретти яшайдиган мавзегга йўл оларди. Гиретти Пайернинг устози эди. Жаноб Пайер айнан унга Паганини билан назарий машғулотларни ўтишни топширганди. Гиретти ўқувчиларга ниҳоятда қаттиққўл муаллим. Паганини ўзининг зиғирдай хатоси, сабоғига эътиборининг заррача сусайиши ҳам дарҳол жаноб Гиреттининг ва Пайер афандининг унга бўлган муносабатига салбий таъсир этишини яхши биларди. Гиретти консерваторийнинг оддий муаллими, унинг ўқувчиси эса мудир эди. Жаноб Пайер Гиреттининг шогирди бўлсада, унга раҳбар эди. Лекин, олий ва юксак санъат оламида доимо юз бериб турганидек, амалда вазият шундоқ эдиким, мусикий назарийётнинг ҳар қандай масалаларида Пайер афанди Гиретти жанобларининг итоатидан, инон-ихтиёридан чиқмасди. Маъмуриятга тааллуқли масалаларда Пайер афанди яккабошчи ҳўжайин эди. Жаноб Гиретти Пайер афандининг қандайдир маъмурий масалалари ёки маъмурий ишлари мавжудлигини ҳам инкор этарди. Умуман, жаноб Гиретти учун амалий ҳаётнинг ўзи ҳам мавжуд эмасди. Жаноб Нйекконинг зидди ўлароқ, баланд бўйли, хуш чехрали, боши оппоқ сочлар билан қопланган озғин бу қария гўёки кундалик ҳаётдан тарки дунё қилган эди. Хоналарининг саранжомлиги уни қизиқтирмас ҳам эди. Тартибсизлик ҳамма ёқда ҳукмрон — жавонларда ҳам, миз устида ҳам, ҳаттоки, жаноб Гиреттига бир вақтнинг ўзида курси ва ётоқ вазифасини ўтайдиган диванда ҳам. Бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган бу икки дирижёрни ўзаро бир-бирига боғлаб турувчи нарса иккови томонидан ҳам бирдай ардоқланадиган рамзга садоқат эди. Гиретти Никколо билан жаноб Пайердан бошқа ҳеч кимни киритмайдиган хонадаги ёзув мизидаги айқашиб ётган буюмлар орасида Паганини қора-қизил-яшил рангли, капалакнусха қилиб боғланган кичкина безакни кўриб қолди, худди шунақасини бир пайтлар жаноб Нйекко Никколога совға қилганди. Бу — ўрмон биродарларининг нишони эди. Никколонинг ўспирин онгида бу нишоннинг уч рангли ифодаси яшил дарахтзорлар орасидаги ертўлаларда қип-қизил гулханларни гуриллатиб, уюм-уюм пистакўмир куйдираётган одамлар жамланган ўрмонлар тимсолини англатар-

ди. Демак, қирмизи, қора ва зангори ранглар шуларнинг тимсоли экан-да. «Фореста», «баракка» ва «вента» сўзларининг сиёсий маъносини Паганини деярли унутиб ҳам юборган, барча бу рамзлар тизими қатъий тақик остига олинганди.

Паганинининг барча назарий машғулоти Гиреттининг раҳбарлигида ўтказилаётган бўлса, навбатдаги барча бошқа амалий машқлар ва композиция бўйича ишлар Пайер бошчилигида олиб бориларди. Бошқа муаллимлар кичик Паганинига ўқувчи эмас, балки ўзларининг ёш ўроқлари сифатида қарар эдилар. Консерваторий ўқитувчилари ўзига нисбатан қандай муносабатда эканликларини Паганини яхши биларди. Бундан у болаларча ғурурда эди. Аммо афсуски, бошқа талабалар билан муносабатда у бироз эҳтиёткорроқ бўла олмади. У ишга буткул берилиб, ҳамон бошқалардан яққаланишда давом этмоқда эди. Гиреттининг ҳузуридан қайтишда, у консерваторийдаги ошналари каби оқшом пайти бўш эканидан фойдаланиб Парма ёнида қизлар билан қўнғилхушлик қилиш ўрнига, яна хонасига қамалиб оларди-да, ижро билан шуғулланарди. У ўзини шу қадар ҳолсизликкача олиб келардики, ҳатто қўлидаги скрипкасини ушлаб туролмай, тушириб юборарди. Аммо у мутаассибона зўриқишнинг шу даражасига етдики, бор қуч-қувватининг тобора эриб бораётганини сезмас, ўз олдига қўйган мақсадлари сари илгарилашдан бошқа ҳеч нарсани ҳис этмасди. Фақат йўталнинг беаёв хуружларигина уни бир неча соатга ишга яроқсиз қилиб қўярди. Вактнинг мана шу оралиқларида скрипкасини жойига қўяр ва миз ёнига ўтирарди. У ниҳоятда майда дастхат билан чизикдор нота қоғозининг варақларини ёзувга тўлдириш билан банд. Бу эса Пайер томонидан унга топширилган вазифалар эди. Пармага келганининг олтинчи ойи охирида ҳеч қандай чолғудан фойдаланмай ёзилган, тўрт қўлга мўлжалланган йигирма тўртта фуга тайёр бўлди. Пайер уларни Паганини билан бирга ижро этарди. У консерваторий мудири билан жўрликда соз чалишга руҳсат этилган ягона ўқувчи эди. Кичик бастакор томонидан ўз асарларига берилган ниҳоятда оғир ва мураккаб мусиқий шакл жаноб Пайернинг машғулотларига қўйилган олти нафар ўқувчининг



бирортаси унинг композицияларини чала олиши имкони-  
ятини йўққа чиқарарди.

Пайер билан ҳамкорликда ишлаётганига тўрт ой  
тўлгач, Паганини скрипка учун дуэт ёзиш тўғрисида  
буйруқ олди ва бу топшириқни ҳал этиш учун ишга  
боши билан шўнғиб кетди.

Бу мураккаб ва машаққатли композиция устида бош  
қотириб юрган вақтида, Паганини бошқа ўқувчиларнинг  
асарларини ҳам ижро этарди. У буни яхши бир ниятда  
қилса-да, оқибати ёмонликка олиб келаверарди. Унинг  
ижроси, эзгу истакларига қарамасдан, рақибларининг  
ғазабини кўзгарди. Чунки у беихтиёр, ижро жараёнидаёқ  
камончасининг нозик бир ҳаракати билан уларнинг асар-  
ларидаги хатоликларни тузатиб кетарди. Энг нўноқларча  
уқувсиз ёзилган нарсани ҳам у шунчалар ўзгартириб  
юбора олардики, унинг ижросида бу асарга Пайер эъ-  
тироз билдирилмасди. Аммо мана шу кичик ёрдам ҳам  
рақибларида миннатдорлик туйғусини уйғотиш ўрнига,  
уларнинг янада қахрлироқ ғазабларига сабаб бўларди.  
Паганинининг мактабдошлари Пайернинг олдида сукут  
сақлардилар, чунки Паганини уларнинг ишларини ту-  
затиб, ўзларини қутқариб қолганини билишарди, аммо  
устозлари кетиши биланок, болага итдай ташланардилар.  
Гарди Паганинига ғазабли қичқириб, ўзининг асарини  
ўзбошимчалик бузиб юборишда айблади, яна иккитаси  
эса Паганинини ўласи қилиб калтаклашларини айтиб  
тахдид қилиб, у ўзларининг асарларидан бутун бошли  
қисмларни ўғирлаб, ўз фугаларига қўйиб олаётганини  
рўкач қилдилар.

Паганини гап нимада эканини биларди, албатта. У ўз  
ўртоқларининг пьесаларини чалар экан, уларнинг кўпгина  
қисмини ўз илҳомининг маҳсули бўлган шаклга солиб  
қўярди. Табиийки, ижодий парвози самараси бўлган ай-  
рим оҳанглар, албатта ўзининг асарларида ҳам такрор-  
ланиб қоларди. Алҳол, унинг биринчи фугаси консер-  
ваторийнинг томошахонасида янграганида, олти нафар  
талабалар: «ўғри!» деган ҳайқириқлар билан Паганинига  
ташланиб қолишди.

Бир куни окшомда, Паганини дам олгани ўз хонасидан  
чиқиб, Парма қасрининг ёнида ўтирган вақтида, йўлда  
оёқ ости бўлиб ётган ноталар ёзилган бир варақ қоғоз

унинг эътиборини тортди. У қоғозни олди. Бу францияча матнли ноталар бўлиб, сарлавҳаси анчайин оҳанжамадор эди. Бурчаклари гулдор; бу — Рейн қўшинининг жанговар ашуласи эди, уни муҳандис зобит Руже ле Лил ижод қилган ва бу қўшиқ кўплаб театрларнинг сахналарида ижро этилганди.

Паганини хонасига қайтди, шамчирокни ёқди, ноталарни қайтадан ўқиб чиқди. Сал кейинроқ, борлиққа чўкиб келаётган оқшом сукунатида олис бир бутхона кўнғироқларидан жаранглаган «фаришталар кўйи»ни тинглаб, унинг сўнги оҳанглари босилиши билан камончасини симторлар устида аста юргизди. Скрипка «Марселйеза»нинг дастлабки уч тактини атрофга ёйди. Кўнғироқлар жўрлигида, секинлашган суръатда бу қўшиқ оҳанги ниҳоятда ғаройиб эшитилди.

Черков қўшиқчилар гуруҳи овозининг кенг, сокин оқими орган товушларининг бепоён уммонлари билан алмашинди, бундай товушларни фақат Паганинигина скрипкада ҳосил қилишга қодир эди. Кейин эса тошдан-тошга урилиб оқаётган жилғанинг жилдираши каби шарқирок садо таралди. Кўй аввалига осойишталик билан бошланиб, тобора жадаллашган кўйи бетизгин қудрат касб этиб борди. Сўнг унинг шовқини тийиқсиз тўфон гулдургага сингиб кетди, бу довул гумбури эса гўёки қатор-қатор кўчалардан тумонот бўлиб чиқиб келиб, улкан майдонга қўйилиб бораётган оломоннинг ғала-ғовурига қўшилиб кетгани каби гувиллашга айланди. От тақаларининг тақиллаши, милтиқларнинг қарсиллаши — ана шу садолардан кейингина Паганини «Марселйеза»ни эрк қуши мисоли озодликка қўйиб юборди. Франциянинг жанговар қўшиғи, курашга қизгин даъват скрипкачининг ўзини ҳам шу қадар қамраб олдики, у ҳатто уйи олдида оломон тўпланиб кетганини ҳам сезмади, нима учун атрофни қарсак товушлари ва хайқириқлар тутиб кетганини ҳам англаб етгани йўқ. Фақат чалишдан тўхтаб, скрипкасини қўйганидан кейингина, у кичкина деразасидан мўралаб, кўчага одам сиғмай кетганини кўрди.

Паганини эрталаб бир тўда кийим уюми остида уйғонди, тунда озроқ исиниш учун бор нарсасини устидан ташлаб олганди. Уни қаттиқ безгак тутаётганди.

Паганини ўн кун кўрпа-тўшак қилиб ётди. Чордоқдан бирор марта ҳам пастга тушгани йўқ. Консерваторийда дарвоза қоровули бўлиб ишлайдиган кекса аёл уни кўргани келди, жаноб Пайернинг саломини етказди ва бир мактуб топширди:

«Одамлар сендан ғазабда, сен тентаквой, черков мадхияларини фарангиларнинг дахриёна қўшиқлари билан аралаштириш қанчалик хатарли эканини билмайсан-да. Сенинг бетоблигингни тасодифан билиб қолдим. Нови менинг хузурумга ҳисоботнома билан келди ва жазо фариштаси сенга дахл қилганини, энди сен қўлинг синган ҳолда тангри ғазабининг аломати билан ерпарчин бўлиб ётганингни айтди. Мен бу сафсатага ишонмайман, албатта. Лекин сен эҳтиёт бўл. Бу мактубимни куйдириб ташла, азиз тентаккинам. Тезроқ соғайиб кетишинг учун Барбара сенга ғамхўрлик қилади ва нон-сувингдан хабардор бўлиб туради. Сендан хабар олиб туришимнинг имкони йўқ. Хузурумга келганингдан кейин эса, мен венецияликлардан олган таклифномам ҳақида сўзлаб бераман. Каминанга опера Пармада эмас, айнан Венецияда сахнага қўйиш учун қабул қилинибди. Кечқурунлари деразаларингни зич ёпиб қўйишни унутма. Изғиринли тунлар бошланиб, кўпчилик одамлар безгак билан оғрияптилар».

Хат имзосиз эди. Паганини ёзувни ўқиб бўлгунича кекса хизматчи аёл жимгина кутиб турди. Кейин шамни ёқдида, Пайернинг хабарини куйдириб йўқ қилди. Кампиршонинг жиддий қарашлари, юз ифодалари у ёш скрипкачи ҳақида унинг ўзидан кўра кўпроқ нарса билишидан дарак бериб турарди.

Эртаси куни Паганини ўзининг ёзиб тугатган дуэтини топшириш учун консерваторийга йўл олди. Хонадан чиқар экан, у кўрсаки, во алам, эшик очик турибди. Хизматчи аёл кетганидан кейин, чамаси эшик туни билан кулфланмай қолган.

У биринчи сатрни чалишни бошлаганида чап қўзи ва чаккасидаги ачиштирувчи оғриқдан ҳушини йўқотаёзди. Бас симтори узилиб кетди. Унинг учи чап ковоғини жароҳатлади. Болалиқдан орттирилган сабр-тоқати устозининг хузурида оғриқни сездиришга йўл қўймади. Паганини бутун иродасини тўплаб, ижросини учта торда

давом эттираверди. Қўллари қалтираб, боши айланди, елкаси ва қўлларини юк боса бошлади.

«Яна безгак бошлянапти», — ўйлади Паганини, Пайер томонга қарашга ҳам ботинолмай. Юзлари қип-қизариб кетди, қўзларига худди қум тўлгандай оғирлашиб, ачиша бошлади. Бир пайт муаллим унинг елкасига қўлларини қўйди.

— Сен бу ёғоч тоғорани қаёқдан олдинг? — жаҳл билан сўради Пайер. — Ахир бу сенинг скрипканг эмас-ку, Паганини.

Ҳақиқатан ҳам бу қўпол қишлоқча скрипка эди. Қишлоқлардаги тўй базмлари ва байрам-зиёфатларининг доимий меҳмони. Буям камлик қилгандай, қопқофининг ички томонига қўрғошин бўлаклари боғлаб қўйилибди. Пайер чирокни ёқди-да, нўноқ устанинг бу беўхшов матоҳини ҳар томондан синчиклаб кўриб чиқа бошлади. Паганинини тирсагидан чирок ёруғига судраб келиб, бир сўз ҳам демай, кичкина мўйчинак билан ишора қилиб симторларнинг ҳаммаси эговлаб қўйилганини кўрсатди. У скрипкани миз устига ташлади. Қолган торлар ҳам аламли бир жаранг билан чирт узилди. Пайер катта-катта қадамлар билан хона бўйлаб асабий юра бошлади.

Паганинининг кулгиси кистади, аввалига секингина ҳиринглаб турди-да, кейин бу кулги қаттиқ қаҳқаҳага айланди. У ўзини диванга ташлаб, унинг устида думалаб-думалаб кулаверди. Ундаги ўзига нисбатан бўлган ишончсизлик ҳисси, бетоблик мени скрипкачи сифатида ўлдирибди, деган кўрқув туйғуси энди шижоат, музаффарият қувончи билан алмашинди; у буюк санъат олдида мутлако айбсиз эканлигини, бугунги муваффақиятсизликнинг сабабчиси унинг ўзи эмас, балки бошқа бировлар эканини англаб етди. Энди унинг дардлари ҳам тарқаб кетгандай бўлди. Пайернинг хузурида Паганинини бир лаҳзада чулғаб олган журъатсизлик ҳисси ҳам зумда йўқолди.

— Хўш, ўзингнинг скрипканг қани? — сўради Пайер. Паганинидан садо чиқмади.

— Бу кимнинг макри эканини биламан, — ўзига-ўзи гапирётгандай ўйчанлик билан сўз қотди Пайер.

Кейин беихтиёр равишда нота дафтарини варақлаб, хитоб қилди:

— А-ҳа! Дуэт тайёр бўлибди, айти муддао.

У жавонидан Паганини учун скрипка олди, кейин ўзининг чолғусини филофдан чиқарди.

Жуфтлик учун ёзилган куй чалиниб бўлгач, Пайер улкан бир қониқиш билан жилмайиб, босиқлик билан деди:

— Соф ва қатъий услуб талабларига зид келадиган бирорта ҳам хато йўқ. Бу нима дегани? Ўйлашимча, сен имтиҳондан ўтдинг. Энди эса ажрашувимиз тўғрисида гаплашиб олсак ҳам бўлар.

## Ўн биринчи боб

### КАЛАМУШЛАР

Парма полицияси йўқолган скрипкани қидириш борасида бирор-бир ҳаракат чорасини кўришдан қатъиян бош тортди.

Пайерга тегишли скрипкада пуллик иккита концерт берганидан сўнг, Паганини янги чолғу харид қилишга етарли маблағ ишлаб топди. Ортган пулни эса отасига жўнатди.

Унинг ҳаёти ғалати кечмоқда эди. Хонасидаги энг яхши кўрган жойида — шаҳарнинг бутун шимоли-ғарбий қисми кўриниб турадиган деразаси олдида ўтирганича, кўп-кўп соатларини шу ҳақда хаёл суриб ўтказарди.

Бир куни хилват кўчада иккита ғалати одамнинг пайдо бўлиши унинг хаёлини бўлиб юборди. Мана, улар муюлишда, чордоқ деразаси остида, катта бинога кириш эшигининг қаршисида туришибди. Кимдир ёнларидан ўтиб қолгундай бўлса, жим бўлишади, ўткинчининг узоклашишини кутиб, ортидан хавотирли қараб қолишади. Кейин бу кимсаларнинг бири муюлиш ортига ўтиб кетди. Паганини уларни чордоқдан кузатиб турибди, унинг ҳужраси Пармадаги кўхна уйдан уч қават юқорилаб турган бўлса-да, уларнинг суҳбатлари сўзма-сўз эшитилиб турибди.

Доим шу аҳвол: кўпинча туннинг сукунатида Паганини элас-элас келаятган сасларни ҳам яхши эшитарди. Бу — гоҳ Парманинг шимолидаги олис қишлоқлардан чиқиб, водийдаги тепаликлар оралаб базўр етиб келаятган қўнғироқ бонги, гоҳида эса икки филдиракли кира аробанинг гичирлаши, шаҳар истехкоми ортидаги

кадимий Рим йўлидаги маркабчиларнинг кийкириқлари ёки икки кўча наридаги майдондан ўтиб бораётган пиёда йўловчиларнинг овозлари, баъзида қўшни торкўчалардаги биноларнинг ертўлаларидан эшитилиб қоладиган бемор гўдакларнинг зорланишлари ё йиғлашлари, баъзида эса ҳатто анча наридаги кўчаларда, шаҳар девори ёнидаги қудуқдан сув олаётган хотинларнинг енгилгина жанжаллари каби овозлар бўларди. Қулоғининг бу ғайриоддий эшитиш қобилияти Паганинига табиий ҳол бўлиб туюларди.

Торкўчада қолган ҳалиги кимса тез одимлар билан зинапоя томонга йўналди. Бир неча сония ўтиб, зинадан қадам товушлари эшитилди ва шу заҳоти эшик тақиллади. Хужрага устози кириб келди.

— Мана, — деди Пайер. — Сен билан хайрлашишга келдим. Ўқувчиларим орасида фақатгина биттаси билан видолашишга кирдим.

Паганини курсини унга яқинроқ суриб қўйди. У ҳаяжонда ва изтиробда Пайерга тикилиб турарди. Устозининг юзидаги ташвиш ва таҳлика энди табассум билан алмашинди.

— Сени оғохлантириб қўймоқчиман, — сўз бошлади Пайер тик турган кўйи, — консерваторийга бора кўрма, Пармадан имкон қадар тезроқ жўнаб кет. Мен бу шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлаётганимдан афсусдаман, кўп йилларимни шу ерда ўтказгандим. Аммо қайсар венецияликлар ҳеч қўйишмаяпти, улар бошқа шаҳарларга қараганда яхшироқ шарт-шароитларни таклиф этишяпти.

Пайер гўё сўзларини йўқотиб қўйгандай эди, қўллари билан сочларини сийпалаган кўйи Паганинига тикилди ва сўради:

— Сен нега хафасан? Бирор нарсадан ташвишдамисан?

У Паганинини елкасидан ушлади ва юзини дераза томонга бурди. Паганини кўзларини олиб қочди, унинг сарғайган юзларида қизил доғлар пайдо бўлди. Кейин Паганини Пайернинг кўзига тик қаради ва бор гапни айтди:

— Сизнинг олдингизда айбдорман, устоз. Сиз шерингиз билан суҳбатлашаётганингизда ҳамма гапларингизни эшитдим. Мен сизнинг карбонарий эканингизни биламан, ҳамроҳингизнинг исми — Уго Фосколо.

Пайер титраб кетди ва ўзини четга олди.

— Мана шу ишинг учун сени яхши кўрмайман, — деди Пайер шошиб ва юзини четга бурди.

— Лекин мен сизнинг яхши кўрмаслигингизга яхши кўрмаслик билан жавоб беролмайман, — деди унга Паганини. — Ҳамма мени ёмон кўришига наҳотки ўзим айбдор бўлсам? Мен ҳаммага дўстона муносабатда бўламан, ҳеч кимни камчилиги ё нуқсони учун айбситмайман, мени эса ҳатто эзгу фазилатларим учун ҳам сўкиб юришади.

— Бизнинг суҳбатимиздан нималарни эшитдинг? — даб-дурустан сўради Пайер.

— Хуллас, сиз жаноб Фосколо билан хайр-хўшлашиш олдидан Венециядаги ҳаёт ҳақида сўрадингиз. Жаноб Фосколо ўзининг «Тиесте» фожеаси сахналаштирилгани тўғрисида сўзлаб берди. У ўзининг Бонапарт билан жанжаллашиб қолганини айтди, цизалпин республикасининг ҳалокатидан кейин у энди ҳеч қачон кадрдон Венециясини қайтиб кўролмаслигини айтди. Сиз эса унинг Венеция билан алоқасини тиклаб беришга ҳаракат қилишингизни айтдингиз. Венецияга боргач, Мурано оролида яшашингизни, у ерда ўз оперангизни сахналаштиришингизни ҳам айтдингиз. Шоир Буратти сиз билан Фосколо ўртасида воситачилик қилишини маълум қилдингиз. Устоз, кадрли устозим, кўчаларда намунча ҳам баланд овозда гапирмасангиз-а! Агар бу сўзларингизни...

Паганини сўзлашдан тўхтади. Жаҳл ва кулгидан Пайернинг нафаси бўғилди.

— Жин чалсин — сениям, қулоғингням! Худди ўша муюлишда ёнгинамизда тургандай гапиряпсан-а! Аммо қалбинг поклигига ишонаман. Бўпти, хайр, буёғига бир дақиқа ҳам ортиқча вақтим йўқ. Шу бугуноқ Пармадан чиқиб кетишга ҳаракат қил, Генуя сен учун бежавотирроқ. Модомики, сен скрипкани танлаган экансан, зинҳор сиёсагга аралаша кўрма...

Пайер жўнаб кетди. У Гвасталла йўли бўйлаб Мантуяга, Лейано ва Падуяга йўл олди. Венецияга келгач, у ҳафта ўтмаёк, ўз шогирдини унутиб юборди. Пайер фақат ўзини тан оларди. Паганини ўз муаллимининг табиатида кўрган совуқлик, — у бирор одамга нисбатан ўзини бурчли билиб, унинг олдидаги мажбуриятини бажариб бўлгач, ўша одамни буткул унутиб юборишига имкон берарди.

Венецияга жўнаб кетиши олдидан, охирги уч кун ичида Пайер барча Италия шаҳарларига ва мусиқа марказларига жиддий тавсияномалар юбориб, Паганинининг мусиқа мўъжизаси сифатида санъат оламида пайдо бўлганини фахр билан, лекин холисона, муболағасиз тарзда маълум қилди. Пайернинг хотиржам ва совуққонлик билан эътироф этишича, мусикий мўъжизалар оламида Паганини ўз тимсолида янги саҳифани очмоқда ва аҳли башар ҳаёти ҳамда тарихи бу каби кўламга ва қудратга эга бўлган истеъдоду салоҳиятни ҳали кўрган эмас.

Аmmo бошқа кучлар ҳам зимдан Никколога қарши ҳаракатларини бошлаб юборгандилар. Тўхмат ва бўҳтонлар, худди ер ости ирмоқлари каби, махфий қора йўллар билан мамлакатнинг барча ҳудудларига, аввало Паганинининг кадрон шахрига — ёш мусиқачи қайтиб келаётган кентга ёйилиб кетганди. Паганини бу ҳақда хали билмасди, Пайер эса энди ўз шогирдини аллақачон унутиб юборган. У Венецияга кўчиб ўтгач, ўз ўқувчиси ҳақидаги барча фикрлари ва хотираларини калласидан ҳам, юрагидан ҳам буткул чиқариб ташлади.

...Тоғ йўлларидаги машаққатли сафардан силласи қуриган Паганини кичиккина хонадаги миз ёнида ўтирибди. Учрашув пайтида бирор ёқимсиз сўз айтилгани йўқ, лекин Паганини ўзини шундай ҳис этардики, гўё худди бошқа оилага тушиб қолгандай эди. Никколонинг яқинлари биринчи кун то кечгача уни шундай бир яшин эътибор билан кузатиб туришдики, гўё қандайдир бир портлашни кутишаётгандай эди. Лекин ҳеч қанақа фавқулодда ҳодиса юз бергани йўқ.

Ёш скрипкачининг юраги сокинлик ва беҳолликка лиммо-лим эди. Уч кунгача у қўлига скрипкасини олмасди. Худди бир бекорчи каби соҳил бўйини айланиб юрди. У кўҳна тўлқинқайтаргичнинг хўл тошлари устида сайр қилди; ижарага қайиқ олиб, Моло Дукага сузиб ўтар ва у ерда денгиз тўлқинларининг улувворлик қўшигини тингларди. У соатлаб тош устида ўтирар ёки қўлларини қовуштириб тик турганича, шамолнинг қўм-кўк тўлқинлар бағридан оппоқ момиқ пар ёки окқуш патлари мисоли кўпикларни юлиб-юлиб олишини томоша қиларди.

Тунлари ҳам хаёллари уни тарк этгиси келмасди. Оиласидагиларнинг ҳам ҳеч бири билан очилиб гаплашмай-



ди. Сийқа саволларга — арзмаган жавоблар, зерикарли кунлар. Фақат бир куни окшомда, ҳар кунгидан кечроқ қайтиб, ёшга тўла кўзларнинг ғамли нигоҳига кўзи тушди, онасининг юзида шундай бир ҳасратни кўрдик, бу нарса уни саросимага солиб қўйди. У онасидан кўз ёшларининг сабабини сўради. Онаси жимгина бош силтаб қўйди-да, кетишга чоғланди. Никколо аста унинг қўлидан тутди. У харракка ўтирди ва ўғлини имлаб, ёнидан жой кўрсатди.

— Нима учун сен ўзингни хароб қилдинг? Пармада кечирган турмуш тарзингдан бизни беҳабар деб ўйлаясанми? Ахлоқингни ким бузгани ҳам, оиламиздан сени ким бездиргани ҳам, тангридан, муқаддас черковдан сени ким айнитгани ҳам отангга яхши маълум...

Никколо онасининг гапини бўлмоқчи эди, аммо у қаттиқ қўл силтади-да, сўзида давом этди:

— Сени жонларидан ҳам ортиқ кўрадиган дўстларинг бизларга ташвишли, ғам-ғуссага тўла мактублар жўнатиб туришди. Бу хатлар мени гўрга тиқишига бир баҳа қолди. Отанг сенга хатлар ёзди, мен ҳам ёздим, парвардигорнинг ҳақ йўлига қайтишингни сўраб, сенга ялиниб-ёлвордим, аммо сен шунчалик тошбағир чиқиб қолдингки, бизнинг бирорта ҳам хатимизга жавоб қайтармадинг. Сен ҳатто туғилиб-ўсган уйингга худди оиласининг остонасини булғашга ҳақли одамдай безрайиб кириб келдинг; қайтганингдан кейин ҳам тавба-газарру қилиш у ёқда турсин, ҳатто фарзандлик бурчингга нонкўрлик қилганинг учун афв сўрашни ҳам ўзингга эп кўрмадинг.

Никколо сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Мени бегонадай кутиб олганингизнинг сабаби ҳали бу ёқда экан-да?! — кичкирди у.

Қўшни хонада ҳаракат товушлари эшитилди.

Отаси уйқидан уйғонди ва пойабзалини шапиллатганча, остонада пайдо бўлди. Қўлидаги чирокнинг ёруғидан қамашган кўзлари қисилиб кетди. Қаҳрли ўшшайиш шундоқ ҳам ёқимсиз афтини бадбашара қилиб юборди. Чолнинг лаблари худди қавш қайтараётгандай чайналиб турарди.

— Бу аблаҳ гаплашишга арзирмикан ўзи? — сўз қотди у хотинига. — Бу чириган юракдан биз бирорта соф ва эзгу туйғуни тополмаймиз. Яхшиси, бу итваччанинг яккамоховликда ўлиб кетишига қўйиб берайлик.

Чол оғир-оғир нафас оларди. Никколо жим, аллақандай бир карахтликдан чиқиб кетолмасди. Ота ўз ўғлининг сукутини сурбетликка йўйиб, ғазаб билан ўшқирди:

— Биз ҳаммасидан хабардормиз: саломатлигингни айшишратларда шармандаларча исроф қилганингни ҳам, имтиҳонлардан қандай йиқилганингни, скрипкаларингнинг торлари узилиб, чолғуни қўлингдан тушириб юборганларингни ҳам биламиз. Билиб қўй, бу ишларнинг ҳаммаси — парвардигорнинг буюрганларидан бўйин товлаганинг учун сенга берилган жазодир. Биз бу оғир жазони итоат билан қабул қилдик, сен бу саркашлигинг билан онангни ажалидан беш кун бурун ўлдирма, лаънати осий! Ҳозироқ оиламизни тарк эт, агар буни истамасанг, эсингни йиғиб олишга сўз бергин-у, икковимиз Ломбардия бўйлаб пул ишлагани жўнайлик.

Никколо бош силкиб, рад жавобини берди.

— Токи менга бўхтон қилган кимсанинг ким эканини, бу разилона тухматларни кимлар тарқатганини, кимлар сизга мактублар ёзиб, менинг номимни буллаганини менга айтмас экансиз, мен ҳам унга қадар барча айбловларингизга сукут билан жавоб қайтаришда давом этаман. Ёлғончи ким эканини мен ҳали аниқлайман! Сиз мендан хат олмаганингни таъна қиляпсиз, ҳолбуки, мен ҳам сизлардан бирорта мактуб олганим йўқ!

У бундан бир ой муқаддам бўлиб ўтган воқеаларни ёдга олди. У уйига ёзган хатларини доим консерваторий қоровулига топширарди; ўзи оладиган мактублар ҳам консерваторий манзилига йўлланган бўларди. Аммо Австрия жандармериясининг италиялик фуқароларнинг хат-хабарларига бўлган муносабатининг ўта расволигига қарамасдан, ҳар икки томонга жўнатилаётган мактубларнинг ҳаммаси ғойиб бўлган ҳолат шу пайтгача юз берган эмасди. Демак, миршабхона назорати ва тинтувларидан ташқари, орада яна қандайдир шахсий хатлар ишқибози пайдо бўлган.

Паганини онасининг оёқлари остига тиз чўқди ва унинг қўлларини ўпиб, ўтина бошлади:

— Онажон, сизга мен ҳақимда бу гапларни ким ёзганини айтинг! Ҳаётим билан онт ичаманки, сизлардан бирорта ҳам мактуб олганим йўқ. Мен ҳар якшанба сизларга хат ёзишни қанда қилганим йўқ эди. Ҳафтанинг қолган кунларида эса мен тиним билмай машаққатли меҳнат

билан банд бўлдим. Жуда кўп кучқувват йўқотдим. Лекин яна куч-қувватимни тўплаб, сизнинг кексалигингизни маблағ билан таъминлашимга умид қиламан.

Жаноб Антониони йўтал тутди, ўзига келиб олгач, нафрат билан шундоққина ўғлининг оёғи остига тушурди-да, эшикни қарсиллатиб ёпиб, хонасига кириб кетди. Кейин Тереза хоним бир боғлам хат-хабарларни келтирди, уларни жаҳл билан миз устига, ўғлининг ёнига ташлади. Паганини мактубларни ўқий бошлади. Дастхат унга мутлақо нотаниш эди. Хатлар пуштиранг қоғозга ёзилган, ҳаммаси муаллифнинг унга, яъни Никколо Паганинига бўлган муҳаббатини эътироф этишдан бошланарди. Биринчи сатрларда унинг мусиқа даҳоси экани, дунё хали бу каби скрипкачини кўрмагани тизгинсиз бир таҳсин билан баён этилган. Хатларнинг ҳаммаси чуқур ва самимий муҳаббатга йўғрилган дил изҳорлари ила бошлангач, аста-секинлик билан уларнинг ўрнини фиғонли дийдиёлар ва афсус-надоматлар эгаллаб олар, шундоқ ажойиб скрипкачи шахватнинг ифлос балчиғига ботиб, ўзини ҳалок этаётгани, вақтини исловотхоналарда ўтказиб, қимор ўйнаб, ичкиликбозликка муккасидан кетгани, суююёқ қизлар ва бузуқи йигитлар билан топишиб олгани хабар қилинарди. У муқаддас она черковдан юз ўгирди, ваъз-насихатларни тинглашга бормай қўйди, аллақачон тавба-тазарру вақти етган эса-да, бирор марта истиғфор айтишга боргани йўқ ва ҳанузгача черковнинг покловчи муқаддас кулчасидан татиб ҳам кўрмади. Унинг муқаддас покланиш маросимида иштирок этмаган ва гуноҳдан фориф бўлмаган танаси иблиснинг шахвоният алангаси билан қопланган, қабих истаклари эса унинг нафақат буюк, илоҳий истеъдодини, мусиқий қобилиятини, балки энг оддий, табиий инсоний туйғуларининг сўнгги зарраларини ҳам куйдириб, кул қилмоқда.

«Номаълум дўст» яна шундай ёзганди:

«Менинг энг яқин дўстим, мен севган энг қадрли инсон — Никколо Паганини кун бўйи хонасига қулфланиб олиб, Ҳақнинг муқаддас эътиқод қудуғига оғу солишни мақсад қилиб қўйган ёвуз тўдалар билан, шунингдек, ҳароми франкмасонлар ва шимолдан келган яacobчилар билан тил бириктириб фаолият юритаётган карбонарийларга қўшилиб кетган».

Хатларнинг ҳаммаси Тангридан мағфират тилаган ҳолда бир хилда муножот билан тугарди: агар бу бетавфик гуноҳкорнинг бошига раҳмати илоҳий ёғилмаса, бошқа нажот йўқ.

Ва, мана, ниҳоят сўнги мактуб. У Никколо Паганинининг мудҳиш таназулининг қайғули манзарасини ёқимсиз манзараларда акс эттиради: «Ишратга берилган бу бадбахт скрипкачи ҳатто чолғусини ҳам қўлида тутиб туролмайдиган аҳволга келиб қолган. Унинг қўллари қалтирайди, камончаси беўхшов титрайди, ўз руҳий қувватининг телбавор зўриқишларини камончаси орқали ифодалашга беҳуда уриниб, бу шумқадам скрипкачи симторларни камон билан эговлагани эговлаган».

«Қимматли ва диёнатли хоним, бу аҳволдан бутун консерваторий аҳли аччиқ кўз ёшларни тўқди; ҳатто Пайер афанди — бизнинг ҳурматли мудиримиз, сизнинг ўғлингиз камончасини уқувсизларча ғижирлатиб, наҳс босиб кетган, ертўлаларда ва қазноқларда шароб тўкилиб ивиган, зах ва моғор босган скрипкасидан бўғиқ ва ёқимсиз овозларни чиқараётганини кўриб, кўз ёшларини тўхтатиб қололмади. Мудир афанди Венеция шаҳрига — ҳозирча даҳрий бонапартчилик балоси кириб боролмаган ягона хилқатга жўнаб кетар экан, консерваторийда уюштирилган хайрлашув зиёфатида муаллимларга, диния билим юрти ўқувчиларига ва талабаларга мурожаат этиб, ўзи қачонлардир жаноб Никколо Паганинига катта умидлар боғлаганини, лекин энди ундан буткул ихлоси қайтиб, уни ўзининг устозлик лаънатига, дуоибадига мубтало этажagini эълон қилди».

Паганини эс-ҳушини йўқотди. У хатларни қайта-қайта варақлаб, такрор-такрор ўқиб чиқди, айрим сатрлар устида бош қотирди. У ўзининг ўн икки соатлаб тинмай машқ қилганларини эслади; у ўз камончасига совун суртиб қўярди, шунда машқ қилаётган скрипкасидан ҳеч қандай садо чиқмасди-ю, аммо амалда бажариб бўлмайдиган оғир вазифаларни шу усулда ўрганиб, маҳоратини оширар эди. Бу қора иш учун Никколо ўзининг бошқа, иккинчи скрипкасидан фойдаланарди. Ўша совунланган камонча унга Пайер томонидан топширилган вазифаларни бажариш пайтида зарур бўлган кучланишни таъминлаб

берарди. Бундай машқлардан унинг оёқлари шишиб, тир-саклари ва елкалари зиркираб оғрирди.

Булар ҳақида отасига сўзлаб бериш учун у эшикни очди, лекин ғазабли ўшқиришга дуч келди:

— Оғзингни оча кўрма, айбингни ҳеч нарса оқлай олмайди! Элликта концертда ишлаб топган пулларинг қани? Пармада олти ой отангнинг нон-тузини еб ётиб, эндиликда ғурур билан мақтанишинг лозим бўлган муваффақиятларинг қани? Сени бу дунёга келтирган вақтимда, ўз хонадонимда, менинг тақводор, иймони си-налган ва эътиқодига садоқатли оиламда сендай муртад, ишратбоз, карбонарий, Римда Тангри таоло томонидан ўрнатиб қўйилган ҳокимиятни ағдарилганга қасд қилувчи ўғил туғилганини қаёқдан ҳам билардим?! Сен орсиз, лаънатларга учраган аблах, сенга тақдир шундоқ бир дўстни ато этибдики, у сенга ғамхўрлик қилиб, ифлос-ланган, кирланган қалбингни ҳар дақиқа асрашга ҳаракат қилибди... ва ҳамма уринишлари беҳуда кетибди! Ҳатто шундоқ дўстга ва ҳомийга эга бўла туриб ҳам ифлос махлуқлигингча қолибсан!

Чол эшикни қаттиқ ёпди. Никколо бошини тортиб қолишга базўр улгурди. Шунда ҳам онасига Пармадаги турмуш шароитлари ҳақида, консерваторийдаги ишининг машаққатлари ҳақида бор гапни тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин ҳар сафар, у мана шу мактубларни ёзган кимсанинг тухматчи ва аблах эканлигини, онасининг ишончига кириб олиш учун атайин дўстона мулозаматлар билан ўз кирдикорларини хаспўшламоқчи бўлаётганини айтганида, Тереза хоним бошини сарак-сарак қилганича, таънасини бошлайди:

— Сенинг хавотирингни яхши тушуниб турибман. Сен ҳақингдаги бор ҳақиқатни айтган ҳар қандай одам кўзингга разил бўлиб кўринаверади.

Улар тун бўйи гап таллашиб чиқишди. Тонг ҳам отди. Никколо асабийлашиб, хона бўйлаб безовта юра бошлади. Тереза хоним ундан кўзини узмай, гўёки ноқобил ўғилга оналик муҳаббатининг бор ҳароратини, меҳрини сингдиришга интилаётгандай унсиз тикилади.

Эшик ортидаги қаттиқ хуррак тўхтади. Жаноб Антонио уйғонди. Онаси шу заҳоти шамчирокни ўчириб,

дарпардаларни очиб юборди. Тиник, ёқимли Генуя тонги деразалардан ичкарига мўралади.

Эшик тақиллади.

— Скрипкачи Никколо Паганини шу ерда яшайдиларми?

— Паганини менман, афандим.

— Чамамда сиз жаноб Пайер каби юксак парвозли бургутнинг қаноти остида бежиз тарбият топган эмассиз!

Никколога нотаниш бўлган қария хонага кириб келди. Эшик ортида жаноб Антонионинг соқоли қиртишланган башараси пайдо бўлди.

— Марҳамат, афандим, ўтиринг, — у хушомадгўйларча лаганбардорлик билан қарияни ўтиришга таклиф қилгач, яна эшик ортида ғойиб бўлди.

Ташрифчи Генуядаги катта театрнинг бошқарувчиси экан. У жаноб Брасканинг кошонасида уюштирилаётган зиёфатда иштирок этишга ҳамда Генуяда каттагина скрипка концерти беришга жаноб Никколони таклиф этиш учун келибди. Жаноб Антонио кийимларини алмаштириб, меҳмоннинг хузурига чиққан пайтда Никколо атайин овозини баланд қўйиб сўради:

— Демак, мен ҳақимда сизга жаноб Фернандо Пайер ёзибдилар-да?

— Бўлмасам-чи! — жавоб қилди бошқарувчи. — Икки марта мактуб йўлладилар. У зот сизни ўзларининг энг яхши шогирдлари деб биладилар.

— Нимага? Қанақасига? — гарангсиб сўради жаноб Антонио.

Никколо ниҳоят тантана қилди.

## Ўн иккинчи боб

### ШЕР ПАНЖАСИ САҲИФАНИ ЎГИРДИ

Бонапартнинг дастлабки фармонварақалари билан Италияда табақаларнинг тенглиги ўрнатилди, бир тилда сўзлашувчи кишиларнинг бирлашувига эришилди, Австриянинг истибодидан, миршаблар ва заминдорларнинг зулмидан эркинликка чиқилди. Италия ёшлари бу даъват сўзларига ҳаяжонли қувонч билан жавоб қайтардилар ва италиялик ўн минглаб навқирон фуқаролар Наполеон сафарбар қўшинларининг байроқлари остида сафландилар.

Бонапартнинг амри родаси йилдан-йилга Италиядан ёш умрларни юлиб кета бошлади, унинг мақсад-муддаоси эса бу жонларни унга етказиб бераётларга дарров ҳам аён бўла қолгани йўқ.

Аввалига фарангиларнинг замбараклари пайдо бўлди, кейин зобитлар ва аскарлар келишди, уларга эргашиб араваларини товарга тўлдириб олган савдогарлар ёпирилдилар, сўнг юртни ақл бовар қилмайдиган даражада катта миқдордаги хирожга гирифтор қилган ва санъат саройларини шип-шийдам қилиб талаб кетган давлат кенгашининг аудиторлари, ҳукумат вакили — комиссар ва ҳарбий молия-хўжалик ишлари зобити мамлакатни забт этдилар. Фавқулодда қимматбаҳо суратлар, қўлёзмалар ва китоблар Францияга олиб кетилиб, Парижни ниҳоят даражада бойитиб юборди.

Бунга-ку, бир амаллаб чидаса бўларди, аммо Италияни обдан хонавайрон қилиб, кейин эса аввалги мустабидларнинг қўлига ташлаб кетишгани ҳаммасидан ўтиб тушди.

Италия карбонаризми вакиллари ҳаммадан ҳам кўра Бонапартдан норизо бўлганлар сирасига кирардилар. Уго Фосколо Ломбардия-Венеция ташкилотида етакчи мавкега эга эди. Бу одам малласоч, шеркалла, бахайбат киши бўлиб, жарангдор ва ажойиб италияча ашъорлар муаллифи эди. Ўзи венециялик, Бонапарт қўшинининг зобити, Франция кўзғолонининг ашаддий тарафдори сифатида мутаассибларча фаранг саркардасининг ортидан эргашди. Наполеоннинг «венецияликларнинг қадимий жасурлигини уйғотиш» истагига бутун қалби билан хайрихоҳ ўларок, Бонапарт билан биргаликда жонажон шахрига кириб келди. Аммо кадрдон Венециясини сотилган ва таланган холда кўргач, у ўз «маъбуд»идан қаттиқ нафратланди.

Майдонда, Адриатика денгизининг иккала қирғоғи кўринаман деб турган баланд қўнғироқхонада пуштиранг устун кўкка бўй чўзиб турибди. Телбавор ҳайкалтарош унинг устидаги япаски тагликка Венеция республикасининг ҳомийси — инжил ровийси Маркнинг тимсолини ўрнатиб қўйган. Ана шу баланд устунда қанотдор арслон жундор панжаси билан тирноқларида биринж китобнинг варақларини ушлаб турибди.

Моденда Бонапарт 1797 йилнинг 18 апрелида ушбуни эълон қилди:

«Роҳиб Маркнинг ўлимтик арслони менинг инқилобий аскарларимдан шафқат қутмай қўя қолсин. Венеция мени Атилла деб ҳисоблай қолсин, аммо мен инквизициянинг — Папа тафтиш идорасининг маразини йўқ қиламан. Мен сенаторлик фитналарингизнинг урчишига йўл қўймайман. Модомики, мен халқнинг дўстларига эрк берган эканман, демак Венеция сенати ўзининг халқини кишанлаш учун тайёрлаган ва ҳозирда бошқа ҳукуматлар билан тил бириктириб, Франция халқи учун тайёрлаб қўйган занжирларни узиб ташлашга ҳам қодирман».

12 май куни Венеция Катта кенгаши бошкентни топшириш тўғрисидаги таклифни муҳокама қилиш учун сўнгги бор тўпланди. Олисроқда, соҳил бўйида фаранги суворийлар от суриб юришибди. Биринжтус юзли, узун соч қўйган, учбурчак қалпоқ кийган пастаккина генерал кечувдан ўтишга тайёрланмоқда. Сенаторлар талабни овозга қўйишни лозим топмадилар ва жимгина тарқалишдилар. Кўҳна Венециянинг ҳукмдори уйига қайтиб, ўз хонасига кирди ва ҳокимлик қалпоғини ечиб, хизматкорига топширди-да, унга буюрди: «Манавини йўқот, унинг менга ортиқ ҳожати йўқ».

Тўрт кундан сўнг францияликлар Венецияга кириб келдилар. Венециялик темирчилар, тикувчилар, сартарошлар ва балиқчилар ороллардаги ва шаҳар майдонидаги тоштахта тўшамаларни синдириб-қўпориб, бодом ва лиму кўчатларини эка бошладилар. Бу дарахтлар хуррият рамзлари эди. Шундай дарахтлардан бирининг олдида Венеция киборларининг насл-насаби қайд этиладиган олтин китобни ва ҳокимнинг ҳукмдорлик қалпоғини ёндириб юборишди, ровий Маркнинг арслон панжаси таяний турган китобидаги «Сенга омонлик бўлсин, Марк, хушxabар даракчиси» ёзуви ўрнига эса «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»нинг муқаддима сўзлари ўйиб ёзиб қўйилди. «Хуқуқлар декларацияси»нинг ажойиб, даъваткор биринчи қисми кўп юзийликларнинг энг эзгу умидларини ўзида акс эттирганди; ундан Фернея тоғларининг соф хавоси, Монморанси ва Эрменонвил боғларининг ифори уфуриб турарди. Франция янги тарихининг ушбу жозибатор биринчи саҳифасини Волтернинг ва Руссонинг даҳоси яратиб берди. Инсонлар бахти ва Венеция республикасининг озодлиги ҳақидаги орзулардан



сармаст карбонарий Уго Фосколо бундан рухланиб, бор овози билан ҳайқирди: «Ниҳоят бу шер биринж китобнинг саҳифасини ўғирди!»

Тез орада эса Фосколо Бонапартнинг мислсиз ёлғонини англаб етди. Саҳифа аслида олдинга эмас, орқага варақланган экан. 1798 йилнинг 18 январида Наполеон Венециянинг эркини австрияликларга сотиб юборди. Рухоний Марк майдонида австрияликларнинг оқ рангли харбий кийимлари пайдо бўлди. Қўймачилар ва темир усталари яна ровий Маркнинг устунига аркон ташладилар, инжилнинг қанотдор арслонининг панжаси остида яна эски черков ёзуви намоён бўлди.

Фосколо Пармага қочди. Қўп вақт ўтмай матбуотда унинг даъватномалари, Бонапартга қарши дадил ташвиқот ва нутқларининг тўпламлари эълон қилинди. Фосколо мустабидга қарши бутун Италия карбонарийларини оёқлантирди. Фердинанд Пайер Венецияга келгач, суронли мана шу ойлар давомида ҳеч қабққа чиқиб кета олмади. Унинг дўсти Уго Фосколо эса ўзининг саргардонлик ҳаётини бошлади ва умрининг қолган кунларини Бонапартга қарши курашга бағишлади.

\* \* \*

Тонгни скрипкасининг наволари ила кутиб олган Николо фақат тун қоронғусидагина камончасини қўлдан қўярди.

Отаси дўқ-пўписалар билан яна ва яна кўпроқ пул талаб қиларди. Лукресианинг эри қиморда каттагина пул ютқизиб келиши билан онаси ҳам пул талаб қилишни бошларди.

Паганини улардан қутулиш учун кечкурун ёнида бор пулини охири чакасигача ота-онасига қўш қўллаб топширарди. Эрталаб эса ёлғиз ўзи учун бир амаллаб ундириб олган хонасига қамалганича, ёнига ҳеч кимни киритмасди. У концертларда қанчалик кўп маблағ ишласа, оиласининг қўлида шунчалик кўп пуллари йўқ бўлиб кетмоқда эди.

Аввалига у барча зуғумларга чидаб, уй ичиларининг бирортаси билан ҳам жанжаллашмасликка ҳаракат қилди; бу унинг табиатан беозор ва мулойим эканлигидан эмас, балки ўз ишидан ҳеч қачон ҳозиргидай мириқиб лаз-

зат олмаганлигидан, скрипка чалиш услубининг янги йўллари неч қачон хозиргидай бир завқ ва иштиёқ билан изламаганлигидан эди. У илгари фақатгина тахмин қилган услубларни, иложи бор эканини фақат пайпаслабгина тафаккур эта олган ижро йўллари неди эришиш мумкин бўлган имкониятлар сифатида ташналик билан, илгари ўзига номаълум бўлган бир шиддат билан забт этмоқда эди. У ўз интилишларининг хотиржамлик бахш этувчи дадиллик ҳолатига, олим учун, мусаввир учун, санъаткор учун янги бир ижодий кашфиёт дунёга келаётганидан дарак берувчи қалб титроғи ҳолатига яқинлашиб келмоқда эди. Янги юзйиллик Кўҳна Оврўпанинг тош қопқаларини гурсиллатиб уриб турган бир пайтда Паганини ўктам шамолларнинг покловчи эпкинени дилдан ҳис этиб, оҳангларнинг янги-янги муסיқий оламларини топиш истагига буткул ихтиёрини нисор этди.

У ҳали шу дамгача донғи эшитилмаган ва мисли кўрилмаган муסיқий дунёлар унга ўз бағрини очишини чуқур ҳис этаётганди. У руҳий бир ташналик билан китоб дўқонларининг тит-питини чиқариб ташлади, тоғ-тоғ эски ва янги китобларни бош кўтармай ўқиди. У скрипкасозликни ва товуш қонуниятларини синчиклаб ўрганди. Айни пайтда у тизгинсиз бир жазава билан қадим италияча муסיқаннинг моҳиятини англашга интилди, бу кашфиётлар эса унинг кўз олдида Кореллининг элегия пьесаларини, Вивалдининг эпикасини, Пунїани ва Виоттининг ширадор лирикасини ва ниҳоят таваккалчи-ишқалчи ва роҳиб, телбавор дарбадар Тартинининг жозибадор, эртакнамо наволарини жонлантириб юборди. Буларнинг барчаси унинг камони остида тириклик аломатларини кўрсатиб, янгича мазмун ва аҳамият касб этди ва гўёки абадий барҳаёт олий бу санъат аждоқлардан авлодларга ўтиб бориб, ҳар бир авлод учун фақат шу замонгагина муносиб ҳақиқатларни етказиб беришини исботлагандай бўларди.

Бир куни Паганини симторни ҳаддан ортиқ қаттиқ тортиб юборганди, сим узилиб кетди. У эса паришон бир ҳолатда шошиб, скрипкага алт ва виолончел симларини тортиб қўйди. Хатосини сезиб қолгач эса, уни тузатиш ўрнига, савдойи ал-кимёгарларнинг маккорона қиёфаларида намоён бўлгувчи, узоқ изланишлардан сўнг

эски, аллақачонлардан бери ҳаммага маълум моддаларнинг янги хусусиятлари уйғунлигини кашф этган олимларнинг чехраларида зоҳир топгувчи сирли ва айёрона бир табассум билан жилмайиб қўйди. Паганини чолғусида янги торларни синашга қарор қилди ва натижада скрипкаси аввалгидан ҳам жарангдор наво ҳамда оҳангларга бой садо бера бошлади.

Шу кундан эътиборан у скрипкасани бетўхтов равишда турли-туман синовлардан ўтказиб борди. Лекин бу машаққатли машғулотларни тўсатдан тўхтатиб қўйишига тўғри келди. Ота-онаси ўғлининг топаётган пулларидан қутуриб, беармон исроф қила бошладилар: «Катта концертларингни тайёрла!».

Йўқ, Паганини бунга интилаётгани йўқ эди. Томошаларидан олаётган даромадини поччасининг қиморда ютқизган қарзларини тўлашга, отасининг қимматли қоғозлар бозоридаги фирибгарликларини молиялашга сарф қилиш ёш скрипкачига шу қадар ҳақоратомуз ва хавфли кўриндики, у энди оиласи билан алоқани буткул узишга сабаб қидира бошлади. Баҳона ҳам дарровгина топила қолди.

Ўша кунлари, Лукка шаҳри янги юзйилликни байрамона кутиб олишга тайёрланыпти, деган овозалар ҳамма ёққа тарқалди. Тантаналар роҳиб Мартин кунида бошланиб, 1 январгача давом этаркан.

Мана сизга энг ажойиб сабаб! Шу кундан бошлаб Паганинининг оиласида Лукка ҳақидаги гап-сўзлар бошланди. Гўёки Никколонинг дўстлари тасодифан хабар беришларича, Луккага бутун дунёдан мусикачилар ташриф буюришармиш, катта томошабозор бўларкан, улкан кимошди савдолар ўтказиларкан. Никколо айнан шу концертда каттагина пул ишлаб олиши мумкинмиш.

Никколо ўзининг у ерга бориши ҳақида қатъий ва ишонч билан гапиргани сайин, отаси бу сўзларга кўнгил-ғашлик билан қулоқ солиб ўтирарди.

— Ҳали мендан хурсанд бўласиз, — деди ўғил отага.

Отаси ўтирган жойидан қўққис туриб кетиб, миз устидаги тақсимчаларни, шароб қуйилган қадахни ерга тушириб юборди.

Ўғил ўз сўзида қатъий туриб олган, отаси эса ҳар кун фақат унинг жўнаб кетиши ҳақида эшитарди. Ноябрь ойи жадал яқинлашиб келмоқда. Роҳиб Мартин куни

Паганинининг ҳатто тушларига кира бошлади. Скрипкачи энди акаси билан келишишга қарор қилди. Режаси кўнгилдагидай амалга ошди. Ижродан тушган ҳамма пулларни концерт ташкилотчиси сифатида у билан бирга борувчи акасига бериш шарти билан чол Никколони Лукка шаҳридаги янги аср байрами тантаналарига юборишга розилик берди.

## Ўн учинчи боб

### CARMEN SAECULARE

Оқимтир тусли тош йўл турфа хил аробалар ва пиёда йўловчилар билан тўлиб-тошган. Ломбардиялик зиёратчилар, бекорчи сайёҳлар, кўнгилочар томошаларнинг ишқобозлари, турли томошазор касбларининг қонуний-ноқонуний вакиллари, ким пиёда, ким эшакда, ким кўп ўринли ёпиқ хос аробада бутун йўл бўйлаб Луккага кетишмоқда.

Агар бирлари учун бу — роҳиб Мартин қунидаги томошазор бўлса, бошқалари учун — янги асрни кутиб олиш байрами. Паганини учун эса бу икки байрам қаторига ўзининг шахсий эркинлиги, отасининг зулмларидан тўла озод бўлиш тантаналари ҳам қўшилган. Боши сархуш айланиб, юраги шошиб-шошиб уради, отасига ҳеч нарса деган бўлмаса-да, ҳеч қачон, ҳеч бир важдан уйига энди асло қайтмасликка ўз-ўзига қатъий ваъда бериб қўйган. Қочиш қарори қабул қилинди, оиласи билан муносабатларни узил-кесил йўқ қилишга қалбан тайёрлигини англади.

Бир томондан бу — ҳаётга бутун вужуди билан интилаган ёш йигитчанинг ҳали гўр бир ўсмирларча онгининг хавотирли дақиқалари бўлса, бошқа томондан — етуқ, камолга етган артистнинг санъатга фақат тижорат битими нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш иллатидан қутулишга бўлган интилиши эдики, санъатни пул билан ўлчашга уни шу пайтгача отасининг манфур манфаати мажбур қилганди. Паганини қадрдон уйида ўзининг мусиқий дунёқарашини ўстиришнинг имконсизлигини тобора кучли ҳис этмоқда эди. Агар илгарилари митти Паганини отасининг калтаклашларидан, машаққатли меҳнатдан азоб торган бўлса,

бу энди янада азоблироқ азият билан алмашинди, зеро hozir унинг мусикага бўлган муносабатини, унинг санъатчилик туйғусини топтамоқда эдилар. Унга кўпдан буён эркининг соф хавоси етишмаётган эди. Агар Луккага мана бу сафар бўлмаганида, у барибир кемага дастёр бўлиб қочиб кетарди, англияликларнинг ресторанида ошпаз ёрдамчиси бўларди, ишқилиб, оиласидаги турмушни ҳар қандай бошқа ҳаётга алмаштирган бўларди. Ўз-ўзи билан, отаси билан зиддиятларга борган дақиқаларда, ўз ҳаёт йўлини танлашга иккиланган дамларида Паганини кўпинча скрипкасини ташлар ва гитара чалиш билан шуғулланарди. Бу чолғуни чалиш борасида ҳам у юқори маҳоратга эришди. Бу — мохирлик салоҳиятининг янги мўъжизаси эди. Лекин у агар скрипкада ўз ижро услубини такомиллаштириб, уни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилиб ва бу созини катта санъаткорнинг бор ҳис-туйғуларини соҳир садоларда очиб беришига имкон яратишга мажбур қилса, гитара бошқа мақсад учун керак эди: бу асбобда у ўзи учун янги бўлган туйғуни — қаҳр-ғазабни ифодалар эди. Шу боис ҳам гитарада чалинган бирор сийқа ракснинг куйи ҳам Паганинининг бармоқлари остида атайин бачканалаштирилган ҳажвий тақлидга айланарди. Кишилар ёш гитарачининг тақлидий услубини қанчалик кам тушунсалар, Паганини шунчалик кўп севинарди. Гитара унинг учун тобора ўзининг руҳий аҳволини таҳқирлаш воситасига айланиб борарди, — у ўша руҳий ҳолатдан ҳеч чиқиб кета олмаётганди, — вақти-вақти билан ўзининг руҳий жасоратига бутун вужуди билан ишончсизлик билдирганлиги учун у энди одамларни масхаралаб хумордан чиқаётганди.

Скрипка ва мўъжазгина йўлхалта. Шамол, қуёш ва чанг-ғубор. Бутун ҳаётинг хали олдинда бўлса, тўла эркинликни ҳис этишдан ҳам ортиқ бахт борми дунёда!

Италия шаҳарларидаги байрамлар — дунёдаги энг жозибали томошалардандир. Уларда бутун аҳоли иштирок этади. Ҳордиқ кунлари Италия кўчалари умумий кўнгилахушлик билан бир-бирига қўшилиб кетади. Сайрлар уюштирилади, оломон эса турли чолғу асбобларини чалишни биладиган қўшнилари гуруҳи томонидан тасодифан ташкил топиб қолган оркестр ортидан хуш кайфиятда эргашади. Турли рангли тасмалар ва гуллар билан безаниб

олган эркаклар, аёллар, болалар хушчақчақ кетиб бордилар — кимдир ёкимли қўшиқ айтади, бошқалар байрамда пакилдоқ ва мушаклар билан иштирок этишади. Шаҳар қанчалик жанубда жойлашган бўлса, қийқириклар шунчалик кучайиб бораверади. Наполи шаҳрида юзлаб пакилдоқларни темир ромга тизиб чиқишади, айна шу куни тинкаси қуриб шаҳарга кириб келган ва қўноқхонада донг қотиб ухлаб қолган мусофир эса қарсиллаш ва гумбурлашлардан уйғониб, ўрнидан сакраб туради-да, гарангсиган холда дераза тўсиқларини очиб, шаҳарда қўзғолон кўтарилган ва замбарақлар эски ҳокимиятни ағдаряпти, деб ўйлайди. Венецияда серенада — муҳаббат изхорларини куйлашади, анхорларда рангли чироқлар билан ёритилган қайиқлар сузади; қўшиқчи эркак-аёллар давраларга завқ бағишлайдилар, сохил бўйида рақслар, очик денгизга сайрлар уюштирилади. Буларнинг барчасига доимо италияча кўнгилхушликнинг ажралмас йўлдоши бўлмиш мусиқа садолари хамроҳлик қилади.

Лукка капелласининг мудирини Пайер ўз мактубида огоҳлантириб қўйгани боис, Лукка шаҳри Паганинини яхши кутиб олди. Биринчи томоша тунги байрам сайлига мўлжалланди, иккинчи кун окшомида ҳам у яна концерт берди. Бу ёш скрипкачининг биринчи улкан муваффақияти эди. Концертдан сўнг ҳокимликда зиёфат уюштирилди, нотаниш ва тасодифий шериклар билан шунчалик кўп май ичилдики, Паганини қўноқхонага қандай етиб келганини ҳам билгани йўқ. Бу ўзи жойлашган қўноқхона эмасди, аммо бунақа арзимаган нарсалар мусиқачининг парвойига ҳам келмади: озод одамга бунинг нима аҳамияти бор?

Оқшомда яна янги концерт — илк бор Паганини концертига ҳеч қандай тайёргарлик кўрмади. У саҳнага илгари ўзига таниш бўлмаган хиссиёт — муваффақиятга ишонч туйғуси билан чиқди, бу туйғу худди илк икки-лашишлардан сўнг тўсатдан ҳужумга ташланган ёш, янги сафарбар этилган аскарнинг томирларидан оқиб ўтгучи жазава олови каби қайноқ эди.

Юзлаб қўзларнинг ўткир нигоҳи остида Паганини камончасини қўтарди. Ўтган юзйилликнинг оҳанглари, Лулли ва Рамонинг куйлари, менуэтлар ва гавотнинг жозибатор садолари шикорчилар мугузкарнайининг овозлари билан алмашинди. Черков кўнғироқларининг тантанавор

бонги, дафн ашулалари ва инжил қўшиқлари ижрочиларининг қахрли овозлари тўсатдан пайдо бўлиб, шиша жарангидай нозик оҳангларда жиринг-жиринг қила бошлаган қўнғироқчалар шалоласига аста-секинлик билан ўз ўрнини бўшатиб берди. Черков мусикасига шўхчан ва ғайриахлоқий қўшиқлар қоришиб кетган ўша қурама ўн йилликларнинг садolari янграй бошлади. Дуои хайрларни ифодаловчи қўнғироқ жаранги кучли бонг билан алмашинди, бонг эса фаранги аскарларнинг ва деҳқонларнинг жайдари ашулаларига ўз ўрнини бўшатиб берди. Сўнг яна «Dies irae»<sup>1</sup>, худди чуқур жарлик қаъридан келатгандай зарба товуши, отлиқ қўшин дупури ва бўрон ўкириги бўлиб байрамонга кайфиятдаги, ясан-тусан қилиб безанган оммага тўла томошагоҳ ичига ўзини уради. Паганини товушлар фавворасини кучайтира бориб, Оврўпани ларзага солган ҳодисаларнинг поёнсиз манзарасини рангбаранг товушларда, мусиқа тўфони эпкинида чизиб берди. Мусиқа асарининг якунловчи қисмларида Италиянинг «Карманиола»си ва «Марселйеза» оҳанглари жаранглади. Бу — янги юзийликнинг музаффар одимлари эди. Бу — «Тантана қўшиғи» эди.

Роҳиб Мартин ҳафтаси ўтиб бўлганидан сўнг, байрамлар поён топиб, оёқ остида топталган гулдасталар, рангдор қоғоз сочқилар, қоғоздан тайёрланган муваққат безаклар, қоғоз тасмаларнинг йиртилган бўлакчалари супуриб ташлангач, озодликнинг дастлабки сармаст ҳафтасидан сўнг хушлар жойига қайтишни бошлади. Босиб ўтилган йўлни тафаккур қилиб олиш истаги аста кўз очди. Аммо бу интилиш бесамар бўлди. Мусикадаги ва ҳаётдаги тузум, маром, суръат — барчаси дунёдаги мавжуд ҳодисотларни бошқарувчи, қандайдир ягона мақсадга мувофиқлаштириб қўйилган буюк бир қонунга бўйсундирилганди гўё. Паганини бу моҳиятга соддалик билан, тасаввурсиз бир хайрихоҳнинг эҳтиёткорлиги ва тажрибасиз мутафаккирнинг уятчанлиги билан ёндошди. У ўзининг мусиқани вужудига сингдириб олган мавжудот сифатидаги аҳамиятини сезар, буни деярли аниқ-тиниқ ҳис эта бошлаганди. Паганини ўзини янги асрнинг замондоши сифатида англамоқда эди.

<sup>1</sup> «Қаҳр-ғазаб куни» (лот.) — черков қўшиғи.

У бутун черков муסיқасини «Карманиола»да ва «Марселйеза»да ўзи учун кашф этган оҳанглар шаклига фанимона зид бўлган нарса сифатида қабул қиларди. Янги давр алангаси, қўзғолон гулханлари, уларнинг кўҳна дунё юзига қуюн мисоли ёпирилган вайронкор ёнғинлари — буларнинг барчаси черковнинг сокин тароналарига, католик мазҳаби мадҳияларига, Орфей куйларининг одамзод ҳайвонхонасини бўйсундиргувчи таъсири каби ройиш ва итоатга ундагувчи муסיқий даъватларга қарши эди.

Паганини шиша идишга қошиғини тўлдириб туз солиб, сўнг томоша қилиб ўтиришни ёқтирарди. Тузга тўйинган намакобга ташланган қуруқ кристалл мана шу оғир, ҳаттоки ўзининг муайян шаклига ҳам эга бўлмаган суюқликни лаҳзада жадал кристаллаштиришини кузатиш ниҳоятда мароқли эди.

Паганини ўлик моддани ўзгартириб юборгувчи бу жараёнда худди у концерт томошахонасида кузатгани каби, инсон онги ва иродасининг бўлакланган, шаклшамойилсиз қисмлари муסיқа оҳанглари таъсирида бирдан кристалланиб, ғаройиб мукамаллик касб этганига монанд ходисаларни кўргандай бўларди.

Инсон тўсатдан ўз рухиятини босиб келган туйғулардан озод бўлишни истаб қолган, лекин одамзоднинг онгини бетиним таъқиб этиб юривчи қатъий бир шаклда қарор топган оҳанг ва ҳиссиётларнинг қутилмаган жамланмаси шуурини эгаллаб олгани туфайли бунинг уддасидан чиқолмаган ҳолатида юзага келгувчи бир фикрини Паганини теран сезарди. Зеро, товушларнинг бу уйғунлашган садосини тинглаган одам энди унинг асирига айланади, ваҳоланки, у ўша нотабий уйғунликнинг мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмаслигини билади.

Концертлардан сўнг уйқуга кетган Паганини тўсатдан босинқираган ёхуд иситмалагандай бир алпозда уйғониб кетарди. Унинг назарида гўёки муסיқа нарсалар оламини ва инсоний муносабатлар тизимини ўзгартириб юбориши керак эди. Аммо ўша муסיқанинг ўзи қандай бўлмоғи лозим? Шундай муסיқани топиш илинжида у бетиним изланиб, тобора ҳолдан тойиб борар, Лукка таассуротлари эса бу толиқишни янада орттирмоқда эди.

Паганини ўзгача бир ижро истагида эди. Яшил мато копланган миз, бўр бўлаклари, фил суягидан ишлан-



ган тахтачалар, қўрғошин қалам, чўталчининг куракчаси ва олтин тангалар уюми — буларнинг ҳаммаси скрипкани узоқ муддатга ташлаб қўйишга мажбур қилди. Буларнинг бари бир бўлишиб, Паганинининг куни-ю тунини, соату дақиқаларини, фикру хиссиётларини остин-устин қилиб юборди.

Тонга яқин, ковоқлари шишиб кетган, башараси сарғайган, кўзларининг атрофи кўкариб ётган бир аҳволда йигитча киморхонани тарк этарди. Чарчаган, уйқусираган эшик оғаси унга бош кийимини ва асочасини тутказди. Лукканинг кимсасиз кўчаларида уни рутубатли туман кутиб олади. Сабзавотфуруш унга ижирғаниш билан қарайди, тунги жирканч «касб»ни ўзларига ҳунар қилиб олган суюбоёқ қизлар уни масхараомуз бир оҳангда ёнларига чорлаб, ўзлари билан бирга хирсий лаззатлар сабоғини ўзлаштиришни таклиф этадилар. Паганини кимордаги ютқизиқлардан ҳам, манавинақа «мактаб» сабоқларидан ҳам силласи қуриб бўлганди. Унинг юрагида илгариги — фақат оғир меҳнат уқубатларидан тинкаси қуриган, ўзи айбдор бўлмаган ҳолидаги куч-қувватидан айрилган ҳаётига нисбатан нафрат уйғонганди.

Буларнинг барчаси қандай бошланиб кетганини Паганини ҳатто эслолмайди ҳам. У буларни ҳеч қачон унутмасликка ва бу ҳеч қачон такрорланмаслигига ўз-ўзига онт ичганди.

У Ливорнодаги шифохонада ётарди. У кўпдан бери Ливорнодами? Ўзи у Ливорнога қандай келиб қолди?

Уни оқ хос кийим кийган одамлар қуршаб олишган, тепасида эса қизил қалпоқ кийган, қўлида болғача билан стетоскоп ушлаб олган аллақандай бир доктор. Паганинига унинг овози эшитилади: «... қаттиқ алаҳсираш».

«Балки булар ҳаммаси фақат қўрқинчли тушдир, — дея ўйлайди у. — Бунинг туш эканини яхшиси манавиларга айтмай қўяқоламан».

Ёдида қолган нарсалар нима эди ўзи? Аёл кишининг ва чавақланган гўдакнинг чинқириги!.. Гулхан теварагидаги маст-аласт кимсаларнинг алжирашлари. Зулмат қўйнидаги жарлик туби ва жудаям юқориликда ўсиб турган улкан дарахтлар. У ўзини қудуқ тубидагидай ҳис қиларди. Буталар ортидаги гулхан ёнида бир тўда одамлар. Қўрқинчли башаралар, афти бузуқ маст кишилар-

нинг ёқимсиз қулгиси. Мана, серсокол, бурни кўқарган, қўзлари яллиғланиб кетган бир барзанги унинг скрипкасини ушлаб олганича, камонча билан гўё чолғуни арралаётгандай вичирлатмоқда. Ёқимсиз, нохуш, бадсас товушлар. Кейин яна беҳушлик.

— Бўлди, эсладим! — Бирдан бақириб юборди Паганини.

У чойшабини ҳам улоқтириб, ўрин устига ўтириб олди.

Сўнгги концертини у Ливорнода берган эди.

Доктор ҳам унга жавобан, сўзларини тасдиқлаб қўйди:

— Ҳа, концертингизда мен бўлгандим. Концертдан кейин эса, эртаси куни, сизни Ливорнонинг жанубий дарвозасидан нарироқда топишган. Кўринишидан, сизни топ-тозалаб шилиб кетишган: ёнингизда ҳатто скрипкангиз ҳам йўқ эди. Сиз иситмадан типирчилаб ётгандингиз. Энди эса соғайиб олишингиз учун сизга ҳаловат керак бўлади.

— Мен қачондан бери бу ерда, Ливорнодаман? — ташвишланиб сўради Паганини.

— Бунисини билмадим. Уч кундан бери менинг қармоғимдасиз. Шу вақт ичида жаноб Ливрон икки марта сиздан хабар олиб кетди.

— Ундай одамни танитайман, — деди Паганини.

— Буни қаранг-а! У киши шахримизнинг жуда ҳам ҳурматли фуқароси, ҳокимлигимизнинг аъзоси.

— Унга нега керак эканман?

— Буни сиз балки у кишининг ўзидан шахсан билиш имконига эга бўларсиз, — деб қўяқолди доктор Паганинига шубҳали тикилган кўйи.

Кечга яқин ҳақиқатан ҳам баланд бўйли, ниҳоятда басавлат бир киши келди ва Паганини жаноблари билан сўзлашишга ижозат сўради. У эҳтиёткорлик ва камоли эҳтиром билан мурожаат этиб, Паганини жанобларидан «камтарин қулларига лутфу марҳамат кўрсатиб», Гварнерининг унга, яъни Ливронга тегишли скрипканинг хислатларини синаб беришини илтимос қилди. Паганини нима деб жавоб қилишни ҳам билмай қолди, лекин тезда ўзини тутиб олди-да, Ливронга миннатдорлик билдириб, соғайганидан сўнг бериладиган биринчи концертида ўша скрипкани чалиб беришини айтди.

Жаноб Ливрон билан яқинроқ танишиб олгач, Паганини унинг хонадонига кўчиб ўтди. Ливорно ҳокимлигининг аъзоси бениҳоя меҳмондўст мезбон чиқиб қолди. У мусиқачининг ихтиёрига шу қадар сокин ва ишлаш учун қулай бўлган хоналарни бериб қўйди ҳамда ўзи ҳам меҳмонига имкон қадар камроқ кўринишга интилдики, Паганини бу инсонга нисбатан чуқур миннатдорчилик туйғуларини ҳис этди. Аммо мана шу кунларнинг ҳаммаси Паганини учун ташвишли ва хавотирли кечди, унинг шуури ўз ҳаётининг киши онгидаги тиниқ ва равшан кунлар ила ёнма-ён мавжуд бўлган дахшатга тўла қисми билан қандайдир мавҳум учрашув ваҳимаси туйғусидан заҳарланди. Энди эса, ижро пайтида Паганини олам устини босиб турган қора, зулматли осмоннинг сохта, мовий пардасини юлиб ташлаш заруриятини ҳис этди. У ўз-ўзига шаҳар ортида кўрган дахшатлари унга ҳозирга қадар нотаниш бўлган ваҳшатнинг қиёфасини намоён қилганини эътироф этди.

Бу ҳиссиёт кейин унинг юрагидан шайтоний, қиймалаб ташланган, бир-бирини маҳв этувчи куйлар оқими бўлиб отилиб чиқишни бошлади. У мана шу инграган, зорланган, қайғули, дахшатли товушлар куйга айлана боргани сайин томошахонанинг қаторларида одамларни титроқ босганига гувоҳ бўлди. У кишиларнинг юзларидаги азобуқубатларни кўрди, бу азобларга барҳам беришни ўтиниб сўраган нигоҳлардаги илтижоларни ҳис этди. У инсонни оний бир лаҳзадаёқ ажал синоатига, бахтсизлик асрорига, нобуд бўлиб кетиш ва уқубатлар махфиётига парда ташлашга дафъатан мажбур этадиган ноихтиёрий ўз-ўзини асраш туйғусининг намоёнини кузатди. Паганини ушбу пардага салгина яқинлашишга, унга — мана шу пардага, мана шу фаровонлик саробига воқелик қиёфасини бериш, инсоний азоб ва уқубатларнинг воқелигига қараганда анча улканроқ халос этувчи аҳамият бахш эта олиш даражасида яқинлашишга муваффақ бўлганида, ўзини ниҳоятда баланд юксакликларда ҳис этарди. Воқеъ ҳаёт мана шу тасодифан кашф этилган, дахшатли ва яқин олам устидан зафар қуча олди.

Гварнерининг скрипкаси шу қадар оҳангдор, шу қадар итоатли чолғу эканки, бемалол аввалги сознинг ўрнини боса олди. Бу скрипкани у граф Козионинг уйида кўрган

литомонография бўйича танирди. У ўша маълумотномада уч юзинчи рақам билан қайд этилиб, «Гварнери дел Жезу» деб номланганди. Концертдан сўнг Паганини бу чолғуни мақтовларга қўмиб ташлаб, парда ортига чиқиб келган Ливронга эҳтиёткорлик билан узатди. Ливрон бош силтади.

— Сохирот сохиби Паганинининг қўллари теккан чолғуни ушлашга журъат этолмайман, — деди у, чамаси аввалдан тайёрлаб қўйилган иборани тилга олиб.

Паганинининг орзуси ушалди — «Дел Жезу» энди уники эди.

Кенг қилиб ишланган, вақт ўтиши билан эфлари қирилган, сири кўчиб, доғ тушган, юқори қопқоғининг чап эфи устида тўртбурчак ўйиқ туширилган бу скрипка қўлдан-қўлга ўтавериб, йиллар давомида қўплаб эгаларни кўриб юборгани равшан эди. Аммо унинг товуши Паганинини ҳайратга солди.

— Бу табиатнинг ўз овози, бу тирик овозлар! — у завқини яширолмасди.

Биринчи концертдан уч кун ўтиб, Паганини яна тажрибага қўл урди. Мана шу скрипкасига виолончел торларини тортиб, Рокежани устахонасига Туртнинг иккита камончасидан битта узун камон ясашга буюртма берди.

— Козио, — дерди Паганини ўзига-ўзи, — бостириб келётган замондан дахшатга тушади, мен эса янги даврни олқишлайман. Мен бугунги кунга суқулиб кириб келишга уринаётган ўтмишга қўрқинч билан қарайман. Мен эски скрипкага янги торларни тортганимда ва буюк уста Туртнинг камончасини ғайриқонуний узайтирганимда мутлақо ҳақман. Францияда янги одамлар жамияти башар тузумининг янги қонунларини жорий этмоқдалар. Оҳанглар дунёсининг янги хусусиятларини очишни одамга ким ҳам тақиқлар эди? Мана, скрипкадаги виолончел торлари беҳисоб имкониятларни очади ва оҳанглар ҳажмини ортиради; камоннинг узайтирилиши эса — мана шу оддийгина нарса — керакли узунликдаги товушни чиқаришнинг энг яхши воситаси.

Жаноб Паганинининг чолғусидаги ташқи ўзгаришларни шароит тақозоси билан ҳеч ким сезгани ҳам йўқ. Тўртта концерт жуда ажойиб ўтди. Бундай муваффақиятни Паганини кутмаганди, беҳисоб одамлар оммасининг мутаас-

сибона олқишлари кучайганидан кучайиб борарди. Аммо Паганинини олдинда фалокат кутиб турганди. Концертларнинг асосий ютуғи мусиқачи ўзи тобора кўпроқ хис этаётган қаршиликлар, адоватли кайфиятларни енгиб ўтишида намоён бўлаётганди. Шаҳарда сон-саноксиз миш-миш, овозалар урчиб кетган. Улар Паганинининг қулоғига ҳам етиб келаётган эди.

«Паганини скрипкасани қиморда ютқазиб қўйган, шу боис концерт беролмаяпти. Паганини нопок бир касалликни орттириб олибди, шу сабаб шифохонада ётибди». Жомеъ черковининг хўпоз ваъзчиси ҳам Ливорнодаги бандаргоҳ даллолининг чақалогини чўқинтириш маросимига тўпланганларга машшоқни қоралади:

— Мен бу скрипкабозни биламан. Унинг скрипкани шайтоний соз, товушлари парвардигор томонидан лаънатланган, куйлари ҳам ҳаром, уни тақводор аҳли насоро тингламасликлари жоиз.

Еттинчи концертга Шимолий Италиянинг барча ҳудудларидан мусиқачилар жамландилар. Бирлари Паганинини нафрат ва ҳасад билан тингладилар, бошқалари — диний бир маҳдудлик ва иштиёқ билан эшитишди. Барчаларининг олқишлари уйғун жаранглаб, мисли кўрилмаган шон-шарафларни башорат этарди.

Имзосиз хатнинг нима эканини ҳам Паганини шу пайтларда билди.

Хатлар идораси орқали унга бир ифвонома жўнатишди, унда мусиқачи валади иблис деб аталганди; абадий дўзах азоби ила таҳдид қилишган, уни беармон масхаралашган; савдогар Ливрондан ўғирлаб олинган скрипкага хўкиз ичагани тортишда айблашганди — нуфузли концерт саҳнасида италиялик скрипкачининг фирибгарлик қилмоқлиги, узунлиги Арно дарёсини ҳам бемалол энлайдигин камонда куй чалиб, оммани ҳақоратлаши ғирт шармандалик.

Бошқа бир имзосиз хатнинг муаллифи ўзининг шохдор молларини оғиз кўпиртириб мақтаган ва скрипкага тор яшаш учун бир пода буқани сотиб олишни машшоққа таклиф этганди. Мактуб сўнгида дунёдаги энг катта, энг шохдор хўкиз скрипкачи Паганинининг ўзи эканлиги айтилганди.

Кейинги хат ҳам, чамаси биринчи хатнинг эгаси билан келишиб ёзилган бўлиб, унда камон яшаш учун Ли-

ворно хиёбонидаги энг баланд дарахтларни кесиб олиш тавсия этилганди. Хатга битта расм ҳам илова қилиниб, унда Паганинининг жамоаси тасвирланган: Паганини ўз скрипкасининг торларини оёқлари ва қўллари билан босиб чалмоқда, ўн нафар барзанги йигитлар эса ниҳоятда узун камонни худди тахта тиладиган аррани тортган каби чолғу устида юргизяптилар.

Дастлабки қошишлар ва чақишларга Паганини умуман парво ҳам қилгани йўқ.

— Мен машхур бўлиб боряпман, — деди у Ливронга, — модомики шундоқ экан, изимдан итлар эргашиб, товонимдан тишлаши турган гап.

Паганини бу мактубларни кўрсатгач, Ливрон ташвиш ва таассуф билан бош силкиб қўйди.

\* \* \*

Венеция Австрияга бериб юборилди, 1798 йилда эса Рим папаси дабдурустдан дунёвий ҳокимиятидан айрилдиқўйди. Қўҳна Романиадан Рим республикаси қийиб олинди. 1798 йилнинг 15 декабрида Римни фарангилар эгаллашди. Рим черкови Францияга очикдан-очик қарши чиқишга ботинмасдан, юз минглаб роҳиблар тимсолида ўзининг махфий фаолиятини бошлади ва унга оммавий халқ ҳаракати тусини берди. Роҳиблар фаранги лашкарининг черков мол-мулкига тажовуз қилаётганини кўришлари биланоқ, барча черковларда авлиёларнинг ҳайкаллари ва суратлари, Биби Марйам ва Масих тасвирларига, гўёки улар йиғлаётгандай, кўз ёшлари чизиб чиқилди. Римда гўёки матога ўралган Масих тун қоронғисида кўзларини кенг очганича, фаранги ҳарбийларнинг ваҳшийликларини кузатиб ётганмиш, деган овозлар тарқатилди. Шаҳар кўчаларида атайин жулдур жандаларга ўраниб олган ялангоёқ оломон намоишларга чиқа бошлади. Қайсидир бир ҳайкал икки марта кўзини катта-катта очиб, юзини қаҳр билан буриштиргани ҳақидаги овоза оломон орасида худди учқун мисоли, ёинки яшин каби тез тарқалди. Поларол майдонида делйе Сапонаро она суратининг кўксидан «сут оқа бошлаганмиш». Бу сутни икки юзта мойчирокқа қуйишгач, улар чакмоқтошсиз, ўз-ўзидан ўт олганмиш. Ридо, жубба, ёпинчиқлардаги роҳиблар арзон

нархларда оддий одамлар олиб келган тасбеҳларни арзон тўлов эвазига мана шу мой аралаш оқиш суюқликка бо-тириб, «муқаддаслаштириб» беришмоқда эди.

Аммо Франция миллий гвардиясига кириш иштиёқидаги ёшлар ҳам топилиб қолди ва федерация байрамини нишонлаш кунда қадимий бичимдаги либосларни кийиб олган ҳамда бошларига гулчамбарлар таққан жуда кўпчилик одамлар республика намойишидан ўтиб бориб, кейин эса роҳиб Пётр майдонида уюштириладиган, римлик аҳоли билан фаранги гвардиячилар биродарлашадиган катта тантанали зиёфатда қатнашиш учун келгандилар. «Байрам минглаб иблисларни ўзига жалб этди, улар охир-оқибат нопок Римни федерация байрамида иштирок этгани учун жазога мустаҳиқ этиши муқаррар»лиги тўғрисида овозалар тарқалди.

Ана шунда римнинг диний ҳокимияти янги юзйиллик Рим олий черковига беадад кулфатлар келтиришини англаб етгач, аҳвол буткул ўзгарди.

Бонапарт Рим папаси билан ярашиш зарурлигини ҳис этди. Лекин бу вақтга келиб Пий VI вафот этди. Рим эгалланган, аммо бирор-бир битим тузиш мумкин бўлган кимса йўқ эди. Махфий равишда, жулдур кийимларда шарқий йўллар бўйлаб Рим ҳаворий диний ҳокимияти кардиналлари Венеция яқинидаги Санто-Жоржода, австрия миршабларининг шундоққина тумшуғи остида тўпландилар ва янги юзйилликнинг учинчи оғи, ўн учинчи кунда махфий олий кенгаш чақириб, янги Папани сайлаш жараёнини бошладилар. Шу аснода Пий VII майдонга чиқди ва дастлаб Франциянинг ашаддий душмани сифатида фаолият юрита бошлади.

Аммо Пий VII Рим черковининг қудратини сақлаб қолиш учун ҳар нарсага тайёр эди. Франциянинг йўқотилиши Рим черковининг даромадларини сезиларли даражада камайтириб юборди. У диний амлоқларнинг давлат тасарруфига ўтувини тан олди ва бу келишув унга тўрт юз миллион франкка тушди. Папа Франция руҳониятининг янгидан ташкиллаштирилишига розилик берди, бунда ҳукумат мансабга тайинлаш ва маош тўлаш ҳуқуқига эга бўларди; лекин папа ўзи учун битта истиснони ундириб олди — фатвони тасдиқлаш ҳуқуқи аввалгидай Рим папаси ихтиёрида қоладиган бўлди.

Режа тўғри танланганди: папанинг католик хизматчилари таркиби катта қўламдаги масалаларни хал қила бошлади. Рим черкови шу жихатдан ҳам музаффариятни нишонласа бўлардики — у Францияда давлат черкови сифатида эътироф этилди. 1802 йилда, ҳеч қандай тантаналарсиз, Рим кардиналаридан бири Парижга йўл олди: унинг қўлида папа Пий VII томонидан имзоланган аҳднома бор эди. Бу — Франциянинг республика генерали билан Римнинг олий рухонийси ўртасидаги келишув бўлиб, унга қўра Франция аҳолисининг каттагина қисмининг тарбияси яна католик черковининг илкига топширилди, католик черкови эса Франция ҳарбий қўмондонлигининг бошига тавқи лаънатлар ёғдириб турган ғанимдан энди содик дўстга ва ғоявий иттифоқдошга айланди-қолди.

Бинобарин, ўз юришларини бутун Италияда динни бекор қилиш, тенглик ва биродарлик ўрнатиш ваъдалари билан бошлаган, бу борада шиорлар эълон қилган Наполеон Францияни католик черкови қўлига топшириш билан ўз амалий ҳаракатларини якунлади. Шундан сўнг икковлон ноихтиёрый дўстлар — Пий VII ва Бонапарт ўзларини бир қадар ноқулайроқ ҳис эта бошладилар.

Noftre-Dame de Paris<sup>1</sup>нинг ғамли жарангини тинглар эканлар, Бонапартнинг сафдошлари сўрадилар: модомики, қари така барибир яна полизни пайҳон қилишга қўйиб юборилар экан, шунча рухонийларни Парижнинг чироқустунларига осиб қўйишнинг ҳожати бормиди? Католик черкови ўзининг бошига ҳукмдорлик тожини кийдирадиган кунни сабрсизлик билан кутиб ётган собиқ инқилобий генерал масхараомуз бир оҳангда жавоб қилди: католик рухонийларнинг Парижга ҳамда Франция кишлоқлари ҳамда қўрғонларига киритилиши билан католик черковининг удумлари Бонапарт учун ва унинг генераллари учун мажбурий бўлиб қолмайди.

Парижни ёки Авиньонни католик оламининг бошкенти сифатида танлаш таклифи Бонапартнинг кейинги қадами бўлди.

Лекин бунга папа Пий VII нинг жавоби шундоқ бўлдики, Палермо шаҳрида унинг папаликдан воз кечиши ҳақида васиқа тайёрлаб қўйилган ва агар папа Пий VII

---

<sup>1</sup> Париждаги Аё Мария жомеъси (франц.).



Римга борар чоғида йўлда францияликлар томонидан банди этилгудек бўлса, у холда ўша васиқа Франция билан имзоланган барча битимларни бекор қилади. Ўша оқшомдаёқ Рим папаси инглиз эскадрасининг адмиралини қабул қилди ва у папанинг қочишини тақозо этгувчи ҳар қандай шароитда унга зарур кўмак беришга ваъда қилди.

Католик черкови кечаги душманлар қўлида безабон қурулга айланди. Инглизлар Бонапартдан нафратланганлари боис, унинг Апеннин яримороли ҳудудидаги ҳаракатларини қандай воситалар билан бўлмасин фалажлашга интилиб, Рим папаси билан Франция ўртасидаги душманликдан фойдаланиб қолишга интилардилар. Католик черкови Италияда яна ўзини етакчи ҳокимият сифатида ҳис эта бошлади.

Паганинига мезбонлик қилаётган Ливрон франциялик эди ва Паганинининг францияликларга бўлган эҳтироми меҳмон билан мезбонни руҳан яқинлаштириб турарди. Аммо Паганини кутилмаганда эҳтиётсизлик қилиб қўйди. У дўсти билан маслаҳатлашмасдан, Ливорнодаги инглиз консулининг таклифини қабул қилди ва оқшомни унинг хузурида ўтказди. У инглиз консулининг уйида Ливрон совға қилган скрипкани чалди, боз устига, Англиянинг консули ва инглиз эскадраси қўмондонлигининг таклифидан фойдаланиб, Ливорнода катта концерт беришга розилик билдирди ҳамда тадбир учун кенг миқёсда дастур ҳам ёзди. Бундан кейин Ливрон билан оралари бузилиши шубҳасиз эди. Ливрон Паганинининг меҳмонлик иззати битганлигини билдирди. Скрипкачи ўша куниёқ «Қора арғумоқ» қўноқхонасига қўчиб ўтди.

Концерт куни ҳам етиб келди. Сон-саноксиз аҳли омма Ливорно театрининг томошахонаси ва дахлизларини тўлдирди. Инглиз денгизчиларининг фахрий соқчилари эшик олдида оломоннинг босимини тўхтатиб турарди.

Томошанинг бошланишини сабрсизлик билан кутаётган катта миқдордаги омма тўпланиб бўлганига қарамасдан Паганини ҳали етиб келмаганди.

Концерт бошланишига озгина вақт қолганда, Паганини хонасининг эшиги орқасига чиқариб қўйилган пойабзали ғойиб бўлганини пайқаб қолди. Қўнғироқ чалганига ҳам, бақириб-чақирганига ҳам ҳеч ким овоз бермади. Маст-аласт хизматкор ва эшик оғалар қўноқхонага

кираверишдаги харракда қотиб ухлаб ётишарди. Паганини хона шиппақларида қўчани кесиб ўтиб, пойабзал дўкони томон бораётганида ўзини кузатаётганларини тасодифан сезиб қолди. Икки киши ундан қўзини узмай тикиларди.

Қўча бўйлаб югуриб юрган болалар унинг исмини айтиб қичқира бошлашди. Паганинининг атрофини бир зумда улкан оломон қуршаб олди. Уни таниб, хайратланиб томоша қилишарди. Унинг юмшоқ шиппагига, почта тасмасига, пайпоғига қизиқиб қарашади. Ҳуштак чалиб, унга тош улоқтира бошлашди. Бахтидан бўлиб, бу пайтда у пойабзал дўконига етиб қолганди.

Дўкон хизматчиси унга кийиб кўриши учун пойабзал таклиф этди. У оёғини қаттиқ сиқди. Концертнинг бошланишига ўн дақиқа вақт қолганди. Паганини бошқа жуфт пойабзални беришни сўради. Дўкондор буни рад этиб, бош силкиди. Жаноб Паганинига фақат шу оёқ кийими сотилади. Дўкондор бу исми ё масхараомуз, ёинки қўпол бир таҳқир оҳангида талаффуз қилди.

Паганини пулни пештахтага ташлаб, қўлида пойабзални ушлаганича дўкондан чиқди. Яна азобли таъқиблир бошланди. Дўкон эшиги ёнида оломон тўпланиб турганди. Қўзига безрайиб боқувчи бекорчилар, ундан ўзиб ўтиб, қўлидаги оёқ кийимни тортқилаётган болалар — бу сурбетлик қўноқхонага қадар давом этди.

Томошахонада омма ўзининг сабрсизлигини намоён қилмоқда. Паганини ҳеч қачон бу қадар кеч қолмаганди. Паганини кира аравани қўйиб юбориб, зинапоясидан сакраб тушди-ю, бино зинасидан тепага югурди. Мана, Паганини юқори майдончага оёқ қўйди-ю, чап этигида ўткир мих борлигини сизди. Наҳотки дўкондор ўшшайиб турганида бу этик агайин олдиндан тайёрланганини назарда тутган бўлса?

Паганини пайпоғи қондан ҳўлланаётганини сезиб турган холда нурафшон ёритилган эстрадага чиқди. Саҳна олдига яқинлашганида Паганини қаттиқ оғриқдан титраб кетди: шиша синиқлари ва михлар оёғига санчиблик қолганди.

У концертни бошлади.

Дастлаб «Карманиола» мавзусига ўхшатмалар ижро этилди.

Шундан кейин у оркестр билан биргаликда чалиши керак эди. Актёрлар хонасида ўтираркан, у томоша-хонадаги шовқинларга қулоқ тутди. Нима учундир оркестрчилар йўқ эди. Мана, унинг қаршисидан дўмбира кўтарган баланд бўйли одам ўтиб кетди, унинг ортидан фагот кўтарган рангпар бир йигит кириб келди. Улар саросимада атрофга қараб, Паганинига кўзлари тушди ва унинг ёнига келдилар:

— Маэстро инсуперато, нахотки бутун бошли оркестрдан фақат бизлар келган бўлсак?

Паганинининг миясига қон уриб кетди: ҳақиқатан ҳам даҳлиз, актёрлар хонаси, одатда оркестрчилар тўп-ланадиган жой ҳам кимсасиз эди. Ҳа, минг таассуфки, фақат фагот ва дўмбирагина ўз жойини эгаллаган. Омма эса ҳаяжон билан концертнинг давомини кутмоқда. Парда ортидан аллақандай аёлнинг масхараомуз ўшшайган тулки башараси пайдо бўлди ва дарров ғойиб бўлди, йўлакда ёқимсиз хингирлаш эшитилди. Паганини баланд овозда бақирди:

— Импрессарио!

Бунинг жавоби сукут бўлди. Иккинчи марта бир қадар хурматлаб чақирди:

— Жаноб импрессарио!

Ҳеч қандай жавоб йўқ.

Паганини йўлак бўйлаб, хонадан-хонага югура бошлади. У қандайдир одамларнинг оёқ учида қочиб қолаётганларини эшитар, кимлардир у пайдо бўлиши билан яшириниб олар, ҳамма ерда уни жимжитлик ва бўшлиқ кутиб оларди.

Паганини кафтини пешонасига қўйди. Йўқ, бу туш ҳам, иситмадан алаҳсираш ҳам эмас.

Парда ортида жаноб инглиз консули ўз рафиқаси билан ва адмирал Кейс қўринди. Саломлашишди. Қисқа тарзда фикр алмашиниб олишди. Консул хонадан чиқиб кетди. Унинг хотини елпиғичини кафтига урганича, ҳаяжонланган бир ҳолатда Паганинига, ҳаттоки оркестрнинг йўқлигига ҳам қарамасдан концертни ўтказишни, фақат дастурга керакли ўзгартиш киритиш лозимлигини уқтиришга ҳаракат қиларди. У тезда қўлига қалам олиб, Паганинидан оркестрсиз ижро этиши мумкин бўлган пйесаларининг

номини айтишини сўради. У кўрсаткич бармоғини баланд кўтарганича хитоб қилди:

— Гап нимада эканини жуда яхши тушуниб турибман, бу кимнинг иши эканини ҳам жуда яхши билиб турибман. Булар — маҳаллий аматерлар.

Бу сўзни хоним енгилгина нафрат ифодаси билан, Паганинига ҳады этган табассумини ўчирмаган ҳолда талаффуз этди.

Дафъатан, пардани суриб бир одам кириб келди. Хотиржам, оғир қадамлар билан яқинлашар экан, у зимдан ўшшайиб, скрипкачига бош силкиб қўйди ва унга иккала қўлини узатди. Бу фатво хизмати ходими Нови эди. У Паганинини бағрига босди ва оғзидан меҳрли ва мулоғим сўзлар шаршарадай қуйила бошлади.

— Ҳа, бугун омадинг юришмади, аммо Тангрининг марҳамати кенг. Сен ўз оилангни ташлаб кетишга қандай журъат этдинг?! Отанг оғир бетоблигини биласанми? Нодон ўғилларни Парвардигор муқаррар жазолашидан хабаринг борми? Оилангнинг қашшоқликда яшаётганини биласан-а? Биласан! Тўғри, сен машҳур скрипкачисан, лекин менинг акам айтишича...

— Ана, бўлди, дастур ҳам тайёр, — деди англиялик аёл. — Мен охиригача ёнингизда бўлман, сизга ёрдам берман.

— И-йе, нима бало, оркестр келмадими? — гапида давом этди Нови. — Ҳа, сен кўпларни, жуда кўпчиликни ранжитдинг. Бу яхши эмас! Уларнинг Ливорнода ўз мусикий давралари бор. Яхшигина скрипкачилар бор. Лекин сен уларнинг бирортасини ҳам таклиф этмадинг. Энди пушаймон бўласан. Одам ўз яқинларига нисбатан бемехр бўлиши ножоиз. Ийсо Масих ила черков...

— Шошма! — унинг сўзини бўлди Паганини. — Ҳали бу қасдан қилинган аблаҳликмиди? Концертни бузиш учун оркестрни йўлдан урдиларингми?!

У Новининг жавобини ҳам кутмасдан инглиз аёлга бош силтади, оёқ кафти ва товонидаги азобли оғриқларга ҳам қарамасдан, саҳнага югуриб чиқди.

Томошахона бир лаҳзада сукутга чўмди. Сал ўтмай чапаклар қарс-қарси портлади. Бу оркестрчиларнинг намойишкорона хоинлигига нисбатан омманинг нафратли ва қаҳрли жавоби эди. Паганини ўзининг ғалаба

қозонганини ҳис этди. Лекин Тартини сонатасининг биринчи садоларидаёқ тор узилиб кетди: машшоқ импресариони излаб кетган пайтда кимдир торларни эговлаб қўйибди. Шунда Паганини Тартини мавзуларининг эркин таклидий ижросига ўтди. У ниҳоятда оғир синовга қўл урганди. Иккинчи симтор ҳам узилди! Паганини қош қокмасдан, суръатни ҳам пасайтирмасдан, яқиндагина ўзи ёзган, ижроси ниҳоятда машаққатли асарни охиригача чалди.

Тун ярмида Англия консулининг кўшк аробаси «Қора арғумок» қўнолғаси олдига келиб тўхтади. Эртаси тонгда эса инглиз консулхонасининг дастёри Гаррис ташриф буюрди. Хўжайин уни жаноб Паганинининг тўлиқ ихтиёрига топширибди. Гаррис скрипкачи афандининг нафақат Ливорнода, балки бутун Италия бўйлаб концертлар уюштиришида ҳар томонлама кўмак беришга буюрилганди. Бу паст бўйли, чўққисоқол одам эди, жуда башанг кийинган, буришган юзига беармон упа суриб олган, сочи фаройиб бир тарзда ола-була: оқ ва қора қаторлар худди зебранинг йўл-йўлига ўхшаб қатъий тартиб билан алмашинарди. Гарриснинг ҳамсуҳбати айтаётган сўзларга эмас, балки ўз хаёлидан ўтган гапларга қулимсираб қўйиши Паганинига ёқди. У Англия консулига ўз миннатдорлигини билдириб қўйишларини сўради ва Гарриснинг хизматини қабул қилди.

Жаноб Паганини консул хонадонига тушлик қилиш учун таклиф этилди.

Ўша куниёқ Паганинининг ҳузурига ливорнолик саккиз нафар скрипкачилар ташриф буюришди. Улар узукюлуқ изоҳлар билан тушунтиришларича, бир талай хатлар уларни чалғитиб, йўлдан адаштирганмиш, ўша мактубларда: «Ливорно театрининг оркестри иштирокчилари уларга маслаҳат сўраб мурожаат қилишган»миш. Улар бир-бирларининг сўзини бўлиб, шоша-пиша бидирлашарди. Аммо ўзларининг айбсизликларини тасдиқлайдиган бирор тайинли сабаб кўрсата олишмади. Фақат улардан биттаси тушкун бир аҳволда айтишича, улар қадимий скрипка санъати анъаналарини ҳурмат қилганлари боис, Паганини каби навқирон скрипкачи қуйларни бузиб ижро этиб, шу ерлик мухлисларнинг таъбини айнитиб қўйишидан хавотир бўлганмишлар.

Паганини ҳеч қачон ўзининг мана бу «ливорнолик дўстлари»нинг саркаш ва махфий фанимларча қаршиликларини енгиб ўтишга муваффақ бўлмаслигини хис этди.

Ниҳоят унинг эътиборига оркестрнинг жамоавий талаби ҳавола этилди. Унга кўра, муайян бир миқдорда ҳақ тўланиши шартларида, — Паганини унинг миқдорини кўргач, бундай маблағни тўлай олмаслигига амин бўлди, — Ливорно оркестри кейинги концертларни уюштириб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Унга маълум қилинишича, Ливорно оркестрининг таркиби одатда бир юз йигирма кишидан иборат эмиш-у, лекин кейинги томошада яна қирқ етти кишига орттирилиши шарт эмиш. Талабнома шу жойига келганда Паганини уларнинг сўзларини бўлди-да, розилик беришидан олдин буни ўйлаб кўришини айтди; лекин ўзининг кейинги концертида нечта чолғучи иштирок этиши лозимлигини ўзи яхшироқ билишини писанда қилиб қўйди.

Скрипкачилар мунофиқона ишшайиш ва хушомадгўйларча ялтоқланиш билан таъзим бажо келтирдилар.

Паганини жавоб ташрифини ўзига лозим кўрмади. У ўз ор-номусига қарши боролмасди. Нйекко, Пайер, Гиретти унга доим шахсий манфаатлардан озод санъатнинг юксак нуфузи қаршисигагина бош эгишни уқтиришганди. Ёшлик ғурури бу сабоққа амал қилишга ёрдам берди.

Бунга қарши эса, черков удумларини ҳеч қачон писанд қилмаган кимсалар даб-дурустдан тақводор қавмга айланишди-қўйишди.

Паганини ҳозирча бу кирдикорлардан беҳабар эди. У «Қора тулпор» қўналғасининг қўшни хоналарида икки оёқли каламушлар изғиб қолишганини пайкамас, ҳавонинг ҳасад ва бўхтон нажасидан заҳарланганини ҳам сезмас, ўнлаб кўзлар унинг ҳар бир босган қадамини дарпардалар, тўсикпардалар, дераза ойналари орқасидан бетиним қузатаётганини хаёлига ҳам келтирмаётганди.

Гаррис Паганинининг кўргуликлари ҳақида ўз хўжайинига хабар берди. Афишаларда учта концертнинг кетмакет бўлиб ўтиши ҳақида эълон қилинди.

Аммо биринчи концерт айнан ўша куни Ливорно ҳокими рафикасининг дафн маросими эълон қилингани муносабати билан тўхтатилди.

Эртаси куни эса Паганини Гаррис билан театр ёнига келиб, унинг эшиклари қулфлоглиқ эканини кўрди. Улкан жарномада кейинги куннинг концертлари бекор қилингани ёзиб қўйилганди.

— Бу ишни ким қилди?! — кичқирди Паганини.

Гаррис елка қисиб қўйди.

Ҳеч қаерда бу ишнинг тагига етолмаган Паганини кўноқхонага қайтди. Бир соатлардан кейин Гаррис етиб келди. Ҳайратдан у ўзини йўқотганди. Қўлларини кенг ёйган қўйи у зинапоядан шоша-пиша югуриб чиқди ва жимгина Паганинига хат узатди. Бу хат Паганинининг номидан эди. Хатда у бетоблиги туфайли томоша беролмаслиги ва Ливорнодан жўнаб кетаётгани ёзилганди. Мактуб Ливорно театрининг капелла раҳбари жаноб Балди номига йўлланган ва ниҳоятда нозик иборалар ила битилиб, Никколо Паганини исми шарифи билан имзоланганди.

— Ким билан бу қадар қасдлашиб қолган бўлишингизни ўйлаб, ҳеч ўйимга етолмаяпман, — ниҳоят тилга кирди Гаррис.

— Балки консул жаноблари... — дея энди гап бошлаган Паганини Гарриснинг рад маъносида бош силтаганини кўрди-ю, жим бўлди.

— Консул жаноблари бу ишга бошқа аралашмасликка қарор қилдилар, у зотнинг қўлларида ҳозир Римдаги хунрезлик ҳақидаги иш турибди.

— Тушунтириброқ айтолмайсизми? — сўради Паганини.

— Нима десам экан... — гапни узоқдан бошлади Гаррис, — ўтган йили генерал Массена Римда бўлиб турган пайтида, фарангилар ўзларини худди қароқчилардай тутаётган вақтда папа қаттиқ ҳақоратланди — қўлидаги узугини франциялик адютант ечиб олди, музофотлардан олтин тангада ўн беш миллион хирож йиғиб олинди, боз устига фаранги аскарлар ва зобитлар бутун бошли кўчаларнинг аҳолисини ҳайдаб уйларида чикаришди, хотин-қизларнинг ҳамма нарсаларини тортиб олиб, ўзларини ич кийимда қолдиришди, кишиларни талашди ва ўлдиришди. Папа Пий Олтинчининг ўлими сабаби сизга маълумдир?

Паганини бош эгиб буни тасдиқлади.

— Шунингдек, бизнинг шавкатли адмиралимиз Нелсон Францияликларнинг флотини кунфаякун қилгани сизга маълум, шунингдек, кардинал Фабрисо Руффо ўзининг иймонлилар лашкари билан аҳолини фаранги аскарларнинг шафқатсизликларини унутишга мажбур этганини ҳам билишингизга аминман. Рим инквизицияси — католик тафтиш идораси ҳозир фаолиятини кучайтиргани ҳам сизга маълум. Хуллас, инквизициячилар фаранги деб ўйлаган англиялик фуқаролар кеча Ливорнога келишган. Шу боис консул жанобларининг ишлари бошларидан ошиб ётибди. Биз бир неча кун кутиб туришимизга тўғри келади.

Тез орада Гаррис консулнинг эътиборини Паганинининг ишларига қаратиш имконига эга бўлди. Охири хат билан боғлиқ воқеаларга қадар барча гапларни сўзлаб берди. Гаррис Паганинининг аҳволини муфассал таърифлаб берди. «Хонаси ивирсиб ётибди. Скрипкалари, ҳатто Гварнерининг бебаҳо скрипкаси ҳам Паганини кетганидан сўнг қулфсиз хонада туради. Соати, узуклари, олтин занжири — ҳаммаси ҳеч қадай назоратсиз қолади. Йигитча қандайдир нотинч бир асабийликда яшаяпти, варақлари катта-катта нота қоғозларини тўлдириш билан овора, ўзини ўраб турган вазиятни ҳам сезаётгани йўқ: у чамаси, боши устига босиб келаётган бало-офатларни кўрмаяпти».

Эсквайр Сидней бу сўзларни эшитаркан, бепарво хо-муза тортди, ўрnidан турди-да, миз устидан қўлқопини олиб, хонадан чикиб кетар экан, бирор сўз айтмасдан, жосуслардан бирининг қисқача маълумотномасини узатди.

Англия қиролининг махфиёт маҳкамаси Италия шаҳарларида юз бераётган ҳамма нарса билан қизиқаётганди, алҳол, консуллар ўзларининг Буюк Британия фуқароларини муҳофаза қилишдан иборат бўлган вазифаларини бажаришдан ташқари, бошқа минглаб машаққатли ишларни амалга оширишларига тўғри келмоқда, уларнинг натижаси эса кейин Сен-жем маҳкамасининг катта даврасида муҳокама қилинарди. Узук-юлуқ тафсилотлардан Италиянинг тўлиқ сиёсий харитаси тузилиб, унда «Франция яacobчилиги ва бонапартчиликнинг заҳарли таъсиридан зарарланган ҳудудлар» алоҳида белгилаб қўйиларди.

Гаррис қисқа маълумотномани ўқиб чиқди. Унда, агар Ливорнодаги катта томошахоналардан қайси бирида



скрипкачи Паганини концерт берса, ўша томошахонага яқин ҳафталар ичида шамчироқлар сотилмаслиги ҳақида хабар қилинганди.

Гаррис титраб кетди. Афтидан, Паганини қандайдир қудратли бир ғанимнинг думини босиб қўйган, шекилли.

Кунлар бирин-сирин ўтиб бораверди. «Қора арғумок» қўноқхонасида янги-янги нота дафтарлари ёзиб тўлдирилаверди. Учта янги пйеса дунё юзини кўрди. Булар унинг илк каприччиолари эди. Бу вақтга келиб сотатини, занжирини ва узукларини сотиб юборишига тўғри келди. Қўнолға хўжайини ҳисоб бўйича пулларини бекамму кўст олиб турди. Бир миқдор маблағ Ливорно банки орқали Ливорнога, Тереза Паганини хонимга жўнатилди. Паганини ўзининг кейинги концертлари барча харажатларни қоплаб кетишига ишониб, беташвиш юраверди. Лекин вақт ўтиб борарди-ю, жаноб Гаррис эса бирор-бир муайян натижага эришишга муваффақ бўлолмади. Паганинининг ихтиёрида нари борса ўттиз франкча пул қолди.

### Ўн тўртинчи боб

#### НИҲОЯТИ УЧ ФРАНК АҚЧА

Ўттиз франкли асосий маблағнинг ҳам бир чеккаси ушатилишни бошлаган кун Паганини биринчи бор ўзининг чорасиз аҳволга тушиб қолганини ҳис этди. Агар Ливорнода концерт бермаса, энди бу ердан бирон ёққа жўнаб кетиш учун ҳам пули йўқ эди. Энг яқин шаҳаргача олиб борадиган кира ароба ҳақи ҳам йигирма етти лир туради. У ахир бор чолғулари, нота дафтарлари, бор кўч-кўронини ортмоқлаб, тоғ йўлларида яёв кетолмайди-ку. Ёнидаги пули узоғи билан икки кунга етади. Уёғига эса қўноқхона учун ҳақ тўлолмасдан, ресторан, кир ювувчи билан ҳисоб-китоб қилолмай, қарзга ботишни бошлайди. Гаррисон билан бу ҳақда гаплашиш фикрининг ўзи ҳам у учун фавқулдда ноқулай бўлиб, ҳар қандай илтимос билан консулга мурожаат этиш имконини чиппақка чиқарарди. Боз устига, Гаррининг ўзи ҳам бирдан ғойиб бўлиб қолди. Консулнинг ёки Ливорнинг хузурига бориб, икки юз франк қарз тўғрисида ўзи

гап очишга ботинолмасди. Паганини охирги чентезимо ва солдоларини тўп-тўп қилиб миз устига териб чикқач, тушликка, қаҳвага ва кечки нонуштага қанча сарфлашни чақа-чақасигача аниқ ҳисоблаб қўйди.

Охирида уч франк пул колди.

Паганини ўз шуҳратининг қоқ чўққисида ўзини шу қадар бахтсиз ҳис этдики, ҳатто бемалол тиланчилик қилишга имкони бўлган қашшоқларга ҳавас қила бошлади. У, Ливорно мусикачиларини мағлуб этган инсон, ўз концертида телбавор бир завқ билан унга қарсақ чалган одамлардан, уларнинг киноя ва нафратига йўликмасдан беш франк пул тилана олмасди.

Паганини ўзининг чорасиз аҳволи тўғрисида аччиқ хаёлларга ботиб, асабий кайфиятда бетартиб хонанинг у бурчидан бу бурчига бориб-келиб турган пайтда, худди атайин қилгандай, ҳузурида княз Боргезе томонидан йўлланган одам пайдо бўлди. Кардиналнинг жияни машҳур «Дел Жезу» скрипкасини сотиб олиш истагида экан.

Йигитчанинг юзида аччиқ табассум пайдо бўлди:

— Менинг скрипкафуруш эмаслигимни графингизга етказиб қўйинг.

— О, нималар деяпсиз, жаноб Паганини! — қўлларини баланд кўтариб ўтинган бўлди котиб. Кейин эса маккорона ишшайиб, очиқчасига қатъий ҳужумга ўтди: — Лекин, жаноб Паганини, сизнинг кўп йиллар давомида пул ишлаб топишни ўйлашингизга ҳожат ҳам қолмайдиган даражада фаровон ҳаётингиз таъминланади.

— Демак, сизнингча, — қўполлик билан унинг сўзини бўлди Паганини, — князингиз менга ярим миллион франк тўламоқчи экан-да!

— Ярим миллион? — нафаси ичига тушиб, пичирлаб сўради котиб. — Йўғ-э. Эччеленца сизга икки минг франк бермоқчилар.

Эртаси кун тонгда консул норози қиёфада пешанасини тириштириб, Гаррисга Ливорно газетасини узатди. Унинг биринчи саҳифасида жаноб Паганини ўзининг скрипкасини сотмоқчи экани, аммо эълон бўйича ташриф буюрган харидор унинг хасислигидан ҳайратга тушгани: чамаси, жаноб Паганини ниҳоятда чорасиз аҳволда қолгани тўғрисидаги хабар қора таъзия хошияси ичида чоп этилган эди.

Эртаси куни, Гаррис фурсатни бой бермай, қувнок холда ўзининг кекса эмаслигига қарамасдан, эрта буришиб кетган юзидаги барча ажинларини тириштириб ишшайган қўйи Паганинини Лукка шахригача ўзига ҳамроҳ бўлишга таклиф этди. Паганини қўлларини икки ёнига кенг ёйиб, заҳарханда жавоб қилди:

— Азизим Гаррис, Ливорнода томоғимгача қарзга ботиб кетганман.

— О! Буёғидан ташвишланманг! — деди Гаррис. — Фақат дўстона илтимосимни рад этмасангиз бас, Луккага бирга борамиз. Икки кундан кейин эса ортимизга қайтамыз.

— Йўқ, фақат бу ерга эмас! — бакириб юборди Паганини. — Ливорнода менга нима бор?!

— Фалаба! — Бу сўзни Гаррис шу қадар хотиржам ва ишонч билан айтдики, Паганини беихтиёр унга дўстларча икки қўлини узатди.

Луккада ишлари тезда бароридан кела қолди.

Ҳар уч кун оралатиб Паганинининг концертлари пешма-пеш ўтказилаверди.

Мана шу концертларнинг бирида Нйекко ва унинг ёшгина хотини сахна ортига ўтиб келишди. Паганини бир пайтлар ўзи жаноб Нйекконикида учратган қизни дарров таниди. Айни «муқаддас хоч» байрами бўлиб ўтаётган пайт бўлгани боис, Нйекко ва унинг дўсти Пазини байрам баҳонаси билан оркестр ва Лукка капелласи иштирокида тантана билан Паганинини кутиб олиш маросимини уюштирдилар. Паганини кейинчалик бу ҳақда эслаб: бир вақтнинг ўзида бу — ҳам имтиҳон, ҳам зафар тантанаси бўлди, деганди. Жаноб Нйекко омма қаршисида қисқагина нутқ ирод этиб, Паганини мусиқий бир сирга эга экани ва ўзлари, яъни мусиқачилар бу ижодий сирини маъқуллаганликларини билдирди (ҳақиқатан ҳам Лукка шаҳридаги мусиқачилар Паганини жаноблари ўзбошимчалик билан скрипкага киритган ўзгартиришларга эътироз билдирмадилар: янги виолончел торлари ҳам, узун камон ҳам — барчаси маъқулланди) ва у ўзининг ушбу кашфиётидан ҳақиқий артистнинг мохирона салоҳияти ила фойдаланмоқда.

Луккада тинч-хотиржам ва бахтиёр ҳаёт бошлангандай эди гўё. Нйекко ва унинг рафикаси билан учрашувлар

Паганинига артистнинг ижодий зўриқишлардан бўш пайтларида хаводек зарур бўлган бахтга тўлиқ хордиқ онларини ҳади этмоқда эди.

\* \* \*

Нйекко Паганинига Венециядаги ходисотлар борасида, Пайер билан учрашуви ҳақида, бутун мамлакат бўйлаб юз берган улкан нотинчликлар силсилалари тўғрисида сўзлаб берди. Кун сайин асталик билан уни карбонарийчилик манфаатлари доирасига олиб кира бошлади.

Паганини карбонарийларнинг Шимоллий Италия бирлашмасига аъзо бўлиш ва унинг Лукка бўлинмасида хуфия ишлар бўйича оддий иштирокчи сифатида қатнашиш таклифини бажонидил қабул қилди.

Паганини Нйеккодан, бошқа янгиликлар қаторида Пайер ўзининг «Камилла» операсини ёзиб тугатганини, хотини, яъни қўшиқчи Риккарди билан шимолга жўнаб кетишга тайёргарлик қўраётгани, Ролла эса Миланга кўчиб ўтгани ва бугун-эрта Миланнинг «Ла-Скала» театрига дирижёр этиб тайинланиши ҳақида эшитди.

Гаррис Луккага қайтиб келди. Паганини дўстининг нималар билан машғул эканини билиши даргумон, аммо Гаррис Паганинининг нима ишларга аралашаётганини тушуниб турарди. Нйекко Паганинининг Ливорнодаги турмуши ҳақида Гаррисдан эшитди. Гаррис Паганинининг қўлидан Гварнерининг бебаҳо скрипкасини юлиб олишга уринишлар бўлганини сўзлаб берди. У яна бир бошқа, сирли таклиф ҳақида, унинг ҳали Паганинига етиб бормаётуриб, дўсти томонидан ушлаб қолингани тўғрисида ҳам хабар берди. Паганини Ливорнода бўлиб турган сўнги кунларда жаноб Гаррис шу нарсага ишонч ҳосил қилиш имкониятига эга бўлдики, қатта нуфузга эга қудратли бир кимса жаноб Паганинининг имкон қадар тезроқ Ливорнодан жўнаб кетиши, яхшиси Италиядан ва ҳатто ҳаётдан қўз юмиб, ғойиб бўлиб кетишидан манфаатдор эди.

— Княз Боргезе, — деди Гаррис, — Паганинининг скрипкасини сотиб олиш таклифи билан уни қизиқтирмоқчи бўлди. Унинг кейинги режаси эса Паганинига узоқ муддатли фойдали ижодий сафарни таклиф этиб, Петербургда кетказиб юбориш эди. У ёқда, ўрис подшонинг

саройида эса аллақандай граф Жозеф де Местр унинг ишларини йўлга қўйиб бериши керак бўлган.

Гап қайси Боргезе ҳақида бораётгани Нйеккога яхши маълум эди. Бу мулоимтабиат княз фарангиларнинг ҳам, франция сиёсатининг ҳам ашаддий душмани эди. Нйекко бу кимса ҳақида жуда кўп эшитган. «Масих» жамъияти деб номланмиш ташкилотнинг турли-туман оғувор манбалари бутун Италия бўйлаб сочиб юборилган бўлиб, папа Климент XIV томонидан тарқатиб юборилган бу Масихийлар ташкилотининг энг заҳарли газандаларидан бири — хомсемиз, маймоқ, қувноқ ва юмшоқтабиат одам — княз Боргезе эди. Нйекко бу қарияни ёқимтой, меҳрибон, инсоний гуноҳларни фавқулдда осон кечириб юборувчи; яшил, нафармон, қизил рангли ичкиликларни жон-дилидан беҳад хуш кўргувчи, одамларнинг айбу камчиликларига безътиборроқ бўлишни ваъзу насихат қилиб юрадиган кимса сифатида яхши биларди. Княз Боргезе асосан диния мактаби талабалари олдида маъруза қилиб, хирс ва харомга ружу қўйган киши истаган вақтида тавба-тазарру қилиши мумкинлиги ва парвардигорнинг афву мархамати ундан дариф тутилмаслигини уктиришни ёқтирарди. Аммо хушёрликни касбу одат қилган, нозиктабиат ва батартиб, ҳалол одам черков учун хавфли ҳисобланади, чунки бундай одам ақлга суянувчан, хурфиқр-лиликка ва ва заковатнинг барча хатарли мантиқларига мойил бўлади. Ҳозирги асрнинг барча бахтсизликлари ҳам айнан шундайлар туфайлидир.

Нйекко шуни ҳам билар эдики, ҳеч қачон ҳеч қандай диний ёки маросим либосини киймайдиган княз Боргезе қиёфасида, окқўнгилик ва хуштавозелик ниқоби остида хавфли Масихий, ниҳоятда бешафқат муфаттиш, муқаддас хаворий кенгашининг ҳамма ерга суқулиб кириб борувчи, ҳар ердан ис ололадиган исковучларидан бири яширинган эди. Ташки кўринишидан кишида беозор, хушмуомала бақалок, фосиқларга ҳам илтифот кўрсатиб кетаверадиган бир қария таассуротини қолдирса-да, ботинан — аъзолари роҳиб Доминик номига тақлидан ўзларини доминикчилар деб атағувчи ваҳшатли бир ташкилотнинг вакили бўлиб, улар ўз мазҳабларини латиний икки сўз билан номлаган эдилар — *Domini canes* — «тангри итлари». Ана шу кўппаклар Италия озодлигининг янги авлод ўғлонлари

бўлмиш карбонарийларнинг изларини искаб топишар ва оқибатда улар ўз ҳаётларини Мантуянинг ер ости қудуқларида, Венеция дождлари, яъни ҳокимлари саройининг кўрғошин томлари остида, Венециянинг кўрфазлари ва ариқларининг сатҳидан ҳам анча чуқур жойлашган, чакка ўтиб ётган зах қамоқхоналарида, одам икки букилиб ўтирганида ҳам аранг жойлашадиган чўян қозонлар ичида, Муқаддас фаришта саройида ҳозирда сайёҳларга кўрсатиб туриладиган рутубатли, дахшатли тош ўраларда умрларини яқунлар эдилар. Ана шу княз Боргезе Паганинига фавқулудда қизиқиш билдириб қолибди.

Бир куни Паганини ташвишли бир ҳолатда Нйекконинг ёнига югуриб келди ва маҳаллий полиция комиссари ҳозиргина кўноқхонада бўлгани, жаноб Паганини ўз отасининг талабига кўра Генуя шаҳрига қачон жўнаб кетиши мумкинлиги билан кизиққанини хабар қилди.

— Мен ҳозиргина чолга пул жўнатдим. Оиламга пул юборганимга ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ эди. Ана шу пулни улар мени кидиртириш учун миршабхонага тўлашибди. Энди мен нима қиламан?

Нйекко хаёлга толди.

— Сен Генуяга қайтишни истамайсанми?

— Ўлсам ҳам қайтмайман!

Паганини Нйеккога Лукка полицияси қабул қилиб олган, ўзи учун меҳмонхонада қолдирилган хатни кўрсатди.

Жаноб Антонио Паганини ўғлига дарҳол Генуяга қайтишни ва ота уйида яшашни қатъиян буюради, билъакс у падари бузрукворининг қарғишига қолади ва муқаддас тафтиш идораси ҳукмига топширилади.

— Қочишим керак, — деди Паганини. — Лекин қаерга?

Жаноб Нйекко тажрибали одам сифатида маслаҳат берди:

— Полициядан яширинганда, улар сени изламайдиган жойга яшириниш керак.

Оқшомда жаноб Паганини тоғдаги кичик ибодатгоҳда эди. Ёнидаги ҳужжатлар унинг диния билим юрти талабаси, Турин шаҳрида лотин тили муаллими экани, исми Жузеппе Пазиэлло эканлигини шаҳодатлаб турарди. Йигитча тез орада ўзининг чатоқ иш қилиб қўйганини тушуниб қолди: у лотин тилида битта сўз ҳам билмас, ҳар дақиқада фош бўлиб қолиши тайин эди. Аммо роҳиб

биродарларнинг ўзлари шу қадар жаҳолатда эдиларки, озроқ фахш ва харомнўшликка берилиб қолганлигининг касофатига виждонини гуноҳдан поклаб олмақлиги учун бир муддат ибодатгоҳда яшаб туришга буюрилган бу ювуқсиз толиби динияга тирноқча эътибор берганлари йўқ. Ўлганнинг устига тепган, деганларидек, Паганини тавба-тазарру қоидаларини ҳам эрдан чиқариб улгурганди. Аммо ишнинг ёмони эртаси кун тонг пайти юз берди: боғга чиқиб, зайтун дарахтлари оралаб қўйилган харракка энди келиб ўтирганди, эшик очилиб, қовоқлари қизарган, бурни кўм-кўк одамнинг хурпайган сочли калласига кўзи тушди. Паганини бу одамни биринчи марта кўрган вақтини эслади-ю, тиши тақиллаб, томирларида қони қотди. Бу — Ливорно деворлари ортидаги жарликда унинг скрипкасини фижирлатган дайди эди. Ўша одам ибодатгоҳ эшигини очиб, боғ ичига кирди. Ибодатгоҳнинг қоровули унга қўл силқитди ва икковлари қазноққа кириб кетишди.

Паганини баландлиги ернинг сатҳи билан баробар ягона кичкина деразаси боғга қараган каталакдай ҳужрачасида туни билан мижжа қоқмай чиқди. У бир ёнбошидан бошқасига ўгирила-ўгирила ухлолмай ётди. Тонгга яқин ёш вужуднинг иродаси зўр келиб, кўзи уйқуга кетди. Қаттиқ уйқу тўсатдан Паганинининг қовоқларини ёпди. Баданини муздай тер босган қўйи, зумда уйғониб кетди. Унинг тишлари тақилларди: йўлакда сокин, қатъиятсиз қадам товушлари аниқ эшитилди, мана, эшик ортида кимдир турибди.

Паганинининг нафаси қайтиб, қўйлагининг ёқасини чангаллади, унинг кичкиргиси келарди, лекин айни пайтда қимирлашга ҳам мажоли йўқлигини хис этди. У ана шундай ахволда уйғонди. Бу — туш ичра туш эди. Хужрага қуёшнинг ёрқин нурлари тушиб турибди. Хаёлига биринчи келган фикр — скрипкани қўлга олиб, камон ноласида, оҳангларда шу тушнинг бутун даҳшатини ифодалашдан иборат бўлди, лекин у энди скрипкаси ёнида эмаслигини дафъатан эслаб қолди, бор лаш-лушлари Нйекконинг шундоққина Луккадан чиқаверишдаги кичкина кулбасида қолганди.

Чамаси, вақт ҳали анча эрта эди: дарахтларнинг новдаларидан шабнам ариб улгурмаган, Паганини боғдаги

кудук олдига ювингани борганида кадамлари остида ёркин яшил излар чўзилиб келганди. Боғнинг этагидаги мевали дарахтлар орасида кечаги Паганинини чўчитиб юборган одам кириб келган пастаккина четан эшик кўриниб турибди. Эшик бу сафар ҳам очиқ эди. Паганинини бу ибодатхонадан қочиб қолиш истаги қамраб олди, у қоровулга ёки ундан ҳам ёмонроғи — кечаги кўркинчли одамга йўлиқиб қолиш хавфи остида асталик билан эшикчага яқинлашди. Иккиланиши бир лаҳзага ҳам бормади. Нйекко ўзининг ибодатгоҳ тўсиғи ортидаги одамларини огоҳлантириб қўйгани тайин, Паганинининг ибодатгоҳда бехатар яшаб туриши таъминланган, аммо Нйекко ибодатгоҳнинг эшикбони ҳақида билармикан?

Паганини остонани босиб ташқари чиқиб, атрофни хавотир билан кузатгач, тоғга томон чўзилиб кетган ёлғизоёқ сўкмокни кўриб қувониб кетди. У мана шу сўкмок билан бориб, йўлдан чеккароқ бирор жойда шимол томонга бурилиб кетишга ва Луккага олиб борадиган катта йўлга чиқиб олишга қарор қилди. Тоғдан туриб у оқиштоб тош йўлга кўзи тушди. Юк ортилган эшаклар ошиқмай йўрғалаб боришади. Жўнатмалар идорасининг хос аробаси чанг-тўзон кўтариб, хавони мугузкарнай товушига тўлдирганича муюлиш ортида кўздан йўқолди.

Паганини ҳолдан тойган, оч-наҳор бир алпозда Луккага етиб олди. Унга биров аҳамият ҳам бераётгани йўқ эди, зеро чанг босган кийими, тўзғиган сочлари, қизариб кетган қовоқлари — ҳаммаси уни саёқ бир зоҳидга, ёинки ночор тиланчига ўхшатиб қўйгандики, уни Шимолий Италия бўйлаб санғиб юрган икки юз минг шу тоифа дайдилардан фарқлаб олиш амри маҳол эди; Паганини жаноб Нйекконинг мишраблардан яшириниб юрганларни никоблаш санъатига қойил қолди.

Паганини эшикни тақиллатди. Уни бир кампир очди. У шанғиллаб, қарғаниб Паганинини эшикдан ҳайдай бошлади. Паганини яна ва яна ундан жаноб Нйеккони чакириб беришини сўрайверди ва тиланчиликка келмаганини айтиб, кампирни тинчлантирди. Таниш кадам товушлари эшитилди. Ўз хаёллари билан бўлиб қулимсираб чиққан Нйекко остонада турган гадога хайрон тикилиб қолди. Унинг чехрасига хавотир оралади. У Паганинини қўлидан ушлаб, дахлиз томон етаклади. Улар чамаси



хизматкорлар учун ажратилган каталакдай хужрага кирганларидан кейингина йигитга сўз котди:

— Энди нима гаплигини айт.

Паганини хорғин ҳолда харракка чўкди. Эчки сути қуйиб қўйилган кўзача унинг эътиборини тортди ва Нйекконинг саволга жавоб беришга ҳам сабри чидамай, сутни ютоқиб ича бошлади.

— Ё, худо, бирор кўнгилсизлик бўлдим?

— Хеч нарса. Менинг скрипкам қани?

— Иккисидан бирини танла, — жавоб ўрнига деди Нйекко. — Ё тузукроқ яширинасан ёки Генуяга қайтасан. Дарвоқе... — Нйекко ниманидир эслагандай, ўз пешанасига нукиб қўйди. — Менинг яна бир режам бор. Менинг уйимда қолсан. Фақат тезгина кийимингни алмаштириб олишингга тўғри келади.

### **Ўн бешинчи боб**

## **ЛОЛАЛАР ВА ГИТАРА**

Полиция Паганинининг отаси ёнига қайтишини талаб қилган куни Нйекко ўзининг навқирон дўстига оқшомни Луккадан ташқарида ўтказиш таклифи билан Паганинининг номига йўлланган мактубни топширишга ботина олмаган эди. Қувноқ Франческонинг ақлу фаросати бу ерда қандайдир ғайриоддий муҳаббат қиссаси бошланиш арафасида эканини англаб етганди. Дастхат жаноб Франческога яхши таниш эди. Нйекко хатнинг мазмуни билан танишиб қўйишликни маъқул топди. Паганинининг ибодатгоҳ ҳаётига бир кун ҳам тоқат қилолмаганини кўргач, у айнан ўша хат ҳақида эслаб қолди.

Нйекко хатни келтирган дастёр билан келишилган жойда учрашди ва исталган вақтда ёш дўстини олиб кетиш учун маркаб жўнатишлари мумкинлигини маълум қилди. Эртаси куни оқшом тушиши арафасида бир жуфт беназир тим қора отлар жаноб Нйекконинг кулбаси олдида ҳозир бўлди. Башанг кийиниб олган Паганини хушҳол бир кайфиятда кулганича, қўл силкиб, дўсти билан хайрлашди.

Гўзал отлар, сирланган қоп-қора кўшк ароба. Тоғ ёнбағри бўйлаб тўлғониб кетган чиройли йўл, сўнг ўрмон,

кейин яна тоғ ёнбағирликлари, навбатдаги кўтарилишда эса қулай ерда ажойиб тарзда жойлашган кўхна кошона.

Хушмуомала ва хожатбарор икки хизматкор, қандил, миз устида уч кишилик идиш-товоқ. Паганинининг тасаввурида ўзи учрашишни кутган кекса, сочлари оқарган нуфузли қаср соҳиби ўрнига ўн саккиз ёшлардаги қорақўз бир қиз пайдо бўлиб, ўзи ўтирган жойга яқинлаша бошлаганидаги ҳайратини бир кўрсангиз эди. Лаҳза ўтмай, қизнинг ёнига қирқ беш ёшлардаги, унинг онасига ҳам, бирор қариндошига ҳам ўхшамайдиган аёл келиб қўшилди. Ёш бека Паганинини таниқли италия оилаларининг жуда ёшлигидан ўз эркига ташлаб қўйилган ва жадал етилиш даврида эрта такдим этилган мустақил ҳаётнинг барча лаззатларини тотиб улгурган, ўз ҳаётини ўзи тасарруф этувчи вакилаларини бошқалардан фарқлаб турувчи бир дадиллик билан кутлаб, кутиб олди.

Қора кўзли бу соҳибжамол аёл енгил одимлар билан Паганинига яқинлашди, унга дадил тикилди, кибрсиз, лекин масхараоумуз бир табассум билан унга бўса учун қўлини узатди.

— Ижроингизни уч марта эшитганман, — деди у. — Сизга миннатдорлик билдириш истагида эдим.

Кейин эса, ҳатто шеригини таништиришни ҳам ўзига эп кўрмай, уларни ўтиришга таклиф қилди. Енгилгина тамадди қилишди, қувончбахш, хуштаъм, кўпикланиб турган шароб, мароқли самимий суҳбат — буни кекса италияликлар *desinvoltura*, яъни ҳаддан ошилмайдиган эркин суҳбат деб атайдилар. Лекин Паганини ўзини ноқулай сезар, қўлларини яшириб, хижолатли жилмаяр, қаттиқ ҳаяжонга тушиб қолганди.

Эрта етим қолган ёш бека чамаси эркин ва очиқ-ошкора ҳаёт тарзини одат қилганди. Дастурхон йиғиштириб олингач, узун, кенг оромкурсига ўтирди, қўлига гитара олди. У қўшиқни яхши айтарди. Овози юмшоқ, лекин жуда паст экан. Қиз гитарани ҳам яхши чаларди, бироқ Паганини унинг муסיқий эшитиш қобилияти йўқлиги, таъб масаласида ҳам, муסיқани тушуниш борасида ҳам бирор тушунчага эга эмаслигини ҳис этиб турарди.

Паганини учун бу оқшом энг ҳайратланарли нарса шу бўлдики, ёшгина қиз бека — ёки жувонмикан — машшоқнинг ўзи ҳақида бирор нарсани сўрагани ҳам йўқ.

Ўзи ҳақида, ўзининг каттагина ер-мулки ҳақида бетиним гапираверди, гапираверди. У Паганинига қараган пайтларида кўзлари ўтдай чакнаб кетар, юзида дафъатан пайдо бўлган ёрқин қизиллик эса унинг вужудини қоплаб олган бетийик эҳтиросга эрк беришга сўзсиз ва қатъий қарор қилганидан шаҳодат бериб турарди. Унинг ҳаяжондаги Паганинининг эътиборини шу қадар осонлик билан ўзига тортиб олгани; ҳатто ўйлаб ҳам ўтирмасдан, бетараддуд бир енгиллик билан, худди бу табиий ҳолдай, йигитнинг вақтини ўз измига олгани; Паганинининг фикрича, фақат узоқ муддат яқинлик қилиб юрадиган танишларгагина қилиниши мумкин бўлган муомала-муносабат — буларнинг бари аввалига Никколони чексиз таажжубга солди, аммо бу ҳайрат ноҳушлиқдан йироқ эди — аксинча, унинг ўзи ҳам бажонидил, ёниб-жўшиб уй бекасининг эҳтиросли истақларига пешвоз чиқди. У ўзи учун ғайриодатий бўлган бу эркин муносабатлардан худди асло хижолат чекмаётгандай қиёфада кўринишга ҳаракат қиларди.

Паганини баъзи аслзода ва бадавлат хонадонлардаги камчилик дўстлар даврасида бўладиган концертларга аллақачон кўникиб кетганди. Бу ерда эса вазият ундай эмас, ҳақи тўланадиган таклиф эканлиги ҳам даргумон, машҳур скрипкачининг бирор бойвачча томонидан бир кечага «ёллаб» олинishiга ҳам ўхшамасди. Бу аёлнинг табиати қандай кўнгилхушлиқни тусаётгани ҳам Паганинига ҳозирча аён эмасди. Айни пайтда луккалик бу олийнасаб хоним шунчаки қовушиб кетавериш истагидаги суюёёк аёл таассуротини уйғотаётгани ҳам йўқ.

Ёш соҳибжамолнинг ҳамроҳи секин ва сездирмайгина хонадан ғойиб бўлди. Бекакиз ўрнидан туриб, жавондан қизил саҳтиёнли қутича олди ва унинг ичидан бир мактуб чиқариб ўқиди-да, яна жойига қўйди. Кейин тўсатдан Паганинига мурожаат қилиб, бошлаган суҳбатини ҳам чала қолдириб, хаёлга чўмганича деди:

— Вақт кеч бўлди. Жаноб Нйекко сизнинг Луккада қолишингиз хавфли экани тўғрисида ёзибди. Сиздан мен ҳеч нарса сўраганим йўқ. Синчковликни одат қилмаганман. Ва умуман — сиздан бирор нарса сўрашга ҳам ҳожат йўқ, чунки тақдирингиз аллақачон ҳал қилиб қўйилган.

Қизнинг қошлари чимирилди, юзида ғазаб ифодаси пайдо бўлди. Гўё шу жумлаларни талаффуз этар экан,

аёл ўзининг чорасизлигини енгишга ҳаракат қилаётгандай эди. Паганини унга тикилган кўйи сўзларини тинглар экан, хайрати ошганидан-ошиб борарди. Қизнинг юз ифодаси ҳам, жумлаларни тузиши ҳам — буларнинг ҳаммаси унинг суҳбатдоши оний бир лаҳзага бўлсин, бемуроҳазалик қилмаётгани, унинг энг ташвишли сўзларни ҳам беташвиш бир оҳангда айтгани, Паганинига мурожаат этаётгандаги қатъияти ёш мусиқачи учун сирли туюлар, буларнинг бари хонимнинг қандайдир бир тушунарсиз махфиётга дахлдор эканидан далолат бериб тургандай эди. Унда гўёки қачондир аллақандай бир қисмат ҳал этиб қўйилган-у, бу аёл ўзи ҳам беҳабар ҳолда нотаниш бир сохиби қудратнинг иродасини бажараётгандай тасаввур уйғотмоқда эди. Паганинига ўзининг ҳозирги ҳолати бир жодудай туюлар, гўёки бу ўз хоҳиши билан юз бериб турган алаҳсираш-у, ҳозир поёнига етиб қоладигандай эди, Паганини бу ҳиссиётнинг яқун топиб қолишидан кўрқаётганди.

Ҳар бир табассум, ҳар бир янги жумла билан бу аёлнинг жозибадорлиги ортиб бормоқда эди.

— Мен сизни уйимда уч кун олиб қолмоқчи эдим, аммо, модомики сизнинг Луккага қайтишингиз имконсиз экан... — аёл гапини охирига етказмади. Бироқ унинг жумлани тугалламоқчи экани ёки бирор мақбул сўз топишга уринаётгани юз-кўзидан сезилгани йўқ. Шунчаки у фикрини яқунлаб ўтирмади. Нигоҳини қаерларгадир олисларга қадаган кўйи, машшоққа сўз қотди: — Мен ҳамма нарсадан ҳам кўра ўз боғларимни, лолазорларимни яхши кўраман. Агар мени севганингиз каби, ўзим билан бирга, мен ёқтирган ҳамма нарсани сева олсангиз, оқилона иш тутган бўлардингиз.

Кейин эса жарангдор бир кулги билан ўзини сўзлашдан тўхтатиб ва Паганинини ҳам хаёллар оғушидан олиб чиқиб, унга юзланди:

— Скрипкангизни эсга олмай қўйганингиз қандай ҳам соз! Сиз бу ерда ҳузур қиласиз, бу масканда ҳаловат ҳароратини топасиз. Лекин қўлингизда скрипкангизни кўришни истамайман.

Роса бир йил давомида сочлари узун ўсган, офтобда куйган, кўзлари коп-қора, жигарранг камзул, қора пайпоқ ва қора пойабзал кийган, қасрдаги лолаларни парваришловчи боғбон ҳақида граф хонимдан ҳеч ким ҳеч нарса сўрамади. Эрталаблари қаҳва ва шакарқулча билан нонушта қилиб олгач, жаноб Паганини — полизчи ва боғбон — қайчи, арра, боғпичоқ билан қуролланиб олиб, қуруқшаган шох-шаббалар, дарахтларнинг бўқоқлари, мевали дарахтларнинг касалликларига қарши, лолаларнинг баргларига ёпирилган қуртларга қарши курашиш билан банд эди.

Скрипкасини аллақачонлар унутиб юборган, саломатлиги анчайин яхшиланиб қолган баланд бўйли бу одамнинг қиёфасида ўсмирлик чоғидаёқ Шимолий Италия шаҳарларининг талабчан оммасини ҳам эс-ҳушидан айира олган машҳур скрипкачини ҳозир ҳеч ким таний олмаган бўларди. Паганини ҳар тун ўз хушторининг кучоғида уйқуга кетади, гитара чалади, маҳбубаси шарафига кичик-кичик мусиқий пйесалар басталайди. У ўзининг ўтмишини унутишга, унга дахлдор бўлмасликка интилади. Ҳаётнинг илк руҳий ва жисмоний зарбалари сабабми ёки мажруҳ этилган болалиги боисиданми, ҳар ҳолда унинг қалбини фалажлаган қарахтлик тобора кучайиб бормоқда эди. Паганинининг саломатлиги тиклангани сайин, ҳаракатлари сустлашиб ва вазминлашиб бормоққа, кунлари бир хилда зерикарли ўтмоққа бошлади.

У йилда тўрт марта гулларни чилпийди, йилига икки марта — кузда ва баҳорда эртапишар меваларнинг ҳосилини йиғади.

Бу давтда бутун Ломбардия бўйлаб Паганинини излаш давом этарди. Лукка фарангилар томонидан ишғол этилганидан кейин, «Паганини Америкага кетганмиш», деган овозалар тарқалди, у контрабанда билан шуғуллана бошлагани, Калабрияда босқинчилар тўдасига бошчилик қилаётгани ҳақида миш-мишлар кўпайди. Ва бир куни кичик бир италия газетасида шу борадаги хабар чоп этилди, газетада эълон қилинишича, машшоқнинг ғам-андухга ботган отаси ўша овозаларнинг ҳақиқат эканини расман тасдиқлабди. Генуялик саргарошлар, ишбошилар,

мухосиблар, санокчилар, дастёрлар, рўйхатчилар, атторлар, майда қиморхона ва исловотхоналарнинг эгалари, мижозлари икки-уч соатга суюгоёқ қизларни олиб келадиган қўноқхоналарнинг хўжайинлари ковоқхоналарга, қахвахоналарга тўпланиб олишиб, тўс-тўполон ва хушчақчақлик билан, бир-бирларининг сўзларини бўлиб, қошиқларни тақсимчаларга тақиллатиб урган кўйи сўнгги янгиликни муҳокама этадилар.

Хабарга кўра, Феррарадаги жўнатмалар маркаб бекатида жаноб Никколо Паганини ўз маъшуқасини ўлдирганликда айбланиб ҳибсга олинган, ҳибсга олиш пайтида миршабларга қаттиқ қаршилик кўрсатган, миршаблардан бирининг дубулғасига скрипкаси билан уриб, чолғуни синдириб қўйган. Анча қийинчилик билан эсон омон қамоқхонага етказилган ва ҳозирда ўша ерда сақланмоқда. Раҳмдил қамоқхоначи унга скрипка келтириб берганмиш. Паганини энди кун бўйи скрипка чалиб ўтирган эмиш. Паганини скрипкасига ҳўкиз пайларини симтор ўрнига тортиб олганидан фойдаланиб, уларни бошқа мақсадда қўлламоқчи бўлган: бир куни улардан сиртмоқ ясаб, ўзини осишга қасд қилган, зеро, парвардигор ато этган иймон-эътиқод унинг руҳини тарк этиб, ўз ўрнини иблисона қаҳр-ғазабга бўшатиб берган. Ўша ҳодисадан сўнг оққўнгил қамоқхоначи унга эди тўрттадан тор бермайдиган бўлибди. Паганини энди созини битта дисконт торидида чалмоқда ва кишиларнинг айтишларича, тўртта торда чаладиган унча-мунча скрипкачилардан кўра яхшироқ чалаётганмиш.

Газетани бир франциялик зобит келтириб қолди. У кўрғонга кираверишда ўзини кутиб олган боғбонга газетани қолдирганди. Қизбека жаноб фаранги зобитларнинг кунни қасрда ўтказишларига ижозат берди. Паганини гул кесиб келди, ёш жувон қўноқларни меҳмоннавоз бека сифатида кутиб олди. У фаранги генералнинг қочиримли ҳазил-мутуйибаларига хушчақчақ кулар, ёш зобитлар эса ҳар бир табассуми бекиёс бахтларга тўлиқ бу аёлнинг чехрасига ҳайрат билан боқардилар.

Айни ўша куни Паганини Торквато Тассонинг «Озод этилган Қуддус» китобини мутолаа этаётганди, ниҳоятда жиддий гапларни, у авваллари ҳеч кимдан эшитмаган сўзларни айтаётган мана шу «эркинлик солибчилари»,

франция гвардияси вакиллари кўрғач, ўзини худди истило этилган Қуддусни озод этиш сари кета туриб, жодугар Армиданинг айвонида уйқуга кетган салибчи каби хис эта бошлади. Шуниси ажабланарлики, шу кеч у фаранги зобитлар билан қадах уриштириб, хуштори билан кўз кисишиб ўтирар экан, ўзининг санъатга хиёнат қилганидан заррача афсусга тушмаётганини хис этди. Бу туйғу тушда бўлади — сен бошингдан ўтаётганларнинг тушингда, каттиқ уйқуда кечаётганини зўриқиш билан, лекин ёқимли бир ҳиссиёт эпкинида сезиб турасан. Шуни англаганингнинг ўзи уйқудан уйғонаётганингдан дарак беради.

Паганини қочкинда юрганидан бери илк марта ўз Армидаси билан фарангилар шарафига байрамога безатилган Луккага қадам қўйди. Дастурхон атрофидаги сершовкин, қувноқ суҳбатлар, католик дини устидан қулишлар, кекса, толиққан франция генерали билан фалсафий мулоқот Паганинига қандайдир ўзгача, италияча бўлмаган дунё ҳам борлигини, на черковнинг, на австрия миршабларининг исканжасига тушган ҳур фикрлар, қувноқ феъл-хўйлар олами мавжудлигини кўрсатди. Зобитлар ўртасидаги самимий муносабатлар, уларнинг Италия шаҳарларида катта лавозимларни эгаллаб олган қаримсиқ риекорларнинг кўрслигига ўхшамаган хушчақчақлиги Паганинини хайратга солди. Ақидапарастларнинг тўқима тарихлари борасидаги аччиқ киноялар, Рим папасини мазахлашлар, италиялик аёлларнинг баджаҳллиги, полизларни «муқаддас сув» билан суғориш, «муқаддас қудуқлар»да сув ичишларни уюштириш каби лўттибозликлар ҳақидаги ҳикоялар — ҳамма-ҳаммаси Паганинини завқлантирарди. Инкилобий Париж ҳақидаги ҳикоялар эса унинг ҳисларини янада кўпроқ жунбушга келтирди.

Эртаси куни Паганини Голбахнинг даҳриёна мунозаравий рисолаларининг кичик бир жилдини совға тариқасида қабул қилиб олди. Францияликлар жўнаб кетганларидан сўнг унинг бир неча сатрини хушторига ўқиб берди. Тун пайти умумий тўшакларидаги даҳрийлик ҳақидаги суҳбатлар хонимни ранжитиб қўйди.

— Дунёда гуноҳ ва жазо албатта мавжуд бўлиши лозим, — деди у қошларини салгина уйиб. — Дин зарур нарса, — бу сафар юмшоқроқ оҳангда ошиғининг

кулоғига шивирлади. Кейин эса кўзлари ёниб, юзларини йигитнинг елкаларига яшираркан, қўшиб қўйди: — Зеро, сиз билан машғул бўлаётган нарсамиз гуноҳ бўлмаганида эди, ҳаётимнинг мазмуни ҳам аллақачонлар сўниб бўлган бўларди.

Паганини бу сўзларни ҳазил билиб, кулиб юборди. Аммо шу заҳотиёқ ўйнашининг сўзларида ҳазилдан асар ҳам йўқлигини англади. Ёш жувон уни ҳирсларининг бетизгин эканлиги учун севиши ва тунги ишратларининг иштирокчиси агар озгина хушрўй бўлганида, у билан бўладиган ишқий ўйинлардан заррача ҳам лаззат ололмаган бўлишини очиқ тан олди.

— Сиз бадбурушсиз, жаноб Никколо, — деди у, — худди шу нарса, гўёки жазирама ёз оқшомидаги бир бардоққина музқаймоқ, ёинки декабрь ойида тоғдаги шикордан қайтгач нўш этиладиган қайноқ шароб каби мени сизга талпинтиради.

Лукка қасрида Паганини кашфиёт ортидан кашфиёт очмоққа бошлади. Черков муסיқаси унинг учун жозибалироқ бўлиб борди. Жаҳаннам, беҳишт ва аросат тимсоллари унинг фикр ва туйғуларини эгаллаб олди; бошини ён томонга эгиб, скрипка чалаётган Фриделло, кўзини ним юмганича скрипкада куй ижро этаётган бу фаришта киёфаси, — у Кремонадаги ўн учинчи асрга тааллуқли девор суратда шундай ифодаланган эди, — Паганинини тушларида бетиним таъқиб этгучи тасвирга айланди. Бу тушга эса мунтазам равишда сурбетгина бир фикр илашиб олар, у қатъий босим билан Паганинини жодувор шайтоний товушларни ҳамда итоатга ундовчи, мурасасиз, вайронкор черков куйларини бирига сингдириб, қалбни бирваракайига икки турдаги истакларга тўлдириш истагини амалга ошириш орзуси сари йўналтирарди: булар нафсни имконсиз ва ижозат этилмайдиган нарсаларга қондириб, бахт туйғусини ҳис этишни ҳамда черков ҳокимиятини маҳв этган озод инсоннинг заҳарҳанда жилмайишини ифодаловчи куйлар бўлиши керак эди.

Кореллининг маҳзун ва маъюс скрипкаси, Тартинининг иблисона пассажлари — буларнинг ҳаммаси Паганинининг қалбида кечган курашлардан сўнг ғалати бир муросаи мадора ила сулҳга келишди. Бу — санъатнинг қандайдир



юксак чўккиларидаги келишув эди. Бу — скрипкачининг бутун рухий борлигини тўлдирган бир қоришиқлик эди: гўёки ўзаро ёвлашиб турган икки лашкар қон дарёлари, хайкириқлар, ўзаро қирғинбаротлар, тўпларнинг қулокни қоматга келтирувчи гумбурлашлари, ўқларнинг чийиллашлари билан ҳамоҳанг кечгувчи сўнгги жангга ташланиш мақсадида айнаи бир қўрғонни, айнаи бир водийни эгаллаб олгани каби. Паганинининг қалбида Лукка қасрида уни кутиб олган илк бахтиёр муҳаббат ҳафтасидаги оқшом шафагининг нурларига энди тобора ва тобора жой қолмаётган эди.

Тартинининг таржимаи ҳоли Никколонинг эътиборини ўзига жалб эта бошлади. Скрипкачи, қиличбоз, роҳиб, ҳуқуқшунос Тартини ҳақида; у ўзи тўғрисида айтганидай — нафсга бўйсунмаган Йусуф, Пентефрийнинг йўлдан ургувчи рафиқасига тақлидан мусика басталаган бу одам ҳақида жуда кўп афсоналар юрарди. Паганини илгари ҳам бу скрипкачига тегишли скрипкаларни катта қизиқиш билан томоша қиларди. Тартини чалган чолғуларга Пет-рарканинг шеърлари ва адабсиз халқ иборалари ёзиб ташланганди. Бу ёзувлардаги чапанича сўқинишлар Дан-теча «Янги ҳаёт»даги «илохий сатр»лар билан қоришиб кетган.

Тартини кардинал Корнаронинг жиянини ўғирлаб кетади. Римнинг жиноят полицияси йўлда уларга етиб олади. Тартини хотинини асраб қолиш учун уни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бахтиқаро эр ўлим хавфи остида унинг уйига учрашувга бориб туради. Улар йилда бир ёки икки марта яширинча қўришиб турадилар. У Асси-зидаги ибодатгоҳда, бегона исм билан яшар, содда ва оққўнгил роҳибнинг раҳнамолиги остида вақтини скрипка чалиш билан ўтказарди. Жасур қиличбоз, омадли хуштор ва эр бўлмиш Тартини XVIII юз йиллик Италиясининг биринчи рақамли скрипкачисига айланганида эндигина йигирма тўрт ёшга кирган эди. У ўзи туғилиб ўсган шаҳарга бегона исм билан кириб келади ва шон-шухратга эришади. Шаън-шавкати туфайли хотинини қайтаришга муваффақ бўлади. Ўз номини ошкор этиб, афвга ноил бўлади. Шундан сўнг кўп йиллик шарафли скрипкачилик ҳаёти бошланади, қашшоқ хонадонлардан кўплаб мухлис-лар ва шогирдлар орттиради. Италиялик қорахалқ ора-

сида кечган дарбадар ҳаёт Тартиниға ғалати таъсир этди: у ливорнолик жулдурлар орасида буюк скрипкасозлик ҳунарининг тарғиботчисига айланди. У ҳафталаб вақтини бандаргоҳ мардикорларининг маҳаллаларида ўткази бошлади. Кемасозлик корхоналаридаги ишчиларға скрипка чалиб берар, қамоқхоналарға бажонидил ташриф буюриб, у ерларда ҳам концертлар ўтказар, сеvimли шогирди Нардинини эргаштирганича, бормаган жойи қолмасди. У жудайла кекса ёшида Нардинининг қўлида жон беради.

Мана, Тартини дастхати билан битилган қўлёзма: у янги асрнинг янги скрипкачиси қўлида турибди. Унда Тартини шундай ёзади:

«Тушлар ҳақиқатда мавжуд воқеликни ислоҳ этмоққа мойилдирлар. Қайсидир бир тунда, бу 1713 йилда юз бергани, тушимда мен савдо битимини тузиб, илжайишлари мисрлик нозаниннинг жон олғувчи табассуми янглиғ латофатли бўлган бир қора фариштаға руҳимни сотиб юборганман. Мен унга савол бердим: «Сен роҳиб Франсиск ибодатгоҳига кирмоқликка қай йўсин муваффақ бўлдинг?». Мисрлик эса каминаға шундоқ жавоб қилди: «Тинчлан, биродари азиз, мен ахир ёвуз руҳман! Фароғатбахш шаробни сипқорганинг каби мана бу косадаги ичкиликни мен билан биргаликда нўш эт. Илло, шунда сен борлиқдаги мавжуд нарсаларнинг алдамчи кўринишларидан лаззат ола бошлайсан ва нигоҳинг тушиб турган оламнинг бор ранглари ҳамда бўёқларини товушларға айлантиришни ўрганасан». — «Келишдик, — розилигимни билдирдим мен, — аммо шартим — сен каминанинг хизматкори бўласан». Бизлар келишувимизни қоғозға битганимиз йўқ. Бироқ унинг бўлиб ўтганлигини мен аниқ эслайман.

У менға нарсаларни англаш иктидорини берди ва мени уйқудан уйғота бошлади, мен эсам мана шу қудрат ва ҳалокат эвазига уни тобора кўпроқ ва кўпроқ сева бошладим. Ва бу қисматни энди ўзгартириб бўлмаслигини билардим: мен энди ўзгача яшай олмас ва буни истамасдим ҳам, зеро бу мамотда мен учун аввалги ҳалокатсиз ҳаётдагидан кўра кўпроқ ҳаёт мавжуддир. Мана, тушимнинг энг лаззатли онлари ҳам етиб келди ва мен мисрлик хизматкоримға скрипкани қўлга олишини ва куй чалишини буюрдим. У шу қадар яхши, шундай бир

унутилмас жозиба, шундайин фарахбахш даҳо ила ижро этардики, мен бир умрга заминий олам бахтига, унинг бор гўзалликларига, бор хирсу ҳавасларига боғланиб қолдим, самовий жаннатга интилишни ҳам, руҳимни гуноҳлардан асраш истагини ҳам унутдим. Мен унга шу қадар мафтун бўлиб қолдим, шу қадар завқим ортдики, тасаввуримда сирли манзаралар юз очиб, гўёки офтоб нуридан яраклаган минглаб олмослар каби, хаёлниң нурафшон кирраларида ўтмишнинг барча гўзалликлари ва латофатини, бугуннинг бор нафосатини, келажакнинг ўзига ром этгучи тилсимларини оҳангларда акс эттира бошлади. Руҳим мана шу ҳиссиётдан жунбушга келди ва мен уйқудан уйғониб кетдим. Мен шу заҳотиёқ кўлимга скрипкални ва камонни олдим, ҳужрада ухлаб ётган роҳибни уйғотдим, у мен билан бирга бу куйдан завқлана бошлади, мен уйқумда эшитган оҳангларни у ҳам хотирасига муҳрлаб қолишга ҳаракат қиларди. Мен ҳаётимда ёзган энг яхши нарса — ўша туннинг сонатаси бўлди. Биламан, у — қалбимни ёритган ҳиссиётлар қуёшининг қўнғил оймамасида акс этган равшан нури, холос. Агар ўша оҳанглар лаззатини тотишдан воз кечолсам эди, скрипкални синдириб, майдалаб ташлаган бўлардим. Аммо ўшанда азозил ижросида эшитганим оҳанглар ва қоғозга битиб қолишга ултурганларим орасидаги фарқлар бир ҳиссиёт бўлиб то абад юрагимда сақланиб қолгусидир».

### **Ўн олтинчи боб**

## **АЖДОДЛАР ЮРТИ**

Бу қандай юз берди? Қандай қилиб бу нозик, соч толасидан ҳам ингичка бир лаҳза уйқуни бедорликдан айириб юбора олди? Гварнерининг скрипкаси филофдан олинган заҳотиёқ, камонча торларга салгина тегиши билан, Паганини ва унинг маҳбубаси узлат дамлари поёнига етганини англадилар. Ҳар бир янги кун уйғонишнинг бирор янги аломатини ўзида зоҳир этарди. Ва бу чамаси, ёлғиз Паганинининггина уйғониши эмасди. Танкреднинг хибскори бўлмиш Армиданинг ўзи ҳам Паганини скрипкасининг янги-янги наволари таъсирида ҳушига кела бошлаган эди.

Аёл учун бу машшоқ энди бегоналашиб бормоқда, Паганини энди факатгина қизиқарли скрипкачи, факат бир санъат даҳосига айланиб қолганди. Аёл қони қайнаган, ғайриоддий эхтиросли бадбуруш ўйнашидан айрилиб бормоқда ва ҳатто уни тўхтатиб қолишга уринаётгани ҳам йўқ эди. Нимадир сабаб бўлиб, Паганини бир куни кечгача Луккада қолиб кетди, кейинроқ эса шаҳарда, Нйекко ўз китобларини қолдириб кетган кулбада тунаб қолди.

\* \* \*

Луккадаги бир ой давом этган ажойиб концерт томошаларидан кейин Паганини шимолга қараб йўл олди. Унинг дарбадар ҳаётга бўлган қизиқиши яна қайта уйғонди. Луккада қолишига бирор жўяли асос бўлмагани боис, у Пистойяга, Болонья, Модена, Парма, Пянчецца, Павияга ва янада олисроққа томон йўл олди. Унинг концертлари ҳамма ерда зўр муваффақият билан ўта бошлади. Ниҳоят у Миланга етиб келди.

Паганини Феррарада ҳибсга олинган ва қамоқхонада вафот этган одам полшалик скрипкачи экани ҳамда ўзининг номидан фойдаланиб юрганини газетадан ўқиб билди. Аммо Паганинининг ўлими ҳақидаги хабар аллақачон Шимолий Италияга тарқалиб улгурганди. Ўз оиласи ҳам уни ўлганга чиқариб бўлганини Паганини биларди. У ўзининг жамият ҳаётидан чиқариб ташланган даврларини ёдга олар экан, юрагида ўзи учун нооддий бўлган, янги, ҳаётни мардона қабул қилиш туйғуси билан, уни Луккада банди этиб ушлаб турган соҳирага қайноқ миннатдорлик ҳисси бириқувидан бунёд бўлган омухта ҳиссиётлар уйғонди.

Паганини ўзини эркин ва озод хис этарди. Ливорнолик оркестрчилар билан юз берган ҳодиса энди так-рорланмаслиги тайин. Бундан буён Англия консулининг ҳомийлигига ҳам ҳожат йўқ.

Миланда ливорнолик қўшиқчи нозанин билан тасодифий учрашув унда шу қиз билан қўнғилхушлик қилишдан лаззат олиш истагини қўзғатди. Мана, у бажонидил хабар қилинган манзилни ҳам билиб олди, оқшом тушиши биланок, унинг уйига йўл олди, аммо уй эгасининг

исмини адаштириб қўйди. У нимкоронғи кенг зинапожда эшик дастасини пайпаслаб топди ва табақасини итарди. Каттагина даҳлиз, улкан кўзгу, тўгарак миз. Ҳеч ким йўқ. Кейинги эшикни очади. Кенг-мўл тўшакда ёшгина нотаниш аёл очилиб келаётган эшикка пуштиранг чойшаб остидан қўркув билан тикилади. Кейин эса, қўлини чўзганича сўз қотади:

— О, бу сизмидингиз, доктор! Кечроқ келсангиз керак деб ўйлагандим.

Паганини нима ўзини бунга ундаганини ўзи ҳам билмаган ҳолда худди шифокордай жиддий бир ҳолда беморнинг тўшагига келиб ўтирди. Қиз унга бегумон ёқиб қолганди. Паганинининг миясида телбавор туйғулар тасаввурга сифмайдиган бир шиддат билан чарх ура бошлади. Вужудида мудраб ётган хушчақчақлик ва табиатидаги таъсирчанлик унинг ўзи учун ҳам кутилмаган бир қудрат билан кўз очди. У беморни қўлидан тутди, кўзларига диққат билан боқди ва сўз қотди:

— Ўйлашимча, сиз бугун кечагидан кўра анча тузук-сиз.

— Шундай, — жавоб берди ёш жувон.

У томир уришини эътибор билан пайпаслаётгандай бўлиб, майинлик билан қизнинг қўлини беихтиёр аста сиқиб қўйди.

Айни шу лаҳзада Паганинини тизгинсиз бир шайтоний кулги тутди. Ҳеч қачон бунақанги ажабтовур ҳолга тушмаганди. Юзига жиддий тус беришга уринишлари бемор кетди. Аёл ҳам нималарнидир эшлашга уринаётгандай унга ҳайрон қараб қолди. Ва бир пайт қўлини жаҳл билан тортиб олган қўйи, қахрли оҳангда деди:

— Менга қаранг, сиз ахир — жаноб Паганинисиз, скрипкачисиз, ҳеч қанақа шифокор эмассиз.

Ана шунда Паганини кулгисига эрк берди. У кўпроқ ва кучлироқ кулгани сари, кулгисини тўхтатишга урингани сайин бемор шунчалик кўпроқ ғазабланарди. Шу пайт эшик ортида қадам товушлари эшитилди. Бир қария ичкарига кириб келди. Беморнинг юз ифодаси дарҳол ўзгарди. Аёл жонсарақлик билан қарияга юзланиб, мурожаат қилди:

— Мана, отажон, докторнинг айтишича, менинг аҳолим...

— Ҳа, шундай, — жиддий қиёфада буни тасдиқлади Паганини, — яна бир неча кундан кейин беморимиз ўрнидан туриши мумкин.

Қария миннатдорлик билан Паганинига қаради ва тиббиёт мавзуларида узундан-узоқ илмий суҳбатга киришиб кетди. У ҳозирги шифокорларнинг билимсизлиги ҳақида, энди янги бир давр бошланаётгани, жаноб Волта табиатнинг янги кучларини қўллаб илмий тажрибалар ўтказаяётгани тўғрисида, Галвани кашф этган қудрат эҳтимол бир неча йиллардан кейин ўликларни тирилтиришга қодир бўлиши борасида, ҳозирнинг ўзидаёқ олтингугурт нордонсуви билан руҳдан ўтказилган металл сим қурбақанинг танадан ажратиб олинган оёғига теккизилганида оёқ худди тирикдай ҳаракатланаётгани ҳақида гапирди.

Паганини ўқимшли одам қиёфасида бош силкиб ўтирарди. Суҳбат чўзилиб кетди. Паганини ўзини қандай тутишни ҳам билмай қолди. Ниҳоят ёш жувон суҳбатни хавфли жойида узиб, уни қутқариб қолди.

— Менга дори ёзиб берасизми, доктор? — сўради у.

Ғоз пати, биринж сиёҳдон, зарҳал хошияли ёзув қоғози унинг ихтиёрига тақдим этилди. Паганини жиддий бир қиёфада патни сиёҳга ботириб, хаёлга чўмди.

— Биласизми, — деди у, — хонимнинг касали лотин кимёси ҳосилаларини талаб этадиган дардлардан эмас. Дори-дармонсиз ҳам удалаймиз. Табиат шу қадар сахий ва сернеъматки, хоним, яъни қизингиз шу билан кифояланиши мумкин. У ёғини эса кейинроқ кўрармиз.

— Хўп, доктор, хўп бўлади, — шу пайт гапга қўшилди ёш жувон, ўзининг китмир табассумини хушмуомалалик ниқоби билан яширишга уринар экан. — Эртага яна келганингизда менинг анча соғайиб қолганимга гувоҳ бўласиз, деган умиддаман.

— Қанақасига? Сиз менинг эртага ҳам келишимни истаяспизми? — сўради Паганини ва бу ноўрин ҳайрат ифодаси билан ўзини фош этиб қўйишига бир баҳя қолди.

— Ҳа, албатта, доктор, акс ҳолда менинг аҳволим янада ёмонлашади.

— Ана холос! — ажабланди кекса отаси.

Паганинига миланлик аслзода Романйези тамғаси нақшланган мовий хатжилдда ўн лир қийматидаги билет топширилди. Бу унинг биринчи шифокорлик иш ҳақи эди.

Паганини қўча хавосидан қўксини тўлдириб нафас оларкан, бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида хаёлга толди. Бу кутилмаган саргузашт уни чўчитиб қўйди. У Миланда сурати орқали ўзини аллақачон таниб бўлишганини билгач, хайратга тушди. Бу унинг шуҳратидан дарак бериб, концертлари муваффақиятли ўтишига умид қилиш имконини берарди, бошқа томондан эса, концертга жаноб Романйези келиб қолиши мумкинлигидан хавотирда эди.

Биринчи концертини ўзи бекор қилди.

Эртаси куни Паганини яна табиб киёфасига кирди. У икки соат давомида хушмуомала қария билан суҳбат қуриб, ўтли нигоҳларини қизга қадаб ўтирди. У ҳам қийинчилик билан бемор киёфасида ётди-ю, лекин буни яхши уддалади. Паганини хайрлашиш учун ўрнидан турганида, қиз унинг эртага ҳам ташриф буюришини қатъият билан талаб қилди. Отаси афсус билан қўлларини ёзганча, сўз қотди:

— Докторга эртага эшикни Тереза очади, чунки каминан магистрликда ҳозир бўлиши лозим.

Паганинини дунёдаги бошқа ҳеч нарса чолнинг магистрликда бўлиши каби қониқтирмаган бўларди.

Ташрифлар анчагина узоқ давом этди ва энди бу ҳар доим мухтарам Романйези уйда йўқ пайтига тўғри келарди. Ҳаммаси шу билан тугадик, Паганини Романйези хонимнинг яна отаси йўқ пайтида унинг хузурига бориши лозим бўлган куни концертлар қайтадан бошланиб кетди.

Навозишлар жуда унчалик ҳам чуқурлашиб кетишга улгурмади. Ажойиб кунлардан бирида Паганини ота уйига қайтиш эҳтиёжини чуқур ҳис этди. Бу истакнинг сабабини ўзи ҳам англаб етгани йўқ, лекин интилиш шу қадар кучли эдики, у ўша оқшомдаёқ жанубий йўналиш арабасида Миландан жўнаб кетди.

Камзулининг чўнтагида Генуя банкининг чек дафтарчаси ётарди: отасининг номига йигирма минг франк қўйилган. Отасининг шафқатсиз қаттиққўллиги туфайли скрипка табиат томонидан ўзига — ёш Паганинига боғлаб берилган созга айлангани боис уни чалиш қисмат бўлиб қолгани ҳақидаги фикр энди йигитни завқлантираётганди. У отасининг гуноҳидан ўтди, онасининг католик эътиқодини ҳам, қандайдир синчков бир роҳибнинг тазйиқи остида ўзини йўқотиб қўйиш қусурини ҳам кечириб юборди. Бо-

лалигининг барча аламлари ва ранжлари бир қадар ариб, тош қўнгли юмшади. «Бу табиатимдаги эрта улғайишнинг бошланиши аломати», — дея ўйлади Паганини.

Тўсатдан пайдо бўлган аллақандай фикрлар уни кулдириб юборди. Паганинига нотаниш бўлган қорасоч, мовийкўз ёш бир эркак унга диққат билан тикилди.

— Сиз нимага куляпсиз? — сўради ёш эркак.

— Сиз қизиқувчан одам экансиз. Мен ўз фикрларимдан куляпман, лекин уларни сизга тушунтиришим сал қийинроқ.

— Агар бир соатгина олдин нималар рўй берганини билганингизда эди, бунчалик беғам кулмаган бўлардингиз! Унинг сўз оҳанги қаҳрли эди.

— Қани айтинг-чи, нималар юз берибди? — сўради Паганини анчайин қўрслик билан.

— Генерал Бонапарт францияликларга подшо бўлди.

— Қаранг-а! Шу бир соат ичида бу хабар сизгача етиб келдимиз? Сиз ўзингиз кимсиз?

— Камина граф Федерико Конфалонйери, миланликман. Сиз эса ўз исмингизни айтмасангиз ҳам бўлаверадим, мен нуфузли скрипкачини дарров танидим. Очигини айтсам, Франциядаги сиёсатнинг ўзгариши сизни чўчитиб, Миландан қочиб кетишга мажбур қиляпти, деб ўйловдим.

— О, йўқ, — деди Паганини. — Сиёсат ва скрипка бир-бирига мутлақо ёт нарсалар.

Конфалонйери ачиниш билан жилмайиб қўйди.

— Шундай деб ўйлайсизми? — сўради у овозида гумонли бир оҳанг билан.

Паганини бирдан жонланди, миясида бир пайтлардаги фикрлари ўйғонди.

— Ҳа, ҳақиқатдан ҳам шундай. Ростини айтсам, баъзи пайтларда бу борада бошқачароқ ҳам ўйлайман. Аммо бизнинг замонамизда... замбараклар гапирган жойда санъат сукут сақлаши лозим.

Конфалонйери бошини сарак-сарак қилди.

— Жанговар руҳнинг шаклланишида мусиқа қандай улкан аҳамиятга эга эканини ўзингиз жуда яхши биласиз.

— Орий, рост, — деди Паганини. — Лекин мен одамларнинг бўш ошқозон билан концертга борганларини ҳеч эшитмаган эканман.

Шу орада суҳбатлари ҳам поёнига етди.



Кичкинагина файзсиз бир бекатда аравакашнинг чинкироқ овози уни уйғотиб юборди: «Si cambia!» — Маркаблар алмаштирилади! Паганини уйғониб кетди ва кутилмаганда қўрқинчли тушини эслади. Унинг ўша тушида зулматга чўмган сайхонликдаги оппоқ зина кўкка томон ўрлаб кетганмиш. Аллақаерлардандир бир овоз эшитилиб, унинг шу зинапоядан кўтарилиши лозимлигини уқтиряпти. Лекин йўлда учта сохта зинапоя бор, улар тош рангига бўялган ипли матодан ишланган. У мана шу латталиқ зинапоялардан бирига оёқ босса, чуқур жарликка қулайди ва унинг тубидаги тошларга урилиб, бурдаланган гўшту майдаланган суякка айланади. Лекин ортга қайтиш ҳам мумкинмасмиш. У даҳшатдан, ҳатто нафас ҳам ололмай қолибди. Атрофда эса кимсасизлик ва қўрқинчли сукунат. Тоғлар шуурини эзиб келяпти. Лекин, мана, иродаси худди таранг тортилган симтор каби уни зинадан юқорига югуришга мажбур қилади. У шиддатли туғён ҳукмида ҳар учта зинапоя узра сакраб, гўёки учиб юқорилаб бораркан, тўсатдан оддий бир фикр уни тўхташга ундаб қолди: ҳар учта зина узра сакрашдан тинкаси қуригач, чарчоқ зўрлик қилиб, тўсиксиз зинадан пастга қуласа-чи? Мабодо, уч зинани бир қилиб ирғиб ўтаётганида толесизлик қилиб, тузоқ қаердалигини билмасдан, шўри қуриб латта зинапояга оёқ қўйса-чи? У ҳолда ҳам ажали тайин. Шундай қилиб, бу лаънати учта пиллапоя йўлнинг бошидами, охиридами эканини билолмасдан икки юзинчи, уч юзинчи поғонагача етиб борди ва ўзининг даҳшатли азобларга ҳамда муқаррар ўлимга маҳкум эканини хис этди. Тўсатдан, чўққига ниҳоятда яқин қолган бир лаҳзада у оёғи бўшлиққа тушиб кетганини сезди ва шу бўш маконда тош зинани — мана шу қаттиқ, ишончли ва энг охириги пиллапоялардан бирини чангаллаганича осилиб қолди. У нажот топди. Битта тиззаси тош пиллапояда, боши ва елкалари иккинчисида, тубсизлик устида яна бир дақиқа осилиб тургач, хавф-хатар ортда қолганини англаган ҳолда мустаҳкам ва ишончли одимлар билан пиллапоядан қадам ташлайди. Боши узра ёрқин офтоб ловиллайди, кўм-кўк, қарийб тим қора осмонда қуёш тобора кўтарилиб келмоқда, нафас олиши енгиллашиб, ҳаёт янада қувончли туюлади. Илиқ фируза ранг хавонинг тафтгли эпкинлари юзларини ювади

ва худди хўроз қичқириғи каби ҳайқириқ эшитилади: «Si cambia!». Нақ қуловининг тепасида маркабчи бакиряпти.

Токи йўловчилар нонушта қилар, жўнатмалар хос аробасининг чайқатишлари ва зарбаларидан дам оларканлар, то фаранги соқчи паспортларни текшириб, қовоқхоначи эса нордон қизил мусаллас қўйиш билан андармон экан, Паганини Генуяга қадар қолган соатлар ва дақиқаларни ҳисоблаб ўлтирарди.

Ва, мана ниҳоят Генуя.

Паганини қаттиқ ҳаяжонни ҳис этарди, у ниҳоят ҳозир оиласи билан бегумон ярашадиган онлар яқинлашяпти, деб ўйларди. У онаси ўзини қаттиқ соғинаётганига ишончи комил эди. Отаси уни бесамар излаганларининг аламини унутиб, ундан аччиқланишни бас қилишига ва ҳаттоки, чолнинг кўз олдида пайдо бўлган шиқирдоқ қоғоз кекса Антонио Паганини йигирма минг франкнинг эгаси бўлганига оддий ва осон тарзда шаҳодат бергач, қария ўғлини топиш учун миршабларнинг таъсир чораларини қўллаганидан озгина виждон азобини ҳам ҳис этишига қаттиқ ишонганди.

Уйдагиларга айтадиган сўзларини ҳам тайёрлаб қўйганди. У фақат биргина нарсани — оиласи учун, ўзининг келгусидаги мусиқий зафарлари учун кенг йўлга ёриб чиқиши зарур бўлганини, эҳтимол қадрдон оиласидан бу муваққат ажралиб чиқиш бироз ноҳўяроқ тарзда кечганини айтади, холос.

Йўл бўйи хаёлига ҳам келмаган нарса, шу вақтгача оддийгина, табиий туюлган воқелик қадрдон уйининг остонаси олдида энди қўрқинчли мазмун касб этганди. Паганини, номи Шимолий Италиянинг барча шаҳарларида машҳур бўлган таниқли скрипкачи дафъатан ўзини ночор, бир айб иш қилиб қўйган митти мактаб ўқувчиси каби ҳис эта бошлади; бирданига ўзининг хали ҳам Тереза Паганинининг ўғли, ўша гўдаклигидаги «Бошпана»да ўйнаб юрган, енглари кир-чир, иштонлари йиртиқ-ямоқ болакай эканини англади. У ота-онасининг қўнглини дарров юмшата қоладиган сўзларни ўйлаб қўйганди.

Эшикни қаттиқ тақиллатса-да, ҳеч ким очмади. Паганинининг айтмоқчи бўлган барча сўзлари зумда миясидан чиқиб кетди. Юрагини қандайдир тушунарсиз ваҳима босди ва Паганини ташвишини ичида сақлолмай, чорасиз-

лиқдан ваҳимага тушиб қолган одамнинг жазаваси билан эшикни гурсиллатиб муштлай бошлади.

Бу зарбларга жавобан ичкаридан ғазабли ва жаҳлдор чинқириқ эшитилди. У онасининг товушини таниди. Лекин бу овоз илгариги оҳангидан қанчалар фарқли эди! Онаси нимадан бунчалик ғазабланыпти экан? У ўзининг тукқан ўғли, миттигина Ник эшик қоқаётганини билмайди-да, дарвоқе, онаси уни кичкиналигида Ник деб чақирарди.

— Эшикни синдираётган қайси аблаҳ? — энди бу овоз Паганинининг шундоққина қулоғи остида шанғиллади.

Нимқоронғи йўлакда катта опаси кўринди: онасининг овозига жудаям ўхшаб кетадиган товушда бакирган опаси экан. Тўғридаги хонанинг ичкарироғида, емакхонага кир-раверишда қўлида дуонома ушлаган кўйи тасбеҳ ўтириб ўтирган кекса аёлни кўрди.

Опаси Паганинини шу ондаёқ таниди, онаси ҳам уни кўриб, ўрнидан туриб ортига тисланаётиб, оромкурсини ҳам ағдариб юборди. Опаси жим эди. Паганини онасининг бағрига отилди, у эса худди арвохни кўргандай, ўзини ўғлидан чеккага олди. Шовқинга оиланинг бошқа аъзолари ҳам чиқиб келишди. Акаси нотаниш бир аёл билан бирга чиқди. У манави ғалати жимликни бузиб, Паганини билан баланд овозда саломлашиб кўришди. У билан бирга чиққан аёл эса ўткир ва қахрли кўзлари билан Паганинига совук тикилди. Онаси унга маънос қўқ кўзларини тикканича, ҳануз индамай турарди. Паганини акасининг пайдар-пай саволларига аранг жавоб бериб ул-гурарди, сўроқлар эса йиртиқ қопдан тўкилаётган нўхат каби бетиним ёғилади. Ниҳоят, Паганини унинг гапини бўлиб, гўёки онасининг сукутини бузмоқчидай бир ниятда волидасига юзланди:

— Онажон, бироз муддатга сизларнинг уйингизда қолиб турсам майлими?

Онасининг биринчи сўзлариданоқ унинг бошида момақалдироқ гумбирлагандай бўлди:

— Озиқалар жудайла қимматлашиб кетган. Уйимизда сен турадиган жой қоптими? Каэтана кулбамизга боласи билан келиб олган, Селестинаниям боласи бор. Фабричо эрта-индин янги хотин оладиган бўлиб турибди. Сени қаёққа жойлаштирамиз? Балки қўналғада яшаб турарсан? Емиш деганнинг нархи осмонга чиқиб кет-

ган, ўзи ҳар бир байоккони санаб сарфляпмиз, буям майлига-я...

Бирдан у гапиришдан тўхтаб, йирик-йирик кўз ёшлари юзларидан оқиб туша бошлади.

Айни шу пайтда оқсоқланиб ва аксириб, балғамини яшил рўмолчага тупурган кўйи кекса Антонио хонага кириб келди. У ўғлини кўриб, заррача ҳайрон бўлгани йўқ. Ҳаттоки башарасидаги нафрат ифодасини ҳам яширмасдан, ўғлига совуқ тикилди.

— Сен ҳақингда фақат ёмон гаплар юрибди. Агар хонадонимизга фалокат келтириш ниятида бўлмасанг, яхшиси ўзингга бошқа уй топганинг маъқул. Оила — инсон учун энг кадрдон дўст саналади. Сен оиламиз учун нима яхшилиқ қилиб қўйибсан?

Шу оннинг ўзида Паганинининг миясига аччиқ бир фикр келди: «Манави одамлар эътиқод қиладиган инжилда бундоқ дейилган: «Инсоннинг ғаними — унинг ўз оиласи эрур». Мен эса бунга шундоқ бир қўшимча киритган бўлурдим: «агар инсоннинг дўсти манавинақа оила бўладиган эрса, бундайин дўстнинг боридан йўғи яхши».

У юрагидаги ғазаб ўтини базўр ўчириб, итоаткорона бир алпозда ўрнидан турди, оғир қадамлар билан отасининг қошига борди ва камзулининг барини очди-да, шошқалоқлик билан ҳамда қандайдир бир саросимада киссасидан катмонини олди, миз тепасига энгашиб, чолнинг ёнгинасига йигирма минг франклик чекни қўйди. Қари Паганинининг тунд башараси бирдан ёришиб кетди.

— Бўпти, — деди у. — Қани, сенинг қайтишингни бир байрам қилайлик-чи. Тереза, сен нимага қоққан қозикдай гўдайиб ўтирибсан? Селестина, Фабричо, сенлар нега қаққайиб турибсанлар?! У қайтди: Никколо қайтиб келди. Сен биз билан яшайсан, ўғлим.

Гўёки ўрталаридаги қандайдир муз девор эриб кетгандай бўлди. Ҳаммалари Паганинини қучоқлаш учун ташландилар ва шу жойда унинг юраги бунга дош беролмай қолди. Таниб бўлмайдиган даражада улғайган, кучга кириб, эр етган бу одам онасининг бўйнига осилганича, ўкириб-ўкириб, аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади. Болалигида беаёв калтакланганида шундай йиғлар эди. У узок йиғлади, гўё энди ҳеч қачон овунмайдигандай эди. Бу ҳаяжонининг сабабини ўзи ҳам билмасди. Аммо бу ку-

тилмаган заифликнинг сабабини оила аъзоларининг хар бири ўзича тушунди.

У қуришиб-буришган, лекин ҳали жудаям кексаймаган, чамаси ақл-шуури андак заифлашган аёлнинг оналик ҳиссидан тўла айрилганлиги манзарасини кўриб аччиқ кўз ёш тўқаётган бўлса, — бу хотин эса айни пайтда ўғлига бокиб, бутунлай бошқа хиссиётларга берилди. Унинг ўйлашича, мана, ўғли қилмишларидан пушаймон, чунки ҳаётида роса гуноҳга ботган, барча болаларининг ичида ёлғиз шуниси шумқадам бўлиб чиқди. Паганини эса аслида унинг елкасига бошини қўйиб, ўзининг болаликдаги бебахтликларини, ҳозирда ҳам тирик етим эканини ўйлаб йиғлаётганди, зеро энди унинг қаршисида ўзига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган етти ёт бегона одамлар турганди.

Чолнинг ўй-хаёлида эса: модомики фарзанд ўз ота уйига Қадимий Аҳддаги адашган ўғил сингари қайтиб келган экан, у ўша ривоятдаги ота ўз ўғлининг гуноҳидан ўтганлиги эвазига талаб қилган биттагина бузоқ билан қутула олмайди. «Хомтама бўлма, ўғлим, — ўйларди қари даллол йиғлаётган Паганинига тикилиб, — менинг талаб қиладиган бузоғим йигирма минг франкдан қимматроқ туради. Модомики мен адашган ўғилни ўз уйимга қўйган эканман, бунақа фарзандни ҳали кўп пул тўлашга мажбур қиламан».

Лекин «адашган ўғил» ҳеч тинчлана олмаётганди. Шунда ота Паганинининг қўнглига шубҳа-гумон ўрмалай бошлади: «У чамаси, ҳаётида жуда катта фалокатга йўлиққанга ўхшаяпти: ё қўлини майиб қилиб олган-у, энди скрипкасини чала олмайди, ёки бирор айби учун полициянинг таъқибига учрагани-у, борадиган бошқа жойи бўлмагани учун ариллаб-додлаб бизнинг ҳузуримизга қайтган».

Ақаси эса агар Никколо билан апоқ-чапоқ бўлиб олса, «муллажиринг» масаласида муҳтожлик кўрмаслигини ўйлаб, укасининг қайтганидан «самимий» қувонаётганди. Лукресиа ҳам эри қимордан орттирган қарзларининг ўрнини қоплаб олиш учун укасидан қандай қилиб пул ундиришни ўйлай бошлади.

Паганини ҳаёт ҳақидаги болаларча тасаввурлари таъсирида ўз аҳволига қуйиниб йиғлар экан, оққўнгил ки-

шиларга хос эзгу хислар ва ўй-фикрлар унинг юрагидаги ўз-ўзига худбинларча ачиниш туйғуларини аста-секин си-тиб чиқара бошлади.

У ўзининг тирик етимлиги ҳақида ўйлашни бас қилди. Қалби мажрух, хис-туйғулари ифлосланган манави одамлар эса таассуфга лойиқ, холос.

Шимолий Италияни ларзага солган суронли йиллар, оиласининг фаровонлигига ва отасининг кайфиятига бево-сита таъсир этувчи биржадаги нарх-наволарнинг доимий беқарорлиги — чамаси, буларнинг барчаси қарияларни эс-ҳушидан айирганди. Никколонинг руҳиятида рўй берган улкан ўзгаришлар билан бир вақтда, уларнинг ҳаёти-да ҳам катта қўнғилсизликлар бўлиб ўтганди. Никколо энди оёқда мустаҳкам туриб олган. У скрипка ижро-чилигида мукамал эгаллаб олган олий маҳорат энди ўзининг вужуд-вужудига сингиб кетганини ҳис этмоқда эди, энди у ўз салоҳиятини унутишни истаганида ҳам, буни уддалай олмасди: у фақат қўлларидан айрилган тақдирдагина скрипкачилик истеъдодидан ажраши мум-кин эди. Паганини скрипка даҳосининг тимсолига айлан-ганди. Аммо ҳозир унинг қаршисида турган ота-онаси, акаси ва опалари — энди ўзи туфайли бошқа оддий одам-лардан фарқланишади. Паганини шуни ҳис этиб турар-дики, ўзининг ички дунёси ва мана бу Шимолий италия-ликларга хос табиатли чакана оиласининг дунёқарashi ўртасидаги зиддиятлар муҳитида ўз яқинларини ҳасад туйғуси билан заҳарлагувчи шундай кайфиятлар ва ҳис-сиётлар юзага келадик, бу туйғу тез орада чексиз-по-ёнсиз нафратга айланади. Шунга қарамасдан, қандайдир бир туғма раҳмдиллик ҳисси туфайли у каттиқ изтироб туйғусидан ҳам, ачиниш ҳиссидан ҳам, самимий меҳр-муҳаббат туйғусидан ҳам халос бўла олмаётганди.

\* \* \*

Антонио Паганини номига ёзилган чекни нақд пулга айлантириб берган банк ходими чолнинг қизариб-бўзарган холда: «ўғлимнинг қанча пули бор», «унинг маблағлари қайси банкка қўйилган», каби суриштирувларидан жуда ҳайратланди. Италия банкларининг қўхна махфиётлари тажрибали биржа даллолига биринчи марта ортиқча рас-миятчилик ва кераксиз нарса бўлиб туюлди.

Ўғли билан бўлган суҳбатларида қария унга онасининг уйқусиз тунлари соғинчда ўтганлигини, ўзи эса ниҳоятда кексайганига қарамасдан, ўғлининг мусиқий таълим олиши учун бор пулини сарфлаб, ниҳоятда қашшоқликда яшаганини айтиб, ишонтирришга уринарди. У ўз оталик заковатининг буюкчилигини ўғлининг онгига сингдирмоқчи бўлар; ўғлини калтаклаб, итоатсиз, қайсар боланинг қунт ва тиришқоқчилигини уйғотиш, скрипкачилик қобилиятининг майда зарраларини буюк скрипкачининг ҳақиқий ва тўлақонли истеъдодига айланттириш учун қилган ғамхўрликларининг машаққати ҳақида тинмай лоф урарди. Тасодиф ҳазратларининг ўйинини қарангки, Никколо қариянинг бу меҳрибонликлари шунчаки маккорона бир хийла — айёрлик эканини кўрмасди ҳам, англамасди ҳам. У ҳамма нарсада отаси билан келишар, онасининг сўзига кириб, ўзининг Генуя банкига ўтказилган барча жамғармаларини бажонидил оиласининг ихтиёрига олиб бераверарди. Аммо унинг бу кўнгилчанлиги ота-онасини баттар васвасага солар, нафс ўпқонини янада чуқурлаштиради.

Оиладаги муносабатлар икки душман тўданинг аёвсиз курашига айланди. Отаси, онаси, акаси ва опалари Паганини йўқ пайтларда бетиним маслаҳатлашувлар билан банд эдилар. Баъзи кунлари Никколо ўзини уйнинг эркаси ва валинеъмати сифатида ҳис этарди, яна шундай кунлар бўлардики, отаси унга сўкиш ва ҳақоратлар билан ташланар, онаси ҳам гўёки ҳорғин, ғам-қайғуга тўла кўз ёшлари билан Паганинининг иродасига қарши ўларок, юзага келиб қолган сарф-харажатлар ўрнини қоплаш учун юз икки юз франк сўрагани-сўраган эди.

Паганини Генуяда концерт беришни хаёлига ҳам келтирмаган бўлса-да, охир-оқибат бунга мажбур бўлиб қолди. У бирор ой уйида бўлиб, кейин концертлари билан шимолга жўнаб кетмоқчи эди. Йигитни Турин, Милан ва Венеция ўзига чорларди. У ўзининг яна Ливорнода ва Луккада қандай пайдо бўлишини ўзича тасаввур этарди. Генуяда эса фақатгина ўз онасининг нуридийдаси, опаларининг шунчаки оддий укаси, оддийгина Никколо Паганини бўлса кифоя.

Бирок, ихтиёридаги бор пулларни оиласи учун сарфлаб бўлгач, у яна чолга боқиманда бўлиб қолди. Отаси

унинг бир кеча-кундузлик харажатларига йигирма франкдан ортиқ пул беришга кўнмади ва Паганини чолнинг хасислиги телбаликнинг бир аломати эканини англади.

Концерт уюштириш тўғрисида ҳокимият вакиллари билан келишиб олишга илк уринишлар бесамар кетди. Генуя католик черкови ўз отаси томонидан фош этилган итоатсиз насроний ўғлоннинг томоша сахнасига чиқмоғини маъқулламади. Бу очикдан-очик тақик эмасди-ю, лекин Генуянинг фуқаровий ҳокимияти учун шу салбий муносабатнинг ўзи кифоя.

Кўп оврагарчиликлардан сўнг Паганини ғалати бир хабарнома олди: «Никколо Паганини черков хайрия концертида иштирок этганлиги учун мукофот сифатида бош руҳоний истисно тариқасида унинг ибодатхонада дунёвий мусиқа концерти беришига ижозат этади». Аммо бу ижозатномадан фойдаланиш вақти келганида эса унинг йўлида янги, кутилмаган тўсиқ пайдо бўлди.

Генуяда, Италиянинг бошқа шаҳарларидан фарқли равишда Олий мусиқа кенгаши ташкил этилганди. Унинг раиси Нови — Паганини билан биргаликда Пайернинг қўл остида ўқиган ўша Нови эди. Ҳозирда у Генуя шахрининг биринчи скрипкачиси мақомини эгаллаганди. Энди унинг хузурига боришга тўғри келарди, чунки шаҳарда уюштириладиган барча концертлар «маънавият софлиги ва санъатнинг гўзаллили»га риоя этиш нуқтаи назаридан шу кенгашнинг ижозатномасига эга бўлмоғи талаб қилинарди. Аввалига ҳамма ишлар кўнгилдагидай борди. Нови Паганинини худди ўз қадронидай кутиб олди. Паганинини эҳтиром билан тирсагидан олиб, илтифот ила оромкурсига ўтказди. Унинг барча ҳаётий қувончлари ва ташвишлари ҳақида сўраб-суриштираётиб, Нови консерваторийдаги сабоқдошларидан бирининг ўлими ҳақида юзида қувонч билан хабар килди. Уларнинг ўша собиқ синфдоши Венециянинг кўрфазида чўкиб кетибди ва муқаддас черков уни дуои хайр этмоқликни ножоиз деб топибди, чунки бу одам боқий дунёга тавба-тазаррусиз ҳолда риҳлат қилган, ҳаётлик чоғида эса анави худобехабар корсикаликка хайрихоҳ бўлган экан.

Паганини нохуш бир саросимада бу сафсаталар оқими тўхтатди ва ўзининг мўлжалланаётган концерти



хақида гап очди. Новининг юзида баногоҳ ҳиссиз ва совуқ ифода пайдо бўлди.

— Маълуминг бўлсинким, биродари азиз, — деди у бунга жавобан, — бизнинг қоидаларимиз сени аввал синов имтиҳонидан ўтказишни талаб этади. Камина сенинг маҳоратингдан яхши хабардор, аммо сен, Генуя шахрининг фуқароси сифатида ҳар ҳолда унинг қонун ва қоидаларини, тартибларини бузмассан, ахир? Сен бизлардан узоқлашиб кетдинг. Ҳозирча концерт-понцерт бермасдан бизнинг орамизда яшаб тур, узил-кесил бизнинг қавмимизга айлан, таклифингни эса эҳтимол бирор муддат кейинроқ ўйлаб кўрармиз.

Паганини ўрнидан турди:

— Мени худди ёш боладай текширувдан ўтказасизларми? Бунинг натижасини қанча кутишим керак бўлади?

Нови унинг қўлини мулоғим сийпалаб қўйди.

— Бундай ташвишланишнинг нима кераги бор?! Унчалик ҳам узоқ кутишингга тўғри келмайди. Синов имтиҳонлари эса шунчаки расмиятчилик, холос... Аввал бизнинг орамизда озроқ яшаб тур-чи... бир йил ё икки йилча.

— Нима?! — бақириб юборди Паганини. — Сен мени мазах қиляпсанми?

— Тинчланиб ол, — жавоб қилди Нови. — Муқаддас черков асл мусиқани тақиқламайди. Аксинча, Палестринанинг диний мусиқа асарларидаги каби, мусиқа ҳеч қаерда бу қадарлик такомилга эриша олмагайким, самовий черков бундан чексиз фахрда эрур. Шуни билмоғинг лозимки, барча замонларнинг энг аъло мусиқачилари ўз асарларини черков учун яратганлар. Черков учун ҳеч нарса ёзмағувчи скрипкачи эса ўзини унинг неъматларидан бебаҳра этади. Сен албатта концертларингга черков мусиқаси услубида ёзилган ўз асарларингни ижро этсанг керак?

Кейин Нови юзига жиддийлик ифодасини бериб, қизил дарахт ёғочидан ишланган жавон ёнига борди. Ундан қизил сахтиён чармжилд олди ва уни кавлаштириб, ичидан Ломбардияда нашр этиладиган австрия газетасини олди. Кичиккина варақада Паганини ўзининг бор молмулкани киморда бой бериб қўйгани ва қартада ютқазган

қарзини тўлаш учун скрипкасини сотиб юборгани хабар килинганди.

Буни ўқиб бергач, Нови гўёки ачиниш ва изтироб билан сўзида давом этди:

— Ахволингни жуда яхши тушуниб турибман. Бу кўргиликлардан кейин сен энди узоқ вақт ўзингга келолмайсан ва шу боис Генуяда жон сақляпсан. Сен оилангга пул жўнатиб турмаганинг сабабли бувинг очликда вафот этиб кетди. Қари отанг қашшоқликда бир бурда нонга зор бўлди, кекса онанг касрингга кўз ёш тўкиб, муқаддас черков бағрига қайтишингни сўраб, яратганга илтижолар қилди. Сен машхур скрипкачилик шухратига эришмоқчисан ва бунинг учун ноҳалол усулларни қўл्लаяпсан, лекин ёдингда тут, — тўсатдан овозини баландлатиб, таҳдид қилишга ўтди Нови, — мен сени ичичинггача кўриб турибман. Ҳақиқат барибир қарор топгусидир. Сенинг шарманда бўлганларинг ҳалиям ёдимда. Тунги ишратбозликлардан кейин сен ҳатто скрипкани қўлингга тутиб туролмасдан, торларини ҳам узиб юборганигдаги шармандаликларингни ҳали унутганим йўқ. Пайер сенга имтихондан ўтолмаганингни айтган пайтни эсларсан? Майли, буни тасодиф деб ҳисоблай қолайлик, мен сени яхши кўраман, мендай дўстингга ишонавер, мен бу ҳақда ҳеч кимга айтмайман...

Паганини бармоқлари ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилаётганини ҳис этди... Бу аблаҳ уни қандайдир бир битимга кўндириш учун ўзининг ҳомийлигини таклиф этяпти. Ҳақиқатан ҳам Генуяда Паганинининг тақдири Новига боғлиқ эди. Нови унга ўзининг ифлос дўстлигини таклиф этяпти. Унинг оилавий ишларига ҳам аралашиб, ўртада даллоллик қила бошлади, — аммо начора, бошқа илож йўқ. Қисмат шаробини сўнгги томчисигача сипқоришга мажбурсан.

— Хуллас, гап бундай, — Нови очикчасига мақсадга ўтди. — Мен ўз ўртоқларимнинг сенга нисбатан бешафқат муносабатларини маъқулламайман. Улар бобойингга сени муқаддас тафтиш трибунаliga топширишни маслаҳат беришди. Мен ўртоқларимнинг сени сахнада кўрмаслик истакларини сўндириш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Аммо сенга қарши, менинг гапимга хафа бўлмагин-у, сенга қарши айблов қўзғатиляпти ва мен бу

масалани қўтармасимдан аввалроқ, сен ўзингни оқлаб олишинг лозим.

Паганини ҳозир Нови қаттиқ бир зарба беришга тай-ёрланаётгани ва ҳал қилувчи дақиқа олдидан ўзини шунчаки мазах қилиб завқланаётганини тушуниб турарди. Аммо унинг бу фикри хато эди. Нови ҳозир хижолатда эди ва айтишга чўчиб турган гапани ниҳоят шоша-пиша айтиб олди:

— Сен ўзингни оқлашинг лозим, ўзинг чалаётган чолғу асбобини текширувдан ўтказиш учун мусиқий кенгашга топширишинг шарт.

Айтиши лозим бўлган буйруқни эълон қилгач, Нови энгил тортди ва шарақлаб қулиб юборди.

Шу онларда Паганини ўзини босиб туриши жуда оғир кечди. Новининг ҳар бир гапидан кейин унинг асаблари таранглашиб борарди. Нови эса, модомики Паганини суҳбат бошидаёқ жазавага тушмаган экан, демак у тақдирига тан берди, деб ўйлаётганди.

— Сен ҳақингда дахшатли нарсаларни айтишяпти, — дея сўзида давом этди у ва яна иккиланиб тўхтаб қолди. — Тўғри мен бу миш-мишларга ишонмайман, чунки сен менинг кадрдон дўстимсан.

Паганини тушкун бир аҳволда оғир қадамлар билан ташқарига томон йўналди. Нови Паганинининг ўз мағлубиятини тан олганини ва охирги ҳақоратлардан қочиб қутулмоқчи эканини англади.

— Сенинг кирдикорларинг ҳақидаги гап-сўзларга қараганда, — сўзини тугатиб қолишга шошилди у, — сен Туртнинг камончасини икки баравар узайтирганмишсан ва жаноб Гварнерининг ажойиб қадимий чолғусига виолончел торларини тортиб қўйибсан. Албатта, сен уларни олиб ташлайсан, одатдаги узунликдаги камончани ишлатасан. Сенинг скрипкангга тилсимланган формулалар ва жодулар ёзиб ташлангани ҳақида маълумотлар борлиги боисидан сен саҳнага чиқишингдан аввал биз скрипкангни текширувдан ўтказиб берамиз.

— Нега? — ғазаб билан бақирди Паганини. — Мен ўзим истаган торни қўйиб олишим мумкин. Фарангилар клавесинни роялга айлантириб олишди, улар қадимий создан янги бир чолғу яратишди, у аввалгисидан минг чандон охангдор ва чиройли!

— Фарангилар? — тўсатдан Новининг ранги ўчиб, қаҳр билан сўради. — Сен менга фарангилар деяпсанми?! Сен ўз қиролларининг калласини узиб ташлаган кимсалар ҳақида гапиряпсанми? Шу хонада, менинг хузуримда бу сўзни айтмоқликка қандай журъат этдинг? Сен францияликларнинг нималар қилганларини биласанми ўзи?.. Сен болаларнинг қорачечакдан ўлаётганларини эшитдингми? Бу лаънатилар қорачечак тангачаси билан бузоқни эмлашганини, энди бузоқ қорачечагини ўн минглаб гўдакларга юктираётганларини биларсан?! Болаларга бузоқ қорачечагини эмлаш билан улар тангрининг мавжудоти бўлмиш инсонга ҳайвоннинг онгини сингдираётганларини эшитдингми?!

— Сен ўзингни тентакликка соляпсан! — кичқирди Паганини. — Сен гофилларнинг, жоҳилларнинг гапларини айтяпсан. Улар болаларни эмлаб ўлимдан асраб қолаётганларидан яхши хабардорсан. Бузоқ қорачечаги билан эмланган болалар соғайиб, тирик қоладилар ва бир умр бу дардга чалинмайдиган бўладилар.

— Бу амал черков қўрсатмаларига хилоф! — Нови ғазабдан ер тепина бошлади. Унинг қўзларида энди очиқдан-очиқ нафрат зоҳир эди. — Билиб қўй, биз, яъниким Рим католик черкови Италиянинг барча ҳудудларида қорачечакка қарши эмлашни тақиқлаб қўйдик.

Паганини ортига ўгирилди ва бирор сўз демасдан чиқиб кетди.

Генуя газетаси скрипкачи Паганинининг изсиз ғойиб бўлиб қолгани ҳақида хабар тарқатди. Дастлабки уч ойда жаноб Антонио ўғлини топиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилиб қўрди, аммо уринишлари беҳуда кетди. Ҳеч қаерда унинг изи ҳам топилмади. Австриялик миршаблар ва Папа полициясининг айғоқчилари Ливорнодаги барча қиморхоналарни титиб-тинтишни бошлаб юбордилар.

## **Ўн еттинчи боб**

### **ЮКСАКЛИК САРИ ЙЎЛ**

Бонапартнинг сингласи, княз хоним Элиза Баччокки Паганинини ўзининг Луккадаги оркестрига дирижёр этиб тайинлади. Ҳаётнинг янги сабоқларини ўзлаштириб олган

Паганини биринчи бор ўз эркинлигини бироз чеклашларига розилик билдирди. Бу ҳолат унга озроқ нуфуз ато этиб, кераксиз саволлардан халос қилар ва ташвишларга тўла нотинч ҳаётини бирор муддат тартибга солиб олиш имконини яратарди.

Генуяда бошланган улкан ишларини Паганини Луккада якунига етказди. Бу қанчалик ғалати туюлмасин, янги ёзилган барча асарлари гитара жўрлигидаги скрипка учун ёзилганди. У шиддат ва зўриқиш ила кетма-кет скрипка, алт, гитара ва виолончел учун олти қвартет ёзди.

Луккалик кичик мусиқачилар, кўча-кўйда байрамлар ташкил қилиб, буюртма пьесаларни ижро этиб юрадиган кўча болалари унинг ёнига югуриб келиб, бирор-бир нотани тақдим этишини сўрашар, Паганини эса бу илтимосларни бажонидил бажариб, гитара учун кичик-кичик пьесачаларни тезгина қоғозга тушириб берар, ҳеч кимнинг буюртмасини бажариб бериш илтимосини рад этмас эди.

Шу тарзда Луккадан Италиянинг турли шаҳарларига гитара учун ёзилган майда асарлар тарқала бошлади. Уларни сотишар, чоп этишар, тарқатишар, соддалаштиришар, ўзгартиришар ва ўзларича англаб, ўзларича изоҳлашар ва охир-оқибат бу бастакорлик эрмакларидан юзага келган улкан ва мураккаб мусиқий адабиётнинг ярмидан кўпи энди Паганинига дахлдор бўлмай қўйганди. Ўзининг асосий мазмунига кўра бу асарлар Паганинининг обрў-эътиборига путур етказарди албатта, аммо у ўзининг куй басталаш санъати ҳақидаги миш-мишларга аҳамият бериб ўтирмасди, у ёки бу асарнинг ўзига тегишли экани тўғрисидаги шов-шувларни рад ҳам этмас эди. Луккадаги қашшоқ чолғучиларнинг айтишларича, Паганини хайрия кўмаги сифатида уларга гитара учун пьесаларнинг қоралама нусхалари ёзилган нота варақларини тақдим этар ва бу асарлар бутун-бутун оилаларни очлик ҳамда ўлим чангалидан халос этар экан. Паганини Луккада ишлаб, Локателлининг фавкуллода бир моҳирона санъат билан ижро этиладиган «modulazione»ларини қунт ва тиришқоқлик билан ўрганишда давом этар экан, гитара чалишни ҳам тарк этгани йўқ. У ҳатто скрипка чалишни такомилга етказганидан кейин ҳам, концертларига олдиндан тайёргарлик кўрмай қўйган, уйда скрипка чалишни умуман тарк этган, камончани эса фақатгина сахнага

чикиб кета туриб қўлига оладиган бўлганидан кейин ҳам ўзини гитара ижроси билан шодлантирар, аммо уни ҳеч қачон омма учун чалмас эди.

Шу асно у болалигида ўз-ўзига берган онтини бузди. Агар Франция ҳукмдорининг ҳозирча камтарингина «италиялик князхоним» унвони билан кифояланишга мажбур бўлган синглизининг бир нечта аъёнларга эга ховлисини сарой деб аташ мумкин бўлса, у ҳолда Паганини энди сарой скрипкачисига айланганди. Княз Баччоккининг ўзи эса ундан скрипка чалишни ўрганмоқда. Шу зайл Паганини княз саройининг доимий ташрифчисига айланди ва яна бошқа бир муаллим — профессор Галли билан биргаликда Луккадаги етакчи нуфузни эгаллаб турган оиланинг илтифоту марҳаматига сазовор бўлди.

Луккалик ёш муסיқачилар шу шаҳарда ташкил этилаётган оркестрни шакллантиришга бажонидил қўшила бошладилар. Генерал Массенанинг отлиқ аскарлар оркестри шаҳарни тарк этганидан кейин бу ерда қолган фарангилар ҳам оркестрга қўшилдилар. Улар ўз оркестрларида Паганини дирижёрлик қилиши ҳақидаги хабарни мамнуният билан кутиб олдилар.

Паганини Лукка театри саҳнасига туташган шифти баланд хонага кириб келганида йиртиқ-ямоқ ҳарбий кийимлардаги, кулранг ва қора камзуллар кийган ёшларнинг улкан оломони баланд овозда шўх-шодон суҳбатлашиб туришганди. У эса одамлар овозининг ғала-ғовури ва созланаётган чолғуларнинг бетартиб омухтасидан ҳосил бўлган гувиллашга мамнун қулоқ солиб турарди. Уни анча вақтдан кейингина пайқашди. Паганинини кутишаётганди, уни юзидан танир эдилар, аммо шунга қарамасдан бастакор пултнинг ёнигача юриб келганидан кейингина овозлар бирдан ўчиб, барча нигоҳлар унга қадалди. Паганини улкан дўмбиранинг устига келиб ўтирди. Мана шу оддийгина ҳаракат унинг оркестр билан дўстона сўзлашиб олиш истагида эканини кўрсатиб, бу самимийлик дафъатан бутун томошахонадагиларнинг меҳрини қозонди. Безаклар билан зийнатланган деворлар, курсилар орасидаги йўлакчалар, пардалар билан, устунлар билан, тўсинлар билан, томоша жиҳозлари билан қопланган маконлар, ўз чолғулари ёнида турган ёки қўшниси билан сўзлашиб турган пайтида турли ҳолатларда туриб қолган одам-

лар — янги дирижёрнинг нигоҳи буларнинг барчасини оний бир лахзада қамраб олди.

Паганини ҳеч қачон ваъзхон бўлган эмасди, у сўзларни бир-биридан ноаниқроқ ажратиб талаффуз этар, лекин сокин сўзларди. Оркестрчилар тўдалашиб унга яқинроқ сурилдилар. Паганинининг қисқа саломлашувидан сўнг оркестрнинг кучли қарсақбозлиги бошланиб кетди.

Паганини қўлини юқори кўтарди:

— Сизлар мусиқий вазифаларни англашда самимий бўлишга ва менинг фикрларимга тўлиқ қўшилишга ваъда бермоғингиз лозим. Шунинг ёдда тутишингиз керакки, мусиқа мурасосозликни ёқтирмайди, бизнинг оркестримизда ўртача ижро деган нарсанинг ҳатто сояси ҳам бўлиши мумкинмас.

Кимдир орада лукма ташлаб қолди:

— Лекин бизлар Паганини бўлмаймиз-да!

Паганини гапирган одам томонга кескин ўгирилди ва жим бўлиб қолди. Бир зумгина ўйлашиб қолгач, фикрини айтди:

— Бу — хато фикр: мусиқада машҳур номлар ҳам, иккинчи даражали нарсалар ҳам бўлмайди. Сизлар ҳаммангиз — артистларсиз. Келинг, бизнинг оркестримиз юксак маҳорат оркестри бўлсин.

Ўша замонлардаги Италия мусиқий ҳаёти йилномаларида ёзилишича, дунёда ўша йиллардаги Лукка оркестридан кўра уюшганроқ, салоҳиятлироқ оркестр бўлмаган экан. Лукка қизгин мусиқий ҳаёт қамровида яшашни бошлади. Паганини барча опера томошаларида Лукка театрининг дирижёри сифатида иштирок этади, саройда созандалик қилади ва ҳар ўн беш кунда катта концерт беради.

Паганини Луккада бўлиб турган дастлабки ярим йил икки муҳим ҳодисани ўзида мужассам этади.

Князхонининг ўзига бу қадар эътиборли бўлишида кимнингдир пинҳона дўстларча таъсири борлигини Паганини яхши тушуниб турарди. Бир куни у сарой соҳибасининг яширин дўстини кўриб қолди. У ўша — Никколонинг бир пайтлардаги Арמידаси эди. Аёл мислсиз даражада гўзаллашиб кетган бўлса-да, Никколо уни дарҳол таниди. У томошахонанинг биринчи қаторидан жой олди. Унинг князхоним билан шивирлашиб сўзлашаётганини кўргач,

уларнинг саройдаги сийқа мулозаматларга алоқадор бўлмаган яқин дугоналар эканини англади. У танаффус пайтида ўзининг қутқарилишига сабаб бўлган аёлни, албатта кўриш истагида эди. Паганини ҳеч қандай хаяжонни ҳис этмади, у хордиқ вақтида актёрлар пардозхонасига кириб, кўзгуда ўз аксига ҳайрат билан тикилди ва қўлқопини ечиб, кичик миз олдида туриб қолди. Бурманланган тўр ёқасини тўғрилаб, пешанасига тушиб қолган сочларини орқага таради-да, янги жуфт қўлқопини кийди ва хонадан чиқди. У томошахонага йўл олди, қаторлар оралаб юрди, аммо биринчи қаторда на князхоним ва на дугонаси бор эди. Князхоним бош оғриғини важ қилиб, операнинг тугашини ҳам кутмасдан кетиб қолибди.

Кўпдан бери висолини кўрсатмаган соҳира яна пайдо бўлди, Паганини шунини ўйлаб қолдики, у ўтган давр ичида ўша жонон кечган онларини деярли эсламабди ҳам. Бу сафар у ташриф буюрган Лукка буткул бошқа шаҳарга айланганди.

Ўша даврда Паганинининг ҳаётини остин-устун қилиб юборган яна бир муҳим ходиса — бир қатор миш-мишлар ва ғийбатларга сабаб бўлган австрия газетасининг пайдо бўлгани эди. Газета Луккада аввал рухонийлар ихтиёрида пайдо бўлди, кейин эса мусиқачиларнинг қўлига тушди. Паганини ўзига қадалган синчков нигоҳларни сезиб қола бошлади. У кўпинча ўз дўстларидан бирортаси томон ўгирилар экан, тўсатдан, ўзига тикилиб турган одамнинг хавотирли кизиқувчанлик учқунини шошилишч сўндиришга уринаётганини пайқаб қоларди. Паганини гап нимада эканини билиб олгунича, орадан анча вақт ўтиб кетди.

Шимолий Италия газеталарининг ҳаммаси веналик бир мухбирнинг мақолалари билан тўлиб кетган, унинг ёзишича, Италияда бутун дунёни ҳайратга солишга қодир бир скрипкачи пайдо бўлган, бундай скрипкачини ҳали қурраи замин кўрмаган экан. Ўша скрипкачи — Паганини, сургундан қочган ашаддий жинойтчи бўлиб, ҳанузгача ҳокимият томонидан ҳибсга олинмаган. Унинг кўнглида виждонга қарши, динга ва ҳатто инсоний қонунларга қарши ножўя хатти-ҳаракатлар устуворлик қилади, зеро бу скрипкачи ўз хотинини ўлдирган қотилдир.

Ҳеч ким изоҳ учун скрипкачининг ўзига мурожат этмади. Паганинини қитмир саволлар билан безовта



қилганлари ҳам йўқ. Фақат князхоним унга нисбатан қуруқ ва совуқ муносабатда бўла бошлади. Хали ҳам скрипка чалишни ўргана олмаётган княз эса машғулотларга сидқидилдан қатнашни қанда қилгани йўқ.

\* \* \*

Луккалик маркабчининг кира аробаси Паганинини Армиданинг асирлигидаги бахтиёр қуналари ўтган маконга олиб кетмоқда. У дарвозани тақиллатганига жавобан қўпол бир ўшқиришни эшитди. Паганини янги боғбонни — ғазабнок, ёқимсиз нигоҳли, серсоқол, букчайган бир чолни кўрди. Чол бекақизнинг аллақачонлар бу ерда яшамай қўйганини айтди. У қўли билан ишора қилиб, тамбалари михлаб ташланган эшикни, қопқалари ёпиб қўйилган дераза табақаларини кўрсатди. Паганинининг бахтларга тўла қуналари ўтган уй энди ҳақиқатан ҳам кимсасиз эди.

Демак, Армида шаҳарда яшаётган экан. Лекин нима учун шу ўтган вақт ичида ва у Лукка театрида кўриниш берган қундан кейин бирор марта ҳам маъшуқасини бошқа учратмади?

Паганини Луккага қайтгач, уйига кириб, ўзига таниш дастхат билан ёзилган мактубни топди. «Мен билан учрашишга интилманг. Сизни ҳануз илгаригидай севаман, аммо бизлар энди минбаъд кўришмаслигимиз лозим ва лобуд»... Бу хат унинг қасрга қилган ташрифига жавобан ёзилганмикан?

Оқшомда, концерт пайтида у яна биринчи қаторда ўтирган хушторига кўзи тушди. Биринчи скрипка концертидан кейин князхоним ўрнидан туриб томошахонани тарк этган бўлса-да, дугонаси шу ерда қолди.

Князхоним Баччокки мусиқани ҳис этишда фавқулодда муросасиз бир асабийлиги билан ажралиб турарди. У Чимарозанинг ва Моцартнинг мусиқасини ҳар ҳолда тингларди, Паганини бошқараётган оркестрни эшитмоқда эди, аммо буюк скрипкачини ранжитишни истамаган ҳолда, унинг бевосита ижросидаги ҳамма нарсани ҳам тинглайверишни хуш кўрмаслигини очиқ айтар эди. Унинг сўзлари самимий эди ва Паганини князхонимнинг сўзлари рост эканига шу қадар ишонар эдики, аста-секинлик билан уларнинг ўрталарида илиқ дўстона муносабатлар қарор

топа бошлади. Бироқ аҳли сарой бу борада князхонимнинг қўнгли Лукка оркестри биринчи скрипкачисининг истеъдодига нисбатан совиб бўлгани ҳақида шивирлашишга мойил эди.

Паганини ўз хушторининг истагини бажо келтирди. У билан учрашиш имконини излашдан тийилди.

Орадан икки ҳафта ўтди. Ўша аёл ҳақидаги хаёллар уни тарк этмади ва тобора кучлироқ эхтирослар ила қайта-қайта шуурини эгаллайверди. Азобли бу туйғудан қутулиш учун Паганини яна ўша — ҳаётининг энг қалтис даврларида юкинадиган чорага мурожаат этди. У ўз хиссиётларига мусиқий кифа бахш этди. Сабрсизлик билан бир мусиқий дил изҳорини оҳангларга кўчирди ва уни кейинги концертидаёқ иккитагина торда ижро этди. Пйесани у «Венера ва Адонис» дея номлади. Икки торнинг суҳбати шаклидаги бу муҳаббат бахти ва қайғусининг ифодаси жўшқин бир мусиқий кўтаринкиликда вужуд топди.

Бундан қаттиқ таъсирланган тингловчилар унинг такрорий ижросини талаб этмоққа бошладилар. Паганини истакни рад этди. У сахна четига яқин келди, скрипкасини ерга қадар туширган кўйи қад букиб таъзим қилди ва ўзидан ўн қадамлар нарида ўтирган аёлнинг қарочўғларига нигоҳини нисор этди: у ижро пайтидаёқ аёлнинг лабларидаги табассум аста-секин жон таслим қилаётганини, кўзлари оламни ютиб юборгундай каттара борганини лаззатланиб томоша қилди, бу чехрадаги ҳар бир ҳаракатни назаридан ўтказиб турди.

Князхонимга рашк неъматни бегона эди. У буюк скрипкачига табиат инъом этган афсонавий, ўхшаши йўқ бу бадбурушликни кўргач, вужудини нафрат титроғи эгаллади. Аммо у Паганинининг сурбетларча қилган адабсизлигидан ўзини ҳақоратланган хис этди: бу машшоқ унинг хузурида томошахонадаги қандайдир бир хонимчага тийиксиз бир мойилликни намойиш этди. Холбуки ўша аёл князхонимнинг дугонаси эди. Эртаси куни Паганини княз билан машғулот ўтказиш учун саройга ташриф буюрганида князхоним ўзини тутиб тура олмади. Скрипкачининг итоаткорона таъзимига жавобан эътиборсизгина бош ирғаб, киноя билан сўз қотди:

— Сиз иккитагина торда соз чалиб, ўз салоҳиятингиздан ҳам ўтиб тушдингиз. Айтишларича, сиз бу санъатни қамокхонада ўзлаштирганмишсиз?

— Ҳазрати олиялари, камина ҳеч қачон ҳибсда бўлган эмас, — жавоб берди Паганини.

— Лекин назаримда Паганинидай мусиқа даҳосига биттагина симтор ҳам кифоя қилади.

Созанданинг миясига қон уриб кетди. Унинг битта торда куй чалгани ҳақидаги фитна-бўхтонлар демак Баччокки қасригача етиб келибди. Скрипкачи аччиқомуз гапга захарханда жавоб қайтарди.

— Ҳазрати олияларининг истаклари кейинги оқшомдаёқ бажо келтирилади.

— Сиз шошмасангиз ҳам бўлавереди, — деди князхоним. — Мен бугун жўнаб кетяпман. Аммо қайтганимдан сўнг Паганинининг битта симтордаги ижросини тинглаш иштиёкидаман.

15 август куни Франция ҳукмдорининг туғилган куни байрам килинди.

Тонгда князхоним ҳукмдорнинг котибиятидан хатжилд қабул қилиб олди. Бу унинг Тоскания ҳерцогхоними унвонига мушарраф бўлганининг расмий тасдиғи ҳамда туғишган акаси бўлмиш Наполеон Биринчининг унга Луккани дарҳол тарк этиш ва Флоренсияга кўчиб ўтиш тўғрисида юборган фармойиши эди. Ўша тонгдаёқ Паганини ҳам хатжилдида ҳерцоглик тожининг тамғаси туширилган ҳужжат олди.

Бу унга ҳерцог хоним гвардиясининг капитани унвони тақдим этилгани тўғрисидаги шаҳодатнома эди.

Оқшомга қадар Лукка ҳарбий тикувчиси унга зарҳал уқали ҳарбий хос кийим тикиб кийдирди. Ва, мана, тунги соат ўн бирда фарангилар ҳукмдори ўзининг ўттиз тўртинчи куз фаслига қадам қўйгани муносабати билан уюштирган байрам тантаналаридан сўнг, енгининг қайтармаларига ва ёқасига зарҳал ипак билан асалари тасвири кашталанган ҳарбий кийимдаги қалин қора сочлари бошини қалпоқ мисоли ўраб олган, пайлари дарахт шохлари каби бўғин-бўғин бўлиб кетган қоқсуяк, узун қўлли, озғин одам саҳнага чиқиб келди. Унинг қўлидаги скрипкага фақат биттагина симтор тортилган эди.

«Наполеон» дея номланган қахрамонлик сонатаси — кенг камровли, тантанавор, ғолибона рухли бу асардан тингловчиларнинг нафаслари ўпкаларига тикилиб қолаёзди. Уларга гўё кўплаб скрипкалар чалинаётгандай туюларди, ваҳоланки скрипкачи ўз камонини фақат виолончелнинг биттагина бас тори устида юргизаётган эди. Ўша оқшом Луккада бирорта эски ҳокимият тарафдори, бирорта такводор католик ойимча йўқ эдики, бир овоздан, ваҳима билан, ғазабнок ёки нафратланган бир алпозда Лукка аҳлининг иблис измига тушиб қолгани, битта торли соз чалган анави қора капитан худди ғолиб қўшинларини олға бошлаб бораётган, байроқларини хил-пиратиб, жанговар мадҳияларнинг садоси остида Оврўпа тушроғини миллионлик лашкарлари оёғи остида топтаётган ҳукмдор генерал каби инсониятни мислсиз бир васвасага солмоқлик мақсадида князхонимнинг адютанти қиёфасига кириб олган иблис эканини эътироф этмаган бўлса.

Князхоним қарсак чаларди. У қўлқопини йиртиб ечди-да, уни ерга улоқтириб оппоқ қўллари билан чапак уришда давом этди. Унинг эри қўлқопни олиш учун пастга энгашди ва дарғазаб вишиллашни эшитди:

— Ҳозироқ анави қаролни бу ердан йўқотинг. Мен унга гвардия капитани унвони учун шаҳодатномани ўз марҳаматимни намойиш этиш учунгина юборган эдим. У эса ҳарбий хос кийимни энгига илиб олишга ҳам улгура қолибди. Одоб-ахлоқни билмаган мансабпараст.

Худди айнан шу фикрнинг ижроси сифатида, Паганинининг саҳнага кейинги чиқишида пастдан аллакимнинг бакириғи эшитилди:

— Маэстро, хизматкорларнинг коржомасини ечиб ташланг!

Паганини бу гапдан бир қалқиб тушди. Эҳтиётсизлик билан камончасини пултга уриб олди ва ноталарни тушириб юборди. Уларнинг ҳаммаси томошагоҳ томон сочилиб, биринчи қатордаги курсилар тагига ёйилди. Иккинчи пйесани Паганини ноталарсиз ижро этди, аммо энди яна бир ножўя ҳаракат билан попитрни ағдариб, оқибатда шу қарсиллаш орасида шамлар ҳам ўчиб қолди. Во ажаб, мўъжизани қарангки — скрипка барча мана шу тасодифий товушларни ҳам беқиёс бир сеҳр билан ифода

этиб бердики, Паганинининг барча ноўрин ҳаракатлари томошагоҳдагиларга гўёки аввалдан ёзиб қўйилган дастур бўйича атайин ижро этилгандай туюлди. Қўркувга тушган ва сеҳрланган омма ўзининг ғазаб-нафратини ҳам ичига ютди-қўйди. Скрипкасининг санъатига мағлуб бўлган томошабинлар унинг ноҳўя қилмишини ҳам унутдилар.

Дастур тугаганидан сўнг ҳам князхоним қарсақ чалишда давом этаверди. Унинг дастёри саҳнага югуриб чиқиб, Паганинига яқинлашди ва шивирлаб деди:

— Ҳазрати олиялари сизнинг дарҳол томошахонани тарк этишингизни ва фуқароларнинг қора либосини кийиб, тезда яна қайтиб келишингизни буюрмоқдалар.

Паганини бошини бироз орқага эгганича, ғурур билан жавоб қилди:

— Менинг шаҳодатномам бор. Бу хос кийим менга тақдим этилган.

Гвардия полки бошлиғи ўзига мурожаат этганида капитан дея атамагани ҳам Паганинининг нафсониятига тегди. У ўз аҳволдан қулган қўйи, тақдирига тан беришни истамасдан, полк бошлиғига совуқ назар ташлади ва қўпол оҳангда деди:

— Мени капитан дея атамасликка қандоқ журъат этдингиз?

Паганини ўз скрипкасини эҳтиётлаб туришни оркестрдаги ёш бир чолғучига топширди. Саҳнадан тушиб, катта қадамлар билан томошахона томон юрди ва дўстларининг гоҳ униси, гоҳ бунисининг қўлини қисиб ўтаркан, таъзим ва қарсақларга бош силкиб жавоб қайтариб борди. Озғин, кураклари туртиб чиққан, елкалари чўккан бу одам бетўхтов силкиниб бораркан, ён-атрофидаги хонимларни суҳбатга тортиб ўз хаяжонини яширишга уринаётган князхонимга қасддан кибрланмоқда эди. Сарой канизи қўлини кўтарди. Князхонимнинг ёнида турган фаранги зобит тантанавор равишда эълон қилди:

— Подшоҳимиз Наполеон аъло ҳазратлари ўз таваллуд айёмлари муносабати билан князхоним Баччоккига буюк Тоскания херцоглигининг улуғ херцогхоними унвонини тақдим қиладилар. Ҳазрати олияларининг Флоренсия шаҳрида истиқомат қилмоқликлари ихтиёр этилди.

Оркестр садолари охириги сўзларни қўмиб юборди. Томошахонани баланд товушларда изҳор этилган табрик

қийқириклари босиб кетди. Паганинининг қулоқлари енгил бир ҳаракатни пайқади-ю, у ортига ўтирилди. Сарой канизи заҳарханда ва нозик бир кичик билан унга шивирлади:

— Жаноб Паганини, ҳазрати олиялари дархол даф бўлишингизни буюряптилар.

Паганини чуқур таъзим қилди ва қўлини каниз хонимга узатди. Бир пайтнинг ўзида унинг чап қўлини ҳам, ўнг қўлини ҳам тутди-да, икковини ҳам лабларига узок вақт босиб турди.

Байрамнинг рақс қисми бошланди. Тоскания ҳерцогхоними учинчи жуфтликда ўзининг сарой канизи билан рақсга тушаётган Паганинига қаҳр-ғазаб билан тикилди, лекин ўз обрўсини туширмаслик учун биронта қалтис ҳаракат билан буни сездириб қўймасликка уринди.

Бутун оқшомда Паганини ниҳоятда хушчақчақ юрди. Ҳерцогхонимнинг ёнига бир марта ҳам яқинлашгани йўқ. Сарой ахлоқ урфи бўйича ҳерцогхоним меҳмонларга сўнгги таъзимни адо этиб, хайрлашиб кетишидан бир неча дақиқа олдингина Паганини томошахонадан ғойиб бўлиб қолди.

Шундан уч соатлар ўтиб шимолга томон йўлда кира ароба елиб борарди.

«Афсус, ёнимда Гаррис йўқ-да, — ўйларди Паганини, — йўлда мириқиб кулишиб кетган бўлардик». Гаррис унинг мактубларига жавоб бермаётганди. Гаррисни қайси сиёсий шамол қайси томонга учириб кетди экан? Никколо сафар ёпинчигига қанчалик бурканиб ўралиб олишга уринмасин, хос ароба ичида ичкарироқ жойлашиб олишга ҳаракат қилмасин, одамлар ўзини таниб қолмасликлари учун қилган барча уринишлари зое кетди: Брешиа маркаб бекатида сайёҳларнинг гуруҳига Луижи Таризио исмли киши келиб қўшилди. У Паганинини шу ондаёқ таниб қолди ва унинг яширин шахсини хос аробанинг саккизта йўловчиларининг барчасига ошкор қилиб қўйди.

Жаноб Таризио атрофдагиларда тажрибали саёҳатчи, гўёки хос аробада туғилиб, кира аробада яшаб келаётган одам тасаввурини уйғотарди. Бир пайтлар сайқал берилган, лекин йиллар ўтиши билан юзаси қирилиб кетган, эскирган, оғир қулфлар илинган япалоқ қутилар кира аробанинг устки юкхонасини тўла эгаллаганди. Жа-

нобнинг ёнидаги сафар буюмлари камарига қистирилган тўппонча, бир чирпит шароб, катак-катак тасвирли бўйин рўмоли ва кенг шляпа билан қўшимча бутланганди. Бу одам ўзи ким — Жан Бартми ёки «Қирол Қуёш» даврлари қароқчилариданми? Ё италиялик скрипка олиб сотадиган чайқовчимми? (жаноб Луизи Таризио аслида ҳам скрипкафуруш эди). Таризио Италиядан Францияга олтимиш бешинчи марта сафарга отланиши эди. Унинг мақсади — Париж. Паст овозли бу хушчақчақ одам жуда ёқимтой ҳамроҳ бўлиб чиқди. У барча маркабчиларни исм-шарифлари билан танир, ҳамма отларни лақабигача биларди, қайси хос ароба қачон, қайси темирчилик уста-хонасида таъмирланганидан хабардор — барча шаҳарлар, маркаб бекатлари, қишлоқларнинг номланиши, у ёки бу мазгилнинг ҳомийси бўлмиш ҳамма авлиёларнинг исмлари унга беш қўлдай маълум эди. У бирорта черков қўнғироғининг бонгини эшитиши биланоқ, бу черковнинг қандай номланишини айтиб берарди.

Таризио Италия черковларини айланиб чиқар, шаҳарлардаги оркестрларнинг, черков хорларининг дирижёрлари билан, қишлоқлардаги, қўрғонлар ва кичик манзиллардаги черков хорларининг раҳбарлари билан таниш-билишчиликни йўлга қўяр, тугатилган ибодатгоҳлардан қолган мол-мулкларни кўздан кечириб, арзонгаров сотиб олар, ҳамма ерда вакиллари ва дўстлари борлиги боис, белгиланган вақтда уни қизиқтирган ҳар қандай буюмни маркаб бекатига олиб чиқиб туришарди. У эса шу ернинг ўзида, отларни алмаштириб, эгар-жабдуқ уриб тургунларига қадар савдолашиб, нархларни келишиб улгурарди. Ўткир кўзлари, чакқон қўллари, ҳар доим вақтини соф ҳавода ўтказадиган одамларга хос бўлган соғломлик уни бошқалардан ажратиб турарди. Тиниқ мовий кўзлари, истегаган одами билан дўстлашиб кета олишга ёрдам берувчи гапга чечанлиги, муомаласи унга скрипкаларни сувтекинга сотиб олиш имконини берарди.

Тунда бўладими, кундуз пайтими, отларни ёки араваларни алмаштириш пайтида жаноб Таризио мол-мулкини ўзи ташиб кўчиради, кира аробанинг тепасини мойланган мато билан ўзи ёпади, жут арқонлар билан ўзи чирмаб боғлайди. Божхоначилар ўзларини сидқидил хизматчилардай кўрсатиб, сайёҳларнинг юklarини титиб ташлайдиган

жойларда эса, у аробадан ташқарига чиқади. «Италияда божхона чегаралари ҳар қадамда ўрнатилган», — дейишарди ўша даврларда фаранги зобитлари. Хуллас, бу мамлакатнинг ҳар бир бўлак ери Оврўпанинг тожсиз қолган шахзодалари мулкига айлантирилиб, ҳар бирининг албатта ўз божхонаси бор эди. Жаноб Таризио эса ҳар бир божхоначининг исми шарифи, қариндош уруғларию, етти пуштигача муфассал билиб олганди.

Агар қизил ёки оқ женсано шароблари қуйилган чирпитлар майда ўлкачалар миршабхоналарининг чегара олди божхонасига кириб қолгундай бўлса, эгаси ичкиликни уриб синдиргани ёки тасодифий ҳамроҳлари билан ичиб қўяқолгани маъқул. Қўшни юртларга шароб сотишга имкон берилмагани боис, тосканиялик мусалласпазлар минглаб бочка аъло нав кйантилари тўкиб ташлашга мажбур бўлдилар. Чунки бунчалик катта миқдордаги мусалласни тоскания аҳолисининг ўзи ичиб тугатиши амри-маҳол эди. Бир-бири билан ўзаро ёвлашиб ётган майда давлатчалар, князликлар, херцогликлар, графликлар бир-бирларидан миршаб тифлари билан ихоталаниб олгандилар, ҳаммасининг устидан австрия паспорт тизими ҳукмронлик қилар, аммо жаноб Таризио байлашган кира ароба чегараларни кесиб ўтаётганида эса уларнинг барчаси унинг қаршисида ночор қоларди.

Бу чапдаст тожир нафақат ўз скрипкалари билан божхонадан эркин ўтиб кетишга, ҳатто, баъзан ижозат этилмайдиган ашёларни Тоскания херцоглиги худудидан олиб кетишга уринган яқин дўстларини ҳам чегара орқали ўтказишнинг имконини топишга қодир эди. Энг хавфли юк — жўнатмалар идоралари махфий ходимларининг қўлига тушиб қоладиган мактуб қопчиқлари эди. Минг ёки икки мингта елимлаб жўнатилган хат бундай сайёҳнинг ўз ҳаётини Мантуянинг чуқур зиндониди ёки олис Моравиянинг Шпилберг қасридаги махфий ҳибсхонасида якунлашини таъминлаб берган бўларди.

Жаноб Таризио эгаллаган кира аробада хотиржам ва бежавотир кетиш мумкинлигини тажрибали сайёҳлар яхши билар эдилар. Бу қанчалик хайратланарли бўлмасин, скрипкафуруш тужжор Австрия ҳокимиятининг божхона рўйхатларига киритилмаган эди: эҳтимол, Оврўпадаги барча оркестрлар, опералар, сарой капеллаларининг бу-



тун Италия бўйича ягона воситачиси жаноб Таризио хозирча Австрия миршабхоналарининг диққат-эътиборига тушмагани бунга сабаб бўлгандир. Балки ўша замонлардаги жодугар бувиси ўзининг бу нуфузли набирасини бало-қазолардан асровчи дуо билан божхона назоратидан ҳимоялагандир. Алҳол, нима бўлганда ҳам жаноб Таризио барча божхона ҳудудларидан ҳеч қандай монеликсиз ўтиб кетаверарди. Италиялик савдогарлар дарёнинг нариги томонида яшайдиган қўшнисининг тўй зиёфатига чегара ҳудудидаги кичкина кўприкчадан нордон хонаки мусалласни олиб ўтиш учун берадиган арзимаган миқдордаги порадан кўра, жаноб Таризионинг тақиқланган товар ҳисобланмайдиган скрипкалари учун чегарадан ўтиш вақтидаги тўлайдиган пули анчагина қийматли экани божхоначиларни кўпроқ қувонтирарди.

Жаноб Таризио Тиролда қадимий олмон усталари ясаган скрипкаларни харид қиларди. Ҳозир ҳам Тирол унинг Парижга бориш йўлидаги энг асосий мазгил бека-ти эди. Жаноб Таризио тийиқсиз бир вайсакилик билан ўз сафардошларига Париж ҳақида сўзлайди. У Крейцер ҳақида, ажойиб инсон бўлмиш Байо афанди ҳақида завқланиб гапирарди:

— У — замонавий скрипкасозлик маҳоратининг ҳукмдори. У — скрипкачилик санъатининг барча сир-асрорларини эгаллаган одам.

— Байо дедингизми? — сўради ундан Паганини. — Менга айтишларича, дунёдаги энг яхши скрипкалар жамланмаси Парижда жойлашган эмиш. Байо ўзининг созандалик ҳаётини Людовик Ҷн Олтинчининг — қатл этилган фаранг қиролининг сарой скрипкачиси сифатида бошлаган экан, ҳозирда эса подшо Наполеоннинг биринчи сарой скрипкачиси эмиш.

Таризио бунни тасдиқлаб бош ирғаб қўйди.

— Скрипкалар тўплами ғойиб бўлди, — деди у. — Агар Франциянинг ҳозирги — ўзини инқилобчи қилиб кўрсатаётган ва айни пайтда тангри амрининг ижрочиси бўлмиш ҳукмдорининг иродаси бўлмаганида эди, Франциянинг барча буюк санъатлари нобуд бўлиб кетган бўлурди.

Таризио силлиқ гапирар, дум-думалок, чиройли кўзларини пирпиратиб сўзларди. Паганини бу одамнинг хар

бир сўзи ҳамда ҳаракатларини диққат-эътибор ва қизиқиш билан кузатиб ўтирарди.

Пиза билан Флоренсия оралиғида тоғ йўлларидаги силкинишларлардан толиққан йўловчиларни уйқу элита бошлади. Жаноб Таризио кўзларини юмди-ю, лекин кундузи уйқуга кетмаслик одати устун келиб, мудроқни қувди. Паганини унинг кира ароба тепасидаги дарчага диққат билан тикилиб, орқа ўриндикда ўтирган иккинчи аравакашнинг юзига разм солганини пайқади. Сўнг, у хотиржам тортгандай бўлиб, чарм муқовали, олтин суви билан хошияланган, мис илгак тақилган китобни қўлига олди. Паганини китобнинг қизил симоб куйиндиси ва зарҳал билан безакланган сарлавҳасини ўқиди. Бу Сивилланинг ердаги ўзгаришлар ҳақидаги, Цигеноннинг Ер куррасида юз бериши қутилаётган буюк ислохотлар тўғрисидаги хабарлари билан тўлдирилган китоби эди.

«Бу жаноб, — ўйлади Паганини, — зохиран содда кўрингани билан, ўзи анойилардан эмас экан!».

Ҳақиқатан ҳам, Паганини жаноб Таризиони суҳбатга тортиб кўргач, унинг оддий савдогар эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Жаноб Таризио Оврўпа тарихида юз берган барча воқеаларни Ер қобиғи остида юз берган ходисалар билан алоқадорликда, сайёралар ва юлдуз туркумларининг ҳаракати билан боғлиқликда деб биларди. У ўзи ўқиётган китобга Паганини қизиқиш билан қараётганини сезгач, керакли саҳифасига тирноғи билан чизиқ тортдида, уни Паганинига узатди.

— Эътибор беринг-а, жаноб, — деди у, — охириг учта юзйилликда Римда улкан сув тошқинлари юз берган, Тибр ўзанидан тошиб чиқиб, ўз йўлидаги барча ер-мулкларни вайрон қилган. Аҳамият беринг, минг етти юз етмиш иккинчи йилда тўхтовсиз ёғган ёмғир нақ беш ой давомида, хатто бир дақиқага ҳам тинмаган. Айниқса шунга диққатингизни қаратингки, бизнинг Апеннинда жойлашган ўлкаларимизда катта zilзилалар доим сиёсий ларзаларни бошлаб берган. Агар сиз кеча ҳукм чўққисида турган бўлсангиз, эртага хору зорлик жарининг тубида бўлишингиз ҳеч гап эмас. Чунки тоғларнинг юзаси ва денгизларнинг тубликлари ҳам ўрин алмашиниб туради. Бирлари кўтарилса, бошқалари пасайиб боради. Денгиз

туби тўсатдан юкорига ўрлаб, юксак чўққилар сатҳигача кўтарилади, уммон остидаги махлуқлар эса парвардигорнинг иродаси билан кўз ўнгингизда намоён бўлиб қолади. Тўғри, уларнинг ҳаммаси қирилиб кетади, аммо уларнинг рухи ҳукмдорларнинг вужудларига жойлашади. Мана нима учун денгизлар қуриб, уларнинг ўрнида пайдо бўлган юртларда ваҳший, мустабид ва жинояткор ҳокимлар пайдо бўлади. Улар юрагидан иблисона кибрга жой бериб, тангри марҳаматини унутган тоғлик аҳолининг ўрнига келадилар. Бир эслаб кўринг-а, йигирма йилгина муқаддам бутун Италия бўйлаб, Сицилиядан Истриягача ва ҳатто Трийестагача юзлаб шаҳарлар вайрон бўлганди, юзлаб одамлар зилзиладан бузилган уйларининг остида қолиб, ҳалок бўлишган. Мессина вайронага айланди, буюк ва ажойиб шаҳардан ҳеч нарса қолмади, ҳаммаси олти дақиқада нобуд бўлди. Калабрияни ташкил этган уч юз етмиш бешта шаҳар ва қишлоқлардан уч юз йигирматаси йўқликка равона бўлди, улардан юз ўттизтасини ер ютиб кетди. Бутун бошли подшоҳликлар ва шаҳарлар таназулга юз тутган, қироллар тахтдан қулаб, йўқсиллар ҳукм соҳибига айланган бир пайтда, тарих тўфонларида йўқолиб, борса келмасга равона бўлгувчи биз каби фақирлар ким бўлибди?! Муқаддас китобда: «Соҳибид қудратлар тахтларидан маҳрум этилгайлар, итоаткор сабр эгалари марҳаматга ноил бўлгайлар», дея бежиз айтилмаган.

«Бонапарт жанобларини итоаткор дея аташдан тийилган бўлардим», — ўзича ўйлади Паганини.

Флоренсия дарвозаларига яқинлашдилар. Оқшом тушиб, водий бўйлаб қўнғироқларнинг ёқимли жаранглари таркала бошлади. Улкан ғилдиракли аравалар чанг йўлда нижирлаб чайқалиб боради.

Баногоҳ уларни қувиб ўтаётган қўшк ароба мугуз сурнайининг жарангдор овози Паганинининг диққатини тортди.

Тўртта от қўшилган англияча русумдаги кичкина шинам қўшк ароба қўпол кира аробани қувиб ўтиб, худди атайин қилгандай, пастда, тоғнинг нишаблигида жойлашган чегаранинг шундоққина ёнида йўлга қўндаланг туриб қолди ва ўтиш жойини тўсиб қўйди. Бу ҳолат шу ондаёқ Паганинида, бу — қувғин, деган фикрни уйғотди.

Хақиқатан ҳам кира аробанинг тўхташига тўғри келди. Паганини ёпинчивига бурканиб ўранди, шляпасини кошларигача туширди ва жаноб Таризиодан мабодо Паганини ҳақида сўрашса, бу ерда унақа одам йўқ, деб айтишни илтимос қилди. Аммо алал-оқибат барча эҳтиёт чоралари беҳуда бўлиб чиқди.

Тоскания ҳерцогхонимининг сарой канизи — Белжойозо хоним шундайин бир хужумкор тадбир қўллагандики, унга қаршилиқ кўрсатишдан ҳеч қандай наф йўқ эди. Энди кулгили вазиятга тушиб қолмаслик учун ёпинчиқни ташлаш ва шляпани ечишдан ўзга чора қолмади.

Хонимнинг эътироф этишича, Тоскания ҳерцогхоними ҳазрати олиялари жаноб Паганинини кечирмоқликка ва у содир этган номақбул қилмишни ҳеч қачон, ҳеч бир вазиятда эслатмасликка рози, лекин...

Кўшк аробадан ўзи тушиб, кира ароба ёнига келгани боис киборлар ахлоқи нуқтаи назаридан номуносиб бир адабсизликка йўл қўйган хонимни кўриши биланоқ, Паганини унга пешвоз чиқиб, қилмиши учун изоҳ бермоқлиги лозим эди. У ўзини ниҳоятда ноқулай сезарди. Хоним ҳам фаросатли, оқила аёл. У Паганини тушиб қолган вазиятнинг қанчалик оғир эканини жуда яхши тушуниб турар ва шу боисдан ҳам уни мазахлаб, жарангдор ва беаёв кулги билан шарақлаб қаҳқаҳа урарди. Паганини ҳам унга ҳамоҳанг тарзда ўзининг устидан кула бошлади. Бу аёл билан самимий бўлиш мумкин эмаслигига у аллақачон ишонч ҳосил қилиб бўлганди, шу боис унга ўзининг албатта қайтиб боришини, аммо ҳерцогхонимнинг кутилмаган ғазабидан кўрқиб кетгани туфайли ўзига келиб олиши лозимлигини айтди. Паганини ўз сўзларининг самарасини кўрмоқлик учун бир зумга гапиришдан тўхтади. Хонимнинг ишончсиз боқаётганини кўргач, мулойим оҳангда айёрона ялтоқланишга ўтди.

— Ҳазрати олияларининг хизматида бўлмоқлик камина учун ер юзидаги жамики бурчлар ичидаги энг олий саодат, — деди Паганини. — Аммо мен аввал Флоренсияда ўнта концерт бераман ва шундан сўнг, албатта қайтаман. Аҳволимни тушунинг, ҳазрати олиялари олдидаги қилмишимнинг гуноҳини ювишим учун менга озрок оралиқ муҳлат керак бўлади.

Жаноб Таризионинг Ер қуррасидаги ўзгаришлар, денгиз тубининг қўтарилиши ва тоғ чўққиларининг чўқиши ҳақидаги сўзлари Паганинининг миясидан чиқмай қолди. Унинг учун энди Луккага қайтишнинг кизиғи қолмаганди. Аммо бошқа томондан олиб қараганда, ҳерцогхоним тез орада албатта Флоренсияга бориши шубҳасиз. Кутилмаганда Паганинининг хаёлига ғаройиб бир фикр келди. У ҳерцогхонимнинг вакиласига ўз қарорини билдирди:

— Камина қуллари ҳазрати олияларининг Флоренсияга ташриф буюришларини итоат ила кутишини ул зоти аълоларига етказиб қўйсангиз.

Паганини ёндафтарчаси билан битта хатжилд олди.

Дафтарчадан бир варақ йиртиб олиб, бир неча сатр ёзув битди ва хатжилдни муҳрлаб, мактубни хонимга топширди. Ярашув битими қарор топди.

Кира ароба яна йўлида давом этди. Жаноб Таризио қўнокхонада тинч ва хотиржам ҳордиқ олиш имкони ҳақида хаёл сурганича мириқиб эснади.

Эҳтиёткорлик юзасидан мактубнинг мазмуни билан танишишга қарор қилиб, хатжилдни очиб қўрган Белжойозо хоним ғазабга келди. Паганини ҳерцогхонимга шундай ёзганди: «Камина боши қабр тупроғига теккунига қадар сиз ҳазрати олияларининг ҳукмингизда бўлмоқликдан масрурдир. Аммо бўлиб ўтган воқеотлар қулингизни шу қадар изтиробга туширдик, энди бу кўнгилсизликларни унутиш учун зарур бўлган энг кам муҳлатни мен саксон, ёнким тўқсон йил этиб белгилайман. Ушбу муддат давомида сиз ҳазрати олияларини кўрмаслик бахтига мушарраф бўлмоқликдан мамнунман». Белжойозо хоним мактубни дарҳол йўқ қилди. Паганини ўз ваъдасини бажаришига унинг ишончи комил эди, Флоренсия унинг учун шунчаки отларни алмаштириш манзили бўлади, ҳолос. Янги унвонланган ҳерцогхоним энди ўз дирижёрини ҳеч қачон қайтиб кўрмаслиги тайин. «Андалибни қафасда асрамагайлар, — фикр қилди Белжойозо хоним. — Афсус, афсус. Бу нусха шахримизнинг кўрки эди. Энди бечора ...нинг ҳоли не кечаркин». У Паганини билан яширин ишқий алоқада бўлгани ҳақида бутун Луккага гапсўз бўлиб кетган аёл — машҳур скрипкачининг хуштори тўғрисида ўйламоқда эди.

Паганини Флоренсиядан қайси тарафга йўл олишини хозирча ўзи ҳам билмасди. Узоқ иккиланишлардан сўнг у шимолга қараб юришга қарор қилди. Никколо ўзини беҳол қилаётган чарчоқ билан курашиб, хос аробада гоҳи мудраб, гоҳ бедор кетиб борарди.

У ярим тунда соҳил бўйидаги мўъжазгина қўноқ-хонанинг йўлаги олдида уйғониб, денгиз шовқинини ва аробанинг очиқ деразасига ўзини уриб кирган денгиз шамолининг хуштагини эшитди.

Юлдузлар ва оймаманинг кумуш нурлари тўлкинларнинг оппоқ ўрқачлари устига ҳовуч-ховуч сочиларди.

Кейинги эслаб қолгани эса нохуш бир манзара бўлди: унинг қаршисида буткул нотаниш одамлар туришибди, бирининг қўлида сирка шимдирилган ҳўл сочиқ, бошқаси эса чамаси томир уришини санаяпти.

— Ахволингиз қандай, бироз тузукмисиз? — Паганини тепасида энгашиб турган одамнинг овозини эшитди. — Сиз энди хатардан холисиз, лекин осойишталикка муҳтожсиз, асаб хуружига чалинибсиз.

— Кимсиз? — сўради Паганини. — Биз қаердамиз ўзи?

— Мен шифокорман ва сиз каби йўловчиман. Бу қўноқхона эса «Тўрт шамол карвонсаройи» деб аталади. Хос ароба ўн соатдан кейин жўнайди. Шунга қадар озроқ қувватга кириб олишга ҳаракат қилинг.

Бир қадах ангурий мусаллас шифокор айтган тетикликни бахш этди. Бирор соат ўтар-ўтмас у оёққа туриб кетди.

Табибнинг малласоч ҳамроҳига разм соларкан, Паганини бу одамни илгари ҳам қаердадир кўрганига ишонч ҳосил қила борарди. Аммо бу нотаниш кимсанинг қиёфаси каттагина ўзгаришларга учраганига шубҳа йўқ. Ҳамроҳлар синчков одамлар эмас эди, шу боис Паганини ҳам уларни саволга тутишга ботинмасди. Сухбат чоғида улар бир-бирларини исмлари билан атамас эдилар. Сухбатларининг мавзуси эса чамаси ҳар икковлари учун ниҳоятда муҳим эди — улар кўпроқ нотаблларнинг<sup>1</sup> қурултойи ҳақида сўзлашардилар ва уни гоҳ нотабллар

<sup>1</sup> *Нотабллар* (фр. *Notable*) — 14–18 асрларда Францияда олий руҳонийлар, сарой зодагонлари ва шаҳар мансабдорлари вакиллари — кироладан чакириладиган йиғин — нотабллар мажлиси аъзолари.

мажлиси, гоҳ Лион консултаси деб атар эдилар; яна улар Бонапартнинг ёлғони Италиянинг елкасига қайтадан оғир юк бўлиб тушгани, Франция эркинлигининг бу ўғриси энди Италияда қуллик тузумини ўрнатмоқчи экани ҳақида; Наполеоннинг ўғай ўғли Евгени Богарне Италиянинг қирол ноиби этиб тайинлангани тўғрисида гапиришмоқда эди.

Улар гўёки Паганини хонада йўқдай, бемалол суҳбат қурадилар. Худди бу икки киши дунёнинг қарама-қарши қутбларидан келиб қолишган-у, ўзларида бор маълумотни бир-бирларига етказишга шошаётгандай таассурот уйғонарди одамда.

Эрта тонгда маркаб мугузкарнайининг садоси янгради ва чанг босган, ифлос бир аҳволдаги Милан жўнатмалар аробаси қарвонсарой ҳовлисига кириб келди.

Нотаниш йўловчилар Паганини ҳам уларга ҳамроҳ бўлиб Миланга боришга қарор қилганини билишгач, «жаҳоннинг энг буюк скрипкачиси», — улар Паганинини шундай атардилар, — ўзларига йўлдош бўлиши муносабати билан ўз мамнунликларини изҳор этдилар.

Паганини Миланга боргач, ўзининг концерт беришини эълон қилди. Иккинчи марта у Гаррининг йўқ эканидан афсусланди. Бундай ишларда у ниҳоятда эпчил ёрдамчи эди.

Концертга икки кун қолганида нотаниш ҳамроҳлар яна рўпара келиб қолишди. Улар Паганинини Бинасио қишлоғига сайрга таклиф этдилар. Миландан отланиб чикқач, Бинасиога етиб келиб, қароқчи башара, қорасоқол бир барзанги кимсага отларни топширдилар ва яқин қишлоққа олиб борувчи торгина сўқмоқдан пиёда кетдилар.

Паганини ниҳоят фўлабир малласочнинг исмини билишга муваффақ бўлди. У ўзининг устози Фердинанд Пайернинг эски қадрдони Уго Фосколо эди. Табиб эса миланлик машҳур шифокор Жузеппе Паскарелли бўлиб чиқди.

Ўрмондаги қўнғироқ жарангига бир неча киши тўпланди. Ердаги катта харсангни қўтариб, махфий ертўлани очишди. Унинг остида чамаси яқиндагина тўшаб қўйилган хас-хашакни четга сурдилар. Панагоҳнинг тагидаги темир эшикни қўтардилар. Темир симга мумни

халқа-халқа қилиб ўраб тайёрланган шамни ёқишди (Паганини бунақанги қадимий ёриткични биринчи марта кўриб туриши эди). Ертўлада ўнлаб шундай темиртаёқлар жавонларда кичикроқ тўрқалпоқлар билан ёпилиб турарди, бу симтўрли қалпоқчалар шам алангасини тасодифий шамол эпкинидан асраш мақсадларида, енгил алангаланадиган буюмлар — қанчалик ғалати туюлмасин, мана шу одамларнинг ертўлалар қаъридаги турмушини безатиш мақсадида тутиб қўйилган парда, дарпардаларга тегиб ёндириб юбормаслиги учун қўлланарди. Қачонлардир Паганинига жаноб Франческо Нйекко совға қилган рамзий нишон бу ертўлада дафъатан янгича бир қиммат касб этди. Махфий биродарлик қоидаларига кўра, юқори бўғинда турувчи оға томонидан тақдим этилган бундай нишон муайян бир муддат оралиғидан кейин ўз эгасига кейинги унвон босқичига ўтиш ҳуқуқини берарди.

Мана, улар, ўрмон биродарлари қанақа одамлар экан. Уларнинг ғаройиб ташкилотлари шу экан-да. Ер остидаги Рим, қудуқлар ва ер ости қулбалари, махфий йўллар, Морган буруни ўрмонларидаги панагоҳлар, Калабриянинг тоғ даралари; Сицилиянинг денгиз кўтарилган пайтларда сув босиб, ўтиб билмас қўрғонга айланадиган ғорлари; англияликларнинг тезюрар кемалари, австрия полициясининг қайиқлари ва папа миршабларининг кемачалари қувғинидан соҳил бўйида кўкқисдан ғойиб бўлиб қолгувчи қайиқлар ҳақидаги ҳикояларнинг илдизи шу ерларга келиб тақалар экан-да?!

Ер ости йўллари тармоғининг икки йўналиши ўрта-стидаги нимқоронғи йўлакда турган миз устидаги оқ акас новдаси шу ерда ҳозир бўлганлардан бирига топширилди. Оқ акас шохчасининг тақдим этилиши карбонарийлар орасида алоҳида эхтиром белгиси эканини Никколо шу ернинг ўзидаёқ билиб олди. Шундай унвон нишонини олган биродар карбонарий махфий топшириқ мажбурияти билан умрбодга боғланиб, ташкилотнинг махсус назорати остида бўлади. Оқ акас белгиси унинг зиммасига белгиланган муддатда муайян мустабид тож сохибининг қатлини амалга ошириш вазифасини юқларди. Унинг қўли оқ акас новдасига теккан лахзадан бошлаб, одам ўз-ўзига тегишли бўлмай қолади ва карбонарийлар ташкилотидан чиқиш имкониятини йўқотади. Ва умуман, кўмирчилар



бирдамлиги олачиғининг темир эшигидан қадам қўйган кишининг энди у ердан чиқиб кетиши амримаҳол эди. Бу ташкилотга аъзо бўлиб кирган кишининг ҳаёти, у агар бу ерда юқори нуфузга эга бўла олса, ғаройиб даражада ёрқин мазмун касб этади. Аммо катта венерабл айтганидай, «юкни даст кўтариб олиш осон, лекин уни кўтариб юриш оғир».

Юкнинг ерпарчин бўлиши борбардорнинг ҳалокати эрур.

\* \* \*

Кардинал Руффо ўн уч минг карбонарийни тиедан ўтказди, жанубий кентлардаги минглаб республикачилар қамокларга ташланиб, черков хизматчилари у ерларда жонқуярлик билан маҳкумларнинг ўлим соатларини имкон қадар тезлаштиришга ғамхўрлик қилардилар.

— ...Наполеон кодекси биринчи январдан италия тилига таржима қилинди ва энди қадрдон Италиямизнинг асосий қонуни сифатида амал қилади. Бонапартнинг лайчаси бўлмиш Саличетти танлаб олган миланлик бир пода ноиб эшаклар корсикалик муттаҳамга Италия тожини кийдириш маросимида иштирок этиш учун Парижга жўнаб кетдилар. Фаолиятини дастлаб Австрияга хизмат қилишдан бошлаган кимса, жосус ва махфий Масихий — аллақандай Нови ноиблар таркибига киритилган. Бу одам Италия масонлари, яъни ўзларини «озод фишт терувчилар» — франкмасонлар деб атайдиган махфий ташкилотнинг янги бўғинлари рўйхати далолатномасини ўзи билан олиб кетган. Нови барча махфий жамиятлар фаолиятини ҳукумат ўз назорати остига олишини, лекин карбонарийларнинг ташкилотларини емирмасдан, уларни бошқаришини, ҳар бир яширин ташкилотда, Италиянинг ҳар бир махфий жамиятида етакчилик вазифаси ҳазрати олийларининг хизматидаги махсус ходимлар ихтиёрида бўлишини талаб қилмоқда. Бу шахсларга янги масонлик ташкилотларини тузиш ва юзага келиши мумкин бўлган фитналарнинг ўз вақтида олдини олиш учун италиялик мухолифлик кайфиятидаги ёшларни тутиш ҳамда ҳақиқий ижтимоий вазиятни аниқлаш мақсадларида махфий ташкилотларни кенг ривожлантиришни таъмилаш имконини тақдим этиш керак.

Гапираётган киши гапиришдан тўхтади. Хаммалари саросимада қолдилар: бу ташвишли хабар эди. Нови — Генуя жомеъ черковининг фатвочиси. У Миланга кўчиб ўтди. Уни махфий Масихий дейишган эди, аммо у ўзини Франция ҳокимияти тарафдори сифатида намоён қилди...

— Буни қандоқ тушуниш мумкин ахир, — ҳайратга тушди кимдир, — Масихийлар жамиятига дахлдор одам фарангилар ҳукмдорига шундай мактуб топшириши мумкинми? Бундан ташқари, Наполеон генуялик аллақандай фатвофурушни қабул қилармикан?

— Қабул қилади! — маърузачининг жавоби қатъий бўлди. — Мен ҳам энди шу фикрдаман. Эътиборингизни аввало шу ҳолатга қаратингки, бизнинг асосий фанимларимиз бўлмиш Масихийлар аллақачонлардан буён кишиларни махфий равишда уюштиришнинг анчайин нозик услубларини қўлламоқдалар.

— Йўқ, Паскарелли, ундай эмас, — ўктам бир овоз унга кескин эътироз билдирди. — Бизнинг ташкилотимиз улардан кўра анча кўхна, уни ташкил этган йўлбошчиларнинг насабномалари тарихан...

— Биламан, — унинг сўзини бўлди доктор Паскарелли. — Мени болаларнинг чўпчаги эмас, жиддий ишлар қизиқтиради. Шунга айтмоқчиманки, фаранги савдогарлар Левант орқали Хитой билан савдо-сотикни энди бошлаган вақтда, фаранги даъватчилар хитой аҳолисининг юқори табақа зодагонларини католик мазҳабига жалб этишга киришдилар; шу мақсадларда юзлаб хитой удумлари қонуний деб топилиб, католик черкови томонидан рухсат этилган урфлар сифатида амал қилишига йўл қўйиб берилди. Сизга маълумки, Людовик Ҳун Тўртинчининг хос роҳиби ҳазрат Мишел Телле Конфуцийнинг таълимоти ҳақидаги машҳур китобнинг муаллифи эди. У ўша хитойлик файласуфни католик черкови авлиёлари сирасига киритади ва Масихийлар ўз тирноқларини қаттиқроқ ботира бошлаган шаҳарларда вазиятни қутқариб қолади. Бу кимсалар бизнинг босмаҳоналаримизда Игнати Лойоланинг расмларини ва Рим олий рухонийсининг расмларини чоп этганларини ёдга олинг. Ҳар икки сурат ҳам шундай ишланганки, уларни гўё хитойлар чизгандек таассурот қолдиради. Папанинг ҳам, Масихийлар ташкилоти асосчисининг ҳам қўзлари қисик, узун мўйлаблари эса осиди.

либ турибди. Энди эса Ватикан билан Франция — давлат ҳамда католик черкови ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгиловчи шартнома — конкордатдан кейин, шундай бўлиши мумкинки, Наполеонга авлиёлик мақомини берсалар, ҳамда уни Игнати Лойоланинг бевосита шогирди ва хаттоки, туғишган укаси сифатида эълон қилсалар ҳам ажабмас. Мен мавжуд вазиятни жиддий деб ҳисоблайман.

Бу вақтга келиб Италия аҳолининг барча табақаларида уч юз минг нафар карбонарийларга эга эди. Масихийлар тайёрлаётган режа ҳақидаги хабар доктор Паскареллининг маърузасини тинглаганларни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Бу ерда тўпланган саккиз киши, энди уларнинг ҳузурига қимматли дўстлар қиёфасида ва карбонарийлар ташкилотининг хайрихоҳлари никоби остида кимлар келиши мумкинлигини хавотир билан тахмин қилмоқда эдилар. Тўғри, ҳозирча инқилоб иши учун тўпланганлар бир-бирининг кўзига ҳадик билан тикиладиган, ҳар бири ўз шеригини хоинликда гумон қиладиган пайтлар бошланганича йўқ. Аммо Масихийлар, ташкилотда сотқинлик рўй бериши мумкин, деган овозани таркатганларининг ўзиёқ, уларнинг улкан муваффақиятларини белгилаб берганди. Бу эса ташкилот ичида саросима уйғотади, махфий инқилобчиларнинг иродалари темирдан ҳам мустаҳкам бўлса-да, мана шу хавотир уларнинг исёнкорлик бурчи заҳматларига қўшимча бир машаққат сифатида оғир юк бўлиб тушади.

Ўша саккиз кишининг бири — скрипкачи Никколо Паганини эди. Бу ғалати жамиятда у нима қияпти ўзи? Унинг нафис санъати яширин инқилобий кураш санъати билан қандай алоқадорликка эга? Лекин, мана, жаноб Буратти ва Конфалонйери берган таклиф ҳамма иш етарли даражада яхши ўйлангани ва режалаштирилганини кўрсатди. Улар венераблга — жаноб Паскареллига ушбуларни баён этган ҳолда мурожаат қилдилар: жаноб Фосколо энди Италияда узоқ қололмайди, кейинги йилдан бошлаб унинг бир қанча муддат Швейцарияда яшашига тўғри келади. Балки қисмат уни янаям олисроққа улоқтириб ташлар, у ерда балки жамиятнинг аъзоси бўлмиш банкдорнинг Апеннин яримороли ҳудудидаги биродарлар билан алоқа боғлашига ёрдам берар.

Ўзининг бошқалардан кўра ҳаракатчанроқ экани билан ажралиб турувчи ва саёҳатлари жамият учун манфаатли бўлган одам орамиздан кетяпти. Бу ерда қолаётганлардан қай бири ҳеч кимда шубҳа-гумон уйғотмасдан шаҳарма-шаҳар кезиб юра олади; саройлар ва бой хонадонларнинг эшиклари кимлар учун очиқ; кимга оломон қаршисига бемалол чиқиб бориш имконияти таъминланган, ким уч-тўртта суҳбатдошни танлаб олиб, уларнинг шаҳар вакиллари ниқоби остида Италиянинг исталган шахридаги ҳар қандай гуруҳ билан воситага киришишини уюштиришнинг уддасидан чиқа олади? Албатта, бу номи оламга машҳур скрипкачидир. Унинг касби шаҳардан шаҳарга кўчиб юрмоқликни, омма орасида томошалар беришни, ҳар хил табақадаги турли кишилар билан бевосита мулоқотларни тақозо этади. Модомики, созанданинг ўзи икки тоифа санъатни бир яхлитликда бирлаштирмакка қарор қилган экан, модомики у ўзининг мусиқага бўлган буюк хизматини Италия халқига бағишлаган экан, биз ҳам буюк машшоқнинг биродарларча қасамига жавобан унинг зиммасига ўзимизнинг оғаларча топшириғимизни юкламоғимиз лозим. Зарур бўлганда, жаноб Паганини бошқа исм остида фаолият юритиши ҳам мумкин. Бу жанобни скрипкачи сифатида ҳеч ким танимайдиган ерларда унинг жаноб Паганини бўлишига ҳам ҳожат йўқ.

### **Ўн саккизинчи боб**

## **ИККИЁҚЛАМА ҲАЁТ**

Милан учрашувидан кейин орадан бир йил ўтди. Бутун Италия бўйлаб машҳур скрипкачининг номи жаранглай бошлади. Римдаги ҳар бир концертдан кейин унинг мутаассиб мухлислари сони ортиб борди.

Карбонарийлар ташкилоти ҳурмати учун шуни айтиш мумкинки, Паганинини скрипкачи сифатида эъзозлаётган ва унинг иккиёқлама ҳаёти ҳақида, ҳатто тасаввурга ҳам эга бўлмаган минглаб одамлар унинг оқшом чоғлари янги дўстлари билан яширин учрашувлари уюштириладиган Пинчио тепалиги томон биқиниб боришларини хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

Бир куни у навбатдаги йиғиндан қайтмоқда эди. Ўртоқларининг маърузалари ҳали унинг қулоқлари остида жаранглаб турар, уларнинг фикрлари хануз унинг миясидаги ҳиссиётларга таъсирини ўтказмоқда эди.

Кун аста сўниб бормоқда, шаҳар узра қип-қизил шафақ оловланиб турибди; бу ўзгача бир Рим оқшоми эди — пуштиранг-қизил ва мовийранг уйғунлашиб, шаҳар кўчаларидан кўтарилган чанг зарралари ботаётган қуёш нурларида олтиндай ялтираб жилоланади. Паганини осмоннинг мовий пардаси ортида Капитолий қад кериб турган томонга қаради. У олис майдонда оқ от минган қизил либосли отлиқларни кўрди, олтин жиға қадалган қалпоқ кийган мовий либосли суворийларга ҳам кўзи тушди. Рим оқшомининг нимкоронғи пардаси орасида ўтиб бораётган қизил, ҳаворанг, яшил, сариқ шарпалар гўёки нозик рангли сувбўёқларда чизилган ғаройиб сувратларга ўхшайди. Шаффоф, енгил, худди уммон тубидаги сув ўтлари каби афсонавий манзара касб этгучи ноаниқ шаклдаги бу ранг-баранг доғлар тартибсиз ҳаракатланиб, тўхтовсиз ўтиб боради. Паганини тикка кўтарилган тоғнинг чўққисига чиқиб олиб, қадимги Рим вайроналарини томоша қилишни ёқтирарди. Йиғинлар Саройи — Форумнинг учта устунни, маҳобатли кошоналарнинг қолдиқлари, нарироқда улкан музаффарият аркаси, унинг ёнгинасидаги якка қарағай ва колизейнинг кечки қуёш нурларидан олтин тус олган салобатли шамойили. Анча олисларда римлик қашшоқ камбағалларнинг кулбалари учун девор вазифасини ўтаган харсанг уюмлари ортида Сабина тоғлари қўқимтир бўлиб кўринади. РИМ. Бу сўз Паганинининг қалбида доим титроқли бир хаяжон уйғотарди, ҳозир эса дўстлар билан мулоқотлар, ёш карбонарий Россеттининг сўзлари унинг кўнглини янги ҳиссиётлар билан тўлдирганди.

У уйларнинг томларига тикилган кўйи, баланд ва беғубор осмонда чарх ураётган каптарларнинг парвозини томоша қилиб боради. Россеттининг улар, яъни карбонарийлар янги «аргонавтлар» уюшмасини ташкил этганлари, улар инсоният бахти ва Италия озодлигининг «олтин мўйнаси»ни топгунларига қадар улкан ва хатарли йўлни босиб ўтишлари ҳақидаги сўзлари Паганинининг тасаввурида янги манзараларни жонлантирди.

Конфалонйери ва шафқатсиз, муросасиз Конобийан-ко унга янги даврнинг даҳолари бўлиб туюла бошлади, ўзини эса у сирли «Арго» кемасидаги Орфей сифатида тасаввур этарди. Олтин Колхида тимсолидаги янги озод Италия уларни курашга руҳлантирарди. Конфалонйери бугунги куннинг Язони эди. Италиянинг ғалабаси Наполеоннинг аждар тишлари суғуриб олинишидан далолат эди. Язон уларни бутун Италия бўйлаб сочиб чиқади ва аргонавтларнинг олис Колхидасида ерга қадаб чиқилган аждар тишларидан жангчилар униб чиққани каби, бу ерда ҳам Италия бахти учун қўлига қурол олиб беаёв курашувчиларнинг янги ва янги тўдалари етишиб чиқади.

Майсаларда кечки шудринг ялтирайди... Паганинини тўйқусдан ҳавонинг нохуш бир захлиги тўйғуси бўғиб кела бошлади. Ялтираб турган шудрингнинг ҳар бир зарраси унга янги униб чиққан темир найзалар бўлиб туюлди. Унинг тасаввурида пўлат ниҳоллар бир зумда далани қоплаб олди, кейин зирҳқалпоқ ва дубулғалар пайдо бўлди, уларнинг ортидан бош ва елкалар ер остидан ўсиб чиқа бошлади ва мана — бошданоеқ қуролланган, қилич-қалқон ҳамда найзаларини маҳкам ушлаган одамлар тупроқдан узилиб, олға интилганларича, қурол-аслаҳаларини шу қадар катта қудрат билан гумбурлатар эдилар, ҳар бир босган қадамлари шунчалар залворли эдики, уларнинг оёқлари остида, ҳатто ер ҳам аввалига инграб, сўнг дод солиб юборди.

«Янги аср кон ва темирдан туғилади», — ёзганди Уго Фосколо. Катта жанглар даври бошланди.

Сесилия Метелла даҳмаси ёнида Паганини йўлини чапга бурди ва бутазорлар томон йўл олди. У, ерга энгашиб, бир-икки депсинган бўлди-да, эҳтиёткорлик билан махфий тоштахтани кўтара бошлади. Қора сочли, уйқусираб турган бир одам уни кутиб олди, махфий шартли шиорни сўради ва ертўла тепасидаги кириш йўли устига қайтадан тупроқ ташлаб қўйди.

Кундузги ташвишлардан силласи қуриган Паганини похол тўшак устига чўзилди, қадимий мойчирокни ёқди. Елкасига қўзи ортмоқлаб олган хушфеъл подачи тасвири билан безалган токчадан нота қоғози варақларини олди. Ўша тунда у «Язон зироати» номли карбонарийлик сюнтасини ёзиб тугатди.

Римда, карнавалда бу ноёб асар ягона марта ижро этилган. Паганини ўзининг мукамалликка эришиб бўлганини илк бор шу пайтларда англаб етди. Шу кунгача бўлган ҳар бир ижроси юксакликларга олиб чиқувчи улкан зинанинг поғоналари бўлган эди, холос. Мана, у ниҳоят чўққида турибди — фавқулодда машаққатли йўл ортда қолди.

Ўзининг бутун кейинги ҳаёти Паганининг тасавурида оддий даражадан анчагина юқори кўтарилган инсоннинг ҳаёти сифатида гавдалана бошлади. Унинг концертлари энди гўё ўз динининг барча сир-синаотлари моҳиятига етган коҳиннинг қурбонликларига ўхшаб кетарди. Бутун дунё мусиқа оламида Паганини учун қийинчилик туғдириши мумкин бўлган, у ухдасидан чиқа олмайди-ган куй ижроси йўқ эди. Ижро унинг учун иккиёқлама мазмунга эга бўлиб қолди: катталар тилида ва болалар тилида у турлича маъно англатади. Фақат бундаги фарқ скрипкачилик маҳоратини омма қаршисида аъло даражада намоён этишдан лаззатланиш билан ўйинчоқ ўйнашни осонгина ўзлаштириб олиш бахти ўртасидаги каби эди. Лекин энди унинг зиммасида авваллари ўзига нотаниш бўлган ташвишлар ҳам бор. У ҳаётий қувватлари сарфини ҳам ҳисобга олиб боришликни ўрганди. Концерт ижролари унга оғирлик қилмасди, аммо у шунчаки ҳар бир концертида қанча куч-қувват сарфлаётганини ҳисоб-китоб қила бошлади. У сахнани тарк этар экан, доим ҳам Луккадаги концертларида бўлгани каби кўтаринкиликни ҳис этавермасди.

Римдаги сўнги концерт янги муваффақиятларни тухфа этди. Тадбир жума кунига, айнан католик черкови концерт томошаларини ўтказишни тақиқлаган кунга белгиланди. Паганини Паганининг саройида кучли нуфузга эга бўлган одамларнинг хайрихоҳлигидан фойдалангани боис, бу қанчалик ҳайратланарли бўлмасин, ижозат ҳам олинди, концерт ҳам ўтказилди. Паганини концертнинг эртасигаёқ шаҳардан жўнаб кетишини айтди ва унинг рухсат олишига мана шунинг ўзи кифоя қилди.

Концерт олдидан унинг хонасига дўстлари тўпландилар, улар одатдагидай, скрипкачини қўноқхонадан томошагоҳгача кузатиб боришганди. Римлик дўстларидан бири унга энди опера яратиш фурсати ҳам етиб келганини айт-

ди. Унинг фикрича, бу шундай опера бўлмоғи лозимки, унда скрипка товуши худди одам овози каби аҳамиятга эга бўлсин ва Паганини ўзининг биринчи операсини айнан Римда ёзиши лозим.

Паганини ажабланди:

— Нима учун айнан Римда?

— Қандайдир бирор шаҳарнинг буюртмаси билан ёзилгучи опера албатта ўша шаҳарнинг ўзида ёзилиши, Бокий Шаҳар шарафига ижод этилгучи асар ҳам бегумон, Римда ижод этилмоғи лозим, — фикрини аниқроқ тушунтирди суҳбатдоши. — Буюк Чимарозани эсланг: у доимо операсини қайси шаҳарда қўймоқчи бўлса, уни ўша шаҳарда ёзар эди.

— Бу тўғри, лекин мен жўнаб кетмоқчиман, — деди Паганини, — бундан ташқари, қачондир опера ёзиш ис-тагим ҳам йўқ.

— Нима бўлганида ҳам, — унга қоғоз узатди суҳбатдоши, — мана бу ерда бизнинг истакларимиз баён қилинган: бу ерда буюртма шарти ва мавзу кўрсатилган.

Бир неча варақ нота қоғозини у Паганинига топширди. Паганини бу ғалати одамга ажабланиб қараб қолди. Қандилбор ёнида яна икки киши сўзлашиб турган кўйи майда қултумлаб қахва хўплар эдилар. Паганини ўзига узатилган қоғозларга шошилинч бир кўз ташлаб чиқди-да, яна тезда беркитди. Таниши унинг қулоғига шивирлади:

— Флоренсиядаги биринчи концертингизда шу буюртмани олиш учун хузурингизга келишади, тагин йўқотиб қўйманг.

Кейин эса у худди ҳеч гап бўлмагандай, Чимароза ҳақидаги суҳбатини давом эттирди. У буюк мусиқачининг захарлаб ўлдирилгани ҳақидаги маълумотлар тўлиқ тасдиқланганини айтди.

«Яширин никоҳ» операсининг муаллифи карбонарийларга дахлдор эди ва 1798 йилда Италиянинг озодлиги йўлида Наполи қиролига қарши қўзғолон кўтарганди. У қиролларга қирон келтириш йўлини танлаганида, эллик ёшга етай деб қолганди. У ҳибсга олиниб, қамокқа ташланди. Агар айнан ўша пайтда қирол Фердинанднинг аҳволи танг бўлиб қолмаганида, бастакорнинг қатл этилиши тайин эди. Бу ишнинг фош бўлиб, овоза этилишидан қўрққан қирол Чимарозани озод этишга қарор қилади. Ўз



ишининг қайта кўрилишини кутаётган Чимароза Россияга қочиб кетади. Қалин пўстин киймасдан кўчага чиқиб бўлмайдиган бу ёввойи мамлакатдаги ҳаёт унинг учун ниҳоятда машаққатли кечади. Чимароза яна Италияга қайтади. Қиролича Каролина нима қилиб бўлса ҳам Чимарозани Венеция тупроғига қўймасликка аҳд қилади ва хоинона воситани қўллашга жазм этади. Тўрт томчигина венецияча оғу 1801 йилда Венецияда буюк мусиқачининг жон томирини куйдиради.

— Демак, бу гаплар рост экан-да? — хитоб қилди Паганини.

— Айни ҳақиқат. Италиянинг барча яхши кишилари бизнинг харакатимизда иштирок этиб келганлар. Ҳозир таркибида бизнинг ўз одамларимиз бўлмаган бирор ҳарбий қисм, биронта ҳарбий бўлима, битта ҳам эскадрон йўқ.

Шу пайт уларнинг ёнларига ёш скрипкачи Паизйелло келиб қўшилди. Паганинининг суҳбатдоши жим бўлиб қолди. Паганини ноталарини тайёрлаб, қўлига скрипкасини олди ва ўз қузатувчиси билан концерт саҳнасига йўналди. Паганини томошабинларга таъзимга эгилган пайтида Паганининг икки миршаби томошагоҳга кириб, уни концертга қузатиб келган кишини ҳибсга олганларини кўриб даҳшатга тушди. Паганини таъзимда турар экан, қўлидаги найча қилиб ўралган нота дафттарини маҳкам чангаллаб олганди.

У хонасига қайтаётганида кўноқхона эшиги ёнида турган эшик оғасини кўрди. У каттагина қалитни кафтига қаттиқ-қаттиқ уриб, айлантириб ўйнади. Қалит унинг суякларига қарсиллаб урилар, аммо бу одам чамаси оғрикни ҳам хис этмаётганди. Эшикбон ёвуз бир нигоҳ билан Паганинига кўз узмай тикиларди.

Хонасида ҳамма бетартиб сочилиб ётарди. Кимдир бу ерни роса титкилабди, ҳамма ёқни остин-устун қилиб кавлаштиргач, ўз изини йўқотишга беҳуда уриниб, буюмларни яна жой-жойига қўйишга ҳаракат қилибди. Вақт ярим тун эди. Дафъатан Паганинини кўрқув босди. У шаъм ёқди ва эшикларни қулфлади, гўёки буюртма бериш баҳонасида қўлига тутқазилган, аслида карбонарийлар ташкилотларига жойлашиб олган Папа жосусларининг рўйхати ёзилган, кирланиб кетган нота дафттарини

очди. Паганинининг Муқаддас фаришта қасрига равона бўлишига кифоя қилгувчи ҳужжат.

Энди бу ердан қочиш керак, аммо унинг тунда ғойиб бўлиши полицияда шубҳа уйғотиши мумкин. Паганини ваҳимани енгиб, тонг отишини сабр билан кутишга қарор қилди. Лекин ўринга ечинмасдан ётди. Тонгга яқин эшик тақиллади. Паганини сакраб ўрнидан туриб кетди. Ёғоч кат қаттиқ ғижирлади, энди ўзини ухлаётганга солишдан фойда йўқ. У дераза томонга кескин ўгирилди. Унинг қопқаларига ташқари томондан тамба уриб қўйилганди. Эшик яна тақиллади. Паганини ўрнидан турди, асталик билан эшикнинг ёнига борди ва юраги гурсиллаб урганича, ўша ерда тош қотди. «Менинг мусиқий тақдирим шу асно поёнига етди», — ўйлади Паганини. У доим ёнида олиб юрадиган асони қўлига олди, каллагини чап томонга бураб, суғуриб олганди, у ингичка, узун, тўрт томони тигли ханжарчага айланди. «Гварнерининг скрипкасидан айрилиш алам қилади, холос!». У эшикни очиб, ханжарнинг битта зарбаси билан ўзига йўл очишни ва қочиб қолишни мўлжаллаб қўйди. Қаерга қочишини у ҳали билмас, лекин агар Испан зинапоясигача етиб ололса, Тринити деи Монтининг қўнғирокбони унга албатта бошпана беришини, аввалига боғда яшириб қўйишини биларди, кейин эса бошқа бир панагоҳ топиб беришига ишончи комил эди. Бир пайт жарангдор ва кучли бир овоз эшитилди:

— Афандим, отлар тайёр.

Номаълум дўст Паганинининг тезда жўнаб кетиши учун ғамхўрлик қилганди. Паганини овозини баланд қўйиб, ўзича эснаган бўлди ва деди:

— Камина ҳали ухлаб бўлганимча йўқ.

Чакқон ҳаракат билан ханжарни ўрнига жойлагач, у эшикни очди. Нотаниш одам унинг юқларини олиб чиқишга ёрдам бермоқчи бўлди. «Мени ҳибсга олишмоқчи, — ўйлади Паганини. — Шубҳасиз, бу кимса жосус».

Скрипка ва нота дафтарлари Паганинининг қўлида қолди. Бошқа барча буюмларни чақирилмаган кузатувчи қўтариб олди. Ташқарига чиққач, Паганини бир жуфт кучли ва бақувват отлар қўшилган кичиккина қўшқ аробани кўрди.

— Бу қанақаси бўлди? Сиз ҳам мен билан кетасизми?

— Ҳа, афандим, менга шундай буюрилган.

Уйқусираган қўноқхона эгаси ижара ҳақини олди, Паганинига оқ йўл тилади ва ортиқча хайрхўш қилиб ўтирмасдан ичкарига кириб кетди.

Флоренсияга беташвиш етиб келишди. Хайрлашаётганларида Паганинининг ҳамроҳи унга ўз манзилини ёзиб қолдирди ва уни шимол томонга яна кузатиб қўйишини, чамаси, мусиқачи жаноблари Флоренсияда узоқ ушланиб қолмаслигини айтди. Буюк Тоскания ҳерцогхоними ҳокимият чўққисини эгаллаганди, аммо Паганини яна битта адабсизликка йўл қўйди: у саройга ташриф буюришни ўзига эп кўрмасдан, одатдагидай, шаҳарда концерт бермоқчи экани ҳақида ҳокимликни шунчаки огоҳлантириб қўйди, холос. Бу таклиф ҳеч қандай иштиёқсиз кутиб олингани Паганинини таажжубга солди, ҳолбуки Паганини Флоренсияда доим улкан муваффақиятларга эришиб келганди. У ҳазрати олияларининг хизматларида қолган тақдирдагина концерт беришига ижозат этилиши шарт қилиб қўйилганини етказишди. Паганини қатъий рад жавобини берди. Бу тақдирда ҳазрати олияларининг ҳукмдорлиги қаламравида унинг концерт бермоқлиги ноқулайлик туғдиришини яхшилаб тушунтириб қўйишди.

Дўстлари билан учрашиб, Флоренсиянинг барча янгиликлардан бохабар бўлгач, Паганини Наполеон қўшинининг ҳаракатларидан ҳайратга тушди. Римгача ҳеч қандай хабарлар етиб бормасди, бу шаҳарда газета чоп этиш тақиқланган, чунки у ерда Рим папасидан ҳам, Франция қиролидан ҳам қўрқиб-титрашар, қаерда ҳокимиятлардан бири бошланиб, иккинчиси қаерда тугашини тушуниб олиш қийин эди.

— Менинг аҳволим шуниси билан ёмон эдики, мен ҳокимиятларнинг на унисини, на бунисини қабул қилардим, — деганди Паганини дўстларига.

— ...Аммо Флоренсияда концерт бермаслигимнинг ҳеч иложи йўқ, — деди у ниҳоят, чамаси ўз хаёлларидаги саволга ўзи жавоб берган бўлиб.

Флоренсиялик кекса мусаввир Мишателли унинг бу фикрларини яхши англади ва Паганинига яқин келиб, кўзларига синчков боқиб, очиқчасига деди:

— Сизга ҳеч қанақа концертсиз ҳам ёрдам беришим мумкин. Менинг уйимга бемалол келаверсангиз бўлаверади.

— Нимани назарда тутяпсиз?

— Оқшомда хонадоним меҳмони бўлинг ва тор доирада кичик бир концерт беринг.

Паганини фақат «Наполеон» сонатасини чалиб улгурди, холос. Мишателлининг деразаси тагида катта оломон тўпланишига шунинг ўзи кифоя қилди. Кейин эса бир гвардиячи капитан пайдо бўлиб қолди. У худди атайин қилгандай, Паганини бир пайтлар эҳтиётсизлиги оқибатида, князхоним Баччоккининг газабига учраган оқшомда кийгани каби хос кийим кийиб олганди. Капитан жаноб Паганинига ҳазрати олияларининг қарамоғидаги ерларда соз чалмаслигини буюрди.

Паганини Мишателли билан хайрлашиб кетаётганида остонада тўхтатилди. Мишателлининг ўғли, наполеончилар қўшинининг жангда яраланган ва Флоренсияда даволанаётган зобити скрипкачининг ёнига келди ва паст товушда унга мурожаат этди:

— Бир ой муқаддам жаноб Франческо Нйекко Венецияда захарланганидан хабарингиз борми?

— Қанақасига захарланади?! — Бу хабардан Паганинининг боши айланиб кетди, у йиқилиб кетмаслик учун эшик кесакисини ушлаб олишга мажбур бўлди.

— Шундоқ. Унинг ўлими оғу туфайли юз берган, деган тахминлар бор.

— Бунинг қандай рўй берганини сўзлаб берсангиз-чи, ахир! — хитоб қилди Паганини.

У айни шу лаҳзада Мишателлининг хизматкорини таниб қолди: бу ўша — ўзини Римдан олиб кетган ҳамроҳи эди. Бу одам Паганининини росмана ваҳимага солгувчи бир суллоҳлик билан унинг ёнига келди ва буюрди:

— Афандим, буюмларингиз аробага жойланиб, сафарга шай қилиб қўйилди. Мана чакмонингиз, кийиб олинг, йўқса совқотиб қоласиз.

— Менинг кетиш ниятим йўқ...

— Жўнаш керак афандим, — қатъий эътироз билдирди бу жиззаки одам.

Паганини шоша-пиша ёш зобит билан хайрлашди.

\* \* \*

Улар Парма йўлидан шимолга қараб жўнашди. Аммо Болонйада йўналишни ўзгартиришларига тўғри келди. Қандайдир кўнгилсиз бир учрашув Паганинининг кузатувчисини фавқулодда бир ташвишга солиб қўйди. Лодовико исмли бу йигит ўзини худди кўшк аробанинг билдирагини тузатаётгандай қилиб кўрсатишга уринарди. Фақат ярим кечада, сафар учун мақбул ҳамма муддатларни ўтказиб юборганларидан кейингина, улар Феррарага йўл олишди.

Пожо Ренатино яқинида, ҳали тонг отиб улгурмасидан Лодовико отларни тўхтатди. У кўшк ароба ўриндигидан пастга тушди, шамчиروқларни ўчириб, сўхтасини олиб ташлади, чирокнинг ойналарини артиб тозалади. Йўловчилар мудроқдаги қушларни чўчитганларича, нимқоронғида сафарларини давом эттирдилар. Паганини тун бўйи ухламади. Нйекконинг ўлими ҳақидаги хабар уни чуқур қайғуга солиб қўйганди. У 1810 йилни шу тушкун кайфиятда кутиб олди

Феррарада Лодовико тўхташ учун ажойиб жой топди. Аммо юкларни ташиш вақтида, Паганини аробадан нари кетган, Лодовико эса тунни ўтказиш учун хона тайёрлаётган чоғда ўғрилар жомадонни ва катмонни ўмариб кетишди: фақатгина скрипкани қолдиришибди.

Бу ҳолни Паганини ўғриларнинг мусиқани умуман тушунмасликлари билан изоҳлади.

— О, аксинча, улар мусиқани жуда яхши тушунишаркан, — унга эътироз билдирди Лодовико. — Сизнинг скрипкангиз ортидан бутун тўдани қўлга олишлари мумкинлигини жуда яхши билишган.

Шу ходисадан кейин Феррарада концерт бериб ўтишга қарор қилдилар.

\* \* \*

Феррара шахрининг концерт томошагоҳи жаноб Паганинига лутфан тақдим этилди. Унинг исми ферраралик созандалар ва Австрия ҳукуматининг вакиллари томонидан кўп бора тилга олинди. Паганини — Рим папасини даволовчи машҳур шифокорнинг исм-шарифи деб ўйлаб юрган Феррара шахрининг ҳокими ўз хатосини тезда ан-

лаб, скрипкачи Паганинини маълум ва машҳур созанда сифатида танишини айтди.

Томошахона машшоқ учун ҳақиқатан ҳам ажойиб эди. Паганини бу ерда чолғу чалиш имкониятига эга эканидан мамнун бўлди. У томошахона биносининг меъморчилигини ўрганиб юрган пайтда тўсатдан томоша ташкилотчиси унинг ҳузурига келди ва шахар ҳокимининг фармойишига кўра концертда Марколини хоним жўр ижрода иштирок этишини маълум қилди.

Концертга бир соат қолганида Паганини ижрони машқ қилиб олиш учун қўшиқчининг уйига келди. Биринчи оҳанглардан кейинок, Паганини бу аёлнинг овози яхши, аммо куйлаши қусурли эканини сездди. У тўрт марта жўрликдаги ижрони уйғунлаштиришга қайта-қайта ҳаракат қилди, лекин ҳар сафар бир ерда тўхталиб қолаверишди. Марколини хоним боққолик дўконининг қўпол сотувчисига ўхшаб имо-ишоралар билан Паганинидан машқни қайтадан бошлашни илтимос қилаверарди. Паганини сабр билан ижрони қайта-қайта такрорлайверди. Бешинчи уринишда тўсиқ баргараф этилди. Ниҳоят машғулотни ниҳоясига етказишди.

Паганини силласи қуриган, лекин мамнун ҳолда жўнаб кетди.

Аммо концерт бошланиши олдидан унга Марколини хонимдан мактуб келтириб беришди. Хонимнинг хатида: «бугун ўлақолсам ҳам қўшиқ айтмайман», деб ёзилганди. Паганини эса Марколини хоним ҳокимнинг хуштори эканини билгач, унинг инжиқликларига чидамаса бўлмаслигини англади.

Мухлислар томошагоҳни тўлдириб бўлишган. Бесабрлик билан депсинишлардан кўтарилган чанг-ғубор улкан қандилларнинг нурини тўсиб қўяди. Лодовиконинг маслаҳатига кўра Паганини кўшк аробага ўтирди ва улар бошқа бир машҳур қўшиқчи — Паллерини хонимнинг ҳузурига ошиқдилар. Паганини балетнинг моҳир устаси ва фаройиб овоз соҳибасининг бугунги концертда иштирок этишини илтимос қилди. Паллерини хоним бажонидил розилик берди. Паганини аёлни дераза остида кутиб турар, у эса ора-сира парда ортидан скрипкачининг қушнамо букчайган қаддига, худди йиртқич қушнинг калласи каби у томон-бу томонга бурилиб турган, катта

қалпоқ қўндирилган бошига қизиксиниш билан қараб қўярди. У эғнидаги қундалик кийимларини ечди ва қўзғу олдида ширин керишганича, ўзининг яланғоч баданини завқланиб томоша қила бошлади; хуморли бир табассум билан Паганини ҳақида ўйлайди, ўзини йўлак олдида кутиб ўтирган, қоп-қора кийимига бурканиб ўралиб олган Паганини ҳақида ўйлайди. У ниҳоят ясан-тусан қилиб бўлиб, машшоқнинг ёнига чиқди.

Йўл бўйи Паганини Марколини хонимнинг ўз инжиқлиги учун яхшигина жазоланишини ўйлаб, тўсатдан юраги қувонч туйғусидан ҳапқириб кетди. У Паллерини хонимнинг қўлини қисиб қўйди. Аёл ҳам бунга жавобан скрипкачининг қўлини қисди ва бунинг ниҳояси ўлароқ лаблар ҳам бирлашдилар. Балет артисти Паллерини хоним чуқур ҳаяжонда. Ёркин, жонли мулоқот билан эҳсушни олғувчи, кўзларидан иблисона ўт чакнаб турган мана шу машхур скрипкачини у ёқтириб қолди. Аёл унинг эҳтиросларга осон берилишларини ўйлагани сари ўзининг томирларидаги Наполи аҳлига хос қайноқ қони жунбушга келди. Қўшқ аробанинг томошахонага тез етиб келганигина Паганинини аёлнинг хирсидан қутқариб қолди.

Хоним бу концертнинг энди ўзи учун қизиғи қолмаганини ҳис этиб, кайфияти бузилди. У ҳиссиз, ланж бир овоз билан қуйлади — оҳангларни-ку, бузаётгани йўқ, аммо буюк артистнинг скрипкасидан тўлқинланиб чиқаётган бетакрор наволарга берилиб кетган тингловчига айланган қўйи паришон ҳолда айтар эди қўшиғини. У Паганинига боқди, муסיқачининг кўзларидаги бегона қарашни, ғайриодамнинг, жодугарнинг нигоҳини кўрди ва ногоҳ ҳушсизланиб йиқилди. Хуштаклар, қаҳқаҳа, шивир-шивирлар бошланиб, томошабинлар ўз қаҳр-ғазабларини шовқин-сурон билан ифода эта бошладилар.

Концерт бошқарувчиси қўлида ҳушсиз қизни ушлаб турган Паганинининг ёнига келди ва унинг қулоғига шивирлаб, ҳоким ва шаҳар ҳокимиятидагилар жаноб Паганинининг қўшиқчи Марколинига нисбатан тақаллуфсизлик қилганидан қаттиқ норози эканликларини айтди; модомики шаҳарнинг биринчи қўшиқчиси концертда иштирок этишдан бош тортган экан, демак томошани бекор қилмоқлик лозим ва лобуд эди.

— Менга тушум қанча бўлганини айтинг, — қўрслик билан унинг сўзини бўлди Паганини.

Ақчанинг миқдорини билгач, бу пул билан Венецияга бемалол етиб олиши мумкинлигини чамалади-ю, бош ирғаб қўйди.

— Ҳозирок менга пулларимни келтириб топширасиз, ёки эртагаёқ мен сизни судга бераман.

Бу сўзлар дарров ўз таъсирини кўрсата қолди. Бошқарувчи қўлини юқори кўтариб, бор овози билан эълон қилди:

— Тамошо давом этади!

Паганини Паллерини хонимни ҳордиқ хонасига олиб борди, унга томошабинлар орасида ўтирган раҳмдил бир шифокор берган тетиклантирувчи тузни хидлатди ва қизнинг сочларини меҳр билан силаб, қайноқ нафаси билан унинг кулоқларини китиклаган қўйи, пичирлади:

— Тинчланиб олинг, олдинда ҳали анча вақт бор, хозир, тун кирмасидан олдин мен бу ерда фаройиб бир томоша кўрсатаман, сиз эса уни эшитасиз.

Паганини миз устида турган дирижёрлик таёқчасини олиб, уни дарғазаблик билан курсининг суянчиғига ура бошлади. Томошахонанинг ижарачиси ваҳима ичида бу шовқинга югуриб келгунича тинмай ураверди.

— Менинг пулларим қани?

— Мана улар, афандим. Марҳамат қилиб имзо чексалар.

Паганини қоғоз пулларни вижимлаб юлиб олди-ю, шоша-пиша чўнтақларига тикди. Кейин скрипкасини қўлига олди-да, хотиржам ҳолда саҳнага қараб юрди. У камончасини юқори кўтарди ва қўққисдан оммага орқасини ўгириб, Паллерини хонимга юзланиб, деди:

— Яқинроқ келинг, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Кейин эса томошабинларга юзланди:

— Ҳар доим ҳам ғам-ташвишда юравериш яхшимас. Баъзан ҳазил-хузул қилиб туриш ҳам керак.

Скрипкадан ёқимсиз овозлар оқими дарё бўлиб қуйилиб кела бошлади. Бу ғала-ғовурнинг нима эканини ҳам тушуниб бўлмасди. Сал ўтмай омма сув ташийдиган арава филдирагининг фикрлашини, ёғоч сувдондаги сувнинг шўлп-шўлп қилиб чайқалишини, кейин маркабчининг ҳайқириғи ва эшакнинг ханграшини эшитди. Сўнг



товуқларини бир ерга жамлашга аҳд қилган хўрознинг қичқириғи, оёғини от босиб олган итнинг жонҳолатда акиллаши, томда тўпланиб олиб, баҳорги жангга тай-ёрланаётган мов мушукларнинг ингиллашлари янгради. Хайратга тушган феррараликлар нафасларини ичларига ютганларича, бу ажабтовур оҳангларни хайрат билан тинглар эдилар. Кейин ора-сира кулгилар эшитила бошлади, биринчи қаторлардагиларнинг қаҳқаҳаси бутун томошагоҳни тутиб кетди.

Кутилмаганда камонча ҳавода бир тўлғаниб олди-ю, энг охириги товушлар қаердадир юқорида — ҳовузсимон шифтнинг сиртларида осилиб қолди. Томошахонага бирдан чўккан сукунатни фақат ёниб турган шамларнинг чирсиллашигина бузиб турарди. Паганини бир неча кадам олға босиб, томошабинларга таъзимга эгилди, унинг ҳатто нафас олиши ҳам эшитилиб турарди. У биринчи қатордагиларнинг деярли бошлари тепасида камончасини кескин юқори кўтарди, уни шантрел торида бир юргизиб олди-ю, дарҳол шантрелдан басга ўтди. Омма эса скрипканинг ҳақоратли сўзни талаффуз этганини аниқ ва равшан эшитди: «Hi-han!», одам овозининг бутун тусланишлари-ю, бутун нафрат оҳангларини акс эттиргувчи тирик товуш. Бу товуш, бу сўз яна икки марта такрорланди, сўнг яна уч бора қайтарилди — ҳақиқий жонли қичқириқ. Италиянинг барча йўлларида феррараликларни бетиним таъқиб этиб юргувчи садо. «Hi-han» — бир пайтнинг ўзида «тентак» ва «сўқим хўроз» деган маъноларни англатади. Бу — калтабин, паст пешана ферраралик эсипастларнинг, ҳаётни фақат ақча санашдан иборат деб билгувчи хасис ва бахил суюқмия феррараликларнинг, фақат чўчкадай овқат ейиш, бўққунича ичиш, кейин бир тавба-тазарру қилиб қўйиш учун бутун жасадини ёғ босиб кетган рухонийнинг ёнига қатнаб турадиган ярим одам-ярим хайвон феррараликларнинг қадимдан қолган лақаби эди.

Паганинининг бу томошаси ҳақида ўша даврларда «Британия шарҳномаси»нинг мухбирлари шундай ёзгандилар.

Паганини ҳали сахна четида турган, камончаси ҳавода муаллақ осилиб қолган пайтнинг ўзидаёқ, унга томон гўёки бир тўфон босиб кела бошлади: ўтирганларнинг

хаммаси ўрнидан сакраб турди, газабли кичкириклар, синган курсилар, асолар, жарномалар, шляпалар — ҳаммаси у томон учди. Паганини хотиржам қадам босиб чиқиб кетар экан, сахна билан артистлар хонасини ажратиб турувчи парда олдида бир зумгина тўхтади ва камонча ўша ҳақоратли лақабни яна бир бор чийиллаб берди.

Томошахона Паганини тарк этганидан кейин ҳам узок вақтгача қовоғари инидай гувиллаб турди.

\* \* \*

Паллерини эрта тонгда, холдан тойган ва бахтиёр холда Паганинининг бошини сўнгги марта ўз кўкракларига босди. Соат тўрт бўлар-бўлмас скрипкачи шимолга қараб йўл олди.

### **Ўн тўққизинчи боб**

#### **ДАРБАДАР ОРФЕЙ**

Паганини Миланда муваффақият қозонди. Дастлабки олти концерти бутун Италиядан сайёхларни, веналик мусикачиларни ўзига жалб этди. Улар эса Фердинанд Пайернинг Франция ҳукмдори Наполеоннинг ортидан Парижга кетгани ҳамда у ерда Италия театрининг мудирини лавозимини эгаллагани ҳақидаги хабарни олиб келдилар. Миланда янги бир учрашув юз берди. Саломатлиги анча тикланиб ва ҳатто бир қадар ёшариб қолган Ролла Миландаги «Ла Скала» театрида созандалик билан бирга оркестрга дирижёрлик ҳам қилмоқда экан. У кирол ноиби Эвгенининг яккахон созандаси сифатида сарой амалдори ҳам ҳисобланарди. Ролла Паганинини гўёки ўзининг ишончини оқлаган шогирдини мамнун қаршилаётган устоз киёфасида кутиб олди. Қария навқирон Паганинига худди мўъжизага қарагандай, дунёнинг бебаҳо қадриятига боқаётгандай тикиларди.

Ўша кунлари Миланда шаҳарликлар барча карбонарийлик ташкилотларининг ноаниқ муддатга, янги чакирикка қадар ўз фаолиятларини тўхтатгани ҳақидаги хабарнинг муҳокамаси билан банд эдилар. Ҳаракат маркази қаёққадир жануб томонга кўчибди, юқори бошқарув идораси буткул ғойиб бўлганмиш. Музофотлардаги таш-

килотларни тарқатиб юбориш ҳақида фармойиш берилган.

Фарангиларнинг Миланга келиши шаҳар ҳаётини янги ўзанга буриб юборди. Черков истибдоди барҳам топди, лекин Бонапартнинг қудратли, шафқатсиз ҳукм-таъйиқи ҳар қадамда сезилиб турарди.

Милан билан Париж ўртасида мунтазам алоқа йўлга қўйилиб, Паганини фарангистонликлар бошкентининг муסיқий ҳаётидаги янгиликларни қизиқиш билан кузатиб бормоқда эди. Италиялик Виотти ва Керубини, франциялик Байо билан биргаликда италия муסיқасини Парижда тарқата бошладилар. Қачонлардир Мария Антуанеттанинг пардозчиси Леонар тижорий мақсадларда ўйлаб топган тадбир — италиялик қўшиқчиларни ва машшоқларни саройга тақлиф этиш амали энди Фейдо де Бру жанобларининг киритган маблағлари туфайли кенг авж олиб, ривожланиб кетди. Фейдо театри италиялик энг мохир хонандалар ва созандалар мусобақалашадиган синов майдонига айланди. Паганинининг хаёлидан фаранглар бошкентига бир саёҳат қилиб келиш фикри ўтди-ю, аммо эҳтиёткорлик нуқтаи назаридан ҳозирча шунчаки шу ширин бир орзунинг ўзи билан кифояланиб қўя қолишга қарор қилди.

Милан ҳаёти Паганинига ёқиб қолди ва у мана шу шаҳарда узокроқ муддатга қолишни ўйлаб қўйди. Бу ерда у ташвишларга тўла тақдирнинг Ливорнодаги каби, Лукадаги ва Флоренсиядаги сингари ҳасадларга тўла аччиқ зарбаларини ҳис этмаётганди. Бу ерда унинг ижросига нисбатан душманлик кайфияти сезилмас, концертларида кўзни ўйнатадиган даражада катта маблағлар тўпланмасда, аммо қутилмаган фитналар ҳам юз бераётгани йўқ эди. Мусаввир Мазини унга Страдиварининг скрипкасини тўхфа этди. Таризио бир сафар Миланга келганида унга Аматиининг скрипкасини сотди. Паганини кремоналик буюк усталари ясаган учта скрипканинг бахтли соҳибига айланди. У Страдивари ишлаган яна иккита алт, кичиккина болалар скрипкасини сотиб олди ва шу билан бу каби харидларни тўхтатди.

Ҳайкалтарош Бартолини скрипкачининг нимҳайкалини яратди. Нимҳайкал Брер галереясининг томоша хоналаридан бирига қўйилди. Бу ерда скрипкачининг киёфасини

илк бор кўриб турган томошабинлар унга берган таъриф кейинчалик узоқ вақтларгача Паганинининг исми ўрнида ишлатиб келинди — «Жанублик жодугар». Бу лақабга нисбатан «жодугар» ҳам ўзининг муносабатини билдирди. У «Афсунгар ракси»ни ёзди ва «Ла Скала» театрида кўп минг томошабинларнинг қаршисида ижро этди. Концертнинг афсонавор муваффақияти кўп жиҳатдан кўйнинг сирли ва ғаройиб хусусиятига боғлиқ эди. Бу эса тингловчиларнинг кайфиятларига ҳар доимгидан кўра кўпроқ мувофиқ келганди.

Саросимага тушган кўнгиллар ғайриоддий хиссиётларни истайдилар ва ҳақиқий воқелик билан юзма-юз келмасликка интиладилар, шу боис қадимий афсунлар, сеҳр-жодулар ҳамда тилсимотларга бўлган ишонч, қайтадан туғилаётган ғайриоддий эътиқод ортига яширинишга ҳаракат қиладилар.

Бу вақтда Наполи кироли Иоахим Мюрат наполилик охириги ўттиз беш минг нафар навқирон йигит-қизларни шимолга жўнатди. Мюрат лашкарининг чарм чолвор, оқ мундир, тўқ қизил чакмон ёпинган бу ёш суворийлари Наполи киролининг қайноғаси — Наполеон билан бирга-ликда Москвага қараб юришди.

Мюрат ўз киролиги ичида Италия ёшларининг хур фикрли ташкилотларини режали асосда таъқиб қила бошлади. Рим олий руҳонийси саройидаги махфий ташкилот ўз жосусларини карбонарийларнинг қароргоҳларига жўнатиб турган бир вақтда, Мюрат турли хил куруқ ваъдалар билан ўзига нисбатан карбонарийлар ташкилотларининг ишончини қайтадан тиклаб, уларнинг таркибини аниқлаб ола бошлади. 1811 йилда у барча рўйхатларга эга бўлди, энди карбонария жанубининг юрагини суғуриб олиш керак эди. Мюрат Конобйанкони изламоқда. Бошқаларни эса шимолда шахзода Эвгени ўзи тинчитади.

Шу тарзда Италия эркинлигининг орзумандлари икки ўт орасида қолишди. Конобйанко Апулия ўрмонлари ва Калабрия тоғлари томон тобора жанубга чекиниб бора бошлади. Кейин унинг сохта дўстлари тавсия этган қишлоқ рохибининг уйида қўним топиб, то ўша ерда топилиб, бошига тўппончадан ўқ узиб ўлдирилгунига қадар жон сақлаб юрди. Аммо Мюрат ғалаба нашидасини узоқ

вақт сура олмади, шахзода Эвгени ҳам тахтда қўп ўтира олгани йўқ.

Летисия Бонапарт ҳар бир чойшабни, ҳар бир ёстик жилдни ва ҳатто ҳар бир дастрўмолчани асраб-авайлаганида, кир ювувчилардан ҳар бир буюмни тезроқ қайтариб олишга ҳаракат қилганида мутлақо ҳақ эди. «Бу кирол ҳамда киролваччаларнинг ҳаммасини тахт-пахтларидан қувиб ҳайдашганидан кейин фарзандларим ва набираларимнинг ҳоли нима кечади?» — дерди доим бу тўғри сўз ва соддадил корсикалик аёл. Тақдир тақозоси билан бу хоним Оврўпанинг қўплаб подшоҳлари ва подшоҳзодаларининг онаси бўлиб қолган эди.

Паганини Миландан Турин сари йўл олиб, князхоним Полина Боргезе қабулига ноил бўлди. Бу ерда у махфий Масихий княз Боргезе билан ва унинг ўғли — Наполеоннинг синглиси Полина Бонапартга яқиндагина уйланган навқирон, барваста йигит билан танишди. Айтишларича, фаранги ҳукмдор ўзининг бу синглисини унчалик ҳам ёқтирмас экан. Полина Бонапартнинг тақдири ғалати кечган. Ўз туғишган акасининг шахвоний шилқимликларидан озорланган сингил Бонапартнинг оғир кунларида унга ёрдам берган франциялик генералга турмушга чиқади. Бир пайтлар ёшгина генерал Бонапарт Миср юришидан Парижга қайтиб, Беш юзлар Кенгашини куч билан тарқатиб юборишга ва ўз ҳокимиятини ўрнатишга жазм этади. У Парижнинг комендант, сўнг директор, кейинроқ биринчи консул ва ниҳоят ҳукмдорга айланади. Леклерк, Полина Бонапартнинг умрйўлдоши қора консулни — Гаити зангиларининг бошлиғи Туссен Лювертиюрнинг қўзғолонини қонга ботириш учун олис Антил оролларида жўнатилади. Ўша ерда у ўзининг ҳарбий бўлинмаси билан бирга ҳалок бўлади. Зангилар ўзларининг бошқентларига ўт қўйиб юборадилар. Полина Бонапарт Парижга қайтгач, бу ерда яшашни истамасдан Туринга кўчиб келди ва чиройли, ёш княз Боргезе билан турмуш қурди. Италияликлар учун у энди Бонапартнинг ҳарбий муваффақиятсизликларини эслатиб турувчи жонли хотира эди.

Леклеркнинг ҳарбий бўлинмаси уммоннинг жазирма оролларида қирилиб кетганди, энди эса Россиянинг изғиринли қорликларида ҳукмдорнинг ўзининг ҳарбий сафарбар лашкари ҳалокатга юз тутгани ҳақида шум ха-

барлар кела бошлади. Ороллардаги зангилар ўз бошкентларига ўт қўйганлари сингари, ўрислар ҳам ўзларининг Московларини ёндириб юборибдилар. Бу хабарлар ҳали расман тасдиқланган бўлмаса-да, овозаси кучли эди. Паганини эса ўзининг ҳаёт йўлида дуч келган Бонапартнинг иккинчи сингисининг юзида безовталиқ ва ташвишни кўрди. Лекин бошқа бир аёлнинг чехраси Паганинининг эътиборини ўзига кўпроқ тортди. Паганини билан қўшиқчи аёл Антониа Бйанки жўрликда томоша бермоқда эди. Паганини бу лобар хонимдан кўзларини узоқмай қолганини ўзи ҳам сизди.

Концерт тугаганидан сўнг Паганини бу қўшиқчи аёлни ҳамкорликда концерт бериш учун Миланга таклиф этди. Антониа бироз ўйланиб тургач, розилик билдирди. У ўз вақтини чамалаб кўриб, шароитини маълум қилди:

— Шартномам бир ойдан кейин тугайди. Кейинги ойда мени Миланда кутинг.

Хат-хабарлар Миландан Туринга палапартиш юбориларди. Паганини илгарилари ўзига нотаниш бўлган сабрсизлик ҳиссидан жиғибийрон бўла бошлади. У ҳеч қачон хозиргидай узоқ вақт мактуб кутишга мажбур бўлмаганди.

Айни шу пайтда унинг ғайрати ҳам қайнаб-тошди. Мамлакатда ҳар қандай жамиятлар ва уюшмалар фаолияти тақиқланган бўлса-да, Паганинининг ташаббуси билан «Миланлик Орфей» мусиқа тўгараги ташкил топди.

Дунёда жуда ғалати ишлар бўлмоқда эди. Фаранг полицияси мусиқа тўгарагига парво ҳам қилаётгани йўқ, у бутунлай бошқа нарса билан машғул. Шаҳзода Эвгени Богарне ҳар қандай шимолий газеталарни келтиришни тақиқлаш тўғрисида фармойиш берди. Бир куни Паганини тасодифан жўнатмалар идорасига кириб қолди: ўша атрофдан ўтиб кетаётган пайтида доим оёқлари ўз-ўзида шунақа — кўпинча кераксиз вақтда кераксиз жойга тумшук тикишни яхши кўради. У бу сафар ҳам идора ходимидан Туриндан хат бор-йўқлигини сўради. Туриндан ҳеч нарса йўқ-ку, аммо Англиядан мактуб бор экан. Фаройибот! Кимдан бўлдийкин? Хат Жорж Гаррисдан экан. У Лондондан Ганноверга бориб, у ерда элчихона ходими лавозимида хизмат қилармиш. Гаррис жаноб Паганинининг Оврўпа бўйлаб сафар қилиш хохиши бор-

йўқлигини, барча Оврўпа бошкентларининг газеталари тинмай жар солаётган Жанублик жодугарнинг Гаррис билан учрашиш имконияти ҳақида муфассал ёзиб юборишни илтимос қилганди. Мактубга инглизча газета ҳам илова қилиб юборилган экан. Паганини инглизча ўқишни билмасди, аммо иккита сўзни у яхши тушунди: Наполеоннинг қулаши.

О, инглизларнинг қувончи чексиз. Улар Бонапартга бўлган нафратларининг ифодаси сифатида Франция қудратининг ҳалокати, унинг тўлиқ таназзули ҳақида хабар берардилар! Улар Наполеоннинг Парижга шармандаларча қочишини, унинг ўз саройида беҳаёларча айтган сўзларини завқланиб таърифлашарди: Ловиллаб турган девор ўчоқ ёнида, этигини темир панжарага қўйганича, францияликларнинг ҳукмдори шундай дейди: «Ҳар ҳолда бу мағлубият Московнинг изғиринидан кўра яхшироқ». Кўхна кулгисевар Англия бу муждалардан жонланиб кетди. Франция хавфи энди йўқ эди; фарангларнинг қудратига денгизда қашатқич зарба берган Англия энди қуруқликда ҳам қўркмаса бўлаверарди.

Чамаси, бундай хабарни олган ёлғиз Паганини эмасди. Бутун Милан овозаларга тўлган. Одамлар бурчак-бурчакларда шивирлашиб, кейин тезда тарқалишиб кетишга ошиқадилар, кўчаларда ҳам жонланиш сезилиб қолган. Айниқса, бу дараклар музофот бош роҳибининг саройида, черковларнинг девонхоналарида, ёпиб қўйилган собиқ муқаддас Маргарита черкови жойлашган кўчада катта фаолликларга сабаб бўлди. У ерда бугун-эрта ҳаворий хазрати олийлари подшо Франсинг ҳокими ихтиёридаги миршаблик бошқармасининг қўзғолон кўтариши кутилмоқда эди. Гарриснинг ҳар бир сўзида минглаб шамаю ишоралар бор эди. «Ҳақиқатан ҳам, Рим папаси хозир қаерда экан?» — ўйларди Паганини.

Сўнги онда руҳоний ота Савонага олиб чиқиб кетилганди. Уни ёлғиз, маслаҳатчиларсиз қолдиришди, папа номидан католик черковининг садоқатли ўғлонлари яшаб турган бутун улкан ҳудудда Франция ҳокимиятига тўлиқ итоат этиш буюрилган даъватлар, фармойишлар, фатоваларни имзолашга уни мажбур этишди. Руҳоний отанинг саломатлигини янада оғирлаштирувчи бетўхтов бир шошқалоқлик билан уни Францияга, Фонтенблогга қўчи-

ришди. У ерда имзоланган шартномага кўра, Римнинг биринчи роҳиби амалда фаранг ҳукмдорининг қўлидаги итоаткор қуролга айланди. Шу боис ҳам барча Масихий ташкилотлари, уюшма сифатида фаолияти тугатилган Масих ташкилоти вакиллари Рим черкови бошлиғининг кўргуликларидан хабар топгач, беадад қувондилар. Уларни беаёв хўрлаган эдилар, улар ночорликда, мухтожликда ҳаёт кечириб келдилар; ҳокимиятсиз, мол-мулксиз, кенгаш фатволарисиз, черковларсиз бўлса-да, бу махфий ташкилот барибир мавжуд эди. Кўп ўтмай, интиқом соати ҳам етиб келди. Қўрқув ичида яшаб турган, тинчгина кунини кўриб юрган авомнинг кўзи олдида улар усталик билан террор арвоҳини жонлантириб қўйдилар; италиялик фуқароларнинг шундоққина юзи олдида, қиролнинг кесилган калласини уларга қатъиян эслатиб турсин учун улар гийлогина тифини ўрнатиб қўйдилар. Аммо бу чоратadbирлар ёрдам бермади. Бонапарт уларнинг истакларини чиппакка чиқарди. Унинг ўзи ҳукмдор бўлиб олди ва республика бошқарув тарзининг ҳеч қаерда ўрнатилишига йўл қўймади. Мана энди қасос олиш вақти етди.

Бонапартнинг таназули «Масих» ташкилотининг қайта тикланишини билдирарди. Бироз вақт ўтиб, 1814 йилнинг 24 май куни Папа яна Римга кириб келди. 7 август куни бўлиб ўтган тантанали ибодатда Римнинг олий руҳонийси нутқ ирод этиб, агар насрония жамияти учун таҳликали бўлиб турган кунларда ўзининг башоратчилик қудратига таянмаганида, агар нотинч замоннинг тўфонларидан доимий тебраниб ва зириллаб сузиб бораётган муқаддас Пётр кемасининг дарғаси ўлароқ, кучли ва моҳир эшкакчининг қўмагини рад этганида, тангри олдида ўзининг катта жинойтга қўл урган гуноҳкор банда сифатида жавобгар бўлиб қолган бўлишлигини айтди...

Рим папаси назарда тутган ўша қудратли ва моҳир эшкакчилар Россиядан қувилган уч юз эллик саккиз нафар мутаассиблар эди. Улар ҳаёт курашларида энг тобланган Масихийлар бўлиб, ташкилот генерали Тадеуш Бжозовски уларга етакчилик қиларди. Улар Римга етиб келишди ва дарҳол фаолиятларини бошлаб юбордилар. Ташкилот генералининг фармойишларига кўра улар вайрон қилинган хўжаликларни тиклашга; кўмиб ташланган олтинларни яширилган жойидан қовлаб олишга; Оврўпадаги ҳамма



давлатларда барча мактабларни ғоявий жиҳатдан ишғол қилиб, болаларнинг тарбиясини ўз қўлларига олиш режасини тузишга; ўзларининг яширин қудратларини ошқора намоён этишга бошладилар. Яширин Масихийлик ҳаракатлари давомида тўпланган қувватларини Италиядаги Наполеон ҳокимияти қолдиқларига зарба беришга сарфлаб, шу билан бирга карбонарийлик ҳаракати ташкил этилиши мумкин бўлган барча ўчоқларни йўқ қилишга киришдилар.

Паганини фақат газеталар ёзган нарсаларнигина биларди. Вақт-вақти билан газеталарда қиска, қуруқ хабарлар пайдо бўлиб қоларди. Улардан бири Наполеоннинг музофот ҳокими сифатида Элба оролига етиб келганидан Миланнинг фуқаро аҳолисини хабардор қилди. Иккинчи маълумот Паганинини кўпроқ ваҳимага солди: унда Масихийлар ташкилоти қайта тиклангани ҳақидаги маълумот эълон қилинганди. Бу ҳам етмагандай, Италия фуқароларининг Рим черковига хайрихоҳ бўлиш-бўлмаслигига илм-фаннинг ва санъатнинг таъсири ҳақидаги мулоҳазалар орасида ўз исмининг жамият ҳаётига таъсири тўғрисидаги фикрлар ҳам бўлиши мумкинлигини Паганини хаёлига ҳам келтиролмади.

Фатводор Нови жиддий тарзда шуни исботлаб беришга уринардик, биринчидан, «Паганини» деган ном «раганус» — мажусий ёки сохта илоҳларга сиғинувчи гумроҳ маъносини англатувчи сўздан келиб чиққанмиш; иккинчидан, унинг қасам ичиб айтишича, ҳақиқий Паганини қамокхонада вафот этган, Милан концертларида чолғу чалиб юрган одам эса — қочқиндаги махбус, унинг барча ҳаракатлари оёқ-қўллари кишанланган, занжирбанд этилган ҳолатда узоқ вақт зиндонда сақланганлигидан далолат бериб турибди. Нови бу қочоқнинг қиёфасини тасвирлаб бераётган экан, қамокдан қочган бу одам биринчи пайтларда паноҳ топган орол жаҳаннамнинг энг қудратли, улкан ҳукм эгаси бўлмиш вакилининг макони эканини айтиб, Паганини озодликка чиқмоқлик учун ўз руҳини иблисга сотганига қасам ичиб гувоҳлик берди.

Масихий роҳиблар Италиядаги барча фаранг мактабларини тақиқладилар. Франциялик ёшлар билан алоқадор, франция санъати билан қандайдир даражада боғлиқ бўлган барча жамиятлар тарқатиб юборилди; қорачечакка

қарши эмлаш бир муддат аввалроқ тақиқланган бўлса, энди бунга қўшимча равишда шаҳарларда илмий янгиликларни жорий этганлик учун қамоқ жазосига ҳукм қилиш қонунлаштирилди. Масалан, Римдаги газ ёриткичларни Масихийлар дархол йўқ қилдилар.

Бонапартнинг кичкина ўғли Римнинг қироли деб эълон қилинди; уни Австрияга олиб кетиб, саройда худди қамоққа ташлагандай сақлай бошладилар. Австрия ҳукмдорининг қизи, эндиликда Бонапартнинг малласоч беваси Мария Луизага генерал Найпбергни хос хизматчи этиб тайинлашди. Қайғу-хасратда ўртанаётган Мария Луизанинг отаси Найпбергга бева қизининг барча истакларини бажо келтиришни, ҳатто ўзи очиқ айтишга уялиши мумкин бўлган хоҳишларини ҳам қондириб туришни амр этди.

Собиқ салтанат ҳукмдори Элбада яшай бошлагач, тез орада рафикасидан мактуб олмай қўйди. Яна битта қўзғолиш юз бериб, у Ватерлоо яқинидаги жангда яқун топди. Эндиликда оддий кишлоқига айланган Иоахим Мюрат босқинчилар Корсикасидан Наполи бўғизи қирғоқларига юриш қилишга уришиб кўрди.

Кардинал Боргезе Мюратга хат ёзиб, Францияда Людовик XVIII Бурбоннинг қайта тикланган тахти лиқиллаб тургани ва бу ерда уни — Мюратни дўстлари кутаётганликларини хабар қилди.

Соҳилда эса Мюратни инглиз ҳарбий суди ва Рим черкови вакиллари кутиб олдилар. Суд қисқа бўлди. Собиқ Наполи қироли Наполи соҳилида аскарларга ўқ узишга ўзи буйруқ берди ва отиб ўлдирилди, кейин ҳарбий эҳтиромларсиз кўмиб юборилди.

Тарихнинг Оврўпадаги кескин бурилишларига Италияда одам суякларининг қарсиллаб синишлари жўр бўлди. Бу фожеалар айни Паганини Миландан чиқиб, жанубга, хануз Миланга келмаган Антониа Бйанки ҳузурига йўл олишга чоғланган кунларга тўғри келиб қолди.

Унинг йўли Болонья орқали ўтарди, чунки бу ерда бир йил аввал Антониа концерт берган театрдаги дўстлари Паганинига хабар беришларича, ёш нозанин айнан Болоньяга келиши кутилмоқда экан. Бундай буюк артистларнинг шаҳарларда бир-бирларини топишлари ва учрашишлари қийинчилик туғдирмасди.

Кекса Пунтильо, баритон овоз сохиби, опералардаги ҳажвий ролларнинг қари ижрочиси, синчков нигоҳ билан Паганинини кўздан кечирди. Мевалар, шароби чала ичилган қадахлар, сочилиб ётган буюмлар — булар барчаси сафарга йўл олганингизда пайдо бўладиган безовталиқдан кўра каттароқ бир ташвишдан далолат бериб турарди.

Қария скрипкачини бир чеккага бошлади ва деди:

— Сиз, назаримда, қаттиқ жароҳатлангансиз. Менга қаранг, биродари азиз, Наполига борганингизда, княз мозийгоҳидаги жанубий хоналардан бирига қўйилган уйқудаги маъбуднинг мраммар хайкалига этибор беринг. Наҳотки ўша хонимчангизнинг... маъбудангизнинг овози сизга ўша икки жинсли хунаса бутнинг барча аломатларини эслатган бўлмаса?

Паганинига ўзини мажбурлаб кулиш осон бўлмади. У чолнинг кўзига тикилиб қаради. У ҳазиллашмаётган эди. Паганини бу сўзлар ҳақида ўйланиб қолди. Бу фикрлар ғалати ҳиссиётларни уйғотди: бу жирканиш эмас, кўркүв ҳам эмас, бу — қандайдир бир ғалати қизиқиш эди.

Бйанки хоним Болонйага келмади. Паганинининг иккинчи муваффақиятсизлиги шунда бўлдики, яна унинг деярли барча юклари йўқолди. Хайриятки, бу сафар ҳам ўғирланмай қолган Гварнери скрипкасидан бошқа ҳамма скрипкалари жамланмасини Миланга, жаноб Роллига ташлаб келган эди. Бўлғуси «Орфейлар уюшмаси» низомининг хомаки нусхалари ҳам ўша ерда сақланаётганди. Ишларини бироз юриштириб олиш учун энди Болонйада концерт бермаса бўлмасди. Бунга яхши бир имконият ҳам пайдо бўлганди. Ёш бир бастакор, хушрўй, нозиктаб йигитча, хатти-ҳаракатлари салгина францияликка ҳам ўхшаб кетадиган, балки атайлаб фарангиларга тақлид қилиб юрувчи, Пезаро шаҳрида туғилиб-ўсган Жоаккино Россини концертда у билан биргаликда иштирок этди.

Италиянинг ҳамма нарсадан ҳам кўра кўнгилхушликни афзал кўрадиган бу иқболи порлаган шаҳридаги томошагоҳ сахнасида илк бор учрашиб турган пайтлари Паганини ўттиз икки ёшда, Россини эса йигирма икки яшар эди. Концерт олдидан улар Венеция газеталарини ўқиб ўтирганларида ўрталарида қизгин суҳбат бошланиб кетди.

— Эҳ, Карпани! — хитоб қилди Паганини. — Сиз Миланда ҳукмдорнинг шоири унвонини бўйнига илиб олган,

австрияликларнинг ва Рим папасининг мухлиси, истеъдодсиз ашъорнавис, ҳеч ким, ҳеч қаерда сахналаштирмайдиган сийқа операларнинг нависандаси бўлмиш эшшакни танисангиз керак?

Икковлари — Россини ҳам, Паганини ҳам Карпанининг бундан олти йил муқаддам ҳаётдан кўз юмиб кетган бастакор Гайдннинг таржимаи ҳоли борасида аллақандай бир франциялик билан қилган баҳсларини мириқиб ўқиб чиқдилар. Карпани жиғибийрон бўларди: «...Гайдн бетоб бўлганида унинг ёнида аллақандай сурбет фаранглик эмас, балки мен бўлгандим».

— Ўша «сурбет фаранглик» ким экан? — сўрайди Паганини.

— Қандайдир Луи Александр Сезар Бомбэ. Исмини қаранг! Бу номда Бурбонлар наслининг вакили, Рим ҳукмдорининг насаби, Македониялик Искандарнинг исми бирбири билан кулгили бир тарзда қоришиб кетган. Чамаси, Бомбэ жанобларининг чўқинтирган отаси ва онаси фирт подшопарастлар бўлишган-ов.

Кичиккина хонада болонйалик актёрлар, созандалар ва мусиқа ишқибозлари тўпланишди. Улар орасида сарғиш юзли фаранги, Наполеон кўшинининг зобити жаноб Анри Бейл ҳам бор эди, уни Миланда Арриго Бейл жаноблари деб аташарди. У Россини билан дўстона муносабатда бўлиб, мусиқа ишқибози эди ва у албатта Карпанининг тарафини олди. У осонлик ва зукколик билан жаноб Бомбэ австриялик музофот ҳокимининг камтарингина хизматкорини чув тушириб кетганини исботлаб берди.

— Лекин сизнинг гап оҳангингизга қараганда, ўғрини химоя қилаётганга ўхшайсиз, — деди Паганини.

Жаноб Бейл елка қисиб кўя қолди. Сухбат бошқа мавзуга кўчди. Фақат жаноб Бейлгина ўзининг Луи Александр Сезар Бомбэ афандининг айтиши эканини биларди. Москвага юриш ва Березино кечуvidан сузиб ўтишнинг даҳшату азобларидан кейин Миланда, Болонйида ва Венецияда ҳордиқ олаётган жаноб Бейлгина Иосиф Гайдн ҳақидаги, Вена мусиқаси ҳақидаги китоб ўз патқаламида ёзилганини; бу ўзининг илк бадийи асари эканини; таржимаи ҳолга оид маълумотлар тўлиғича Карпанининг рисоласидан кўчириб олинганини яхши биларди. Шу боис ҳам у сохта бир бағрикенглик билан жаноб

Карпанини ўз қаршисидаги мана бу икки созандалар олдида химоя этардики, уларга Гайдн таржимаи ҳолининг жаноб Бомбэ таҳриридаги матни кўпроқ маъқул эканини англаб турарди.

Оркестр тўпланиб бўлгунига қадар жаноб Бейл томошахонага томон ўтиб кетди. У Барселонанинг ниҳоятда юпқа мовийранг коғозидан ишланган ёндафтарчасини олди ва ўзи дунё бешиги деб ҳисоблаган Ўрта денгиз ҳақидаги фикрлари билан бир қаторда, Россини тўғрисидаги таассуротларини ҳам қайд этиб қўйди. «Россини ниҳоятда ғаройиб мусиқачи! Россини аҳтимол янги Чимароза бўлар» — дея ёзганди Бейл Стендал.

Концерт катта муваффақият билан ўтди. Болонйаликлар мусиқани жуда нозик кадрлар эдилар. Ўша сана уларнинг хотираларида унутилмас байрам сифатида муҳрланиб қолди.

Яна бир қанча оқшомлар дўстона суҳбатлар билан ва кўнгилли сайрлар билан ўтди. Қўшиқчи Жерарди хоним Россинининг мусиқаси ҳақида мулоҳаза юритар экан, Россини ўз куйларининг энг гўзал, нафис жойларида мусиқанинг оҳангдошлик қоидаларидан чекиниш қилишини айтди. Жаноб Бейл бу борадаги фикрини билдириб, граф Риваролга Волтернинг ўз асарларида имло қоидаларини бузиб ёзаётганини исботлаб берганларида, Риварол бунга жавобан: «Имло қоидалари ўзидан кўрсин», деб айтганини хотирлади.

— Сизлар ҳаммангиз яacobчиларсиз, — деган эди Жерарди Россинига, Бейлга ва Паганинига мурожаат этиб, — инқилоб сизларни хароб қилади.

Бу айбловга ҳеч бирлари жавоб бермадилар, уларнинг ҳар қайсиси бу ҳақда ўзича ўй-хаёлда эди. Россини ўзини унчалик ҳам кўзғолончи санамас эди. Паганинини эса бу сўзлардан қалтироқ босди ва ҳозир амалда бўлган «силанум» — яширин ташкилотларнинг кўп йиллик сукути унинг ёдига тушди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Паганини яна йўлида давом этиш имконига эга бўлди. Ўзи излаётган қўшиқчи аёл ҳақида Болонйада бирор маълумот олишнинг иложи бўлмади.

Болонйадаги концертлардан кейин Паганинини қандайдир ғалати холсизлик чулғаб олди. У мўлжаллаган йўна-

лишини кескин ўзгартирди ва бир ҳафтадан кейин Венеция сохил бўйига етиб келди.

Ёмғир майдалаб ёғиб турарди, гиштин уйлар, пушти, ок, мовийранг мрамардан қурилган қасрлар ёмғир пардаси ортида бирбири билан чаплашиб, оқиш доғ бўлиб кўринади. Қорамтир-кўк сувли саёз кўрфаз, захдан моғор босган пойдеворлар, сув ўтлари ва чиркин сув — қопқора улкан қайиқ «Оймома» қўноқхонасининг остонасига сузиб келиши биланок, буларнинг бари Паганинини завқлантириб юборди. Увада кийинган қари бир гадо қайикни чангак билан тутиб турди ва бу хизмати учун дарҳол ҳақ тўлаб қўйишларини талаб қилди. Чарм пешбанд тақиб олган одам буюмларни иситилмаган зах хонага ташиб кирди. Деворларни моғор босиб кетган, зарҳал берилган шифтнинг сувоқлари палахса-палахса бўлиб кўчиб ётибди, дераза ойналари синиб кетган, ёғоч кат тепасидаги пашшахонани чирк ва ис босиб кетган. Ясси сохилда аллақачон хизматини ўтаб бўлган кимсасиз уйлар ташландиқ ахволда, сув босган тош пойдеворлар устида ўсиб турган сийрак ва заиф ўсимликлар сув ўтларини эслатади. Шиша ишлаб чиқарадиган корхонада ишловчи қиз-жувонларнинг юзлари мумдай захил, гўё мўмиёланган мурдаларга ўхшашади.

Биринчи кун Паганини қалбида чидаб бўлмайдиган кўнгил ғашликни, рухий чарчоқни ва осойишталикка бўлган кучли хоҳишни туйди. Аввалига дарҳол жанубга қайтиб, қуёш тафтидан баҳра олиш истаги ҳеч нарсага қарамасдан хумордан чиқиб дам олиш тилаги билан алмашинди; қани энди бир бардоққина қондай кипқизил ломбард шаробини ичиб олса-да, пашшахона ичига кириб, қотиб ухласа. Уйқуси ўчгач эса, офтоб нурларига бурканган Венецияни томоша қилишга қарор қилди. Ёмғир тўхтаган, опшоқ булутлар пардаси ортидаги қуёш худди қадимий кўзгуга, ёинки кумуш баркашга ўхшайди. Сокин ариқларнинг кўм-кўк сувларида акс этган қасрлар, хашаматли ибодатхоналар, қирғоқларда қалашиб кетган турли бинолар, нақшинкор панжаралар, сувнинг яшил-кўк тусдаги тубига тушиб турган зинапоялар оёғи осмондан бўлиб кўринади.

Мақсадсиз биринчи сайр ниҳоятда узоқ чўзилиб кетди. Фйонтего кўприги олдидан у ёқ-бу ёққа тўрт марта

ўтгач, Паганини ортга қайтиш йўлини излаб, яна ўша ердан чиқиб қолди. Бирорта йўловчи учрамади, бирорта ўткинчи йўк, ўлик сукунат. Шунга қарамасдан эртаси куниёк, Паганини бу шаҳарнинг мафтункор жозибасини ҳис эта олди. Жаноб Палфининг чилчиروқлар билан заиф ёритилган, лекин юзлаб кўзгуларда аксланган нурдан чарақлаган, ёғоч тўшамаси оппоқ рангга бўялган, оҳак-гилли шифти кумуш билан зийнатланган улкан томошагоҳларида концерт берганида бу жозоба янада кучлироқ сезилди.

Паганини Венецияда бир йил қолиб кетди. Худди тушдай ўтган бу ажойиб бир йиллик муддатдан сўнг у мавжуд воқеликка аста-секинлик билан, лекин рухий азобларсиз қайтишни бошлади. Паганини ўзига ғалати эрмак топиб олди: муқаддас Марк кутубхонасида Палефатнинг афсонавий дostonларини, «Ғаройиб ҳодисот қиссаси»ни завқланиб мутолаа қилди. У Овидийнинг «Метаморфозалар»ини илк бор ўқиб чиқиб, хайратга тушди: тирик мавжудотларнинг янги шакл-шамойил касб этиши, тирик махлуқотларнинг нобуд бўлиши ва ўлик нарсаларнинг жонланиши унинг хаёлотини ҳақиқатнинг ўзига хос тарзда ҳис этилиши соҳасига етаклади; кечки Венеция тумани унга гўё шаҳарларнинг шакллари-дан ва меъморий тархларидан нусха кўчириб олаётганга ўхшайди; тошдан тикланган Венециянинг ўзи эса сув бағрида худди булутлар каби эриб кетаётгандай ва сирли бир рўёга айланиб бораётгандай туюлади. Ғаройиб пардаларда муаллақ қолган оҳанглар, Венециянинг барокко услубидаги меъморчилиги, ўтган аср бинокорлиги анъаналарининг ғаройиб синоатлари — буларнинг ҳаммасини скрипкачи ўз хаёлотида Овидийнинг мўъжизавор асари билан бир-бирига таққосларди.

Венеция аста-секинлик билан худди қўланкалар салтанати мисоли тасаввур уйғота бошлади, сувлар эса гўёки хотираларни ювиб кетаётгандай туюлади.

Ўзгаришлар ҳақидаги афсона Паганинининг фикр-ўйларини хаёлотнинг бурчак-бурчакларида парвоз этишга мажбур қилади, ўша хилқатларда бу онгу шуур телбаворликка айланади. У ўз тафаккуридаги тасаввурнинг ғалати ўйинларига гувоҳ бўлди, хаёлида скрипканинг наводор симторлари билан Антониа хонимнинг овози ўртасидаги

фарқ йўқолиб, поёни йўқ хаёллар оламида қўшиқчи аёл скрипкага, скрипка эса лобар қизга айланиб қолди. Унинг ўзи, Милан Орфейлари уюшмасининг асосчиси бу ерда — мана шу кўланкалар оламида кимга айланиб қолди экан? Бу афсоналар оламида унинг ўзи гўё Аида операсидаги ўзлигини Эвридикани излашга бағишлаган одам суратига кирди.

## **Йигирманчи боб**

### **ЭВРИДИКАНИ ИЗЛАБ**

Паганини йўқолган бахтини изламоқ мақсадида ўзини тасавурида тажрибали йўлбошчи ва лашкарбоши сифатида хис этиб, Турин шаҳрини эса қидирувни бошлаш манзили қилиб тайинлади. Венециядан жўнаб кетганининг тўртинчи куни сирли хаёлотлар ва шуурини эгаллаган ғайритабиий ўй-фикрлар ўз-ўзидан ғойиб бўлди. У энди хаёлий эмас, балки ҳақиқий Антониа Бйанкини излашни бошлади ва Венецияда бесамар кетган бир йил учун ўзини роса койиди. Сўнгги вақтларда саломатлиги анча тикланган, ўзини ҳозир жуда яхши хис этмоқда эди. Туринда бир қатор ажойиб концертлар берди.

Антониа Бйанкининг дўстлари қўшиқчи хонимнинг яна Болонйага жўнаб кетганини хабар қилишди.

Яна Болонйа, яна худди аввалгидай Россини билан учрашув. Россини нафис оҳангли «Армида» операсини ёзди, «Ўғай қиз» операсини якунига етказди, энди ёзиб тугалланган «Матилда ди Шабран» операси Римда сахнага қўйилади. Паганини Россини билан бирга Бокий шаҳарга бориш истагида эди.

Мана, кўшк ароба сафарга шай; мана, сафар олди-дан Болонйадаги кичик бир қахвахонада сўнгги финжон қахва ичилди. Кутилмаганда соқолли иккита миршаб Паганинининг елкасидан ушлади ва қўлларига кишан кийгизди. Қахвахонадаги хўрандалар дарровгина унинг атрофига тўпланишди, ташқаридаги синчковлар ҳам деразалардан тикилишиб, томоша қила бошладилар. Паганини даҳшатдан саросимага тушди. Аввал ғазаби қайнаб, кейин таажжубга тушди, таҳаййури жазавага айланди. Кўча халойиққа тўлиб кетди. Миршаблар Россинига су-



рат ва қидирилаётган шахснинг ташқи қиёфаси баёнини кўрсатдилар. Қамокдан ашаддий жиноятчи қочган — мана унинг расми.

— Нега ёлғон гапиряпсизлар, аблахлар! — бакиради Россини. — У қанақасига маҳбус бўлсин! Бу одам — буюк скрипкачи Паганини! У — Ватанимизнинг фахри ва ғурури.

— Сиз қанақа ватан ҳақида гапиряпсиз, — мусиқачининг гапини бўлди миршабхона зобити. — Сизнинг асл юртингиз — подшоҳ олий ҳазратлари Франц Иосиф салтанатидир.

— Бизнинг ватанимиз — Италия! — яна қичқирди Россини ва миз устига қаттиқ мушт урди.

Бир дақиқадан кейин эса ҳаммаси тинчиди. Шаҳар ҳокими келиши биланоқ тушунмовчилик барҳам топди. Жаноб Паганини ҳибсдан бўшатилди, миршаблар ундан узр сўраб қўйган бўлдилар.

— У ўша маҳбусга ҳақиқатан ҳам ниҳоятда ўхшар экан! — дейишди бир-бирларига қахвахона хизматчилари. — Ахир худди ўша қиёфанинг ўзи-ку.

Қахвахона эгаси ва унинг хотини бир-бирларига аста бош силкиб, бу сўзларни унсиз маъқуллаб қўйишди.

Римда Паганини «Етим қиз»ни саҳналаштириш бўйича ижодий ва ташкилий жараёнларда иштиёқ билан иштирок этди. Россини асарининг сержилва, ўйноқи садоларидаги ғаройиб бир ширали, оҳангдор, тиниқ куйлар Паганинини шу қадар ўзига мафтун этиб қўйдик, у бир куни ёш дўстини бағрига қаттиқ босганича, кула-кула унга ўз ўтмишини сўзлаб берди. Бу ҳам «етим қиз»га ўхшаш бир қисмат бўлиб — ўз оиласига кераксиз, шон-шўхрат чўққисига кўтарилиш учун турмушнинг машаққатли сўқмоқларида ўзига-ўзи йўл очиб борган, хўрланган болакай қиссаси эди.

Римда «Севилялик сартарош»ни саҳналаштириш анчайин оғир кечди. Бомарше ўз даврида яхшигина обрўга эга бўлганди-ю, аммо эҳтиётсизликка йўл қўйиб, Масихчилар ташкилоти вакилларини мазах қилиб қўйганди. Агар Версалнинг сўнгги кироли даврида Людовик XVI нинг диний раҳнамоси у қарга ўйнаб ўтирган пайтда «Севилялик сартарош»нинг муаллифини ҳибсга олиш тўғрисида фармон чиқартириб олганлиги оқибатида Бомарше тасодиф

билан қамокдан қутулиб қолган бўлса, энди эса Римда «Севилялик сартарош»га мусиқа басталаган одам худди ўша аҳволга тушиб қолишига бир баҳя қолди. Гўёки аллақандай бир махфий фармойиш Рим шаҳридаги барча роҳибларни шу ишга сафарбар қилгандай эди.

Аввалига бир бўёқчи Россинининг тантаналарда киядиган камзулига сариқ бўёқ тўкиб юборди. Парда кўтарилиши олдидан Паганини ўз дўстига бериб улгурган жуда бир кулгили ажабтовур калта чакмон эса бастакорнинг эғнида худди узун таёқ тепасига бир бўлак мато ташлаб қўйгандай кўринарди. Вақт ўтиб боряпти, оркестр аллақачон тўпланиб бўлган. Россини чакмоннинг ҳаддан ташқари узун энгларини қайириб ола бошлади, Паганини эса Аржентина театрининг томошабинларга лик тўла томошахонасига ваҳима билан тикилади. Гўё бутун томошагоҳ рухонийлар билан тўлгандай. Гўёки бир сафга жипслашган аббатлар<sup>1</sup> ва роҳиблар ўзига қарши беаёв ҳужум бўлишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган бастакор шўрликка қарши жангга шайланган эдилар.

Алмавивани қўйлайдиган хонанда Гарчия энгилтаклик билан тўғридан-тўғри ичкилик шишасининг бўғзидан шароб ичарди. Фигарони қўйлайдиган Замбони эса ўз мандолинасини тополмай сарсон. Мана, сахнада Россини кўринади, унинг дастлабки хатти-харакатлари омманинг эътиборини тортмайди, лекин у дирижёрлик пултига худди дор супасига чиқиб бораётгандек бир аҳволда кўтарилла бошлагач, томошабинлар беўхшов чакмони коматини бесўнақай кўрсатиб қўйган бастакорни бутун театрни қоплаган қучли қаҳқаҳа билан кутиб олди. Россини кўлини кўтариб, оркестрни ижрога таклиф этди, томошагоҳга жимжитлик қўнди, театр оҳангларга кўмилди. Мана, Розинанинг деразаси остида Гарчия пайдо бўлди, оркестр чалишдан тўхтади. Алмавива қўйлашни бошлади ва биринчи оҳанглардан кейиноқ гитарасининг ҳамма симторлари инграган бир ёқимсиз овоз чиқариб, бирварақайига узилди. Бир дақиқалик сукунат томошахонадаги бўғиқ кулги ва ҳақоратомуз қийқириқлар билан алмашинди. Мазахловчи қарсақларга бепарда сўқинишлар

---

<sup>1</sup> Эркаклар католик бутхонасининг бошлиғи; Францияда — католиклар рухонийси.

қўшилди. Ниҳоят қайсидир бир очикқўнгил инсоннинг қўли парда ортидан Гарчиага бошқа гитарани топширди. Кейинги бўлимда худди шу воқеа жаноб Замбонининг мандолинаси билан юз берди. Халиги қўл унга янги мандолинани узатди.

Танаффус пайтида Паганини чалажон ахволдаги Россинини иродасини тўплашга ва спектаклни якунига етказишга аранг кўндирди. Кейинги бўлим кўнгилдагидай бошланди. Россини ўзини анча тутиб олди, бутун борлигини иштиёқ ила дирижёрлик вазифасини адо этишга бағишлади. Мана, бадбуруш роҳиб дон Базилио «Тухмат» нутқини куйлайдиган лаҳзалар ҳам етиб келди. Қўшиқчи сахна бурчагига томон юра бошлайди, лекин манфур бир кимсанинг қўллари тиззасидан сал пастроқ сатҳда ингичка бир чилвирни тортиб турганини пайқамайди. У қоқилиб кетиб, бурни билан клавиесин устига йиқилди. Унинг оппоқ ёқасига қон шариллаб оқа бошлади. Бечора актёр юзини узун жуббасининг этагига артишга мажбур бўлди. Олдинги каторда ўтирганлар ғазабдан қутуриб кетдилар. Рим руҳонийлари худди Нерон циркидаги коҳинларга ўхшаб қаҳрли бўқира бошлашди. Кўчанинг шумтака болалари бир маҳал қийқиришиб ва хуштак чалишиб театрга бостириб киришди. Руҳоний ролидаги қонга беланган актёр гандираклаганича сахнадан чиқиб кетди. Барбод қилинган спектаклнинг муаллифи эса даҳшат ичида пултдан сакраб тушди-ю, эс-хушини йўқотган бир алпозда уйига қараб югурди. Оркестр тарқалиб кетди. Роҳиблар, черков дастёрлари, фатвочилар ва бутхона ашулачилари мамнун ҳолда томошахонани тарк этишди. Улар Россинидан қасосларини тўлалигича олгандилар.

Орадан бир неча кун ўтди. Паганини дўстиникида ўтирибди. Россини «Аржентина» раҳбарияти «Севилялик сартарош»ни ҳар куни қатъият билан кўйишда давом этаётганига, опера мўмайгина даромад келтираётганига ишонгиси келмайди. У бошини боғлаганича, хонасида ётибди.

Бир куни тунда Россини кўчадаги тўс-тўполондан уйғониб кетди. Шовқин-сурон тобора унинг деразаси томон яқинлашиб кела бошлади. Бастакор қўрқувдан титраб-қакшаган кўйи бошини ёстикдан кўтарди ва Паганинини чақирди. Скрипкачи товуш бермади. Россини

шовкин кўтараётган оломон «Россини! Россини!», — дея ўз исмини айтиб бақираётганини эшитганидан кейин дахшатга тушди. Муסיқачи шоша-пиша кийинди ва ош-наси ётган хонанинг эшигини очди. Хонада Паганини йўқ эди. Катдаги ўриннинг тахи ҳам бузилмаган. Россини ўз хонасига югуриб кирди ва диваннинг остига яширинди. «Булар рохиблар, — ўйлади у, — хозир мени дабдала қилиб савалашади». Айни шу пайтда зинапояда қадам товушлари эшитилди. Мана, эшикни ҳам гумбирлатиб уриб тақиллата бошлашди. Кўпол, шодон овозлар унинг дархол эшикни очишини талаб қила бошлади. Россини жим. У бошини диван остидан чиқариб, қўрқув ичида эшик томонга қаради. Заифгина эшик қудратли муштарнинг зарбасига дош беролмасдан, қарсиллай бошлаган пайтда мушукнинг кириб-чиқиб туриши учун ерга яқин қилиб эшик тагидан тўртбурчак шаклида очиб қўйилган кичик туйнукчадан газабнок малларанг башара кўринди ва баланд овозда дўқ ура бошлади:

— Россини, уйғон! Музаффар инсон, тур ўрнингдан!

Гапираётган одамнинг кўзи тўсатдан Россинининг диван остидан кўриниб турган калласига тушди. Малла одам эшик тагидан сакраб туриб кетди. У томонда қувнок қахқахалар эшитилди. Россини тезгина диван остидан чиқди-да, кийимларига илашган чанг-ғуборни қоқиб ташлаб, уйқусираган одам қиёфасида эшикни очди. Кейин дахлизга чиқди. Оломон шу заҳоти жим бўлиб қолди. Тўрт киши омма орасидан ажралиб чиқди ва уларнинг бири ҳаммаларининг номларидан Россинини муборакбод этиб, уни «Сартарош»нинг муваффақияти билан табриклади. Россини ўзини тутиб олди. У ўз қадрини билган ҳолда хотиржам таъзим қилди. Аммо кутилмаган дўстларнинг ўз режа-мақсадлари бор эди. Улар томошадан сўнг театрда тўғри шу ерга келган эдилар. Оломоннинг қўлида ёнаётган машғалалар кўчани нурафшон қилиб юборган. Одамлар Россинини қўлларига кўтариб олишди ва «Est Est Est» дея ғалати ном берилган шаробхона томон олиб кетишди. Римда Россини шарафига берилган зиёфатлар уч кеча-кундуз давом этди.

Бу тантаналар якунига етгач, Паганини энди дўстини Римда қолдириб кетаверса бўлишига ишонч ҳосил қилиб, қўнгли енгил тортди.

Паганини йўлга тушаётган пайтда Россини унга жимгина газета варағини узатди.

Венецияда Паганинининг энг яхши концертларидан бири бўлиб ўтди. Кекса, нуфузли скрипкачи Шпор бу вақтда Венецияда меҳмон бўлиб турган эди. Газетада Шпорнинг Паганини скрипкаси ҳақидаги мақоласи чоп этилган эди.

— Ҳа, мен Шпорнинг хузурида бўлгандим, — жавоб берди Паганини Россинининг нигоҳидаги унсиз саволга жавобан. — Тонгни у билан ўтказдим. Мен мусиқа соҳасидаги кишилар билан яқин муносабатда бўлишни табиий ҳол деб билардим. Мен Триестга борганимдан кейин унинг ёнига киргандим. Мен Венеция таассуротларидан кейин ва Венеция муҳитининг одамни лоҳас аҳволга солиб қўядиган таъсиридан кутулиш учун озроқ хордик чиқаришни истагандим.

Паганини мақолани ўқий бошлади:

«Бугун эрта тонгда Паганини менинг уйимга келди. Нихоят мен учун ҳам бу афсонавий инсон билан шахсан танишиш имконияти пайдо бўлди. Италия чегарасини кесиб ўтганимдан буён бу одам ҳақида мен ҳар куни ғаройиб нарсаларни эшитяпман. Бутун Италия бу одам билан фахрланади. Гарчанд бизнинг Оврўпада бунақа турдаги концертлар томошабинларни унчалик ўзига жалб этмасда, бу ерда Паганинини зўр иштиёқ билан эшитишар экан. Олдинма-кейин ўнтадан ортиқ концерт берса ҳамки, ҳар сафар тўлиқ тушум йиғади. Мен Паганини каби скрипкачи томошабинларни нимаси билан шайдо этипти экан, деган саволимга мукамалроқ маълумот олиш учун қўп ҳаракат қилдим, лекин олган жавобларимдан кейин бу мақтовлар мусикадан беҳабар одамларнинг сафсатасидан бошқа нарса эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Паганини ҳақида кимдан сўрасанг, дарров унга таҳсинлар ўқий бошлашади; уни сеҳргар, афсунгар деб аташади; у гўёки скрипкада ҳеч қачон ҳосил қилиб бўлмайдиган товушларнинг ижодкори эмиш. Кенг омманинг Паганини ҳақидаги фикрлари шу сўзлардан иборат, холос. Мусиқий маълумотга эга мутахассислар эса бу скрипкачининг моҳир ижрочи эканини инкор этмасаларда, уларнинг шаҳодат беришларича, айнан Паганини оммани ҳайратга солмоқчи бўлган усул унинг қимматини пастга уради. Бу нарса уни уста фирибгар

даражасигача туширади. Бу тарздаги қусур-камчиликлари уни олқишлашга асос бўлолмайди, аксинча — улкан, кенг ижро имкониятлари йўқлиги ва оҳангдорлик борасида ривожланган мусикий иқтидори мавжуд эмаслигидан далолат беради. Бу томошалар Олмониянинг кекса қишлоқи кўзбойлоғичи — Шелернинг лўттибозлигидан ортиқ нарса эмас. Паганини ўзининг кўпол ва бетакаллуф муносабати билан бу ердаги нозиктаъб мусиқа ишқибозларининг кўпчилигини ўз душманига айлантириб қўйибди. Мен ўзимнинг уйимда ўша одамларнинг баъзиларига айрим қуйларни чалиб берганимдан бери улар ўша олифта Паганинини таҳқирлаш учун мени ҳар бир имкон бўлган жойда кўкларга кўтариб мақтаб юришибди. Бу нарса менга нисбатан адолатсизликдир. Зеро мендай истеъдод соҳибини аллақандай Паганини билан тенглаштиришнинг ўзи нотўғри. Бундан ташқари, бу ҳолат мен учун зарарли ҳамдир. Чунки Паганинининг ижросидан завқланиб юрган мухлислар менинг ғанимларимга айланиб қолмоқдалар. Паганинининг ёвлари газеталарда ёзишларича, гўёки камина Паганинига зид ўлароқ, ҳақиқий, асл италиялик скрипкачилар Пунйани, Таргини, Корелли ва бошқалар асраб-авайлаб ривожлантирган кўҳна санъат мактабининг жозибадор, бекиёс мумтоз ижросини Италия заминидан қайтадан жонлантирган эмишман. Газетада бугун эълон қилинган бу мақоладан мен беҳабар эдим ва у шубҳасиз, менинг фойдамга эмас, балки зараримга хизмат қилади. Чунки венецияликлар ва кенг тингловчилар оммаси, афсуски, Паганини ижрода беназир, деган нотўғри фикрни ўз мияларига қуйиб олганлар».

Паганини алам билан газетани пастга туширди.

— Лекин Шпор ҳали бирор марта менинг ижроимни эшитган эмас-ку! Лоқақал битта концертимга ҳам боргани йўқ!

— Сен унинг концертларида бўлганмисан? — сўради Россини.

— Йўқ, — жавоб берди Паганини. — Олмониянинг бу машҳур мусикачиси Венецияга келганидан буён ҳали бирорта томоша ташкиллаштиргани йўқ.

— Негалигини биласанми?

Паганини елка қисди.

— Ҳа, сен жудаям соддадил ва самимийсан. Сенга

гапнинг очигини айтиб қўяколай: сен ўзингдан бир неча ёшгагина катта бўлган Шпорнинг йўлига тўғанок бўлдинг. Токи Венецияда сен бор экансан, бу ерда у ҳеч қачон концерт бера олмайди: сенсиз уни гулдасталарга ва олқишларга қўмиб ташлаган бўлишарди, сен борингда эса у хатто сахнага қадам босишга ҳам журъат этолмади. Маэстро, сенинг даҳонинг ўз йўлида учраган мусиқа дунёсининг энг кучли истъодларини ҳам куйдириб ташлаяпти.

— Қандай дахшатли сўзлар! — изтиробга тушди Паганини. — Қизик, мен Шпор ҳақида эшитганларимнинг ҳаммаси унинг ниҳоятда софдил одам эканидан далолат бериб турганди. Тўғри, унда олмоний бир такаббурлик бор. Аммо газетадаги мана бу гаплари унинг виждонсизлиги ва заифлиги аломатидир. Яхшиям мен Венеция газеталарини ўқимайман, охириги пайтларда мен қадимий қахрамонликларнинг тарихчилари ва афсонашуносларнинг асарлари мутолааси билан банд бўлдим. Биласанми, ҳозир бир нарсани эслаб қолдим, сенга англиялик фаройиб бир шоир пайдо бўлганини айтишни унутмаёзиман. Бу одам — Англия лорди, Шарқ ўлкалари саёҳатчиси...

— Байрон, — унинг сўзини бўлди Россини. — Эшитганман. У ҳозир Миланда яшаяпти.

Бирданига Паганинининг юзи жиддийлашди.

— Мени Болонйадаги ҳодиса ташвишга соляпти. Ўша суратдаги одам ҳақиқатан ҳам мен эдим.

Россини бу сўзлардан титраб кетди. Дўстининг кўзларига синовчан тикилди. У Паганинининг яширин ҳаёти ҳақида эшитганларининг барисини ёдга олди: Паганинини иккиёклама турмуш кечириб юрган одам, дейишганди. У ҳақда, жуда хавфли карбонарий, черковнинг ашаддий душмани, деган гаплар айтилган эди. Россини умри давомида фақат ўз таассуротларигагина ишониб келганди. Лекин ҳаёт тасодифларга тўла экан-да.

Кўп ўтмай Паганини очик-ошкора душманликнинг янги хуружига дуч келди. У яна Миланга қайтиб, «Орфейлар уюшмаси»нинг раислигига қайтадан сайланганидан кейин, франциялик скрипкачи Лафон уюшмага аъзо бўлиш истагини билдирди. Улар танишдилар. Фаранги скрипкачи Крейцернинг содиқ мухлиси бўлиб, биринчи суҳбатларидаёқ бу мусикачига бўлган чексиз эхтиромини изҳор этди.

— Сиз қайси Крейцерга хайрихоҳсиз? — сўради Паганини. — Улар ахир иккита-ку.

— Сиз мутлақо ҳақсиз, улар туғишган оға-инилар — Родолф ва Огюст. Иккови ҳам Версалда туғилишган, иккови ҳам ҳозир Парижда. Скрипкачи Огюст Крейцер менинг устозим, мен энг ёқтирган бастакор эса — Родолф Крейцер. Бетховен скрипка учун ёзган сонатасини айнан унга бағишлаган.

Паганини бу изоҳга бош силкиб қўяқолди.

...Тез орада Милан газеталарида муаллифи номаълум бир хабар пайдо бўлди. Унда франциялик скрипкачи «Орфейлар уюшмаси» раисидан кўра бекиёс даражада устун эканлиги ёзилганди. «Шубҳасиз, жаноб Лафон скрипкасининг илк садолари биланоқ барча шаҳарларимизни тел-балик жазаваси билан заҳарлаган анави скрипка кўтарган кимсани худди тунги саёк маймунни тириқтиргандай, маймунсимон махлуқни қувгандай ҳайдаб йўқотади», — дейилганди газетадаги хабарда.

— Қаранга! Бу гапларга сиз нима дейсиз? — сўради ундан Лафон навбатдаги учрашувларида. — Мен бу даъватни қабул қилишга тайёрман. Лекин айтингчи, бу хабарни дўстларингиздан қайси бири ёзган бўлиши мумкин?

Паганини қовоғини солди, унинг юзи аламли тус олди. Сўнг Лафоннинг сўзини бўлди:

— Сизнинг гап оҳангингиздан келиб чиқиб, мен сизнинг ошналарингиздан шубҳага тушяпман... Майли бошқа мавзуга ўтақолайлик: агар концертда жўрликда иштирок этсак, қайси асарни чалганимиз маъқул?

— Келинг, Крейцернинг ўзи машҳур Родэ билан бир-галикда чалган сонатани ижро этамиз.

Тайёргарликларни кечиктириб ўтирмай, томошани кейинги ҳафтага белгилашди.

Паганини ўзини энгилтакларча тутта бошлади. У қишлоқдаги «Симонетга акс садоси»ни тинглаш учун шаҳар ташқарисига чиқиб, чиройли чехрали, қора кўзлари катта-катта, қорасоч, озгина оксоқланиб юрадиган одамни кузата бошлади. У муттасил равишда ғалати бир эрмак билан шуғулланарди. Хизматкори унга кумуш лаганчада тўппонча келтириб туради, хожаси эса тинимсиз бир изчиллик билан осмонга қарата ўқ узади. Бу отишмалар минг карралаб акс садо беради.



— Англиялик лорд қўнгилхушлик қияпти, — деди бир куни аллақандай нотаниш бир одам ва Паганини тикилиб турган томонга ишора қилди. — Бу жаноб — лорд Байрон.

Лафон жаноблари эса ўз вақтини ўзга бир тарзда ўтказмоқда эди. Бу моҳир скрипкачи ва катта омад соҳиби бўлмиш одамни бошқалардан ажратиб турувчи, францияликларга хос бўлган енгил ва беқарор табиати қаёққа кетдийкин?! У ўзига керак бўлган маълумотларни хизматкорлардан сўраб олар, австриялик дастёрни қўноқхонага жўнатар, у эса жаноб Паганини бир кунда неча соат ижро машғулоти билан банд бўлаётганини аниқлаб келарди: ҳеч қанча! Паганини умуман соз чалмаётган эди. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, миланлик маҳаллий шифокорлар жаноб Паганини асаб безагининг ғалати шакли билан касалланганлигини аниқлашган. Ҳар бир ижро унга кучли жисмоний оғриқ беради, уйда у ҳеч қачон, ҳеч ҳам, мутлақо қўлига скрипкани олмайди. Бу хабардан Лафоннинг руҳи тушиб кета бошлади.

Мана, концерт куни ҳам етиб келди.

Ўзгаларнинг истеъдоди ортидан кун кўриб юргувчилар — Оврўпа газеталарининг энг йирик солномачи мухбирлари, Вена театрларининг эгалари, мусиқа оламининг нуфузли даллоллари; даҳонинг омадидан ҳам, муваффақиятсизликларидан ҳам бирдай наф кўрмоқликка интиладиган, унинг насибасидан бирор нима юлиб қолишдан умидвор, у ҳақда олтмиш сатргина бирор нима қоралаб, пул ишлаб қолишга уринувчилар; бўйнидаги бўйинбоғининг боғичини кибр ила бўшата туриб, гердайдан бир алпозда, даҳонинг одамлар айтган даражада маҳоратли эмаслиги ҳақида сўз юритишга, ҳеч бўлмаганда тасавурларида ўзларини буюк Паганинидан бир поғона бўлса-да, юқорида ҳис этишга орзумандларнинг ҳамма-хаммалари Миланга тўпландилар.

Паганини тушкун бир кайфиятда актёрлар хонасига кириб келди.

Қувнок, бироз ғалатирок, сочлари узун, кулранг калта чакмон кийган, оёғида йўл-йўл кулранг пайпоқ ва кулранг пойабзал, кизил чолворли ва қанчалик ҳайратланарли кўринмасин, Фахрий легион ордени ва қадамасини тақиб олган скрипкачи ўз рақибига пешвоз чиқди.

Биринчи бўлиб Паганини сахнага чиқди. У мусобақа ҳақида ўйлагани ҳам йўқ. Ҳар доимгидай, кучли бир зўриқиш билан, тингловчиларни хайратга солгувчи ва завқлантирувчи зохирий бир енгиллик билан куй ижро этди. Лекин у Кореллининг скрипка учун ёзилган ҳазин, оддий пьесасини чалди. Мусобақа учун шундай оддий нарсанинг танланиши тингловчиларни хайратдан кўра кўпроқ лоқайдликка солди. Сахнага Лафон чиқиб келди. Паганини уни завқланиб тинглайди. Унинг ижросидаги теранлик ва нафислик тингловчиларни ўзига тобора кўпроқ ва кўпроқ жалб этиб борарди. Томошагоҳ қарсақлар гумбуридан ларзага келди. Паганинига душманлик кайфиятидаги омма ғазабдан жазавага тушган. Бутун томошагоҳ саросимада. Томошабинларнинг кўпчилиги ўринларидан туриб олишган. Паганинининг кейинги пьесаси италиялик мухлисларни таъсирлантириб, иштиёқларини жонлантириб юборди; концертга келган веналиклар уларнинг сафига қўшилдилар. Паганинининг аччиқ ва киноявор мусикаси бир гуруҳнинг қарсақлар бўронига сабаб бўлган бўлса, иккинчи гуруҳнинг қаҳр-ғазабига дучор бўлди. Томошагоҳ ҳақиқий жанг майдонига айланиб кетганди. «Паганини мағлуб бўлди!», деган овозлар ҳамма ёқни тутиб кетди.

Иккинчи бўлимда эҳтиросли фаранги кутилмаганда ғайриоддий бир маҳорат билан италиялик скрипкачини маҳв этишни бошлади. Учинчи пьесада франциялик деярли тантана қилмоқда, тўртинчи, кейин бешинчи пьеса ҳам ижро этиб бўлинди. Мана, ниҳоят олтинчи асар — Крейцер сонатасига ҳам навбвт этиб келди. Лафонга нима бўлди? У жуда ланжлик билан камон юргизади, омма унинг ижросидан таъсирланмайди, қаторларда истехзоли кулгилар эшитилади.

Мана, Паганини сахнага чиқди ва айнан ўша сонатани ижро этди.

Томошагоҳга шундай чуқур сукунат чўқдики, бу жимликда ҳар бир киши ўз юрагининг уришини эшита оларди. Юрак зарби скрипка оҳангларини эшитишга халақит беради, қўллар кўкракларга қўйилади, нафаслар тўхтабди. Ферматадан сўнг бутун томошагоҳ бу моҳирона услубнинг моҳиятини англаб етди: гимнастикачилар, боксчилар, гладиаторлар ҳал қилувчи ҳужумдан олдин

рақибни чалғитиш учун барча имкониятларни вақтинча бой бериб турадилар. Аввалига Паганинининг мағлубияти қанчалик муқаррар кўринган бўлса, унинг тўла-тўқис устунлиги ҳам шунчалик ёрқин бўлди. Паганини жим турарди, қўлларини кенг ёйганича, чап қўлида скрипкани ва камончасини ушлаб олган — унинг шу тобдаги ҳолати худди ўз тақдирини тингловчиларнинг ҳукмига ҳавола этиб қўйганга ўхшар эди.

Қадим римликларнинг қўлини олдинга чўзиб, бош бармоғини юқорига қилиб, «Яшасин!» деб, ёхуд пастга қаратган ҳолда «Йўқолсин!» дея ҳайқириб одати айнан мана шу беллашувда ўзининг янги татбиқини топгандай бўлди. Улкан ва олий санъатнинг соф бир лаззатига дафъатан италияча жўшқин ватанпарварлик туйғуси ҳам қўшилиб кетди. Италия фуқаролари меҳмоннинг иззатини ҳам бир чеккага суриб қўйиб: «Яшасин Италия! Яшасин Паганини! Яшасин жаҳоннинг энг биринчи скрипкачиси! *Evviva Maestro insuperato!*»<sup>1</sup> дея уни олқишлардилар.

Концертда томошабин бўлиб ўтирган австриялик зобитнинг башараси тундлашди. У томошагоҳ нозирига қўл силтади, нозир эса австрия миршаблар бўлинмасини бошлаб кирди ва Лодовико Брем жаноб олийлари, жаноб Федерико Конфалонйери, унинг ёнида ўтирган миқтигина котиби Силвио Пеллико ҳамда шоир Монти ўтирган хос хоначани имлаб кўрсатди. «Яшасин Италия!» деган хитоб айнан ўша томондан эшитилган эди.

Шу онда қалтис манзара дарҳол ўзгарди. Икковлари — фаранги ҳам, италиялик созанда ҳам — қўлларини кучоқ учун кенг очган кўйи катта-катта қадамлар билан бир-бирларига пешвоз чиқдилар. Франциялик машшоқ Паганинига қўл узатди. Рақиблар кучоқлашиб, биргаликда сахна четига келдилар. Энди қарсақлар машшоқларнинг қай бирларига қаратилганини билиб бўлмайди. Сахнага тўққизинчи чиқишларидан кейингина томошахона пардаси ёпилди.

Концерт бошқарувчиси сахнадан артистлар хонаси томон кетиб бораётган Паганинининг ёнида югуриб юраркан, унинг қулоғига нималарнидир пичирлайди. Паганини у томонга ҳатто ўгирилиб ҳам қарамайди, кейин нафрат билан сўз қотади: «Йўқ!» — ва хонага кириб кетади.

<sup>1</sup> Яшасин бекиёс маэстро! (*итал.*).

Фаранги машшоққа келишилганидан кўра икки ҳисса кўп ҳақ берилди ва бу маблағ энди унинг Оврўпа бўйлаб бир йил саёҳат қилишига етиб ортарди.

\* \* \*

Эвридикани излаш самара бермади. У Туринда ҳам, Миланда ҳам, Болонйада ҳам йўқ эди. Яна бир ой ўтди. Тасодифан Милан кўчаларидан бирида икки ўткинчи ўз суҳбатларида Бйанкининг исмини ва Флоренсияни гапириб ўтиб кетишди. Балки гап жаноб Федериго Бйанки ҳақида боргандир, эҳтимол суҳбат жаноб Албертина Бйанки тўғрисида бўлгандир, агар ўша суҳбатдошлар «Via Ricasoli»даги гўшт дўконининг эгаси, венециялик қассоб, хўпоз ва юзлари конталаш жаноб Бйанкини назарда тутган бўлсаларчи? Паганини буни сўраб ўтирмади. Эрта тонгда у Флоренсияга йўл олди.

Шу пайтда у ерда полшалик скрипкачи Липински концерт бераётган эди. Икки скрипкачи дўстона учрашувдан сўнг иккита умумий концерт уюштиришди. Кейин эса Паганини Липинскини биргаликда Пйацентага ва Генуяга боришга кўндирди.

Муסיқа ҳақида, муסיқа оламини кизиқтираётган нарсалар ҳақида суҳбатлашиш давомида улар Парижда юзга келган ва Оврўпанинг барча муסיқачиларини безовталикка солган баҳс-мунозараларга тўхталдилар. Бу муסיқа санъатининг икки етакчиси — «Орфей»нинг муаллифи, мутафаккир Глук ҳамда «енгил куйлар яратувчи»си Пиччини ўртасидаги жанжал эди. Паганини бу баҳсни тушуна олмади. «Гўзал оҳангга ҳалол хизмат қилиш ва муסיқий ғояга ҳалол хизмат қилиш»ни у ўз ижросида шу қадар уйғунлаштириб юборган эдики, унинг учун Пиччинининг асарлари ҳам, Глукнинг муסיқаси ҳам бирдай тушунарли эди. Булар «қонуний» асарлар эди. Аммо глукчилар ва пиччинипарастларнинг мунозаралари унга ноқонуний ва кулгили эди. Бу номларни у ҳажвий операларга муносиб атамалар деб ҳисобларди.

\* \* \*

Африка кемаси Наполига вабо касаллигини олиб келди.

— Бу сайёҳларни иблис етаклаб келяпти! — кичкиради Паганини ижарада турган хонадоннинг эгаси.

Машхур скрипкачи ўзининг денгиз саёхатчилари сирасига кирмаслигига, Римдан бу ерга қўшқ аробада келганлигига уй эгасини ишонтиришга қанчалик ҳаракат қилмасин — соҳиби хонадон ўз фикрида собит қолаверди. Паганини ҳам қатъиятли бўлишга қарор қилди. Хўжайин, унинг катта ўғли, хўжайиннинг иккинчи ўғли, хўжайиннинг кизи ва хонадон бекаси уйдаги бор рўзғор асбоблари билан қуролланган ҳолда Паганинининг эшиги олдида турардилар. Улар скрипкачининг ёғоч катини кўчага чиқариб ташлашди, катнинг устига бор-йўқ озгина буюмларини ташлаб қўйишди ва ҳаммасининг тепасидан Гварнерининг машхур скрипкаси жой олди. Ёмғир томчилай бошлади. Паганини хонасидан югуриб чиқди, бор мулкининг устини ёпиб қўйди-да, ўзи ҳам кўчада қолишга мажбур бўлди. Чунки унинг «истехкоми» аллақачон «душман» томонидан эгаллаб бўлинган эди. Паганини кузнинг тўсатдан ёпирилиб келган совуқ ёмғирдан ивиб, қалтираган қўйи, токи Липински уни кўргани бу ерга келиб, ахволини кўриб, ўз уйига судраб кетгунича худди химоясиз бир гўдакка ўхшаб, кўчада тураверди.

Паганини шамоллаб қолди. Бегоб бўлиб ётган пайтида у шимолда юз берган мудҳиш воқеалар ҳақида хабар топди. Туринда, худди бир йил муқаддам Наполида воқеъ бўлгани каби кўзғолон кўтарилибди. Бу ҳақда шивирлаб гаплашишарди, Паганини исён борасида бирор аниқ маълумот ололмади.

Полшалик дўсти билан хайрлашиб, Миланга қайтганида, у нималар юз берганини кўриб, даҳшатга тушди. Карбонарийларнинг жанубий ва шимолий ташкилотларининг ўзаро келишувларсиз, турли муддатларда кўтарилган кўзғолонлари муваффақиятсизликка учраб, кўп сонли ҳибсларга сабаб бўлганди. Карбонарийлар томонидан қамоққа олиниб, халқига садоқатли бўлишга қасамёд қилганидан сўнг озод қилинган Наполи қироли энди ажнабий қўшинларнинг бирлашган қўшилмалари кўмагида тахтини яна қўлга киритди. Карбонарийлар раҳбарларининг ортиқча ишонувчанликлари туфайли Туриндаги ва Миландаги кўзғолонлар осонгина бостирилди.

Жаноб Федерико Конфалонйери, Силвио Пеллико, Марончелли ва бошқа минглаб исёнчилар Австрия ҳукумати томонидан қамоққа ташландилар.

Карбонарийлар, яъни «қўмирчилар» ҳаракатига қарши Рим черкови калдерарийлар — «ўчоқсозлар» ташкилотини барпо этди. Масихий жосуслар Рим черкови хизматига йўл усти талончиларини, майда киссавурларни ва йирик ўғрилари жалб эта бошладилар.

Бош роҳибнинг ижозатини олгач, калдерарийлар гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, ишга киришишди. Бошланғич вази-фа маълумот тўплашдан иборат бўлди. Майдонларга махсус қутилар қўйилиб, уларнинг ичига шаҳарликлар эрк-парвар кишиларнинг рўйхатини ташлай бошлашди. Қути олдида турган рухоний шу ернинг ўзидаёқ чақимчининг гунохидан кечиб юборарди. Рўйхатлар ниҳоятда махфий тарзда кўриб чиқилиб, кейин эса бир қадар қисқа муддатда карбонарийчиларга алоқадорликда гумон қилинганлар исзиз ғойиб бўлиб қолардилар.

Паганини охир-оқибат сотиб олишга мажбур бўлган шахсий қўшқ аробасида бутун Италияни босиб ўтиб, яна Миланга қайтиб келди. Бу ерда Ролла узоқ вақт эгасини кутиб ётган бир мактубни унга топширди. Паганини хатжилдни ҳовлиқиб очиб, мактубни ўқиғач, ўзини худди миясига қон уриб кетгандай ҳис этди.

Эрта тонгда у жануб томон ошиқиб борар экан, ўзини ҳаяжонга солиб қўйган сатрларни йўл бўйи қайта-қайта ўқишдан чарчамасди.

«Нахотки бу муҳаббат бўлса? Нахотки муҳаббат шундай бўлса?» — ўз-ўзига савол берарди у ботиний бир титроқ билан. Ўша аёл мени севармикан, деган савол уни энди ортиқ қийнамай қўйди.

У юрак ўйноғи билан Испан пиллапояси яқинидаги чоғроқ бир уй ёнига келди. Тепалиқда, ой ёғдусида Тринити деи Монти черкови ярқираб кўринади; сайёр оркестрдагилар пуфлама соз чалиб боришяпти, оппоқ кўйлақ кийган қиз ва ҳаворанг нимча ва штаб зобитининг нишонни қадалган мовий қалпоқли йигит хайрлашув олдидан кўча муюлишида жонҳолатда ўпишишмоқда.

Паганини эшикни тақиллатди. Яна тақиллатди. Ичкаридан норози бир шанғиллаган бир овоз эшитилди:

— Ҳа, нима керак?

Паганини Бйанки хонимни кўрмоқчи эканини айтди. Шундан сўнг эшикни очишди.

— Бйанки хоним жўнаб кетганига уч кун бўлди.

— Нима? — хайрон бўлди Паганини.

Кампир шундоққина унинг бурни олдида эшикни қарсиллатиб ёпди. Паганини бор-йўқ кўч-кўрони тугилган бўғчасини ерга ташлади-ю, унинг устига ҳолсизгина ўтириб, юзини қўллари билан беркитди. Эшикнинг гижирлагани эшитилди, кампир ташқарига чиқиб, Паганинининг юзига шишачироқ тутди.

— Исмингиз нима?

Жавобни эшитгач, у гулоб сепилган хатжилдни Паганинининг қўлига тутқазди. Паганини унга бир лира берди ва кампирнинг юзиде иршайишга ўхшаш бир ифода пайдо бўлди. Паганини чирокни яқинроқ тутишни сўради ва қўллари қалтираганича мактубни ўқишга тутинди. Бйанки унга Наполида учрашув тайин этган эди. Қисқагина хат: «Наполида кутаман. «Қуёш» қўноқхонасига келинг».

Эрталаб яна пойга бошланди. Иккинчи кун оқшомга келиб — яна айнан ой анворида у қўзлаган манзилига етиб келди. Уни ичкарига қўйиб, кутиб туришини сўрашди. Бйанки хоним қўноқхонада йўқ эди, у муассаса хўжайини яшайдиган алоҳида иморатга жойлашибди. Унинг ҳозир қаерда эканини билгани кетишди. Паганини вазифаси ҳам, безатилиши ҳам ноаниқ бир хонада ўтирарди. Юраги айрилиқнинг сўнгги сониялари саноғи билан тепади, қалб қурғур гўё вақт оқимини тезлаштирмоқчига ўхшарди. Тўсатдан хонага оппоқ қўйлак кийган бир қиз капалак мисоли қанот қоқиб кириб келди: у кувноқ, шўх кулган ҳолда, валс оҳангида хиргойи қиларди: «Паганини, Паганини, Паганини!»

— Тентаккина! — У Паганинининг ёнида яна бир айланиб олди-да, шундоққина бурнининг олдида шодон қарсақ чалди. — Сиз беҳудага кутяпсиз, қушча бугун эрта тонгда Палермога учиб-учиб кетди.

... Кўча муюлиши, Паганинининг сурати туширилган катта жарнома. Унда жимжимадор эълон битилган: «Янги Орфей, беназир ижро устаси — Maestro insuperato».

«Бу ўтган йилги жарнома шекилли» — ўзича ўйлади Паганини. Йўқ, ажабо, бу уч кун илгари бўлиб ўтган концертнинг эълони бўлиб чиқди.

— Бу нимаси? — Паганини бош силкиб, жарномага ишора қилди, аравакашни тўхтатмоқчи бўлди.

— Жуда зўр иш бўлди! — деди аравакаш. — Яна қайтиб келганингиз зўр иш бўлди-да.

Паганини ундан аниқлаштириб олмоқчи бўлди:

— Демак, анави шимолга жўнаб қолибди-да?

— Анави деганингиз ким?

Паганинини безовталиқ чулғаб олди. Кимдир унинг номидан нағма чалиб юрибди. У ким бўлдийкин? Бу фалати сохта Паганини ким бўлиши мумкин?

... Палермога яқинлашгани сайин кун кизиб бораверди. Отларни алмаштириш икки соатга, уч соатга чўзилса юрак сиқилиб, ғазабинг келади. Бу сафар эса бу дахмаза ўн саккиз соатга чўзилиб кетди. Тун бўйи беҳуда қутишдан кейин, ниҳоят йўлга тушди; мана денгиз соҳили. Мана Италиянинг жануби, мана баландлиги одам бўйи келадиган агава буталари.

Айвони каттакан қалпоқ кийиб, елкасига милтиқ илиб олган чўпонлар пода атрофида айланиб юрибдилар. Офтобда қуйган ноҳуш башаралар. Сочларига пат қўндириб олишган. Қиррабурун, бургуткўз, чайир, расо қоматли одамлар. Боскинчи қиёфали руҳонийлар ва зоҳидбашара қароқчилар. Мана, пилта милтиқ кўтарган махсус йўл бошловчи харракка келиб ўтирди. Мана шу йўл бошловчи учун қўшимча ўн беш лира ҳақ тўлашга тўғри келади, чунки бу мажбурий муҳофаза эди. Қўноқхонада аллақандай бир одам Паганинига: «Агар қўриқчи ёлламансангиз, оқибати ёмон бўлади» — деганди. Ниҳоят, денгиз орқали қисқагина кечув. Қилт этган шамол йўқ. Улкан яшил тўлкинлар ҳам супадай ясси.

Палермо. Уёғига қочишга йўл йўқ. Бундан нарисиденгиз ва Африка соҳиллари. Нариги томонда — Тунис ва Жазоир ҳамда сахро қумлари. «Агар у ўзидан қочаётган бўлса, — ўйлайди Паганини, — бу қисмат уни бутун умри давомида таъқиб этиб юради. Агар мендан яширинаётган бўлса-чи?..»

Фикр, тўғрироғи — хотира, ундан ҳам аниқроғи — тасаввур унинг миясини тиф билан кесгандай ачиштириб ўтди. Худди қабртошга ўхшаган тўртбурчак тоштахта, унинг устида — Наполи мозийгоҳининг мўъжазгина хонасидаги ўша тоштахта устида бор бўйи билан чўзилганича



оппоқ мрамрдан йўнилган тош асар — хунаса хайкали узала тушиб ётибди.

\* \* \*

Сицилияликлар — мусиқанинг ашаддий мухлислари эмас. Палермо театридаги томошаларга асосан инглиз флотининг денгизчилари, австриялик зобитлар ва тасодифий йўловчилар ташриф буюришар эди. Абдуррахмоннинг оиласи — ота ва тўрт ўғил доимо биринчи қаторлардан ўрин эгаллар эдилар.

Антониа Бйанки ва Никколо Паганинининг мусиқий яккахон — алохида-алохида ижролари ҳақида хабар бергувчи жарномалар тобора камроқ кўзга ташлана бошлади. Антониа хоним машҳурлик борасида ниҳоятда шухратпараст эди. Учинчи концертдан кейиноқ эр-хотин ўртасида гап талашилар бошланди. Паганинининг рафиқаси скрипкачи фақатгина хонандага жўр бўлиб туриши керак, деб ҳисобларди. Паганини унинг бу гапларига фақат кулиб қўяқоларди ва уларнинг ўзаро муносабатларида жўрлик қилиб туриш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини уктиришга уринарди; ҳар бирлари ўз бўлимларини мустақил ижро этадилар. Кейин эса Никколо барибир хотинига бажонидил бўйсунарди.

Тез орада у Антонианинг кўзларидаги чакноқни ва юзларидаги қизилликни пайқади ҳамда тўғри англади. Антониа ҳам буни тасдиқлади. Тоғда, Пестум яқинидаги қишлоқда унинг холаси яшар эди. Оғироёқ аёлга бундай пайтда хотин кишининг ёрдами жуда керак бўлади.

Антонианинг қари, вайсаки, қирғийбурун, фолбинбашара, томирларида юнон қони оқиб турганининг аломатлари юз тузилишидан зоҳир бўлиб турган холаси Паганини билан тезда қадрдон бўлиб қолди. Сўзамолгина бу одам кампирга ёқиб қолганди, унинг сабрсизлик билан фарзандини кутаётгани холани қувонтирди; скрипкачининг бой-бадавлат ва сарбастлиги айниқса маъқул келди. Жаноб Паганини шайнига муттасил ва ҳаддан ортиқ мактовларни ёғдиравергани учун, ҳатто жиянидан таъна-дашномлар эшитиб олишга ҳам улгурди. Лекин арзимаган бир кичик сабаб туфайли у янги қариндоши билан ўрталаридаги муносабатларини бузиб қўйди. Антониа хонимнинг қайсарлик қилмаётганидан холаси бениҳоя

таажжубда эди: хомиладор аёл инжиқ бўлиши шарт! Паганини кампирдан Антонианинг миясига бундай хавфли фикрларни сингдирмасликни илтимос қилди.

Аммо ўгитлар ўз ишини қилиб бўлганди, Антониа хоним инжиқланишга қарор қилди.

Биринчи жанжал Италиянинг шимолида Паганинининг кўплаб дўстлари қатл қилингани ҳақидаги хабар туфайли келиб чиқди. Аразлари икки кунга чўзилди. Эрхотинлар, ҳатто гаплашмай ҳам қўйишди. Бйанки хоним даб-дурустдан ғазаби қўзиб, исёнчиларга хайрихоҳлиги учун эрини айблай бошлади. Қахрли бир оҳангда «хар бир карбонарийни ўз қўллари билан бўғиб ўлдиришга орзуманд» эканини айтди.

Палермода жаноб Паганини тор доирадаги танишлари билан андармон бўлиб қолди. У шаҳар яқинида, балиқчиларнинг кулбалари қаторлашган масканда хордиқ чиқаришни ёқтирарди. Унинг ўз таъбири билан айтганда, сицилиялик юзлаб балиқчилар тўпланишиб, мўъжазгина кўрфазда яримдоира бўлиб ўтириб олганларича, скрипкадаги жозибадор ижросини ҳузурланиб тинглашлари Паганини учун энг буюк мукофот эди. Бу — сокин, шаббодасиз окшомларда балиқ овидан қайтаётган қайиқларнинг бемажол шалвираб қолган ранг-баранг елканлари оловдай ловиллаб турган шафақ нурлари ёлқинида ёрқин-ёрқин доғ бўлиб кўринган чоғларда очиқ осмон остида берилган концертлар эди.

1825 йилнинг 23 июль куни Ахиллино Паганини дунёга келди. Буюк скрипкачи Никколо Паганинининг ҳаёти ҳақидаги ҳар қандай маълумотлар орасида фақат мана шу сана — унинг ўғли таваллуд топган кун мутлақ аниқдир. Ҳатто, Никколо Паганинининг ўзи қачон туғилганини аниқлаш борасида ҳам фикрлар турлича. Буюк скрипкачининг мухлиси Шоттки томонидан ёзилган мадхиябозлик руҳидаги ривоятлар, мусиқачининг шахсий мактублари, кейинги давр тадқиқотлари ва ҳужжатлар Паганинининг ижодий фаолияти ва ҳаётининг кечмишларининг аниқ солномасини яратиш имконини бермайди. Лекин фарзанди дунё юзини кўрган сана барча ҳужжатларда аниқ кўрсатилган: бу воқеа 1825 йилнинг 23 июль куни юз берган.

**Йигирма биринчи боб****ЭВРИДИКАНИНГ АСЛ ҚИЁФАСИ**

Фарзандининг илк табассуми Паганинини хузурбахш кайфиятга, ибодий бир ҳолатга солиб қўйди. Гўёки бутун дунё узлатга чекилган-у, бор ҳаёти дунё мана шу мовий кўзларда тажассум топгандай. Паганинининг ўз фарзандига бу қадар кўр-кўрона сиғиниши шу даражада буюк эдики, ўз овози тиниқлигини йўқотиб бораётганидан шикоят қилган хотинининг сўзларига унчалик аҳамият бермагани учун у бир қадар аламда эканини ҳам, эрининг бутун диққат-эътиборини боласи эгалаб олганидан рашки кўзгаган аёлниги қаҳрини ҳам сезмасди.

Ахиллино туғилишидан анча аввалроқ Антониа хоним шимолга саяхат ҳақида, Оврўпада концертлар бериш тўғрисида орзуларга берилганди. Энди эса у эрининг Палермода яшаш ўзига жуда хуш ёқиши, болалигида Алп кўлларининг қорликларида, Крмонанинг қорликларида шамоллаб қолганини, энди совуққа асло тоби йўқлиги ва унга Сицилия қуёшининг жазирамаси зарур экани ҳақидаги дийдиёларини эшитишга мажбур эди.

Паганини Палермонинг сокин ҳаётидан лаззат оларди. У гўё қачонлардир Луккада ўзи кўрган ғаройиб тушни қайтадан бошдан ўтказаятгандай эди.

Аммо энди ўша рўёдаги Арמידанинг ўрнида тобора Медеяга айланиб бораётган Эвридика пайдо бўлганди. Бу жадал қайта қиёфаланиш Паганинини ўз аёлининг қуёш тафтидан товланиш туфайли дағаллашган юзларида қайтмас бўлиб ўтиб кетаётган йилларнинг кўланкаси из қолдириб бораётганини, лунжи билан юқори лаби орасида пайдо бўлган машъум ингичка бурмалар Медеянинг қаҳрли бошини Мегеранинг ажаловар калласига айлантириш арафасида эканини англашга мажбур этди.

Оқшом пайтлари Паганини ўғлини денгиз соҳилига олиб чиқади. Балиқчиларнинг болалари югуриб келишиб, кичкинтойга зарғалдоқ рангли ва ёрқин зангор тусли балиқчаларни, ғаройиб сув ўтларини, уммон юлдузчаларини кўрсатишади. Ахиллино митти қўлчаларини чўзади, лекин денгиз гулчаси ўзининг жажжи гулбаргчасини салгина кимирлатиб қўйиши биланоқ, кулгили бир ваҳима

билан ўзини орқага ташлаб, кейин болаларча шодон кикирлаб кула бошлайди.

Охирги йилларда жуда ҳам тўлишиб кетган Антониа хоним ўзининг бекорчи турмушидан жони ҳиқилдоғига келган пайтда Ахиллино тўрт ёшда эди. У ҳар кунги бир хил таассуротлардан тўйиб кетганди. Паганинининг Антониага нотаниш бўлган шимоллик дўстларидан келадиган мактублар тобора камайиб борарди. Хотини шимолга жўнаш ҳақида гап очгани сайин Паганини тундлашиб бораверарди. Бу пайтга келиб уларнинг ўзаро муносабатлари шу қадар қалтислашиб кетдики, фақатгина хотини билан ажрашиш натижасида фарзандидан айрилиб қолиш ваҳимаси Паганинини ҳар сафар Антониага ён босишга мажбур этарди.

Бу — ўзгариш онлари эди. Дафъатан руҳида улкан ижодий қувват эпкинини ҳис этган Паганини бир кунда лаш-лушларини йиғиб, шимолга томон отланди. Қўшк аробасини, отларни кемага ортиб, кекса холани, энагани, холанинг кучукчасини ва тўртта яшил канарқушларни ўзи билан олди-ю, сафарга жўнаб кетди. Яшилқанот канарқушлар митти Ахиллинонинг энг яхши кўрган эрмаги эди.

Паганинини ҳар куни муттасил таъқиб этиб юрган кўнгилсизлик Калабрия тоғларида уларга пешвоз чикди. Черков ёнидаги чўкиниб ўтиш манзилида Паганини кўшк аробадан тушишни ўзига эп кўрмади. У «муқаддас» хочни тўтиё билмади, ибодатгоҳга заррача эхтиром кўрсатгани йўқ. Руҳонийнинг ишораси билан қишлоқ миршаби кўшк аробани тўхтатди. Отлар ўзларини четга уришди, гўдак чўчиб уйғонди, қафаслардаги қушчалар питирлаб, камига кучукча ҳам акиллашни бошлади. Уйқуси бузилган боланинг йиғиси Паганинининг қонини қайнатиб юборди.

— Анали диндорга нима керак экан? — сўради у баланд овозда.

Миршаб ҳужжатларни кўрсатишларини талаб қилди, сафардошларнинг исм-шарифларини ёзиб олди ва нафратомуз бир жимлик билан ҳужжатларни Паганинига қайтариб берди.

Кечки пайт Наполига етиб келишди.

Шаҳарга кираверишда, божхона чегарасида сочлари оппоқ кекса божхоначи ҳайрон бўлди:

— Афандим, бир хафтада жуда яшариб кетибсиз!

Паганини унга таажжубга тўла нигоҳ ила тикилди. Божхоначи, таъзим этган қўйи ноқулай бир ҳолга тушиб ортига тисарилди, буюк скрипкачига орқасини ўгиришни ҳурматсизлик деб билди.

Константинопол кўчасидаги «Қуёш» кўноқхонаси дарбони кўшкни ичкарига ўтказар экан, хитоб қилди:

— Маэстро, эччеленца, бир неча кунда шунақанги навқирон бўлиб қолибсизки!

«Наполи аҳли ақлдан озган шекилли» — ўйлади ўзича Паганини.

Лекин мана, умумий тамаддихонада улкан жарнома илинган бўлиб, унда Салернодан эндигина келган буюк скрипкачи Паганини концерт бериши эълон қилинганди.

Паганини миз устидаги тақсимчани кўлига оласолиб ерга улоқтирди, дастурхонни шариллатиб йиртиб, бор овози билан бақирди:

— Наполидагиларга нима бўлган ўзи?!

Кўноқхона эгаси саросимага тушган қўйи тамаддихонага югуриб кирди:

— Афандим бирор нима истайдиларми? Тинчликми, жаноб?

Муסיқачи деворга илинган жарномага ишора қилди.

— Ха, тушундим, — кўноқхона эгаси шундай бир оҳангда изоҳ бердики, гўё унинг назарида бу хабари Паганинини бениҳоя даражада қувонтириб юборадигандай эди. — Уни қамокқа жўнатишди. Ҳибсга олинганига уч кун бўлди. У Салернолик ҳисобчи экан, Амалфида, Атранида, Равеллодаги тўйларда скрипка чалиб юраркан.

Паганини жаҳл билан мизга мушт урди.

— Лакавада, Салернода, Наполида, Пестода! Ҳаммангизни жин чалсин!.. — бу сўзларнинг ортидан эса аллақачонлар эсидан ҳам чиқиб кетган, «Бошпана»да доим ишлатиб келинган сўқинишлардан бир қанчасини қўшиб қўйди...

Биринчи концерт яна бир кутилмаган тасодифни олиб келди. Паганини бир вақтлар ўз санъатининг бетизгин мухлислари бўлган наполиликларни танимай қолди. Омманинг бир қисми худди аввалгидай қизгин қарсақбозлик билан уни олқишларди, лекин Паганини томошагоҳдаги биринчи тўртта қаторда ўтирганлар ва яна айрим бир

нечта гуруҳлар оғир ва тунд бир жимликда сукут сақлаб ўтирганларини кўрди. Узун камзул кийган новча бир одам захарли ва қахрли бир нигоҳ билан тикилганича, Паганини кўрмаётгандай, ундан нарига қарагандай гўдаиб ўтирарди.

Тушум тўла бўлди. Эртаси куни тонгда Паганини ва Антониа Наполи ҳокимлигига ва мусиқачилар хузурига ташриф буюрдилар. Кўпгина эшиклар бу сафар улар учун тақатақ беркилган эди. Тасодифлар ҳам турлича бўларкан-да! Паганини бунга хотиржам муносабатда бўлди. Аммо унинг қўшк аробаси олтинчи марта қулфлоғлиқ эшиклар олдидан қайтишга мажбур бўлгач, Паганини Антониага қаради ва бу самарасиз беҳуда уришишларни давом эттириш истаги йўқлигини билдирди.

Тушлик пайти Антониа тамаддига чиқмади, унинг хузурида икки дугонаси — Наполи балети актрисалари ўтиришганди. Улар кетганларидан сўнг, Антониа унга Наполидаги ахлоқий кадриятларда улкан ўзгаришлар юз бергани, энди имкон қадар тезроқ бу шаҳардан жўнаб кетишлари зарурлигини хабар қилди. Бурбонлар қувғиндан қайтиб келганларидан сўнг қўллай бошлаган шафқатсиз жазо чоралари бу шаҳардаги хушчақчақликка барҳам бериб бўлибди.

— Ёдингиздадир, жаноб, — деди Антониа, — бу шаҳарда черков душманлари бўлмиш карбонарийлар қавми маскан қуриб олганди. Наполининг мусиқачилари сизни шубҳасиз дўзахий кучлар билан битим тузган, деб ҳисоблашади. Фақат иблиснинг қўмаги билангина сиз бу даҳшатли қудратга эришган эмишсиз. Дарвоқе, жаноб Паганини, сиз менга, ўз турмуш ўртоғингизга ростини айтинг-чи: сизнинг скрипкангизга қандай торлар тортилган?

— О, хоним! Бу торлар нимадан ишланган бўлмасин, ҳар ҳолда сизнинг адо бўлган овозингиздан кўра жангдорроқ.

Унинг нафас қисиши хуруж қила бошлади. Унга, ўз эътиқодида қатъий турган, санъатга бўлган муҳаббати юрагидаги бошқа барча туйғуларни ситиб чиқарган одамга ўрта асрлар жаҳолатининг, католик тафтиш идораси қийноқларининг қолдиқлари, одамларнинг қабихликлари, католик черковининг ваҳшатлари даҳшатли бир беъмани-

ликдай туюларди. Одамларнинг аҳмоқликлари олдидаги чорасизлик уни изтиробга солмоқда эди.

Унинг ғаройиб фарзандининг онаси, ўз хотини унга сокин, хотиржам нигоҳ билан қараб турарди. У эрининг онгини эзиб, бир муддат уни гарангситиб қўйган азобларни гўёки тушунгандай туюларди. Антониа эрига бош ирғаб қўйди, нозик киприклари аста ёпилди, Медеянинг қошлари уюлиб, юзида ташвиш ва хаёлот ифодаси пайдо бўлди. Паганинига фақат унинг Эвридикасигина тиник, қалбнинг туб-тубигача сингиб борувчи самимий нигоҳ билан бокиши мумкин эди.

— Агар аҳвол буёғига ҳам шундай давом этаверса, — деди рафикаси, — даромадимизга путур етади, концертларингиз бизга бир байокко ҳам фойда келтирмайди...

Паганини уни эшитишни ҳам истамасди.

Эрта тонгда, Антониа эрини ҳам, боласини ҳам ташлаб, жўнатмалар аробасида шошилинч Римга томон йўл олди. Қаерда имкон топа олса, хаворий бошкентнинг қайси жойида илгариги қўшиқчилик қилиб юрган пайтлардаги маъмурий ва рухоний мансабдорлар билан алоқаси ханузгача сақланиб қолган бўлса, ўша жойларда эрининг келишига замин тайёрлаб қўйишга ҳаракат қила бошлади.

Паганини Римга келгач, қўноқхонада, ўзи учун тайёрлаб қўйилган хонада эски дўстини — Россинини кўрди. Улар бир-бирларининг қучоқларига отилишди. Паганинини бағридан қўйиб юборгач, Россини унга оркестр дирижёри бетоб бўлиб қолганини ва Россини дўстининг олдига дирижёрлик қилишини сўраб келганини айтди. Дўстларга рад жавоби берилмайди! Албатта, Паганини бу илтимосни бажонидил бажаради. Дўстлар ёнма-ён ўтиришди. Шу пайт хонага бир болакай югуриб кириб, Россинига бир мактуб узатди.

— Шўрлик Белло, — деди Россини. — Ўлибди. Такдирнинг ўзи сизни унинг ўрнига юборибди шекилли.

— Машғулот қачон? — сўради Паганини.

— Қуёш ботганидан кейин, — ҳайронлик ва тушкунлик билан жавоб берди Россини. — Дарвоқе... кечирасиз-у, бугун кун нимамайди?

— Бугун жума.

Россинининг юзида маъюслик кўринди:

— Жума? Энди яна бир куним бекор кетар экан-да. Беллонинг касаллиги туфайли шундоқ ҳам бир ҳафта вақт беҳуда ўтувди. Бунақада операмни қачон қўяман?

Зинапояда темир пихларнинг жаранги ва шодон қулгилар эшитилди. Қувноқ, шодхуррам Антониа хоним зинадан қўтарилиб келмоқда. Австриялик мўйловдор зобит у билан остона майдончасида хайрлашади. Эшик очик, ҳамма нарса ичкаридан шундоққина кўриниб турибди. Антониа хоним мамнун жилмаяди, зобит унинг қўлини ўпади, кейин бошқасини, ўнг, чап, яна ўнг қўлидан қайта-қайта бўса олишдан тўхтамайди. «Бу ўпишиш қачон тугаркин?» — ўйлайди Паганини. Россини жим. Антониа хоним хонага киради, унинг ортидан, узун, кип-қизил кўйлак кийган, жигарранг жуббасини чилвир билан сириб тортиб боғлаб олган икки руҳоний, хонимга тезроқ етиб олиш учун югургундай бўлиб келмоқда; улардан сал пастроқда ҳарбий кийим кийиб олган йигитча ва бошдан оёқ қора кийинган бир чол пиллапоялардан қўтарилиб кела бошлашди. Уларнинг ҳаммалари хонимнинг изидан Паганинининг хонасига кириб келишди. Хоним эса Россинининг сўнгги сўзларига жавобан унга юзланди:

— Бугун жума бўлса нима қилибди, жаноб Россини. Тайёргарлик учун сизга ижозат берилди. Мен бугун эрталаб Трастевередан кардинал полицмейстер хазрати аълоларининг ҳузурларига бордим ва у зот сизнинг жума кунлари ҳам *repetitio*<sup>1</sup> ўтказишингизга рухсат этдилар. Ҳатто сизнинг ҳам, — у Паганинининг ёнига келди ва уни даҳанидан ушлаб силтаб қўйди, — концерт беришингизга изн олдим.

Тайёргарлик машғулотлари уч кун давом этди. Россини бенихоя мамнун. Аввалига Паганинининг талабчанлигидан ғазабга келган оркестр кўп ўтмай қўлга ўргатилган ювош жониворга айланди-қолди. Аммо анави марҳум Белло... «Айтишларича, италияликларнинг хусусияти — уларнинг тугма муסיқий истеъдоди эмиш. У ҳолда манави ёввойи оҳанглар ниманинг маҳсули бўлди экан?» — ўзўзидан сўрайди Паганини.

Шу орада яна икки кун ўтди, у кечаги оркестрни танимай ҳам қолди. Унинг ҳар бир қош учирешини

---

<sup>1</sup> *Repetitio* — такрорлаш, тайёргарлик (лот.).



хам шахсан ўзлари учун кечирилмас ҳақорат деб билган одамлар энди унинг юзига фавқулудда бир диққат-эътибор билан тикила бошладилар. Рухий ва жисмоний хорғинлик аллақачон ўзининг чуқур изларини солиб улгурган бу чехранинг мамнун очилиб бориши улар учун роҳат-фароғат бағишлай бошлади. «Экко! — ҳайқиради уларга Паганини. — Брависсимо!» Ва бир-бирларига мутлақо ёт ва бегона, шунчаки тақдирнинг кутилмаган такозоси туфайли мана шу — турли хил машғум мишмишлар ва овозаларга нишон бўлиб юрган скрипканинги дирижёрлик пулти олдида жамланиб қолган бу кишилар дафъатан санъатга чидаб бўлмас бир ташналик ҳисси билан, санъатни бемисл қахрамонлик деб билиш туйғуси билан, санъатни бутун ҳаётларининг мазмуни дея англаш эътиқоди билан ёна бошладилар. Бу ғаройиб одамнинг қўлидаги фил суягидан ишланган таёқчага сўзсиз итоат этган кўйи, улар ўзларини буюк артистлар, беназир соҳиби истеъдодлар сифатида ҳис этардилар.

Россинининг операсини омма олдида ижро этиш санаши ҳам етиб келди. Муаллиф, австриялик зобитлар таъбири билан айтганда — жаноб Иоахим, рангидан қони қочганича сахна ортидаги ўзига ажратилган кичкинагина хонада ўтирибди. Унинг ёнидаги миз устида муз солинган бир бардоқ пўртахол шарбати ва қизил муқовали китоб турибди. Паганини кечикяпти...

Паганини кириб келиши биланоқ Россини уни камзулининг энгидан тортиб, миз ёнига судради. У китобни, тўғрироғи, ундаги ёзувни кўрсатди: «Don de l'auteur» — «Муаллифдан». У атайин тўрт юз эллик биринчи саҳифани очди. Бу — жаноб Стендал томонидан ёзилган, 1824 йилда Парижда, Бутуар кўчасида чоп этилган «Россинининг ҳаёти» китоби эди.

— Сен уни эсласанг керак? Уни Болонйада кўргандинг — суворийлар бўлинмасининг энг жанжалкаш зобити. Бутуар кўчасида эса сен танийдиган энг ишқалчи шоир — Беранже «Марселйеза»нинг муаллифи Руже де Лил билан бирга яшайди. Руже де Лилни фалаж ағдарибди. Ҳозир у жуда ночор аҳволда эмиш. Мен ўша кўчада бўлганман, бу китобни ҳам ўша ердан олгандим.

Паганини жаноб Стендал томонидан ўзи ҳақида ёзилган сатрларни ўқий бошлади. Унда ёзилишича, Пага-

нини — Италиянинг биринчи скрипкачиси, эхтимолки, инсоният мавжуд бўлганидан бери дунёга келган энг буюк скрипкачидир. Аммо у ўзининг бу мўъжизавор истеъдодига бирор консерваторий синфхонасида сабр-тоқат билан қилган машқлари туфайли эришган эмас. Аксинча, бунинг боиси унинг узоқ йилларга зиндонбанд этилишига сабаб бўлган мухаббат можаросидир. Жамиятдан ажратиб қўйилган, одамлар томонидан тарк этилган, дорга тортилиш олдидан қамоқхонада ўтирган бу кимсанинг фақат битта машғулоти қолган эди — скрипка ижроси. Ана ўша ерда у қалб фигонини скрипка овозига сингдиришни ўрганди. Бандиликда кечган узун ва узоқ оқшомлар унинг мана шу янги, ғайриинсоний тилни — оҳанг лисонини мукаммал ўрганиш имкониятини таъминлаб берди. Паганинини концертларда тинглашнинг ўзи етарли эмас — томошахонада у ижро бобида мусобақалашиб мақсадида шимол ўлкаларидан келган скрипкачиларни худди Ҳеркулес каби тит-питини чиқариб ташлайди. Бу одамни илҳом лаззатидан сархуш бўлиб, телбавор бир қудрат оғушида ўз каприччиоларини ижро этаётган пайтида тинглаш керак.

Муаллиф Паганинининг каприччиоларига таъриф берар экан, ниҳоятда мураккаблиги боисидан уларни мутлақо ижро этиб бўлмаслигини ва энг оғир концертлар эса унинг учун бир эрмак эканлигини гап орасида қистириб ўтганди.

Паганини китобни миз устига қўймоқчи бўлганди, у «бехосдан» ерга тушиб кетиб, варақлариғимжланиб қолди ва энг ёмони, Паганини қўлқопини кияётган пайтда топ-тоза муқова устига «тасодифан» оёғини қўйди.

У дадил ва шахдам одимлар билан оркестр қаршисига чиқди ва дирижёрлик пулти пиллапояларидан кўтарилди. Унинг ранги оппоқ оқариб кетганди. Пюпитрга урилган таёқчанинг қисқа ва қуруқ товуши. Бир лахзалик ҳавотир. Томошагоҳга шу пайтга қадар Италия эшитишга мушарраф бўлган ширин оҳангларнинг энг ёқимлиси — Россиянинг янги операси наволари ёйила бошлади.

Биринчи бўлимдан кейинги танаффус пайтида пастаккина мўйловдор зобит, бўйига мос бўлмаган баҳайбат темир пихларини жаранглатиб, Паганини билан опера муаллифи ўтирган хонага кириб келди. Икковлари ҳам

жим эдилар ва бу сукунат шу қадар оғир эдики, харбий хос кийимдаги йигит остона ҳатлаб ичкари киришга журъат этолмасдан, эшик олдида тўхтаб қолди. Биринчи бўлиб уни Россини пайқади. Унинг хаёлидан ҳазиломуз бир фикр ўтди: «Ҳозир у енгилгина томоқ кириб қўйиб, ўнг қўли билан мўйловини бурай бошлайди». Ҳақиқатан ҳам зобит унга гўё ғойибий бир буйруқ берилгандай, ўша ҳаракатларни бажарди. Россини буни кўриб, ўзини кулгидан тўхтатолмай қолди. Паганини бошини кўтарди.

— Сизга нима керак? — деб сўради ва ўрнидан турди. Зобит қўлини чаккасига теккизиб эҳтиром билдирди.

«Масихга шарафлар бўлсин, — хаёлидан ўтказди Паганини, — ваҳимамниям жин чалсин, демак бу ҳали хиб эмас экан!». Зобит чарм жилддан бир мактуб олиб Паганинига узатди. Қизил сургуч муҳрлар хатжилднинг беш ерида доғ бўлиб турарди. Бурчагида эса ипак тизимчанинг бир учи қўринади. Зобит таъзим бажо этган ҳолда хатжилдни Паганинига топширгач, чаққон ҳаракат билан пардани суриб, ташқарига чиқиб кетди. Паганини даҳлизда одамлар тўдаланиб туришганини кўрди. У беихтиёр хатжилднинг тизимчасини тортиб юборди. Хатжилд очилди. Уч чўққили тож ва устма-уст хочсимон шаклда қўйилган калитлар тасвири туширилган ёрликда ёзилишича: «Олиймақом ҳазрат ота лутфу марҳамат ила Масих ноиби ҳаворийят кенгашининг қули, коинот черковининг содиқ ўғлони Никколо Паганинининг фариштавор хизматини лутфу карам ила тақдирлайди ҳамда унга Олтин пих мукофотини тақдим этади. Бунинг шаҳодати сифатида ушбу нишонлар илова қилинади». Шоҳи тасма ва заргарона ишланган митти буюмча Паганинининг кафтида ётибди. У худди денгиз бўйида чиройли чиғаноқ топиб олган болакай каби қизиқиш билан бу нарсага тикилганича, ушбу марҳаматнинг боисига тушунолмайд турарди.

Омма қўлларида кўтариб саҳнага олиб чиққан, очик кафтида олмос ва олтиндан ишланган нишон тутган Паганини талмовсираган қўйи томошабинларга таъзим қилди. У ергача эгилиб, етти букилиб, ўнг қўлини кўксига қўйганича, Римнинг олиймақом руҳонийси ўзига қўрсатган эътибордан бениҳоя таажжубини изҳор этиб, Рим аҳли оммасидан ўзининг улкан, оломонни бўйсундиргувчи истеъ-

доди учун хору хўрларча тавба қилаётгандай эди, гўё. У одамлардан ўзининг даҳоси учун кечирим сўрамоқда эди, у улкан томошагоҳ аҳлидан ўзининг беқиёс илҳом қудрати учун афв этишларини ўтинмоқда эди. Аблахлардан ва миршаблардан, киссавурлардан ва мансабдорлардан, сартарошлардан ва қўшмачи-даллоллардан, римлик банк эгаларидан ўзининг улардан олийжаноброқ ва химматлироқ экани учун, ўз умрини улкан ва сўнмас санъат гулханида дақиқа сайин ёндириб тугаллаётгани учун узр сўрамоқда эди. У ўзининг ҳеч қачон разил бўлмаслиги учун, ўғри бўлмаслиги учун, майда рухонийлар идорасида бирор лавозим эгаси бўлишни истамаслиги учун унсиз кечирим сўраётган эди.

Биринчи қаторда ўтирган юқори лавозимли рухонийлар ва диний рутбадаги ҳоким — кардинал-губернатор гўёки илтифот ила жилмайиб, олиймақом ҳазрат томонидан сийланган тубан бир скрипкачига семиз, дўмбоқ кафтлари билан қарсақ чалиб ўтиришибди. Улар бу скрипкачининг итоаткор бир тарзда зоҳиран қуллуқ қилиб турганини кўрмоқда эдилар, холос.

Улар ўзлари учун тушунарсиз бўлган ва фақат шу сабабдангина уларнинг наздида жинойтчи ҳисобланган дохий айни пайтда ботинан ўзининг улардан устун тургувчи тийиксиз истеъдоди учун узр сўраётганини сезаётганлари ҳам йўқ эди; Паганини аслида табиат ато этган самимий бир табассум соҳиби, гўдакларча юзлари кулгичли, кўзлари тиниқ одамча, бутун ҳаёти фақатгина отасининг тақдирига боғлиқ бўлган миттигина мавжудот ҳозир қандай ухлаётгани ҳақида кўпроқ ўйламоқда эди, холос.

Қарсақлар эса тобора баланд ва янада кучлироқ гулдурамоқда. Оломон шовқин кўтариб ҳайкиради. Паганини ўзининг бу одамлардан кўра анча юксақларда эканини янада кучлироқ ҳис эта бошлади. Бу ёқимли туйғудан у сармаст эди. Генуялик жасур денгизчи аждодларининг қайноқ қони унинг чаккаларида мағрур мавж урарди. Кейин эса юрагида шу сон-саноксиз оммага нисбатан ачиниш ҳисси уйғонди.

Паганини оғир бир ёлғизлик ҳиссиётидан тушқунликда кўшк аробага ўтирди. Унинг қаршисида Антониа ўтирарди; унинг қизил югурган юзи, қонталаш лаблари, чакнаб турган кўзлари ўзи амалга оширган тадбирларидан

хаддан ташқари мамнун эканидан далолат бериб турарди. У эрининг гап очишини кутарди. Эри уни миннатдорлик сўзларига кўмиб ташлаши керак эди. Аммо Паганини хорғин бир ҳолда бошини елкасига эгганича, паришонлик билан қўлидаги папа муҳри босилган хатжилдни тушириб юборди. Ёрқин олранг сурғуч ялтироқ қора пойабзалнинг пошнаси остида кирсиллаб майдаланди.

Антониа хоним эрига газаб билан тикилди. Аълоҳазрат отанинг чексиз марҳаматига нисбатан бундай ҳурматсизликдан қалби ларзага келган Антониа даҳшатдан кичқириб юборди ва Паганинининг юзига тарсаки туширди. Аравакаш ортига ўгирилиб қарагани ҳам йўқ, ароба жойидан кескин силжиди, тарсакини қамчин овози деб қабул қилган отлар олдинга ташланишди. Паганини кўзларини юмиб, бошини ёстикқа қўйди.

Эртаси кунгача эр-хотинлар бир-бирларига бирор сўз ҳам айтмадилар.

Эрталаб Паганини «Поншон»ни олиб, Ахиллинининг заифгина елкасига қўйди. Болакай мамнунлик билан камончани ушлади. У отасига тақлид қилишни ўрганиб олганди, ингичка бармоқчалари билан дуч келган торни босиб, митти скрипкачасидан ғинғиллаган, кулгили, болаларча чийилдоқ овозлар чиқарарди.

— У менинг рақибим! — ҳазиллашиб хитоб қилди Паганини. — Чин сўзим, у — менинг рақибим! Ўғлим ҳозирданоқ чоғуни мендан кўра яхшироқ чалапти. Сен — менинг «Олтин пих» нишони соҳибимсан, — деди у кичик Паганинини хона бўйлаб қўллариди чир айлантитаркан. — Олиймақом ҳазрат ота ушбу буюк унвон билан фақат уч кишини мукофотлаган — Моцартни, Глукни ва каминани. О, менинг бебаҳогинам, сен бу мақомга отангдан ҳам кўра муносиброқсан!

Антониа хоним хонага кириб келди. Кечаги воқеа ҳақида сўз очмади.

Паганини хотинига шунчаки, бепарво қараб қўйди. У кечаги жанжални буткул унутишга қарор қилди. Бу унинг ўзи учун эмас, балки Антонианинг манфаати учун керак эди.

Лекин Антониа ҳеч нарсани унутмоқчи эмасди, у ҳар бир сонияни ёдда сақларди — аммо эрини енгил учун, ўзининг сўз бойлиги камлик қилишини билгани учун

сукут сақлашга мажбур эди. Бундан ташқари, у католик черковининг итоаткор қизи сифатида диний кўрсатмаларга заррача шак келтириш ҳам гуноҳи кабир эканини билгани боис, Масихнинг ноибига ва унинг издошларига қарши бораётган жохилни аниқ-равшан мантиқий далиллар билан хато йўлдан қайтариш мумкин эмаслигини англаб турарди. У амалга оширмакчи бўлган режаси ёлғиз ўзига боғлиқ бўлмагани учунгина фавқулодда қийин аҳволга тушиб қолганди. У Паганинининг оқшомда ҳазрат роҳиб миршаббоши ҳузурига ташриф буюришдан бош тортишига асло шубҳа қилмасди.

Ниҳоят, у ҳужумга ўта бошлаганида, Паганини уни таажжубга солди — заррача қаршилик кўрсатмади. Очиги, у ҳеч нарсани тушунмаётганди. У кўшк аробада кетиб борар экан, фақатгина бир нарсани — Ахиллино уйқуга кетиш олдидан уч марта йўталгани ҳақида ўйларди. Уни таассуфга солган нарса эса — йўлга тушаётганларида унга скрипкасани кўтариб олишни ҳеч ким эслатмаган эди.

Ҳазрат отанинг кошонасидаги зиёфатда упаланган ясама соч кийган, бир талай юлдуз ва нишонлар тақиб, тасмалар билан безанган пастаккина бир одам Паганинининг ёнига яқинлашди. У машҳур скрипкачининг ижро услубига қизиқиш билдириб, бу бекиёс маҳоратининг сирасорлари ҳақида сўради. Қаердандир бир скрипка олиб келишди. Бу чолғу тўйларда куй чалиб юрадиган хашаки машшоқларга соз етказиб берувчи нўноқ скрипкасознинг қўлидан чиққан арзонгаров асбоб эди. Лекин Паганини унга камончани теккизиши биланок, скрипка шундай куйлай бошладики, бошқа бирорта одам уни бундай сайрата олмасди.

Паганини камончасини пастга туширгач, нишонларга бурканган митти одам илтифот ила унга юзланди:

— Бизнинг Венага ҳам ташриф буюринг. Қаерда бўлсангиз ҳам сизни ҳерцог Порталла таклиф этганини айтинг. Бугунги Оврўпада сиз учун энди барча йўллар очик. Мавжуд ҳокимият тўлалигича Масих васиятлари ҳамда Рим олий руҳонийси ўғитларига асосланиб жорий этилган. Сиз Римда менинг ҳузуримга ташриф буюргангиз ҳаққи-ҳурмати, бундан буён Алп тоғлари ортидан шимолга қараб барча йўллар сиз учун доим очик эканига ишончингиз комил бўлсин.

У ердан қайтаётганларида, Антониа ташвиш ичида Никколодан бугунги учрашув ва таассуротлари хақида сўради. Паганини ўзининг жаноб принчипе Меттерних билан учрашиши керак бўлганини эслади.

— Лекин у ерда Меттерних йўқ эди-ку, — ўзини оклаган бўлди Паганини.

— Қанақасига йўқ бўлади?! — кичқирди Антониа хоним. Унинг юзлари ғазабдан қип-қизариб кетди. Нафрат тўла кўзлари бечора эрни тешиб юборгундай олайди.

У ҳеч қачон хотинини бу қадар қахрли кўрмаганди.

— Княз Меттерних ёнингизга келди, сиз билан илтифот ила сўзлашди, сиз эса аллақандай ёқимсиз скрипкани фингиллатиб бердингиз.

— Қайси княз Меттерних? — деди маъюслик билан Паганини. — У ахир ҳерцог Порталла эди-ку?!

— Ҳа-да! Ўша ҳерцог Порталла деганингиз княз Меттерних бўлади...

Шишанинг жаранглаб синган овози уларнинг суҳбатларини бўлиб қўйди. Бир жуфт от қўшилган шотили хос ароба уларнинг қўшк аробаларига келиб урилганди. Бакирчақир, жанжал-тўполон, аравакашларнинг сўқинишлари, черков муфаттиш-миршабларининг аралашуви, Паганини учун кутилмаган ҳақоратли муносабат — қоп-қора кийиниб олган аллақандай йигитнинг беписанд терговидан кейин ҳаммалари тарқалишиб, ўз йўлларида кетишди.

...Ҳолдан тойган танасини калтагина, тор ўриндикқа ташлаган Паганини Оврўпага бўладиган сафари хақида хаёл сурган қўйи уйқуга кетаётган пайтда теварак атрофида унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, аммо ҳаётига бевосита дахлдор бўлган ходисотлар юз бераётган эди.

\* \* \*

Ватиканнинг икки юз қирқ тўққизинчи хонасига келтириб берилган баённомага ташланган нигоҳ ниҳоятда қахрли ва совуқ эди.

Бу хонанинг жиҳозланиши ҳам эътиборга молик: кичиккина ва ниҳоятда тор опшоқ темир кат, унинг тепасида — қора ёғочдан ишланган хоч, унга эса фил суягидан йўнилган «михпарчин масих» тасвири маҳкамланган; девордаги мато қоплама шилиб ташланган, ерга ҳинд канопадан тўқилган палос тўшалган; иккита курси, дастур-

хонсиз ёғоч миз. Тиниқ, тоза сув қуйилган шиша товоқ ва кичкина чинни чўмич. Миз устида — патқалам ва сиёҳдон, ташкилот рамзи туширилган бир тўп кўк қоғоз ва яна Масихийлар бошқаруви генералининг тамғаси бо-силган кичик-кичик оч ложувард варақлар. Нарироқда, дераза ёнида яширин жавон; унинг эшикчалари очиқ...

Кўк рангли катта хатжилдга манзилни ёза бошлаган кўл биринчи сўзни ҳам охирига етказмади. Бу мум каби сариқ, шаффоф қўлнинг узун бармоқларида бирорта ҳам зеб-зийнат йўқ эди. Миз ёнида Масихийлик ташкилоти-нинг улкан ҳукмронликка эга бўлган раҳбари ўтирарди.

Тадеуш Бжозовски 1820 йилда боқий дунёга рихлат этгач, унинг ўрнини Алоиз Фортис эгаллади. Айни пайт-да ташкилот генерали хизмат сафарида эди, унинг ва-зифасини ёш голланд Питер Роотаан бажариб турибди. Ёшига муносиб бўлмаган тарзда жиддий, совуқкон бу одам ўзининг эхтироссизлиги, ўзига ва ўзгаларга нисба-тан бемисл қаттиққўллиги, одамий соф хис-туйғуларга бекиёс нафрати тўфайли ташкилотнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган. Тиниқ таҳлилий ақл-заковати унга кунда-лик фаолияти давомида тасодифий юзага келиб қолгувчи масалаларни ҳам, ташкилот томонидан курранинг беш қитъасида олиб бориладиган ишларнинг улкан режасидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳам аниқ ва мукамал ҳал этиш имконини берарди.

Роотаан жаноблари Паганинининг кўшк аробаси билан юз берган ҳодиса ҳақидаги хабарни бевосита олгани йўқ. Роҳибмиршаблар Рим шаҳридаги тўқнашув тўғрисидаги маълумотни диний рутбадаги мишаббошига — кардинал полицмейстерга тақдим этдилар.

— Эҳтиётсиз аравакаш хибсга олиндимиз? — сўради Роотаан.

— Йўқ, — жавоб берди хабарчи, — у ахир коронгида, тасодифан...

Роотаан қўли билан ишора берди, хабарчи шу ондаёқ жим бўлди.

— Демак, жаноб Паганини рафиқаси билан манзилига муваффақиятли етиб олган ва ҳозирда ором олмоқда, шундукми?

Хабарчи бош ирғаб қўйди.



— Ўша аравакаш муқаддас отанинг марҳаматига ноил бўлган ва княз Меттерних томонидан Венага таклиф этилган инсоннинг кўшк аробаси ойнасини чил-чил синдирганидан хабарингиз борми?

— Хабардорман.

— Аравакаш нима деяпти?

Хабарчи қўл силтади:

— Кейинги сафар ишни охирига етказишини айтди.

Роотаан қоғозини чеккага суриб қўйди.

— Австрия Нозирининг кутилмаганда хайрихоҳлик кўрсатишни истаб қолганини тушунса бўлади. Лекин бу бизнинг зиммамизга ҳеч қандай мажбурият юкламайди, — сокин бир оҳангда деди Роотаан. — Муқаддас ота томонидан тақдим этилган мукофот бу — такрорланмаслиги лозим бўлган эҳтиётсизликдир. Жаноб Паганинининг ўғли ҳозир неча ёшда?

Жавобни олгач, Роотаан ўйланиб турди, кейин эса худди ўз-ўзига гапираётгандай, аста сўзида давом этди:

Шундай қилиш керакки, жаноб Паганинининг ўғлининг тарбияси билан тажрибали кишиларимиз шуғулланмоқлари лозим.

\* \* \*

Паганини Римдан жўнаб кетаётганида Россинининг муносабатидаги совуқликдан таажжубга тушди. Россини охириги кунларда ҳар томондан Паганининининг шаънига ёғдириляётган, ҳатто ортиқ даражада пуфлаб шишириляётган мақтов-олқишларнинг гувоҳи бўлди. Опера ас-лида Россинининг қаламига мансуб бўлса-да, кўпчилик одамлар атайин Россинининг хузурида дирижёрнинг маҳоратига тасаннолар ўқимокда эдилар. Айримлар эса, айнан Паганинидек истеъдод соҳиби оркестрга бошчилик қилгани учунгина опера муваффақият қозонганини писанда қила бошлашди. Охир-оқибат Россинининг ўзи ҳам шубҳа-гумонлар ичида қолди: «Модомики, ҳамма ерда фақат Паганини ҳақида гапириб, ҳамма у ҳақда бир хил сўзларни айтаётган экан, демак, бундай фикр-мулоҳазалар учун ўринли асослар борлиги шубҳасиз».

Паганинининг ўзи эса бу гап-сўзлар тўғрисида ҳеч нарса билмасди.

Антониа хоним ўнлаб тавсияномаларни ғамлаб олди. Шон-шуҳрат Паганинини қанотлантириб юборди. У Парижни орзулай бошлади. Паганини ҳозирда улуг устоз дея шарафланаётган Фердинанд Пайернинг ҳозирда Франция мусикачиларига раҳнамолик қилаётганини эшитганди.

Аммо эндиликда ҳар қандай кўчиб юришлар австрияликлар томонидан жорий этилган ўта мураккаб паспорт тизими билан оғирлаштириб юборилган вазиятда Францияга бориб бўларканми?

«Сиз қайси Италия давлатининг фуқаросисиз, жаноб Паганини?»

Сиз Италия давлатининг фуқаросиман, деяпсиз. Лекин Италия — географик тушунча, холос! Апеннин яриморида камида йигирмата мамлакат бор. Модомики, сизни Рим орқали Палермога — шимол томонга чиқариб юборишаётган экан, бунинг учун рафиқангизга миннатдорлик билдирмоғингиз лозим. Ҳар бир қадамингизни ўйлаб босинг. Сизнинг чўнтагингизга келиб тушаётган ҳар дона олтин танганинг, ҳар бир дона дукатнинг жаранги ҳар битта хатти-ҳаракатингизни назорат қилиб турган идорада бемалол эшитилиб туради; сизнинг фаолиятингизни тафтиш этиб турган ўтқир кўзлар, ҳатто дунёнинг нариги чеккасига ғойиб бўлиб қолсангиз ҳам сизни осонгина топиб олишга қодир. Сизнинг даромадингиздан манфаатдор қудрат эгалари бор, жаноб Паганини, сиз уларга улкан мерос қолдирмоққа бурчлисиз, фарзандингиз эса католик черковининг итоаткор ўғлонига айланмоғи шарт.

Демакким, шимол йўли сиз учун очиқ, «Олтин пих» соҳиби бўлмиш муҳтарам тўрам. Сизнинг анчайин бедаб-лигингизга қарамасдан бунга ижозат беришди: ваҳоланки, черков шаънига мадҳиялар ёзиб, скрипкангиз билан черковларда мусика ижро этмоқлик жоиз эканига ўзингизнинг фаҳмингиз етмоғи лозим эди. Рафиқангизнинг ноёб овози сизнинг фаолиятингизга кўмак бўлди. Ҳазрати олийлари ҳерцог Порталла, княз Меттерних ҳамда княз Кауницнинг шахсингизга кўрсатган лутфу марҳаматлари эса ҳаворий аъло ҳазратлари подшоҳ Францининг шахрида сизни эҳтиром ила кутиб олишларини таъмин этади. Лекин эҳтиётсиз қадам босмоқлик хавфидан қўрқувда бўлинг, хатарли китоблар мутолаасидан сақланинг, мусиқий даҳо

сизни бутун олам фуқаросига айлантира олиши ҳақидаги исёнкор фикрларни миянгиздан чиқариб ташланг. Ломбардия-Венеция музофотида сиз — аъло хазратларининг фуқаросисиз, холос. Рим шаҳрида эса сиз боз устига кардинал полицмейстер тўранинг назорати остидаги шахс ҳам ҳисобланасиз».

Паганинининг яқин дўстларидан фақат Пино омон қолди. Паганини унга ўзининг деярли барча мол-мулкани — китоблари, ноталари ва мактубларини қолдириб, шимол томон йўл олди.

Триестада, Венеция, Флоренсия, Перужи ва Болоньядаги концертлари қандайдир бесаранжомлик, нотинчликда ўтди.

Эр-хотин бир ҳафтани Комо соҳилларида ўтказдилар. Шимолий Италия кўллари Антониянинг энг севган масканлари эди. Паганини рафиқасининг шу ерларда туғилганини эндигина билди.

Мана, сўнги бурилишга ҳам етиб келишди. Чегара текширувидан сўнг паспортларини қайтариб олишгач, йўлнинг Крайна, Карантия, Штирия орқали ўтувчи ҳолдан тойдирадиган тоғли қисми бошланди. Мана, Земмерингдан ҳам ўтишди. Олизда, синиқ қоялар тепасида суворий тўралар қасрларининг вайроналари кўзга ташланади.

Тунлари аравакашлар қадимий мунгли славян ашулаларини чўзиб-чўзиб куйлашни бошлашади. Улардан бири — Лоренцино бекатларда шерикларига шивирлаб, бу жойларда мурдалар одам қонини ичиш учун тез-тез қабрларидан чиқиб туришларини сўзлаб беради. У қонхўр мурдаларни даф қилиш мақсадида катта-катта қилиб Папа калитларининг расми ва хоч тасвири туширилган рўмолчасини ёйиб олади. Саваттўрвасидан бир бош саримсоқ чиқариб, саримсоқ — қонхўр инс-жинслардан асровчи энг ишончли восита эканини таъкидлади.

Бу чўпчаклар Паганинига ёмон таъсир этди, айниқса, болаларни ўғирловчи қонсўрарлар уни ваҳимага соларди. У туни билан мижжа қоқмасдан, тун қоронғисига ташвишли тикилганича, уйқудаги Ахиллинони қўриқлаб чиқди.

## Йигирма иккинчи боб

### ВЕНА ЙЎЛИДА

Газеталар буюк скрипкачининг келгани хабарини бердилар. Венадаги қўноқхоналардан бирининг йўлаги олдида тўхтаган Паганинининг нигоҳи ғалати бир эълонга тушди:

«Ўлимга ҳукм этилган ва қамоқдан қочишга муваффақ бўлган буюк италиялик скрипкачи Никколо фон Паганини яқин вақтларда Венага ташриф буюради ва бу ерда концерт беради.

Аълоҳазрат роҳиб ота унинг беҳисоб жинойтларини ва қотилликларини афв этди.

Шошилинг! Кириш чиптаси бир дукат. Томоша тунги соат ўн иккида Вена Катта театрида бўлади».

Ғазабланган Паганини яна олға юришни буюрди, аммо кейинги қўноқхонада ҳам худди ўшандай жарнома илиғлиқ эди. Антониа елкасини қисиб қўйди ва концертнинг лаёқатсиз ташкилотчиси ҳақида бир нималар деб минғирлаб қўйди. У ўзини ноқулай ҳис эта бошлаганди. Артист эса жим. У Антонианинг янги жойда қандайдир тушқунликка тушиб қолганини тушуниб турарди. Италиядаги муваффақиятлар унинг бошини айлантириб қўйган эди. У ўзини оиланинг бошлиғи сифатида ҳис этиб, ўзига бўлган ишончидан ниҳоятда ҳаволаниб кетганди. Чамаси, шунинг касофати билан бу аёл қандайдир бир фирибгар концерт ташкилотчисининг домига илиниб қолган. Энди ишини ўнглаб олишнинг иложи йўқ. Қўчаларда эса Паганинининг қамоқхона панжараси ортида ўтирган расми илиб ташланган. У расмда хушрўй ва маъюс бир ҳолда похол устида ўтириб, гўёки чормихга осилган масиҳ тасвири қаршисида тавба-газарру қуйини чалмоқда.

Ярим тунда қўноқхона хизматкори Паганинининг ҳузурига кириб, ҳужжатларини кўрсатишни талаб қилгач, у жаҳл билан миз устига мушт уриб, қўноқхона эгасини ва миршабхона зобитини чақиришларини буюрди.

Улар келдилар-у, лекин келгинди артистнинг нимадан бунчалик норози бўлганини гўёки тушунмадилар. Паганини ўзининг обрўсини тўқаётган ва уни жинойтчи ҳамда қотил сифатида акс эттирган жарномаларни барча

деворлардан юлиб ташлашларини талаб қилганида, зобит қўлларини икки ёнига ёйганича, агар келгинди италиялик жанобга Вена олий ҳокимиятининг қарори ёқмаётган бўлса, у холда полиция нозири жаноб Седленицкига шикоят қилиши мумкинлигини айтди.

Бу икки «хушмуомала» одамлар кетишганидан сўнг Паганини Антониа билан жиддий гаплашиб олишга қарор қилди. Лекин уни хонасида учратмади. Паганини хотинини кута бошлади. Кейин оромкурсида ўтирган ҳолида ухлаб қолди. Ярим кечада уйғонди. Антониа хоним ҳауузгача келмаганди. У эрталабга яқин хонасига кириб келди ва қачонлардир театрда бирга қуйлаган венециялик дугонасининг уйида тунаб қолганини айтди. Паганини унинг бу баҳонасига аҳамият ҳам бергани йўқ.

— Сиз туни билан ухламабсиз чоғи? — сўради Антониа. — Ётиб ухланг.

Паганини хотиржам жавоб қилди:

— Мен кетяпман, лекин сиз менинг концертларимни ташкиллаштиришга аралашмасликка ваъда беришингиз керак.

Шунда Эвридиканинг қиёфасида ғаройиб бир ўзгариш юз берди. Унинг бутун афсонавий малоҳати бир зумда ғойиб бўлди-қолди. Энди Паганинининг қаршисида бикқа семиз бозорчи хотин ғўдайиб турарди: думалоқ кўзлари косасидан чиқиб кетай дейди, ғазабдан қалтирайди, юзини қип-қизил доғлар қоплаган. У қўлларини белига тираганича, эрини шаҳар майдонидаги шаллақи хотинларнинг беҳаё сўкинишлари билан сийлай бошлади. Эр-хотинлик ҳаётларидаги биринчи жанжалдан бошланган ва жаноб Паганинини эзиб келаётган ёлғизлик туйғуси дафъатан уни бўға бошлади. Бу ҳиссиёт энди хотинидан ҳазар қилиш туйғусига айланди. Антониа овозини кўтаргандан кўтара бориб, муштини тугиб, таҳдид билан эри томон бостириб кела бошлади. Паганини қўлларини орқасига қилганича, буёғига нима бўлишини жимгина кутишни маъқул кўрди. Шу пайт ўғилчаси уйғониб кетди ва чинқириб йиғлаганича, қўлчаларини онаси томон чўзди. Бунга жавобан онаси болакайнинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

— Сизнинг даҳрий эканингизни менга ҳамма гапиряпти, — бўкира бошлади аёл эрига ўқраганича. — Мен-

га сизнинг карбонарий эканингизни айтишган, сизнинг скрипкангиз иблисга нисор этилгани ҳақидаги айбловларнинг ўринсиз эканини исботлаш учун ўша скрипкангизни муқаддас сувга ботириб олишни таклиф қилган роҳибнинг талабини бажаришдан қатъиян бош тортганингизни ҳам айтишганди. Сиз — Масих черковининг душманисиз!

— Бўлмасам-чи! — унга бақирди Паганини. — Нима, сизнингча Гварнери ўз скрипкаларини ишлаганида ўша руҳонийларингиз уни сувга бўктириб қўйишларини истаган эканми? Менинг истеъдодимга, менинг мусиқамга суиқасд қилиш учун бу «муқаддасваччалар» тўдаси ҳар қандай манфурликка тайёр. Ҳа, камина ҳақиқатан ҳам иблис билан ҳамкорлик қилади, камина ҳақиқатан ҳам шайтон ул-лаънанинг қўлида банди. Аммо бу ёвуз куч ўша черков роҳиблари, иблис эса — сиз ўзингизсиз, хоним афандим!

Шу чоғ дабдурустдан бир сакрашдаёқ Антониа хоним девор ёнига бориб қолди. У илгичдан филофни тортиб олди-ю, скрипкага ёпишди.

Ахиллино кўзини кенг очганича тикилиб турса ҳам, уйқуси ўчмагани учун онасини таний олмай, яна чинқириб йиғлашга тушди. Бола ёғоч катдан йиқилиб тушди. Паганини ўғли томонга югурди ва унга қандай ёрдам беришни билмай, саросимага тушиб қолди. Боланинг тепасига келгач, у ўғлининг елка суяги чиқиб кетганини кўрди.

Антониа хоним уйда йўқ, жаноб Паганини ҳам уйда кўринмайди. Симлари узилган скрипка ерда ётибди. Энага аёл скрипкани олишга ва филофига солиб қўйишга журъат этолмади. Хона бўм-бўш.

\* \* \*

«Роҳиблик рутбасини эгаллашни истамаганлар шеър битиш билан ёки мусиқий пьесаларни ёзиш билан шуғулланадилар, — дея ёзганди ўз эсдаликларида давлат девонининг бошлиғи Меттерних. — Ёш Нейнинг нуфузи менга шубҳали туюлади. Бонапарт маршалининг ўғли, оддий темирчининг набираси энг манфаатли таклифлардан бош тортди ва Париж оркестрига оддий скрипкачи бўлиб ёлланди. Шу йўл билан у отиб ташланган маршал учун биздан интиқом олмақда».

Меттерних фелдмаршал Суворовнинг Милан шаҳри вакилларига айтган сўзларини эслади. Австриялик зобитлардан бирининг мусиқа зарарли нарса эканлиги ҳақидаги фикрига қарши ўларок, подшоҳ фелдмаршали шундай деганди:

— Мен мусиқани фойдали нарса деб ҳисоблайман. Айниқса, у баланд товушда янграса. Дўмбира овози эса ҳаммасидан афзал.

«Мусиқа ҳақиқатан ҳам фойдали, — ҳаёлга толди девон бошлиғи, — агар мусиқачи машхур бўлса ва айниқса ажнабийларнинг эътиборларини ҳазрати олийларининг бошкентидаги кўнгилхушликларга қарата олса-ку, инчунун». Шу нуқтаи назардан италиялик скрипкачининг Венага келиши муносабати билан кўтарилган шов-шувга жаноб канцлернинг — давлат девони бошлиғининг ҳеч қандай эътирози йўқ эди.

Тақдир тақозоси билан худди шу йили Вена шаҳри Оврўпанинг энг йирик мусиқачилари тўпланган жойга айланганди. Шу тарзда, Паганинининг Венадаги томошалари унинг Оврўпадаги барча шаҳарларда машхур бўлиб кетишини таъминлади. Вена матбуотида чоп этилган тақризлар, Оврўпалик скрипкачилар ва бастакорларнинг мактублари ўша даврдаги мусиқа оламининг мулкига айланишдан ташқари, газеталарнинг бадиий танқидга бағишланган барча устунларини тўлдириб, умум Оврўпа матбуоти ўзанига кучли оқим бўлиб қўшилди. Тез орада Паганинининг номи ҳамманинг оғзига тушди.

Веналик артист Майзедер, очигини айтганда Паганинининг ягона садоқатли дўсти эди. У италиялик скрипкачини ҳақиқатан ҳам самимий қадрларди. Венада скрипкачидан ягона мақсадда фойдаланиш: пулни ўзига жалб этувчи куч сифатида қўллаш, концерт ташкилотчиларини каттагина даромад билан таъминловчи бир оҳанрабо сифатида тасарруф этишга бўлган интилишлар кўзга ташланди. 25 март санасидаги «Театр газетаси» саҳифаларидаги қатъиян расмий, ҳукумат доираларидаги нуфузли кимсаларнинг фикрини акс эттирган сатрлар Паганинини кутиб олди:

«Генуялик скрипкачи Никколо Паганинининг шаҳримизга ташрифи мусиқа оламининг энг қизиқарли янгилликларидан ҳисобланади. Илк бор ўз мамлакатининг

сархадларидан ташқарига чиққан Паганини, энг аввало бизнинг шарафли бошкентимиз тупроғига кадам қўйди. Вена — санъат шаҳридир. У албатта италиялик скрипачининг бошкентимизга кўрсатган эътиборига жавобан Паганинининг истеъдодига юксак ҳурмат-эҳтиром изҳор этади».

Бу пайтга келиб Паганини ниҳоятда йирик бир асарини якунига етказётган, бу ижод маҳсулини унинг ўзи «La Mancanza delle corde» дея номлаганди. Бу — йўқолиб бораётган симторлар мусикаси эди. Бу — ниҳоятда мураккаб шаклга келтирилган мусиқий мавзуларнинг ғаройиб омухтаси бўлиб, Паганинининг ўлимидан кейин бу асарни бошқа ҳеч ким ижро эта олмаган. Ушбу фавқулодда оғир куйнинг кириш қисми бирваракайига тўртта торда чалишни талаб қиларди. Кейин эса бу ўзгариб борувчи оҳанглар асталик билан икки торда чалинадиган полша рақсига ўтиб боради. Ниҳоят унинг тўртинчи қисми биттагина торда чалинадиган адажиодан иборат. Паганини ўзининг янги асаридан ниҳоятда мамнун эди.

— Агар гўзал бир рондо ёзиб, уни ҳеч қандай торларсиз ижро этмоқликнинг имкони бўлганида эди, ўша асар менинг қалбимда жаранглаётган наволарнинг соф ифодаси бўлур эди, — деган эди Паганини.

Хуллас, Венада Паганини ҳақидаги илк тасаввурлар табиатнинг ғайриоддий мавжудоти қаршисида лол қолган кишиларнинг тассуротларидан таркиб топганди. Венадаги дастлабки концертлар тўла зафар қозонди.

«Санъат ва адабиёт йилномаси»да ёзилишича, Паганини ҳеч бир кимса билан таққослаб бўлмайди, у — бетакрор ходиса. «Мусиқий тафаккур»да эса, «бу артист ўз адажиоларида гўёки сеҳрли таёқчанинг биргина ҳаракати билан қайта туғилади: бир киши тимсолида мусиқий услуб афсунгари ўз ўрнини ниҳоятда оддийлиги ва ижросининг улуғвор бир тиниқлиги билан ажралиб турувчи илҳом соҳибига бўшатиб беради». Биттагина скрипка ижросидан ўнлаб скрипкаларнинг, бутун бир скрипка оркестрининг жаранги таралаётгани тасаввурини берувчи ноталар ва аккордлар ҳақида ёзишарди. Ва яна торларнинг тўрт товушли ғаройиб уйғунлиги ҳақида ёзардилар: бунда айтилган бир пайтнинг ўзида икки овозли пиццикато куйининг умумий оҳангларига сингиб кетади ва бекиёс бир



сеҳр-жоду тасаввурини беради. Томошабинлар талвасада ўринларидан туриб кетадилар ва асосий куй ижросига жўрлик қилувчи ўнлаб скрипкаларни чалаётган оркестр чолғучиларни Паганинининг ортидан излай бошлайдилар. Ваҳоланки, сахнада Паганинининг ёлғиз ўзи биргина скрипкада ўз туйғуларини, руҳий кечинмаларини тева-ракка ёймоқда, холос...

Паганини театрдан чиқиб, кўз қири билан кўшкароба-сини излаётган пайтда ўзига ҳайрат ва қизиқиш билан боқиб турган минглаб жуфт кўзларни учратди. Айрим пайтларда у ўзини оддий бир инсон сифатида қабул қилишларини хоҳлаб қоларди. Мана, тим қора баҳ-мал кўйлакли қиз унга қизиқибгина тикилиб турибди. У ҳозиргина сахнада унга мароқ билан қарсақ чалаёт-ганди, ҳозиргина у ўзига ҳам тушунарсиз бўлган бир завқ ва ҳаяжондан ёшлари дув-дув тўкилаётган кўзларига рўмолчасини босиб турганди, у скрипкачига кўз узмасдан тикилади. Паганини ўзининг ҳорғин ва бениҳоя қайғули кўзлари билан унга қараганида эса қиз скрипкачини ўзининг қаҳр ва нафратга тўла нигоҳи билан куйди-риб юборгундай бўлади. Бунда барча иллатлар омуҳ-та эди — веналик аслзода нозаниннинг қўпол қабоҳати ҳам, ўзидан озгина бўлсада устунроқ бўлган одамнинг муваффақиятидан кўрқувчи ва нафратланувчи хашаки одамнинг тубан хиссиёти ҳам, ҳар қандай овозаларга ишониб, ҳар кимдан гумонга борувчи мутаассиб католик хонимнинг жаҳолати ҳам бор эди.

— Дунай тўлқинлари бу ерда ифлосланиб кетган экан, — деди ўзига-ўзи Паганини.

Ўша пайтларда Паганини борасида Венанинг мусиқа казо-казолари ўртасида бўлиб ўтган мунозаралар ҳам эътиборга лойиқ. Жаноб Шпор аввалига Паганинини назар-писанд қилмасликни маъқул деб ҳисоблаганди. Кейин эса Паганинини омманинг олдида маънан ўлдириб, шар-манда қилиш фикрида қатъий туриб олди. Аммо бу ора-да кичиккина бир тушунмовчилик юз берди: тақризлар йўналиши олдиндан келишиб олинмагани туфайли, Па-ганинининг рақиблари Шпорнинг ташаббуси билан мат-буотда «фош этувчи маълумотлар»ни эълон қила бош-лаганларида танқидий мақолалардаги зиддиятли фикрлар уларнинг ўзларига зарар бўлди.

Асосий мақсад қуйидагича бўлганди: Паганинининг ижросидан фақат савияси паст томошабинларгина завқланиши мумкинлигини исботлаб бериш лозим эди, яъни жаноб Паганини нафақат юксак даражадаги мусиқачи ҳисобланмайди, боз устига унинг кирдикорлари истеъдодсиз цирк кўзбойлоғичларини, скрипкачи қиёфасидаги фирибгарларни эслатади. «Бу — соф санъатнинг аллақандай бир манфаатпараст томонидан қўпол машқларга айлантирилишидир. Бизнинг фикримизча, анави италиялик лўттибоз худди ўшандоқ кимсалардандир. Унинг ижроси туфайли буюк ва қудратли скрипка санъатидан ҳеч нарса қолмади, аллақандай лаш-лушларни ўзига чолғу қилиб олган бу ёввойининг камони ҳаммасини йўққа чиқарди».

Бошқа томондан эса, Шпор, бу танқидларнинг моҳиятига етиб бормасдан мутлақо бошқа фикрларни баён қилди. У шундай ёзганди:

«Паганинининг сурати тагида шундай ёзув бор — «беназир». Аммо унга бу тавсифнинг берилишига ҳозирда эскириб улгурган бир қатор жозибалар сабаб бўлган. Паганини буюк скрипка ижроси санъатига ҳеч қандай янгилик олиб киргани йўқ. Бизнинг ватандошимиз Шелер Олмониянинг ўлка шаҳарлари бўйлаб кезиб, бувибуваларимизни скрипка томошалари билан завқлантириб юрарди. Бу сайлбоп сийқа жозибаларнинг мазмуни шундан иборат эдики, скрипкачи ўз созининг учта торини олиб ташлаб чалади ёки ўнг қўлини ишлатмаган ҳолда пиццикатони биргина чап қўлининг ўзида ижро этади. Хуллас, буларнинг барча найранглари ғайритабиий ва скрипканинг моҳиятига зиддир. Агар Паганини скрипкани фаготнинг товушида янграшга мажбур қилса ёки қари кампирнинг йиғисига тақлид қилса, бунинг нимаси яхши? Мамлакатимнинг қишлоқларидаги хотин-халажнинг бир ибораси бор эди: «Булут йўқ жойда ёмғир бўлмаганидек, Шелер йўқ жойда байрам бўлмайди».

Шпорнинг мулоҳазалари катта мунозараларга сабаб бўлди. Вена газеталарида биргина савол жавобсиз қолиб келмоқда эди: «Кимнинг фикри тўғри? Бир гуруҳ танқидчиларнинг эътирофларига қўра Паганини мусиқа санъатига ҳеч нарса олиб кирмаган эмиш, бошқаларининг айтишича эса, у барча эски услубларга барҳам берган ва

ижроси шу қадар янгики, уни эски мактаб тарафдорлари қабул қилишга қодир эмаслар».

Шпорнинг кундаликларидан яна қуйидаги қайдлар ҳам ўрин олган эди:

«Бугун эрта тонгда Паганини менинг ҳузуримга келди. Менинг ижроим ҳақида ва концертим тўғрисида бир талай мактовлар ёғдирди. Мен эса унинг менга бирор нима чалиб беришини сўрадим. Чунки мен шу пайтгача Паганинининг ижросини бирор марта бўлсин эшитган эмасдим. Бу пайтда менинг ҳузуримда шогирдларим ҳам бор эдилар, улар ҳам илтимосимга қўшилдилар. Аммо Паганини чалишдан қатъий бош тортди ва йиқилиб, қўли лат еганини баҳона қилди. Шу аснода мен бу «буюк соҳир ва жодугар»нинг скрипкадаги ижросини эшитмасдан қайтиб кетяпман».

— Муқаддас черковнинг ноқобил ўғлонлари ҳам йўқ эмас, албатта. Рим ҳаворийят кенгаши раисини ва Олтин пих нишонининг олий соҳибларини чалғитишга уринган кимса ҳам ўшандай нобакорларнинг биридир. Бу тамагир нусха муҳтарама Бйанки хонимнинг каттагина маблағига эга бўлиб олган ва у муштипар аёл ўша талончи Паганинининг бахтиқаро қурбонига айланган. Унга ўғил фарзанд туғиб берган. Гўдак ханузгача черков удум-маросимларидан ўтказилган эмас ва шу боис дўзахга дохиллигича қолиб келмоқда. Энди эса, Никколо Паганини, иблисининг содиқ малайи, ўзининг барча муваффақиятлари сабабчиси ҳамда иштирокчиси бўлмиш жуфти ҳалолини уйдан ҳайдаб юборган. Шу боис ҳам менинг шу масалага боғлиқ бўлган ташрифим ҳақида ҳазрати олийларига хабар беришингизни сўрайман. Алҳосил, дунёвий ҳокимият эгаларининг хатолари туфайли юз бериши мумкин бўлган буюк бир вазвасанинг олдини олмоғим лозим. Паганини черков ўғлони эмас, унинг чалаётганларида эса шукроналикдан асар ҳам йўқ.

Бу сўзларни аллақандай бир роҳиб давлат девони бошлиғи котибиятининг маҳкамасида айтмоқда эди.

— Сиз буларнинг ҳаммасини қаёқдан биласиз, ҳазрат ота? — ҳайратланди котиб.

Масихий юзига итоаткор бир ифода берди ва жавоб қилди:

— Қулоқ инсонга эшитиш учун берилади.

У қўлидаги катта кўк хатжилдни миз устига, котибнинг ёнгинасига қўйди ва жуббасининг шохи астарини шитирлатганича эшик томон шошилди.

Кўк хатжилд — ниҳоятда хавфли жўнатма, унда Масихийлар кишининг ташкилот аъзолигидан чиқарилгани ҳақидаги қисқа хабарларни йўллайдилар. «Бу рухонийларнинг қулоқлари намунча узун бўлмаса?» — ўз-ўзига савол берди котиб ва мовий саҳтиён жилддаги чарм варақларга ёзилган хатлар, маълумотномалар ҳамда ҳисобот ҳужжатларини тартиблаштира бошлади. Кўк хатжилд пакана хомсемиз ҳазрат отага, давлат девони бошлиғининг маънавий пири номига жўнатилганди. Уни тақдим этиш услуги вазиятнинг фавқулодда қалтислигидан дарак берарди. Аъло ҳазратларининг котиби аъло ҳазратларининг пирига аталган шумхабарни — кўк хатжилдни қабул қилиб олди: модомики, бу хабарни зудлик билан аъло ҳазратларига етказиш керак бўлганми, демакким ташкилотнинг қаҳр-ғазаби ниҳоят даражада чексиз экан.

Ҳукмдор хатжилдини келтирган хабаргир ҳеч қандай сўровсиз ичкарига кириб келди. Котиб хатжилдни шахсан қабул қилиб олди, ёш аслзоданинг қўлини қисиб қўйди ва иккинчи қабулхонада ташрифчилардан ким борлигини сўради.

— Ҳазрати олийлари, — жавоб берди хабаргир, — у ерда жингалак сочлари ҳаддан ташқари қалин ва қиёфаси Волтерга ўхшаб кетадиган қоп-қора одам ўтирибди. Мен бу даражада ғаройиб бадбуруш одамни шу вақтгача кўрган эмасман. Агар бу ташрифчи сизга керак бўлмаса уни Шенбруннинг ҳайвонот боғига сотиб юборишингиз мумкин. Рейхштадт Ҳерцоги ҳозир эрмаксиз қолганидан зерикиб юрибди, — балки манави бадбашарани кўриб унинг кайфияти кўтарилиб қолар?

Бундай ҳазил-хузуллар австриялик бир аслзоданинг валади томонидан австрияликлар қўлида фахрий асир бўлиб турган Наполеон Биринчининг ўғли, подшоҳ Францнинг набирасига нисбатан таҳқирона писандсизлигининг ифодаси эди.

— Ким ҳақида гапираётганингизни мен ҳозирча билмайман, деди Меттернихнинг котиби. — Ўша одамни ҳузуримга таклиф этинг.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас Паганини хонада эди. Унинг ранги заъфарон тус олган, кўзлари газаб ўтидан ёниб турарди. Совук, кескин оҳангда у котибга мурожаат этди:

— Мен аъло ҳазратларини қачон кўришим мумкин?

— Чамаси, камина ўз қаршисида буюк Паганинини кўриб турибди, шундоқмасми? — сўради котиб.

Скрипкачи сукутда бош силкиб, буни тасдиқлаб қўйди.

— Ҳазрати олийлари, — тушунтириш берди котиб, — сизни қасрга чақиртиришимни ва барча истакларингизни зудликда адо этишимни буюрганлар.

Соф италияча талаффузда фасоҳатли тарзда сўзланган, аслида аъло ҳазратлари қабул қилмаслигини англатувчи рад жавоби шу фадар тумтароқли эдики, Паганини бунинг рад жавоби эканлигини англолмай ҳам қолди. У ўзининг барча дард-ҳасратларини бир йўла изҳор этиб олиш имкониятидан тўла фойдаланиб қолишга қарор қилди.

— Жаноб олийлари, — гап бошлади у, — мен Венага қамоқдан озод қилинган жиноятчи сифатида кириб келганмишман. Кейин эса бу бўҳтонларга маҳаллий газеталарингизда чоп этилаётган сафсаталар ҳам келиб қўшилди. Мен бундай вазиятда салтанат бошкентининг сахналарида томоша бера олмайман...

— Ха, шундай, албатта, — унинг сўзини бўлди котиб ва қўнғироқнинг ипак чилвирини тортди.

Бир одам ичкарига кирди, котиб миз устига энгашиб, бир неча сатр хат ёзди.

— Ҳозироқ полиция Нозирига шахар бўйича мана бу ижро фармойишини топширинг. Бу аъло ҳазратларининг буйруғи.

У одам хонадан чиқиб кетди. Котиб илтифотли бир табассум билан Паганинига юзланди ва юзидаги истехзони яшириб, сўради:

— Сиз аъло ҳазратларидан сўрамоқчи бўлганингиз шугинамиди?

— Мен ҳеч нарсани сўрамоқчи эмасман, талабим шуки...

Котиб яна уни гапиришга қўймади:

— Модомики, газеталар овозалардан фойдаланиб мўмай пул ишлаб қолиш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилаётган экан ва ён-ким жарномаларда ёлғон хабарлар босилмоқда экан, сиз

бунда олий ҳазратлари ҳукуматининг бирорта мансабдор ходимини айбламасангиз керак? Мен матбуот тафтиши нозирига сиз ҳақингиздаги барча хабар ва мақолаларни синчиклаб кўздан кечиришни буюраман, жаноб Паганини. Тафтиш нозирига тақдим этилган фармойишда фақат сизга маъқул бўлган маълумотларнигина газеталарда эълон қилишлик ижозати берилади. Бундан ташқари сиз концерт томошаларингизда фойдаланишингиз учун миттигина шаҳарчамизнинг энг яхши биоларини танлашингизга кенг имкониятлар яратиб берилиши таъминланади.

Бу ерда айтмоқчи бўлган гапларининг ҳаммаси дафъатан Паганинининг хаёлидан фаромуш бўлди. Унинг қаршисида олифта, башанг кийинган, сочлари санъат даражасида жингалак қилинган, юзларига упа-элик билан оро берилган ҳиссиз бир одам турарди. У Паганинига бирор-бир ифодасиз, маъносиз тикилиб турар, тўғрироғи, кўзларида совуқ бир илтифот, нигоҳида жунжиктирувчи марҳамат сояси бор эдики, унга боқиб, Паганини ўзини қалбсиз, юраксиз бир қамокдорнинг қўлига тушиб қолгандай нотинч ҳис қила бошлади. У ўзидан аччиқланган кўйи қўполгина таъзим қилди ва беихтиёр хаёлига келиб қолган иборани қандайдир бўғиқ овозда тилига чиқарди:

— Аъло ҳазратларининг лутфу марҳаматларидан бошим осмонга етди.

— Ҳа, албатта. — Котиб безътибор бош силкиб қўйди. — Сизнинг қаерда яшаб турганингиз бизга маълум, агар аъло ҳазратлари ижроингизни тинглашни ихтиёр этсалар, сизга албатта хабар беришади.

Уч кундан сўнг бутун Вена: «Тенгсиз, буюк, оламга машҳур скрипкачи» деб ёзилган жарномалар билан безанди. Улкан суратларда Паганини упа-элик билан пардозланган, хушрўй, Олтин пих соҳиб қиёфасида тасвирланган эди. Жарномаларнинг ва чиптахоналарнинг олди оломонга тўлиб кетган. Хизматкорлар, мансабдорлар, чўрилар, ўз жононлари учун чипта сотиб олаётган хушторлар, темир пихларини кибр билан жаранглатиб қадам босиб, навбатсиз чипта олиш учун оломонни туртиб-суртиб чиптахона дарчиси томон интилаётган зобитлар, олийнасаб зодагонларнинг наслий рамзлари нишони тамғаланган кўшқаробалардан сакраб тушиб, ўз хожаларига биринчи

қаторга чипта буюртма қилаётган хизматчилар, веналик граф хонимларнинг канизлари, чайқовчилар — буларнинг ҳаммаси тўс-тўполон қўтаради, чинкириб-чийиллайди, театр йўлагини кичкирикка тўлдиради. Шон-шухрат филдираги буюк қудрат билан айланишни бошлади.

Концертнинг эртаси куни тонгги газеталар омманинг улкан таассуротларни кутганини, ушбу мўъжизавор ижродан беқиёс завқларни умид қилганини, соҳир воқелик эса барча қутилган таассуротлардан ҳам фараҳбахш бўлганини хабар қилдилар. Дунай бўйларида ҳали кеч қачон бу каби гўзал оҳанглар таралмаган эди. Китоб дўконларида Паганинининг суратлари илинган бўлиб, уларнинг остига Овидийнинг Орфей ҳақидаги сатрлари битилган эди. Дунай соҳилларида вафот этган шоирнинг шеърларига бу кўхна дарёнинг бошланиш ҳудудларида пайдо бўлган янги Орфей ҳақидаги мадҳиялар келиб қўшилди.

Ахиллино соғая бошлади. Эрталаблари Паганини одамларга ўзини танитмасликка ҳаракат қилиб, ўйинчоқ дўконларини айланарди. У соатлаб ўғлининг тўшаги олдида ўтириб, болақайнинг гувранишига қулоқ тутарди, ўғилчасига қадимий италия эртақларини сўзлаб беради.

Тушликкача бўлган вақтини у мутлақо ёлғизликда ўтказарди.

Паганини мунтазам ўқиш ва ёзиш билан банд. «La Mancanza delle corde» яратилганидан кейин у уйида скрипкани қўлига ҳам олмай қўйди. У чолғусини энди фақат концерт саройлари саҳнасидагина чалар эди. Хар қандай вақтда ҳам унинг ҳузурига эркин кириб кела оладиган одам веналик кекса иброний руҳонийнинг ўғли скрипкачи Майзедер эди. Дастлабки расмий нутқдан сўнг дафъатан муз девор парчалангандай бўлди. Йигитчанинг сўзларидаги самимийликни ҳис этган Паганини дабдурустдан унга қўлини чўзди ва дўстона ўпиб қўйди. Унга хос бўлмаган кўнгилчанлик аломатини оқил ва салгина мазахчи қария яхши тушуниб турарди. Шу кундан бошлаб Паганини ўзини Венада ёлғиз ҳис этмай қўйди. Майзедер Вена ҳаётини яхши билувчи сезгир ва зийрак одам сифатида Паганини Венада дуч келаётган барча вазиятларни тез ҳамда тўғри англай олди. Паганини бу шаҳарда нобуд бўлиб кетмагани учун айнан шу одамдан миннатдор бўлиши керак эди. Вена матбуотининг ифво-

бўхтонлари туфайли Паганини дучор бўлган чорасизлик кайфиятидан уни худди шу Майзедер олиб чикди. Майзедер Паганинини ва унинг митти ўғилчасини ҳеч қандай хираликсиз, шилқимликсиз, осонгина, бамайлихотиргина Флоридсдорфга олиб кетди. Улар кўчаларда бирга сайр қилишади, маҳсулотларни бирга харид қилишади.

Бир куни улар қўлқоп сотиб олишди.

— Бу зироф терисидан экан, — деди Паганини ўзларига ҳаддан ташқари ола-була матоҳни таклиф этаётган сотувчи аёлга.

— Йўқ, афандим, — жавоб берди сотувчи, — бу ҳозир энг урф бўлган қўлқоплар: улар «Paganini» деб номланган.

— Шўрлик скрипкачи! — дея хитоб қилди ўзини танилмаган Никколо.

— Ҳечам шўрлик-пўрликмасда, — деди сотувчи истехзоли иршайиб. — Айтишларича, у Римда роса катта пулга Олтин пих нишонини сотиб олган экан.

Майзедер ва Паганини кула-кула дўқондан чиқиб кетишди. Майзедер ҳамроҳига юзланди:

— Сизнинг «Олтин пих»ингиз анча-мунча бадният эшакларнинг биқинини яра-чақа қилиб улгурибди, чамаси. Аммо номингиз одамларни дўқонларга жалб этиб ётибди.

У бошқа бир атторлик дўқонининг пештахтасини имлаб кўрсатди: у ерда ҳам «a la Paganini» қўлқоплари ва бўйинбоғлари сотилаётган эди.

Паганинининг қиёфаси чизилган суратлар унинг ташки кўринишига мутлақо ўхшамагани туфайли скрипкачи кўчаларда танилмасдан бемалол сайр қилиб юрарди. Майзедер уни баққоллик дўқонининг пештахталари ёнида тўхтатди. Қизил обакидан ишланган улкан нимҳайкалнинг тагида мовий ранг ёзув кўзга яққол ташланиб турарди: «Беназир скрипкачи Паганини»; бошқа дўқонда эса Паганинининг оққандан ишланган нимҳайкали ўрнатилган; учинчисидан — скрипкачининг турли рангдаги шоҳи дастрўмоллардан тузилган сурати бутун пештахтани эгаллаб турарди. Майзедер дўстининг ахволдан мириқиб қулди ва бир куни бу чалкаш вазиятга барҳам бериш учун унинг ҳузурига ҳайкалтарош ва ҳаққок Лангни бошлаб келди. Паганини ўғилчасини ўйнатиб ўтирган вақтдаги қисқагина суҳбат давомида



Ланг бир нечта қоралама тасвирларни чизиб улгурди. Асл қиёфа билан расмдаги ўхшашликка эришишга бу одам бошқалардан кўра кўпроқ муваффақ бўла олди.

Скрипкачининг ён томондан тасвирланган қоралама чизгиларини торта туриб, Ланг шундай деганди:

— Бугун мен сут дўконида сизнинг сариефдан ишланган нимҳайкалингизни одамлар жиғилдонларига жойлаб қўя қолганларининг гувоҳи бўлдим. Кечки пайт эса гвардия клубида билйард ўйнаётган зобитлар махсус бир зарбани ўйлаб топишди ва уни Паганини зарбаси деб аташди. Бу ахир буюк шон-шараф эмасми! Ҳаётда сизга яна нима керак?

Паганини ковоғини уйди. Шу кунларда уни ҳамма нарсадан кўра Ахиллионинг саломатлиги ташвишга солмоқда эди. У илк бор ўзи учун ва Ахиллино учун мустақил яшаш эҳтиёжини кучли ҳис этди. Эркин ҳаётни эса фақатгина катта тушумлар таъминлаб бера олиши мумкин эди. Кейин манави лаънати шаҳарни ташлайди-ю, Парижга жўнайди. Бу шаҳар унинг орзуси эди: жаноб Пайер ҳозир ўша ерда, Россини ҳам у ерга кўчиб ўтди, ҳақиқий мусикий ҳаёт айнан ўша шаҳарда, скрипкачилар — Байо, Крейцер, Лафо ҳозир ўша ерда.

Орадан бир ҳафта ўтди. Паганини Лангдан ҳикматли сўзлар чекилган биринж нишон олди: «Оҳанглар йўқолади, лекин шуҳрат абадийдир». Унинг орқа томонида эса унинг энг севган куйидан бир неча ноталар ва айланасига ёзув ўйилган эди: «Николай Паганинига, Вена, 1828».

Худди шу куни Паганинининг хонадонига хабаргир дастёр бир кичиккина филоф ва хатжилд келтирди. Филофда олтин нишон ва Паганинини ҳукмдорнинг капелласига яккаҳон ижрочи этиб тайинлаш ҳақидаги фармойиш бор эди. Бу, албатта, ниҳоятда шарафли эди. Шу кундан биноан артистнинг Венадаги ҳаёти унинг учун хавфли бўлган хотиржамлик мухитида ўта бошлади — бундай вазият даҳо кишиларни сергаклантирса, истеъдоди ўртамеёна одамни эса кибрдан ҳаволаниб кетишга мажбур этади.

Аммо бу осойишталик узоқ давом этмади. Бир куни Ахиллино билан сайрдан қайтиб келган Паганини миз устида пуштиранг катта хатжилдни кўрди. Нотаниш «дўст» унинг ҳаётида яна пайдо бўлиб қолди. У Бер-

линдан мактуб жўнатиб, Паганинининг шон-шуҳрати узоқ давом этмаслигини ва «хотинини не қўйларга солгани» мусиқа аҳлига яхши маълум эканини ёзиб, уни «огоҳлантирган»ди. «Хотинингиз сизнинг манфаатпарастлигинингизнинг ва очофатлигинингизнинг ягона қурбони эмас, — дея ёзилганди мактубда, — парвардигор яширин содир этилган ҳеч бир жиноятни жазосиз қолдирмагай ва ҳар бир махфий амалга оширилган жиноят алал оқибат фош бўлгай. Сиз карбонарийлар уюшмасининг етакчиларидан бўлганингиз ва сиёсий қотиллар ҳамда талончилар ғазнасига тўпланган маблағлар ҳисобига давлат орттирганингиз тўғрисида аниқ далил-исботлар бор. Сизнинг ўлимга маҳкум этилганингиз ҳам бизларга маълум. Шунингдек, сиз катта йўлларнинг беш нафар ашаддий қароқчилари билан биргаликда сайёҳларни талаганингизни ҳам биламиз. Сизни Болоньяда излашганди, ўшанда англашилмовчилик туфайли қутулиб қолгандингиз. Лекин биз буни Вена полицияси эътиборига етказамиз, токи улар скрипкачи киёфасида яшириниб юрган босқинчини ҳибсга олишга тайёр турсинлар».

Душман очикчасига ҳужумга ўтган ва ҳозирча хат билан огоҳлантираётган эди.

Паганини Майзедерни чақиртирди.

— Сиз бу хат билан полицияга бормайсиз-ку, ахир, — ҳазиломуз деди у. — Йиртинг-да, улоқтириб юборинг.

Лекин тез кунлар ичида окшом газеталарида портлагичнинг пилтасида югуриб бораётган учкунлар каби хавфли сатрлар пайдо бўлди. «Қаердадир ёнаркукун тўлдирилган тахта қути қўйилган-у, ўша нарса тез орада портлаши керак», — ўйларди Паганини.

Католиклар газетаси ўзининг хабарномасида, Паганинининг исмини эслатмаган ҳолда беш йиллик қамоқнинг скрипка чалиш услубига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида ва айрим скрипка куйлари ўз рухий ҳаловатини йўқотган машҳур бир осий банданинг дўзаҳий қайғу-аламидан далолат бериб тургани тўғрисида ёзганди. Қамокдаги ёлғизликдан бунёд топган шайтоний оҳанглар бу — мазкур оғуға хумор бўлган шаккоқлар учун ниҳоятда хатарли эрмак эрур.

Шу каби мақолалар ва мактублар билан таъқиб этиш йигирма етти кун давом этди. Булар ҳозирча газанда-

ларнинг майда чақишлари эди, лекин иш шунгача етиб бордики, қўноқхона хизматчилари шаккок жаноб Паганинининг хонасини йиғиштиришдан бош торта бошладилар.

Нихоят, Паганини Маттернихнинг котиби берган маслаҳат ёдига тушиб, Вена Бош назорат маҳкамасига йўл олди. Ифлос, чанг қоплаган, бурчак кунжакларини ис босган, гижирлаб ётган ёғоч зинапоя уни кичиккина нимқоронғи ҳужрага олиб келди, у ердан эса шундоққина шаҳардаги барча газеталарни ўз назоратида тутиб турган дахшатли Вена матбуот назоратчиси — цензорнинг маҳкамасига кириб қолди. Паганини ўзини хушмуомала кекса бир руҳоний кутиб олганлигидан бениҳоя хайратга тушди.

— Ўзимнинг тентак ёрдамчимни нима ҳам қила олардим! — деди у ғазабланиб турган скрипкачига жилмайиб қараган кўйи. — Сиз ҳақингизда ўша мақолаларда ёзилаётган сафсаталарни ҳар куни ўқиб боришга мажбур бўлсам ҳам ўзим уларга ишонмайман, уларни имкон қадар тўхтатиб туришга ҳаракат қиляпман, мухтарам Паганини жаноблари. Лекин диния мактабларининг, айниқса шу йилги битирувчи ёшлари Масих черкови сари ўзгача бир иштиёқ билан интилмоқдалар. Сиз уларга нисбатан мурувватлироқ бўлмоғингиз лозим. Агар ўғлингиз ўз отасини қувонтириш мақсади билан ёниб, бирор ишда сал меъёрдан чиқиб кетса, бунинг учун уни койимайсиз-ку, шундоқ эмасми? Айнан шу сабаб туфайли камина ҳам муқаддас она черковимизнинг садоқатли ўғлонларининг сидкидилдан қилаётган саъй-ҳаракатларини тўхтатиб қолиш имкониятидан маҳрумдир. Лекигин сизга битта маслаҳатни инъом этишим мумкин: театр газетасига ўзингиз ҳақингиздаги барча ноўрин овозалар ҳақида раддия беринг. Агар газета мақолангизни чоп этишдан бош тортса, мен уларга раддияни босишларини буюраман. Шу билан барча тушунмовчиликлар барҳам топади. Сиз ахир хотинингизни заҳарлаганингиз ва хушторингизни ўлдирганингиз йўқ-ку, шундаймасми? Мен бу гапларга ишонмайман.

Кекса роҳибнинг осойишта ва тилёғлама гап оҳанги, унинг хушмуомаласи ва унинг сўзларидаги сокинлик ҳамда овозидаги мулоиймлик Паганинини ишонишга мажбур этди. Уйига келгач, у хона бўйлаб бир неча соат у ёқдан

бу ёкқа юраверди-юраверди. Сўнг ўзининг бетоблигини айтиб, навбатдаги концертини бекор қилди ва кечқурун бетўхтов нималарнидир ёзиш билан банд бўлди. Қийшиққинғир харфлар бир-бирига чаплашиб кетади, патқалам эса ёзишни истамайди. Кучли нафрат унинг таъсирлироқ сўзларни топишига халақит беради. Сиёҳ томган, жумлалар ёзиб-ўчирилаверган, гижимланиб-йиртилган қоғозлар миз устида, ерда, дераза тоқчасида сочилиб ётибди.

Нихоят, у қўнғироқни чалди. Мунгли зорланган қўнғироқ овози даҳлизда узоқ вақт жаранглаб турди. Лекин жавоб йўқ. У қўнғироқ чилвирини яна тортди. Бефойда. Нихоят у ғазаби қўзиган ҳолда дастакчани қаттиқ тортган эди, тизимча узилиб, қаердадир — даҳлизнинг нариги чеккасида мис қўнғироқча узилиб, ерга жаранглаб тушгани эшитилди. Уйқусираган хизматкор хонага кириб келди ва эшик олдида жимгина тўхтади. Паганини хатжилдни тамғалаб, устига манзилини ёзди.

— Мана буни тезда етказинг.

— Нималар деяпсиз, афандим! — хайратга тушиб сўради хизматкор. — Тонгги соат тўртда мактубингизни менадан ким ҳам қабул қилиб оларди?! Шу маҳалда шаҳарда юриш ҳам хавфли.

Паганини шоша-пиша соатга қаради. Шу бир нечагина қисқа ва дардли сатрлар унинг ўн икки соат вақтини олиб қўйибди. У хизматкорни қўйиб юборди ва ечинмасдан ўрнига чўзилди.

Икки кундан кейин газеталарда қалин харфларда чоп этилган қўйидаги мактуб эълон қилинди:

«Паганини ушбу ойнинг бешинчи санасида «Театр газетаси»да чоп этилган мақола муҳарририга ўз миннатдорлигини изхор этмоқликка ошиқади. Лекигин, Вена шахрининг маърифатли ҳамда ҳар қандай ҳурмат-эҳтиромга муносиб жамъияти олдида берилган сўнгги концертлар ҳақидаги мақтовли мақола учун ўз мамнуниятини билдирган ҳолда, Паганини ушбуни эътироф этадики, мақолада ёзмоқликка йўл қўйилган айрим жумлалар ва иборалар нафақат ўринсиз, балки уларда Вена аҳолисининг турли табақалари томонидан тарқатилган, шунингдек, Оврўпадаги бошқа шаҳарлар раиятининг ҳар турлик қатламлари тарафидан ҳам ёйиб келинаётган ғаразли овозаларга шама қилинган бўлиб, бу чоп қилинган ха-

барлар ҳам шаклан, ҳам мазмунан тўла-тўқис ва қатъий тарзда рад этилмоқликни талаб қилади. Паганини ўзининг пок номи ва ғурурининг химояси учун, ва, шунингдек, инсонларга билдирмоқлик лозим ва лобуд бўлган одилна ҳаққониятни тикламоқлик мақсадинда Вена шаҳри жамъиятини ушбуга ишонтирмоқлик тадбирига журъат этадиким, камина ҳеч қачон, ҳеч қандоқ вақтда, ҳеч бир жойда, ҳеч қандоқ ҳокимият тарафиндан ва умуман ҳеч қандоқ одамлар ёхуд ҳеч бирор жамоат ва ёинким хусусий муассасалар томонидан, ҳеч қандоқ сабабларга қўра ҳибсда сақланган ёки жамъиятдан ажратиб қўйишга ҳукм этилган одам турмуш тарзини бошдан ўтказмоқликка мажбур этилган эмас. Камина, яъниким Паганини бирор марта бўлсин, ҳалол инсонга ҳамда фуқаролик ва инсоний умумжамият қоидаларининг қатъий ижрочисига хос бўлган турмуш тарзига зид ҳаёт кечирishiга тўғри келган эмас. Бу далолатлар эса Паганини у ёхуд бу муддатларда ҳомийликлари остида бўлган ва барча ҳудудларида ўз эркини, оиласининг шаъни ҳамда ғурурини сақлаганини тасдиқ этгувчи ҳукуматлар томонидан шаҳодатланиши мумкин. Шунингдек, Паганини доимо юксак санъатда, яъниким сизлар – Вена шаҳрининг Паганинига марҳаматли бўлган тингловчилари бўлмиш юксак мусиқанинг нозиктаб билимдонлари қаршисида мусиқа ижро этмоқликдай олий шарафни тақдим этган санъатда муваффақиятларга эришиш учун интилиб яшади».

Ушбу газета хабари остида янада ажралиб турувчи ҳарфларда имзо берилганди: «Никколо Паганини».

... Бу бир-бирига қовушмаган жумлаларни минг машаққатлар билан қоғозга тушириб олган Паганини ўз мактубининг газетада эълон қилинишини кута бошлади. У ўз раддияси ўрнига мутлақо бошқа мазмундаги хабарни ўқигач, кучли изтиробга тушди. Қора таъзиянома хошиясига ўралган қисқа сатрлар ушбуни маълум қиларди:

«Бугун қоқ туш пайтида Тиргартенда жаҳоннинг энг буюк скрипкачиси Никола Паганини ўз таржимаи ҳолидаги энг даҳшатли тафсилотлари фош этилганлигига дош беролмасдан юрак ёрилишидан вафот этди».

Паганини бу эълонни Майзедер билан бирга ўқиди. Бу ифво «марҳум» Паганини газетага ташриф буюрганидан кейин газетага берилганди. Газетанинг Паганини-

нинг ўлими масаласига бағишланган махсус кечки сонидан бунга раддия берилди. «Театр газетаси»нинг кейинги кун тонгги сонидан унинг хати ҳам чоп этилди. Аммо бу вақт ичида Паганини таҳқирлар қурбонига айланган одам бундай пайтларда ҳис этиши мумкин бўлган барча кўргиликларни бошдан кечиришга мажбур бўлди. Унинг ҳузурига номаълум кимсалар изғиб қолишди. Ропша-роса уч марта у кўча эшикни очиб, дафн маросимини ташкиллаштириш кимнинг зиммасига топширилгани ва гулчамбарларни қабр устига қўйиш тартиби ҳақидаги саволларга жавоб беришига тўғри келди. Ҳеч қандай имзосиз хатлар, ҳеч қандай газета ифволари Паганинига ўзининг айбсиз эканлиги ҳақидаги мана шу хиссиётларга тўла ўз мактубичалик кўп зарар етказган эмасди. У Вена томошабинларига дафъатан фош этилган Паганинини кўрсатди, ғийбатлардан гарангсиган Паганинини, ваҳимага тушган Паганинини, тухмат ва шубҳа-гумонлар домига тушган Паганинини намоён этди.

«Паганинининг ўлими хабари сал олдинроқ чоп этиб қўйилган воқелик, холос. Лекин мохиятан буни ҳақиқат ҳисоблаш мумкин», — дея ёзганди ўша пайтларда Берлинда нашр этилган, Паганинининг мактубини кўчириб босган кичик бир газета. Мактубнинг ҳар бир сатри газета томонидан танқидий таҳлил этилди. Ўзига қўйилган ҳар қандай айбни ҳужжат-далилсиз инкор этиш Паганинининг навбатдаги янги жинояти сифатида баҳоланарди. Унинг мактубидаги оҳанг эътирозларга молик ҳисобланар эди. Газетада Паганини аниқ жавоблардан ўзини олиб қочиб, ўзига қаратилган жиддий айбловларни биттама-битта инкор қила олмагани эътироф этиларди.

Майзедер дўсти билан бўлган суҳбатда ундан ўпкалади:

— Нега ахир мен билан бир оғизгина маслаҳатлашиб олмадингиз? Мен веналик скрипкачиларни биламан, Берлин мусиқа аҳлининг кирдикорлари ҳам каминага маълум, Венада журналистларнинг ҳар сатрига қанча пора берилишидан ҳам хабардорман. Нахотки сиз уларга аллақандай ҳақиқат керак деб ўйласангиз? Уларнинг пул ишлаб олишлари учун ҳар қандай ифлос ифво ҳамма нарсадан устун туради. Газетага сариқ чақалик даромад келтирмайдиган бенуқсон Паганини ҳеч қандай кадрқийматга эга эмас — ҳатто, у даҳо скрипкачи бўлган тақ-

дирда ҳам. Паганини — қиморхона эгаси, фоҳишабоз, ўз хушторини сўйиб ташлаган ёвуз Паганини ундан кўра минг баравар қимматроқ туради. Наҳотки шуни тушунма-сангиз! Сизнинг жонли шахсиятингиз, ҳаётингиздаги изтиробларингиз шу одамлардан бирортасини қизиқтиради деб ўйлаясизми? Наҳотки сиз ҳақиқатан ҳам Вена шахрининг мусиқа такризчиларидан бирортаси учун сизни оқлаш қизиқарлироқ деб ўйласангиз? Сиз ҳақиқатан ҳам Шпорга ўз бағрикенглигингиз ва миннатдорлигингизни изҳор этиш учун қилган олийжаноб интилишларингиз тўғри талкин этилади деб ишонаясизми?

Паганини бир чеккага қараб жим ўтирганди, лекин Шпорнинг исмини эшитиши биланок, бошини кескин бурди.

— Сиз Шпорнинг ҳузурига қилган ташрифим ҳақида нима биласиз? — сўради у Майзедердан.

— Мен Шпорнинг сизга нисбатан қандай муносабатда эканлигини яхши биламан, — жавоб қилди навқирон скрипкачи. — Мен — Шпорнинг шогирдиман. Шимолда илк бор Паганини номи пайдо бўлган вақтда Шпор ўз шавкатининг энг чўққисида турган эди. Газетада чоп этилган қисқа бир хабар Шпорни ҳеч ҳам чўчйтиши мумкин эмасди. Мен шунга ишонаманки, у сизнинг ижроингизни тинглаган ва шу нарса уни ваҳимага солиб қўйган. Шуни назардан қочирмангки, Шпор энди ўз интиҳосига қараб кетмоқда, ижросидан путур кетган, бикқасемиз, жирканч бир алпозда Папа олдида бенуксон кўринишга ҳаракат қилади, мусиқий Иегова бўлишдан аллақачон зериккан. У ўз атрофини ёш шогирдлар билан қуршаб олиб, башарти шогирдлари сизга душманлик қилишга ваъда берсалар, уларнинг мактовини даҳо даражасига-ча кўтаради. Биласизми, нима учун Шпор менга юзини тескари ўгириб олган? Ўз устозининг ўн беш нафар садоқатли мухлислари — Шпорнинг шогирдлари уни шарафлаш тантаналарида иштирок этишлари лозим бўлган кунда менинг онам оламдан ўтди. Менинг у ерда ҳозир бўлмаганим шпорчасига изоҳланди. Мен устозимга мактуб йўллаб, ўзимнинг боролмаганим сабабини тушунтирдим. Менга унинг сўзларини етказишди: унинг айтишича, ҳамма одамларнинг ҳам онаси бор, ўлим эса — ҳар бир одамнинг қисмати. Бу сўзларнинг ортида очик айтил-

маган аллақандай «лекин» ҳам борлиги аниқ эди. Бу қария таъзим учун ҳатто ўлаётган онанинг ёнидан бўлса ҳам етиб келишимни кутган эди. Ўша кундан кейин мен у билан бошқа кўришмадим. Сиз шуни билишингиз керакки, сизнинг ҳар бир хатоингиз унинг учун ниҳоятда қадрли. Сизга зарар етказиш учун у сўнгги чақасини беришга ҳам тайёр... Лекин сизнинг дўстларингиз ҳам бор, — сўзини тугатди Майзедер ва шоир Кастелли ёзган ўн икки қўшиқли дostonни Паганинига кўрсатди.

Дoston «Паганининома» деб номланганди. Баланд-парвоз ибораларда Кастелли скрипка даҳоси шаънига беҳисоб мактовлар ёғдирганди. Қайроқ овозидай жонсиз ва қуруқ кофиялар қарсиллаб-шақиллайди. Паганини биринчи сатрни ўқибок дostonни миз устига улоқтирди.

— Мана яна биттаси, — деди Майзедер, — Фридрих Аугуст Канне, бу ҳам ўн икки қўшиқли дoston.

Паганини иккала асарни ҳам қолдириб кетишни сўради.

— Йўқ, бу ҳаёт машаққатга айланиб бормоқда! — ўз фикрларини яқунлади Паганини ва ўрнидан турди.

Лекин Майзедер ҳеч тинчлана олмасди. У ноталар солинган юмшоқ чарм жилддан францияликларнинг «Муסיқий шарҳнома» газетасининг бир боғлам сонларини олди.

— О, Париж! — хитоб қилди Паганини. — О, Франция! Мана, бутун вужудим билан қаерга талпиняпман!

— Сал эртароқмасмикан? — сўради Майзедер.

Паганини тутакиб, тескари ўғирилди.

— Айтмоқчиманки, — тезда сўзини тўғрилади Майзедер, — сизнинг бундай таассуротларга тез берилувчан, мўрт табиатингиз билан Париж сиз учун хатарли маскан бўлиб қолиши мумкин. — Кейин Паганинини қўлидан тутиб, сўзини изоҳлади: — Даҳо ва истездод шундай мустаҳкам қобикқа ўралиб олиши лозимки, токи у ҳар қандай вазият, муҳит ўзгаришларидан ҳимоялана олсин. Агар сизнинг раддия мактубингиз бўлмаганида эди, Парижга қиладиган сафарингиз борасида ҳеч қандай эътироз билдирмаган бўлардим. Венада у сизга каттагина ташвиш келтирган бўлса, Парижда эса бу мақола агар биринчи концертингиздан кейиноқ матбуот саҳифаларида пайдо бўлса, бу сизнинг ҳалокатингизга сабаб бўлади.



— Йўқ, — деди Паганини, — мен одамларни тушунишни ўрганиб олдим ва энди шон-шухратнинг нима эканини ҳам англаб етдим. Менга газеталарни қолдириб кетинг.

Майзедер кетди. Паганини оромкурсига қулайроқ жойлашиб олди ва газеталарни сонма-сон ўқий бошлади. Фетис исмли шахс унинг концертлари ҳақидаги ҳисоботни тақдим этганди. Унда ҳеч қандай қатъий хулосалар йўқ. У мусиқадан беҳабарлигини англагучи мақтов сўзларини ҳам ишлатмаганди. Барча концертлар кетма-кетлик тартиби билан бирма-бир қисқа ва эхтиросларга берилмасдан шарҳлаб борилган. Мана, 23 март санасида Редугада бўлиб ўтган концерт. Мана, Паганини ўзи ёзган асарларининг таърифи, тўртинчи торнинг яқка ўзида ижро этилган ҳарбий соната мавзусининг баёни. Мана, тўғри изчилликда айтилишича, дастурда эълон қилинган навбатдаги пйеса Россинининг «Етим қиз»ига иловалар билан алмаштирилган. Мана, оркестр аъзолари ҳам томошабинларнинг олқишларига қўшилиб кетганлари ҳақида шунчаки эслатиб ўтилган сатрлар. Мана, Паганинининг 11 май куни берилган концертида ҳукмдор оиласининг барча аъзолари иштирок этганлари ҳақида кўрсатма. Мана, Маттернихнинг томошахоналаридаги концертларнинг тавсифи, Родэнинг Паганини ижросидаги концертга берилган тақриз.

«Бу Фетис деганлари мусиқани тушунар экан», ўйлади Паганини.

Навбатдаги сатрлар эса Майзедерга бағишланган эди. Бу одам Фетиснинг тақризлари чоп этилган «Муслиқий шарҳнома»ни олиб келганди, ваҳоланки барча танқидчилар қатори Фетис ҳам уни албатта Паганини билан таққосламай қўймаслигини яхши биларди. Майзедерни таҳқирлаш Фетисга нега керак бўлиб қолди экан? Майзедер ҳақида у шунчалик ёмон нарсаларни ёзгандики! Шунга қарамасдан Майзедер ўзининг дўстлиги самимий эканлигининг тасдиғи сифатида тақризлардан кўчирмаларни ва бутун-бутун мақолаларни келтирганди. Фетиснинг мана бу истехзоли сатрлари эса унинг фаросатли одам экани ва нозик вазиятларнинг моҳиятини англай олишини кўрсатиб турарди: «Бу қандоқ беқарорликки, — ёзади Фетис, — веналик санъат мухлислари ўзларининг сўнгги пайтлардаги энг суюкли бўлган скрипкачиларини ҳам

сухрат тахтидан ағдариб ташладилар? Паганини Вена ахлини Миср подшохи Австрия ҳукмдорига инъом этган зирофни ҳам унутишга мажбур эта олди».

Паганинини енгил титроқ босди. Хаёт унга қарши янги ҳамлани тайёрлаб қўйибди, бу чақириққа жавоб бермасликнинг иложи йўқ эди ва Паганини бу зарбага ўз гурурининг барча талабларини буткул унутиш билан жавоб бермоқликка аҳд қилди.

Вена шаҳрининг Бош назорат муассасасида ўтирган назоратчи нозир тўсатдан Паганинининг тасавурида Россиянинг «Севилялик сартарош»идаги тухматчи роҳиб, девкомат дон Базилио қиёфасида намоён бўлди. Паганинининг кулгиси қистади. «Католик черкови нима учун менинг санъатимга нисбатан душманлик қайфиятида эканини тушунишим нахотки шу қадар қийин бўлса?! Мен бу саволни бошқачароқ қўйиб қўраман. Католик черкови мен нима учун ўзига нисбатан бефарқ эканимни билишни истайди. Италия залолат ботқоғидан чиқиб боряпти, энди сохта мўъжизаларга тўла ирим-сиримлар унга энди ҳеч қандай рухий кўтаринкилик беролмайди. Аммо бу дунёнинг барча қадриятларини қатъий тартибда жойлаштира олувчи буюк мусиқа санъати — мана нима инсон қалбидан янги бир уйғунликни, дунёни янгича англаш туйғусини уйғота олади. Инсоннинг қалбини кечаги кун исканжасида ушлаб турувчи ҳар қандай хурофотдан халос этувчи мусиқани черков қабул қила олмайди. Демак, якуний хулоса шундоқ: черков — инсониятнинг душманидир».

## **Йигирма учинчи боб**

### **ТИРИКЛАЙИН КЎМИЛИШ**

Вена газеталари энди янги мавзу излашни бошлаган ва аллақандай бадавлат оиланинг йўқолган қизининг саргузаштлари билан банд бўлиб қолган кунларда, август ойининг сўнгги саналаридан бирида Пратер яқинидаги жўнатмалар бекатига яқинроқ жойда нотариуснинг идораси хизматидаги дастёрнингми ёки атторлик дўкони сотувчисинингми либосидаги, бошқалардан ҳеч нимаси билан фарқланмайдиган бир одам хос аробадан тушиб қолди.

Аммо ўша кўримсизгина одам йўлқирани ҳаддан зиёд қиммат сўраган маркабчининг бир зумда эсини киритиб қўйди. Аравакаш ҳам обдан талашиб-тортишиб савдолашгач, ўша одмигина одамни аробасига ўтқазди ва роҳиб Стефан жомеъ черковининг фатводори яшайдиган уйнинг йўлагигача элиб қўйди. Бу ерда эса ўша салобатсизгина одам сабр-тоқат билан кутишга мажбур бўлди, чунки хонадон соҳиби уйда йўқ экан. Икки соатлар ўтиб эшик тақиллади. Ташрифчидан кўз узмай ўтирган хизматкор кампир эшик томон отилди. Кир-чир, увада кийинган бир қария уйга кириб келди. Ташрифчини кўриши билан унинг юзида жилмайишга ўхшашроқ бир ифода пайдо бўлди. Кейин қария киссасидан тамакидонини олди-да, бир чимдим тамакини бурнига тортди ва деди:

— Хўш, бўтам, ҳаворий аъло ҳазратларининг шаҳрига сени нима мақсадлар етаклаб келди? Қандайдир муҳим ишинг бормиди? Дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бўлмиш Генуя гуллаб-яшнаб турибдими? — Кейин эса қария худди ўзига-ўзи гапираётгандай сўзида давом этди: — Кексайган пайтингда ўтган йилларнинг асорати шундай қаттиқ билинадики, оқибат сенга бир умр ризқ берган тупрокнинг бағрида абадий оромга кетиш истаги кучлилиқ қилиб қолади.

— Ҳазрат ота, сиз билан ниҳоятда оғир йилларда учрашганмиз: ёдингизда бўлса, барон Марбо бошчилигидаги Франция ҳукумати сизни осиб ўлдиришга ҳукм қилганди, мени эса дорнинг арқонини тортишга мажбур этишганди. Ўшанда бетавфиқ Бонапартнинг тарафдорлари...

Ҳазрат Павел чап қўлини қўтарди ва келгинди кимсани гапдан тўхтатиб, чўқиниб қўйди.

Ташрифчи яна гап бошлади:

— Генерал Массена гўё йўлбарс мисоли олға ташланди ва бизнинг суюкли Генуямизни ишғол этди...

— Ёдимда, ёдимда, бўтам, — унинг сўзини бўлди роҳиб Павел. — Агар сенинг уддабуронлигинг бўлмаганида мен тирик қолмаган бўлишимни жуда яхши биламан. Энди очигини айт, мен сенга яна қандай миннатдорлик ифодасини намоён этишим лозим? Ёки бирор-бир номақбул...

— Ҳа, ҳазрат ота, мен бир айб иш қилиб қўйдим, кечирилмас гуноҳга қўл урдим. Мен осийлик қилиб қўйдим. Сизнинг қаршингизда турган одам — ўғри.

Рухонийнинг қўзларидан ўт чақнади. У жиноятчилар билан ва умуман инсоний ахлоқ чегарасидан чиқиб кетган одамлар билан доим яхши муносабатда эди. Талвасадаги рух дунёдан сулҳ истайди ва одамларга йўлиқишдан қўрқади. Ана шундоқ вазиятларда черковнинг тажрибали хизматчиси росмана тавба-тазарру қурбонини топади ва шу имкониятдан фойдаланиб, одамни ғирт мутаассибга айлантиради. У эса ўзининг бутун борлигини черков хизматига бағишлайди. Агар инсон пок, виждонли ва ўзига ишонган бўлса, бундан ёмони йўқ: у хотиржам ва беташвиш, «муқаддас» черковнинг кўмагига муҳтож бўлмайди. Аммо бу фикр-ўйлари бирдан чувалашиб, қариянинг ковоғи солинди.

— Қайси бутхонанинг, — сўради у, — қайси ибодатгоҳнинг газнасига сенинг ҳаромдан ҳазар қилмайдиган қўлларинг чўзилишга журъат этди? Бундай қилмишга бу дунёда ҳам, абадиятда ҳам мағфират бўлмагай. Шуни билгинки, эй бахти қаро, ҳар ким нимани экса, ўшани ўради. Роҳиб Фома Аквинат ўз асарида шундоқ деган: «Черков манфаати учун солиқларни ундириб, ушрни тўлашни қанда этмайдиган ҳукмдор — эътиқодли ҳукмдордир». Сен католик черковининг олтинлари ва кумушларини талашга қандай ботиндинг? Лаънатлайман, сени лаънатлайман.

— Кечирасиз, роҳиб ота, мен бутхонанинг ҳам, ибодатхонанинг ҳам мол-мулкига даҳл қилганим йўқ. Мен фақатгина аллақачон ўлиб кетган, ҳеч кимга кераксиз бир кампирни таладим, холос. Унинг имзосини қалбакилаштириб олгандим.

Кекса фатводор дарҳол тинчлана қолди:

— Гапни шундан бошлаш керак эди, ўғилгинам. Демак, сен қочқинда эдинг. Хўш, болам, бизнинг Дунай бўйларига қандай ном остида яшириниб келдинг?

Нови миз устига паспортини қўйди — саранжом, барча зарур муҳрлар билан тасдиқланган, Австрия чегара миришаблик маҳкамасининг яшил тамғаси билан шаҳодатланган беқусур ҳужжат. Қария бу улкан қоғозни эҳтиётлаб тахлади ва шогирдига қайтарди.

— Хуллас, бу заминга хуш келибсан. Айбингни эса, эй осий, гуноҳкор банда, кечираман ва афв этаман. Шаҳодатномани ким берди?

— Маркиз Помбалл, бизнинг ёвуз душманимизнинг, Масих ташкилоти ганимининг иниси.

— Тузук, тузук. — Қария бош ирғаб қўйди. — Сен маркизни қачон ва қай шароитда кўрдинг?

— Уни тасодифан учратиб қолдим, ҳазрат ота. Генуяда, соҳил бўйида унинг ўзи каминани чақириб қолди.

— Маркиз Помбалл қандай либосда эди?

— У денгиз зобитининг хос кийимида эди. Мен маркизни кўпдан бери кўрмаганим боис, аввалига уни дунёвий фуқаролардан деб ўйладим.

— Сен ҳар ҳолда ёш бола эмассан, — жиддий оҳангда деди қари роҳиб ва деворни ўйиб ишланган жавон ёнига борди-да, унинг сурилма бўлмасидан муҳрланган фармойишни олди. — Ташкилот генералининг мана бу махфий мактубини ўқи.

Нови уни ўқишга тутинди:

«Азиз биродарларим, мен парламент ва қирол томонидан Масихийлар мазҳабига қарши қабул қилинган қарор ҳақида билганимдан кейин қанчалар изтироб ва қайғу гирдобида қолганимни тўла ифодалаб бера олмайман. Агар қирол ҳамда парламент янги юзйиллик остонасида бизни очиқ жамиятдан беихтиёр узоқлашишга мажбур этар экан, бу ажралишни ўтказишларига йўл қўйманг, ҳаттоки, ҳазрат Игнатий отанинг либосларини қурбон қилишга тўғри келган тақдирда ҳам: зеро, ҳатто дунёвий кийим кийиб ҳам бизлар Муқаддас Масих ташкилоти томонидан бирлаштирилганлар сифатида жипслашиб қолаверамиз. Довул-бўронлардан сўнг сокинлик қарор топади. Тинч замонлар келганда қайтадан бирикмоқлик учун ўзимизни узоқ йиллар муҳтожликларни бошдан кечирмоқликка тайёрлайлик. Энди очиқ фаолият йилларидан ҳам кўра жипсроқ бирлашишга интилинг. Бизнинг муқаддас аҳдларимизни бекор қилмоқликка қодир бирорта ҳам ҳокимият йўқ эканини ёдда тутинг. Азоб чекинг ва сабр билан парвардигорингизга итоат этинг. Масихийлар мазҳаби абадулабад мавжуд бўлмай. Мен сизларни муҳофаза этгум. Сизларга — итоаткорлар подасига етакчилик қилгум ва сизларга йўлланган барча зарбаларни қабул қилмоқликка ўзим маҳкум бўлгум. Сизларга, Масихия ташкилотининг махфий қонунини сақлаган ҳолда ҳар қачон ва ҳар қандай жойларга, барча

дунёвий жамиятларга ҳамда уюшмаларга турли шакл-шамойилларда ва исталган либосларда, хоҳлаган важлар ва гап-сўзлар баҳонасида кириб боришингизга ўз изн ва фотиҳамни бергумдир».

Нови бу махфий фармойишдан беҳабар эди. У хужжатни ўқигач, кўнгли юмшаб, кўзларига ёш келди.

— Бу вазифа сенга ҳам тегишли, — деди фатводор. — Сен учун икки йўл бор. Биз сени хизмат вазифаси билан Моравия қамоқхонасига, ҳазрат Павловичнинг ихтиёрига юборишимиз мумкин. У ерда карбонарийларни тавба-тазарру қилдиришади. У ерда дунёвий ҳокимиятнинг бе-парволиги шунга олиб келдики, қамоқхона назоратчиларининг интизоми сусайиб, маҳбусларнинг саркашликлари ҳаддан ортган. У ерда карбонарийлар Конфалонийери, Марончелли, Пеллико ва яна йигирмадан ортиқ бетавфик зараркуналдар барча бошкентлар насроний аҳолисининг ақли, онги ва ҳиссиётларини заҳарламоқдалар.

— Фақат у ёққа эмас! — кичкириб юборди Нови. — Фақат ўша ёққа жўнатманг, ҳазрат ота. У ерда мени жуда яхши билишади. Мен Миландаги Санта Маргаритада карбонарийларни қийнаб сўроқ қилишда қатнашганман.

— Ўзинг қандай топшириқ олишни хоҳлардинг? — сўради қария.

— Шаҳарга кираверишда бир қанча жарномаларни кўрдим. Муқаддас черковнинг ашаддий душмани, скрипкачи ва карбонарий Паганини Венада томоша бераётган экан. Мен Генуяда ва Миланда черковнинг содиқ фарзандлари билан ўтказилган сўровномаларда олинган аниқ маълумотларни келтирганман. Бу лаънати муртад молдавлат орттириш мақсадида ўз қалбини азозилга сотган. Луккада у бир давлатманд аёлни ўйнаш тутган. Рашк талвасасида уни ўлдириб қўйган ва телбалик тутқаноғи ҳолатида Ливорнонинг катта йўлида деярли яланғоч бир аҳволда ҳибсга олинган. У қамоққа ҳукм қилиниб, сургунга жўнатирилган. У ўзининг қийшиқ-маймоқ оёқларини ерда судраб юришига бир аҳамият беринг. Кўп йиллар мобайнида оғир кишанларни судрашга мажбур бўлган оёқларидаги заифликни яширишга урингани уринган. Бир куни иблис Паганинининг ҳузурига келган ва икковининг ўртасида манфур бир келишув содир бўлган: Паганини ўз виждонини миллион олтин тангага сотиб юборган.

— Буни кара-я, — деди қария, — давом этавер, сени эшитяпман.

Нови «миллион» сўзини айтиши биланок, мураббийнинг Паганини ҳақидаги ҳикояга ниҳоятда қизиқиб қолганини сезди.

У ўзининг мароқли суҳбатини давом эттирди.

— Охирги пайтларда сен нималар билан банд бўлдинг? — унинг сўзини шартта кесди қария.

— Римда маркиз Помбалнинг турли топшириқларини бажариб юрдим.

— Ҳа, унинг аравакаши бўлиб хизмат қилганингни эшитгандим.

— Шундоқ, ҳазрат ота, — жавоб берди Нови.

— Хўш, ўша скрипкачи ҳақида нима дейсан?

— Маркиз Помбал унга эътибор қаратиш ҳақида Римдан кўрсатма олганди.

— Ҳа, шундоқ, — яна минғирлаб қўйди қария. — Шундай қилиб, сен унга эътибор бердинг, тўғрими? Сенингча, мазҳаб генерали сенинг бу эътиборингни маъқуллайдими?

Нови сукутда.

Чол жавондан мўъжаз саҳтиён халтача олиб, унинг ичидан миттигина ёндафтарча чиқарди. Кўзойнагини қулайроқ ўрнаштириб олгач, бир неча саҳифасини диққат билан арақлаб чиқди. «Демак, мен биродарларга бугундан бошлаб ўша нағмачининг бутун даромад буромадларини ҳисоблаб юришларини буюраман. Нақд пул тушумлари-ку, ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Лекин банк ҳисобварақлари сал овора қилиши мумкин. Ҳечқиси йўқ, буни ҳам бир амаллаймиз».

Қария ўз фармоишлари тўлқини эртага қайси йўллар билан тарқалиши ҳақида жадал ўйлай бошлади. Банк хизматчилари, ҳисобчилар, унинг маблағлари ҳақида маълумот тўпловчи журналистлар — ҳаммаси унинг измида.

— У ҳар ҳолда ўз ёнида ҳамма нақд пулларини олиб юрмаса керак, — ўз фикрини ўзи тасдиқлагандай сўзлай бошлади қария. — Сенинг ёрдамчиларингдан кимлар... — чол худди сўзидан адашгандай яна жим бўлиб қолди, — йўқ, биз сенга ўз одамимизни берамиз. Қирол капелласининг қўшиқчиси Урбани менинг ихтиёримда. Биз уни Паганинини кузатиб юрувчи арвоҳга айлантира-

миз. У скрипкачининг карбонарийча кўланкасига, гўёки унинг эгизагига айланади.

— Паганинини ўраб турган зулмат ёркин офтоб нурларида эриб кетади, — деди Нови. — Паганини — Оврўпа шаҳарлари бўйлаб юноний иблисининг нафмасини чалиб юрган ифлос бир такатуёқ азозилнинг ўзидир. Унинг кўйлак-лозимини ечинг — бу махлуқ ҳеч қанақа одам эмаслигини кўрасиз; унинг сочини қиртишланг — ўсиб турган мугузга кўзингиз тушади; унинг бошмоғини ечиб ташланг — товон ўрнида қўштуёққа кўзингиз тушади.

Кекса роҳиб ўзининг фируза рангли тиниқ ва шаффоф кўзлари билан бу руҳи баланд тухматчига тикилиб қолди.

— Сен шуларнинг ҳаммасини ўзинг кўрганмисан?.. Қизиқ, жуда қизиқ, — у Новининг жавобини ҳам кутмай, сўзида давом этди. — Назорат маҳкамасига раҳбарлик қилиб турган ҳазрат ота Пухалски бу скрипкачи ҳақида каминага сўзлаб берганди.

Унинг кўзлари ўз сўхбатдошига шу қадар захархандалик ва зехн-фаросат билан боқдики, у бироз ёўлдираб, кейин овози ўчди.

— Нега даминг ичингга тушиб кетди? — деди қария. — Сен балки ҳазрат ота ва Рим черковининг бош руҳонийси ўша скрипкачига, ўша сен айтган такатуёқ иблисга, ўша маҳбусга хайрихоҳ эканини биларсан?! Эҳтимол унинг аслида ким эканини билишни истарсан? У — Папанинг Олтин пих нишони соҳиби, мана у ким! Сен эса, итвачча, юрак бетлаб...

— Ё, танграм, мен билмагандим, билмагандим. Ахир Бош роҳиб аъло ҳазратлари...

— А-ха! Билмагандим, дегин! — бирданига хўрознинг қичкириғига ўхшаш жарангдор овоз билан бақира бошлади чол. — У ҳолда билмаганларингни билдириб қўяй: сен яхши йигитчага айланишинг мумкин, лекин бунинг учун изгирин бўронларида муздан ҳам қаттиқ бўлишинг, илиқ эпкинларда эса мумдайд эриб кета олмоғинг лозим. Агар сенинг айбинг билан Олтин пих нишонининг соҳиби, ҳукмдор саройининг буюк мусиқачиси, раббимизнинг итоаткор қули ва Масихийлар черковининг содиқ фарзанди жаноб Никколо Паганинининг бошидан бир тола соч тўкилгудай бўлса, сен ўзинг ҳам нафақат сочларинг-



дан, балки елканг устидаги каллангдан ҳам айриласан. Уқдингми?

Новининг ранги докадай оқариб кетди. У кийимининг бир лахзада тердан жикқа ҳўл бўлганини сезди. Қўллари ва тиззалари қўрқувдан қалтирай бошлади. У қўрқинчли қарияга тикилиб турар экан, ташкилотнинг қоидаларини яхши билгани боис, унинг қўллари кўк рангли хатжилдга чўзилишини кўз олдига келтирди. Аммо кўк хатжилд йўқлигини кўргач, буткул тушкунликка тушди. Демак, уни ташкилотдан шунчаки ўчириб қўя қолишмайди. У мана шу жаҳаннамдай қайноқ хонадан чиқиши биланок, кўчада ҳибсга олинади ва бировнинг имзосини сохталаштириб, унинг мол-мулкини ўзлаштириб олган жиноятчи сифатида қамоққа ташланади. Орадан арзимаган бирор ой ўтиб эса, у дунёвий қонунни бузган ашаддий жиноятчи сифатида ҳибсхонанинг бирор зиндониди чириб битади. Нови даҳшатга тушди. Шу пайтда у Паганинини бир соат аввалгидан ҳам қаттиқроқ ёмон кўра бошлаганди.

Қария Новига тикилиб қараб турарди-ю, лекин уни гўё кўрмаётгандай эди. Паганинининг Пармадаги тақдири қарияга аллақачонлар маълум бўлган. Паганинининг Пармадаги барча қўлёмалари, сақлаш учун бериб қўйган барча ноталари ўғирлаб кетилган, цизалпин легионининг генерали, карбонарий жаноб Пино эса ўн кун муқаддам тўсатдан вафот этди. Полиция нозири граф Седленицкининг фармойишига кўра генерал Пинонинг Миландаги уйи муҳрлаб қўйилди. Унинг қоғозлари орасидан жаноб Паганинининг мактублари, ноталари ва кундаликларини топишди. Тўсатдан жони узилган генерални жаноб Паганини билан боғлаб турган барча ришталар энди Венада, полициянинг қўлида эди. Италиянинг ўн битта карбонарийлик ташкилоти ўз фаолиятини Францияга ўтказгани чолга яхши маълум эди, бундан ташқари у қирол Карл Хнинг қундан-қунга тобора ва тобора масихийлик ташкилоти таъсирига тушиб бораётганини ҳамда бугун-эрта Франция черковнинг бутун Оврўпадаги ҳукмронлигини тиклаш марказига айланишини ҳам яхши биларди.

Модомики, Людовик XIVнинг руҳоний пири ҳазрат Лашез боқий дунёга рихлат қилиш олдидан қиролга ўз руҳоний пирини масихийлардан танлашни васият қилган экан, демак бу қиролни бирор нарсага ундашнинг зару-

рати йўқ, унинг ўзи масихийларга пешвоз чиқади. Агар қирол бошқа бир мазҳаб руҳонийсини ўзига маънавий пир сифатида танласа, Лашез унинг хавфсизлигига кафолат бера олмаслиги хақидаги сўзлардан ҳукмдор шундай сабоқ чиқариб олдики — ташкилотга қарши курашиш имконсиз экан.

Қатъий курашлар йили кириб келмоқда. Ягона меросхўри рамақдажон бир гўдак бўлган одамнинг қўлида улкан бойликни тўплаш имкониятига беписанд бўлиш маъкулмикан? Агар Паганини черковнинг беҳисоб молдавлатга эга бўлган фарзандига айланса, вақти келиб бу бойлик ўз-ўзидан черковнинг мулкига айланади.

Бу борада иккита имконият бор: бу скрипкачи ё ҳалок бўлади, ёки масих черковининг шаън-шавкатига айланади.

— Демак, — деди қария, Новига қатъий буйруқ оҳангида, — энди бу одамнинг хаёт йўлини бизнинг муқаддас Масихий черковимиз қўли билан тангрининг иродаси бошқариб туради. Сенинг зимманга мана шу олий ва билсавоб вазифани юклайман, бироқ огоҳлантириб қўяй, бўтам, сен қачонки ҳақ йўлдан оғиб, ўз билгингча иш қила бошласанг, ўша куниёқ оддий бир ўғри сифатида дунёвий давлат ҳокимиятига топширилурсан ва муҳаққак қатлга ҳукм этилгайсан. Бу сафар маркиз Помбалнинг номи сени асраб қолди. Лекин бундан буён ҳам камина сенга ишонмоқлиги учун айна дамда, шу жойда биргина ягона исмни талаффуз этмоғинг шарт.

— Кимни назарда тутяпсиз? — Қўрқувдвн чала мурда холига келган Нови ваҳимада ўрнидан ҳам туриб кетди. — Чамамда сиз бизларнинг асл ҳукмдоримиз Папа эмас, балки таъсир қудрати туфайли «қора папа» номини олган инсон эканини айтмоқчисиз, шундайми?.. Яъни...

Қария Новига киё ҳам бокиб қўйгани йўқ, боз устига уни гўё эшитмаётгандай ҳам эди. У тирсақларини миз устига қўйиб, қўллари билан бошини чангаллади. У айна Нови бу ерга келган кунда Римда катта ўзгаришлар юз берганидан хабардор қилинган эди. У аввалига ўз суҳбатдошини кучли бир ўлим даҳшатида солиб, кейин эса кутилмаган бир руҳий зарба билан унинг нималарни билишини аниқлаб олиши ниҳоятда муҳим эди. Аммо доғули Нови ташкилотнинг фаолият услубларини яхши ўзлаштириб олган. У фикрини охирига етказар-етказмас,

исмни айтмасдан туриб сўзлашдан тўхтади. Тасодифан, шимолий хос аробада худди шабаданинг шивирлаши каби унинг қулоғига бир дарак элас-элас эшитилиб қолганди: масихийлар ташкилотининг генерали ҳазрат Алоиз Фортис вафот этибди. У ғалати, сирли ўлим топибди ва унинг ўрнини ҳақиқатан ҳам одамлар «қора папа» деб атайдиган, Рим черковини махфий равишда бошқариб келаётган кимса эгаллабди.

Кекса фатводорнинг сукут сақлаб туриши ҳеч қандай яхшиликдан дарак бермасди. Нови адои тамом бўлди. У лабларини базўр қимирлатиб, тили ўзига бўйсунмаётганини ҳис этган ҳолда, бошлаган гапини охиригача етказишга мажбур бўлди:

— ...Масихийлар мазҳабининг генерали, кардинал Ротаан.

Қария уни эшитмаётгандай эди, у калта-калта йўтала туриб, дафъатан яна сўз бошлади:

— Хуллас, масала ҳал, биз ўзаро келишувимизни амалга ошиди, деб ҳисоблаймиз. Демакким, мен, соҳиби олам бандаларининг қули, муқаддас ташкилотимиз генералининг номи билан, сенга, бўтам, тангрининг биз томонимиздан номи тилга олинган бандасининг ҳар бир юрган йўли, ҳар бир босган қадамини тунда ҳам, қундузи ҳам тинимсиз, ҳушёрлик ила, огоҳлик ила, қатъий равишда кузатиш масъулиятини топшираман.

Сўнг фатводор ота амалий хусусиятларга молик ишларга ўтди. Қария ўз эсноғини яшириш учун кафти билан оғзини беркитган қўйи турли шаҳарларда тўртта вакили бўлишини Новига тушунтирди. Унинг учун тўртта варақа тайёрлаб қўйилади — иккитаси кам миқдордаги эҳсонлар учун, иккитаси эса катта миқдордаги хайриялар учун.

— Ишларни бизнинг жамиятимизда қабул қилинган тарзда юритасан, — тушунтирди қария. — Черковга топшириладиган, яъни устки садақалар қоғозига кичик миқдордаги маблағларни ёзиб қўясан. Вакиллар томонидан шаходатланган бошқа варақага эса катта миқдордаги маблағларни қайд этасан. Қариндошларга васият қилиб қолдирилган меросларни катта миқдордаги маблағлар қайд этиладиган ҳақиқий варақага ёзасан, сохта нусхасида эса кичик рақамларни кўрсатасан. Омадинг келиб, ва-

сиятчи ҳужжатни имзолашга рози бўлган вақтларда эса, сен тўртта ҳужжатни олиб, иккита устки васиқаларни йўқ қилиб ташлаш учун вакилларга берасан. Айтганларим сенга тушунарли бўляптими? — сўради Нови овозида қандайдир бир шубҳа аралаш ранж билан.

Нови энди роҳатланиб жавоб берди:

— Тушунарли, ҳазрат ота, тушунарли.

— Ҳозир сен билан шу ерда суҳбатлашиб турганимизда балки сўзларим тушунарлидир. Лекин ёдингда тут, кейинги ўн йиллик дарбадар ҳаётингда миянгни заҳарлаб қўйишмасин тағин.

Нови охисталик билан курсидан турди. Унинг ранги оппоқ оқариб кетганди, тиз чўкканича, қўлини илтижо учун қўтарди.

— Ҳаддингдан ошишни ўйлама, тағин ажойиб тонг сахарларидан бирида ташкилотдан кўк рангли хатжилд олиб, даҳшатли интиҳо топиб юрмагин.

— Керакмас, ҳазрат ота, ундай қилманг! — тазарру аралаш илтижо қилди Нови.

— Йўқ, бўтам, айнан шундоқ бўлғай! — деди кекса масихий ва қўлини тиз чўкиб турган роҳибнинг бошига қўйди.

Нови ўрнидан турди.

Эртаси кун тонгда у буюк машшоқнинг Прагага жўнаб кетганидан хабар топди. «Қандоқ бахтки, Парижга кевормабди» — ўйлади Нови ва енгил тин олди.

Паганини Венадан жўнаб кетишидан бир неча кун олдин Вена театрида «Сохта истеъдод» номли оперетта қўйилди. Мейзел Паганинини расво сўзлар билан сўкиб-ҳақоратлайдиган шеърлар, заҳарханда тўртликлар ёзиб ташлади. Паганини бу шеърларда фақат биргина «сол» торида соз чалгани учун «солист», яъни сол ижрочиси деб аталганди. Томошада сохта истеъдодни ўйнаган актёр Паганинига қуйиб қўйгандай ўхшаш қилиб пардозланган эди. У ёғочдан ишланган аррани скрипкага ишқалаб, биттагина тордан зерикарли, ниҳоятда ёқимсиз товушлар чиқарарди. Кейин унинг энгаги тагига скрипканинг ўрнига баҳайбат контрабасни қўндириб қўйишар, чарм пешбанд тақиб олган икки киши унинг икки томонидан улкан аррани тортиб туришарди. Қувноқ ва қулгили мусиқа Вена театрига томошабинларнинг жуда катта оломонини жалб этди.

Харбий шифокор Маренцеллер Паганинидан фавкулда қаттиқ толиқишнинг барча аломатларини аниқлади. Паганини ниҳоятда жиззаки бўлиб қолганди. У бир оз тинчланиб олиш учун Карлсбадга хордиқ чиқаргани кетди. Венада матбуотчиларни Прагада концерт бериши тўғрисида хабардор қилди. Кейинги ҳафтада Паганини Прагага ташриф буюрмагани боис, аввалаги газеталарда унинг бутунлай ғойиб бўлгани ҳақида маълумот тарқатилди, кейин уни оғир бетоб деб ёзишди, ниҳоят Праганинг барча газеталари унинг ўлими ҳақида мотам эълонини чоп этдилар. Инсоннинг тириклигида гапирилмаган гаплар уни ўлган деб эълон қилишганидан сўнг баралла айтила бошлади. Аллақажандир Бйанки хоним ҳам пайдо бўлиб қолди. Праганинг энг катта ададли газетаси тахририяти ундан эрининг қаерда вафот этгани ва ўғли кимнинг кўлида қолганини маълум қилиш сўралган мактуб олди.

Праганинг катта газетасининг тахририяти Бйанки хонимга қандай жавоб йўллагани номаълум, аммо айни ўша кунларда жаноб Паганинининг тирик ва соғ-саломат ҳолда, Австриянинг тоғ йўлларида бирида Ахиллино билан, энага билан ҳамда яқиндагина танишиб қолгани — Паганинига беғараз ёрдам бериш истаги билан ёниб турган италиялик садоқатли мухлиси — жаноб Урбани билан кетиб бораётганини кўриш мумкин эди.

Яна бир ҳафта ўтди. Паганинининг концерт бериши ҳақидаги эълонларни чоп этган газеталар икки ва уч барабар кўп ададда чиқа бошлади. Қайта тирилган Паганини ўлган Паганинидан кўра қизиқарлироқ эди. Аммо Паганинининг тобутда эмаслигидан росмана афсусга тушганлар қаторида Прага консерваторийсининг жамоаси ҳам бор эди. Бу муассаса аҳли веналик мусиқачиларни жинидан баттар ёмон кўрарди. Скрипкачининг Венада эришган шон-шухрати прагаликларнинг ғазабга тўлиши учун етарли асос эди. Аммо Паганинига қарши каттагина кураш тадбирларини бошлаган прагалик тақризчиларнинг тажовузкор таҳдидлари омманинг худди Венадаги каби унинг концертларига талашиб-тортишиб ёпирилиб келишига монелик қилолмади.

Прагада Паганинининг ҳақиқий дўстлари ва хайрихоҳлари ҳам топилиб қолди. Навқирон Макс Юлиус

Шоттки Паганинининг ортидан бир қадам ҳам ортда қолмай эргашиб юрарди. Гўёки машхур скрипкачи билан бир ҳаводан нафас олиш унга роҳат бағишлаётгандек эди. У кичкина Ахиллиони эркалатар, саволлар бера-вериб, Урбанини жонидан тўйдириб юборар, Паганинига газета ва журналларнинг жамланмаларини келтириб берар, танкидий таҳдидлар бўйича ўз мулоҳазаларини унга сўзлаб берарди. Мусиқада омади юришмагани учун ҳам, Шоттки адабиёт соҳасида зафар қозонишга интилмоқда эди. У буюк скрипкачига бўлган самимий ихлосини алал-оқибат маддоҳликка айлантириб юборди. Паганинининг ҳаётлик давридаёқ Шоттки унга машхурлик ва шон-шараф ҳайкалини ўрнатиб, шу баҳонада ўзининг номини ҳам абадийлаштириб олишни истаб қолганди.

Шоттки Паганинини ниҳоят даражада безор қилиб юборган пайтларда, скрипкачи икки-учта номи кўрсатилмаган ивво хатларни оларди-да, унга овоз чиқариб ўқиб берарди. Паганини бу думбул мухлисининг соддаларча даҳшатга тушишидан завқланарди. Бошқа томондан эса Шоттки ўзига нисбатан хайрихоҳ кайфиятда эканлиги боис, у билан учрашувлар скрипкачини қувонтирарди. Тўғри, айрим вақтларда унинг камтаринлиги баъзи нарсалар ҳақида сўзлашга халакит берарди — ишқий муносабатлар, ҳали қўри ўчмаган душманлик ҳақида, ўзининг муваффақиятлари тўғрисида, инсоний нафрат борасида — лекин Паганинининг ўзи айтишича, замонлардан қолган ажинларни жўвалаш, ўтмишнинг дарпардасини кўтариш ва ўз хотирасининг тўсиқларини олиб ташлаш баъзан унга роҳат бағишлар эди.

Шоттки барча воқеа-ҳодисаларнинг аниқ саналарини аниқлашга интиларди. Паганини эса йилларни, кунларни, ойларни адаштириб юбораверарди. У шафақнинг алангасини, денгиз устидаги булутларнинг қумуш янглиғ ярақлашини унутмасди, у тоғ йўлидаги қалтис бурилиш яқинида бонг урган қўнғироқларнинг турфа жарангини ёдида сақлаб қолар эди, аммо ойлар ва кунларни ҳеч эслаб қололмасди. Шоттки саналарни ўз билганича қўйиб юбораверар эди. Тиниб-тинчимас бу йилномачи, бу солно-манавис тадқиқотчи сабот ва матонат билан Паганинининг ўтмишига тобора чуқурроқ кириб борар ва Паганини умуман эслашни истамаган йилларга яқинлашмоқда эди.

Унинг қаршисида тенгсиз шон-шухратнинг ва сон-саноксиз флоринларнинг остида қолиб кетган одам ўтирарди — у ҳақда Прага газеталари шундай ёзишганди — бу давлатманд одамнинг беҳисоб бойликлари тўғрисида Прагада турли афсоналар юрарди. Бу пулдор одам ўз концертларини шундай қиммат нархларда баҳолар эдики, одамлар унинг биргина оқшом концертини тинглаш учун ўзларининг бир йиллик даромадларидан маҳрум бўлишга мажбур эдилар. Мана шу одам ўзининг қашшоқликда ўтган йиллари ҳақида, отасининг савалашлари тўғрисида, оғир ва машаққатли меҳнати ҳақида сўзлашни истамасди. Шоттки концертлар олдидан мунтазам машғулотларни ўтказмасдан туриб сахнага чиқиш мумкин эканлигига ишонмайдиганлар сирасига кирар эди. Аини вақтда эса Паганини ҳеч қандай адабиёт ўқимас, ҳеч қандай машқ қилмас, скрипкани қўлига ҳам олмас, ноталарга қайрилиб ҳам қарамас — чолғунинг филофини эса фақат сахнага чиқаётганидагина очарди. Шоттки бундан хайратда эди. У тушунмайдиган нарса фақат шугина эмасди. Шу боис ҳам Паганинининг ҳаётлик пайтидаги таржимаи ҳоли ҳақида 1829 йилда босмахонага топширилган ва бизгача етиб келган кўпгина ёзувлар худди ишончсиз ҳамда вақт таъсиридан каттиқ зарар кўрган қораламаларга ўхшайди.

### *Йигирма тўртинчи боб*

#### **ШИФОКОР**

Прагага куз кириб келиши билан Паганини қаттиқ шамоллаб, тўшакка михланиб қолди. Урбани шифокорни чақириш тўғрисида топшириқ олди. Икки соат ўтар ўтмас узун юзли ёш бир эркак скрипкачининг хонасини тақиллатди. Азобли кўрик таомилдан сўнг у жаноб Паганинининг ўз вақтини қандай ўтказишини ижикилаб сўрай бошлади. Бу одам скрипкачининг ҳеч қачон истиғфор учун черковга қатнамаслигини, ҳеч қачон муқаддас покланиш удумини қабул қилмаслигини билгач, хайратга тушди. Бошини сарак-сарак қилган кўйи деди:

— Кўп касалликлар шундан келиб чиқади. Сизнинг томоғингиз касалланибди, унда оқ доғлар бор, бу яхши аломат эмас.

У кучли хидли суюқлик солинган идишни олди-да, попуқчўп билан шу суюқликни Паганинининг томоғига суртиб қўйди. Бу эса беморнинг кучли хушсизланишига олиб келди. Тун бўйи Паганини терга ботиб, алаҳсираб чиқди.

Эртаси куни эса жағлари оғриб, лунжлари шишиб кетди, қулоғи қаттиқ азоб бера бошлади. Газеталар жаноб Паганинининг бетоб эканлиги ҳақида оммани хабардор қилишди. Жарномаларнинг юзига ёрқин кўк чизик тортилиб, «Бекор қилинди» деб ёзиб қўйилди.

Босинқираш яна қайталанди. Паганини ўрнидан туриб кетар, безовталаниб қўнғирокни чалар, назарида Ахиллино ўзини деразадан ташлаб юбораётгандай туюлаверарди. У чилвирни тортиб, дарпардани очди, кўз олдида Праганин қуёшли куни намоён бўлди. Унга эса толиктирувчи, ругубатли тун давом этаётгандай туюларди. Дахшатли ёлғизлик ҳисси ва боласидан хавотирланиш туйғуси Паганинининг қалбини қамраб олганди.

Шоттки жаноб Паганинини ким даволаётганини сўради. Аммо айни шу пайтда жаноб Урбани хонадан секингина чиқиб кетди.

Бир куни, Шоттки беморнинг тўшаги олдида ўтирган пайтда зинада қадам товушлари эшитилди.

— Мана, ниҳоят шифокорим ҳам келяпти, — деди Паганини.

Ёш профессор ўрнидан турди. Шу заҳоти эшик ёпилиб, хонага Урбани кириб келди.

— Мен доктор келди, деб ўйлабман.

— Йўқ, афандим, мактуб келтиришибди.

У шошилич ён чўнтагини титиб, бир хат чиқарди; хат унинг чўнтагида уч кундан бери ётганидан ғижимланиб кетганди. Паганини хатжилднинг орқа томонидаги тамға уқувсизлик билан янгидан елимлангани ва жойидан кўчиб ётганига аҳамият ҳам бермади. Хат Гаррисдан бўлиб, у Берлинда учрашишни таклиф қилганди. У дипломатлик соҳасини ташлабди, энди Оврўпа бўйлаб саёҳат қилиш истагида экан. Гаррис эски танишлик юзасидан Паганинига сафарда ҳамроҳлик қилишни таклиф этаётган эди.

— Қандай бахт! — хитоб қилди Паганини. — Мен унга хат ёзиб юбораман... Мен докторнинг шу ерда эканини пайқагандай бўлувдим.



— Йўқ, йўқ. — Урбани эътироз билан бош силтади.

Тиш оғриғи ҳеч ёзишга қўймасди. Уч кунгача у овқат ея олмади. Оғриққа чидай олмаган Паганини тунда шифокорни чакиртирди.

Пардоз қилиб, ороланиб, атир сепиб олган йигит хо-нага кириб келди: унинг касбдоши шаҳар ташқарисига, бетоб хунгар графхонимнинг хузурига кетганмиш.

Шифокор беморни кўрувдан ўтказиб, томоғини дори-лаб куйдирди. Кейин эса милкларига мой суртиб, касал тишни суғуриб олди. Паганинининг боши айланиб кетди. У ёнида айтилган лотинча сўзларни аниқ эшитди. Ён томонидаги овоз: «Claude januam»<sup>1</sup>, деди. Унга жавобан: «Claude est»<sup>2</sup>, деган товуш эшитилди. Буни ким айтганини энди Паганини эслолмасди ҳам: айни шу пайтда у хушини йўқотди.

Эрталаб бошқа доктор, тиббиёт факултетидан юборилган Меланхолер Паганинининг пастки жағидан сак-кизта ва юқорисидан иккита тиш суғуриб ташланганини аниқлади.

— Сизнинг устингизда бундай ваҳшиёна жарроҳлик амалиётини ким бажарди? — сўради Меланхолер.

Паганинининг тили айланмасди. Меланхолер бош чайқаб қўйди.

— Унинг томоғи фалажланган... Сиз фаранг касали билан оғримаганмисиз? — қўпол оҳангда сўради у.

Паганини бош чайқаб қўйди. Меланхолер унинг томоғини қайтадан куйдирди, ачиниш билан елка қисиб қўйди-да, жўнаб кетди.

Паганини ўттиз етти кун касалланиб ётди. Оғир ва зерикарли кунлар бир-бирининг ортидан чўзилиб бораверди. У кунларни ва тунларни ним беҳуш ҳолатда, алаҳсираб ўтказарди. Шоттки ўз фарзандидан ташвишланаётган беморнинг барча истакларини адо этиб турди. Болакайнинг чапақлари ва шодон кулгиси билан тўла каттагина қўшни хонада турли-туман ўйинчоқлар сочилиб ётибди. Паганини дарди бироз ариган дақиқаларида беташвиш ва қувноқ бир ҳолатда фарзандини жиндай сўзлашиш учун ёнига чакиртирар ва беш-олтитадан ортиқ сўз айта олмасдан,

<sup>1</sup> Эшикни қулфла (лот.).

<sup>2</sup> Қулфлаганман (лот.).

Ахиллино учун кейинги кун дастурини Шотткига ёзиб берарди. Кейин эса увишиб қолган бармоқларидан қалами тушиб кетиб, кўзларини аста юмади. Баъзида эса худди ҳаёти поёнига етиб қолаётгандай туюларди. Тонг пайти Ахиллино унинг ёнига келиб, катта-катта кўзларини кенг очганича, отасига тикилади.

Орадан тўла бир ой ўтиб, ҳаловатли, ёқимли тушлар кўриб ухлаш кунлари ҳам етиб келди. Кўкрагидаги ва томоғидаги оғриқлари пасайди, миясидаги ғалати ҳиссиётдан ҳам озод бўлиб олди — шу пайтгача гўёки аллақандай ўргимчак уяси бошини, кўзларини, оғзини, қулоғини кўзга кўринмас бир парда бўлиб қоплаб олгандай туюлаверар эди. Паганинининг бармоқлари беихтиёр равишда бу ўргимчак уясини олиб ташлашга урингани уринган эди. Оғиз-бурунларидан кириб кетаётган бу тўрнинг ипларини излаш азобига чидаб бўлмасди. Кейин эса бу иплар худди бармоқларида осилиб тургандай бўлаверар эди. Уларни қоқиб тушириб ташламоқчи бўлганида эса бу иплар лабларига, кўзларига ёпишади, оғзига томон чўзилади, тишларининг орасига кириб олади, нафас олиши тобора ва тобора оғирлашиб бораверади.

Энди уйқуга кетган пайтларида эса дафъатан жарангдор кулги овозлари эшитилиб, ўйинчоқларнинг баланд уюми йиқилиб, ерга сочилиб кетади. Паганини уйғониб кетади, унга гўёки Пиза минораси чақмоқ ва момақалдиروق гумбури остида қулаб кетаётгандай туюлади. Кумуш ипда чокланган оқ либосли митти одамча хонага югуриб киради. Бахмал камзулига мажорча қизил белбоғ танғиб қўйилган. Жиға қадалган қалпоғи сарғиш сочли бошчасини ёпиб турибди. Мовий кўзлари учқунланади. Ахиллино ўйинчоқ қиличини олиб, отасига ҳамла қилади ва уни кўксидан яралайди. Паганини оғриққа парво қилмасдан жилмаяди. Ўттиз бешинчи куни унинг овози қайтди. Паганини бу сафар пичирламаётганини, балки тўла овозда гапирётганини ҳис этди: «Фариштагинам, кўрйисан-ку, мен яраландим!». Бола кўзларини юмиб ётган отасини кўриб, овозини эшитгач, унинг кўкрагига сакраб чиқиб, миниб олди ва юмуқ қоғоғини очишга ҳаракат қила бошлади.

1829 йилнинг январи кириб келди. Паганини ўрнидан туриб, хона бўйлаб юра бошлади. У нота қоғозининг катта-катта варақларини ёзувга тўлдира бошлади, аммо сал

кейинроқ уни яна поёнсиз бир андух чулғаб олди. Паганини ўзи учун нотаниш бўлган бир туйғуни — ҳаёт ва ўлим чегарасида турган мавжудотнинг ҳолатини ҳис этарди.

Ва, мана, ниҳоят Гаррис ҳам ташриф буюрди. У ўзи билан хушчақчақлик ва инглизча хазил-мутойибаларни олиб келди. У прагалик шифокорлардан билиб олишнинг имкони бўлган ҳамма нарсани сўраб-суриштиргач, ўзида шубҳа-гумон уйғотган даҳшатни яширишга астойдил уринди.

Гаррис вақтини беҳуда ўтказмади. У бир талай газета, мусиқа журналлари, хабарномалар келтирганди. У кулакула Паганинига кўрсатган газета қирқимларида Паганинининг даромадлари ҳақидаги маълумотлар батафсил чоп этилган эди.

— Сиз яқинда Оврўпадаги энг давлатманд одамга айланасиз, — деди Гаррис. — Фаройиб янгилекдан ҳам хабарингиз бордир, албатта: Ҳамбургда, Лейпцигда, Берлинда сизнинг суратингиз акс эттирилган ноталарингиз ақл бовар қилмайдиган қиммат нархларда сотиляпти. Ноширлар сизнинг форштагли ва турли бошқа хил мелазмали ҳамда яна аллақандай аломатлар чизилган майда ёзувли, қармоқсимон шаклдаги ноталарингизни ўйиб ишлаш ниҳоятда серҳаражат эканини сабаб қилиб кўрсатишяпти.

«Бу ерда қандайдир қаллоблик бор, — деб ёзди Паганини фил суягидан ишланган тахтачага. — Мен Россиянинг «Моисей»га ўхшатмаларни сотганман, Локателлининг янги нашрини тайёрлаб қўйдим, лекин сотиб улгурганим йўқ. «Баркаролла»ни ва йигирма тўртта каприччиони ҳам сотиб юборганман». Кейин эса ёзиб қўйилган, лекин сотувга қўйилмаган асарларининг узун рўйхатини илова қилди.

— Нималар деяпсиз? — хайратланди Гаррис. — Мен сизнинг «Падуя латофати»нгизни, кончертанте сонаталарини, «Икки мўъжиза», йигирма бешта менуэтларни, «Баҳор»ни, «Наполеон»ни кўрдим, сизнинг «Жодугар»ларингизни кўрдим.

Паганини кат устидан туриб кетди, аллақандай бир ваҳимада Гаррисга қаради.

— Булар қаёқдан келиб қолибди? Бу нарсаларнинг ҳаммасини мен дўстим генерал Пинога омонат қолдирганим-ку?

— Маъзур тутасиз, генерал Пино... генерал Пино аллақачон вафот этган.

— Қанақасига аллақачон бўларкан? Бу нима деганингиз?

— Генерал Пино бир неча ой муқаддам оламдан ўтди.

— Ё, Парвардигор! Менинг ноталарим, мактубларим, кундалик дафтарларим, хужжатларим! — хитоб қилди Паганини.

Гаррис ўзининг катта хатога йўл қўйганини тушунди.

Шу кундан бошлаб Паганини хавотирда яшай бошлади.

— Наҳотки буюмларимнинг ҳаммаси ўғирланган бўлса?! — баъзан гап орасида ҳам нолиб қоларди Паганини.

— Тинчланинг, — дейди Гаррис, — бундай бўлиши мумкинмас.

У Оврўпа пойтахтларидаги инглиз консулликлари орқали Паганини номи остида чиққан барча пйесаларни тўплади. Тез орада буюк скрипкачи ўзининг Оврўпа нашриётлари томонидан таланганини англади. Унинг Италияда қолган барча буюмларини муттаҳамлик шамоли бутун Оврўпа бўйлаб совуриб ташлабди. Аммо Гаррис тезда барча ишларни жойига туширди. Инглизлар билан алоқалар воситасида ишга тушириб юборилган суд дастақлари ўз таъсирини кўрсатди. Паганини Прагадан ҳеч қабққа чиқмасданоқ йигирма минг флорин муаллифлик ҳақи олишга муваффақ бўлди. Урбани шаҳарма-шаҳар юриб Паганинига тегишли пулларни тўплаб олди, чек дафтарчаларини олиб келиб, Гарриснинг топшириғига кўра нашриётлардан олинган йирик маблағларни банкларга жойлаштира бошлади.

Паганини Прагадан жануб томонга, Алп тоғлари орқали, йўлни яқин тортиб яшил кўрфаздаги Венецияни кўришни шунчалик истар эдики! Аммо Гаррис катъиян эътироз билдирди:

— Фақат ҳозир эмас. Прагада мен сиз учун ҳеч қандай хавф кўрмайман, лекин Италияда охириги ойларда сизнинг ҳаддан ташқари кўп дўстларингиз жабр кўришди. Қадрдон тупроғингиз ҳозир сизни оғули шарбат билан заҳарлайди.

— Бу қанча вақт давом этиши мумкин?

— Билмайман, — деди Гаррис ва пешанасини айёрона тириштирди. — Менимча, бир неча йилга боради.

Буни у ҳазил қилиб айтдимиз ёки жиддий тарздами, тушуниш қийин эди. Аммо Паганини Гарриснинг маслаҳатига амал қилишни маъқул кўрди: бундай маслаҳатлар уни ҳаётининг оғир кунларида кўп марта фалокатлардан қутқариб қолган эди.

У биринчи концертини Дрезденда берди. Саксония газеталари мусиқа ҳақида эмас, балки Паганинининг минг икки юз эллик талер даромад олгани, қиролличанинг илтифотли табассумига ноил бўлгани ва қиролнинг тасвири туширилган, олмослар билан безатилган олтин тамакидон соҳибига айлангани тўғрисида ёзишди.

Лейпцигдаги концерт қутилмаганда узилиб қолди. Газеталар Паганинининг улкан тушумлари ҳақида ҳаддан ташқари кўп шов-шув кўтариб юборишди. Лейпцигнинг ҳавоси Паганинининг беҳисоб бойликлари ҳақидаги овозалардан чакмоқдай чирсилларди.

Лейпциг Паганинини адоват билан кутиб олди. Ҳокимлик ҳам крнцерт дастурига қандайдир ғалати тазйиқ ўтказга бошлади. Лейпциг мусиқа мактабининг мудирини концертда ўз жазманининг қўшиқ айтиши шартини қўйди. Буни у кўпол оҳангда, очикчасига дўқ билан айтди. Паганини қўллари чорасиз бир аҳволда кенг ёйганича, Гаррисдан қуйидагиларни етказиб қўйишини илтимос қилди: шаҳарлардаги учрашувлар кўнгилсиз ўтиши билан таҳдид қилиб, бунинг олдини олиш эвазига Оврўпа бўйлаб берадиган концертларида ўзларининг ўйнашлари ва жазманларининг жўр бўлишини таъминлашни талаб қиладиган ҳокимлар; биноларини ижарага беришни рад этиш билан кўркитишга уринган театр мудирлари; ифво мақолалар ва ҳақоратли тақризлар чоп этишини писанда қиладиган газета муҳаррирларининг хоҳишларини Паганини қондира олмайди!

Гаррис бу эътирознинг оҳангини бироз юмшатишга ҳаракат қилди, аммо Паганини ҳеч қандай муурожаатларга кўнмади. Гаррис баҳслашгани сайин Паганини вазиятни кескинлаштириш учун барча чораларни қўллаш бошлади. У Лейпциг театрининг маъмурига шундай кўпол мазмунда мактуб жўнатдики, бу албатта каттагина жанжални келтириб чиқариши тайин эди.

Оқибат шундай бўлдики, оркестрнинг доимий тартиби тўсатдан икки баравар кўпайтирилди, янги оркестрчи-

лар мутлақо истеъдодсиз бўлганлари боис машғулотларни тўхтатишга тўғри келди. Хашаки ресторанларда ва шаробхоналарда соз чаладиган чоллар, тўйларда скрипка чаладиган машшоқлар, аллақачон нафақага чикиб кетган ва эндиликда католик муассасаларда фаррош бўлиб хизмат қилаётган органчилар, ҳарбий дўмбирачилар ва миршабхона оркестрида чолғучилик қилувчи ҳарбий машшоқлар, — буларнинг ҳаммаси Паганинига қарши ташланди; улар ўзларининг ёқимсиз гинғирлаши, шанғиллаши ва чийиллашлари билан биринчи машғулотнинг ўзидаёқ Паганинининг қулоғини қоматга келтирдилар. Бу янги «оркестр»га тўланадиган маблағлар рўйхати ҳарбий товон пулининг миқдорини эслатарди. Паганини Гаррисга чолғучилар сонини камайтиришни топширди. Шундан кейин Лейпциг театри оркестрчиларининг биринчи ярми — доимий таркиби концертда иштирок этишдан бош тортди.

Машғулот пайтида яна овозидан айрилган Паганини шифокорга мурожаат этишга мажбур бўлди. Шифокор, олмон жаррох, Гаррининг ҳузурида бошини афсус билан силкиб, жаноб Паганинига юзланганича, уни қандайдир фирибгар муолажа қилганини айтди. Унинг томоғи фарангича касалликни эслатувчи аллақандай яраларга тўлиб кетганди.

— Лекин бу бошқа касаллик, — деди олмон. — Аммо нима бўлгандаям ахволингиз ниҳоятда жиддий. Сизни ким даволаганди, ўзи?

Паганини бу саволга жавоб беролмади. Буни Урбанидан сўрамоқчи бўлишди. Лекин Урбани уйда йўқ эди.

— Мен сизни даволашим мумкин, — деди шифокор ва Гаррисга маъноли қараб қўйди.

Паганини қўшни хонага чикиб кетди. Шифокор ниҳоятда катта миқдорни айтганди, Гаррис рад жавобини берди. Шифокор кетганидан кейин Гаррис Паганинини Берлинда даволанишга кўндирди.

Лейпцигдаги нохушликларни, Лейпцигда бирорта ҳам концерт бермаган скрипкачининг хасислигидан ғазабланган Берлин газеталарининг тажовузларини ҳам унутган Паганини тўртинчи март кўни Берлин театрида томоша берди.

Бу концерт катта шов-шувларга сабаб бўлди. Берлинга Шоттки келди. У ўз дўсти Людвиг Релштабнинг ҳузу-

рига йўл олди ва улар икковлашиб «Vossische Zeitung» учун бир қатор мақолаларни тайёрладилар. Улар шу қадар муваффақиятли чиқдики, Паганинининг биринчи томошасиёқ зафар қозонди. Хатто Шпор ҳам концертга ташриф буюриб, биринчи қаторда лабини тишлаб ўтирди.

Релштаб Паганинининг чорасизликни енгиб, табиат томонидан инсонга берилган имкон чегараларини ёриб ўтганини ёзди. Инсон эришган бундай ғалаба изсиз кетмайди, албатта. Бу скрипкачи томошабинда ўзга олам мавжудоти тасаввурини уйғотади. У ким ўзи — фариштами ёхуд инсон қиёфасидаги иблисми? Тушуниш қийин. Мана шу қиёфа скрипкачининг санъатига ўз изини солган бекиёс машаққатли, улкан азоблили меҳнатни ўзида акс эттиради. Паганинининг юзида даҳшатли, азобли толиқиш излари зоҳир. Ташқи кўриниши билан оз бўлсада, Паганинига ўхшаш скрипкачи дунёда йўқ, оддий бир ёғочни ушбу доҳий қўлларидоги каби жонли созга айлантиришга қодир мусиқачи ҳам оламда йўқ. «Жодугар»нинг ушбу муаллифи ўзи ҳам ҳақиқий афсунгардир. Инсон руҳий оламининг Паганини босиб ўтган қирраларини, инсон жисмоний дунёсининг табиат томонидан тоабат қонунлаштириб қўйилган ўтиб бўлмас қирраларини яна ким забт эта олади? Бу даҳонинг қудратини белгилай оладиган бирор мезон борми?

Карл Холтейнинг шеърлари шунга бағишланганди, Берлин газеталари шу ҳақда жар солмоқда эди.

Баҳорги сел тошқинлари Пруссиянинг кўплаб қишлоқлари ва қўрғонларини вайрон қилиб кетди. Юз минглаб кишилар хонавайрон бўлдилар. 1830 йилнинг 6 ва 29 апрель кунлари халқ ниҳоятда катта омма бўлиб тўпланиб, концертлар ақл бовар қилмайдиган даражада баланд нархларда ўтказилди. Берлин оммаси бунга ғазаб ва нафрат тўфони билан жавоб берди, лекин барибир томошахонага ўзини ураверди. Оломон тўсиқларни ва говларни улоқтириб ўта бошлади. Газеталар ғазабдан увиллаб юбордилар. Паганинини Гарпагон, зикна, баднафс ва манфур италиялик аждар деб атай бошладилар.

Берлин томошабинларининг қизикчиси, тақлидчи ва ҳазил қўшиқлар ижрочиси Сафир икки марта Паганинига мурожаат этиб, бекул чипта беришни илтимос қилди. Лекин эҳтиётсизлик қилиб, агар илтимосига

рад жавоб олса, Паганинини оммавий равишда масхара қилишини айтиб таҳдид қилди. Гаррис эса Паганинининг ўз ғурури ва қатъиятини баланд тутиш тўғрисидаги қатъий топшириғига кўра бу масхарабознинг талабини рад этди. Алал-оқибат газетада «Паганини, икки талер пул ва мен» деб номланган хабар чоп этилди. Сафир Паганинининг хасислиги ҳақида киноявий мақола ёзиб, ўзини эса хайр-саховат бобида буюк скрипкачига намуна қилиб кўрсатганди.

«Бизлар икковимиз ҳам эҳтимол бир хил даражада Берлин оммасининг эътиборини қозонишга ҳаракат қилмоқдамиз. Паганини битта «Seite»да ҳаракат қилса, мен бир қанча «Seiten»лар билан ишлайман». Сафир «соз» ва «қоғоз» қофияларидан сўз ўйини қилар экан, бир нарсани — Гаррис Паганинининг ниҳоятда катта нархларда бераётган бу концертларидан тушадиган маблағларни сув тошқинларидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш қўмитасига унинг буйруғи билан топширганини ҳисобга олмаганди.

Кассел, Франкфурт, Олмония иттифоқининг катта ва кичик шаҳарлари Паганинини тингладилар.

1830 йилда Шпор шундай ёзганди:

«Паганини ҳозиргина Кассел театрида иккита концерт берди. Мен бу концертларда унинг ижросини фавқулдда бир диққат билан тингладим. Унинг чап қўли бенуқсон аниқлик билан ишлайди ва менда ҳақиқий завқ туйғусини уйғотади. Аммо унинг композицияларида, унинг услубида мен яққол бир доҳиёна ижро билан болаларча қўполлик ҳамда дидсизликнинг ғалати бир омухтасини кўрдим. Бунинг оқибати ўлароқ, Паганинининг ижросидан олган таассуротларим ниҳоятда қониқарсиз бўлди.

Биз у билан икки марта Вилгелмсхойдаги зиёфатларда биргаликда иштирок этдик. Паганини менга ниҳоятда хушчакчақ, дилкаш, хозиржавоб одам бўлиб кўринди. Биз у билан ёнма-ён ўтирдик».

Айни шу вақтда Олмониянинг бошқа газеталарида Гурнинг мақолалари пайдо бўлди. У шундай ёзганди: «Паганини, расво табиатли бу жирканч одам муомала бобида чидаб бўлмайдиган даражада ёқимсиздир. Назаримизда, унинг путур етган саломатлиги заҳарли феъл-атвориға ва ўлимтик кайфиятиға сабаб бўлган».



Урбани ўз хожасини янги ошнасидан рашк қилгувчи масъул хизматкор қатъияти билан Паганинини Парижга боришга қўндирмоқчи бўларди. Гаррис Париж газеталаридан парчалар олиб келди: уларда аллақачон Паганинининг суратлари чоп этилганди — унинг қотилликлари, қиморда ютказилган скрипка, қамокда ўтириши ва италиялик талончиларга бошчилик қилгани ҳақидаги хикоялар эса саҳифаларни тўлдирган. Бир журналист Паганинининг яширинча Парижга келганини хабар қилганди — «у шаброитни ўрганиб, вазиятни баҳолаяпти». Гўёки ўша мухбир Паганини билан суҳбатлашишга муваффақ бўлганмиш. Газетада Паганини билан бўлган суҳбат, Паганинининг сурати, Бйанки хонимнинг ва митти Ахиллионинг расмлари берилганди. Паганинининг сурати оддий, газеталарда чоп этиш учун ишланадиган одатдаги қолипдан қўчирилган, аммо Бйанки хоним ниҳоятда соҳибжамол чиққан: унинг қиёфаси учун аллақайси илоҳани ифодаловчи қандайдир қадимий италияча ўйма сурат қўлланганди.

Ахиллино борасида эса мухбир мушаклари бўртган, осиеча юз тузилишли, итбашара циркчи боланинг дагерротип услубида ишланган фотосуратини эълон қилибди. «Парижга боришга ҳали эрта», — демокчи бўлди Паганини. Лекин у яна гапира олмади. Гаррис дўстига хавотир билан қаради. Паганинининг бўғизи хириллаб, томоғидан хирқироқ товуш чиқа бошлади. Асабийлашган кўйи фил суягидан ишланган тахтачани қўлига олди ва қалам билан унга ёзди: «Парижга бормаيمان».

У миз устидан танга олди. Бу Саксониянинг қадимий дукати эди. Бир томонида Август Саксонийнинг рамз тамғали расми тасвирланган, бошқа томонида эса — палмазор соҳил ва баланд кўтарилган қўллариди жануб мамлакатларининг дуру жавоҳирлари солинган лаган чизилган ҳабашнинг тиз чўкиб туриши тасвирланган. Паганини тахтачага қайд этиб қўйди: «Агар Саксония қироли юзтубан бўлиб йиқилса, ҳабаш бизга Шарқ йўлини кўрсатиб қўяди. Агар Саксония қироли бизга юзини очса, у ҳолда Фарбга томон юрамиз». У тангани юқорига ирғитди. Олтин дукат тош тўшамага жаранглаб урилди.

— Ҳабаш! — хитоб қилди Гаррис.

Эрталаб Варшавага жўнашга тайёрлик кўра бошладилар.

## Йигирма бешинчи боб

### МАКТУБЛАР ВА ЙЎЛОВЧИЛАР

У пайтлар ҳали темир йўллар йўқ эди. От кучи билан тортиладиган бир қадар ташкиллаштирилган ҳаракат жаноб Лаффит томонидан Францияда йўлга қўйилди. Унинг жўнатма идоралари ҳамма томонларга бир неча минглаб хос аробаларни жўнатмоқда, жаноб Лаффит бу маркабчиликдан ўн бир миллион франк миқдоридан йиллик соф даромад олмақда эди. Қариялар Бонафус ва Калйар унга йўл бўшатиб беришга мажбур бўлдилар. Жаноб Лаффитнинг Парижда банки бор эди. Оврўпанинг бир қанча бошкентларида, шу жумладан, Варшавада ҳам бу банкнинг бўлимлари очилган. Жаноб Лаффит махфий равишда қиракашлик идоралари бўлмиш мессажерларнинг ва эйлвагенларнинг акцияларини сотиб олиб, ўз вакилларини Париждан токи Ўрусия салтанати чегараларига қадар тарқатди. Жаноб Лаффит Парижда нуфузли шахс эди. Агар Карл X ўз сиёсатини ғалати томонга йўналтирмаганида жаноб Лаффит ҳукумат аъзосига айланиб, ҳокимият курсисидан ўтирган ҳар қандай аслзодалардан кўра эътиборлироқ одамга айланган бўларди. Ҳар ҳолда Каллиш йўлида каттагина хос аробада Паганини билан кетаётган фаранги ҳамроҳлари шундай фикрда эдилар.

Паганини яна жўнатмалар аробасида саёҳат қилишни бошлади. Гаррис, Ахиллино ва буюк скрипкачининг барча кўчар мулклари Франкфурт Майнда қолди.

Варшавада муҳим концертлар бўлиши қўтилмоқда эди. Ўрис подшоси ўз фанимларини тор-мор келтириб, исёнчи зобитлар ва аскарлар тўпланган Сенат майдонини ўққа тутгач, ўз бошига Полша қироли тожини қўндириш ҳамда ўз юрагидаги нафратини ичига ютиб, полша конституциясига қасамёд қилиш учун Варшавага йўл олди.

Варшавада катта тантаналар бўлиши лозим эди. Паганини айнан ўша ерда ўзининг тантанавор услубда ёзилган бир нечта байрамона руҳдаги асарларини ижро этишга қарор қилганди. Улар қаторида Англия мадҳиясининг скрипка учун мослаштирилган намунаси ҳам бор. Чунки

унга бу мадхия Ўрусияда давлат рамзи сифатида қабул қилингани хақида хабар беришганди.

...Ўша хос аробада катта қулфлар осилган, сурғуч мухрли ва пўлат занжирлар билан тортилган чарм қоплар ҳам олиб кетилмоқда. Бу халқаро жўнатмалар эди. Ўрусия чегараси томон елиб бораётган мана шу кўк эйлвагенда скрипкачи Никколо Паганини ҳам кетмоқда. Ароба устидаги тўртўсиқ тепасида, чарм қопчиқда кулранг қоғоздан ишланган каттагина семиз бир хатжилд ҳам бўлиб, бу нома Паганини Варшавага бориши биланоқ уни ўз назорати остига олгувчи кимсага йўлланган. Хатжилдда нафис инглизча ҳуснихатда ёзилган варақлар бор:

«Варшавага, рухоний ота Ксаверий Коженевски хазратларига.

Азизим аббат, Сизга фақат билганларимни ва яқинда эшитганларимни маълум қилмоқдаман. Узрким, шошиб турганлигим боисидан бироз бесаранжом ёзмоқдаман.

Граф д'Артуа Реймсда ўз бошига Франция тожини қўндириб, қирол Карл X номини олган пайтдагина Март хоним Парижга қайтди. Айна ўша куни Март хоним саксон тўққиз ёшга тўлди. Хоним унчалик ўзгармаган: қачонлардир гўзал бўлган аёлдан митти кампирга айланиб ҳам, у нигоҳидаги тийракликни сақлаб қолибди. Қўшилиб кетган қора қошларига оқ тушмаган, кўзлари илгаригидай дум-думалоқ, катта-катта, қоп-қора ва маънодор. Унинг ҳатто юз териси ҳам ўз тиниқлигини йўқотмаган. Фақат кўзларининг атрофида салгина ажинлар пайдо бўлган. Қирра бурни уни беозор хонаки қушга ўхшатиб туради. У Кичик Пикпюсдаги ўғай синглизининг уйида яшаб туриб, кейинроқ Тюилрига кўчиб ўтди ва қачолардир сарой канизини бўлган онаси яшаган хонага жойлашди. Қувғинда бўлган йиллар унинг табиатини заррача бўлсин ўзгартира олмабди. Март хоним доимо фавқулодда меҳрибонлиги ва камсукумлиги билан ажралиб турарди. Хонимнинг тақводорлиги ҳам чек-чегара билмайди.

Шаҳзода Конденинг аъёнлари орасида ҳамда Брауншвейг херцоги саройида у тенгсиз нуфузга эга эди ва ҳар қандай лаҳзада оддий ва қисқагина бир сўз билан сарой сохибларининг қарорларини ўзгартириб юборишга қодир эди. Бу вазиятдан у ўз манфаати учун фойдаланган бирорта ҳам ҳолат бўлган эмас. Хоним ўзи оч-нахор

қолгани ҳолда тул-беваларни ва етим-есирларни едириб-ичирди. Якобчилар қатағонидан жабр кўрганлар ҳар доим унинг кўмаги ва эътиборига ноил бўлдилар. Қатл этилган қиролни у авлиё деб биларди ва ҳазрат Лакордернинг ижозати билан унинг ҳақиға ибодатларни адо этди.

У икки марта оғир бетоб бўлган: биринчи мартасида у Брауншвейг яқинида истиқомат қилаётган зоҳидлар ҳузурига ташриф буюрган пайтида кўшқаробадан тушаётиб оёғини ҳўл қилиб олган ва олти ҳафта мобайнида исит-малаб, алахсираб ётганди; унинг босинқирашидан кўзига кўринган нарса, асосан бернардчиларнинг ташландиқ ибодатгоҳи бўлди. Иккинчи мартасида у йўлда қор бўронига дуч келди, бу сафар ҳам одатига кўра юпун кийинганди. Унинг ўпкаси қонга тўлиб, ўлишига бир баҳя қолди. Боз устига рўза тутиб, покланиш маросимида ҳам иштирок этди. Аммо табиатининг метинлиги шу ерда ҳам намоён бўлди. Март хоним ўзининг маънавий пирига токи ибодатгоҳда тегишли тартиб ўрнатиб олмагунича, бокий дунёга рихлат қилмаслигини билдирди.

Шундан сўнг ҳақиқатан ҳам у соғайиб кетди. Аммо дўстлари ҳамда мухлисларининг ўтинч ва илтимосларига қарамасдан, Людовикнинг ҳукмдорлиги пайтида Парижга қайтишдан бош тортди. Хоним ўзининг қайтиши шарти сифатида инқилоб берган ҳуқуққа биноан ўз ибодатгоҳини эгаллаб олганларнинг у ердан чиқариб юборилишини талаб қилди. У бернардчиларнинг барча мол-мулклари қайтарилишини талаб қилди, чунки Рим ҳаворийлик жамъиятининг рўйхатларида хоним ҳозирга қадар Визитасия ибодатгоҳининг раҳбари саналади.

Бу борада яна нима дейишим мумкин, азизим абабат? Сиз ўзингиз ҳам Швейцариянинг овлоқларида тақдирнинг беқарорликларини кўрдингиз-ку. Варшавага, Сизга жўнатаётган мактубимнинг дунёвий мазмунда эканидан ранжиманг. Сиз ҳақингизда ўйлаганимда ўша отлик қўшин қўмондони, ўзимнинг ҳарбий бошлигим сифатида ёдга олганим боис, фаранги тилининг черков лахжаларига амал қилолмайман. Кейинги сафар Сизга лотин тилида мактуб йўллаймаман. Ишончим комилки, ўшанда каминанинг сўзлаш услуби Сизга маъқул келади. Лотин тили сафсатани кўтармайди, якобчиликдан зарар кўрган бизнинг фаранги тилимиз эса, дунёдаги бошқа

барча тиллар каби бугунги кунда қора халқнинг иборалари билан ва ичкиликбоз ишчиларнинг лаҳжаларидан ифлосланиб бўлди. Дунё тубанликка томон чўкиб боришни бошлади. Кўрдингизми, бундан ўттиз йил муқаддам мен бундоқ жумлаларни ҳеч қанақасига ёзмаган бўлардим. Энди булар ҳақида дадил ёзаяпман ва бошқа кўп нарсаларни ҳам кўрқмай гапира бошладим.

Март хонимнинг узокни кўра билиши, унинг қатъияти ва ҳалоллиги тез вақтда умум омманинг олқишига сазовор бўлди. Яқиндагина унинг Парижга йўл олишини, Сен Клуба бориб, қиролдан марҳамат сўрашини маслаҳат берганларнинг ҳаммалари хонимнинг бу каби имтиёздан воз кечиши қанчалар оқилона иш бўлганини кўрдилар. Людовик XVIII жирканч фитнагар ва хурриятпараст Монлозйега мурожаат этиб, Март хонимнинг мактубига қатъий рад жавобини бермоқликни амр этди. «Умуман олганда, — дея ўзидан қўшиб қўйди Монлозйе, — сизнинг масалангизни ноиблар кенгашининг кейинги йиғини кун тартибига киритиш ҳам мумкин». Бу ҳақсизликдан Март хоним қанчалар ғазабланганини асаввур эта оласизми, азизим аббат?! Мен унинг мактубни ўқиб бўлиб, оромкурсига оғир чўккан дақиқаларига шохид бўлдим. Қопқора тасбеҳни ва мактубни ушлаган қўли оромкурсининг ёндорига тушиб турибди, рўмолча тутган ўнг қўлини юраги устига қўйган. Қора кўзлари тубсизлик каби тийран, қорачўғларида андуҳ билан бирга иблисининг найрангларига қарши нафрат ўти ёнади; бу ғазаб на сўзларда, на бир хатти-ҳаракатида намоён бўлади, чунки ҳазрат Бернард доимо камтаринлик ва итоатдан сабоқ берган эди.

Биз қанчалар кўр эканмиз, у эса қанчалар, қанчалар зийрак! У қиролнинг қалбида инсоф уруғи униб чиқишини тўққиз йил кутди, аммо соҳиби тож барибир диёнатга келмагани ўзингизга ҳам маълум. Лакордернинг, «тангри ўз жазосини гоҳ яширин, гоҳи ошқора юборади», деган сўзлари бежиз айтилмаган. Қирол ҳаётлик човидаёқ чиришни бошлади. Унинг тирноқлари этидан ажралди, териси худди бўёғи кўчган чарм қўлқоп каби шилиниб тушди, қовоқлари ёрилиб, бурни ириб тушди. Бу — черковга нописандлик қилгани учун берилган жазо эди. Март хонимнинг эса фикри бошқача бўлди. У қиролга ачиниб, уни дуо қилди. Аммо «ноиблар кен-

гаши» сўзлари унга нафақат рухий, ҳаттоки жисмоний азоб берарди, хоним ҳар сафар бу сўзларни эшитганида беихтиёр чўкиниб олишни канда қилмасди. Бунга анча вақтлар бўлди. Аммо 1825 йилда унинг ҳузурига ҳар куни Марсан саройидан хабарчилар кела бошлашди. У гўёки жонланиб кетди, гўё ўзидан бир ёруғлик тарата бошлади; гўёки тунги шамчироқ шуъласида ёшликнинг, навқиронликнинг қандайдир шамсиёна қуввати пайдо бўлгандай эди. Таксир, кўряписизми, энди камина ҳам дунёвий сўзлар билан гапира бошлади. «Қуёш қуввати» иборасини яқиндагина академиячиларимиз ўйлаб топишибди. Бу — бемаъни ва тутуруқсиз тушунча. Ахир қуёшда илохий нурдан бошқа бирор-бир қувват бўлиши мумкинми? Тангрининг хошиш-ихтиёри бўлмаса, офтоб ўша ондаёқ нур сочмоқликдан тўхтайтиди.

Демак, мени маъзур тугтайсиз, азизим аббат, ушбу беназир аёл ҳақидаги қиссамни давом эттирар эканман, барча хотираси заиф одамларда бўлгани каби камина ҳам Сизга Март хонимнинг болалик йиллари ҳақида ҳам, унинг ёшлик дамлари борасида ҳам сўзлаб бермаганим айни шу тобда ёдимга тушди.

Херцогхоним д'Абрантеснинг жияни, барон хоним Жерарнинг ўғай опаси граф хоним Декардон болалигиданок барқарор ва осойишта табиати билан ажралиб турарди. Тақдир унинг отасини — резидент Нозирни турли мамлакатлар ва шаҳарларга бетиним йўллаверарди. Шу боис хоним падарини эслай олмайди ҳам. Унинг болалиги Шартрез де Гренобл яқинида ўтди, у ерда қизча ибодатгоҳ мактабида таҳсил олди. Унинг шаъни ҳурмати учун айтиб ўтмоғим лозим ва лобудки, у ҳеч қачон тақиқланган китобларни ўқимаган ва каминанинг назарида Волтер ёки Голбах ҳақида тасодифан бирор узукюлуқ гап-сўзларни эшитиб қолган бўлса, эҳтимол. Ҳаттоки каминанинг фикри ожизича (булар ҳақида Сизга қўрқмасдан ёзаётганимнинг боиси, Сиз мени ҳурриятпарастларга сотмаслигингизга ишонаман), бу аёл муқаддас битиклардан бошқа ҳеч нарсани ўқимаган ва иймонни қутқаргувчи китобларнигина мутолаа этган холос.

Март хонимнинг ўзига хос хусусияти — унинг эркак жинсига нисбатан буткул бепарволигидир. У бирор марта ҳам севиб қолган эмас ва турмуш қуриш ҳақидаги барча

таклифларга юмшоқлик билан қатъий рад жавобини бериб юбораверган.

Ўн тўққиз ёшида у илк бор покланиш маросимидан ўтди, йигирма тўрт ёшида, Париж архиепископининг жазмани, бернадчилар ибодатгоҳининг бошқарувчи бекаси, ёноқлари кип-кизил, хушчақчақ Франсуаза қочиб кетганидан сўнг, у бошқарувчи бекаликни ўз зиммасига олди ва ҳануз шу лавозимда қолиб келмоқда. У биринчилардан бўлиб инқилоб ва яacobчиларнинг қатағони — шунчаки оддий тасодиф эмас, балки франциялик аслзодаларнинг хурфикрликка берилиб кетганлари ва черков эҳтиёжларига безътиборликлари учун парвардигор томонидан юборилган жазодир, деган фикрларни айтганди. Инқилобни у қумри қушнинг ювошлиги ва донишманднинг хотиржамлиги билан кутиб олди. Хоним бу исённинг хайрли яқун топишига қатъий ишонарди, лекин қачонлардир тангрига яқин бўлган ва ҳозирда ўз бошига ҳақнинг ғазабини ёғдираётган табақа қисматига чин дилдан қайғуарди ҳам.

Март хоним зодагонлик наслини юксак кадрлар эди. У тўралик ва олийҳимматликни диний жасоратларга ундовчи хислатларнинг мағзи дея ҳисобларди. У доим: зодагонлик диний эътиқоднинг биринчи рутбаси, деб айтарди. У авом ҳам худога баъзан хуш келиши мумкинлигини тан оларди. Чунки балиқчидан авлиё чиққан пайтлар ҳам бўлган-ку. Аммо бундай ҳодисалар жуда кам юз берган, чунки қора халқ — аслзодаларнинг юқори мартабаларга чиқиб бориши учун елкасини тутиб тургувчи тубан бир поғона, холос.

Март хоним Бонапартнинг номини тилга олганини ёки унинг бор-йўғига бирор муносабат билдирганини бирор эслолмайди ҳам. Ҳарбий хавф-хатар йилларида у ўзини худди Наполеон ёруғ оламда йўқдай тутди, фақат сезилар-сезилмас чўқиниб қўйишигина унинг ким томонидандир талаффуз этилган бу даҳшатли исми эшитиб қолганидан далолат берарди.

Марҳум киролга ёзган мактубида у ҳукмдорга оқилона маслаҳат бериб, мактаб дарсларида инқилоб билан боғлиқ ҳар қандай воқеаларни эслатишни тақиқлаш зарурлигини айтган эди. Чунки, тонг шаббодасидай енгил туюлган ҳар қандай беозор сўз ҳам ўз қобиғини ёриб, минглаб

иблсваччаларга айланишига, тўғрироғи уларни дунёга келтиришига хоним қатъий ишонарди. Бу фикрда у ҳақ эди, албатта.

Унинг 1793 йилдаги ҳаётидан кичик бир тафсилот. Қирол ҳали қатл этилмаган пайт. Март хоним ҳар куни уни дуои хайр этарди, аммо таассуфларким, унинг ибодатлари ижобат бўлмади. Ўзи учун таҳликали бўлган ўша кунларда бу аёл гўёки вужудсиз бир мавжудотга айланди. Инқилобий бўлинмадан яширинган кўйи у ўз укаси билан Сен Жерменни тарк этди ва нонпазнинг уйида яшай бошлади. У ўзининг бўш вақтларини жажжигина жиянчасини парваришлашга бағишлади (Антуанетта — ўша қизалоқ ҳозир сохибжамол оймқиз бўлган, у виконт Крузолнинг қайлиғи).

Инқилобий бўлинма бошлиғи Леблан бир куни тунда уларнинг панагоҳини фош этиб, ўз тўдаси билан бостириб киради. Тинтувлар ҳеч қандай натижа бермайди, аммо шу дамда Март хонимнинг чеҳрасида зоҳир бўлган фариштавор хотиржамликни Сиз ҳам қўрганингизда эди. У комиссарларги бирорта ҳам ҳақоратли сўз айтгани йўқ, ҳолбуки кенг қўнжли этик кийган бу кимсалар милтиқларининг қўндоғи билан ҳамма ёққа тақиллатиб урганларича, пойабзаллари билан курсига чиқиб, жавонларга бош суқдилар, деворлардаги муқаддас суратларни юлиб олдилар. Камина хонимнинг ўша пайтидагидек ювош ва итоаткор одамни кўрган эмас. Комиссар ундан: «Сизнинг олмос қадалган тақинчоқларингиз қани, оилавий олтинларингиз қаерда?», — деб сўраганида, хоним табассум билан, бунақа нарсалар ўзини унчалик қизиқтирмаслигини айтади. Фақат митти Антуанеттагина аммасига жилмайиб караганича, бижирлаб: «Март амма, улар бурчакдаги яширин туйнукда-ку, ёдингиздан чиқдимми?», — деди ва «яхши» амакижонларни қўли билан имлаб, тахта тўшамга остига отаси барча бойликларини яшириб қўйган хонага уларни бошлаб кирди. Антуанетта ўзининг топқирлигидан фахрланиб, отаси яшириб қўйган олтинларни ва олмосларни яшириб қўйган жойни қўрсатганидан завқланаркан, Марта хоним меҳр билан унинг бошини силаб қўйди.

Леблен билан миллий гвардиячилар кетганларидан сўнг Марта хоним укасининг қўлидан тутди-да, қулоғига шивирлаб, қизини қойимаслигини тайинлади. Антуанетта



асл вазиятдан беҳабар, ўзининг митти хотираси билан фаромушхаёл аммасига ёрдам бергани учун ўзини бахтиёр сезарди. У қўлларини кўксига чалиштириб ухлаб қолди. Март хоним унга қандайдир ашулани хиргойи қилиб ўтирарди. Бу — оиланинг тўла таназзулга учраган куни эди. Браушвейгга олиб кетилган пуллар ҳам бор эди, лекин бу вазиятда уларни олиш тўғрисида ўйламаса ҳам бўлаверарди. Энди хорижга чиқиб кетишга тайёрланиш керак эди.

Март хоним қирол қатл этилганининг иккинчи куни жўнатмалар аробасида мамлакатдан жўнаб кетди. У руҳан шунчалик тетик ва шижоати кучли эдики, укаси ундан ўзининг завқини яшира олмади. Икковлари, дехқонларнинг кийимларини кийиб олганларича, қишлоқ саватларини кўтариб олиб, собик уй бошқарувчиси кекса Антуаннинг кузатувида Варденага соғ-омон етиб олдилар. У ерда юракларни ларзага солувчи ҳодиса юз берди. Якобчиликнинг тез орада таназзул топиши умидидан рухланган граф Декардон уларга пешвоз чиқди. Бор мол-мулкни олмон ҳарбий гуруҳини ташкил этишга сарфлаган жасур қария Варденага кираверишдаги ифлос бир шаробхонада ўғлини бағрига босди. Икковлари ҳам бегона номлар остида сафар қилаётган шахслар сифатида фош этилдилар ва шу ернинг ўзидаёқ чегара қўриқчилари капитани қизил қалпоқли этиқдўз билан биргаликда уларни сўроққа тутди.

Март хоним ҳар доимгидай ўз хотиржамлигини сақлаган ҳолда, митти Антуанеттага ғамхўрлик қиларди. Ота ва ўғил ўзларини худди бир-бирларини танимайдиган бегоналардай тутдилар, аммо энди кеч эди. Ота қувватдан кета бошлади. У ўз исмини айтиб юборишига бир баҳя қолди. У кўзларида илтижо билан ўғлини ҳам шунга ундамоқда эди. Ёш Декардоннинг сабри чидамади ва тиз чўккан кўйи беихтиёр хитоб қилди:

«Жим бўлсангизчи ахир, ота, Франциянинг эрки ҳозир сизнинг қўлингизда!» — шундан сўнг икковларини ҳам ифлос отхона ҳовлисига олиб чиқиб, гўнгтепа ёнига турғазиб қўйишди ва тўппончалардан отиб ташлашди.

Бу дақиқаларда Март хоним бошқа хонада ўтириб, ўқ овозларини эшитиб ва гап нимада эканлигини билгани ҳолда жажжи Антуанеттани овутиб, отаси ва бобоси

узокларга кетишганини, энди буёғига икковлари биргаликда сафар қилишларини айтди. Уни унутиб қўйишибди. Антуан яширин равишда уларни қишлоқ рухонийсининг ҳузурига олиб келди, бир кеча-кундуздан сўнг у ердан чиқиб, чегарани кесиб ўтишди. Март хоним, ҳатто касал ҳам бўлгани йўқ. Унинг оёқлари қонаб кетган, кўйлаги йиртилган, сочлари тўзгиган, аммо кўзларида ҳануз унинг ўзигагина хос бўлган беозорлик ва итоаткорлик ифодаси зоҳир. У Брауншвейг йўлидан Кассел князининг қўшқаробасида кетаётган чоғ митти Антуанетта унинг қўлларида ухлаб ётарди. Шу асно хоним қатағондан қутулиб қолди.

Йўлда граф Анри Шуазел, виконт де Бурдонне ва граф хоним Лавалл фаранги аслзодалар тангри ҳузурида ҳам, одамлар олдида ҳам гуноҳга ботгани ҳақида баланд овозда сўзлашиб бордилар. Март хоним уларнинг бу сўзларига ройишлик билан жавоб қилиб, хўрланганлар ва айбсиз зулм кўраётганлар ҳақида бундай дейиш ножоиз эканини айтди. У жабрдийдаларга эмас, балки ўзларининг ер юзидаги қисқа муддатли ҳукмронлик ҳуқуқидан фойдаланиб, жонларини абадий жаҳаннам азобига дучор этган зулмкор мустабидларга кўпроқ ачинади. Унинг фикрича, Париж узра минглаб иблислар парвоз этиб юрибди, оқизилган қонлар ранги фригия қалпоқларини ол ранга бўяди ва энди Инкилоб отлик қон уммонида юзалаб сўзгандан кўра, унга фарқ бўлмоқлик осонроқ.

Унга худди авлиёга қарагандай қарар эдилар, у билан бахслашишмас эди, унга маслаҳатлар сўраб мурожаат этар эдилар. Брауншвейгда у хорижий ҳарбий бўлинмаларни Франция чегараларига жўнатиш учун ўтказиладиган барча диний маросимларда ҳозир бўлди. У яқобчиларга қарши кўзғалган жанговар қисмларнинг қўмондонларини, бўлинмаларнинг лейтенантларини ва полковникларни фаришталар пинхона муҳофаза қиладилар, деганди. Шундай ҳолатлар ҳам бўлгандики, у аскарларга мулојимлик билан насиҳат сўзларини айтиб, ўз зобитлари учун ҳаётларини қурбон қилишларини сўрар эди; оддий ва ишонарли сўзлар билан уларга мамлакатда дехқонлар ўн минглаб дунёга келишини, уларнинг қўмондонларининг олийнасаб қонлари эса тангри инояти ила фаранг заминига бир неча томчи миқдоридагина инъом этилишини

айтар эди. Минглаб авом аскарлар биргина аслзода зобит учун мамнуният ила жонларини нисор этмоқлари жоиз. Хеч қандай инсоний қонун, ҳеч бир «Ҳуқуқлар декларацияси» авом учун ўз хожасининг юрагидаги мурувватнинг ва оталарча ғамхўрлигининг ўрнини босолмайди. Падарга фарзандларча итоатда бўлмоқлик эса ҳар қандай қаролнинг қисматидир.

Брауншвейг ҳерцогининг манифестидаги «Парижнинг ёндирилиши ва маҳв этилиши» ҳақидаги сўзларга у муқаддас битикка инонгандай эътиқод қўйганди.

— Олов ҳамма нарсани поклайди, — деган эди у. — Дунёнинг таназули етганда самовий аланга заминни куйдириб юборади. Олам поёнига етади ва энг аввало Париж интиҳо топади.

У ўзини ҳар куни муқаддас китобдаги охирзамон ҳақида ёзилган бобни ўқишга бурчли деб биларди. Ваҳоланки, ибодатгоҳдаги жазаво ҳолатига тушган роҳиблар ёхуд башоратчи руҳий носоғлом зоҳидаларнинг ҳамма башоратларига ишонавермасди. Лекин руҳоний Иоаннинг башоратлари айнан башорат қилинган муддатларда рўй бераётганини кимдир эътироф этиб қолса, буни инкор қилишга ботина олмасди.

Энди эса, роҳиб ҳазратлари, унинг ҳаётидаги сўнгги ой ҳақида Сизга сўзлаб бермоқчиман. У қатъий бир сабот билан қиролнинг қарор чиқаришига эришди ва бизнинг олийҳиммат Карл X Март хонимга рад жавобини бера олмади, аммо Сизга яхши маълумки, черковнинг фаровонлиги билан боғлиқ масалалар қандайдир қутилмаган тўсиқларга дуч келди. Кўплаб фитначилар черковимизнинг энг яхши хизматчиларининг ҳаётини заҳарлаб келдилар. Нозир Полинйакнинг истеъфога чиқарилиши ҳақидаги хабар Март хонимга гўё яшин ургандай таъсир килди.

Инқилобдан жабр кўрган зодагонларга тақсимлаб берилган олтин миллиард Март хонимни қайтадан каттагина давлат соҳибасига айлантирди. У эса бу бойликни яқобчиларнинг қатағонидан энг кўп зарар кўрган оилаларни қувватлашга сарфлади. Агар унинг ҳаётдаги ҳалибери эриша олмайдиган энг асосий мақсадини амалга ошириш учун бетиним қайғуришлари бўлмаганида эди, хонимнинг турмушини бахтли деб аташ мумкин бўларди.

У хозирча зоҳидаларнинг сокин овозлари эшитилмаётган, созгар Жюнон ишлаган қадимий орган садолари янграб улгурмаган, педагогика институти фанларини ўқитиш ниқоби остида (бемаъниликни қаранг, азизим аббат!) бефойда дунёвий илмлар ўқитилаётган, ўқувчиларнинг шовқин-суронлари эшитилиб турган, инқилоб ғояларидан онглари захарланган ёшларнинг қўпол ва дадил, ноболиғ овозлари жаранглаётган ибодатгоҳ ёнидан маънос ўтиб борар эди. Ҳар якшанба, ибодатдан сўнг Март хоним аравакашга отларни зоҳидлар ибодатгоҳи меҳробхонасининг равоқи кўриниб турган каштанзорга олиб борувчи дарвоза томон ҳайдашни буюрарди. У ён минораларнинг улкан нақшлари ва рангдор дераза ойналарига қараркан, дардманд, талвасада тез-тез ураётган юрагини тинчлантиришга уринади, унсиз қайғу ёшларини тўккан қўйи, армонли умидларининг ижобат бўлишини тилаб ибодат қилади.

Қирол эса курсида ўтирган хонимнинг қаршисида бош эгиб турганича, унга сўзлар экан, зоҳидлар ибодатгоҳини қайтаришни тезлаштириш учун ярим умрини беришга тайёр эканини билдирди. У сохта қироллик томошасини тўхтатиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилишини айтди. У энг қадимий, энг асл тўралар наслидан бўлган оилаларнинг машҳур вакилларига тарқатиладиган шаҳодатномаларни хонимга кўрсатди, у яна бир йил ўтиб Бонапартнинг иблисдан тарқаган бирорта ялоқхўри қолмаслигини билдирди (Март хоним бу номни эшитиши биланок, беихтиёр чўқиниб қўйди). Қирол хатто музофот жўнатмалар идорасининг мудирини ҳам мустақил равишда ўзи тайинлай олмаслигидан нолиди. Нозирлар ҳам аксари ҳолларда қиролнинг иродасини бажариш ўрнига ноибларнинг инжиқликларига бўйсуниларидан шикоят этди.

Қиролнинг марҳаматига ноил бўлган Март хоним Урсуланинг ўлиmidан сўнг ўзига ҳамма ерда ҳамроҳлик қилаётган роҳиба Сулписия билан бирга кўшкаробага ўтириб, ўзи учун бегоналашиб қолган нотаниш Парижни томоша қилиб борарди, умрининг поёнини Кларисс зоҳидалар ибодатгоҳида ўтказаётган болаликдаги дугонаси ҳузурига кетиб борар экан, гўзал, файзли маскандаги гулзор хиёбонлардан, йўлчалардан завқланарди. Сена соҳилидаги кичиккина уйнинг айвонида ўтириб, толиққан

ва қайғули нигоҳлари билан ботиб бораётган қуёшни қузатиб ўтирар экан, уйқусиз тунгача қолган дақиқаларни ва соатларни сабр-тоқат билан ҳисобларди.

У тобора ва тобора камроқ ухламоқда эди. Чўрилар уни ечинтириб, ўрнига ётқизишди. Тўрт шаъмли қандилбор тун бўйи ёниб турди. Сулписия шаъмнинг сўхтасини олиб, бекасининг ёстиғини тўғирлаб қўйди. Дағал бўз кўйлак кийган Март хоним эса сарғайиб кетган қўлларида тасбеҳини маҳкам қисганича, кимирламай ётаркан, инграб, хириллаб қадимий соатнинг тонг шафағи кўз очганидан дарак беришини кутади. Шундан сўнг у ўрнидан туради ва кўшқаробада қўшни ҳудуддаги черковга йўл олади. У ерда бўм-бўш ва кимсасиз бутхонада Декардонларнинг эски жойларини эгаллаганича, тонгни кутиб олади.

Кейин унинг куни бошланади. Вужудини ич-ичидан қуйдириб бораётган ўт бир дақиқага ҳам сўнмайди. Хонимнинг юз терилари бужмайиб, кўз остилари осилиб кетган, лаблари қуруқшаган, кичкина қулоқлари худди мумдай туссиз; лекин бир пайтлар клавесинни истаганича ўз измига солган ингичка, қуруқ ва нафис бармоқлари худди илгаригидай чаққон — тасбеҳ доналарини ибодатга монанд тез-тез териш билан банд. У ўзини худди ўлат тарқаган шаҳарнинг кўчаларидаги мурдалар аллақачон териб олинган бўлсада, ҳавода ҳали унинг юқумли зарралари сақланиб турганлигини яхши биладиган шифокор каби ҳис этарди. Март хоним янги Париждан қўрқар ва янгича одамларни тушунишга ожиз эди. Баъзан унга гўё Франция тангрининг қаҳрига учрагандай, тоқзорлар тобора ва тобора камроқ ҳосил бераётгандай, подалар ўзидан камроқ насл қолдираётгандай, серҳосил дарахтлар қуриб бораётгандай ва кўҳна қасрларига биқиниб олган зодагонлар чорасизлик гамида умрини поёнига етказаётгандай туюларди.

Кимга ҳозир яхши, кимлар яхши яшашпти? Тангрининг иноятига энди кимлар ноил бўлмоқда? Заминдаги туганмас марҳаматдан кимлар баҳраманд бўлишашпти?

Граф Жозеф де Местр — черковнинг садоқатли дунёвий химоячиси. Хоним Парижга келган заҳотиёқ бир неча соатни у билан ўтказган эди. Сулписия бу одам ҳақида юрган овозаларни сўзлаб берганди. Граф Жозеф

де Местр — қадимий илоҳиётнинг ҳимоячиси, Папанинг дунёвий ҳокимияти тарафдори ва инқилобни қатл этгучи жаллодлик лавозимининг ҳимоячиси. У дорсупадаги аждарнинг боши узра баланд кўтарилгучи пўлат ойболтани тутиб турган эзгулик фариштаси ҳақида завкланиб, овозида титроқ билан сўзларди. Ва, мана, Франция тахтининг вориси бўлмиш ёш Беррия херцогини ўлдирган аллақандай Лувел дорсупага тиз чўктирилди, лекин бош узадиган тигнинг — гильотинанинг мурватини барибир оқ фаришта эмас, балки оддий банда — доим ғирт маст юрадиган хушчақчақ Симон босади. Саватга ҳам аллақандай афсонавий ёвуз аждарнинг эмас, парижлик оддий дурадгор Лувелнинг сочлари опала калласи тушади. Қатли ом давом этмоқда. Инқилоб ҳали маҳв этилганича йўқ. Ҳаётларини шу қадар мамнуният билан қурбон қилаётган бу одамларнинг муддаолари нима ўзи?

Жаноб Жозеф де Местр Март хонимга умуман ёққани йўқ. Унинг черков ҳақидаги, Рим олий руҳонийсининг ҳокимияти тўғрисидаги фикрларини ифода этишда истифода этаётган сўзларини фақат Якобчилар жамъиятида эшитиш мумкин эди. У даҳриёна илм-фан ҳақида худди бутун умрини фан тажрибахонасида ўтказган одам каби гапирарди. Қани унда ақлнинг итоати, қани юракнинг самимияти? Муқаддас черковнинг ҳимоячиси даҳрий файласуфнинг тили билан ёзиб турса-я. Бошини эган кўйи эхтиром билдириб ўрнидан турган жаноб Жозеф де Местр билан хайрлашар экан, Март хоним унга шундай деди: «Сиз хатарли йўлдасиз, граф. Сиз черков ҳақида Волтернинг сўзлари билан сўзламоқдасиз. Мен асарларини ўқимаган ўша ёзғувчи сизнинг тилингизга ҳасад қилса ажабмас. Янги замон бизга олиб келган нарсалар шуми ҳали?!».

Ўшандан сўнг у графни бошқа қабул қилмади. Яқинда, бир неча кунгина олдин Март хонимни янаям қайғуга солган бир ҳодиса юз берди. Унинг ҳузурда тобора камроқ бўлаётган роҳиба Сулҳисия бернардчи зоҳидалар ибодатгоҳи аввалги ер-мулкига эгалик ҳуқуқини қайтадан қўлга киритиши учун буржуа ноибларни сотиб олишга беш юз минг франк ақча кифоя эканини хабар қилди. Март хоним бу режани қаҳр-ғазаб ила рад этди. У нима қилаётганини яхши биларди. Қирол ўзининг охир-

ги қабулида унга палатанинг умри тугаб бораётганини, саргардонликка маҳкум этилган Франция, Париж архиепископи Реймсда ўн аср давомида сақланиб келган муқаддас хурмача ичидаги мойни хочли мўйқаламда худди ўшандай хоч шаклида қиролнинг пешанасига суртиб қўйган пайтда унинг кўз олдига пайдо бўлган самовий Франция тез орада яна курраи заминда ўз муносиб ўрнини эгаллашини айтганди.

— Ёдингизда бўлсин, мухтарама хоним, — деганди у, — қироллик жуда кўп ғам-ташвишларни бошдан кечирди. Мен — Карл Ўниничиман, лекин бир эсланг, худди сиз каби аёл, муқаддас аёл, Лотарингия Маршидан чиққан Жанна Карл Еттинчининг Реймсда тож кийишига сабаб бўлганди. Камина ҳам худди Карл Еттинчи каби рўёлар ичида яшаб келди; мажусий Хлодвигнинг салтанатига бундан ўн аср муқаддам кабутар самодан олиб тушган муқаддас мой солинган идишни архиепископнинг қўлида кўрганамда, ўзимни илоҳий марҳаматга шубҳа кўзи билан қараган маъжусий каби ҳис этдим ва шу он тасаввуримда муқаддас Франция қиёфаси намоён бўлди. Шунда каминанинг ғамлари ариди. Жомеъ остонасига қадам қўяр эканман, ширинча дардига йўлиқиб мenden нажот кутаётган ўн минг жонга кўзим тушди. Шунда мен тангри марҳаматининг чексизлигини англадим.

Март хоним маъюс бош чайқади ва деди:

— Бутун Франция тупроғи ширинчага чалинган: ўз қувур мўриларини шаккоклик тимсоли сифатида осмонга чўзган устахона ва корхоналар қорақўтир фасоди каби захарли дуд таркатмоқда. У ерларда одамлар ўрнига жирканч чувалчанглар яшаб, насларини ёймоқдалар. Улар қишлоқларнинг фэйзини ва қадимий шахарларнинг иқболлини кемириб, сизнинг тахтингиз истиқболлини емирмоқдалар...

Азизим аббат, сизнинг Март хонимга бўлган қизиқишингизни тўла тушуниб турибман. Сиз унинг кутилмаган ўлими ҳақида билишни истайсиз. Бу ўлим арзимаган бир сабаб оқибатида юз берди ва албатта бу қазо одамларнинг доимий ибораси билан айтганда «бевақт рўй берди», холбуки ҳамма нарса тангри иродаси билан бўлади. Парвардигор бизнинг мухтарама Март хонимни машаққатли синов йўлларида юргизиб, олтинни ўт

билан тозалаган каби уни азоблар ўтида поклаб, пировардида ўз умидларининг ижобатини кўрмоқлик бахтини насиб этмади. Тасаввур қилинг-а, роппа-роса ўн саккиз кун муқаддам, кўп йиллик айрилиқлардан сўнг Антуанетта қайтиб келди — гулгун, ниҳоятда сохибжамол бу қиз ўзининг беғамлиги, бепарволиги билан Март хонимни ҳайратга солди. Ўз мол-мулкини ўзи истаганича тасарруф этаётган давлатманд бу меросхўр қиз Лиондаги энг катта корхонани сотиб олган виконт Крузолга турмушга чиқаётганини аммасига маълум қилди. Март хоним «корхона» сўзини эшитиши билан титраб кетди ва корхона сохиби бўлмоқлик аслзода кишиларга номуносиб амал эканини ботинмайгина айтди. Серҳосиллик хусусияти ато этилган, тангри томонидан олийнасаб хожага инъом этилган тупроқ зодагонларга муносиб ягона мулк тури эканлигини жиянига тушунтириб, никоҳга розилик беришдан олдин бу ҳақда мушоҳада қилиб олишни маслаҳат берди.

Антуанетта хоним қувончда эди, қушдай чиркиллашдан тўхтамасди, худди Март хонимнинг қулоқларини атайин ҳақоратлагандай, боғда фужерлик подачи аёллар ҳақидаги аллақандай авомбоп қўшиқни хиргойи қила бошлади. Кейин эса роҳиба Сулписия виконт Крузел уни қабул қилишни сўраётганини айтди. Лекин Март хоним виконт Крузелни қабул қилмади, аммо виконт роҳиба Сулписия билан ярим соат суҳбатлашди.

Антуанетта жўнаб кетганидан сўнг, оқшомда Марта хонимнинг аҳволи ёмонлашди; унинг нафас олиши қийинлашиб, заифлиги оқибатида жон таслим қилди. Қачонлардир унга ҳазрат Лакордер берган қулчани сўнгги покланиш удумига биноан хонимнинг совиб бораётган лабларига теккизиб улгуришди. У бир йўталди-ю, боши ён томонга эгилиб, жони жуссасини тарк этди. Эрталаб эса газеталарда чоп этилган хабарда, ҳатто палатадаги энг хурриятпараст ноиблар ҳам Бернард зоҳидалар ибодатгоҳининг ер-мулкларини унинг аввалги бошқарувчи бекасига қайтариш учун овоз берганларини маълум қилишди. «Котидйен» газетаси Март хонимнинг суратини эълон қилди ва уни «Франция узра қайтадан чарақлаган раҳм-шафқат юлдузи» деб атади.

Афсус! Бизнинг беозор Март хоним бу пайтда ўзининг зоҳидалик тўшагида жонсиз ётарди. Роҳиба Сулписия



унинг бокира баданини ювиб қўйди. Хонимга сўнгги қувончларни ва охириг умидсизликларни кўриш тақдир бўлмади. Қадимий аслзодалар насаби вакили, хонавайрон бўлган виконт Крузол муҳожирларнинг олтин миллиардидан олинган пуллар эвазига Лион корхонаси соҳибига айланиши асносида қанчалик ақлсизлик қилган бўлса, шунчалик разиллик ҳам қилди. У палатада ўтирган хурриятпараст буржуаларни сотиб олгач, уларнинг ибодатгоҳ ер-мулкини қайтариб беришлари учун сабаб бўлган нарса яратгувчидан савоб умиди эмас, балки беш юз минг франк миқдоридagi пора эди. Бу пуллар беҳуда сарфланди. Март хоним барибир жаноб Крузол билан Антуанеттанинг никоҳига рози-ризалигини бермаган бўларди, бундан кўра Қуддус остонасида жон бериш истагидаги солибчи жангари каби ўлимни афзал биларди. Агар унинг тобути буржуа пулига сотиб олинса, хоним учун бу нарса дахриёна қўлнинг шу тобутни ҳаром қилгани билан баробар бўларди.

Кеча мен тўйда иштирок этдим. Антуанетта бахтиёр ва беташвиш. Ёш виконт узунбар камзул кийиб олган, нимчасига қалин олтин занжир илинган. Лионлик тўртта боён меҳмон сифатида дастурхон атрофида ўтиришибди. Жаноб виконт улар билан қадах уриштириб ичар, уларнинг ҳар бир хатти-харакатига тақлид қилишга уринарди. Лионлик ипакчиларнинг узунбар камзуллари, нимчалари ва қадах сўзлари, Сизга тан олиб айтишим мумкинки, каминани қаттиқ ранжитди.

Мана, азизим аббат, Сиз ўзингизни қизиқтирган барча саволларингизга жавоб олдингиз. Назаримда, мактубим ниҳоятда узун бўлиб кетди. Бунинг учун каминани афв этинг! Энди навбат Сизники, азизим аббат. Полшадан келадиган хабарлар каминани ниҳоятда ташвишлантирмоқда. Балки Сиз ҳам ўз таассуротларингизни, Сиздай кекса парижликнинг таассуротларини Испания юришларида Сиз ҳазрати олийлари билан елкадош бўлган камина содиқ хизматкорингиз ҳафсала билан ёзгани каби, ўз мактубингизда батафсил баён этасиз, деб умид қилиб қолгувчи

*Филибер де Гуж».*

Паганини Варшавадан қайтмоқда эди. Ўзининг ҳозирги аҳволига ўзи ҳам тушунолмасди. Яна буткул куч-

қувватдан қолган даврлар бошланиб, яна овозидан айрилди. Биринчи марта бу ҳол Липински билан биргаликда концерт бераётган пайтда юз берди.

Биринчи ижро олдидан у яхна ичимлик ичганди, чаккасига қон уриб, томоғи ачиша бошлади. Полшалик ёш скрипкачи Шопен, буюк скрипкачининг ижросини унсиз бир завқланиш билан тинглаб, концертнинг биринчи қисмидан кейин Липински билан қўлтиқлашган ҳолда артистлар хонасига кириб келди ва Паганинининг кўзи юмуқ ҳолда оромкурсида осилиб ётганини кўрди. У скрипкачига яқинлашиб, бирор ёрдам керак ёки керакмаслигини сўради. Паганини унга ва Липинскига тикилиб қаради. Липински ижирғаниб, ғазаб билан тескари ўтирилди. Паганини Шопенга миннатдолик билдирмоқчи бўлганди, миннатдорлик сўзлари ўрнига томоғидан хирқироқ товушлар чиқди. Шопеннинг юзида ҳайронлик ва хижолатнинг қизил доғлари пайдо бўлди.

Липински концертнинг иккинчи қисмида яқсон қилиб ташланди. «Яшасин Липински!», деган айрим қичқириқларга қарамасдан, улкан томошахона Паганинини олқишларди.

Қачонлардир Туринда дўстлар сифатида концерт берган бу икки скрипкачи ўртасидаги ҳозирги ғанимлиқни газеталар жон-жаҳдлари билан кучайтиришга уринмоқда эдилар.

Варшава консерваторийсининг мудирини Элзнер 19 июнь куни Паганинининг шарафига зиёфат уюштирди. Варшавалик мусиқачилар скрипкачига кичиккина эсдалик топширдилар — сиртига: «Соҳиб Паганинига унинг истеъдоди мухлисларидан» ёзуви битилганди.

Эрталаб Паганини ўзини янаям ёмонроқ ҳис этди. У ўзининг концертдаги иштирокига ҳалал бериш учун Липински нимадир қилган, деган хаёлга ҳам борди. Аммо унинг аҳволи шу қадар оғирлашдики, ҳатто, шу гумонини ҳам онгида тутиб қололмади. Паганинининг ижросидан олинадиган таассуротни бузиш учун оз нарса ҳам кифоя қилар эди. Наҳотки Липински жиноят йўлини тутиб, уни заҳарлашга жазм қилган бўлса?

Генерал Зелински Паганинини Петербург ва Москва шаҳарларига таклиф этиш мақсадида «Люксембург» қўноқхонасига ташриф буюрганида у оғир аҳволда ётган

эди. Паганини бу таклифни қатъиян рад этди. Ахиллинонинг ҳаётидан хавотир ва ўзининг саломатлиги тўсатдан ёмонлаша бошлаганидан қўрқув ҳисси Варшавани шошилиш тарк этишга уни мажбур қилди. «Сизнинг шаҳрингиз рамзида сирена тасвири бор экан, — дея ёзди Паганини оқ тахтачага. — Шаҳрингиз мени ўзига буткул асир этди. Аммо мен ўз вақтида юртимга қайтиб боришга ваъда қилганман».

Яна жўнатмалар хос аробаси, яна худди Варшавага келаётган пайтидаги каби ароба тепасидаги тўр кажаванда тахтачаларига осма сурғуч муҳрлар илинган пўлат занжирга боғланган чарм коп ётибди. Турли мактублар орасида муҳр ва тамғалар урилган хаворанг хатжилд бор. Унда ксендз Ксаверий Коженевскининг жавоби битилган:

«Муҳтарам соҳиби тақво ҳазратлари!

Март хонимнинг ўлими ҳақидаги муфассал маълумотлар келтирилган хабар учун бениҳоя миннатдорман. Тақдир каминани аجدодлар юртига олиб келгани бежиз эмас экан. Коженевскиларнинг уч авлоди Фарангистонда Масихий ташкилоти заминида тарбия топди. Фақатгина наслимизнинг сўнгги валади, яъни тангри ҳузурида ҳам, одамлар қаршисида ҳам етим бўлмиш камина (бунини нолиш маъносида айтаётганим йўқ), яна ўз аجدодларим тупроғида истиқомат этмоқдаман. Аммо таассуфлар бўлсинким, эндиликда бу ерда кондош биродарларимнинг руҳидаги ватанпарварлик ҳаяжонининг титроғини кўрмайшман, булар энди каминага бегона бўлган, Масихийят черковига ёт ва ёв кимсалардир.

Менинг хуфиям бўлмиш Кошерски каминага бир қанча маълумотларни етказдики, уларни Сизга жўнатмоқдаман, зеро бу хабарлар тез орада Сиз ҳазратларига даркор бўлиб қолиши шубҳасиз. Полша, Литва ва Петербург яқиндагина бизнинг ташкилотимиз фаолиятининг осонгина ёйилиши учун энг қулай ҳудудлар бўлиб келмоқда эди. Таассуфким, энди замонлар ўзгариб кетди. Қачонлардир буюк Екатерина Папанинг 1773 йилдаги ёрлиғига жавобан ўз салтанати қаламравида масихчилар жамъиятини йўқотиш талабларини оммалаштиришга йўл қўймаган эди. Шунинг боисидан ҳам бизнинг муқаддас таълимотимиз Ўрусияда ҳеч қандай монеликларсиз мавжуд бўлиб келди. Ҳазрати олиялари ўз даврида Римнинг хатокорлик-

ларига итоат этмаганликдан ташқари, ташкилотимизнинг янги жамъиятларини очишга ҳам изн берган эди.

1815 йилга қадар ишларимиз шу зайлда яхши кечиб борди. Аини ўша йили Сизнинг эхтиётсиз ҳамда ҳаддан ортиқ дунёвий шахс бўлмиш графингиз, — бу борада Сиз мутлако ҳақсиз — Жозеф де Местр кўҳна унвон сохибалари бўлмиш князхонимлар — Голицина, Растопчина, Толстая ва бошқаларни ташкилотимиз хизматиға ёллай бошлади. Шундай қўпол тарзда ҳаракат қилиш мумкинмиди ахир?!

Бундан тўққиз йил муқаддам Александр I ташкилотимиз вакилини мамлакат ҳудудидан бадарға қилишга фармон берди. Бу тўққиз йил давомида жуда кўп сувлар оқиб кетди. Агар бизнинг ташкилотимиз бу тупроқда амал қилиб турганида эди, Петербургда, шундоққина подшо саройи яқинида аслзодалар ҳарбий бўлимасининг исёни юз бермасди; тангрининг лаънатиға учраган карбонарийлар шимолда ўзларига уя қуриб олмаган бўлардилар. Ҳозирги подшоҳ эса ўзининг ички сиёсатини ҳам эплай олмаяпти. Биз билан-ку, иши ҳам йўқ. Аммо Полшада бизлар очик фаолият юритишга қодир эмасмиз. Шунинг боисидан ҳам ҳозирда каминанинг барча умидлари айнан Фарангистон билан боғлиқ. Ушбу мактубимни оддий жўнатма йўли билан жўнатаётганим боис, маълумингиз бўлсинким, мен сатрларимни шу даражада очик матнда битдимки, бу мактубни ўқиб бўлишингиз биланок, албатта куйдириб ташлайсиз, деб умид қиламан.

Воқеа-ҳодисалар ана шундоқ тарзда кечмоқда. 1825 йилда Петербургдаги Сенат майдонида охириги карбонарийлар ҳам ажал топдилар. Ҳозирда бизнинг қўмагимиз ила Полшада масонларнинг уяларини буткул яқсон этмоқлик учун тинтувлар бошланди. Қуни кеча бизнинг жаҳду жадалимиз билан исёнчи ҳарбий бўлинмалар Сибирга сургун қилиндилар. Полшада эса лаънати конституциявий бошқарув амалда экани туфайли ҳозирги ҳукмдор Николай I ушбу йилнинг май ойида муваффақиятли ўтган ўзининг тож кийиш маросими олдидан Полша Сейми судига мурожаат этмоқликка мажбур бўлди. Бу суд подшоҳнинг талабини қондирмади, у ҳеч кимнинг илтимосномасини қондира олмайди ҳам. Камина, келиб чиқишим полшалик бўлган ҳолда ўрис ҳукмдорни ўша шайтон исёнчилари-

нинг тарафига ўтиб, ўрис ҳукумати билан тил топишишни истамаётган барча поляк қўзғолончиларидан, уларнинг ксендзларидан кўра минг бора ҳақ деб биламан. Ўрислар ҳукмдори Рим католик черковининг мустаҳкамланишига қай даражада кўмак берса, биз ва масихий ташкилотимиз ҳам уни шу даражада қувватлаймиз.

Ҳазрати олийлари ўз рафиқаси билан, укаси Михаил ва меросхўри Александр билан Варшавага келди. Қасрда, сенат хонасида Полша қироли томонидан тож кийдириш маросими яқунлангач, ҳукмдор Николай Полша конституциясига содиқлик қасамёдини қабул қилди. Кейин у поляк зобитлари ҳузурига чиқди, зобитларга ўзининг ўн бир ёшли ворисини — буюк княз Александрни уларнинг сафдошлари сифатида таништирди. Кичик буюк княз полша ўқчи бўлинмасининг хос кийимини кийган, поляк тилида шоша-пиша, базўр гапирарди. Мен ўзим барча маросимларнинг шоҳиди бўлдим. Полша Сеймининг аъзолари конституциянинг монели, яъниким номақбул моддаларини бекор қилиш тўғрисидаги илтимосномани топширдилар. Қирол Николай I Наполеоннинг Полшада амалда бўлган кодексини шайтоний ҳуқуқ деб ҳисоблашини эълон қилди. У тўғридан-тўғри шундай деди, — Бонапартнинг бу қонунини инкилобга асосланган: у Франциянинг қонуний қиролини тўғри тиф остига олиб келди.

Алҳол, аҳвол шундоқ эди. Полша қироли Николай I кўплаб полшалик аслзодаларнинг совуқ ва, ҳаттоки, душманларча муносабатлари муҳитида Варшавани тарк этди. Сизга шуни маълум қиламанки, ёш профессор Викентий Смогловски Полша бошчилигида ягона славян давлатини тузишни мақсад қилган. У ташкил этган ёшлар ташкилотининг нияти Варшавадаги тож кийдириш маросими кунларида Николай I ни хибсга олишдан иборат эди. Смогловски ҳам ҳозир бошқа исёнчилар каби сургунда. Бадарға қилинганларнинг бир қисми қочиб кетишди ва ҳозир Парижга йўл олишган. Имкон топсам, кейинги маркаб билан Сизга уларнинг рўйхатини жўнатаман.

Парижда Оврўпанинг ҳақиқий янгиланишига тайёргарлик кўрилаётгани ҳақидаги салбий таассуротларингизга қарши ўлароқ, мен маълумотлар билан яхши таъминланганим боис, барча бу хабарларни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдаман. Бизнинг Реймсда тож кийдирилган

такводор киролимиз Карл X, каминага маълум бўлишича, Оврўпанинг янгиланиши жараёнини тайёрламоқда. Озгина вақт ўтиб, муқаддас католик черкови кечагина инқилоб касофати бурқсиган ва яacobчилар уя қуриб олган ҳамма жойларда ҳазрат кардинал Роотааннинг хайрбахш дуолари билан музаффарият меҳробини бунёд этгай. Фақатким, парвардигор ҳозирда Лондонда сургунда бўлган маркиз Полинйакни марҳаматига ноил этса бас, фақатгина тангри кирол Карл X га шаккокларни қатл этиш ҳақидаги, мол-мулкларга эгалик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги, янги ҳайъатларни ташкил этиш борасидаги, фарангиларнинг ёш авлоди тарбиясини бизнинг илкимизга тўлиқ топширишга бағишланган қонунларини амалга оширишига кучкуват ато этса бас.

Март хонимнинг ўлими ҳақидаги мактубингизда соф бир инсоний чуқур қайғу туйғуси сезилди. Камина Сизга ўз шахсий ҳиссиётларингизга эмас, балки курашнинг якунига кўпроқ эътиборингизни қаратишингизни маслаҳат берган бўлурдим.

Вена саройи ва Франция саройининг муштарак вази-фалари мавжуд. Ушбу ҳолатларга диққат қилишингизни сўрайман. Парижда ҳам, Лионда ҳам бузуқилар уяси мавжуд бўлиб, уларда яacobчилик ва карбонарийчилик тарафдорлари Ийсо Масихни қайтадан салибга тортмоқлик учун миҳ тайёрлашга киришиб кетганлар. Шу боис ҳам бизнинг муқаддас, қудратли ташкилотимиз Парижда икки шуъбага — Париж ва Лион жамъиятларига ажралди. Шарқда ҳам бизлар шунингдек Вилена ва Варшава шуъбаларига бўлинганмиз. Эътиборингизни яна шунга қаратаманки, айни дамда Полшада ватанпарварликнинг зиддиятли жиҳатларини ҳам ҳимоя этишга тайёр фикрлар ҳаракати мавжуд. Полша иккига ажратиб ташлангани билан ҳам уни миҳпарчин қилинган Масихга қиёслаш мумкин. Полшанинг қайта жонланиши диний вазифа ҳисобланади, бу ерда юз бераётган ҳодисалар эса нафақат ёшларнинг ақлларини, балки кўплаб нуфузли ва кўҳна насллар авлоди бўлмиш аслзодаларнинг, ҳақиқий полша киборлари вакилларининг ҳам онглари-ни хиралаштирмоқда. Бу барча мулоҳазаларни, далиллар ва режаларни камина Сизга фақат биргина мақсадда маълум қилмоқда: Сиз маҳаллий кайфиятдан бохабар

бўлмоғингиз ва Оврўпани Муқаддас Людовик даврига қайтаргувчи фаранг тўнтариши қачон ва қай тарзда юз бериши ҳақида ўз вақтида хабар беришингиз мумкинлигини назарда тутмоқдаман.

Мактубингизнинг сўнги сатрлари камина учун ниҳоятда қадрли бўлди. Шуни билмоғингиз жоизки, Полша Фарангистонга умид нигоҳи ила тикилмоқда. Фақат француз қиролигина Полшада инсониятнинг азобу-қубатларга дучор этилган қисми учун улуғ иқбол даври бўлган черков нуфузининг мустаҳкам ҳокимиятини тиклашга қодир. Шуни ёдингизда тутингки, азизим, ҳукуматлар ва тузумлар алмашаверади, черков эса абадий қолгусидир.

Сизга яна арзимас бир хизмат бор. Аллақандай Паганини деганлари Варшавага концерт бериш учун келибди. Варшавалик йигирма яшар аслзода Фредерик Шопен фаранг Бобилига йўл олмоқ ниятида экани ҳақида Сизга ёзиб юборган эдим. Мусиқачи Цивна томонидан захарланган, жухуд иблиснинг қомига тушган бу истеъдодли йигитча, бир томондан, черковнинг асл фарзанди ҳисобланади, иккинчи томондан эса бугунги куннинг шайтоний қобилиятига эга бўлиб, дунёвий бахтнинг имконсизлигидан чексиз ғамга ботган. Жаноб Шопен Парижга етиб борганида, унга алоҳида эътибор қаратинг ва уни яхши бир руҳонийнинг қарамоғига топширинг. Эҳтимол, камина уни Полшада ушлаб қолишнинг уҳдасидан чиқар. Локигин бунинг учун тангри таоло яқин олти ой ичида марҳамати ила Оврўпа қиролларининг алмашинувига йўл қўймаслиги ва қирол Карл X нинг ўз буюк орзусини амалга ошириши — яъниким, яқобчилик асоратига солинган инсониятни Муқаддас Людовик даврига қайтаришини насиб этмоғи лозимдур.

Мен бу икки кишини — жаноб Шопенни ва италиялик скрипкачи Паганинини биргаликда кўрдим. Уларнинг суҳбатларига тасодифан гувоҳ бўлиб қолдим. Бу икковлоннинг мусиқий интилишлари бизнинг орган чолғумизнинг улғувор соддалигидан ва илоҳий оҳангларидан қандай ҳам йироқ!

Даҳрийона мусиқанинг шайтоний руҳи уларни ўз ҳуқмига олиб, иблис васвасаси жаноб Шопеннинг ҳам, жаноб Паганинининг ҳам мусиқа чолғуларида янграмоқда. Уларнинг икковлари ҳам ҳозирги аср руҳига берилган,

зулмат хожаси уларнинг бошлари узра ўз қанотларини ёзган. Такводор заифалар уларнинг нопок концертларини кўриб қайтар эканлар, ўзларига хос бўлган эътиқод хиссини йўқотиб, гуноҳий хирсу ҳаяжонга берилганларига ўзим шохид бўлдим.

Бу ҳолат каминани жиддий мулоҳазаларга ундамоқда. Мен бу дахшатли скрипкачининг мусиқасидан олинган таассуротларни сўндиришга уриниб кўрдим. Мен ўз вакилимизни, ташкилотимиз аъзоси, скрипкачи Липинскини унга қарши саҳнага чиқардим. Бетоблиги боисиданми ёки яна бошқа бирор сабабми, ишқилиб Липинскининг ижроси жуда ланж бўлди ва унинг тупроқ рангидаги башарасида росмана касаллик аломати зоҳир эди. Шу боис, ҳам масонлар ҳамда яқобчиларнинг найранглари туфайли Варшава консерваторийсининг мудирини этиб тайинланган жуҳуд Елеазар 19 июнь куни «соҳиб Паганини»га таъсирчан ёзувли ва аллақандай куфрона белгили тамакидонни тақдим этдилар.

Жаноб Паганинининг Москвага ва Петербургга йўл олиши учун барча чора-тадбирлар кўрилгани ҳақида каминида маълумотлар бор. Бу таклифларнинг ўзи учун манфаатли эканига қарамасдан, у сафарга чикмоқликни қатъиян рад этди. Жаноб Паганини Парижга жўнамоқчи эканидан мени хабардор этишди. Бу хавфли газандани асло назардан қочира кўрманг. Парижга уни бежизга чақираётганлари йўқ. Лекин каминанинг фикрича, бу кимса ниҳоятда маккор ва Францияга ҳомийлик қилаётган роҳиб оталарнинг Марсана уюшмаси ҳамда муқаддас қирол Карл X режаси ижобат топиб, сизлар унга абадий узилкесил муваффақиятсизлик комини тайёрлаб қўйишингиз мумкин бўлган шаҳарга қадам босмаслиги ҳам эҳтимол.

Мен бу кимсанинг айрим режаларидан хабардорман. Бу мактубни Сизга ташкилотимизнинг навқирон хизматчиси, Венадан берилган ажойиб тавсифномалар эгаси, фатводор Нови олиб боради, уни мен дастлабки манзил сифатида ташкилотимизга жўнатмоқдаман. У ерда эса бу йигит ўша скрипкачининг аслида ким эканини Сизга сўзлаб беради. Нови билан Паганини иккови ҳам генуяликлар. Сизга яхши маълумки, бу денгиз бўйи бандаргоҳи бир жиҳати билан машҳур: Генуяда галераларга ўтказилган одамлар ҳеч қачон куруқликка



қайтмаганлар. Лекин Новининг айтишича (бу борада мен унга ишонаман), жаноб Паганини сургунда бўлгани аниқ, унинг бўйнидаги темир кишандан қолган из ханузгача бор эмиш. Энг даҳшатлиси — бехосият тунларнинг бирида у ўз виждонини шайтонга сотиб юборган экан. Шу аснода, ўзингиз шоҳиди бўлганингиздек, Паганинининг иблисона истеъдодининг қандоқ пайдо бўлганини билгучи ҳамюрти унга қарши гувоҳлик бермоқда.

Ўша Паганини, муқаддас католик қавм тупроғига қайтган бу хавфли қувғинди, азозил томонидан афсунланган скрипкасининг торлари устида иблисона камонини юргизганича, одамларнинг қалбларига ваҳшатли васвасаларни солиб, кишиларнинг онларига телбавор фикрларни қўйиб қўймоқда. Унинг мусиқаси яқобчиларнинг юзлаб ваъзу даъватларидан кўра ёмонроқдир. Каминанинг эшитишича, Парижда иблисона бир рухият пайдо бўлиб, мияси телбалик дардига йўлиққан бир қанча ёш сўзамоллар аллақандай бир романтизм деган балонинг туғини қўтариб юрган эмишлар. Ёдингизда бўлсинким, бугун романтизм дея номланмиш касофат, эртага инқилоб деб аталмоққа бошлайди. Бу мулоҳазалар нафақат каминанинг, балки бутун ташкилотимиз хайъатининг ҳам фикридир. Агар Сиз сўнгги signaturани ўқиган бўлсангиз, демак ҳазрат Роотааннинг бу борадаги фикри қандоқ эканлигидан бохабарсиз. Нови бу скрипкачининг ҳар бир қадамини кузатиш тўғрисида буйруқ олган. Сизга бу мактубимни унинг ўзи элтиб беради, каминанинг эса Сизга ўтинчли сўзи шулки, Сизнинг Янги Бобилингизда, токи у жаҳон черковининг бошкентига айлантирилгунига қадар олий руҳоний ҳазратларининг хочи, шамшири ва ойболтаси тимсолида иблисона скрипканинг ажаловар таъсири тўхтатилмоғи учун барча чораларни кўриш даркор.

Ташкилотимизнинг ёш ва содиқ хизматкори — Новини қабул қилинг, сўзларига эътибор қаратинг ва унга марҳамат кўрсатинг. Унга Римда тошширилган кўрсатмаларнинг барчасини Сизнинг кўмагингиз ила амалга оширмоғи учун жамики имкониятларни тақдим этинг.

*Ксендз Ксаверий Коженевски, тангрининг қули,  
Муқаддас Масих ташкилотининг коадьютори».*

## Йигирма олтинчи боб

### АЗИМ ДАРЁ СОҲИЛЛАРИДА

Урбани ва Гаррис маэстроли Бреславл сафарига кузатиб боришди.

Бреславлда яна эски Италия алоқалари тиклана бошлади.

Наполида эса театрда хизмат қилувчи дўстларидан бири — Онорио де Вито бор. Урбани унинг мактубини жаноб Паганинига топшириб, жавоб ёзишини сўрайди: «У ҳар ҳолда сизнинг италиялик эски дўстларингиздан бири ва истеъдодингизнинг мухлиси-ку, маэстро». Шундан сўнг яна Италия билан ёзишмалар бошланиб кетди. Хатлар бир қанча чегараларни босиб ўтади. Хатжилдларга ёзувларни Урбани ёзади: жаноб Паганинининг дастхати жуда кўримсиз. Жаноб Онорио Наполидаги дўстларни тўплайди. Аргентина театри сахнаси ортида жаноб Паганинининг мактубларини ўқишади. «Мана, кўрдингизми, тўпори бир италиялик скрипкачи ўз юртининг фахрига айланди-қолди, подшоҳлар ва қироллар уни ўз тантаналарида ва тож кийиш маросимларида қуй чалиб беришга таклиф этмоқдалар».

Жаноб Нови бу хатларнинг кўчирма нусхаларига эга бўлади. Паганинининг шуҳрати ортиб бориши билан, Новининг бу скрипкачига бўлган нафрати ҳам кучаяверади. Жаноб Новини эса жаноб Урбани кузатиб юрибди. Жаноб Урбанига Паганини жанобларини Нови афандидан худди вабодан асагандай эҳтиётлаш топширилган. Жаноб Урбани Нови афандининг аслида ким эканини билмайди. Нови афанди эса Урбанининг аслан ким эканлигини жуда яхши билади. Нови жаноблари Габсбурглар бошкентига келгач, жаноб Урбани билан фақат икки мартагина кўришди. Орада бу икки кишининг фикр ва фаолият йўналишини керакли томонга буриб турган қандайдир учинчи бир шахс ҳам бор. Аммо ўша учинчи кимса ҳам кимнингдир иродасини бажарувчи оддий қўғирчок, холос. Жаноб Новига катта ва мураккаб вазифа топширилган. Аммо у жуда ваҳимага тушган. Унга Паганинини эҳтиётлаш топширилган, ҳолбуки, айти чоғда у ўша скрипкачининг кекирдагини узиб ташлашни истаydi.

Ўртамиёна бир қобилият эгаси бўлган жаноб Нови зотан ношудликнинг истеъдодга нисбатан ғазаб-нафратининг жонли тимсоли ҳисобланади. Урбанига эса зарур пайтда Паганинининг Оврўпа бўйлаб ҳар қандай ҳаракатини исталган йўсинда тўхтатиб қолиш буюрилган. Ўша айтилган муддат ҳали келгани йўқ, кўҳна масихийлик интизоми эса Урбанининг ҳар қандай ўзбошимча қадамини тақиқлайди.

Паганинини Италияда ташлаб кетилган дўстлари билан кўришиш истаги кийнаганида, Италиянинг эрки учун курашган ва зиндонларга ташланган одамларни эслаганида у меҳрибон, ҳар доим жилмайиб турадиган Урбанига мурожаат этар эди. Паганини ватанини қўмсайди. Урбани эса Генуядаги ҳар бир оилани, Венециядаги ҳар бир хонадонни билади, жаноб Паганинининг Наполидаги ҳар ҳар бир ошнасини жуда яхши танийди. У маэстро Миланда ўпишган ҳар бир ойимча билан таниш, бундан ташқари у ҳарбий қўмондоннинг оиласига дастёр қилиб тайинланган аскар мисоли Ахиллинони тақдирнинг турли тасодифларидан муҳофаза этади. Паганини Урбани билан қадрдонлашиб кетган, у Гаррис, Урбани, Ахиллино ва кекса энага билан жамликдаги сафарларга ҳам аллақачон кўникиб улгурган.

Бир пайтлар, у ҳали Генуяда эканида Камилл Сивори исмли қобилиятли болакай унинг ҳузурига келганди. Паганини уч кун ичида ёш скрипкачининг ижросидаги қусурларни бартараф қилди. Ҳозирда Камилл Сивори ўзига Паганини ўргатган сабоқларни меҳр ва миннатдорлик ила эслаши ҳақидаги гапларни Паганини ҳам эшитди. Виолончел ижрочиси Гаэтано Жанделли саёҳатчиларга Бреславлдан ҳамроҳлик қилиб келяпти. У карбонарий отаси қамоқхонада ҳалок бўлган Италияни тарк этган; Венада виолончел чалишни ўрганди, энди эса ўзи ёқтирган устоз ортидан сафарга йўл олди ва кун сайин машаққатлар чекиб, оч-наҳор, холдан тойган кўйи Паганинидан тошшириқлар олишга келади. Венециялик Тривелли ёш Гаэтано ҳақида суриштира бошлади. Паганини унинг сўровларига жавоб бериб (албатта, яна ҳар доимгидай Урбани орқали), жуда катта саёҳатда бўлганларини, уч ой ичида йигирмата шаҳарни айланганларини айтди. Дармштадт ва Лейпциг (шаҳар бу сафарги олишувга дош беролмади), Манихейм, Галле, Магдебург, Эрфурт, Гота,

Галберштадт, Дессау, Веймар, Вйурцбург, Рудолфштадт, Кобург, Бамберг, Аугсбург, Нюрнберг, Регенсбург, Штутгарт, Дюсселдорф ва ниҳоят — Франкфурт. Франкфуртда айниқса узоқ вақт қолиб кетишди.

Ўзининг қашшоқлигини Паганинига айтиш ёш Жанделлининг хаёлига ҳам келмасди. Урбани гоҳида унга бироз маблағ бериб қўяди. Ўзи агар жўнатмалар ароба-сида Урбанига бирор нарса келиб қолса, унинг хақини ҳам маэстронинг бошқа йўл харажатлари ҳисобига қўшиб қўяди. Франкфуртда бир неча ойлаб қўноқхонада яшашга Жанделлининг имкони йўқ, жаноб Паганини эса токи Жанделли уч ойлик сабоқлари бўйича имтиҳондан ўтмас экан, унинг концерт беришига ижозат этмаслигини очиқ айтди. Ҳеч қандай нажот йўқ. Жанделли уятдан худди қизлардай юзлари қизарган қўйи бу ҳақда Гаррисга айтишга мажбур бўлди. Гаррис унинг сўзларига паришон-хаёллик билан қулоқ солади. У йигитчанинг бирорта сўзини эшитдимикан ўзи? Ҳа эшитибди. Унинг жавоби шундан далолат берарди:

— Франкфуртдаги биринчи концертни маэстро сизнинг фойдангизга беради.

— Қанақасига? Мен ўзим ундан илтимос қилмасам ҳамми?

— Ҳа, бу масала ҳал этиб бўлинган, — деди Гаррис. — Концерт биноси ҳам ижарага олиб бўлинган.

Гаррис унга шахсан Паганинининг ўз қўли билан бу ҳақда ёзиб қўйилган ёндафтарчани кўрсатди: «Франкфуртда ёдимиздан чиқмасин: биринчи концертдан олинган даромад Жанделлининг ҳисобига ўтказилади».

Орадан бир ой ўтди. Жанделли энди бой. Саккиз минг флорин унинг икки йиллик фаровон турмушини таъминлайди.

Яна уч ой бетоблик. Паганини яна тўшақда.

Франкфуртлик мухлислар ниҳоят ваъдаси берилган навбатдаги концертни сабрсизлик билан кутиб турган кунда, энага Вейсхаупт, хос қалпоқча кийиб олган мўътабар хоним, жиддий ва қатъий қадам босиб келаётган митти одамчани отасининг тўшаги томон етаклади. Отасини кўриши биланок, болақайнинг кўзларидан шодлик учқунлари сачрай бошлади.

— Синдирдим! — мактанади бола, — чил-чил қилдим. — Худди энг оғир ишнинг ухдасидан чиқа олган каби унинг юзида ўзидан мамнунлик ифодаси бор эди.

Паганини унсиз бир савол билан энагага хайрон боқди. Энага ота ўз ўғлининг қилмишига қандай муносабатда бўлишини билмайди: бола кичкина куракчаси билан гултувакни уриб синдирибди. Ўзининг бу муваффақияти ҳақида энагасига гурур билан сўзлаб берибди. Ота фикрини ёзиб тушунтирмоқчи эди, ёзув ўрнига тушунарсиз шаклчалар ҳосил бўлаверди: у тузукроқ ёзишни ҳам эпломмай қолганди. Ҳарфлар ўрнига илмоқлар, думалоқ белгилар чиқаверди. Болакай отасига қандай ёзиш кераклигини ўргатмоқчи бўлади: «Бармоқни сиёҳдонга тикиб, қоғозга мана бундай ёзиш керак, шунда қуюк, чиройли, яхши ёзилади. Мана бундай!». Паганини нима бўлаётганини англаб улгурмасидан унинг миз устида турган барча мактублари сиёҳга беланди, энг муҳим ҳужжатлари, жарномалар ва концерт дастурларига сиёҳ доғи тушди. Бола хоҳолаганича ўзининг абжирлигини ва отасининг ношудлигини исботлаган бўлади. «Мана шундай ёзсангиз, тезроқ бўлади», — демоқчи бўлади гўё ўзича, бу хушнуд ва тўполончи овоз. Энага Вейсхаупт боланинг ножўя қилмишидан эмас, балки ота ўз ўғлининг номаъқулчилигини тўла маъқуллаётганидан даҳшатга тушди. Бу — икки эркакнинг — гунгурсдай каттасининг ва бир қаричгина келадиган кичкинасининг оиладаги одобахлоқ мезонларига қарши фитнасининг нақ ўзи эди.

Жаноб Паганини эса болачаси томонидан яхшигина жазоланди: концерт бошланадиган соат яқинлашяпти-ю, у эса кийим-кечакларининг бирортасини тополмай хуноб бўляпти. Ниҳоят ёстиқ остидан пайпоғининг бир пойи чиқиб келди, чолвори жавоннинг ортига беркитиб ташланган экан, Гарриснинг ҳассаси билан уни зўрғатталаб суғуриб олишди. Чолвор чангга беланган, фижим, ҳечам кийишнинг иложи йўқ. Томошанинг бошланиш вақти етиб келди, созанда аллақачон саҳнада бўлиши керак эди, унинг лаш-лушларини излаш ҳаракатлари эса гоҳ ундок-гоҳ бундоқ натижа билан ҳануз давом этмоқда.

Энди кичик Ахиллинонинг ўзи ҳам ташвишга тушиб қолган: у қўлларини олдинга чўзиб, бармоқларини букканича, қайси буюмни қаерга беркитганини эшлашга

уринади. У юзида шунақанги бир хавотир ифодаси билан отасига ёрдамлашишга ҳаракат қилардики, Паганини буни кўриб, йўтал хуружи тутиб қолгунича қахқаха отиб, кулгидан икки букилиб қолган кўйи ўзини оромкурсига ташлади.

Кўхна Франкфуртнинг боадаб томошабинлар оммаси жаноб Паганинининг бу тарзда беҳурматлик кўрсатишидан ҳайратда. Лекин мана, белгиланган муддатдан бир соат ўтиб, у томошахонада пайдо бўлди; бугун у юзларига қон югурган, кайфи чоғ эди. Концерт ажойиб муҳитда ўтди: Паганини Моцарт асарларини, Родэнинг скрипка учун ёзган концертини ижро этди. Омма ўзининг норозилигини ҳам унутди: агар концерт бекор қилинмаса, уларнинг ҳаммалари бундай концерт учун Паганинини тонггача бўлса ҳам сабр билан кутган бўлардилар.

Бу Франкфурт деганлари қанчалар ҳам яхши-я! Бундай омма учун скрипка ижросида бироз эркалик қилса ҳам арзийди! Паганини ваъда қилинган дастурни тўлиқ ижро этиб бўлгач, давомли қарсақларга жавобан яна сахнага чиқди ва омма учун қутилмаган бир асарни чалишни бошлади. Илк марта у тўла-тўқис эътирофни ҳис этди, бу томоша ахли ўз даҳосига муносиб эканини ҳаяжон ила сезиб англади. Франкфурт ноёб бир мусиқий таъби, назокати билан ажралиб турарди. Томошахонани тўлдириб ўтирган одамлар Паганинининг ўз шаҳарларига ташриф буюрганлиги ўзлари учун буюк бахт эканини ҳис қилмоқда эдилар. Бу уларнинг ҳаётларидаги янги бир бурилиш остонаси эди. Томошабинларнинг қалбларидан артистнинг руҳиятига оқиб ўтган қандайдир бир ҳиссий қувват уни омманинг кайфиятини тўла англашга мажбур этди. Ва, мана, мусиқачи билан тингловчилар ўртасида қандайдир ботиний, мустаҳкам бир алоқа пайдо бўлдики, уларнинг ҳаммаларининг ва ҳар бирларининг ҳиссиётлари ягона бир вужуд туйғусига айланиб кетди. Паганининг нигоҳи алоҳида бир кишига қаратилган эмасди, у ўз қаршисида чақнаб турган сон-саноксиз кўзларни кўрмоқда эди, у барча мана шу чехралардаги олийжаноб бир ҳаяжонни кўзи билан кўриб эмас, қалби билан сезиб турарди. У мана шу одамлар учун ўзига раво кўрган эзгуликни бажо этмоқликни истарди. Ва у мана шу кишиларга ўзи Ахиллино билан соҳил бўйидаги

тошда ўтириб тинглаган қисқагина наपोлича қўшиқнинг куйини чалиб берди. Бу қўшиқ — «Oh, Mamma» эди, бу қўшиқни митти Ахиллино жуда чиройли айтарди, у қўлчаларини белига тираганича хоналарда у ёқдан-бу ёққа юриб куйлаганича, ўзини ҳеч ким кузатмаяпти, деб ўйлар эди. Ахиллино уни ўзи учун куйларди. Паганини эса бу куйни бошқалар учун чалиб берди. Кейин эса ўзининг юқорига томон кўтарилиб кетаётганини ҳис этди, хаёлини жамлаб олганида эса ўзини сахнани тўлдириб турган оркестрчиларнинг қўлларида кўрди. Бутун оркестр ўз чолғуларини ташлаб, унга пешвоз чиқди. Одамлар кўшкаробагача уни қўлларида кўтариб бордилар.

Паганини йил давомида фақат бир мартагина Франкфуртга тарк этди. Ўшанда у Баварияга борганди: Бавария тожи тасвири туширилган қоғоз варағига ёзилган оддий хат орқали бир хоним уни таклиф этганди.

У ўзининг Олмониядаги концертларининг ташкилотчиси жаноб Гуриол билан бирга келди. Лейтенант Гуриол Мюнхен газеталарининг таҳририятларига Паганинининг ташрифи ҳақида олдиндан қисқача хабар берганди. Ёш лейтенант жиддий ва муфассал тарзда Бавария бошкентига дарак бериб, жаноб Паганини асосиз равишда аллақандай ғалати шубҳаларнинг қурбонига айлантирилгани ҳақида изоҳ берди: унинг хулқ-атворида ҳам, ижро услубида ҳам ҳеч қандай ёвузона ёхуд иблисона руҳдаги бирор иллат йўқ. Аксинча, Паганини нафақат беназир муסיқачи, балки беқиёс даражада соф инсонийлик намунасини кўрсатиб келаётган буюк қалб эгаси ҳамдир.

Тегернзее киролиги қасрида бўлиб ўтган концертга ёш ҳарбийлар катта шикордан кейин йиғилиб келишди ва бу ерда мюнхенлик санъат шайдолари — мусаввирлар, муסיқачилар, шоирлар ва ниҳоят ҳар бир баварияликнинг қалб тўридан жой олган сувратлар жамланмаси сақловчилари билан учрашдилар. Шу ерда эса коларлик бир воқеа содир бўлди.

Саройнинг улкан деразалари очиқ эди. Ўзининг сахнага таклиф этилишини кутиб турган Паганини ўрмон ва қўл томондан ҳаяжонли овозларни, қичкириқ ва шовкинларни эшитди. Кейин эса кироличанинг ҳузурига сарой оғаси югуриб келди. «Қиролича ҳазрати олиялари уларни киритишни буюрмоқдалар!» — Паганини тирол қалпоғи ва

яшил камзул кийган новча одамга мурожаат этаётган сарой оғасининг овозини эшитди.

Айни Паганини саҳнага чиққан дақиқада ясаниб-безаниб олган оммага тўла томошахонадаги ғала-ғовур тўхтади; ва қарор топган жимжитликда олти юз нафар норғул кишилар — дехқон, балиқчи ва овчиларнинг шахдам қадам товушлари эшитилди. Улар бугун эрта тонгдан ҳаяжонда эдилар. Одамлар скрипкачининг ташрифи ҳақида ҳар куни эшитишаётганди. У деярли барча олмон йўлларига бетиним кезган, бу кишилар уни Бавариянинг катта йўлларидан ўтиб бораётган пайтида кўриб қолишар эди. Бу скрипкачи ҳақидаги афсоналар уларнинг ҳаловатларини ўғирлаб қўйганди ва, мана улар қироличадан бу даҳо билан дийдор кўришмоқларига ҳамда унинг мўъжизавор ижросини тингламоқликларига ижозат талаб қилдилар. Кишилар катта хонанинг эшиклари ёнига келиб турдилар ва Паганини деразадан ташқарига қараганида кўлнинг соҳили ва ўрмон ялангликлари оломонга лиқ тўлиб кетганини кўрди...

27 ноябрь куни у Мюнхендан жўнаб кетди. Полшадан аллақандай ташвишли хабарлар оқиб кела бошлади. Франкфуртда, олмон заминдорига айланган поляк генерали Зелинскининг қасрида у тиниқ мовий кўзли, малласоч одамга яна дуч келди. Уни Варшавада ҳам кўрганини эслади.

Бу — полшалик пианиночи Фредерик Шопен эди. У энди Парижга кетаётганди. Гаррис миз устида унутиб қолдирилган ёзувларни ҳайратланиб ўқиди:

«Мен қўпинча тингловчиларни ижроим асирига айлантиришга муваффақ бўлганман. Лекин доим ўзим ноқулай ахволда қолиб келганман ва ўз-ўзимдан қоникмайман. Чунки ҳеч қандай қарсақбозликлар мени алдай олмайди. Агар омма менинг ижроимдан завқланса, шу ижроимдан ҳар доимгидан кўра кўпроқ кўнглим тўлмайди. Агар одамнинг саломатлигининг аломати бўлмиш илгариги овозим қайтиб келганида эди, мен ўзимни тинглаётларга ўз ижроимдан норози эканимни баралла бақириб айтган бўлурдим. Менинг руҳиятимда кечаётган ҳолат ниҳоятда даҳшатли. Ғанимлар менинг инсоний овозимни йўқотиш учун қилган ваҳшийликларини нима деб аташни ҳам билмайман. Мен ҳар бир концертимдан кейин куч-қувватимни



йўқотаман ва баъзан бир соатлик ижроимдан кейин бир кеча-кундузга ҳушимни йўқотаман. Ҳар бир концерт бир йиллик умримни ювиб кетмоқда, — ишқилиб табиат менадан ўз саховатини аямасин! — ўз санъатим учун мен ўз ҳаётимни ва саломатлигимни бахшида этишга тайёрман. Аммо бошкентлар-бошкентига мен ўз ниятимни амалга ошириб бўлганимдан кейингина қадам босаман».

«Демак Париждан ҳали-бери умид йўқ», — хулоса қилди Гаррис.

Нима бўлганда ҳам Франкфурт тарк этилди, яна учта кўшкароба йўллари чангитиб олға илгариламоқда, Франция чегараси эса тобора яқинлашиб келяпти.

Франкфуртнинг газеталари қисқагина бир хабарни чоп этишди:

«Яқиндагина ҳамма ерда «Паганини Парижга борармиш», деган овозалар тарқалди. Франция газеталаридаги хабарларга қараганда ушбу бошкентдаги барча мусиқа ихлосмандлари уни сабрсизлик билан кутмоқда эдилар, аммо Паганини уларнинг барча умидларини пучга чиқарди ва қутилмаганда йўлни Голландия томонга бурди».

«Айтишларича, у пулга жуда ишқибоз бўлганидан, томошасининг нархини келиша олмабди, — дея ёзганди Париждаги «Муסיкий шархнома» газетаси. — Унинг бу тамагирлигини бажонидил кечириш мумкин, чунки у пуллари ўзи бемисл бир меҳр билан севадиган тўрт яшар Ахиллино учун тўпламоқда».

Урбани алоҳида таъкидлашича:

«Агар бола бетоб бўлиб қолса, устоз ақлдан озгундай бўларди. Бу мусибатни у қўтара олмайдигандай туюларди. У шифокорларга ақл бовар қилмас даражада ортиқча ҳақ тўлар ва бу билан фарзандининг саломатлигига ўнглаб бўлмас даражада зарар етказар эди. Чунки унинг атрофини баднафс фирибгарлар қуршаб олиб, боланинг дардини атайин чўзишга уринар эдилар.

Жаноб Паганини бирор марта ҳам рухонийга мурожаат этмади, бирор марта бўлсин парвардигорнинг раҳматини сўрамади; чорасиз қолган вақтида ҳам тоат-ибодатни ўйлагани йўқ».

«Франкфуртда, ёш афанди отасисиз қолган пайтларда хизматкор Грета болани шамоллатиб қўйди. Паганини қайтиб келганидан кейин ўғилчасининг бетоблигини билгач,

зинапоядан шунақанги бир алпозда югуриб чикдики, мен, унинг ақлдан озиб қолишидан хавотирга тушиб қолдим. У Ахиллинонинг касал бўлиб қолганини Аахендаёк эшитиб бўлган экан. У концертини ҳам ташлаб, ўн иккита отни ҳолдан тойдириб елибди. Етиб келиши биланоқ эшикни шунақанги важоҳат билан тақиллатдики, эшик дастасини синдириб, ойналарини ҳам чил-чил қилди. У ўз фариш-тачасининг тўр безакли ёстикчалар ва пуштиранг чойшаблар орасида ётганини кўрди. Энага Вейсхаупт маэстро тинчлантира бошлади: хотиржам бўлинг, боланинг дарди ариди. Лекин жаноб Паганини тинчлангани йўқ, у энага Вейсхауптга қаҳр билан деди: «Хоним, сизларнинг буюк Гётеларингиз, Веймар ҳерцоглигининг нозири бўлиб турган пайтида ўз боласини эҳтиётлай олмаган қизга ўлим ҳукмини имзолаганди. Ҳатто ҳерцогнинг ўзи ҳам қизнинг бошини кундага қўйишнинг жоизлиги борасида иккиланиб турган вақтида овчиларнинг хос либосини кийган Гёте жаноблари шикордан келиб қолди ва судяларнинг ўлим ҳукмини ўқиғач, унга ўз имзосини қўйибди: «Auch ich»<sup>1</sup>. Ва қизнинг бошини узиб ташлашибди. Табиийки, мен ҳам сизга шундоқ дейман: «Auch ich, хоним». Сўнг қўпол бир алпозда бош бармоғини бўғзида юритган бўлиб, бош узаётгандай бир ишорани кўрсатди».

Урбани билан Гаррис бир-бирларини тобора камрок тушунмоқда эдилар. Гарриснинг назарида жаноб Паганини Урбанига қўпроқ ишонч билдираётгандай эди. «Бўлмасам-чи, — ўйларди Гарри, — чунки у ҳам италиялик, ҳатто, карбонарий бўлса ҳам ажабмас».

Газеталар Наполи қиролининг Парижга ташрифи ҳақидаги энг сўнгги маълумотларни омманинг эътиборига ҳавола этдилар. Қулоқларга пичирлаб айтиладиган миш-мишлар Гаррисга ҳам етиб кела бошлади. У тушлик пайтида кула-кула Паганинига гапириб берган воқеага кўра, эр-хотин Наполи ҳукмдорлари ҳерцог Филипп Орлеаний томонидан кутиб олинган чоғда меҳмонлардан бири айтган ҳазил бутун шаҳарга тарқалиб кетганмиш: «Мана буни ҳақиқий Наполи оқшоми деса арзийди!» — «Нима учун?» — сўрабди Карл X. — «Чунки бизлар вулқон устида рақс тушяпмиз».

<sup>1</sup> Мен ҳам (нем.).

Паганини бу хангомага жавобан ҳеч нарса демади.

Концерт беришда Паганини энг кичик олмон шаҳарларини танлай бошлади. Гаррис бу жумбоқни ечолмай лол эди. У ўзини гўё кейинги кун сафарининг йўналишини биладигандай тутаётган Урбанига ҳасад билан боқарди. Кутилмаганда аллақандай хатлар пайдо бўлиб қолар, уларни тасодифий одамлар келтиришарди. Паганини жўнатмалар идораси орқали хат олди-бердисини умуман йиғиштириб қўйди. Италияда карбонарийлик жамиятлари яна ўз фаолиятини тиклагани ҳақидаги хабарлар Гарриснинг қулоғига ҳам етиб кела бошлади. Айни вақтда Римда ва олий бош руҳонийнинг қудрати ҳукмрон бўлган барча ерларда бутун ҳокимият масихийларнинг қўлига топширилгани ҳақида ошқора гапира бошлаганди. Қора папа — Роотааннинг даҳшатли исми одамларнинг оғзидан тушмай қолди.

Аахенда жаноб Паганини хусусий уйда жойлашди ва девор ўчокни ёқишларини буюрди. Гаррис кўрсаки, Паганини тиззаси устига чарм копчикни қўйиб олганича, барча хатжилдларни ва мактубларни девор ўчоқдаги оловга ирғитяпти.

Турин ва Генуя энди дунёдаги энг хавфли одамларнинг уясига айланди. Генуяда масихийларнинг бош қароргоҳи жойлашди. Бутун Италия бўйлаб барча қудратли шуъбалар шу икки шаҳардан тармоқланарди. «Жоҳил зоҳидлар» ташкилоти энг хавфли уюшма бўлиб, улар мактабларни куч билан мажбуран ёпиш, китобларни куйдириш ва эркин билимлар шиорини тарқатаётган энг хавфли олимларни йўқотишни тарғиб қилар эдилар.

Паганини қизиган темир билан азоблаш, филдиракка тортиш, омма қаршисида нимталаш тўғрисидаги хабарлар тўлки тасдиқланганидан хабар топди.

Виктор Эммануил I италиялик муҳандислар йиғилишини чақиртириб, По дарёси устига қурилган кўприкни Наполеон бунёд эттиргани туфайли бу кўприкни портлатиб юборишни таклиф қилди. Паганини Генуяга хат ёзишни бас қилди.

Отасининг ўлиmidан сўнг қочишга мажбур бўлган Фонтана Пино яширин равишда Италиядан шимолга жўнаб кетмоқда эди. Паганини кичик бир қўноқхонада у билан узоқ вақт суҳбатлашди. Пино Парижга йўл

олган; у ўз мол-давлатини ўша ёққа ўтказиб юборишга муваффақ бўлибди. Пинонинг айтишича, Генуяда, Янги майдон олдида беҳисоб исковучлар гужлашиб олиб, майдонни тўлиқ эгаллаб олган ҳолда кундалик ишларни муҳокама қилиб, сўнгра гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, жосуслик қилиш учун тарқалишар экан. Исловотхоналар ва қиморхоналар яширин полициянинг ихтиёрида эмиш. Хориждан газета ёки китоб келтирган киши айбдор деб ҳукм қилиниб, мажбурий меҳнатга камида беш йилга бадарға қилинаркан, динга ёхуд подшоликка қарши ёзилган фаранги китоблари учун эса иш қатл билан яқун топаётганмиш. Жаноб Антонио Паганини қачондир митти Никколо Паганини скрипка чалишни ўрганган хонани австриялик жосусга ижарага бериб қўйибди.

Шу суҳбат давомида кичик Ахиллино бақириб юборди:

— Каламуш, каламуш! — ва отасига дарпарданинг қимирлаб турган шокиласини кўрсатиб, шамдонни қўлига олди-да, шокилага қараб отди. У ердан кичқириқ эшитилди; дарпарда ортидан эса оқсоқланганича, Урбани отилиб чикди.

— Сиз бу ерда нима қиляпсиз? — бақириб юборди Паганини.

— Девор ўчоқдан учқун сачраяпти, ўчоқнинг туйнуғи эса шу ерда жойлашган, — хотиржам жавоб қила туриб Урбани бармоғини силкитганича, Ахиллинога пўписа қилиб қўйди.

Ўша кундан ғалаба Гаррис томонга ўтди. Пино кетганидан сўнг Паганини туйнукни текшириб кўрди. Хаммаси Урбани айтгандай эди: учқунлар сачраб, тутун хонага уриб турганди. Аммо Урбани нима учун Генуя ҳақида, унинг кадрдон уйи ҳақида суҳбат бўлаётган маҳалда бу ерга кирди?

Изтиробли иккиланишларнинг ногинч кунлари бошланди. Дафъатан дўстларининг ташрифлари тўхтаб, ёзишмалар ҳам узилиб қолди. Тўрт кун давомида газеталар ҳам чиқмай қўйди. Кейин эса, кутилмаганда қисқагина хабар эълон қилинди — уч ҳафта муқаддам қирол Карл X Париждан номаълум томонга жўнаб кетибди, Орлеан херцоги Луи Филипп муваққат ҳукмдор этиб тайинланибди. Уни ким тайинлади экан, Францияда нима ходисалар юз берибди? Бир неча кунлардан кейин овозалар сал

аниқлашди. Июль кунлари Париж кўчалари ихоталар билан қопланибди. Карл X нинг ҳокимияти ағдарилибди.

— Рухоний оталар ниятларига етолмадилар, — деди Паганини, — қиролнинг ва олий рухонийнинг ҳокимияти ўрнига улар замбарак ўқларига ва истехкомларга рўпара келишибди. Энди Францияга бориш ҳақида ўйлаб кўрсак ҳам бўлар.

Лекин ҳали хулоса чиқаришнинг мавриди эмасди. Чегаралар тақа-тақ ёпиқ.

Паганини хордиқ чиқаряпти. Эмс, кейин яна Франкфурт, сўнг Баден ва яна Франкфурт. Саломатлиги ҳам охириги пайтларда ўз-ўзидан яхшиланиб қолди. Сихатгоҳларда юртдошлари билан бемалол учрашиши мумкин, одамлар орасида фанимларнинг панд бериши хавфи ҳам камаяди.

Франкфуртда Фонтана Пинодан мактуб олди: «Овозларга барҳам бермоқ учун Парижга бориш керак. Жаноб Фернандо Пайер қирол қабулига кирибдилар». Пайер Парижда улкан мавкега эга. У Франция мусиқа муассасаларининг нозири ва сарой бастакори лавозимларига тайинланган. Янги ҳукмдор, эндиликда қирол деб аталаётган Луи Филипп Орлеаний жаноб Фернандони хушмуомалалик билан кутиб олди. Аммо жаноб Пайерга скрипкачи Паганини ҳақида энг расво хабарлар бориб турибди. Скрипкасани киморда ютқизган одам иккинчи марта қўлига чолғу ушлашга ҳақсиздир. Бундоқ қилмиш нафратга лойиқ. Фонтана хатига қўшиб «Мусиқий шарҳнома»ларнинг қирқимини ҳам жўнатибди. Унда ёзиллича, жаноб Паганини олмон шаҳарлари бўйлаб қилган саёҳатларида Париждаги томошалари учун Шпорнинг мусиқий мавзуларидан бирини қайта ишлаётган эмиш. Шпор бунга норозилик билдирмоқда, чунки у ўз мавзусидан фойдаланиш учун жаноб Паганинига ҳеч қандай ҳуқуқ берган эмас. Модомики, Паганини жаноблари ўғрилиқ билан шуғулланар экан, бул тақдирда қонуннинг ўғрилиқка қарши муайян кўрсатмалари ҳам бор.

«Парижда каминага антиқа учрашувларни тайёрлашяпти шекилли, — ўйлади Паганини. — Лекин қария Пайернинг муносабати қандай бўларкин? Агар унинг фикрини ўзгартирмас эканмиз, у ҳолда Парижга бормаган маъқул». У Шопенда Пайерга ёзилган тавсиянома борлигини эслади.

Франкфуртда ғалати танишув рўй берди. Доктор Ко- реф. Пруссия қироли хазрати олийлари шахсий шифо- корининг ташриф қоғози. Яқинда вафот этган омадсиз бастакор Амадей Хофманнинг дўсти. Шифокорнинг ай- тишича, «Серацион биродарлари»нинг муаллифи Хофман уни, яъни Корефни Винсент номли ҳикоячи қиёфасида ўз асарида ифодалаган эмиш. Бу ёзувчининг эртақна- мо ҳикояларида Паганинининг ҳамурти граф Козио ҳам тасвирланган. Айтишларича, у скрипкаларни ёввойилар- ча синдириб ташлар экан. Хофман уни Креспелнинг маслаҳатчиси тимсолида ифодалабди.

— О, қанчалар нотўғри! — деди Паганини буни эшитгач.

У кекса Козионинг ҳақиқий қиёфасини очиб бермоқчи бўлди, аммо Кореф учун «ҳақиқатнинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ эди».

Шундан сўнг Паганини мана шу машхур, леки- гин ғалатинамо шифокор билан саломатлиги бўйича маслаҳатлашиш режасидан қайтди. Бундан ташқари усиз ҳам соғлиғи анча яхшиланиб қолганди.

Франциядаги тўнтариш дабдурустан шимолда ҳам акс садо бера бошлагани ҳақида хабарлар тарқалди. Пол- ша Николай I га қарши исёнлар гирдобида қолибди. Паскевич Варшавага ҳамла қилмоқда. Бошқа давлатларда ҳам нотинчлик тобора кучайиб бормоқда. Белгия ҳам қўзғолон алангаси ичида. Ва, ниҳоят Италиядан келти- рилган махфий дараклар: Парма, Модена, Болонья кар- бонарийчилик хуружига учрабди.

Барча ўлкалар янги асрнинг навқиронлигини қайта тиклаган Фарангистонга умид назари ила боқмоқдалар. Франция полшаликларга сўзсиз ёрдам беради; Фран- ция албатта белгияликлардан кўмагини аямайди; Фран- ция Италия халқларига нажот қўлини чўзмоққа тайёр... Аммо ноиблар палатасининг минбарига чиққан жиддий ва баджаҳл банкдор — Луи Филиппнинг Нозири франциялик- ларнинг қони фақат Франция учунгина тўкилишини эълон қилди. Франция бегоналарнинг инқилобий ўйинларига қўшилмайди.

Бу даҳшатли хабар жазавадагиларнинг попугини па- сайтириб қўйди.

«Ҳозир Фарангистонга бориб бўлармикан?» — ўйлаб қолди Паганини.

**Йигирма еттинчи боб****УСТОД ИЛА ШОГИРД**

— Демакким, сен ўзинг ҳақингдаги барча гапларни инкор этасан, шундоқми? — сўради академик, қироллик камер-ансамблининг дирижёри жаноб Фердинанд Пайер.

У хонада у ёқдан-бу ёққа юриб турибди, қаршисида эса қоп-қора жингалак сочлари патила-патила бўлиб ором-курсининг суянчигига ёйилган кўйи толиққан ва рангрўйи уникқан Паганини ўтирарди.

Пайернинг эгнидаги уй кўйлаги оч нафармон рангда бўлиб, ёқаси оппоқ, оқ атлас бўйинбоғ тақиб олган, аметист терилган энг уқаларига худди шундай тош билан безалган платина тўғноғич қадалган. Ўша-ўша кўкиш-бинафшаранг кўзлар. Томирларида эса худди аввалгидай қон ўрнига суюқ, оч тусли металл оқиб тургандай туюлаверади — ҳаракатчан, лекин оғир ва совуқ. Аммо юзига қариликнинг асари уриб бўлибди.

— Сен камина учун доимо изтироб ва аламлар манбаи бўлиб келдинг. Мен қачон сен тўғрингда бирор хабар олсам, доим икки хил таассурот остида қоламан. Назаримда сен бу дунёда икки хил қиёфа остида яшайсан. Паганини — мусикий даҳо соҳиби, ёш Жанделлининг халоскори, сув тошқинидан офат кўрган ўн минглаб оила-ларга марҳамат кўрсатган Паганини ва бахтсиз хотинини аёзли қишнинг изғиринли тунида кўчага ҳайдаб чиқарган ёвуз Паганини. Сенинг ўлганинг ҳақида тез-тез хабарлар тарқалиб турарди. Газеталар сен тўғрингда шунақанги бўлмағур нарсаларни ёзишардики, сенинг жон таслим қилаётганинг тафсилотлари шундайин жирканч бўлардики, алал-оқибат камина сенинг бевақт ўлимингга ачинмай ҳам қўйди. Сенга нисбатан шунча нафратни одамлар қаёқдан олишганикин, ҳайронман. Айтишларича, сен туркча мусикий услубга ихлосманд эмишсан. Бу энди росмана аҳмоқлик. Яна айтишларича, сен кўҳна скрипкасозларнинг чолғуларини бузиб ўзгартираётган эмишсан. Яна шуни эшитдимки, — тўғри, бу гапнинг ҳақиқат эканини Пино инкор этди, — сен қимор деган бир ҳаром ишга ўралашиб қолиб, Гварнерининг нодир скрипкасани ютқазиб қўйибсан. Аввал бу ғалати тафсилотларнинг сабабини аниқлаштириб

олайлик-да, кейин эса театрга бориб, қўшиқчи Малибраннинг ашулаларини тинглашингни таклиф қиламан.

Паганини қўкиштоб қовоқларини юмди. Унинг Парижга кириб келганига энди бир соатгина бўлганди, холос.

Бир кун олдин у Лионда эди. У ўша дахшатли шаҳарнинг Италия учун нотаниш бўлган, баланд мўри қувурлари тутун пуркаб турган, улкан машиналар ҳамда ваҳимали буғ қозонлар ўрнатилган баҳайбат бинолар қад кўтарган ишчи мавзелари ҳақида қўрқув билан хаёл сурарди. Одамлар аталмиш қора ва кўк увада кўйлак кийган, ҳолдан тойган ўн минглаб чиллашир оломон отлик миршаблар қўриқлаб турган дарвозалардан қатор тизилишиб чиқиб келади.

Ё, алҳазар! Бу ўзи қанақа мамлакат? Бу қандай шаҳар бўлди? Бу нима ўзи — қамокхонами ёки одамзоднинг бир табақаси бошқа табақани ёппасига кириб ташлайдиган хос маконми?

Олмониянинг бирорта шахри, Италиянинг бирорта ҳам кенти Паганинининг тасаввурини бунчалик титроққа солмаган эди. Оқшомлари ёркин газ чироқлар порлайди. Одамлар ғайритабиий бир ташналик билан унинг зиёси томон интиладилар. Бу безовта нур анбар ёғининг сокин липилловчи сарғиш алангасига ҳам, мойчироқ ёки жинчироқ ёғдусига ҳам ўхшамасди. Кишилар қандайдир бир безовта талвасада олға интиладилар, уларнинг шовқин-суронлари кучайгани сайин йўлларда ҳаракат ҳам тезлашиб боради. Бундан кечки чироқларнинг ёруғлиги ҳам ортиб бораётгандай туюлади.

Паганини Париж кўчаларидан ўтиб борар экан, кўшкароба деразасидан гўё бутун вужуди билан оломонга тикилади. Рангдор нимча кийиб олган ёшлар, қувғинди бўлган қиролнинг у ёки бу шартли аломатлар билан ажралиб турган тарафдорлари: кийим энгидаги қадамага кистирилган яшил рангли гул ёки яшил нимча, ёхуд ёркин яшил қалпоқ; ажабтовур камзул кийган талаба-ёшлар; сарой хизматкори либосини кийиб олган қиз-жувонлар; аллақандай мўйловдор одам кўшкаробада ўтиб бормоқда, оломон жазавага тушиб қарсак чалади, унга қўл сикитади, қичқиради, ароба филдираклари остига гул ташлайди. «Бу полшалик генерал, — дейди Паганинига аравакаш. — Париж поляклардан фирт телба бўляпти».



Барча бу таассуротлардан суроби тўғри бўлиб қолган Паганини кекса муаллимнинг насихатларини ланж бир ахволда тинглайди.

— Бу душманликларнинг илдизи қаерда? Сени ҳисобсиз бойликка эга одам дейишяпти. Сен йўлини тўсиб қўйган кишиларнинг ҳасади ҳам, истеъдоднинг остида қолиб кетган кимсаларнинг нафратлари ҳам тушунарли, албатта. Аммо сен ўзингнинг бемисл муваффақиятларингни ўртамаёна кишиларнинг қобилиятидан жуда ҳам юқори қўйиб юбормадингмикан? Шуни назарда тутгинки, кўп сонли шаҳарлик молпарастлар тўдаси билан низога бормаганинг маъқул, улар сени ўз мулкларининг бир бўлаги деб ҳисоблайдилар. Буларнинг ҳаммасини изоҳлаш мумкин, ҳаммасини тушунса бўлади, буни бартараф қилишнинг ҳам имкони бор. Мени бошқа нарса ташвишга соляпти: мен овозаларнинг пайдо бўлишига асос яратиб бераётган Паганинидан хавотирдаман. Мияннга қўйиб ол: сенга нисбат берилмаган на бир қабиҳлик, на бир ифлослик қолди. — Пайер қўлини силтаб, жавон томонга ишора қилди. — Мен сенга скрипкадаги ижроингнинг илк товушларини эшитган қамоқхона деворларининг тасвирини кўрсатишим мумкин. Мен фаранги мухбирлар ёзаётган аҳмоқликлар ҳақида гапирмоқчи эмасман. Масиҳийлардан жабр кўрган ва кўрқувдан ўлар ҳолга келиб қолган Жул Жанен исмли кимса сенинг мусиқангни мижиғланган умидсизлик иблисига ўхшатапти. Сенинг бирор қиёфадошинг йўқмикан? Сенинг исмингни ҳақиқатан ҳам ўзлаштириб олган жиноятчи йўқми? Бу — ҳеч қаердан ўзига паноҳ тополмаётган боқий дарбадар жухуд — Агасфернинг қандайдир қўланкасига ўхшайди. Гапир, — мен билан очиқ-ошкора сўзлашишнинг мумкин: мен сенинг ишларингни йўлга қўймоқчиман, Парижда сенинг муваффақиятингни таъминлаш истагидаман, ҳолбуки бу ниҳоятда машаққатли иш! Сен ҳозир мисли йўқ бир чўққига кўтарилиш арафасида турибсан, шу чўққидан йиқилсанг қайтиб ўрнингдан турмайсан. Айт-чи, анави ғалати одам — Шпор билан ораларингда нима гап ўтган? Унинг котиби ҳозир Парижда. Агар мабодо сен чиндан ҳам Шпорнинг куйларидан фойдаланиб, унинг скрипка учун ёзган концертини қайта ишлайдиган бўлсанг, у ҳолда биринчи томошангдан кейиноқ сени суд жараёни

кутади. Сени суд қилаётганларини қўриш учун эса бутун Париж йиғилади. Одамларнинг бу жанжалга қизиқишлари скрипкадаги ижроингга бўлган қизиқишдан минг чандон кучли бўлади... Сенинг бирор махфий душманинг йўқми? Сен бирорта қудратли ва нуфузли ҳукмдорни ҳақоратлаб қўймаганмисан? Мабодо черков билан муносабатинг бузилмаганмиди? Парижда томоша бериш учун ҳаракат бошлашингдан аввал ана шулар ҳақида жиддий ўйлаб қўришинг керак бўлади. Италияда карбонарийлар тор-мор келтирилганидан кейин жуда қўплаб қочоқлар Париждан қўним топишди. Лекин бу ерда ҳам уларни кунфаякун қилишяпти. Ҳукм жараёни пайтида тутиб берилган ўн минглаб ёш италияликларнинг қатлидан кейин ва карбонарийлар исёни бостирилганидан сўнг эндиликда жосусларнинг ўзлари билан ҳам ҳисоб-китоб қилиш бошланиб кетди. Киши қандайдир номаълум қўллардан ўлиб кетиши учун эҳтиётсизлик билан айтиб қўйилган биргина сўз ҳам кифоя.

Паганини камзулининг ички чўнтагидан Фонтана Пинонинг қисқагина номасини чиқарди ва жаноб Пайерга узатди.

— Тушунарли, — деди Пайер мактубни ўқигач. — Агар сенга Франкфуртга хат ёзиб, кимдир Парижда яширинча яшаб юриб, Паганинининг номидан фаолият юритяпти дейишса, билгинки, ўша одам сенга шунчалик кўп зарар етказиб улгурганки, буёғига сен концерт беришдан олдин ҳозир ўзинг қандай вазиятда эканингни аниқлаб олишинг лозим ва лобуд. Сенинг дўстинг ёзиб юборган бу ақл бовар қилмас овозалар ҳеч қандай яхшиликдан дарак бераётгани йўқ. У сенинг Парижга келишингни тезлаштириб, жуда тўғри иш қилибди.

Улар икковлашиб емакхонага чиқишди. Уларни ҳеч қанча ҳам қартаймаган Риккарди хоним кутиб олди. У митти Ахиллинони улар билан бирга нонушта қилишга олиб келмагани учун Паганинини койиган бўлди. Пайер бунинг бир жиҳатдан яхши бўлганини, чунки Паганинини бутун оқшомга «ўғирлаб» кетмоқчи эканини айтди.

— Оқшомда италияликлар «Отелло»ни қўйишади. Малибран қуйлайди. Мен бегона овозларни мақтаганим рафиқамга ёқмаса-да, сенга айтишим керакки, Малибран билан Пасста дунёдаги энг буюк қўшиқчи аёллардир.

Малибраннинг товуши уч октавали регистрга эга, унинг овозининг бор латофати тўла акс этмайдиган бирорта ҳам нота йўқ десам ишонавер. Лекин ёдингда тут, у сенга қайрилиб ҳам қарамайди, сен унинг таъбидаги эркак эмассан! Унинг испанларга хос жазавали эхтироси ҳозир фақатгина скрипкачи Бериодан қонмоқда. Мана уни сенга рақиб деса бўлади. Берио — тенгсиз истеъдод соҳиби, Бериодан ташқари Парижда Лафон ҳам бор. Айтишларича, сен у билан қачонлардир ҳамкорликда концерт берган экансан. Унинг укаси — Александер Малибран ҳам бор. Уларнинг ҳаммалари олий тоифали скрипкачилар. Шуниси чатоқки, сен биринчи концертинг биланоқ уларнинг кайфиятларини расво қиласан. Ҳали Байо ҳақида айтганим йўқ, Керубинини эса гапирмаса ҳам бўлаверади. Бахтингга Крейцер қазо қилиб кетди. Унинг ўлиmidан хабаринг бормиди?

Паганини бош чайқаб қўйди.

— Шуни билиб қўйгинки, агар мана шу рўйхатда Крейцер билан Родэ бўлганида Парижга икки жаҳонда ҳам келолмаган бўлардинг.

Пайер Паганинига синовчан назар ташлади. Паганини ҳеч бир ифодасиз жиддий киёфада нонга сариеф суртганича жим ўтираверди.

— Сиз билан Жорж Гаррис келганмишми? — сўраб қолди бир пайт Риккарди.

— Ҳа. — Паганини жавобни қисқа қилди.

— У ўша латифалар ва ҳажвиялар муаллифими?

Паганини кулиб юборди:

— Яхшиям у ҳозир шу ерда эмас экан. У ўзининг адабиётдаги муваффақиятсизликларини эслашни ёқтирмайди. Холбуки унинг ҳажвиялари Касселда ва Ганноверда сахналаштирилган эди.

— Уни сенга ким рўпара қилганди? — сўради Пайер қатъий оҳангда.

— У билан Ливорнода инглиз консулининг уйида танишганман.

— Э, ҳа, эсладим, — деди Пайер. — Хизматингда яна ким бор?

— Урбани, ўз ҳамюртимиз.

Пайер индамади. Чунки бу исм унга мутлақо нотаниш эди.

Паганини эса айни шу дамда дарпарда ортидаги вокеани эслади. «Ўшанда Урбани нима учун у ерга кириб олганди? — ўйлаб қолди Паганини. — У нима учун охирги пайтларда жуда бадфеъл бўлиб юрибди?».

Паганинининг чехрасидаги хавотир Риккарди хонимнинг нигоҳидан яширин қололмади. У суҳбат мавзусини ўзгартириб, Паганинининг кайфиятини яхшиламоқчи бўлди. Театр ҳақида суҳбатлашганларида Паганини Россини эслади. Пайернинг қайғуга ботиши учун шунинг ўзи кифоя қилди. Риккарди хоним тезгина эрига бир қараб қўйганича, шоша-пиша суҳбатдошларнинг диққатларини бошқа нарсага чалғитишга киришди. Паганини қандайдир номаъқул иш қилиб қўйганини сизди.

Дастурхон атрофидан турганларида операга жўнаб кетишларига ҳали икки соат вақт бор эди. Паганини билан Пайер яна мўъжазгина меҳмонхонага киришди. Пайер жавоннинг қаваттахтасидан қандайдир рисолани олиб, Паганинига узатди.

— Мана Россини ҳақидаги саволингга жавоб, — деди у киноя аралаш.

Паганини бир неча саҳифага кўз югуртириб чикди. Бу тухмат-бўхтонларга тўла китобча бўлиб, унда икки буюк мусиқачи ўртасидаги душманлик ҳақида сўз борарди.

Афтидан Пайер ва Россини бир-бирларини ёқтирмасдилар. Бу қутилмаган жанжалда ким ҳақ, ким ноҳақлиги аниқ эмас эди. Аммо унинг сабаби нимада экани равшан кўриниб турибди. Россини Парижга келиши биланок Пайернинг операларини саҳналаштириш деярли тўхтаб қолди. Россини Парижни забт этди. Ҳатто қўча болалари ҳам «Севилйалик сартарош»нинг ашулаларини куйлаб юришарди. Жаноб Фердинанд Пайернинг метиндай мустаҳкам нуфузига биринчи бор раҳна тушганди. Кимлардир бу вазиятдан фитна чиқара бошлади. Кимдир уларнинг ораларида кучли низо чиққани ҳақида иғво тарқатди. Тез орада икки ўртадаги низо йўқдан бор бўлди. Пайер бу рисолани Россини уюштирган, деган шубҳада эди; Россини ўзига нисбатан бундай ғийбатларни фақат Пайернинг ошналари тарқатиши мумкинлигини гумон қиларди. Мусиқачиларнинг икковлари ҳам бу китобчанинг чоп этилишида иштироклари бор эканини инкор этардилар. Бу вазиятни баҳолашда мусиқий Париж икки қарама-қарши

гурухга бўлиниб кетди: бирлари рисолани Россинига қарши қўйсалар, бошқалари Пайерни айблашмоқда эди.

Паганини рисолани миз устига ташлаб, Пайерга юзланди:

— Энди бу сафар сиз менга айтинг-чи, азиз устоз, бу низоларнинг илдизи қаерда? Сиз бадавлатсиз, жамиятда юқори мавқега эгасиз, истеъдодсиз мусиқачилар сизга албатта ҳасад қиладилар, сизни менинг навқирон дўстим Россини билан уриштириб қўйишмоқчи. — У Пайернинг сўзларини ўзига қайтарар экан, устозининг овозига ҳам тақлид қилиб сўзларди: — Сиз тагин мабодо соҳиби ҳукмлар билан низолашиб қолмаганмидингиз? Сизнинг яширин фанимларингиз йўқми?.. Қўрдингизми, азиз устоз, ҳеч нарсада айбдор бўлмасдан туриб ҳам мана шундай ҳолатга тушиб қолишингиз мумкин экан. Ҳолбуки камина доимий ана шундоқ вазият исканжасида яшаб келмоқда...

— Яхшиси мен ҳақимдаги гапларни қўятур, — унинг сўзини бўлди Пайер. — Янглишмасам, сен Парижда вақтинги беҳуда ўтказмоқчи эмассан. Бу ерда концерт бериш ниятинг бор. Сенга ақл ўргатмоқчи эмасман-у, лекин биласанми, оламшумул шон-шухрат чашмаси айнан шу ердан — Париждан ибтидо олади. Агар Париж сени қабул қилмаса, у ҳолда Оврўпага қайтишинг сени бу ерга етаклаб келган машҳурлик даражасидаги музаффарият билан кечмайди. Яхшилаб ўйлаб кўр: битта ҳам концерт бермасингдан туриб Париждан жўнаб кетишинг ғалвасиз ва ўзинг учун манфаатли бўлади. Парижликлар учун сен ҳақингдаги ғийбатлар ва бу ерда яширинча яшаб турганинг ҳақидаги овозаларнинг ўзи ҳам етарли даражада қизиқарли бўлди. Сен ҳали Парижга келмасингданоқ бир қанча мухбирлар сен билан суҳбатлашгани ҳақида мақтанаётганини ўзим эшитгандим. Ўзинг ўйлаб кўр, ҳозир қандай дастур билан омма қаршисига чиқмоқчисан? Ўзинг ҳақингда нималарни ўқидинг? Бу ердаги одамлар ҳақида нима биласан? Айни вазиятда булар учун сен кимсан? Томоша беришни рад қилишга ҳали ҳам кеч эмас. Мен анчадан бери ижроингни эшитганим йўқ, ҳозир бу ҳақда сен билан овозаларга асосланган ҳолда суҳбатлашяпман. Тўғри тушун, сен ҳозир менинг тимсолимда энг самимий дўстни кўриб турибсан.

— Мен ўз қаршимда ҳолдан тойган одамнигина кўриб турибман, — жавоб қилди Паганини.

Пайер қовоғини уйди.

Сенинг назарингда гўёки мен Парижга таширфингнинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатаётгандайман. Маълуминг бўлсинким, ўтган йил ёш ёзувчи Виктор Гюгонинг «Эрнани» пьесаси қўйилиши муносабати билан келиб чиққан жанжаллар ичида ўтди. Унинг сахна юзини кўришига йўл қўйишмади. Вазият шундай қалтис эдики, муаллифнинг ягона чораси ўзини отиш эди, холос. Уни ёшлар ҳимоя қилишди ва тасодифий бир ҳолат ёзувчининг ҳаётини асраб қолди. Муаллиф томонидан оммага тақдим этилган бир-икки сийқаси чиққан томошалар унинг танг ҳолатдан чиқиб кетишига имкон берди. Ҳасадгўй кимсаларнинг хашаки баҳс-мунозаралари эса матбуот томонидан романтизм ва классика ҳақидаги фалсафий тортишув сифатида шов-шув қилинди. Истилочи конкистадорлар либосига бурканган йигитчалар, ўрта асрлардаги сарой хизматкорлари кийимини кийиб олган хотин-қизлар, сербуток қўпол таёқларни кўтариб олган, қизил нимчали итбашара тентаклар театрларни тўлдиришган, ҳар бирлари жанжал бошлайдиган даражада тажовузкор. Кўриб турганингдек, бунинг санъатга хизмат қилмоқликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Биринчи концертлар бекиёс даражада муваффақиятли ўтди, чунки бу ёшларнинг бутун-бутун қаторларни тўлдириб ўтиришлари ва томошаларнинг тинч ўтишини таъминлашлари учун муаллиф анчагина харажат қилгани тайин. Лекин «Эрнани»нинг кейинги томошаларида ҳуштакбозликлар, қийқирикбозликлар авжига чиқиб, ғажилган олмалар, овқат қолдиқлари, йиртиқ пойабзаллар ва яна алланимабалоларни сахнага улоқтириш бошланди. Парижда ҳамма нарса газета мухбирларининг таъбларига боғлиқ. Сен каминага бир нарсани очик ва ошкора айтишинг шарт: Оврўпа газеталари сенга қарши қилаётган хуружларнинг сабаби нимада? Сени ҳар қандай батартиб оилалар учун, виждонан ҳаёт кечириб юрган фаранги пулдорлар учун олабўжи қилиб кўрсатаётган сон-саноксиз уйдирмаларни қайси жиҳатинг юзага келтирмоқда? Шуни назарда тутгинки, бу нарсалар Парижда минг баравар бўрттириб юборилиши тайин. Олмонияда, Австрияда ёки Италиянинг ўзида катта шов-шувга сабаб бўладиган нар-

салар бу ерда мутлақо қутилмаган аянчли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

— Азизим maestro, — изоҳ бера бошлади Паганини, — менинг душманларим йўқ. Мен ҳақимда ёзилаётган барча тафсилотларнинг тирик Паганинига ҳеч қандоқ алоқаси йўқ. Ҳар ҳолда камина хавфсираб, гумон қилиши мумкин бўлган бунақа одамларни билмайман. Мен ўз ҳаётимни, бутун умримни бағишлаган нарсани каминадан тортиб олиш мумкинми, ахир? Мен ўзимни бутун вужудим ила скрипкачи ҳисоблаган бир руҳиятда-я?! Шундоқ бир беназир неъматга дохил бўлиб турганим ҳолда нима учун энди ўзимдан бошқа яна кимдандир ва нимадандир қўрқишим керак экан? Сизнинг сўзларингизга қўра менга ҳасад қиладилар. Лекин мен одамларга ғанимлиқ қилмайман, ҳеч кимдан қасос олмоқчи ҳам эмасман, бировга нисбатан ғазаб-нафратим йўқ, бутун умрим давомида ҳали бирор марта кимлардир ҳақидаги ёмон ҳаёллар мени узоқ муддат безовта қилган пайтим бўлган эмас. Сизга бундан ортиқроғини ҳам айтаколай: қар қандай истеъдоднинг юзага чиқиши мени қувонтиради, ҳар қайси инсоннинг қалбидаги эзгу туйғулар намоёнидан қувончга тўламан; агар санъат оламида қобилиятда менга тенг бир истеъдодли скрипкачи пайдо бўлса, бунда ўзим учун ҳеч қандай зиён-заҳмат асарини кўрмайман. Аксинча, бу ҳолда каминанинг машаққатлари енгиллашади, чунки менинг ҳар бир концертим бир йиллик умримни юлиб кетяпти. Кимдир агар кўмак учун ёнимда турса, у менинг санъатга хизмат қилмоқлик дея ном олган алангада ёниш туфайли тортаётган азоб-уқубатларимни оз бўлса-да, енгиллаштирган бўлурди.

Пайер ўзи учун қутилмаган бу нутқни кўзларини катта очганича тинглади. Мана шу дақиқаларда у генуялик даллолнинг ўғли — нимжонгина болақайнинг Пармада ўтказган олти ойлик ҳаётидан кейин ўтиб кетган йилларни сарҳисоб қилиб чиқди. Венецияда кечган ойлар ва йиллар унинг кўз олдидан липиллаб ўтди. Оилавий бахтга йўғрилган машҳурлик дамлари. Кейин — Вена ва Дрезден. Дрезденда қозонилган қутилмаган муваффақиятлар. Оқшом чоғи улкан сарой тахтхонасининг эшиклари ланг очилиб, қўлини камзулининг қайтарма ёқасига қўйганича, номсиз бармоғи билан Фаҳрий лашкар юлдуз нишонини

чертган қўйи паст бўйли, сарғимтил юзли одам кириб келди-да, пўлатдай қаттиқ нигоҳини у томонга қадади. Концертдан сўнг генераллар қуршовидаги бу одам, қандайдир ҳужжатларни имзолаганича, мусикачига ҳатто назар ҳам ташламай туриб, ўзи билан Парижга кетишни таклиф этди. Кейин фаранглар бошкентидаги шон-шараф ва омад йиллари. Италия театри, ўртамиёна қобилиятли ҳамюртларнинг гараз ва ғайирликлари, уларнинг устидан қозонилган тўла-тўқис ғалабалар. Сўнг — Бонапартнинг мағлубияти. Бурбонларнинг ислохотлари. Людовик XVIII нинг Париждан қочиши. Бонапартнинг янги юз куни. Кейин эса қирол Карл X нинг ҳукмронлиги ҳамда рухонийлар, зоҳидлар ва ўтмиш дабдабаларини қайтариш орзусидаги зодагонларнинг узоқ муддатли тантаналари.

Ўша пайтларда Фердинанд Пайерга ниҳоятда оғир бўлди. Италияга мансуб нарсаларнинг ҳаммаси қирол Карлнинг тақиқига учради. Ва ниҳоят, ярим йилгина муқаддам, — истехкомлар, замбарак наъралари, қатъий ва қўтаринки республикачилик талаблари италияча қадимий ҳуррият шиорлари билан қўшилиб кетди. Таниш чехралар ва кадрдон исм-шарифлар унинг атрофида тез-тез пайдо бўла бошлади, аллақайси гўрдан аллақандай дўстлар урчиб чиқиб келишди: жаноб Пайер ундайлардан худди вабодан қочгандай яширинишга уринарди. Ва барча мана шу йиллар давомида ўз йўлида ҳар нарсани ва ҳаммани мағлуб этиб келаётган мусикачи — Никколо Паганини ҳақидаги жирканч, ёқимсиз овозаларнинг оқими бир лаҳзага ҳам тингани йўқ.

Пул учун ўз ҳаётини қиморга тиккан манфур ва такаббур кимса ҳақидаги тасаввурлар. Скрипкасини қиморга бой берган скрипкачи ўзини артист ҳисоблашга нолайик деган фикрлар. Юксак санъатни пулга алмаштириб юборган, ўз истеъдодини тасодифий омаднинг гардкамига тиккан скрипкачи кекса Пайернинг самимий қабулига умид боғлашга ҳақсиз. Ва мана, қилмишларининг таърифи ўздан олдинда юрувчи ўша одам ҳозир унинг шундоқ рўпарасида ўтирибди ва Фердинанд Пайер бир неча соатдирки, у билан сўхбатдан узилиб ололмаяпти. Юзи балчиқ тусли бу қора таъвия уни ўзининг фаройиб сўзлари билан, Паганини ҳақида газеталар яратган тасаввурга мутлақо мос келмайдиган самимий фикрлари би-



лан ўзига мафтун этиб ўтирибди. Скрипкачининг сўнгги сўзлари эса унинг қалби қанчалар ғуборсиз эканини кўрсатди. Бу сўзлар жаноб Фернандо ўзини қуршаб турган артистлардан доим эшитадиган ғийбатларга мутлақо ўхшамайди. Паганинини Парижда концерт бермасликка қатъий равишда кўндиришдан аввал бу борада жиддий мушоҳада юритиш керакка ўхшайди.

— Демак, сен ғанимларинг борлигини инкор этяпсан. Энди буёғига нима қилмоқчисан?

— Сиз билан тез-тез дийдорлашиб туришни истардим, устоз.

— Тушунарли, — деб қўя қолди бу истакка жаноб Фернандо. — Сен билан бугун театрга борамиз. Ҳозир балки бирор нима чалиб берарсан?

Паганини бош силтаб, рад жавобини берди:

— Мен фақат концертда чаламан.

Пайер қовоғини уйди. «Жуда ўзига бино қўйиб юбор-маяптимиқан?» — ўзича ўйлади у, лекин индамай қўя қолди.

— Мен Парижга кўникиб олишим керак, — деди Паганини. — Бу шаҳар каминани эсанкиратиб қўйди. У кўчалари ва майдонларининг маҳобати билан мени эзиб қўяётгандай туюлмоқда. Бу қадар кенг кўчалар, бўм-бўш улкан маконлар нимага кераклигини ақлимга сиғдирилмаяпман. Мен газли ёриткичларни кўрдим. Бу афсонавор оппоқ ёруғлик фарангиларнинг тунда ҳам ёруғлик оқимига бўлган чексиз ташналигидан далолат беряпти. Мен бу шаҳарга бироз ўрганиб олганимдан кейин эҳтимол ўзингиз менинг концертларимни ташкиллаштиришимга қўмак бериб юборарсиз, балки менга ва Гаррисга биноларни ижарага олиш ва концертларнинг қулай жадвалини тузишни таъминлашда ёрдамлаша оладиган одамлар билан таништириб қўярсиз.

— Дастур танлаш масаласи-чи?

— Буни ўзим ҳал қиламан.

— Сен жуда кеккайиб кетибсан!

Паганини бу сўзларга парво ҳам қилгани йўқ.

— Парижда ҳозирги қирол ҳақида нималар дейишяпти, устоз?

— Ҳукмронлик қилиб турган қирол ҳақида нима ҳам дейишлари мумкин?! Унинг биринчи қилган иши — Ор-

леан саройининг бор мол-мулкени Лондонга жўнатиб, ўз фарзандларининг номига ўтказдириб қўйди. Бурбон херцоги, Парижда қолган ягона Бурбон, — уйидан ташқарига чиқишга ҳам холи келмайдирган қария, — ўз мол-давлатини Луи Филиппнинг тўнғич ўғлига, херцог Омалийга васият қилди. Шуниси ғалатики, бу васият-номани имзолаб бўлиши биланоқ, қарияни ўз хобгоҳида сиртмоққа осилган ҳолда топишибди. Сенга яна нималарни айтишим мумкин? Луи Филиппни тахтга парижлик банкдорлар ўтказиб қўйишди. Лафайер республика талабидаги ҳайқириқларга жавобан энг яхши республика сифатида уни исёнчи Парижга тавсия этиб қўя қолди. Буларни мен фақат сенга айтяпман, бу ҳақда бошқа ҳеч камга оғиз ҳам очмаган бўлардим. Яна шуни ҳам унутмагинки, Болоньядаги, Модена ва Пармадаги мудхш воқеалардан кейин Парижда барча итлияликларга шубҳа билан муносабатда бўлишмоқда. Сенинг анави Фонтана Пино деганинг... Яхшиси у билан кўришмаганинг маъкул! Бундан ташқари, — Пайер энди овозини пасайтириб гапирди, — мен қиролнинг садоқатли хизматкори эканимни биласан. Менга жуда қўпчилик мурожаат қилган. Илгари Франциядан паноҳ топган италиялик қочкинлар ҳозир Лионда ва Марселда паноҳ топганлар. Улар Италияга қайтиб кетмоқчи эдилар. Лекин бирорталарини ҳам чега-радан ўтказишмади ва ҳаммаларини фаранг полициясининг назоратига топширишди. — Пайер овозини янада пасайтириб, деярли шивирлаб сўзлашга ўтди. — Австрия қўшинлари ҳозир Модена, Парма ва Болонья аҳолисини ўққа тутмоқда. Австрия қўшинлари айни дамда Романьяга кириб келишган ва овозаларга қараганда Наполеоннинг жияни — Луи Бонапарт Италия воқеаларига алоқадор эмиш. Парижда ўзингга эҳтиёт бўл, айниқса юртдошларинг билан ўйлашиб муомала қил. Акс ҳолда ўзинг билмаган ҳолда бошингга бир дунё балони орттириб олишинг ҳеч гапмас.

Театрда Паганини «Отелло»ни мароқ билан тинглади. Дездемона Паганинининг эътиборини буткул эгалаб олди. Испаниялик қўшиқчининг овози, унинг ғайритабиий тарздаги жонлилиги ва латофати бир неча лаззатбахш соатлар мобайнида Паганинини Пайернинг оғохлантиришларини унутишга мажбур этди.

Танаффусдан сўнг ўз жойларига қайтган Паганини ва Пайер ён атрофларида ўтирган томошабинларнинг ғалати бир синчков нигоҳларига нишон бўлдилар. Иккинчи сахна кўриниши тугаганидан сўнг ёш, баланд бўйли, отлик аскарларга хос мўйлабли хушрўй эркак ҳарбийча салобат билан Пайернинг ёнига келди. Бу — скрипкачи Берио эди. У жаноб Фернандонинг ёнига ўзини жаноб Паганинига таништиришини сўраш учунгина қадам ранжида қилганини яшириб ўтирмади.

Бу соф фарангича муносабат, зиёли кишининг эркин ва енгил мурожаати Пайерга маъқул келди. Паганини Берионинг бир нечтагина сўзидан шуни англадики, Париж, анави Шпорнинг офир феъл ўлкасидан фарқли ўларок, артист халқини беғараз ва муносиб кадрлаш хислатига эга экан. Бу фикрини у муаллимига ҳам айтди. Пайер унга бир қараб қўйди-ю, лекин ҳеч нарса демади. Берионинг бу муомаласини у ёки бу маънода изоҳлаш учун ҳали унинг асосли бир мулоҳазаси шакллангани йўқ эди. Парижнинг биринчи скрипкачисининг фарангиларга хос бундай эркин мурожаати италиялик меҳмоннинг ташрифидан мамнунликни англаувчи мезбонлик такаллуфидан дарак бериши ҳам, ёхуд парижлик созандалар Паганинининг қадам ранжида қилганидан асло хавотирга тушмаётганликлари ва билъакс — бу одамнинг ташрифидан чўчимайдиган даражада хотиржам эканликларини билдириб қўйиш учун қилинган бетакаллуфлик белгиси бўлиши ҳам мумкин эди. Паганинининг муаллими бу манзират замирида ҳар икки маънонинг ҳам ботин эканини сездди. Италиялик скрипкачи самимият дея қабул қилган бу такаллум унинг устозига жуда жиддий таҳдид бўлиб туюлди.

1820 йилнинг 13 феввалида Беррий херцоги — қирол Людовик XVIII нинг жияни ва Франция тахтининг вори си театрдан чиқди. Лувел исмли дурадгор унинг ёнига яқинлашиб, оддий ошхона пичоғи билан валиахднинг кекирдагини узиб ташлади.

1831 йилнинг 14 феввалида Париж аслзодаларининг қолдиқлари, бурбонлар рамзи ҳисобланувчи оқ нилуфар тамға ҳимоячилари кун тиккага келган маҳал Сен Жермен Л'Оксерруа зодагонлар черковига тўпландилар. Бутун Сен Жермен атрофи кўшкароба ва хос аробалар-

га тўлиб кетган. Бу ерда Беррия херцоги хотирасига катта мотам маросими ўтказилди. Бу — Париждаги Сен Жермен мавзесининг янги тартибларга қарши, ҳокимият тепасида турган шаҳарлик пулпарастларга қарши ва ўз қиролига қарши ошхона пичоғини қайраб турган юз минглаб Лувелларга қарши норозилик намоёиши эди.

Мотам Бордо херцоги сувратига гулчамбарлар қадаш маросими билан яқунланди. Овозалар худди электр учқунлари каби бутун Париж бўйлаб тарқаб кетди. Мотам маросими тугаши билан черков ёнига кўп минг кишилик омма тўпланди. Оломон йўлни тўлдириб келаркан, қутуриб турган париждиклардан қай биридир дуч келган бир роҳбни гарданидан олди-ю, дарёга ирғитди. Енгил хос аробалар, кўшкаробалар тезгина ҳаракатга келиб, графхонимларни, херцогойимларни, виконтларни олиб қочишга тутинди. Халойиқ черковга бостириб кириб, Сен Жермен Л'Оксерруа меҳробини кўпориб ташлади; роҳибларнинг ҳайкалларини бўлаклаб синдириб ташлашди, диний сувратларни пичоқлар билан қийқимлаб, иона қутиларини деразадан улоқтирдилар. Черков хочлари ечиб олинди. Фатводорнинг уйи ва масихийлар уюшмасининг қароргоҳи ҳам вайрон қилинди. Ҳамма нарса синдирилган, парчаланган, ойналар чил-чил қилинган, эшик ва дераза ромлари кўпорилган, ёғоч тўшама ва шифтлар ёндириб юборилган...

Халойиқнинг тўс-тўполони куни билан тинмади. Дарғазаб оломон полиция ҳамда аскарлар томонидан қуршаб олинган Пале Ройал рўпарасидан ўтиб боради. Улар қиролга дахл қилганлари йўқ, қонсираган тўдалар «руҳонийларни ва Бурбонларни» изларди. Кейин архиепископнинг қасрига йўл олишди. Бирлари қасрга туташ черковни яқсон қилаётган пайтда бошқалари миллий гвардия бўлинмаларини тор-мор келтириб, саройга бостириб кирдилар, тошдан тарошланган хочларни ағдариб, диний анжомларни, маъбудларнинг расмларини парча-парча қилиб ташладилар. Турли хоналарга илиб ташланган чормих хочларни бир жойга тўплаб, ёғоч тўшама устида гулхан ёқишди. Айни шу пайт бош роҳиб — архиепископ қасрининг ёнгинасидан кўшқарава гумбирлаб ўтиб кетди. Унинг деразасидан тим қора сочлари юзини хошиялаб олган иблисбашара кимса ҳайрат билан тикилиб борар-

ди. Балчикранг чаккалар, кўкимтир қовоқлар, юзларида олтингугурт ранги ва тўтиё туси абадийга мухрланиб қолган. Кўм-кўк қовоқлари қоп-қора қошлари томон тунги қушнинг қанотлари янглиғ оғир кўтарилди, катта-катта кўзларида ғаламислик олови чакнади. Парижга азозил кириб келмоқда эди. Ўша иблис — Никколо Паганини.

Шу соатнинг ўзидаёқ у чегара ғовидан ўтиб д'Анфер кўчасига етиб келди ва ўша ерда ўзининг иблисона фамулуси, инглиз зотли ити, ҳамда италиялик скрипкачининг руҳини сотиб олган шайтоннинг тимсоли ҳисоблангувчи Жорж Гаррис билан бирга қўноқхонага жойлашди.

... Шу куннинг воқеалари ҳақида миршабхона бошлигининг ёрдамчисига катта қора камзул кийиб олган кўримсизгина бир кимса ҳисобот бераётганди. Бу хол жаноб Паганини билан Пайер афанди «Отелло» операсини хотиржам тинглаб ўтирган пайтда юз берди.

Миршаблар туни билан ухлаганлари йўк. Ваҳимага тушган дин вакиллари қаердан ҳимоят излашни билмасдилар. Қўхна карлчи полиция масихийлар билан яқин алоқада бўлса-да, аммо масихийлар ташкилоти Париж банкдорларининг қандай қудратга эга эканлигини яхши англари. Мазҳаб идораси Парижнинг энг номдор тужжор хонадонлари ворисларининг мол-давлатларининг ҳисобини танга-чақасигача билар эди. Сармаст ғолиблик нашидасидан сўнг, албатта хушёрлик руҳияти қарор топиши ва католик черкови ўзининг энг махфий уюшмалари тимсолида яна қайтадан ҳукм аҳлининг ҳамкорига айланиши, кейин эса оддий ҳамкордан Франция сиёсатининг ҳақиқий раҳнамоси даражасига кўтарилиши мазҳаб идорасига маълум эди.

Махфий полиция жосуси туссиз ва ҳиссиз бир товушда Париж шаҳрининг ҳокимига ўз кузатишлари ҳақида маълумот бермоқда. У икки маҳкама хизматида бўлгани боис, қаттиқ толиққан чоғларида ақлий-маърифий шуъба ва ахлоқ полицияси ваколатидаги маълумотларни сиёсий аҳамиятдаги маълумот билан ва ёхуд оддий полиция маҳкамасининг жиноий ишлар бўйича маълумотлари билан чалкаштириб юборарди. Лекин у ҳоким жанобларининг Масихийлар ташкилоти Нишонидан умидвор эканини, шу боис ҳам полиция бошлиғига етказилиши лозим бўлган маълумотлар билан масихийлар идораси миршаб-

бошиси эшитишдан манфаатдор бўлган ҳисоботларни ажратиб ўтирмаслигидан ҳам хабардор эди.

— Яна нима? — сўради ҳокимият раҳбари.

— «Рамзий нишон» қаҳвахонасида ёшгина йигитчалар адабий баҳс-мунозара уюштиришди. Йигитлардан биттаси ўрта табақа одамларнинг ҳуқуқлари ҳақида роса кичкирди.

— Бақирса бақириб ўлмайдими? Хали шу нарсага супрангни динг қилиб юрибсанми?

— Ахир у, истеъдодсиз одамларнинг уюшмасини тузиш керак, деди-да.

Ҳокимнинг энсаси қотиб, эсноғи тутди.

— Миршабхона энди қаҳвахоналарда тўпланиб олишиб, ўз сирини ўзи очадиган ўспиринлар билан шуғуллансинми?

— У ғалати нарсани айтиб кичкирди.

— Ўша кичкирганнинг исми нима?

— Де Мюрже. У жар солиб: «Мен ўрта табақа кишиси даҳонинг башарасига тупуриши ҳуқуқи учун курашаман!» — деди.

— Ана холос! Бўёғи қизиқ бўлди-ку! Иннайкейин-чи?

— Мен уни хизматга таклиф қилдим.

— Нима учун?

— Бизга фойдаси тегиши мумкин.

— Нима, у хаёлпарастми?

— У — ҳеч ким эмас. Лекин у керакли сўзларни кичкирадиган одам. «Мен ўрта табақа кишиси даҳонинг башарасига тупуриши ҳуқуқи учун ҳамда аблаҳларнинг ва фахшпарастларнинг ҳуқуқи учун курашаман!» — дея оладиган мараз биз учун кўп иш қилиб бера олади. Камина унга озроқ ақча ҳам берди.

— Унинг исм-шарифини нима дединг?

— Унинг ҳамма маълумотларини қайд этиб, ҳужжатларини ҳам олиб қўйдим. Унинг насаби Мюрже.

— Қойил! Ўрис подшонинг айғоқчиси! Уерда яна кимлар бор эди?

— Нодйе ҳам ўша ерда экан.

— Адабиётчими? У нималарни вайсади?

— Униси газчиноқларга қарши ташвиқот қилди.

Ҳоким энди росмана жонланиб кетди. Қўзидаги уйқудан асар ҳам қолмади. Ҳоким оромкурсига яхшилаб ўрнашиб олди.

— Буёғи қизиқ бўлди-ку?! Энди Сорбонна билан тиббиёт қуллиёти зукко талабалар илм оладиган масканга эмас, захарли илонлар ва сассиқ бақалар урчийдиган балчикзорга айланибди. Улар ғирт дахмаза бўлишибди: агар театрни қўриқлаб турмасанг — улар ўша ерда бир-бирларини сўйил билан уриб, ўлакса қилиб ташлашади, гоҳо салгина безътибор қолдирсанг — бармоқларига темирмушт кийиб олиб, жаноб де ла Круанинг устахонасида ўзаро башара мажақлашга киришиб кетишади. Баъзан эса Италия истироҳат боғида қизлар билан жанжаллашиб, уларнинг қўйлақларини йиртиб ташлашади. Уларни мунтазам назоратда тутинг, назоратда! Нозир жаноблари айтган сўзлар айни ҳақиқат: «Бугун улар шунчаки хаёл-парастлардир, эртага эса ашаддий исёнчиларга айланишади». Лекин ёш Мюржега ишонса бўлади. У бизга ҳам, Петербург айиғига ҳам бирдай хизмат қилаверади. Унга пул тўланса бас — кимга малайлик қилишнинг фарқи йўқ!..

— Ори рост, — деди айғоқчи, — жаноб нозир айтганидай: «Францияни социализм балосидан фақат диний акиданома қутқариши мумкин».

— Қараб турсам, сен росмана файласуфга айланиб қолибсан! — қойил қолди ҳоким. — Мен сизларнинг жосуслик бўлинмангизни кадрлайман. Мюрже биз учун тайёр шўрвабоп балик! Хўп, энди айт-чи, Нодйе у ерда нималар деди?

— Нодйе янги йил байрами муносабати билан Тинчлик кўчаси ҳамда Вивйен мавзесини газчиروқлар билан ёритишга қарши гапларини яна такрорлади. У жазавага тушиб кичқирганича, захарли газларнинг касофатидан дарахтлар қовжираб қолаётганини, кўзни камаштирувчи бу лаънати чироқлардан чиқаётган шаффоф ва кўзга кўринмас захарли исдан қаҳвахонадаги сувратлар ҳам қорайиб кетаётганини айтди. Отлар йўл ўртасида қазилган чуқурларга қулаётганмиш, чунки ёркин газчироқлар уларнинг кўзини кўр қилиб қўяётган экан.

Ҳоким тўра чармжилдини қовлаштириб, ичидан кўк муқовали катта дафтар олди.

— У — ғирт тентак, — деди жосусига, — қарангки, водородни тақиқлаш тўғрисида ҳукуматга талабнома топширибди.

Ҳоким талабнома ёзилган дафтарни варақлай бошлади. Ҳосус ундаги Нодённинг имзосини дарров таниди.

Талабноманинг муаллифи Париж кўчаларини ўзининг захарли нури билан қамраб олаётган водород бошкентдаги ёнғинларга, вабога, исёнларга ва, ҳатто, Мисрдаги ўн кишининг қатлига ҳам сабаб эканини ёзганди.

Тонгги соат тўртда бу айғоқчи масихийлар ташкилотининг миршаббошисидан ҳам махфий топшириқ олиб улгурди.

## **Йигирма саккизинчи боб**

### **ИККИ КЎЗГУ АКСИ**

Алҳол, Паганини Парижга кириб келиши биланок, икки миршабхона назорати остига олинди. Сиёсий ва Жиноий полицияларнинг ваколатлари ҳали етарли даражада аниқ белгилаб қўйилган бўлмаса-да, улар ўртасидаги рақобат аниқ кўзга ташланиб турарди. 1827 йилда Париж Видокининг ўрнига келган Коко Лақурни бежизга «дастёр тўра» деб аташмасди. Катта жиноятчиларни тутиш учун майда жиноятчиларни ишга жалб этиш одати туфайли у полициянинг сиёсий фаолиятига янги услубларни жорий этиш истагидаги жаноб Жискенинг нафратига дучор бўлганди. Лекин оқибатда Жиске барибир мағлубиятга учради. Чунки махфий миршаблик назорати соҳасида Луи Филипп ҳукумати ўша эски, синалган йўлдан бориб, ёшларни ўзига жалб этувчи исловотхоналар очиш, айғоқчи ифвогарлар бўлинмаларини тузиш билан шуғулланишда давом этаверди.

Коко Лақур 1817 йилда қайта тикланган Бурбонлар подшоҳлигининг сиёсий рухига тўла мос келувчи кайфият ила жонини хатарга қўйган ҳолда «бахташ таваккал» қилиб, полиция бошлиғи д'Англезга жосуслар гуруҳини тузиш ҳақида таклиф берган Видок гоёсининг садоқатли давомчиси эди. Видок бу гуруҳнинг мутлақ ўз тобелигида бўлишини шарт қилиб қўйганди. Видок асли катта ўғрилар тоифасидан бўлгани боис, унинг биринчи қадамлари фавқулодда муваффақиятли бўлди. Видок ўғрибошилиқ мавқеидан лаззатланар, қонун томонидан афв этилгач, ўзининг собиқ шерикларини одил ҳукм



қўлига топшириш билан шуғулланаётган собиқ махкум нуфуздан завқ олмоқда эди. Коко Лакур ҳам худди устози сингари ўз ишини киссавур босқинчилардан ҳаракатчан гуруҳ тузиш билан бошлади. Жиске унга қанчалик қаршилиқ кўрсатмасин, барибир таслим бўлишга мажбур эди. Боз устига, миршабхона бошлиғи сифатида Жиске-нинг ўзи ҳам ички ишлар нозирлигида хавфли сиёсий жинойтчилар тайёрланадиган яширин бўлинма ташкил этганди.

У ердан чиққан сохта сиёсий арбоблар энг ғаройиб номлар билан юритиладиган, энг қалтис дастурларга эга бўлган ноқонуний жамиятларни ва уюшмаларни ташкил этар эдилар. Уларнинг фаолияти эса полициянинг тирикчилигини таъминлар эди. Бу тадбирлар камхаржгина бўлиб, сиёсий қидирувнинг олтин даврини бошлаб берди.

Парижнинг махфий турмушини ва Франциянинг яширин ҳаётини акс эттирувчи иккинчи кўзгу ҳам мавжуд эди. Бу кўзгунинг акси аниқроқ ва тиниқроқ кўринарди. Лекин бу ғаройиб кўзгу венециялик тажрибали кекса кўзгусозлар сайқаллаб, симобли қотишма билан қоплаган ойна эмас. Бу кўзгунинг асл номи «сиёсат» эди.

1829 йилда Роотаан масихийлар ташкилоти генерали бўлди. Бу бешафқат, тунд, ниҳоятда мулоҳазакор голландиялик яшин тезлигида сиёсий жараёнларга аралашиб, кутилмаган томондан ажаловар зарбалар беришнинг ҳадисини олгандики, бундан Оврўпанинг энг закий сиёсатдонлари ҳам гангиб-гарангсиб қолаверар эдилар.

Фуқаро кийимини кийиб олган масихийлар жўнатмалар идорасига ҳам жойлашиб олишганди. Уларнинг исм-шарифлари, хатто «қора маҳкама» рўйхатларида ҳам учрайди.

Карл X очик-ошқора мустабидлик йўлидан юришни бошлаган 1829 йилда нозир Виллел «Қора китоб» деб ном олган рўйхатни чоп этиради. Луи Филиппнинг ҳукумати зудлик билан қора маҳкамани яширин ҳолатга ўтказди. Виллел нашр этган қора китоб шунчаки уйдирма эди, деб эълон қилинади. Июль инқилоби гўёки қора маҳкамани йўқ қилган эса-да, лекин аслида у яширин равишда бошқа бинога қўчирилди, холос. Янги манзилда ҳам барча муҳрларнинг нусхалари, ҳужжат варақаларининг қўчирма нусхалари, барча ранглардаги сурғучлар, барча нозир-

ликларнинг хос хатжилдлари, фаранги аслзодаларнинг рамзли тамгалари ҳамда фаранги банкларнинг тўлов в-ситалари олдиндан тайёрлаб қўйилган эди. Мактублар ўз эгасига дахлсиз ҳолда, хатжилди очилмасдан етказилар, махфий ишлар бу муассасада яхши уюштирилган эди.

1831 йилда Париж судида Сорбоннанинг эътиборли профессорига турмушга чиққан маркиза Лавальернинг иши кўрила бошлади. У профессорнинг қора маҳкама раҳбарларидан бири эканини билиб қолиб, ажрашишни талаб қилади. Суд томонидан иш маркизанинг фойдасига ҳал этилганига қарамасдан, Париж бош роҳиби ҳам, Рим консисторийси — черков маъмурий ишлар кенгаши ҳам ажримни тасдиқламайди. Масиҳийлар ташкилотининг қонуний мавжудлиги ҳолатидан фақатгина мактаблар ташкил қилиш учун, ташкилотнинг мол-мулкани бошқариш учун фойдаланилар эди. Аммо масиҳийларнинг амалдаги ҳақиқий қудрати, ушбу улкан, барча жойларда мавжуд бу жамъиятнинг бойликлари, яширин таъсир дастаклари нафақат кенг оммадан, балки ташкилотнинг паст даража аъзолари учун ҳам сир тутилди.

Италия карбонаризи бу ташкилотга қарши кураш бошлаган вақтда, ҳатто ўзи ҳам бу яширин ва қўрқинчли душманга қарши биров бўлсада муваффақиятлироқ жанг олиб бориш учун масиҳийларнинг темир интизомини ўзлаштиришга мажбур бўлганди. Иезуитизм — масиҳийлик Оврўпанинг баданидаги саратон ўсмаси эди; Римнинг диний фаолияти фалажланиб қолган пайтларда улар шишиб, ўсиб, етилиб, мутлақо мустақил бир тузилмага айлана олишга қодир бўлган кўзга кўринмас ғоявий-амалий ришталарни ва тармоқларни ёйиб юборишга тайёр турардилар. Парижнинг яширин ҳаётини акс эттиргувчи бу иккинчи кўзгу Луи Филиппнинг махфий полицияси фаолиятининг ҳам ифодаси эди. Аммо унинг ўзи, фукаровий-дунёвий ҳокимиятнинг барча саъй-ҳаракатларига қарамасдан, ҳукумат назорати доирасидан ташқарида эди.

Паганини Парижда алоҳида кузатув остида эди, унинг қиёфаси акс этиб турган ижтимоий-диний-сиёсий кўзгуларда эса унга дахлдор одамларнинг ҳаммаси тизилишиб ўтиб турарди.

Қунларнинг бирида д'Анфер кўчасида нозирликнинг вакили пайдо бўлди. Бу ҳақда ҳоким ва жаноб Жиске би-

лар эдилар. Эртаси куни эса шифокорлар, мусикачилар, адабиётчилар, мусаввирлар, шоирлар ташриф буюришди. Мана, собиқ нозир, Франциядаги барча дилижанслар — кўп ўриндиқли хос аробалар эгаси, Оврўпадаги энг йирик банкнинг соҳиби жаноб Лаффитнинг ҳам кўшкаробаси келиб тўхтади. У скрипкачининг хузурига нима учун келди экан? Э, суҳбат шунчаки арзимаган иш ҳақида бўлди: жаноб Лаффит скрипкачини ўзининг қўноқхонасида тинглаш истагида экан. У шунчаки йўл-йўлакай ўтиб кета туриб, ажойиб болакайни — жаноб Никколонинг ўғилчасини Пассига ёки Булон ўрмонига сайр қилдириш учун ўзининг очиқ кўшкаробасида олиб кетмоқчи бўлибди, холос: ғаройиб баҳор ҳавоси боланинг саломатлиги учун кони фойда.

Бошларига патлар қадалган, ўрусия чармидан абзал тортилган бир жуфт мафтункор араб тулпорларининг туёқлари тош йўллари қаттиқ тарақлатиб бормоқда. Жаноб Паганини, митти Ахиллино ва Лаффит афанди тўрт ўриндиқли усти очиқ кўшкаробада елиб боришмоқда. Лаффит янги ҳукуматнинг ташки сиёсатидан ҳазар қилгани учун ҳам нозирликдан кетганини очиқ айтиб қўя қолди. Қиролни ниҳоятда ҳурмат қилгани ҳолда шунини айтмоғи лозимки: подшоҳ Луи Филипп ҳар ҳолда қандайдир ғаразли кимсаларнинг қўлида ўйинчоқ бўляпти.

— Камина эса қўзғолонларга хайрихоҳ, — жиддий бир оҳангда эътироф этди Лаффит. — Камина, ҳатто сизнинг ғаройиб мамлакатингизга кўмак бериш тарафдори ҳам бўлган. Италияни аллақачон ёввойиларнинг чангалидан қутқариш керак эди!

Сайр ҳам поёнига етди. Паганини жаноб Лаффитнинг уйида меҳмон бўлмоқлик таклифини рад этди. Жаноб Лаффитнинг котиби Гарриснинг қўлини қисиб қўяр экан, тилёғлама бир оҳангда жаноб Паганинининг барча маблағини, бор пулларини, Паганинининг киссасига оқиб кираётган барча Париж олтинларини мухтарам афанди албатта жаноб Лаффитнинг банкига жойлаштириши лозимлигини, фақат шу банк салмоқли фоиз тўлашини айтди.

Ўша куни оқшомда Гаррис жаноб Паганини билан шу мавзуда сўзлашиб ўтирган пайтда ҳокимга ҳисобот етказиб турган жосус бу сафар бошқа жойда, бошқа идорада хабаркашлик қилмоқда эди. Кўча юзида «Нотариус Брач-

чолини» деб ёзилган лавҳа осифлик. Ёзув мизи турган кичкина бўғик бир ҳужрача. Тамаки иси бурқсиб ётибди. Ҳужрада икки нафар ташрифчи-ю, иккови билан бирваракайига гаплашаётган дастёр ўтирибди. Аммо учта хона нарида, дахлизнинг ичкарироғида жуда жўн жиҳозланган яширин хона бор: биргина миз, битта курси, торгина ёғоч кат, тоғора ва сув тўлдирилган кўза, кат тепасида каттагина хоч. У ерда нигоҳи синовчан бир қария хонадаги ягона курсида ўтирганича, айғоқчининг айнан Париж ибодатхоналари вайрон қилинган ва бош роҳибга тегишли кошоналар бузилган дахшатли кунда Паганини бошкентга кириб келгани ҳақидаги ҳисоботини тингламоқда.

Оқсоч қариянинг ёнида юзи ғазабдан ва аламдан гезариб кетган ёвузбашара Нови турибди. Унинг қария билан узундан узоқ мунозараси жосус келиши билан узилиб қолганди.

Чолнинг Паганинига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ. Исковучнинг хабари ҳам унда ҳеч қандай нохуш таассурот уйғотгани йўқ. Лекин у Нови жазавага тушиб уқтираётган айбловларнинг қандайдир бирор тасдиғини илғаб олишга сидқидилдан уринмоқда.

Нови Парижга нима учун келди экан? Новининг қандай ваколатларга эга эканини сўраш ҳам ноўрин — улар шундоққина кўзининг олдида турибди: бу — ёзма фармойиш бўлиб, унда Нови исм-шарифларини ёддан биладиган кишиларнинг васиятномаларига эга бўлиш воситасида ташкилотнинг даромадларини кўпайтириш вазифаси топширилгани қайд этилган. Паганинининг ташрифи тафсилотлари қарияга яхши маълум. Уни бошқа нарса қизиқтиради: Нови манави изқувар билан қачон кўришиб улгурақолди экан? У Новига синчковлик билан тикилади, аммо ўзи бирор хато қилиб кўйишдан кўрқади. Айғоқчи «қора гуруҳ» деб ном олган янги тўданинг фаолияти ҳақида хабар беради. Фаранги темир усталари, темир-терсак сотувчилар, антиқафурушлар, гулқоғозчилар, пардачилар қандай қилиб тўсатдан нақ Парижнинг ўзида қадимий чорбоғларни, қасрларни, аслзодалар томонидан ташлаб кетилган кошоналарни сотиб олишга ва шамол тезлигида уларни бузиб ташлашга маблағ топақолдилар экан? Бунинг бошида ким турганини, бу ишлар кимнинг пулига қилинаётганини зудлик билан аниқлаш керак.

— Сен хотиржам бўлишинг учун нима қилмоғимиз керак? — сўради қария, Новига мурожаат қилиб. — Мана, менинг олдимда ўша скрипкачингнинг барча сафарларининг йўл харитаси. Сенинг фикрингча, унинг барча саёхатлари карбонарийларнинг фаолияти билан боғлиқ; сен зўр бериб тасдиқлашингча, Фонтана Пино — карбонарий. Аммо Паганинининг ўзи бу танишликдан қандай мақсадларда фойдаланган? У, мактубларининг кўчирма нусхаларига қараганда, шунчаки Париждаги вазиятни билмоқчи бўлган — шу холос. Мен ҳар холда Париж сафари унга анчагина олтин келтиришига умид қиламан. Унинг мол-давлати ортиб бораверади, бизнинг ихтиёримизда эса бу олтинларни ташкилотимиз хазинасига йўналтириш учун ҳали кўп йиллар бор. Ажаловар зарба бермасдан туриб ҳам уни қаттиқ кўрқитиш учун биз ҳар доим етарли имкониятга эгамиз. Биз ҳар қандай одамни бир умр азоб-уқубат нонини ейиш ва даҳшат-ваҳима сувини ичишга мажбур этмоқликка қодирмиз. Париж шифокорлари буткул бизнинг ихтиёримизда. Парижнинг энг нуфузли судлов хизмати шифокори Жорж Бенуа Фодере ҳар қачон фақат биз буюрган топшириқларнигина бажаради. Шифокорлар Ростан, Крувелёе ва Ласег — руҳиятни, қалбни даволовчи буюк ҳакимлардир...

— Тўғри, — унинг гапини бўлди Нови. — Лекин, модомики анави Урбани лаънати Паганинининг ёнида экан, бизнинг саъй-ҳаракатларимиз зое кетаверади.

Қариянинг кўзлари бирдан нурсизланиб, улардан ҳеч қандай маъно уқиб бўлмай қолди. У қўл силтаганича, Новининг сўзларини жавобсиз қолдирди.

— Одамларни гуноҳ ва хирсу фаҳш воситасида бошқармоқ керак, эзгулик билан уларнинг тақдирига эғалик қилолмайсан, — фикрини баён қилди қария. — Жамиятни кичик-кичик гуноҳларга ўргатиб, бизнинг манфаатимизга мувофиқ келмайдиганларини йўқотиб бориш ҳам мумкин. Ўша скрипкачи қай бир хирсу ҳавасни ҳамма нарсадан афзал қўради?

— Бу иблис ҳамма эхтирослару барча гуноҳларга бирдай сиғинади.

Қария норози бош силтаб қўйди:

— Сен ёш боланинг гапини гапиряпсан. Эркакка ўхшаб бундоқ жиддий ва асослироқ сўзла. Сен черков-

нинг тажрибали ўғлонисан. Қани, айт-чи, Паганинига таъсир ўтказиш учун қандай чора кўрмоғимиз жоиз? Агар у қирол лашкарининг зобити бўлганида эди, биз унинг ҳарбий ғурурини топтайдиган овозаларни тарқатган бўлур эдик. Мабодо у руҳоний бўлса, бундоқ кимсани шаккокликда айбламоғимиз мумкин бўлурди. Лекин одам шунчаки скрипкачи, оддий созанда бўлса, бундоқ кишига қарши қандай тадбир қўллаган маъқул?

— О! — хитоб қилди Нови. — Нима қилиш мумкин, деяписми? Биз уни матбуотда ўласи қилиб ҳақоратлашимиз мумкин. Биз унинг томоша беришини қийинлаштирамыз. Унинг руҳини шунақанги тушириб қўямизки, ҳатто камончасини қўлида тутиб туришга ҳам ҳоли қолмасин! Биз Париж газеталарига ва журналларига арзимаган ҳақ тўлаб, Паганинининг истеъдод булоғи қуриб битгани ҳақида айюҳаннос соламыз. Паганинининг ижодини камситувчи мақолаларни пешма-пеш бериб туриш мумкин. Биз тахририятларга журналларнинг махсус сонини чоп эттиришни буюрамыз, унда тентак ва бефаросат муҳбирлар Паганинининг таржимаи ҳолини ёзишади, унинг аҳмоқона расмларини жойлаштириб, гўёки у ётган қамоқхона манзараларини, унинг жазманлари акс эттирилган сувратларни нашр эттиришади. Бу билан биз унинг қаҳр-ғазабини кўзимизга кўзимизга. Ҳар қандай уста созанданинг доҳиёна устуворлигидан кўра, танқидчининг телбавор ифвоси таъсирлироқ бўлади. Такризчининг тухматини тез кечириб кетишади, лекин истеъдод соҳибининг даҳосини эмас. Тушунинг, ҳазрат ота, биз фақат шу йўл билангина унинг Париждаги фаолиятини йўққа чиқаришимиз мумкин!

Қария жаҳл билан ўрнидан туриб кетди.

— Бўтам, сен яна эски дийдиёингни бошлаяпсан, — деди у насихатомуз бир оҳангда. — Менга ташкилот томонидан берилган ҳуқуққа таяниб, сенинг Паганинига зарар етказиш ҳақидаги фикрингдан қайтишингни буюраман. Унинг Париждаги концертларини йўққа чиқариш бизнинг қатъий режаларимизга кирмайди. Боз устига, биз ундан ташкилотимизни фавқулдда қизиқтирувчи бир муҳим шахсни ясамоқчи ҳам эмасмыз. Сенинг илқингда Паганинини тақво йўлига йўналтирмоқ учун муқаддас черковимиз руҳсат этган барча услублардан фойдаланиш ва унинг беҳисоб мол-давлатини ташкилот мулкига айлан-

тириш тўғрисидаги бевосита фармойиш бор. Энди жўна. Бурчингни адо эт.

\* \* \*

«Отелло» операси томошасидан кейинги бутун кун давомида Паганини устозининг сўзларини ўйлаб юрди. Малибран уни ўзига шайдо этиб қўйди. Парижнинг муסיқа маданияти нақадар юксак даражаларга кўтарилганини намойиш этган бу опера уни хис-хаяжонлар оламига ғарқ этди.

Паганини театрда Россинини кўрди. У олисдан таъзим бажо келтирди-ю, лекин Никколонинг ёнига келмади. Чунки Паганини Пайер билан ёнма-ён ўтирганди.

Паганини мўъжазгина ёндафтарчани varaқламоқда. Унда муҳим ёзувлар қайд этилган: Лафоннинг манзилини аниқлаш, Даморо хонимга таклифнома ёзиб жўнатиш. Кейинги varaқларда Пайердан олинган маълумотлар ёзиб қўйилган: Лора Синтия Даморо – Монтерланнинг қизи, ўттиз ёшда, сахнада «Чинти» тахаллуси билан куйлайди. У ҳақда Россинидан сўраш. Обер ўша қўшиқчи аёл учун «Қора домино» операсини ёзган экан.

Жаноб Паганини Чинти хонимга ҳамкорликда концерт ўтказиш таклифи билдирилган мактубни энди жўнатмоқчи бўлиб турган пайтда эшик тақиллади. Урбани Париж консерваторийсининг дастёри билан бирга кириб келди. Дастёр Пайердан хат келтирибди. «Бугун оқшомда аъло хазратлари Пала Роялда сенинг ижроингни тингламоқчилар. Парижни забт этишингни шу ердан бошлаймиз. Сенинг ғалабангга ишонаман».

«Азизим жаноб Фернандо, — хаёлга толди Паганини, — камина сизни нафақат устоз, балки ажойиб инсон деб ҳам бажизга айтмаганман». Лекин уни саройга таклиф этмоқда эдилар. Италия эрки учун қайтадан қирғинбарот уруш бошланган бир пайтда унинг подшо саройига бормоғи жоизмикан? Бу борадаги қарор бир лахзада қабул қилинди. Қинғир-қийшиқ қисқа сатрлар Паганинининг тўсатдан бетоб бўлиб қолганлиги унинг қирол таклифини қабул этмоқлигига монелик қилаётгани ҳақида Фернандо Пайерга хабар етказди.

Паганинининг номини ифтихор ила, ундов белгилари билан ёзиб, кўкларга кўтарган газеталар бирданига уни

эслашга рағбат қилмай қўйдилар. Бир-икки кун ўтиб эса италияликнинг бениҳоя такаббур экани хақида нордонгина мақолалар чоп этила бошлади.

Пайер хонада у ёқ-бу ёққа юрганича, аччиқланиб, деди:

— Энди муваффақиятингга кафолат беролмайман. Парижга кела солиб биринчи қилган ишинг қиролни ранжитиш бўлди. Сен қилган биринчи номақбул иш шу бўлди.

Кекса скрипкачининг ҳали буришиб улгурмаган юзида қариликнинг биринчи ингичкагина ажини пайдо бўлибди, у аччиқ танбехларини айтаётган пайтида кўзлари шиша мисоли нурсиз кўринди.

Паганини ўз ўй-фикрларидаги сўзларни устозига қандай билдирсин? Лекин Пайер унинг фикрларини ўқиб олгандай бўлди:

— Луи Филипп ватанимизга кўмак беришни истамагани учун ҳам унинг таклифини рад этдингми? — у ёш болага ўхшаб, Паганинининг қулогига энгашганича пичирлаб сўради. Кейин эса қадини тиклаб ўз-ўзига гапиргандай, эътироз билдирди: — Лекин мен Баварияга қилган ташрифларинг хисоботини ўқигандим. Тегернзее қасрида Бавария қироличасига скрипка чалиб бергансан!

Паганини сукутда эди.

— Мен сизга чиндан айтяпман, шу кунларда бетоб эдим, — ниҳоят тилга кирди у.

«Луи Филипп, — хаёлидан ўтказди Паганини, — бу — каринйалик кўппакнинг такрорий хоинлиги!». У ҳозир ўзини ҳар доимгидан кучлироқ бир туйғу ила италиялик хис этмоқда эди.

— Энди гап бундоқ, — сўзида давом этди Пайер. — Мен дирижёримиз Габенек билан сўзлашиб қўйдим. Бугун Париж томошахоналарини айланиб чиқасан-да, скрипка қайси бирида яхши жаранглашини аниқлайсан.

Олти кун илашлар билан ўтиб кетди. Аммо гап энди томошахоналарнинг яхши-ёмонлигида эмасди.

Ҳар сафар, Паганини силласи қуриган ҳолда кўшкаробадан тушиб, устозининг хонасига кўтарилар экан, тахминан қуйидаги мазмунда суҳбат бўлиб ўтарди:

— Қани, гапир-чи.

— Тополмадим. Гаррис билан бутун Парижни айланиб чиқдик. Битта томошахонада тиббиёт куллиёти талаба-



лари билан фоҳишалар зиёфат уюштиришаётган экан. Улар ўн тўртта оркестр билан уч кеча-кундуз бетўхтов ўйин-кулги қилишармиш. Бошқасида эса дунёга машхур пианиночи Пласко концерт бераркан.

— Қанақа Пласко? — Пайер ҳайратдан икки қўлини кенг ёйди. — Бунақасини ҳатто эшитган ҳам эмасман.

— Учинчи бир концерт саройида хинд сеҳргари итнинг ўлигини тирилтириб томоша кўрсатади; тўртинчисида «Йўқотилган ёшликни қайтариш» жамиятининг йиғилиши бўлар экан; бешинчисида эса сен-симончилар тўпланишиб, аллақандай Анфантеннинг маърузасини тинглашармиш. Биз мурожаат этган олтинчи томошахонада бекиёс даҳо, машхур скрипкачи Афродито барча париждликларни лол қолдиргувчи концерт тайёрлапти, дейишди.

Пайер жаҳлдан ёзув мизини қаттиқ муштлади:

— Бу яна қанақа тентаклик? Бу Афродито дегани қайси гўрдан пайдо бўлибди?

Паганини сўзида давом этди:

— Бошқа томошахоналарда эса Винол маъруза ўқиб, ўзини жаҳон драматургиясининг доҳийси деб эълон қилдиган экан. Сабле ўзининг Видок ҳаётидан олинган янги романини ўқиб бериши керакмиш.

— Нималар бўляпти ўзи? — ҳайқириб юборди Пайер.

— Дйукло деган биттаси эса Шекспирнинг тентаклиги ва истеъдодсиз эканлиги ҳақида нутқ ирод этарканмиш.

— Мана шуниси томошаларнинг энг зўри бўлибди, — энсаси қотиб кетди Пайернинг. — Аллақандай ит танимас Дйукло дегани тўсатдан пайдо бўлиб қолсин-да, ўзининг Шекспирдан кўра машхурроқ эканини эълон қилсин. Бу фитналарнинг охири борми ўзи ё йўқми? Сен-чи, бирор бино тополдингми ахир?

Паганини қўлини орқасига қилганича, ноумид бир аҳволда турарди.

— Азиз устоз, сиз Парижда беназир истеъдодлар қайнаб-тошиб ётганини каминадан яширибсиз, чоғи. Даҳо скрипкачиларнинг бу ерда сон-санови йўқ эканини ҳам мендан сир тутибсиз.

7 март куни ҳам етиб келди. Катта опера театрининг дирижёри этиб тайинланган жаноб Верон 9 март куни театрни Паганинининг ихтиёрига топшириши ҳақидаги хабар билан Пайер томонидан жўнатилган дастёр жаноб

Паганинининг эшигини узоқ вақт тақиллатиб турди. Ичкаридан ҳеч қандай жавоб бўлмади. Вақт кундузги соат иккидан ўтганди. Дастёр ниҳоят пастга тушиб борар экан, бир болакай билан чўкки соқолли қарияга рўпара келиб қолди. Уларнинг ортидан қора сочли новча италиялик ва кекса аёл кўринди. Дастёрнинг Паганини яшайдиган хона эшиги томондан келаётганини кўргач, уни тўхтатишди.

— Сизга эшикни ҳеч ким очмадим?

Гаррис, Урбани ва кекса хоним бир-бирларига қараб қўйишди.

— Сизлар ҳам жаноб Паганинининг ҳузурларига кеп-сизларми? — сўради дастёр.

Гаррис чўнтагини титиб, калитни топди-да, тез эшикни очиб, ичкарига ошиқди.

— Нахотки у жўнаб кетган бўлса? Ахир эрталаб ўрнида ётганича, уни уйғотмаслигимизни сўраганди-ку?!

Жаноб скрипкачининг хонаси эшигини очиб, унинг ёзув мизи ёнида чўзилиб ётганини кўришди. Боши ноқулай бир ҳолатда деворга тиралиб қолганди. Бўйни нотабий аҳволда эгилиб қолган. Скрипкаси шундоққина ёнига тушиб ётарди.

Ахиллино дод солганича хонага отилиб кирди. Энага Вейсхаупт ваҳимада қўлларини бир-бирига уриб шапил-лата бошлади. Урбанининг аламдан тишлари гижирлаб кетди.

— Докторни чақиринг, тезроқ докторни чақиринг! — қаттиқ бақирди Гаррис.

Урбани шошганича зинапоя томон югурди.

Дастёр мактубни миз устига қўйди ва ҳамдардлик билан деди:

— Мен ҳозирок академик жанобларига хабар бераман ва биз зудликда шифокорни олиб келамиз.

Шифокорлар бирин-кетин кела бошлашди, лекин бирортаси ҳам ўлим ҳолатини қайд этгани йўқ. Унинг аҳволи жуда ғалати эди. Бу беҳушлик на ўсалликка ўхшарди, на сунъий ҳосил қилинган уйқуга. Аммо ажал аломати ҳам эмасди. Хонада ёқимсиз бир ширин-чучмал ҳид тарқалган бўлиб, ундан кишининг боши айланарди. Урбанининг биринчи қилган иши — югуриб бориб, деразани кенг очиб юборди.

Уқалаш, муз босиш, иситиш — ҳеч нарса ёрдам бермади. Ёш шифокор Жан Крувелйе беморнинг тишларини пичоқ билан йириб очди-да, оғзига бир неча томчи қандайдир суюқлик томизди. Уч дақиқача вақт ўтди. Паганини кўзини очди. Крувелйе Урбанини бир чеккага чақирди ва узоқ муддат ундан нималарнидир сўраб-суриштирди. Кейин эса Паганини тилга кириб, заиф овозда биринчи бўлиб айтган гаплари егулик сўраш бўлди. Шифокор тезда беморнинг ёнига келди ва томир уришини текшириб, уни хотиржам қилди:

— Мана, энди сиз хавфдан буткул холисиз. Мен ҳам кетсам бўлади.

Гаррис шифокорнинг кўнглини оғритмайдиган бир оҳангда унинг хизмат ҳақи қанча бўлишини сўради. Крувелйе бош силкиб жавоб қилди:

— Ҳеч нарса шарт эмас. Фақат биргина илтимосим шундан иборатки, менинг текширувларим ниҳоясига етмасдан туриб бу ғалати ходиса овоза қилинмай турса. Бундан ташқари, камина ўз камтарона хизмати эвазига устоднинг скрипка кўйиладиган ёстикчасини олмоғига изн берилса шоён миннатдор бўлурди. Мусика санъатининг шундоқ фаройиб зийнاتини кўриб турганимдан бахтиёрман.

Бу сўзлар шунчаки одатдаги оддий такаллуф оҳангида айтилгани боис ҳеч ким бу илтимосга ҳайрон бўлмади. Гаррис елка қисиб кўя қолди. Жаноб Паганини эса бу ғалати шифокорнинг ушбу тилагини қондирмоққа бажонидил розилик берди.

Паганини ўзига нима бўлганини эслай олмади. Шунинг учун нимани айтишни ҳам билмади. Фақатгина атрофида қандайдир ғалати жарангни эшитганини ва шундан сўнг ихтиёрсиз равишда уйқуга кетганини айтди. У ўзи учун чалинаётган мотам куйини эшитибди ва дунёни эрта тарк этаётгани учун ўз-ўзига таъзия изҳор этибди.

Унинг бу сўзларни ҳазил оҳангида айтгани хавфхатарнинг энди ҳақиқатан ҳам ортда қолганидан далолат эди.

Кечкурун эса доктор Крувелйе кекса масихийнинг ҳузурида ўтирарди. У қора бахмалдан тикилган ёстикчани кўлида ушлаб турган кўйи деди:

— Гап нимада эканини бутун Парижда фақат каминагина айтиб бера олиши мумкин. Оддий бир тасодиф туфайлигина катта ўғрилиқ амалга ошмай қолди. Миршабхона айғоқчилари ясама калит билан скрипкачининг эшик қулфини очмоқчи бўлганларида, унинг яқинлари утилмаганда уйга қайтишган.

— Нима?! — қария хайратга тушди.

— Ҳозир ҳаммасини тушунтираман, — жавоб берди доктор Крувелёе. — Фикри ожизимча, Паганинини тунаб кетишлари лозим бўлган. Бу талончиликни Париж миршабхонасининг бошлиқлари уюштирганлар.

— Бундан мақсадлари нима?

— Ниятлари каминага номаълум. Фақат шуни биланманки, бундан икки ойлар муқаддам Суберан исмлиқ шифокор полиция қамоқхонасида бир моддани биринчи бор тажрибадан ўтказганди. Унинг таркиби ҳеч қандай оғриқсиз ва инсон танасига безарар тарзда одамнинг хотирасини, шуурини ва ҳиссиётини тўла йўқотган ҳолда уни ухлатиб қўяди. Доктор Суберан томонидан кашф этилган бу таркиб хлороформ деб ном олди. Мен ҳамкасбимнинг фаройиб тажрибаларида иштирок этганман. Бу янгиликни ҳозирча сир тутишмоқда. Ушбу кашфиётни буюк истиқбол кутмоқда, чунки у жаррохлик амалиётининг вазифаларини беқиёс даражада енгиллаштиради. Суберан бу ҳушсизлантирувчи модданинг сир-асрори соҳиби эканини миршабхона ходимларидан ва каминадан бошқа ҳеч ким билмайди. Миршаб мана шу ёстиқчани хлороформ билан намлаб, Паганинини ухлатиб қўйган.

— Ишқилиб скрипкачини қутқариб қолишга муваффақ бўлолдингизми?

— Шундоқ.

Доктор ғурур билан бош ирғаб қўйди.

— Полициянинг тутган йўллари жуда ғалати, — деди кекса масихий. — Ҳар ҳолда бу ишни пул учун қилишмаган. Балки жаноб Паганинининг бирор нарсаси йўқолгандир?

— Жаноб Гаррис бугун менинг ҳузуримга келиб, бир юз йигирма минг франк пул ўғирланганини айтди.

— У ҳолда бу талончиликнинг бизга қизиғи йўқ. Модомики, полиция ўғрилиқни ўзи амалга оширган экан, уни кимнинг бўйнига илишни ҳам яхши билади. Таш-

килотимиз интизомига биноан бу иш ҳақида сизнинг бирор кимсага маълумот бермоғингиз тақиқланади. Яна бир савол: айтишингиз бўйича, жаноб скрипкачи ҳушини йўқотган пайтда эшик қулфлоглиқ бўлган. Жаноб Паганинининг хонадони кимсасиз қолган пайтлар ҳам бўлиб турарканми?

— Унинг котиби айтишича, бундай ҳоллар бўлмайди.

— Тушунарли. Бу борада сизнинг тўла сукут сақлашингизни буюраман.

\* \* \*

9 март куни Катта опера театрининг улкан томошахонасида Паганинининг концерти бўлиб ўтди.

«Бу унутилмас оқшом бўлди», деб ёзишди францияликлар. Дунёнинг энг яхши томошахонаси мухлисларга тўлиб-тошди. Концертни сабрсизлик билан кутишди, сўнгги кунларда суҳбатлар фақат шу ҳақда бўлаётган эди. Ўша ғаройиб йилда шон-шухрат тожини кийган нимаики бор бўлса, барчаси Парижга дахлдор бўлганди — қирғинбарот жанг-жадаллар майдонида эришилган музаффариятдан тортиб, муаззам саройлар меъморларининг шарафланишигача; дунё шоирлари ва мусикачиларидан бошлаб, бошқа жабҳалар қаҳрамонларигача; яширин карбонарийчилик ҳаракатлари ташкилотчиларидан, токи яқобчилар қўшини юришларининг иштирокчиларигача — барча-барчасини бу шаҳар ўзига оҳанрабодай тортарди.

Паганини ҳам ўзининг шу шаҳарга тақдим этиш орзусидаги янги концертини ташкиллаштирар экан, энди ўз даҳосининг бутун қудратини, бор руҳий қувватини товушларга нисор этмоғи лозимлигини яхши биларди. У бутун томошабинлар оммасини ўз истеъдоди сеҳридан таъсирлантирмоғи керак. Бу шаҳарга у шу чоққача ҳеч бир маконга бермаган санъат мўъжизасини тақдим этиши шарт. У юракларни бир неча дақиқа давомида урмай туришга мажбур этмоғи зарур.

Мана, унинг барча ҳаяжонлари унут бўлди-қолди. Эгилган, букилган, худди Помпея вайроналари остидан қовлаб олинган маймуннинг лой ҳайкали каби бу бесўнақай одам томошабинлар устидан минглаб қўнғироқчаларни сочиш билан машғул — кумуш, олтин, биринж ва пўлат оҳанглари каби жарангдор садолар. Томошабинларнинг

қаторлари оралаб куй оҳанги ҳақиқий шаббода каби эса бошлади. Кимлар учундир бу қадимий жомеъ черкови қўнғироқларининг шамоли эди, ёинким кўҳна қўнғироқхонага адашиб кириб, қўнғироқларни бонг уришга машбурлаётган гирдоб. Черков гумбази остига бостириб келиб, ўша ерни қўноқ тутган қушларнинг тинчини бузган қандайдир исён бўрони. Қушлар уйғониб, безовта қанот қоқишни бошладилар; бу қушлар уйқусираган кўйи чолғудан таралаётган қўнғироқчаларга ва қўнғироқларга тирмашиб қолишга уринадилар, уларга думчалари, тирноқчалари ва патлари билан тегиниб, янада кучлироқ жаранглашга мажбур этадилар. Зулматда тинчгина уйқуда ётган товушларга тумшук уриб, қўнғироқчалар мисоли жаранглатадилар. Қўнғироқхона уйқудан кўз очади. Кўп асрлик биринж қўнғироқ гулдурраги бу шовқин-суронга жўр бўлади, унга жавобан улкан жом бонги гумбурлайди... Бошқаларга эса бу товушлар саройларнинг деворлари остидаги қудратли портлашлар бўлиб эшитилади. Жанггоҳ истехкомлари зириллаб титрайди... Яна кимлар учундир бу оҳанглар сокинликда қанотчаларини енгил қоқиб, пирпираб турган шаъм шуъласи сари интилаётган капалакларнинг парвози бўлиб кўринади. Худди шундоқ — эшитилади эмас, кўринади.

Мана, скрипка туйқус иккига ажралади, садо таратиб турган бу икки скрипканинг ҳар бири яна ўнлаб скрипкаларга бўлинади. Мана, улар йигирмата бўлди, энди эса юзта. Сўнг минглаб скрипкалар куйлай бошлади. Гўёки хитой чиннисидан ишланган минглаб ҳайкалчалар чинни қанотчаларини жаранглатиб учиб юришибди. Гўёки шохидан либослар кийган чинни одамчалар Рамо ва Лулли минуэтларига рақс тушганларича бошқа чиний ўйинчоқларга тегиниб кетмоқдалар-у, улар эса жингир-жингир килиб ерга тўкилишмоқда... Қандайдир қўрқинч қичкиригидан рақслар беихтиёр тўхтаб қолади. Шохидарларича ортидан миллионлаб болаларини эргаштирганларича қоп-қора кўрсичқонлар чиқиб кела бошлайди. Улар ипак пардаларни ғажиб ташлайдилар. Бу ҳужумга ёввойи ўкириклар ва ҳуштакбозликлар жўр бўлади. Алланималардир қарсиллайди; ойналар синмоқда, кўчадаги чироқ устунлари ағдарилиб, қасрларнинг деворлари қулай бошлайди. Сўнгра совуқ бир довул ҳаммасини ер юзидан

сидириб кетади. Ва дафъатан скрипка оҳанглари поёни йўқ бир зафар таронасига, қўзғолган маздумларнинг жанговар қўшиғига айланиб боради — халқнинг юрагига нақадар яқин оҳанглар. Кейин эса теваракка бирданига мунгли, сокин оҳанглар тарала бошлади.

Бу мусиқа ўз тингловчиларини лорд Байронни эслашга ундайди, кўпчиликнинг хотирасида яқинда вафот этган шоирнинг хаёлчан сатрлари уйғонади:

Хузурбахш саҳарларнинг ол ранг шафақларини  
 Қаршилар эдим бот-бот зангор ўрмон четиди.  
 Қадим Адриатика долғаларин эслардим  
 Мафтункор Равеннанинг чекка хилқатларида.  
 Бу азал тамаддунга ажал хавфини солган  
 Румий Қайсарларга энг сўнгги манзил бу макон,  
 Яшиллик либосини кийган бокира ўрмон —  
 Боккаччиони, Драйденни шайдо этмиш бир замон.  
 Дарахтзор хилватида тушлар ҳам кечар ширин  
 Чирилдоқ қўнғизчалар рухни алдаб аллалар.  
 Қўнғироқ бонгига жўр бўлиб пишқиарар тулпор,  
 Барглар шитирлаб нотинч, уйғотар сукунатни.  
 Зулмат оралаб шу он елиб келар мен томон  
 Орзуимда яралган хаёлий мавжудотлар:  
 Жондорлар қуршовида афсонавий овчи ва  
 Оппоқ нур орасида самовий хур парилар<sup>1</sup>.

Сокин таронадан сўнг яна қўққисдан товушларнинг янги бир шиддатли бўрони бошланди.

Концерт саройида Франц Лист ҳам ўтирган эди. Кейинчалик унинг ўзи айтишича, у илк бора Паганинининг ижросини эшитган ўша кун бутун ҳаётини ўзгартириб юборган экан. У ўша куни театрдан гўё камолга етиб, улғайиб чиққан эмиш. Эртаси куни унинг ўзи концерт бериши керак эди. Лекин ўзининг куни кеча на ҳаёт ҳақида, на санъат борасида бирор нарса билишини англаб етибди. Бугун у энди бутунлай бошқа одамга айланганди. Қашшоқликда, ночорликда яшасанг ҳам, таъбир жоиз бўлса — бутун умринг сени тушунмайдиганлар орасида ўтган тақдирда ҳам фақат ижод билан яша, ижро услубинг шуурингда етилган ғояларингни тўла амалга оширишингни таъминлаб бера оладиган даражада такомилга

<sup>1</sup> Алишер Саъдулла таржимаси.

этгунга қадар ҳеч қандай концерт бера кўрма! Ўзининг сийқа ижросини эстрада бозорига ёки театр сахналаридаги кимошди савдоларига кимлар олиб борса борсин, кимлар бу каби томошалар ортидан тирикчилик қилиб, дабдабали турмуш шароитларига эга бўлса бўлсин, — лекин ўз ҳаётини қурбон қилиш эвазига асабларини ва юрагини ёндираётган мана бу телба скрипкачига скрипкаси қандок итоат этаётган бўлса, ўзига ҳам рояли шу даражада итоат этгунга қадар Лист энди концерт бера олмайди.

Лист учун Паганинининг бу концерти бир гулхан бўлди ва у мана шу гулхан алангасида ўзининг бутун муסיкий ўтмишини ёндириб кул қилди.

Унинг ёнгинасида эса бутунлай бошқа тоифадаги бир одам ўтирарди. Бу киши қатъий фикрли, эҳтироссиз тахлилчи Лудвиг Берне эди. Танаффус пайтида у ҳаяжондан бўғилиб, ҳатто гапиролмай ҳам қолди. У ёндафтарчасининг чарм муқовасини гижимлаганича, қаламини қоғоз устида асабий юргизганича ёза бошлади:

«Бу — шайтоний васваса. Мен бу каби талвасани ҳеч қачон кўрмаганман, эшитмаганман, хис этмаганман. Уни тинглаётганлар ҳам қандайдир телбавор ахволга тушиб қолганлар, зотан ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмас. У куй чалаётган пайтда нафас ҳам ололмай қоласиз, ҳатто кишининг ўз юраги уриши ҳам ўзининг эътиборини чалғитади. Ўз юрагинининг тегиши ҳам ғашингизга тегиб, асабингизни қақшатади. Бу оҳанглар бошланиши биланок, ҳаттоки ўз ҳаётингиз ҳам сиз учун ортиқча юк бўлиб қолади»

Кечқурун, уйига қайтгач, Берне ёзувларини давом эттирди:

«Ҳали ижро бошланмасидан, Паганини сахнада энди кўриниши билан гулдурос қарсақлар бошланиб кетди. Ҳар қандай рақс санъатининг ашаддий ғаними бўлмиш бу одам ўзининг ҳаракатларидан ўзи қандай орланишини бир кўрсангиз эди. Паганини худди маст одамдай гандиракларди, ўзининг оёғига ўзи қўполлик билан қоқилиб, қалқиб кетишларини айтинг. Қўлларини гоҳ тепага баланд кўтариб, гоҳ бирданига ташлаб юборади; кейин эса қаддини тик тутган қўйи ерга илтижо қилиб, осмонга ибодат қилиб, гўёки оғир дақиқаларда борлиқдан кўмак сўрагандай бўлади. Кейин эса қўлларини кенг ёзганича



тош қотади-да, ўзини хочга михпарчин қилгандай оғир бир ахволда қолади».

Бу сохир созанда мутлақо холдан тойган, овоздан қолган, митти Ахиллино эса меҳр билан унинг қўлларини силаб ўтирган бир пайтда унинг шон-шухрати овозаси бутун дунё бўйлаб ёйилиб бормоқда эди. Қироллик академиясининг Паганинини академияга аъзо этиб сайлаш тўғрисидаги қарори жаҳонга эълон қилинди. У Парижни ишғол этди.

«Бу одам ҳаётлик чоғидаёқ афсонага айланиб улгурди, деб ёзганди «Париж хабарномаси». Ҳар томондан олқиш, тасаннолар эшитилмоқда. Бу овозлар Паганинининг ижроси туфайли ўзларининг мусиқа оламидаги мавқеларидан айрилган одамларни талвасага солмоқда. Бу одамларнинг олдида энди биргина йўл — буюк скрипкачини жисмонан йўқ қилиш чораси қолган, холос. Аммо бу нарса барибир энди уларнинг ўтмишдаги шавъ-шавкатларини қайтара олмайди. Чунки башарият италиялик даҳонинг муваффақиятлари чексиз эканлигини кўрди.

Паганини — фақат чолғунинг барча сирларини ўзлаштириб олган скрипкачигина эмас, у — том маънодаги буюк артист, у ўз даҳосини намоён этишда скрипкадан шунчаки восита сифатида фойдаланувчи улғу санъаткор. Бу — ижодкор ва кашфиётчи, у — янги, номаълум дунёларнинг кашшофидир. Унинг санъатида скрипкани ўзлаштириш оламидаги мавжуд машаққатларни енгиб ўтишда инсоннинг иродасидан вужуд топгучи меҳнат азоблари кўзга ташланиб турибди.

Паганини дунёда фақат бир ўзигагина берилган, ўзигагина хос бўлган мақсад учун яралган ягона ҳодисадир. Унинг рақиблири эса ўзларининг «Аполлон каби гўзал бўлиб дунёга келиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди», деган ўша эски ақидаларига суяниб яшамоқликдан ўзга юпанч тополмасдан кун кўришга маҳкумдирлар. Паганинининг ижро услуби таҳлили унинг бармоқлари, панжаси ва биллак бўғимлари ғаройиб даражада ривожланганлигини кўрсатди. Бу — гўёки ҳавода ўз-ўзидан, муаллақ осилиб турган чолғу бўйлаб худди чакмоқ мисоли югуриб ҳаракатланаётган, ёинким буюк бир юракнинг давоми каби ҳис этмоқлик қобилиятига эга бўлган қўллардир. Бу — жонли бир инсон тилида гапира олгучи создир, бу

ўзига хос тил ҳаммага тушунарли, аммо уни фақат бир-гина шу буюк санъаткор сўзлатишга қодир, холос.

Паганинининг концерти давом этиб турган бир неча соат ичида Парижнинг Катта опера театри эшитган барча наволар моҳиятан инсон тафакқуридан юқори туради ва Паганинининг камончасини ҳамда скрипкасини фақатгина бир нарсага — борлиқ оламини инсонга тобе этмоқликка қодир бўлган сеҳрли таёқчага қиёслаш мумкин, холос.

Биз бу концертдан бебаҳра қолганларнинг барчаларига ачинамиз. Наҳот дунёда даҳолар шунчалик кўп учрасаки, биз уларга пешвоз югурмаймиз, бир лаҳзага бўлса-да, уларнинг намоен бўлиши мўъжизасига шохид бўлмоқликка интилмаймиз?! Наҳот бизнинг ҳаётимиз таассуротларга шу қадар тўлиқки, номаълум оламлардан учиб келиб, бизнинг бугунимизда эртанги куннинг қандоқ мўъжизавор ва номаълум олами яшаётганини туйқусдан англаш ва ҳис этиш имконини бергувчи сирли бир куш каби келажакдан дарак келтирган нурли ишоратдан ва абадиятга дохил этгувчи аломатлардан воз кечиб юбораверсак?!

Паганини ниҳоят даражада оддий, у буюк инсонларга хос даражада содда».

Париж забт этилди. Шу кундан бошлаб Паганинининг концертлари зафар одимлари ила олға босиб бораверди.

Фетис шундай ёзганди:

«Паганинининг қўлида скрипка бу — тирик мавжудот, скрипкачининг ўзи эса бетакрор ва ягона ижро мўъжизаси учун атайин яралган вужуддир. Бу — скрипкага сингиб кетган вужуд. Паганинининг илҳом жўш урган хаёлотлари парвози мусиқий меъёрни илғай олиш иқтидори билан ва чолғунинг барча ижровий сир-асрорларидан хабардорлик туйғуси билан уйғунлашиб кетган. Паганинининг ёлғиз ўзигагина хос бўлган хислат унинг букилмас иродасидир. Бу ирода кишини азобли, инсон дош беришга қодир бўлмаган машаққатларни енгиб ўтишда юксак мақсадлар учун ўз ҳаётини қурбон қилишга ундай олади. Бу — асримиздаги ноёб бир ўрнак-намунаким, ижровий-механик услублар доҳиёна илҳом билан бирлашиб кетган, юксак санъат йўлида ўз жонини фидо эта олиш қудрати эса ўз жисмоний шахсиятидан воз кечишни оқлайдиган муваффақият билан уйғунлашадиган ходиса ҳақиқатан

камёбдир, зеро, бундай ютуқ юксак ва ғаройиб ва сохир муваффақиятга эришмоқлик демакдир».

Паганинининг Париждаги учинчи концертидан кейин Кастил Блаз шундай деганди: «Паганини — олим. Унинг тароналари янги оламларнинг ва номаълум ўлкаларнинг кашф этилиши каби аҳамиятлидир. Улар ғайриинсоний туюлгучи мусикий услубларнинг ва билимларнинг ҳосиласидир...»

27 март куни Паганини хайрлашув концертини берди. Ўша концертда, Паганинининг илтимосига кўра Синтия Даморо куйлади. Берио бутун кунни устоз ҳузуридаги шогирд каби Паганинининг ёнида ўтказди. Мусикий Париж Синтия Даморо, Малибран, Берио ва Пасста тимсолида ўзининг буюк меҳмонини эътибор ва ғамхўрлик тафти ила қамраб олди.

Лекин жаноб Никколо Паганинини қуршаб олган бошқа бир сирли қора парда ҳам бор эди.

Париждаги маблағлар тушуми беш сонли рақамлар билан ифодаланди. Бу пуллар талон-торож бўлиб кетмаслиги учун Гаррис барча чораларни кўришга ҳаракат қилди. Жаноб Паганини, уйини тунаб кетишганидан кейинги оғир кўнгилғашликка қарамасдан, Гаррисга қирқ минг франк ақчани жаноб Лаффитнинг банкига топширмасдан, хонага олиб келишни буюрди. Холбуки, Гаррис пулларни банкда сақлашни режалаштириб, унга қатъий маслаҳат берганди. Гарриснинг назарида жаноб Паганини ўзини ғалати тутмоқда эди. Шу кунларда у очиқ, самимий суҳбатлардан имкон қадар ўзини олиб қочмоқда. У ҳатто Гарриснинг фавқулудда қаттиқ ташвишга тушиб қолгани сабабини бирор марта номига бўлса ҳам сўраб қўйгани йўқ. Урбани ғойиб бўлиб қолганига бир ҳафтадан ошди. Паганини эса буни ҳатто сезмади ҳам. Жаноб Гаррис бундан қаттиқ хавотирда эди, лекин миршабхонага мурожаат этиш керакми ё йўқми, билолмай боши қотган.

Хайрлашув концертидан кейин ярим тунда Фонтана Пино келди. У жаноб Паганини билан жуда узоқ суҳбатлашди, чамаси улар аллақандай «италия ишлари»ни муҳокама қилишди.

«Бундай қилиш ҳар ҳолда ноқулай», — ўйлади Гаррис, лекин очиқ турган эшик томондан кўзини узишга

хеч қўнгли бўлмади. Эшик билан кесаки орасида очик қолган тирқишдан газчироқ нурларининг сарғиш оқими сизиб кирмоқда эди. Бу нур пардасида чанг зарралари яркираб ўйнайди. Бу ёруғлик дахлиздаги кўзгу юзига тушиб турибди. Кўзгунинг баландлиги одам бўйича келади. Кўзгу бу кўхна қошонага унинг аввалги эгаси томонидан қачонлардир анча илгари қўйилганди. Бу аъло сифатли Венеция ойнаси эди: чеккаси қумуш билан ҳошияланган, ромининг тепасига митти одамчалар тасвири ўйиб чиқилган. Ўзини Италия санъатининг билимдони деб ҳисоблағувчи Гаррис: «Барокко услубидаги оддий ўйма ҳайкалчалар», — деб қўйди ўзига-ўзи.

Бу албатта яхши иш бўлмаяпти: эшикни ёпиб қўйса маъқул бўларди, лекин кўзларини ҳечам кўзгудан ололмаяпти. Жаноб Паганини қопчиғидан кредит билетларининг каттагина ўрамини ва бир халта олтин олди. Жаноб Фонтана Пино уларнинг ҳаммасини ҳафсала билан сайёҳларнинг чарм халтасига жойлади, кейин пичирлаган овозлар эшитилди:

— Италияни озод этмоқлик аталмиш муқаддас ишимиз ҳаққи, алвидо.

Гаррис бу сўзларни ким айтганини англамай қолди. У худди Паганини каби пишиллаб ва хириллаб гапираётган Фонтананинг овозини танимади.

Фонтана Пино жўнаб кетди. Жаноб Паганини Англияга кетишга тайёрланияпти, паспорт оворагарчиликлари сарфари уч кунга кечиктириб юборди.

### ***Йигирма тўққизинчи боб***

#### **УҚУБАТ НОНИ ВА ДАХШАТ СУВИ**

Паганинининг ўзини тутиши Гаррисни буткул гангитиб қўйди. Бунақа соғлиқ билан қандай қилиб бутун вақтини Парижнинг анави отинг ўчгур Першерон қовоқхонаси ёки наҳс босган «Сафй Табакoff» каби исловотхоналарида ўтказиш мумкин, ахир. Паганинини бу қаҳвахонага қўшиқчи жувонлар Шредер Девриен ва Синтия Даморо судраб киришди. Улар Паганинига Парижнинг ўрисча ҳаётини кўрсатгилари келиб қолганди. Шредер Девриен хоним ҳақида жирканч нарсаларни сўзлашади. У ўзининг

шахвоний саргузаштлари таърифланган китобчасини шунақанги ифлос суратлар билан безаганки, уни ҳеч бир ношир чоп этиришга журъат қилолмаган. Шунақанги аёл билан қандоқ қилиб етаклашиб юриш мумкин ахир! Жаноб Паганини тушқун ва асабий кайфиятда қолган. «Сафй Tabakoff»дан у ташвишли ҳолда қайтди.

— Гаррис! Қаранг дунёда қандай расво ишлар бўляпти! — бақириб қолди Паганини кўкқисдан. — Анави Табакоф деган кимса истилочи қўшинлар Париждан олиб чиқиб кетилганидан кейин шу ерда ўз ўйнаши билан қолибди ва искирт бир фоҳишахона очибди. Бу ерда графлик мақомига ва князлик нишонларига эга ўрис «оқ айик»лар бузукбозлик қилиб ётишибди. Қаранг-а! Бизда орган деб аталувчи чолғу — ҳавони темир ва ёғоч қувурларга пуфлаб, ўзининг тантанаворлиги билан қалбларни ларзага солувчи товушларни ҳосил қилгувчи улкан босқонли созни одамлар аввалига босқончалар жамланмасидан иборат ўлимтик асбобга айлантириб, кейин ундан «ўрисча гармонча» деган нарса ясабдилар. Ўша Табакоф деганлари унга «гармо» деб ном қўйиб олибди. Бу товушлар — мусикани ҳақоратлашдан бошқа нарса эмас. Органни гармоникага айлантириб олган мамлакат нақадар бадбахт! Шу асбобчадан завқ олаётган толесиз халқ қанчалар ҳам жаҳолатда!.. Мен ҳозир Шопен ҳақида ўйлай бошладим, ўрис миршаблар Варшавада ўйлаб топган ҳар турли қатллар ҳақида хаёлга толдим! Бу поёни йўқ мамлакатдан ҳам даҳшатлироқ нарса бўлиши мумкинми дунёда?!

— Сизнинг гашингизга тегаётган аслида бошқа нарса, — деди унга жавобан Гаррис. — Балки сизнинг бошингиз устида хавф солиб турган фалокатни қандай даф қилиш мумкинлигини каминага айтиб берарсиз?

— Мени дўстларимнинг тақдирлари билан боғлиқ бир вазият ташвишга соляпти, — деди Паганини тишларини нижирлатиб ва Гаррисга тик боқди.

Гаррис худди хаёли ўзида эмасдай, Паганинига қараб турган бўлса-да, уни кўрмасди: у ёзув мизининг устида ётган одам калласи ва суяклар тасвири туширилган каттагина қора хатжилддан қўзини узолмай қолди. Гаррис сездирмайгина миз ёнига бориб, Паганини манфур кўчабезорилар томонидан жўнатилган бу янги таҳдидномани кўриб қолмаслиги учун уни асталик билан

олиб ташламоқчи бўлди. Лекин энди кеч эди: Паганини ҳам шу заҳотиёқ Гаррис тикилиб турган томонга назар ташлаб қолди. У миз томонга отилди. Гаррис унга ўтинч билан қаради ва хатни кафти билан ёпди.

— Ўқиманг, худо ҳаққи, ўқиманг буни!

Лекин Паганини хатжилдни йиртиб оча бошлади.

Гаррис унинг ковоқ уйганича сатрларга кўз югурти-раётганига ва алам билан ёқасини йирганига ташвиш аралаш қараб турарди.

— Фонтана! — кичқирди Паганини хиркироқ товуш билан, у йўталиб, оғзидан пуштиранг тупук сачратди. Кейин лабларида қон кўринди. — Фонтана... ифлос! Ахиллино қаерда? Қани Ахиллино?

— Секинроқ, маэстро. Ўғлингиз ухлаб ётибди, ҳозиргина ундан хабар олиб чиқдим.

— Хайрият! — Паганинининг овози базўр чиқди. Унинг лабида аламли бир жилмайиш пайдо бўлди. Лекин унинг мислсиз изтиробда экани шундоқ кўриниб турарди.

— Нима қилишса қилишаверсин, фақат ўғилчамга тегишмаса бас. Ўзимни нима қилишса ҳам майли.

Гаррис мизга яқинроқ келиб энгашди ва Паганинига ёлворганнамо тикилди.

— Фарзандингиз ҳаққи, тинчланинг ва менинг хатни ўқиб кўришимга ижозат беринг.

Биринчи сатрларни ўқиши биланоқ Гарриснинг кўз олдидаги ҳарфлар жимирлаб ўйнай бошлади. У ўқишда давом этаверди:

«Мен шунинг учун ҳам жон-жаҳдим билан қочишга қарор қилдимки, Сиз назаримда мендан шубҳаланяпсиз. Мен ўзимдан гумон қилганларини ёқтирмайман. Сизнинг фикрингизча уйингизни менинг ёрдамим билан тўнаб кетишган. Мана Сизга айбсизлигимнинг исботи: Сизнинг пулларингизни Фонтана Пино ўмариб кетган. У хабсга олиниб, ҳозир Сан Пелажада ўтирибди. Эртага уни Лафорс қамоқхонасига ўтказишади. Мен ўғрини фош қилиш учун тўла имкониятга эга бўлганимдан хурсандман. У Сиз ҳақингизда ҳар хил бўлмағур гапларни айтмоқда. Мен миршабхона баённомаларини ўқиш ҳуқуқини қўлга киритдим».

Гарриснинг чаккаларидаги томирлари ўйнаб кетди. Бу зарбани чамаси Паганини энди қўтара олмайди. Лекин

maestro нима учун Ахиллинони сўради? Гаррис мактубнинг давомини ўқий бошлади:

«Фонтана Сизнинг ўғлингизни ўғирлаб кетмоқчи эди. Лекин мен айти вақтида унинг режаларига халақит бериб қолдим. Бунинг эвазига эса сизнинг унсиз шубхали нигоҳларингизга нишон бўлиб, рухий азоб тортишга мажбур бўлдим. Қачонки бир кун келиб тонгги газеталарда Сиз Страдиварининг етти юз етмиш етти рақамли скрипкасини излаётганингиз ҳақида эълон чоп этилса, ўша кун камина хузурингизга қайтади. Мен танамда сўнгги томчи қоним қолгунича Сизнинг хизматингизда бўлмоқликка тайёрман ва signorino Ахиллино хавфхатардан холи бўлмоғи учун ҳамма чораларни кўраман. Сизнинг хузурингизда тухматга учраган ва Сизнинг содиқ хизматкорингиз бўлиб қолгувчи Федо Урбани».

— Ҳозирок таҳририятга жўнанг ва шу ондаёқ эълонни чоп эттиринг! — хириллади Паганини Гарриснинг қулоғига.

Гаррис уни ҳеч қачон бу қадар асаби бузилган ҳолда кўрмаганди.

— Фонтана! — такрор-такрор қайтараверди Паганини. — «Энг яхши дўст». Фонтана, Италия озодлигининг «химоячиси».

\* \* \*

Урбани сочи оқариб кетган кекса коаджотор — черков миришаббошисининг қаршисида ўлтирар, қўлидаги газетанинг сўнгги саҳифасида эса жаноб Паганини скрипкасоз Страдиварининг етти юз етмиш еттинчи рақамли скрипкасини сотиб олиш истагида экани ҳақидаги хабар йирик харфларда чоп этилганди.

Жаноб Нови ва ташкилотнинг кекса коаджотори илгаригидай бахслашишда давом этмоқда эдилар. Лекин бу сафар Нови қариянинг юрагига шубҳа-гумон гулғуласини солиб қўйишга муваффақ бўлди, энди унинг режалари узил-кесил тантана қилиши учун озгина нарса етишмаётганди, холос.

— Мен доимо сен нимаики иш қилсанг, ҳаммасида шахсий ғаразинг бор, деб ўйлардим, бўтагинам. Бу туйғу Масих ташкилоти биродарлари учун номуносибдур. Мана ҳозир ҳам сенинг ҳақли ва ўринли қаҳр-ғазабингга оз

бўлса-да, шахсий манфаатинг аралашиб тургани боис камина сени бу ишдан буткул четлаштирмакликка қатъий қарор қилгандим. Аммо лекигин, — қария энди Урбанига юзланди, — Бизлар Паганинининг ишини тугатиб қўя қолмоқликка аҳд қилдик. Биз жуда узоқ муддат сабр-тоқат қилдик. Бирок, бу сурбет фитначи ва хавфли исёнкор Фонтана Пино бу тентак скрипкабоздан ҳукуматга ва черковга қарши курашиш учун қирқ минг франк пул олгани ҳақидаги сен етказган хабар бизни ажаловар зарба беришга ундамоқда. Миршабхона ҳам Паганинининг пулларидан анчагина фойдаланиб қолди. Эшитишимча, Антониа Бйанки хоним полиция бошлиғи жаноб Жискеннинг жазмани бўлиб олибди. Бу аёлга пул керак, шу боис ҳам миршаблар собиқ эрининг хобгоҳидаги олтин солинган қочқиқларни унинг ётоқхонасига ўтказишга ёрдам бериб юборишган. Бу энди уларнинг шахсий ишлари. Аммо бу пуллар бизнинг муқаддас ташкилотимиз илкани четлаб ўтиб, черков душманларининг нопок қўлларига тушиб қолаётганига ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Сен эса бўтам, энди боргин-да, қайтадан Паганинининг хизматига кир ва биз буюрган ишларнинг барчасини адо эт. Фонтана эртагаёқ ўлдирилади. Паганинига эса у қатл этилиши олдидан ҳам тавба-тазарру қилмаганини, Франция ҳукумати бу жиноятчини исёнкорлик қилмишлари ва режалари мажмуи туфайли, жаноб Паганинининг хонадонида қилган ўғрилигидан ташқари кирдикорлари учун ўлимга маҳкум этганини етказиб қўй. Кейин эса жаноб Паганинини Лондонга кузатиб борасан ва бизга барча белги-аломатларни ҳамда хабарларни маълум қилиб турасан.

\* \* \*

Шимолга йўл ниҳоятда оғир кечди. «Устод буткул ҳолдан тойди», — ўйлади Гаррис. У Паганини Урбанини асабий бир қалтирок билан қучганини, елкасидан ўпиб, қўлларини қаттиқ қисганини кўрди. Энди Урбани жаноб скрипкачини бир дақиқага ҳам ёлғиз қўймаётган эди. Урбани ўзининг йўлда қандай хавф-хатарларга дучор бўлганлари, бу даҳшат-балоларни қандок бартараф этганлари ҳақида тинмай уйдирмалар сўзлаб борар экан, ҳар сафар бу чўпчакларни бир хил даъват билан яқунлар эди:



— Устоз, сиз албатта черков билан ярашмоғингиз лозим. Масихийлар сиздан дарғазаб. Улар сизга жуда кўп зарар етказишлари мумкин. Сиз уларга ҳеч бўлмаса бир юзаки мулозамат қилиб қўйинг ахир: озроқ хайру эҳсон атаб қўйинг, ваъз тинглагани боринг.

Паганини бу таклифлардан тобора жаҳлга миниб борарди.

— Мен, мана энди ўша руҳонийлар билан ҳеч қанақа муросаи мадора қилмоқчи эмасман! — бақира бошларди у ғазаб билан.

Паганини ёлғиз қолган пайтларида қўлларини юқори кўтариб, панжаларини қаттиқ мушт қилганича, кимларни назарда тутаетгани мавҳум бир аҳволда қичқира бошларди:

— Аблахлар, аблахлар!

Дабдурустдан у аламли бир алпозда ҳаммага сездирган кўйи, сурбетларча очиқдан-очиқ пулга ружу қўя бошлади. У Гаррис олдиндан режалаштириб қўйган барча тадбирларни йўққа чиқариб ташлади. Гаррис ҳам унга розилик бергандай кўринса-да, ўз билганича иш тутаверди. Кейин эса, Булонда бўлиб ўтган концертдан кейин Паганини яна ўзгариб, пул тушуми билан умуман қизикмай қўйди.

Паганинининг хатти-ҳаракатларида қандайдир шошқалоқлик пайдо бўлгандай эди. Гўёки у одамнинг қаҳр-ғазаби ва ҳасадининг ҳақиқий маъносини англаб етганди. Урбани унинг бу ҳолатидан фойдаланишга уринар ва Паганинининг жаҳл ўтига ўзининг фитна ўтинини қалаб турарди. Паганини ғазабдан ёниб турган пайтда Урбани албатта бирор сўз тикиштириб, унинг қаҳрини қайраб қўярди. Бу бесамар ғазаб-нафратлар оқибати ўлароқ у албатта яна буткул овозидан айриларди. Яна фил суягидан ясалган ёзув тахтачаси ишлатила бошланди.

Паганини билан шартнома тузган концерт ташкилотчиси Лапортга Паганинини лаънатловчи сўзлар билан мактуб ёзган Шпорга қарши дафъатан Паганини жавоб хати ёзмоқчи бўлиб қолди. Лапорт беадаблик қилиб, Шпорнинг мактубини Паганинига келтириб берганди.

Шпор шундай ёзган эди: «Дунёдаги барча яхши ва юксак нарсалар насронийлик билан боғлиқ. Асримизнинг энг истеъдодли муסיқачилари черков мадҳияларини ёзадилар.

Бирорта ҳам мумтоз бастакор йўкки, черков қўшиқчилари учун асар ёхуд мусиқий диний даъватлар ёзмаган бўлса. Моцартнинг реквиemi, Бахнинг ораториялари, Генделнинг мессалари яратувчи Оврўпани ўз холига ташлаб қўймаганидан ва бизнинг бор маданиятимиз насроний муҳаббат ва мурувват асосига қурилганидан далолат бериб турибди. Лекин бу йўлдан юз бурган скрипкачи ҳам пайдо бўлиб қолибди. Ўзининг бутун хулқ-атвори, еб тўймас очофатлиги, ердаги шахвоният оғуси лаззатига ўчлиги билан Паганини сайёраимзда ташвиш уруғини сочмоқда ва одамларни жаҳаннам ҳукмига топшириб юбормоқда. Паганини гўдак Масихни хароб этмоқда».

Паганинини Шпорга жавоб йўлламасликка қўндириш учун Гаррис кўп машаққат чекишига тўғри келди.

Паганини Лондондаги Қироллик театрида олтита концерт бериш мажбуриятини олди. Биринчи концерт 21 май кунига тайин қилинган эди. Аммо Урбани билан суҳбатдан сўнг Паганини ўзини ёмон ҳис эта бошлади. Оғир беҳушлик ва унинг асорати бўлмиш беҳоллик билан юрак уришининг заифлашуви концертнинг бекор қилинишига олиб келди.

«Гармония» журнали дабдурустдан Оврўпа матбуотида Паганинининг нотабий бир хасислиги ҳақидаги барча хабарларни тўплаб нашр қилди ва Англиянинг деярли барча шаҳарларидаги газеталар бу мақолани кўчириб босишди. Париждаги «Мусиқий шарҳнома» газетасида берилган тақриз аҳволни яхшилаёт олмади: «Инглиз газеталари Паганинини сурбет ва қўпол қиёфада тасвирламоқдалар», — дея ёзганди франция «Шарҳнома»сининг англиялик муҳбири. Газета эса бунга қўшимча равишда ўзидан қуйидагиларни ҳам қўшиб қўйди: «Асли ҳамма гап шундаки, Италия операсининг Лондондаги ташкилотчиси, тамагир ва маккор Лапорт ҳатто энг арзон ўринларга ҳам чипта нархини икки баробар ошириб юборди. Англия анъаналарига қўра бундай жойларнинг баҳоси умуман оширилмайди».

Дастлабки концертни фақат 3 июндагина ўтказишнинг имкони бўлди. Англияликлар Паганинининг концертига ур-йиқит билан ошиқшди. Унинг ижроси янада мукамалроқ, янада нозикроқ, оҳанглар янада софрок, чалиш услуби яна ҳам ғаройиброқ латифлик касб этган, скрипкачининг истеъдодининг поёнсиз ранг-баранглигида,

турли-туманлигида яна ҳам нафис оҳангдорлик намоён бўлмоқда эди. Аммо унинг кайфиятида қандайдир ёқимсиз асоратлар пайдо бўлишни бошлади.

Концертлардан бирида Паганини англиялик скрипкачи Жорж Смерт ҳамроҳлигида сахнага чиқиб, энди биринчи асарини чалмоқчи бўлиб турганида томошахона томондан кимдир кичкириб қолди:

— Бўлақол, биз тайёрмиз!

— Бу қанақаси? — қаттиқ ер тепинганича Смертга муурожаат этди Паганини.

У скрипкасини ергача туширган ҳолда сахнани тарк этди. Омма бундан қаттиқ саросимага тушиб қолди. Лондон киборлари вакилларида бир неча киши Паганинининг ҳузурига кириб, концертни давом эттиришни илтимос қилишди. Паганини кўнмади. У ҳамманинг ёнида баланд овозда Смертга муурожаат этди:

— Пуллари қайтаринг: концерт бўлмайди.

Смертнинг ранги бўздай оқариб, лаблари титраганича, Лондонга тақдим этилган мўъжизавор таассуротларни жувонмарг қилмасликни, сахнага чиқиб қуй чалишни Паганинидан ўтиниб сўради. Ниҳоят Паганини розилик берди. Шу пайт яна бир овоз эшитилди:

— Азизим Паганини жаноблари, бир бардоққина вискидан жиғилдонга жойлаб олинг-да, келган жойидан давом эттираверинг.

Паганини ортига ўтирилди, скрипкасини қўйди ва алам билан деди:

— Йўқ, мен бу аҳволда чалолмайман.

Лекин, орадан беш дақиқалар ўтиб, унинг ўзи, ҳеч қандай илтимосларсиз сахнага чиқиб келди ва гулдурос қарсақлар тиниши билан биринчи оҳанглари чалишни бошлади.

Лорд Ҳолланднинг хонадониди, нозиктаб адабиётчилар ва киборларнинг кичик бир даврасида хусусий концерт уюштирилди. Паганини бажонидил ташриф бурди. Фил суягидан ишланган ёзув тахтачаси марҳум Байрон ҳақидаги саволларга тўлиб кетди. Чамаси Паганинининг асаблари қаттиқ чарчаганди. Кучли ҳиссиётларга берилиб ўрганмаган жаноб Ҳолланд Байронни хотирлай туриб Паганинининг кўзларидан ёш чиқиб кетганини кўргач, ноқулай аҳволга тушди. Бир пайтлар

Паганини Бетховен яратган куйни эшита туриб, дунёнинг буюк мусикачисининг ўлими ҳақида ўйлар экан, кўз ёшларини тўхтата олмай қолган эди. Хозир ҳам Байрон ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, у юзини ўгириб олганича дастрўмолчасини кўзларига босди. Лорд Холланд буни сохта кўзбўямачиликка йўйди.

Ижодий кўтаринкилик таъсирида Паганинининг кайфи яти секин-асталик билан мўътадиллашиб борди. Унинг енгилгина истехзоли жилмайиши ҳам қайтадан пайдо бўлди. У анча хотиржамроқ бўлиб қолди. Лекин Паганинининг жисмоний аҳволи Гаррисни хавотирга солиб турарди.

Улар Бристолга келишди. Бу ерда ҳам худди қачонлардир Венада бўлгани каби Паганинининг юрагига оркаворатдан яширин зарба урилди! Бристол кўчаларига улкан жарномалар илиб ташланганди:

«Ахли фуқаро, мен кучли бир жирканиш туйғуси ила шаҳримизда Паганини аталмиш кимса концерт бермоқчи эканини маълум қилмоқчиман. Нима учун биз айни бошимизга тақдири азал чексиз азоб-уқубатларни ва бахтсизликларни юборган йилда бу иблиснинг нағмасини эшитмоғимиз керак? Оврўпа бўйлаб вабо балоси одамларни беаёв кириб турган йилда ночорларга кўмак бермоқлик ўрнига қай бир юзсиз беҳаё шайтоний томошаларга боради? Ахир Англиямизга даҳшатли ўлатни мана шу ажнабий скрипкабоз олиб келмадими? Буларнинг бари бутун Буюк Британия бўйлаб мухтожларга ёрдам учун жўнатилиши мумкин бўлган пулларни ўз чўнтагига тўплаб олиш мақсадида қилинмаяптими? Бу хатога йўл қўйиб гуноҳга ботманг, Жон Булнинг гўллигидан фойдаланиб, ўзининг маккорона баднафслиги билан алдаб кетмоқ ниятида бегона ўлкалардан изғиб келган бу мусикий балоказони тингламанг.

Имзо каминаники: Филадельфус».

Концерт бўлиб ўтди. Аммо жарнома ҳам ўзининг манфур ишини қилиб улгурганди. Паганинининг кунлари чидаб бўлмас даражадаги асабийлашув билан ўта бошлади.

Лондонга қайтганларидан сўнг эса, Гаррис Урбанининг хонасидаги миз устида ўша жарномалардан беш донаси турганини кўриб, ниқоятда хайратланди.

— Сизга бунинг нима кераги бор? — сўради у Урбанидан.

— Керак бўлиб қолади. Ўша ярамасни топиш керак. Гarris бош силтаб қўйди.

Лондонда изтироблар учун яна янги сабаблар пайдо бўлиб қолди. Ирландияга ва Шотландияга қилинган саёхатлардан кейин Паганини жаноб Пайерга мактуб ёзиб юборди:

«Мен камида ўттиз марта оммавий концертлар бердим. Англияликларнинг шахсиятимга бўлган қизиқишларини қондирдим деб ўйлагандим. Аммо катта миқдорда суратларим тарқатилганига қарамасдан, англияликлар кўзлари билан кўрган таассуротларидан кифояланадиганга ўхшамайдилар. Ортимдан эргашиб юргувчи тўда-тўда оломон туфайли яшаб турган уйимдан ҳам ташқарига чиқолмай қолдим (хайриятки, бу қўноқхона эмас). Қўноқхонада бундан багтар дахшат бўлганди. Мен, ҳатто, йўлакка ҳам чиқолмай қолгандим. Бу ернинг қўчалари эса ундан ҳам багтар. Бутун-бутун оломон ортимдан эргашади, изимдан қолмайди, ёнимга тушиб олади, гўёки мен бир устундай атрофимни айланиб ўтишади, хаттоки, худди мен жонсиз нарса каби, менга одамдай муомала қилишмайди ҳам — танамда эт ва суюк бор-йўқлигини билиш учун баданимни ушлаб кўришади; мен тушунмайдиган тилда аллақандай бемаъни саволлар беришадими-ей. Булар фақат англиялик оддий авом бўлса ҳам майли эди. Юқори табақа жамоатга мансуб тупша-тузук кишилар ҳам бундоқ бемаъниликларни ўзларига эп кўришмоқда».

Паганини илк бор ўзининг дахшатли ёлғизлигини ҳис этди. У ҳақиқатан ҳам қўноқхоналардан ўзини олиб қочмоқда эди. Лапортнинг дўстларидан бирининг таклифидан фойдаланиб, у Карлсен стритдаги жаноб Ватсоннинг хонадонига кўчиб жойлашди. Ўша ерда у сокин осойишталикни ҳис этди. Лекин орадан бироз вақт ўтиб, у тақдирнинг бу муруввати ўзига қимматга тушганини англади.

Унинг табиатидаги галати зиддиятлар Лондонда бўлган ойларда кўпроқ юзага чиқди. У гоҳи аслзодаларнинг хонадонларида машғулотлар ўтказишга розилик беради ва ўқувчилари билан узоқ вақтлар ҳафсала билан дарслар ўтказиб, бу машғулотларда ўзининг кутилмаганда намоён бўлган муаллимлик салоҳиятини кашф этади. Гоҳи эса қирол Георг IV нинг саройда концерт бериш ҳақидаги таклифига қўрслик билан рад жавобини ёзиб юборади.

Қирол аъло ҳазратлари Паганинига арзимаган пул таклиф этиб, оқшомда Виндзорга етиб келишни тайинлайди. Паганини эса бунга жавобан, ҳазрати олийлари Лондон операси қаторларидаги чекка ўринлардан бирортасига чипта сотиб олса маъкул бўлишини, бу ғарибона жойлар аъло ҳазратларига арзонроққа тушишини ёзади.

Жаноб Ватсон унинг бу хулқидан даҳшатга тушди. Ҳеч ким ҳали қиролни бу такаббур скрипкабоз каби ҳақоратлашга журъат этган эмасди.

\* \* \*

Ниҳоят, Англиядан жўнаб кетиш онлари ҳам етиб келди. Паганини яна Парижга боради. Уч кун вақт кўчкўронни йиғиш билан ўтди, уч кун давомиди қўшни хонадан Паганинига қиз боланинг йиғи товуши эшитилиб туради. Ёш Ватсон хоним скрипкачидан тез-тез яшириниб туради, бунинг маъноси шуки — бекақиз ўз отаси билан келишолмай қолган ва уятдан олчадай қизариб кетган ёноқлари билан Паганинига кўрингиси келмаяпти. У жаноб Паганини билан ҳатто хайрлашишга ҳам чикмади. Паганини, Ахиллино, Гаррис, Урбани ва энага Вейсхаупт от аробада Дуврдаги бандаргоҳга соғ-саломат етиб олдилар. Урбани тўсатдан ғойиб бўлиб қолди, кейин яна кутилмаганда йиғлаб турган қандайдир аёлни қўлидан туганича пайдо бўлди. Аёл рўмолчасини кўзидан олиб, Паганини томон отилди.

— Мени қутқаринг, афандим! — ёлвора бошлади у иккала қўли билан скрипкачининг билакларига ёпишиб.

— Шундай килинг, маэстро, — деди Урбани ҳам. — Мен чипта олаётиб, шу қизни кўриб қолдим. У Лондонда эканимиздаёқ мендан ёрдам сўраган эди.

— Ўзи нима гап? — сўради Паганини.

Қиз уйда ҳаёт кечирish мумкин бўлмай қолгани сабабли оиласидан қочиб кетганини, Урбанидан кўмак сўраганига анча бўлганини тан олди. Жаноб Урбани шу қадар марҳаматли эканки, унга Францияда инглиз тилидан дарс ўтиши учун иш топиб беришни ваъда қилганмиш.

Паганини бепарво бир ҳолатда елка қисиб қўя қолди. Денгизбўйи Булонида уч кун қўноқхонада яшашди.

Паганини сўнгги кунларда ўзини лоҳас ҳис эта бошлади. У шамоллаб қолган, бош оғриғи кўз очишга қўймайди.

Урбани унга Ватсон хонимнинг хизматидан фойдаланишни таклиф этади. Лекин ҳали Паганини бирор нима деб жавоб қилиб улгурмасидан, қизнинг ғазабга минган отаси миршабхона комиссари билан хонага бостириб кирди. Қаттиқ жанжал бошланди. Паганини машаққат билан қовоғини салгина кўтариб, фарзандларга мулојим муносабатда бўлмоқлик лозимлиги ҳақида жаноб Ватсонга насиҳат қилди.

— Мен ўғлим Ахиллинога, ҳатто бармоғимнинг учини ҳам теккизмаган бўлардим. Сиз эса турмуш қурадиган ёшдаги қизингизни калтаклар эмишсиз.

— Ярамас! — кичқиради Ватсон. — Қароқчи! Талончи! Уни ҳибсга олинг! — бўқирди у комиссарга қараб.

Полиция баённома тузди. Шу ишқаларни бошлаган Урбани эса жанжал бошланиши биланоқ, ҳар сафаргидай яна жуфтаникни ростлаб қолади.

Баённомада қайд этилишича, жаноб Паганини ҳали Лондонда эканидаёқ ойимқиз Ватсоннинг ота-онасига қизлари учун тўрт минг гиней таклиф этган. Қизбека Ватсоннинг ўзига эса олмос сартож ва олмос маржон ваъда қилган. Бу буюмлар аввалдан харид қилинган ва айни пайтда Паганинининг жомадонида тайёр турибди.

Талвасага тушиб қолган Паганини нима қилишни билмайди. У ҳеч қандай аёлларнинг тақинчоқлари ёки бошқа совғалар йўқлигини буларга кўрсатиб қўйиш учун жомадонни очади. Лекин полиция Буюк Британия фуқаросининг даъвосини қаноатлантиради ва бу ҳақда 1834 йилнинг 26 июнида Булон газетаси хабарнома беради:

«Бизлар артист сифатида ардоқлаган ва мактовлар ёғдирган, аммо ҳаётида юз берган турли жанжал-тўполонли ходисалар адолатли тарзда эътироф этилган, инсон сифатида тасаввур этиб бўлмас даражада ахлоқан бузук машҳур Паганини исмлиқ кимса Лондонда Ватсон номлик киши билан шартнома тузган. Келишувга кўра жаноб Ватсон жаноб Паганинининг Лондонда тинч-хотиржам ва қулай ҳаёт кечириши учун шароит яратиб беради. Аммо Паганини бу билан кифояланмайди. У Лондонни тарк этар экан, нафақат жаноб Ватсонга шартлашилган маблағларни тўламайди, балки унинг қизини йўлдан уради ва яширин тарзда қиз болани ўғирлаб, у билан бирга Лондондан қочиб кетади».

Урбани бу варақани скрипкачига келтириб берди ва, хатто Гаррис ҳам бунга тушунтириш баёнини ёзмаса бўлмаслигини айтди. Паганини Булондаги «Аннотатер»га изоҳ ёзиб жўнатди:

«Марҳаматли жаноб, Сиз мени ўн олти ёшли қизни ўғирлашда айбламоқдасиз. Бу билан каминанинг шаъни булганди. Энди эса илтифот кўрсатиб, ҳақиқатни қарор топтирсангиз.

Сизга шуни маълум қиламанки, менга туҳмат даъвоси билан чиқаётган жаноб Ватсон иккинчи маротаба уйланган, Сиз ўғирлаб кетилганлигида мени айблаётган ёш ойимқизнинг ўғай онаси нафақат қизбека Ватсонга ваҳшиёна муносабатда бўлган, балки отасини ҳам турли баҳоналар билан қизини таҳқирлашга даъват этган. Камина уларнинг бу оилавий муносабатларига асло аралашган эмас.

Жаноб Ватсон ҳар бир концертимдан сўнг мендан қарз олишни одат қилганди. Ўша пуллар эса охир-оқибат тўпланиб бориб, мен жўнаб кетадиган қунга келиб ижара тўловини қоплашга етадиган миқдорни ташкил этди. Шу боис, мен яна қўшимча ҳақ тўлашдан бош тортдим.

Маълумингиз бўлғайки, жаноб Ватсон билан унинг биринчи рафиқасининг ўрнини эгаллаб олган Уэлс хонимнинг ўзаро муносабатлари қамоқда сақланаётган қандайдир шубҳали кимсалар билан уларнинг махфий алоқадорликда эканликларини гумон қилмоқликка етарли асос беради. Бу эса жаноб Ватсоннинг қизига ёмон таъсир кўрсатган. Дарвоқе, ойимқиз улар айтганларидай ўн олтида эмас, балки ўн саккиз ёшга тўлган. Жаноб Ватсоннинг хонадонида оилавий муносабатларга асло ўхшамайдиган фавқулудда ахлоқсизлик шароити қарор топган. Мен агар ҳозир унинг қизининг ор-номусини ҳимоя қилишга жазм этмаганимда, ушбуни ёзишни асосли деб топмаган бўлур эдим. Бу қизнинг уйдан қочиб кетишдан бошқа чораси қолмаган эди. Деярли кеманинг саҳнида менга тасодифан дуч келиб қолиб ёрдам сўраган қизга рад жавобини беришга виждон юзасидан ҳаққим бормиди? У ўз қалбининг даъвати билан мендан кўмак тилади, камина ҳеч қачон унга уйдан қочиб кетишни маслаҳат берган эмас, камина билан қаёқларгадир жўнаб кетишни ҳам таклиф қилган эмас. Лекин мен жаноб



Ватсонга кўп марта мурожаат этиб, агар қизи унга ва унинг янги турмуш ўртоғига шу даражада ортиқчалик қилаётган бўлса, у ҳолда қизининг мустақил ҳаёт кечирishi учун истаган миқдорда маблағ таклиф этганман. Мен бу ишни очиқ равишда, ойимқиз Ватсон билан келишиб олмаган ҳолда қилганман».

Паганини Венада қачонлардир йўл қўйган хатосини яна такрорлади: Оврўпа газеталарининг кейинги сонлари икки ой давомида Паганинининг изоҳ хатини қайта-қайта чоп этиб ва ўзларича уни шарҳлаб, маъносини бузиб, унга «ўзини оқлаш ҳужжати» деб ном ҳам қўйиб олишди. «Аннотатер» эса Паганинининг тушунтириш баёнига қарши ўзининг батафсил раддиясини босиб чиқарди:

«Биз Паганини афандига жавобан шуни билдира-мизки, ўзини ҳимояламоқлик мақсадларида у қанчалик мохирлик билан вазиятни бузиб кўрсатишга уриншларига қарамасдан, қизнинг ўн олти эмас, балки ўн саккиз ёшда экани ҳамда ўзига бу қиз отасининг уйидан эргашиб кетишга қўнмасдан, балки йўлда қўшилиб олгани ҳақидаги гаплардан бошқа ҳеч нарса айтишга муваффақ бўла олмади.

Воқеот воқеълигича қолгусидир, яъниким, бўлар иш бўлди — бўёғи синди. Дунёнинг барча мамлакатларида бокираликни ва ўсмирликни на диний, на насроний тақвога эга бўлган, ўзининг ижтимоий мавқайдан фойдаланиб, гўёки тарбиявий аҳамиятга молик ниятлар билан қизлик иффатига дахл қилгувчи, ваҳоланки ўзи маънавий бузуқликнинг барча аломатларини вужудида зоҳир қилган кимсаларнинг тажовузларидан муҳофаза қиладиган қонунлар мавжуд. Шуни қаҳру ғазаб ила қайд этмоқлик жоизки, бундоқ турдаги «ҳомийлик»лар айнан шу ҳомийлик остидаги омонатни номусидан айирмоқлик мақсадларидаги суиистеъмоликлардан иборат бўлади.

Жаноб Паганини, яъниким шарм-хаёдан мосуво бу ажнабий кимса, уятсизлик ва сурбетлик ила Ватсонлар оиласига суқулиб кириб олиб, ўзича «оталик» бурчини кўрсатмоқчи бўлибди. Ҳолбуки, шахвоний турмуш тарзини кечириб боргувчи бу кимсанинг ўзи тарбиявий чоралар кўрилмоғига муҳтождир.

Паганини ўзини ҳимоя қилмоқлик учун келтирган сабабга эътибор беринг-а: у ойимқиз Ватсон ўз ихтиёри

билан Лондонни тарк этиш ниятида эканлигидан беҳабар бўлган эмиш. Ваҳоланки, биздаги далилларга кўра, унинг Урбани исмлиқ хизматчиси кемага чиқиш олдидан жаноб Ватсоннинг қизини излаган, унга жўнаш вақтини маълум қилиб, тихирлик билан қизни кема сахнига чиқишга ундайверган. Бизнинг назаримизда, охир-оқибат жаноб Паганини ўз химояси учун бу каби тутуруксиз сабабларни рўкач қилиб мақола берганидан кўра, бўлиб ўтган ҳодиса борасида сукут сақлаб қўяколгани маъқул эди».

Париж сафарини кечиктиришга тўғри келди. Аммо Паганинининг устидан судлов ўтказишга бўлган уринишлар ҳам бесамар бўлди. Бунга вазиятнинг ғалати тарзда ўзгариши сабаб бўлди.

Урбани нечанчи мартаки, яна дабдурустан ғойиб бўлиб қолди. Гаррис қатъият ва синчковлик билан шу иш юзасидан суриштирув бошлаб юборди. Ва унга Урбанининг бу ҳаракатлардан мақсади ошкор бўлди. Жаноб Ватсон билан Урбанининг келишувлари анча хом бўлган экан. Гаррис уларнинг ёзишмаларини топиб олиб, Паганинига топширди. Паганинига бу ҳодисаларнинг тафсилотлари очиқ-ойдин фош бўлди. Паганинининг беҳисоб тушумларини кўриб ҳасаддан кўзлари ёниб кетган Ватсон билан Урбани ўртасидаги беаёв савдолашувлар, Урбанининг яширинча қилиб юрган ишлари Паганинига дафъатан ўзининг улкан бир товламачилиқ қурбони бўлганини аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйди. У Гарриснинг кундан-кун шовкин-тўполонсиз, ортиқча шов-шувларсиз олиб борган камтарона, лекин машаққатли фаолиятини ўз кўзи билан кўрди.

Жаноб Ватсон жаноб Урбани билан Паганинининг пулларини ўмариш режасини ишлаб чиқишган. Урбани саёқ юриб ўрганган, боз устига золим ўғай онаси томонидан таҳқирланган қизни отасининг уйидан қочиб кетиб, дарбадар скрипкачининг кучоғига отилган жабрдийда қиёфасига киришга қўндиришини шартлашиб олишади. Бу таклиф қизга ҳам ёкиб қолади. Урбани эса гўёки Паганинининг номидан иш юритган бўлиб, унга қочиб кетишнинг осон йўлини ўргатади. Қиз ҳам у билан келишувга биноан Дувр бандаргоҳига келади. У ерда эса Урбани имкон қадар кўпроқ гувоҳлар тўпланишини уюштириб, уни Паганини билан қочиб кетаётган қилиб кўрсатади.

Буларнинг ҳаммасини Урбани билан олдиндан келишиб олган Ватсон айғоқчиларни ёллайди ва ўзи ҳам Паганини билан бир вақтда Дуврга етиб келади. Бу ерда унинг Урбани билан келишмовчиликлари бошланади: Урбани скрипкачини катта бир жанжалга рўпара бўлишини ташкиллаштириш учун иш олиб бормоқда эди. Бу тўполон, албатта Паганинининг қамоққа тиқилиши билан якун топиши шарт. Ватсоннинг мақсади эса анча камтарона: уни жаноб Паганинининг қисмати заррача қизиқтирмайди, у скрипкабоздан имкон қадар каттароқ маблағ ундириб олса, қизини яна Лондонга қайтариб олиб келса ва буёғига тараллабедод ҳаёт кечириб юрса кифоя. Пул топишнинг бу осонгина йўли, яъни товламачилик унга Булонда ва Парижда узоқ давом этадиган судлов жараёнлари билан оворай сарсон бўлишдан кўра анча мақбул кўринди. Билъакс, у ерларда қўноқхоналарда яшаб туришга ва бошқа ҳаётий эҳтиёжларга каттагина сарф-харажат қилишга тўғри келарди.

Гаррис Булон миршаблик идорасига Ватсонни фош этувчи ҳужжатларни тақдим этди ва у зудлик билан қизини етаклаб, Лондонга туёғини шиқиллатиб қолишга мажбур бўлди. Паганинига «ажаловар зарба» бериш вазифасини Урбанига ишониб топширган масихийлар ташкилотининг режаси чиппака чиқди. Урбани эса энди дарҳол унинг йўлидан йўқ бўлиши лозим.

Шу ҳодисадан кейин Паганинининг қўноқхонадан қўноқхонага саргардонликлари бошланди: ҳамма ерда «юқори маънавиятли» истиқоматчилар унинг қўналгадан чиқариб юборилишини талаб қилар эдилар. Бу иш узил-кесил тўхтатилгунига қадар аҳвол шундай давом этаверди. Мамлакатдан чиқиб кетиш учун ижозат олгач, Паганини Парижга йўл олди.

От ароба д'Анфер кўчасига етиб келганидан сўнг бир соат ҳам вақт ўтмай у Фердинанд Пайернинг хузурида эди.

Ўтган вақт давомида ниҳоятда қартайиб қолган Пайер ўз шогирдини ниҳоятда мамнунлик билан кутиб олди.

У Паганинидан Англия ҳақида сўраб-суриштирди. Ўзи ҳам Франция шаҳарларида тобора кучайиб бораётган ғалаёнлар ҳақида, Лион, Гренобл ва Парижда рўй бераётган воқеалар тўғрисида сўзлай бошлади. Кекса устоз айтаётган нарсалар Паганинини аллақачон қизиқтирмай қўйганди.

Пайер Паганинига ёш бастакор Берлиознинг мақоласини кўрсатди.

— Унинг сенда қандай хусумати бор? «Оврўпа адабиёти»даги мақолани кўр. Бу Смитсон хоним дегани ким бўлди?

— Смитсон хоним? Танимайман.

— Лекин унинг қашшоқлашиб қолишида сени айблаш-япти.

— У ҳақда биринчи марта эшитяпман, — деди Паганини. — Берлиоз билан эса бир мартагина гаплашганман, — у бирдан бу учрашувни эслаб, қовоғи солинди. — У бир куни «Мария Стюарт» асари учун алт ижроси борасида маслаҳатлашиш мақсадида ҳузуримга келганди. Мен ўша куй каминага ёкмаганини айтиб, бутун асарни қайтадан ёзиб чиқишни маслаҳат бергандим.

Пайер бош ирғаб қўйди.

— У маслаҳатингга амал қилди. Лекин Смитсон хоним масаласига қайтайлик. Сен унинг бирор илтимосини рад этмаганмисан?

— Менга ҳеч ким қўмак сўраб мурожаат этган эмас.

— Берлиоз эса ўша аёл ўзининг бенефисида, сендан кичикроқ бир куйни ижро этиб беришингни сўраганида рад жавобини берганликда айбляпти.

— У холда, — деди Паганини таажжуб билан елка қисганича, — дунёдаги барча артистлар мени ўз бенефисларида скрипка чалмаганим учун бемалол айблашлари мумкин.

Пайер бирданига кулиб юборди.

— Берлиоз уйланди, — деди у. — Шуниси ажабланарлики, у айнан ўзининг тўйи куни машҳур «Дор остига бораётган одам мадҳияси»ни ёзди. «Мария Стюарт» ни у қайта ишлади. Энди бу асар «Ҳаролд Италияда» деб аталади. Сенинг Байронга бўлган қаттиқ қизиқишинг унга ҳам юккан, деган бир шубҳам бор.

— Бу иллат қанчалик узоқ давом этишини билмайман, — алам билан эътироф этди Паганини. — Аммо ҳозир Берлиоз менга қарши тиш-тирноғини қайраётгани очиқ кўриниб турибди. Биласизми устоз, — дея у хатто ўрнидан туриб кетди, — илгари менинг руҳиятимга турмушдаги фикс-фасодлар унчалик таъсир этмасди. Ҳозир эса ўз кадрдон шахримга қайтиб кетишни ҳар доимгидан

хам кўпроқ хоҳлаяпман. Париждан жуда чарчадим. Умр шу қадар шиддат билан ўтиб бормоқдаки, жисмоний куч-қувватим қаерларгадир бетўхтов оқиб кетяпти. Сиз вақтимни қандай ғалати тарзда ўтказаяётганимни биласизми? Ҳамма вақт фақат қимирламай чўзилиб ётгим келаверади. Гаррис парижлик шифокорларнинг кенгаш кўригидан ўтишимни талаб қиляпти. Энг алам қиладиган нарса шундаки, мен инсонпарварлик нуқтаи назаридан одамларга бирор эзгуликни раво кўрсам, буни албатта худбинликка, тамагирликка йўйишади. Кишиларга яхшилик қилиш истагида амалга оширилган ҳар қандай саъй-ҳаракатим ёвузлик дея қабул қилинади. Мен ҳозир шундай бир аламзадалик ҳолатидаманки, эндиги қиладиган амалларимни одамлар эзгулик сифатида қабул қилишлари учун эрта-индин уларга ёвузлик қилишни бошлайман шекли.

— Сен ҳали ҳам ҳазилкашлик туйғусини йўқотмабсан, — кулиб қўйди Пайер. — Дарвоқе, сени табриклашим мумкин: энди сенинг содиқ издошларинг ва самимий мухлисларинг бор. Лист сенинг скрипка учун ёзган пьесаларингни фортепиано ижросига қайта басталаш устида тинмай ишлаш билан банд. Шуман ҳам худди шу нарса билан шуғулланыпти. Бу қанчалик ғалати туюлмасин, сенинг издошларинг сифатидаги фаолиятни айнан пианиночилар бошлаб беришмоқда: сендан кейин скрипка ўз жозибасини йўқотади. Мен Листни бекиёс бир лаззат билан тингламоқдаман. Бу одамга сенинг таъсиринг ниҳоятда катта бўлди.

\* \* \*

Паганини томонидан берилган иккита концерт матбуот нашрлари томонидан умуман ёритилмади.

— Нима бу, сукут фитнасими? — хайрон бўлди Пайер.

15 сентябрь куни жаноб Жул Жанен «Журнал де деба»да каттагина бир фелйетонни чоп эттирди. Бутун мақола унинг ўз шахсий манфаатларини акс эттириб, жуда захарли ва маломатли ёзилганди. Жул Жанен буюк скрипкачининг фавқулодда хасислиги ва баднафслигидан ғазабда эди.

Паганини журналистнинг бу тажовузидан хайратланди, зеро унинг куни кеча бўлиб ўтган иккита концерти-

дан тушган маблағлар Париж ва унинг атрофидаги сув тошқинидан жабр кўрган энг қашшоқ аҳолига кўмак бериш қўмитасига топширилди. Бепул концертлар ҳақида лом-мим демаслик ва Жул Жаненнинг ақиллашлари Паганинини ҳар қандай мактовли тақризлардан кўра кўпроқ қизиқтириб қўйди. У Гаррис билан биргаликда журнал тахририятига йўл олди.

Чанг қоплаган, ис босган, тамаки ҳиди уриб кетган ифлос хоналар, исқирт зинапоя, зич териб ташланган бир талай ёзув мизлари ҳамда ғайриоддий тирбандлик ушбу адабий фикрлар ва сиёсий ғийбат-бўхтонлар корхонаси ҳақида Паганинининг илк таассуротини шакллантириб қўя қолди.

Жул Жанен баланд курсида босма матнлар ва қўлёзмалар тартибсиз қалашиб ётган баҳайбат идора мизи ёнида ўтирибди. Қайчи, мўйқалам ва елим солинган идиш, мизларнинг устида газета уюмлари, ердаги тахта тўшамас устида сочилиб ётган қоғоз қийқимлари; жаноб Жул Жанен бу «ошхона»нинг «бош ошпаз»и сифатида тартибсизлик вазиятини ўзи ташкиллаштириб бергани шубҳасиз. Унинг табиатидаги Сорбонна талабасининг ислиқлиги кекса бўйдоқнинг ипирискилиги билан қўшилиб кетган. Аммо Жул Жаненнинг ён-атрофидаги жононларга қараганда у унчалик ҳам бўйдоққа ўхшамасди. Аксинча, у ўзининг баланд курсида худди ўзига тобе товукхона кўноғида ғўдайиб ўтирган бобоқ хўрозга ўхшаб кетарди.

Гаррис учта келишгангина нозанинлар кимнингдир мактуби тепасида энгашиб олган бурчак томонга ўткир нигоҳини ташлади. Қизлар хавони қуйидагича мазмундаги хитоблар билан пешма-пеш тўлдириб туришибди: «Бу тўнка ёзган хатини чоп этишади, деб хомтама бўляпти! Манави тентак бўлса ўзича раддия жўнатибди!»

Паганини билан Гарриснинг ташрифи бу адабсизлик оқимини тўхтатгани йўқ. Аммо қўноқда ўтирган бобоқ бегона кишиларнинг хонада ҳозирликларини пайқаб қолди.

— Қизлар, жим бўлинг! — шу заҳотиёқ қичқирди у.

У увушиб қолган оёқларни силкитиб ишлатган қўйи ўрнидан турди ва худди эски кадрдон дўстини кўриб қолгандай бир қиёфада Паганинига қўл узатди. Жул ўзини тентакликқа солиб ўтирмади, у Паганинини дарров таниганди. Ўзини ғўёки унинг ташрифидан хайрон

бўлмагандай қилиб кўрсатди, ўзини худди скрипкачининг эътирозини кутгандай ва унинг талабларини бажонидил адо этадигандай тутди.

Сухбат нихоятда қисқа бўлди. «Товламачилик» сўзи ишлатилганда жаноб Жанен икки марта қовоқ уйишига тўғри келди. Паганини совуқ оҳангда сўзларди, у Генуяга жўнашга тайёргарлик кўраётганини ва иккита концерт бериб, бу концертлари учун бир франк ҳам ҳақ олмаганини эълон қилди.

Жул Жанен Паганинининг сўзларини журналистларга хос услубда, жумлаларни қисқартирган кўйи тез-тез ёзиб олгач, ёзганларини унга кўрсатди. Паганини бош ирғаб қўйди. Тинчлик сулҳи тузилгандай эди, гўё. Скрипкачи ва унинг котиби чикиб кетишлари биланок, муҳаррирнинг товуқхонасини «мода паррандалар»нинг шунақанги қоқолаши тутиб кетдики, жамоатчилик фикрини уюштириб берувчи ва ўзининг такаббурлиги билан банд манави журналистнинг кайфиятини кўтариб берувчи енгилтабиат қизлар унинг оддий ва қатъий буйруғидан хайратга тушишди — «Паганинининг мактуби журналнинг навбатдаги сонида чоп этилсин». Жанен скрипкачига бўлган муносабати ижобий эмаслигини оғзаки фикрлари баёнида ифодалаб қўя қолди.

Сўнги олинган хабарларни титкилай туриб, Жанен аламли хўрсинди.

— Скапен ва Гарпагоннинг бу чатишмаси қашшоқ фарангилар фойдасига иккитагина концерт ҳам бермасинми энди?! Бизнинг италиялик мухбиримиз хабар беришича, жаноб Алиани ёрдамида Парма яқинидаги Гайон кошонасининг олди-сотти шартномаси имзоланибди. Паганини жаноблари энди шохона ҳашаматда яшайдилар. Ўзларича, фаранги итнинг олдига иккитагина безул сўнгах ташлаб қўйган бўптилар.

Ҳақиқатан ҳам Гаррис Паганинига бирорта бошпананинг нарх-навосини келишиб, энди буёғига узоқроқ муддат дарбадарлик ҳаётидан воз кечишни маслаҳат берганди. Қўноқхоналар, йўл бўйларидаги тамадихоналар ва от аробалар скрипкачининг саломатлигини тобора қўпроқ емира бошлаганди. Гаррис Паганинининг аянчли даражада озиб кетаётганини кўриб, даҳшатга тушиб қолди. Энг тор камзуллар ҳам унинг эғнида қоп бўлиб қолаётганди,

енглари худди таёкка кийдириб қўйилганга ўхшайди, энг кичик ёқа ҳам елкасидан тушиб кетай дейди.

Бу қанчалик таажжубланарли ҳол бўлмасин, Паганинининг жисмоний куч-қуввати путурдан кетгани сайин, унинг ижроси шу қадар нозиклашиб ва нафисланиб бормоқда эди. Паганини кўзларини юмган пайтларида уни ўликхонада ётган жасаддан, Париждаги газ тозалаш заводида исдан бўғилиб ўлган қора ишчидан, симобдан захарланиб нобуд бўлган венециялик ойнасоздан, Мурано оролидаги дунёда энг яхши ҳисобланган ойнасозлик корхонасининг афсонавий рангли шишаларини тайёрлаш пайтида улкан шиша эритиш ўчоқлари ёнида ўз ўпкаларини куйдириб юборган шишадан фарқлаб бўлмасди. Аммо, лекигин бу кўзлар очилган пайтда, улардаги бекиёс ижодий қувват ва қудратнинг барқарор алангаси ёниб турганини кўриш мумкин эди. Бу артист ўз саломатлигининг ҳолатидан асло таассуф этмасди. У тўхтовсиз равишда ижодий кунини янада зичроқ тўлдириб боришга ҳаракат қилади. Гаррис кўпинча тун пайти артист ўзини арвоҳга ўхшатиб кўрсатадиган узун оқ қўйлагини кийиб, қўлига скрипкасини олганини кўриб қоларди. Совун суртилган камон симторлар бўйлаб овозсиз сирпанади, скрипкачининг чакқон панжалари худди оппоқ сичқонлар қафаслари орасидаги ёғоч кўприкчада у ёқ-бу ёққа тинмай чопиб юрганлари каби пардадан-пардага югуради. Кейин эса Паганини даҳанига қистириб олган скрипкасини бўшатмаган ҳолда қўлига қаламини олиб, ингичка нота чизиқлари устига ноталарни нозик нақшлар мисоли чизиб чиқади. Бу мураккаб ғаройиб белгилардан даҳонинг янги асари дунёга келаётган эди.

Гаррис бир куни тонгда кундалик дафтарига қуйидагиларни қайд этиб қўйди:

«Мен жойимда уни-буни ёзиб ўтирган пайтимда жаноб Паганини Бетховеннинг скрипка учун яратган ғаройиб концертининг дастлабки наволарини чалишни бошлади. У ёзишни топширган мактубни бунақа шароитда давом эттиришнинг иложи йўқ эди. Мен патқаламни чеккага суриб қўйдим. Шунда Паганини ҳозир нимани чалаётганини билиш-билмаслигимни сўраб қолди. Мен буни билишимни айтдим. У эса менга тикилиб туриб: «Мен бирор кун сизга шу концертни охиригача чалиб бераман.



Бу иш сиз билан ҳаётда ажралишиб кетишимиз олдидан бўлади», деди. Мен у ўз ваъдасини унутиб юборгандир, деб ўйлаб юрардим. Кунлардан бирида унинг ёнида икки навқирон пианиночилар бор эди — устозининг шогирдлари. Кутилмаганда, Паганинининг ишораси билан улардан бири роял ёнига ўтирди ва чалишни бошлади. Мен Бетховеннинг скрипка учун ёзган концертини таниб, бутун вужудим қулоққа айланди. Камина Паганинининг рангпар, қоксуяк, хориган чехрасини ҳеч қачон унутмайман. Паганинининг юзидаги ҳар бир ажин унинг бутун жисми беадоқ азоб-уқубат чекаётганидан дарак бериб турарди. У Бетховеннинг концертини чалди. Уни шундай чалмоқда эдики, юраклар қон бўлиб оқди. Паганинининг ижросини тинглаётган одамлар ўзларининг қаерда эканликларини ҳам унутиб, ҳаттоки, ўзларининг шу дунёда мавжуд эканликларига ҳам ишонишни билмай қолгандилар. У чалаверди, чалаверди ва ижрони тугатгач, тингловчилардан бирортаси ҳали ўзига келмай туриб, шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳеч бири билан хайрлашмаёқ ўзининг хобгоҳига кириб кетди. Ҳар бир концерт унинг бир йиллик умрини олиб кетарди. Паганинининг дард-касали нима эканини эса бирорта ҳам шифокор аниқлай олмади».

### Ўттизинчи боб

## ТАШВИШЛАРГА ЎТ ТУШСИН

1835 йилнинг 28 июлида Генуя ўзини номи дунёга машҳур скрипкачининг қадрдон шахри сифатида ҳис этиб қолди. Паганинининг болалик чоғларида тошбағирлик билан уни писанд этмаган Генуя энди дунёга шундоқ буюк скрипкачини берган шахар шухратини қўлга киритиш пайидаги интилиш жазава­сига тушди. Ҳокимият учун ва шахар казо-казолари учун Шимолий Европадан ташриф буюрган Паганинини эҳтиром билан кутиб олиш ному­си ишига айланди. Маркиз Жанкарло ди Негро — беғараз мақсадлар билан Maestro insuperato ташрифи шарафига ғаройиб байрам уюштириш истагида махсус «замин беҳишти»ни қурдиришга ошиқди. Шу ўлка табиатида ўсиб етиладиган барча неъматлар ди Негронинг очиқ айвонларига ва боғларига келтириб ўтказилди.

...Файзли тропик боғга кираверишда мрамор хайкал қад кериб турибди. Наботот илоҳлари ва ҳайвонот маъбудларининг хайкаллари қўриқлаб турган зинапоёда Паганинини тантанавор қабул маросими кутмоқда. Скрипкачи ҳали кўринганича йўқ. У концертни бошлашга аллақачон тайёр бўлган, аммо ҳанузгача хонасидан чиққани йўқ. Паганини шубҳа-гумонлар ичида қолган, илгари ҳис этмаган туйғулари уни тушқун аҳволга солиб қўйган. Италиядан ташқарида яшаган олти йиллик умри от аробаларда, концерт саройларида, қўноқхоналарда ўтди. Энди жаноб Паганини ўз турмушини шоҳона ҳашам билан бунёд этилган янги қошонасида ўтказадиган ҳамда ватани уни қучоқ очиб кутиб оладиган ҳозирги пайтда унинг саргардонликдаги ҳаёти барҳам топармикан?

Бу аслида Ватанми? Аллақачон ҳаётидан чиқиб кетиб, кадр-қиммати қолмаган хотиралар... Олти йил ичида жуда кўп ҳодисалар бўлиб ўтди, умр дарёси қариндош-уруғчилик алоқаларини ҳам ювиб кетди. Онаси аллақачон вафот этган, отаси ҳар ойда ўғлидан келиб турган катта миқдордаги нафақага қаноат қилмасдан, Гаррисга уч марта таҳдидли хатлар жўнатди. Ҳолбуки, Паганини жўнатаётган пуллар бунақа оталардан тўрттасининг шоҳона ҳаёт кечиришига етиб ортарди. Онасининг ўлиmidан сўнг акасининг хотини билан қари отаси дон олиша бошлабди. Тўнғич ўғил тақдирнинг бу зарбасини италияча бетизгин қизиққонлик билан кутиб олибди. Орада пичоқбозлик бўлган. Қўни-қўшнилариинг ҳайбаракалласи остида, қўрқувдан ўтақаси ёрилган набираларнинг кўз олдида чолнинг қўллари чилвир билан орқасига боғланиб, ўз уйдан қувиб юборилибди. Оила пароканда бўлиб, бу орада чол ҳам итдай хор бўлиб ўлиб кетибди.

Энг оғири Гаррис билан ажралиш бўлди. Зўрма-зўракилик билан айтилган қўнгилини кўтарувчи сўзлар, ҳазин ҳазил-хузуллар узоқ давом этди; ҳали анча ёш эканига қарамасдан, Гарриснинг опшоқ соқоли қиртишланмаган юзиде қайғули кексаликнинг ажинлари из ташлабди. Мана, энг сўнги видолашув сўзлари ҳам айтиб бўлинди. Энг охири қўл олишув.

Йўлдан чанг қўтарилиб, Гаррис қадди букилган қўйи Париж чегараси томон пиёда одимлаб кетди. Ахиллино энди ишончли қўлларда. Бу ерда, Генуяда Мария Луиза

аъёнларидан бўлган австриялик лейтенант ва унинг ўғли ҳамма вақт Паганини билан бирга эдилар. Генуяда ўша болани Ахиллино деб ўйлашапти ва бу ҳолат Паганинини турли ташвишлардан ҳамда хавотирлардан халос этди. Ҳар куни маркиз ди Негронинг Паганини эгаллаб турган хонасига гелиограммаларни келтириб бериб туришибди. Ёруғлик мактубида битилган қисқа-қисқа сўзлар унга боласининг соғ-саломат эканини, унинг қаерда эканини тегишли биргина одамдан бошқа ҳеч ким билмаслигини хабар қилади.

Херцогхоним Мария Луиза, марҳум Франция ҳукмдорининг хотини ўз ўғлидан айрилди, аммо қувноқлигини ва Юнона каби дўмбоқлиги ҳамда хотиржамлигини йўқотгани йўқ. У скрипкачига Пармадан олмослар қадалган тўғнағич ва Наполеон Бонапартнинг, Мария Луизанинг соч тутамлари ҳамда унинг марҳум ўғли, Рейхштадт херцоги, ҳеч қачон подшоҳлик қилиш насиб этмаган Наполеон II нинг малларанг соч тутами ўрилган улкан олтин кўкрак нишонини жўнатди.

Давлатманд жаноб Паганини Лондондан келтирган улкан кўшкароба Гайон чорбоғига олиб борадиган йўлдан уч марта бурилди. У доимий тураржойига олиб борадиган асосий йўлни уч мартаба четлаб ўтди. Шундай бўлдики, Гайоннинг деярли қуриб битказилган ва тайёр ҳолга келган кошонаси ўз эгасига насиб этмади. Мана, сарвлар билан ҳошияланган йўл, мана ям-яшил мирта буталари. Олисда текис майдонча кўзга ташланади, ўша ердан далалар чўзилиб кетган. Далаларнинг адоғида ўрмон, ўрмондан эса тик қўтарилиб борувчи, тепаликлар бўйлаб ўтувчи йўл бошланади. Паганини фақат бир марта, болалик чоғида бу ерларда бўлган. Ҳозир эса у дастлабки икки ўтишида Гайоннинг шу ерда қад қўтарган чорбоғини хаёлига ҳам келтирмаган қўйи ўзининг — Паганинининг уйига олиб борадиган йўлни четлаб ўтиб кетди. Бу томонга учинчи бор йўл солишида у кўшкаробанинг даричасидан кўриниб турган ҳар бир сўкмоққа диққат билан тикилди. У ўзининг дарбадарликка барҳам берувчи бошпанасини умуман кўрмаслиги мумкинлигини ўйлаб, юрага сиқилди.

Паганинининг саломатлиги жудаям ёмонлашган, лекин руҳий қуввати бир амаллаб ҳозирча соғлиқнинг ўрнини

босиб турибди. Истеъдодининг бор қудратига фақат ўзи сохиб эканлигини ҳис этиш унга куч бағишламоқда. Скрипканинг одамларга таъсири беҳисоб мўъжизакор имкониятларга эга эканини ҳар доимгидан теранроқ сезиб турибди. Паганинини санъатнинг энг юксак чўққиларига чиқиб бориш йўлидан тўхтата оладиган ҳеч қандай қийинчиликлар йўқ экани ҳам бегумон.

Томогидаги яралари гўё игна санчгандай ачишади, скрипканинг ҳар бир товуш жаранги шу оғриқ билан биргаликда кечади. Ижро қанчалик нафис ва мукамал бўлса, оғриқ шу қадар кучли бўлмоқда. Ижрочи тобора сўниб бораётган табиий овозидан айрилгани сари, унинг ижросидаги мазмундорлик шу даражада ёрқинроқ намоён бўлади. Кўзи ожиз кишиларнинг малакан бошқа сезгилари ўткирлашади. Паганини эса овозидан айрилгач, бутун ўй-фикрларини ва хиссиётларини скрипкада тўла изор этишни, ифодалашни ўрганди.

У ўзига мухаббат қўйган оломоннинг олқишлари ва қарсақлари ичида сузиб боради. Мана, у зинапоядан тушиб келмоқда, мана у боғда, мана у истироҳат айвончасида, очиқ ҳавода, юзлаб ва минглаб тингловчиларнинг зич қуршовида.

Мана, Паганини саломлашув маъносида камончасини силкиб қўйди ва ўтмиш манзаралари унинг кўз олдида ҳар доимгидан ёрқинроқ намоён бўлди. У Бетховеннинг мавзуларини чалапти. Оҳангларда ҳали кўз кўрмаган ўлкаларнинг сохиллари кўринади, балки ҳали яралмаган оламлар намоён бўлади, барчаси узра эса — тақдирнинг ҳаёт эшигига урган таҳдидли зарбаси ҳукмрон. Бу «қисмат қўшиғи» гўё июлнинг кун қоқ тиккага келган жазирамасида очилган коинотнинг зулматли қопқаси мисоли, гўё ажал овози каби дафъатан канталенанинг ниҳояси йўқ садоларини тўхтатиб қўйди. Мана, ғаройиб, шу пайтга қадар ҳеч қачон чалинмаган фермата. Бу бениҳоя узун, сўнмас, сўнгсиз чўзилиб боргучи, минглаб тингловчиларни беихтиёр нафасларини ичларига ютишга мажбур этган оҳанг аввалига унсиз лаззат хўрсинишларини уйғотди, сўнг эса одамларни азобли суқут қийноғига ташлади. Бу садонинг ғайритабиий даражадаги давомийлиги, охири йўқ энг сўнгги бу нотанинг бетўхтовлиги инсон руҳиятини эзиб ташлади. Назарингизда камонча-

нинг аёвсиз қийнашларидан ҳолсизланган бу нота ҳозир узилиб кетадигандай туюлади... Лекин у барча умидларни доғда қолдириб, янги куч билан тарала бошлади ва қудратли тўфон мисоли инсон қонини унинг чаккалари томон шиддат билан оқизиб кетди. Қўрқув ваҳимасидаги, қалб изтиробига тушган ва ҳолдан тойган тингловчилар хайрат билан бир-бирларига тикилиб, бу сохир, хушсизлантирувчи оҳанг тушларида ёки ўнгда таралаётганини англамоқликка ҳаракат қиладилар. Бу — ҳақиқий Бетховен эди, бу — тақдир қўшиғи эди, аммо бу «Тақдир қўшиғи» олам тарихида скрипкачи томонидан фақат бир бор, яғна марта куйланди, холос. Паганини илк бор таназул ва йўқлик мусиқасини яратди ва унинг ўзи бу оҳангларда ажалнинг даҳшатга тўла нафасини эшитди. Тақдир қўшиғи дафн мусиқасига айланди, унда дафн қутиси устига тўкилаётган тупроқнинг шовуллаши ўз аксини тошган.

Куйдаги ҳеч қандай танаффус ёки ўтиш оҳангларисиз скрипкадан қўнғироқларнинг овози тарала бошлагач, оломоннинг жунбушга келган эхтирослари телбалик жазавасигача бориб етди: кенг далада, гул-чечаклар оралаб, оқ булутлардай оппоқ, ёмғир булутларидай кулранг, пушти, мовий, ним яшил либосларда ҳаводай енгил, табиатан енгилтак, нозик подачи қизлар қўлларига таёқ тутиб, бўйинларига гулчамбарлар илган қўйи, чакма гулли камзул кийиб олган, бошига башанг оппоқ ясама соч илган, ним ниқоб таққан подачи йигитлар билан ракс тушмоқдалар. Бетховеннинг наволаридан асар ҳам қолдирмаган садолардан пайдо бўлган бу манзара худди кечки булутлар сароб мисоли уфқда эриб кетгани каби кўздан ғойиб бўлди ва қўққисдан кулранг туман ичида бас симторининг овози ёйилди... Энди тингловчиларнинг кўз олдида тунги қўчаларнинг шовкин-сурони, қашшоқларнинг вайрона қиморхоналари ғала-ғовури оқиб келишни бошлади; тиланчиларнинг буришган чиллашир қўллари ҳар томондан чўзилади, бозорда одамфурушларнинг харидор чорлаб баланд овозда кичкиришлари бозорни тутиб кетди. Кейин эса аллақандай фикрлаш ва каламушнинг ёқимсиз чийиллаши эшитилди. Кимдир тахта зинадан болохона томон югуриб кетмоқда, аммо минглаб жирканч, ваҳший махлуқлар унга етиб олишмоқда. Ҳаёт

учун кураш бошланди — қутурган хайвонлар ўзларининг ифлос тишларини юмшоқ, қайноқ, тирик одам гўштига ботирадилар. Кейин ёввойи овозлар дўмбира гумбури билан алмашинди. Бу ижрода Бетховен оҳангларида нима қолди ўзи?

Жиддий мусиқанинг улуғвор тантанаси Паганинининг хаёлотини билан ўрин алмашди. Товушларнинг дахшатли шовқини тингловчини ўз қомига тортиб кета бошлайди. Энди одамлар бир-бирларига қарашга ботина олмайдилар. Юқорида эса Генуянинг минглаб юлдузлар чакнаб турган тиниқ осмони. Қаердадир олисларда денгиз долғаларининг шовуллаб қуйлаши эшитилади. Бу туннинг тароватини ҳис этмоқликка ҳеч ким қодир эмас, барча нигоҳлар тим қора қўланкага қаратилган. Бу — Паганинининг шарпаси. Мана, у бошини чап ёнига кескин буради, ва худди одам калласини бир зарб билан шартта узган жаллод сингари камонини бирваракайига тўртта симторга қадайдди. Торлар эса унинг иродасига бўйсуниб, нотабийи ва дахшатли овоз билан ўкирадилар.

... Маркизнинг хонасида шифокор Паганинининг икки қўлини ушлаб турибди. Скрипкачи ниҳоят ухлади, аммо ҳозир уни ёлғиз қолдириб бўлмайдди — томир уриши сезилар-сезилмас, юраги деярли тўхтаб қолган. У қай бир маҳал мурдага айланиб бўлган ҳам эди-ю, лабларига қўйилган кўзгу заиф бир нафас намлигини кўрсатиб қолди.

Қаср деворлари ортида паканагина бир одам айланиб юрибди. Унинг қўлида қадимий шаклда битилган, нотариус томонидан тасдиқланган тайёр матнли тўртта чарм варақ бор. Унинг айтишича, жаноб Паганини эрта тонгдаёқ васиятнома битишни топшириб, уни имзолаш учун олиб келишни буюрганмиш. У жаноб Паганинининг ўзи ёзган мактубни кўрсатади, хат Генуянинг бош нотариусига йўлланган. Буюк устознинг топшириғи бажарилди, идора батартиб ишлагани боис, васият ижросини чўзишга ҳеч қандоқ асос йўқ.

Пакана одамни ичкарига қўйишмайди, аммо унинг айтишича, ҳозир қандайдир нуфузли, қудратли бир кимса келиши керак. Унинг қаршисида ҳаттоки, барча ҳукмдорлар саройларининг эшиклари ланг очилармиш. Пакана киши у билан бирга ичкарига кирармиш-у, шунда жаноб

Паганини ўз қалбида асраб юрган ҳамда чарм қоғоз ўрамига қайд этиб қўйишни амр этган дил изҳорлари баёни остига имзо чекиб бераркан. Алҳол, агар тангри унинг руҳини бу ғам-ташвиш байтул-аҳзанидан чақириб олмоқликни ихтиёр этган тақдирда ҳам, жаноб скрипкачининг қариндошлари унинг меросидан қувонч кучгайдурлар.

Орадан ярим соатлар чамаси фурсат ўтди, аммо ҳали ҳеч ким келганича йўқ. Бу паст бўйли дастёр кутаётган нуфузли кишини қандайдир юмушлар ушлаб қолган шекилли. Яна бир соат ўтиб, маркиз ди Негро кузатувидаги, қора ёпинчикқа ўраниб олган қандайдир одам қўшқ аробага ўтирганича жўнаб кетди.

Майда-чуйда кўчаларнинг охири кўринмайди; ва мана, ниҳоят кичик бир берк кўчага етиб келишди. Ундан фақат уй томондаги бостирма орқалигина чиқиб кетиш мумкин. Бу — Пассо ди Гатта Мора. Шу ерда қачонлардир болакай Никколо бир ҳовуч хамир кесмага зор бўлиб яшаган; шу маконда очлик ва машаққатли меҳнат унинг аъзойи баданини кемириб битирган, орадан йиллар ўтгач эса, бу кўргуликларнинг асорати турли дарду касалликларда ўзини кўрсатди. Митти, чиллашир танадаги буюк ирода мусибат ва ташвишлар устидан ғалаба қозониб, тинмай тантана қилаверди, аммо ниҳоят ҳисоб-китоб онлари етиб, мана энди куч-қувватнинг ҳар бир зарраси, ҳар бир мисколи ўлчовли бўлиб турибди.

Мана, онаси оламдан ўтган уй. Илк бор Швейцария Алшларига шу ердан қочиб кетганди. Айнан шу жойда йўл машаққатларидан азобланган гўдак кичкина, қийшиқкинғир камонча билан қуролланганича, ҳар кун, ҳар соат, ҳар лаҳза улкан оғир скрипкага қарши тенгсиз як-какурашга чиқар эди. У қунига ўн тўрт соатлаб оч-наҳор, уйқусиз, ҳордиксиз чолғу билан жанг қилишга маҳкум этилган эди.

Қора кўшкароба Генуянинг тунги кўчаларида кезиб юрибди, Паганинига ҳаво етишмайди. У аравакашни жўнатиб юборди, мрамр зинапоялар орқали кенг майдонга чиқди ва қачонлардир, отасининг ёнидан қочиб кетган кунларидаги каби, тунги қиморхонада биринчи бор катта пул ютиб олган қунидаги сингари, ҳозир ҳам юрагида эркинликнинг, одамлардан озод бўлмоқликнинг қудратли ҳиссиётини туйди.

Паганини деворлар бўйлаб паналанганича, биринчи кўчадан ўтди. Хеч нарса эшитилмайди, қўчалар бўм-бўш. «Фақатгина Ватанингда, болалик хотираларинг тўкилиб қолган жойлардагина қазонинг етиб келганини аниқ-равшан ва ноумид бир ҳолда ҳис этаркансан», — хаёлидан ўтказди Паганини ўзининг қадам товушларига, яқинлашиб келаётган денгиз тўлқинларининг сокин шовуллашига қулоқ тутиб бораркан. Шу онларда Паганинининг юрагида мана шу файзли соҳил бўйларига яшаётган одамларга нисбатан ҳавасми ё ҳасадми уйғонди. У тўполончи ва беғам тўлқинлар сари одимини тезлатди. Никколо қандайдир пакана бир кимсанинг худди жирканч каламуш каби ирғишлаб, шошилган кўйи оппоқ тусли тўлқинқайтаргичнинг чеккасига, Дарсена Реале маёғи томон тез-тез югуриб кетганини кўрмай ҳам қолди. Паганини ёпинчиқ чакмонини билагига ташлаб, камзулининг тугмаларини ечди, бўйинбоғини ҳам бўйнидан чиқариб, денгизга улоқтирди. У бахриобнинг шўртанг шамолига кўксини тутди ва шахдам қадамлар билан тош териб чиқилган тўлқинқайтаргичнинг устига чикди. Улкан харсанглардан тикланган торгина ғов икки томондан шўртанг долғаларнинг босқинини қайтариб туради; оғир томчилар денгиз тазйиқидан кўқариб кетган, шамоллардан силлиқланган харсангларга кийдирилган лангар ҳалқаларига сачрашдан чарчамайдилар. Паганини довулнинг ваҳшатли сапчиётган тўлқинларидан чўчимасдан, ғадир-будур тошлар устидан юриб кетди. У денгизнинг куйлашини тинглаб, соф денгиз ҳавосини мириқиб симирар экан, ҳиссиётлари уни болалик дамларига қайтаргандай бўларди. У бутун умрини ўзига қарши ҳайвоний қутуриш, ёвузлик курашида ўтказган пакана нусха тош ихотанинг чеккасида, маёқнинг баланд устуни ёнида яшириниб турганича, кўз узмай кузатиб турганини билмасди. Паганини ўша одамни кўргани йўқ, аммо тўғри у томонга юра бошлади. Новининг назарида гўё Паганини уни кўриб қолган ва ўзининг қопқора кўзлари билан уни харсангларга тошпарчин қилиб қўяётгандай туюларди. Паганини эса ҳозир тош ихота устида ўзи ёлғиз эмаслигини хаёлига ҳам келтираётгани йўқ, Нови ғазаб-нафратдан ва қўрқувдан телба бўлаёзди. Унга гўёки ҳаётининг сўнгги дақиқалари қадам-бақадам



яқинлашиб келаётгандай туюлди: мана, ўзи бир умр ортидан таъкиб қилиб юрган инсон ҳозир унинг ёнига келади-ю, темир пайлардан яралган қудратли бармоқлари билан хиқилдоғидан олади. Бу дахшатли қўрқувдан Новининг нафаси қисди. У қичқирмоқчи бўлди, лекин овози ўзига бўйсунмасди. Ўзини Паганинининг оёқлари остига ташламоқчи бўлди, аммо унинг оёқ-қўллари қўрғошин қуйилгандай оғирлашиб кетганди.

Тўлкинлар қўшиғи, эндигина уйғониб, маёқ узра чарх уришни бошлаган чағалайларнинг қичқириклари денгизнинг тароватидан ва улғувор мусиқасидан завқланиб одимлаётган скрипкачига тобора яқинлашиб, қулоғини қоматга келтиради. Паганини маёқ ортига яшириниб турган пакана одамнинг қўрққанидан шошиб ўзини орқага олгани шарпасини, шошганича қалтис ҳаракат қилиб, чағалайнинг қичқириғига ўхшаш чинқирик билан қўққисдан ихотадан пастга тойиб йиқилганини ҳатто сезмади ҳам...

Паганини маёққача одимлаб борди, кейин эса ортига қайтар экан, айти шу лаҳзаларда битта ёвуз душманининг ҳаёт риштаси узилганини билгани ҳам, кўргани ҳам йўқ.

...Эрталаб Паганини ўзини анча яхши ҳис эта бошлади. Қумлоқ соҳилда қоқсуяк, терилари буришган, қиррабурун, белига денгизчилар арқонини айлантириб боғлаб олган, турли асбоб-анжомлар жойлаштирилган чарм пешбанд боғлаган кекса балиқчи юмушлари билан андармон бўлиб юрибди. Унинг паст бўйликкина ўғли қўшиқ куйлаган кўйи отасига кўмаклашмоқда. Қуёш чиқиши билан сокинлашиб қолган қўрфазнинг тиниқ сувлари олтинранг тусда жилваланади, тонгги туман бепоён денгизни ўз бағрига олган.

Паганини «Бошпана»даги муғомбир Паскареллини дарҳол таниди. Болалиқда бирга ўйнаб юрган ўртоғини чап қулоғи йўқлигидан, чап қошининг тепасидаги катта чандигидан таниди. Лекин турмуш ташвишлар билан банд балиқчи Паганинини танигани йўқ. У тош устида ўтирган бегона киши томонга бир неча марта қараб-қараб қўйдиди, ўз ишини қилаверди. У ҳозир ҳам ҳудди болалиқ чоғларида Пассо ди Гатта Моранинг ифлос кўлмакларида қоғоз кемачаларини оқизиб юрган пайтларидаги каби ҳафсала билан, шошмасдан, саранжом ишламоқда.

Нонушта маҳали Паганини ўз хонасидан ди Негро қасрининг катта тамаддихонасига тушди. У адашиб бошқа эшикни очди-ю, кутилмаган манзара уни дарров эшикни ёпишга мажбур этди. Бу хонада ўнтача одам қизгин суҳбатлашиб ўтирганди. Паганини қандайдир бир овоз газаб ва нафрат оҳангида ўз исмини талаффуз этганини эшитиб қолди. У кенг очиқ мовий рангдаги кўйлак кийган бу аёлни шу заҳотиёқ таниди. Антониа хоним деярли ўзгармаганди, — ҳар ҳолда унга оний бир нигоҳ билан назар ташлаган Паганини хонимдаги бирор ўзгачаликни сезмади.

Нонушта дастурхони олдида маркиз ди Негро бироз хижолат тортгандай кўринди. Паганини кўлидаги артишокнинг охири япроғини олиб ташлагач, маркизнинг кўзига ошкора тикилди ва деди:

— Мана энди маркиз жаноблари каминага изох берсинлар.

Ди Негро кип-қизариб кетди. У жаноб Паганини ўзининг қадрдон шаҳри Генуяда тўсатдан вабо билан касалланиб ўлгани ҳақида бутун дунёга хабар қилган бир талай фаранги газеталарни Паганинига кўрсатди. Газеталар орасида кўплаб тамғалар босилган ва маркалар елимланган каттагина хатжилд ҳам кўринди. Энага Вейсхауптнинг мактубида боланинг қўлчаси билан йирик ҳарфларда битилган бир нечта сатр ҳам бор эди. Болакай кўрқиб кетганидан касал бўлиб қолибди, лекин ҳозир аҳволи анча яхши экан.

Орадан бир соат ўтиб улгурмай, Паганинининг кўшкаробаси шимол томонга шитоб билан елиб борарди.

### **Ўттиз биринчи боб**

#### **ЖАҲАННАМ ҚАЪРИГА САФАР**

Жаноб Фернандо Пайер оғир бетоб. Англияни ўз овозига мафтун этган Малибранга Буюк Британия сафаридан қайтиб келиш насиб этмабди. Манчестердаги концерт пайтида у ўзи қуйлаётган ариянинг сўнгги нотасида бир чайқалибди-ю, ўзига жўрлик қилаётган Берининг қўлига енгилгина йиқилибди. Аёл бир лаҳзада осон ўлим то-

пибди. Россини муסיқани умрбодга тарк этиб, Париждан жўнаб кетганмиш.

Ахиллино энди ҳар доимгидан ҳам бахтиёр ва соф-саломат. Не бахтки, отасининг ўлими ҳақидаги овозалар бекор бўлиб чиқди. Лекин Антониа хоним Паганини дунёдан ўтиши эҳтимоли бўлган ҳамма жойда изғиб юрибди. У скрипкачининг ўлимини пойлаб, унинг ортидан изма-из санғийди. «О, бахтиёр кўланка! — хаёлан хитоб қилади унга Паганини. — Чамаси сен ҳали узоқ муддат Аиднинг<sup>1</sup> меҳмони бўласан».

Фердинанд Пайер шогирдининг тўсатдан ғойиб бўлиб қолгани учун, Париждан қочиб қолгани учун, ўзидан бирор дарак бермагани учун Паганинига таъна қилади. Ўзининг ҳаёт шоми охирлаб қолганини айтади.

Гаррис ҳам энди унинг ёнида йўқ. Бу беғараз дўст ўзининг котиблик вазифаларини қанчалик сидкидилдан адо этган эди-я! Виждонли ҳисобчини хизматга ёллаганлиги жаноб Паганинига семизгина ҳисоб-китоб дафтари ва катта сахтиён чармжилдни таъминлади: дафтарда Паганинининг мол-давлатига доир барча рақамлар жамлаб чиқилган, унда олтинларнинг аниқ белгилаб қўйилган банк тармоқлари бўйлаб оқишининг қатъий йўл-йўриқлари кўрсатиб қўйилган. Лаффит ва Ротшилд буюк скрипкачига бир-бирларидан ўзиб хизмат кўрсатиш пайдан бўладилар. Жаноб Ротшилд бу борада, ҳатто ўзидан ҳам олдинга ўтиб кетди. У жаноб Паганинига ўзининг Париждаги банкининг мудирини орқали бўйинбоғ учун лаъл ва олмослар билан безатилган тўғнағич жўнатибди.

Лекин Паганинининг душманлари ҳам уни бир лаҳзага бўлса-да, назардан қочираётганлари йўқ.

Бир куни Паганинининг ҳузурига икки жаноб ташриф буюрдилар — Тардиф де Петивилл ва Руссо Демелотри. Улар бошкентлар бошкентида муסיқа саройини бунёд қилишда иштирок этиш таклифи билан келишибди. Тўғрироғи бу — муסיқа уйи бўлади: каза — италия тилида уй дегани. Ўша кошона «Казино» деб номланади. Яъни, муסיқа ихлосмандлари жамияти асос солган, эшиклари ҳамма учун кенг очиқ кошона. Бу кошонада

<sup>1</sup> Аид — юнон афсоналарида ўликлар маъбудиди; жаҳаннам, ўликлар салтанати.

худди санъат саройидаги каби адабиёт ҳам, мусаввирлик ҳам, мусиқа ҳам, хореография ҳам, меъморчилик ҳам ўзига мазгил топади; хуллас, бу қаср дунёнинг биринчи рақамли санъат арбоби, жаноб Паганинининг номи билан зийнатланган қомусий муассаса бўлгусидир. Ушбу тадбир учун ҳамма нарса тайёр. Жаноб де Петивилл шу мақсадда «Жомар» қўноқхонасини сотиб олди. О, бу д'Антен кўчаси яқинидаги энг гўзал маскан! У бир пайтлар Франция инқилоби даврлари молиячиси бўлган жаноб Перрегонинг мулки эди.

— Бизлар иштиёқ ила айнан ўша жойни танлаётганимизнинг боиси эса, — изоҳ бериб ўтишди қўш исм-шарифли бу кишилар Паганинига ялтоқланиб, — жаноб Перрего асли италиялик бўлган, кейин бу мулк Падую ҳерцоги Арригининг илкига ўтган. Хуллас, ўша ерда, оддий қилиб айтадиган бўлсамиз, сизнинг молиявий валинеъматингиз Лаффит жанобларининг илк банклари таъсис этилган. Сиз фақатгина низомни ва мана бу арзимас қоғозчаларни ўз муборак имзоингиз билан тасдиқлаб берсангиз кифоя.

1837 йилнинг 25 ноябрь куни париждиклар илк бор ўша «Казино»да тўпландилар. Шу муносабат билан Берлиоз «Мусиқий газета»нинг сўнгги саҳифаси бўлмиш «Париж хабарномаси»да жаноб Паганинининг янги молиявий найрангига бағишланган аччиқ ва нафратга тўла мақоласини эълон қилди.

«Машҳур скрипкачининг ўша «Казино» деб аталмиш шубҳали муассасадаги шахсий иштироки ҳаво очик пайтларда унинг ҳовлисидаги боғни бир-икки айланиб сайр қилишдан нарига ўтмайди...»

Паганини хайронликдан елка қисади: «Бу одамга нима керак ўзи? Унинг ҳаёти фаровон бўлиши учун мен унга ҳамма яхшиликларни қилдим-ку, ахир».

У мусиқа соҳасида Берлиоздан ҳеч қачон маслаҳатларини аяган эмасди, ҳар бир мактубига муфассал жавоб ёзиб юборди. Шунга қарамасдан, яқин танишлари доирасида, тилининг вайсақилиги ҳар қандай чегарадан ўтиб кетган пайтларда ҳар доим: «энг хиёнаткор кишилар — энг яқин дўстларингдир», деган матал ҳақ бўлиб чиқарди — жаноб Берлиоз Паганинининг самимий ихлосманди бўлмиш ёш Листга нисбатан разилона муносабатда

бўла бошларди. Чунки бу йигитдан ҳам нафратланар, айниқса, унинг Паганинига яқинлигидан ҳасад қиларди. Бу исмнинг ўзиёқ Берлиозда аллақандай хурофий бир даҳшат ҳиссини уйғотарди.

Берлиоз Паганини ҳақида унинг мусиқа оламидаги бошқа дўстларига қараганда кўпроқ нарсаларни сўзлаб бериш имкониятига эга эди. Бўлмасам-чи, ахир париждлик йирик молиячи, «Журнал де деба» газетасининг ҳомийси, Жул Жаненни ўз ҳимоясига олган жаноб Берлен Паганини ҳақидаги барча ғийбат-иғволардан хабардор эди. Унинг газетаси кўплаб махфий ва расмий мухбирларнинг хизматларидан фойдаланар эди. Ҳар куни мактублар жаноб Паганинининг ҳаётидан турли қизиқарли воқеаларнинг хабарини етказиб турар эдилар. Таҳририятнинг ихтиёрида, ҳатто, буюк скрипкачи беҳабар бўлган айрим ҳужжатлар ҳам бор. Жаноб Берлен эса бунга бевосита алоқадор, зеро, жаноб Гюго ва жаноб Фуше либреттоси асосида Берлиоз томонидан сахналаштирилган «Эсмералда» операси жаноб Берленга ҳам бегона эмасди. Унинг қизи шу операда қўшиқ куйлайди. Модомики, жаноб Берлиоз Паганини ҳақида ғийбат тарқатмоқда экан, париждликлар Берлиознинг ўзи ҳақида ҳам, у билан жаноб Берленнинг қизи ўртасидаги дон олишиб юришлар ҳақида ҳам ғийбатлашишга кўпроқ ҳақли эдилар. Лекин жаноб Берлиоз оилала бўлиб, у ҳали Берленнинг қизи билан таниш бўлмаган пайтида кўр-кўрона, олдиндан бирор манфатнинг ҳисоб-китобини олмасдан туриб, шартта уйланиб қўйган эди. Энди эса жаноб Берлиоз итнинг кейинги оёғи бўлиб кун кўришга мажбур, у баъзан кир ювувчининг ҳақини қандай тўлашни ҳам билмай, талвасага тушиб қоларди. Беихтиёр равишда «Мусиқий газета»га хабаркашлик қилишга мажбур бўлмоқда; эрталабки нонуштани Жул Жаненнинг уйида еса, жаноб Берленнинг уйида тушлик қилишига тўғри келади, кечки нонуштага урвоқ ҳам йўқлиги боис, оч қорин билан ухлашга ётаркан, Балзакнинг фаройиб «Сағри териси» романини юзинчи марта ўқиб, ўзини чалғитган бўлади. О, ўша худбин Рафаэл манави Паганинига қанчалар ўхшаш, унинг скрипкаси ҳам қудратли сеҳрга эга бўлса-да, эгасининг саломатлигини қайтаришга қодир эмас!

Мана, кунлардан бирида жўнатмалар идорасига «Сағри териси» романининг бир нусхаси солинган катта хатжилд топширилди.

Паганини худди ўзи каби бир куни ифлос қиморхонага кириб, сўнгги чақасини ўйинга тиккан Рафаэлнинг, қашшоқ парижлик йигитнинг фожиавий тарихини ўқишни бошлади. Антиқаворлар дўқонидаги гаройиб учрашув. Рафаэлнинг ҳар бир истагини бажо келтирганидан сўнг ҳажми кичрайиб, эгасининг кун-соатини санаб борувчи сағри териси. Кейин эса ҳадсиз-ҳисобсиз мол-дунё, барча тилақларнинг ижобати ва умрнинг лаҳзаларда эриб кетиши. Кундан-кунга, гўёки тақвимнинг шамолда совурилиб бораётган варақлари мисоли, умрни эговлай-эговлай соат ва дақиқалар оқиб кетмоқда, деворда илиниб турган, қачонлардир улкан ҳажмда бўлган ёввойи эшак терисининг ўлчамлари кўз ўнгингда кичрайиб бормоқда. Мана, унинг бошланғич шакли — оппоқ деворга қизил чизик билан чизиб, белгилаб қўйилибди. Ва мана унинг ҳозирги кўриниши. Фадир-будур, яғир, қадимги тилдаги сирли ёзувлар битилган бу тери Рафаэлнинг сўнгги кунлари ва соатларининг рамзидир.

Берлиоз бу зарбани беришда ҳақ бўлиб чиқди. Унинг ўйлаганлари тўғри чиқди. Паганини Рафаэл қисмати билан ўз тақдирининг буткул муштарак эканини дафъатан англаб етди.

Паганини Парижга қайтганидан сўнг авж олган воқеалар ўзининг ғайриоддий изчиллиги билан кишини ҳайратга солади.

Полиция идорасининг бошлиғи жаноб Симоне, полиция бошқармаси бош котиби жаноб Малевал, «Муסיқий газета» маъмурияти, диния идораларининг вакиллари, Париж ҳуқуқшунослари ва шифокорлари, мухбирлар ва тақризчилар — барчалари дабдурустан мақсадга йўналтирилган ягона режанинг ижрочиларига айланиб қолдилар.

Гаррис Англияда яшаб туриб, жаноб Паганини номидан ёзилган бир мактуб олди. Унда гўёки жаноб Паганини Гаррис ўзининг молиявий ишларини юритиб турган пайтида айрим шубҳали ишларни қилганидан гумонда эканини хабар қилганди. Гаррис Паганинига жавоб хати ёзиб, ҳақиқатни юзага чиқариш учун ўзининг хизматини таклиф этди. Лекин бу мактуб Паганинига бориб етмади.

Гаррис олган хабарини ҳақиқатан ҳам Паганини ёзганига ишониб, иккинчи марта ўзининг хизматини таклиф этиб ўтирмади ва Брайтонда камтарона ҳаёт кечиришда давом этаверди. Шундан сўнг унинг қилган ягона иши — Нью Йоркда яшаётган англиялик ошналарига мактуб жўнатиб, Паганинини Америкага таклиф этишларини ва шу йўл билан уни Оврўпадаги муқаррар ҳалокатдан асраб қолишларини сўради.

Кўп ўтмай Паганини хабарнома олди. Мактубда унинг ихтиёрига улкан уммон кемаси жўнатилиши ва уни Янги Дунёга олиб кетиши маълум қилинганди. Ўн бир ёшли Ахиллино бу янгиликдан қаттиқ қувонди. Паганини сафарга ҳозирлана бошлади. У эҳтиётсизлик қилиб ўзининг тайёргарлиги ҳақида ортиқча овоза қилиб юборди ва унинг ҳаётига эга чиқмоқчи бўлиб турган кучлар бу тадорикни йўққа чиқаришнинг йўлини топдилар.

Агар унга шифокор керак бўлса, махсус шифокор юбориларди; мабодо ҳуқуқшуноса муҳтожлик сезса, махсус ҳуқуқшунос жўнатилади; агар тақризчи ёхуд матбуот вакили зарур бўлиб қолса ҳам, уни таъкиб этиб юрган кучларнинг вакили шифокор суратига ёки ҳуқуқшуноснинг қиёфасига киргани каби, исталган ниқобда жўнатилишга тайёр турарди.

1837 йил қатъий зарба йили бўлди.

Шу йил Паганинининг қораланишини ва ҳалокатини тайёрлаш йили бўлди. Истеъдодли ва сўзамол адвокат NN\*\* ўзининг иштирокини талаб этувчи барча кунжакларда ва биною хоналарда Паганинининг ақлдан озганлиги ҳақида бўқира бошлади. «Паганини ўзининг беҳисоб бойликларига қаноат қилмасдан, Парижнинг чайқовчилар, ғалаёнчилар ва товламачилари тўдасига қўшилиб, улар эса сариқ чақалари бўлмагани холда бўш ерда «Казино»лик бўлиб қолдилар».

Тажрибали адвокатнинг бу сўзлари ҳамма жойда, ҳамма томонидан такрорлана бошлади. Агар Паганини одамлар орасидаги гап-сўзларга эътиборлироқ бўлганида, агар Парижнинг жарномаларини ва газеталарини ўқиб борганида, у «Казино»нинг безарар хомийлик муассасаси эмаслигига амин бўларди:

«Казино» — Паганининингнинг даромади!

«Казино» — Паганинининг нафс ўпқони!

«Казино» ва Паганини — иккови айнан бир нарса!

Санъат уйини ташкил этиш учун дастлабки олтмиш минг франк бадални тўлаган Паганини, мусиқа маданиятининг жаҳоншумул шахри учун миннатдорчилик юзасидан эзгу тadbирни амалга оширяпман, деб ўйлаган эди. Айни пайтда товламачилар тўдаси скрипкачининг пулларини бебилиска сарфлаб, унинг номидан фойдаланиб, катта қарзларга ботиб кетишди, йирик фирибгарликларга қўл уриб, Паганинини шундай вазиятга тушириб қўйдиларки, бу ҳолат унинг фикру режаларига қарши ўларок, скрипкачининг тўла хонавайрон бўлиши хавфини юзага келтирди.

Париж ҳуқуқшунослик соҳасининг аҳли донишлари Паганинининг ўзи ҳузурларига ўтиниб келишини кутиб, бу ишларга муносабат билдирмай турдилар. Уларнинг ораларида ишнинг баттар чалкашиб кетишини кутиб турган одамлар ҳам бор эди, сабаби, бу нарса Паганинини кўпроқ сарф-харажатлар қилишга мажбур этиши тайин. «Казино» эса кундан-кунга тобора кўпроқ балою ташвишларга тўла кулфат қутисига айланиб бормоқда. Жаноб Руссо Демелотри шунчаки жаноб Тардиф де Петивиллнинг буйруқлар ижросиси ва иш бошқарувчиси бўлиб чиқди. Жаноб Тардиф эса тўсатдан Париждан жўнаб кетибди.

Жаноб Паганини ҳар куни «Казино»да концерт беришга мажбур, зеро оммага бу нарса олдиндан ваъда қилиб қўйилган бўлиб, одамлар бунинг ижросини кутадилар. Паганинининг касаллиги унинг томоша кўрсатмаслигига сабаб бўлолмайди.

Булар ҳаммаси ниҳоятда кулгили. Бу қандайдир қўпол ҳазилга ўхшайди. Бу ишга энди Франция қонунчилиги аралашиб, буюк скрипкачини химоя қилмаса бўлмайди, шекилли. Чунки Паганини доим фарангиларнинг барча истакларини адо этиб келган. Бу ахир кундай равшан нарса-ку. Паганини Париж ҳокимлигининг бош қотиби жаноб Малевалга ариза ёзди ва бунга жавобан шундай мазмундаги билдиришнома олди:

«Жаноб Паганини номаълум кимсалар билан бирга амалга оширган жирканч товламачилик учун Франция қонунчилиги уни ўз химоясига олади, деб беҳудага хаёл қилибди. «Казино»га келтирилган усқуналар учун Пага-



нини икки юз минг франк тўлаши шарт. Акс ҳолда уни нафақат фуқаролик суди, балки ахлоқ тузатиш полициясининг аралашуви ҳам кутмоқда».

7 март кунига молия суди тайинланди ва Паганини ўзи кутмаган ҳолда Малевалнинг хабарномасида санаб ўтилган улкан миқдордаги барча тўловларни тўлашга ҳукм қилинди.

Паганини жаноб NN\*\*га мурожаат этди. Жаноб NN\*\* эса елкасини қисиб қўйганича, ишнинг ниҳоятда оғир эканини, уни ҳал этиш осон бўлмаслигини айтди. Лекин жаноб NN\*\* жуда илтифотли, у ҳар ҳолда жаноб Паганинига ёрдам қилишга ваъда берди. Ва, мана у қўмак беришни бошлади ҳам. У ҳар куни жаноб Паганинининг ҳузурига келади ва турли воқеа-ҳодисалар ҳақида сўзлай бошлайди. У Паганинига «Суд трибунали газетаси»ни келтириб берди. У жаноб Паганини ҳақида ёзилган барча маълумотларни ўқиб беради. Жаноб Паганини — оддий товламачи. Бу — полициянинг ҳам, Париж судининг ҳам қатъий нуқтаи назари. У ноҳалол бойлик орттириб қолиш учун «Казино» ташкил қилиш хийласини ўйлаб топган ва кекса, тажрибали қаллоб сифатида нуфузли раиятни чув туширган. Жаноб Паганини жиноят ахлоқ тузатиш полицияси судига топширилади.

— Бу анча қимматга тушади, — дейди NN\*\* — Сизни бундай оғир жазодан қутқариб қолиш осон бўлмайди. Сиз Петивил «Казино»нинг барча пулларини олиб, Париждан қочиб кетганини жуда яхши биласиз. У полициянинг қари кўппаги Флери билан шерик экан. Флери эса ҳозир судлов остида. Жаноб Симоне ҳам сиздан ниҳоятда норози. У адлия нозирига сизга қарши шикоятнома топширган. Худди шу асосда ҳокимлик котиби жаноб Малевал ҳам адлия нозирига муштарак шикоят тақдим этган. Икковлари ҳам сизнинг товламачи эканингни тасдиқловчи ашъвий далил сифатида сиз уларга пора тарзида жўнатган «Казино» акцияларини нозирга топширганлар.

Паганини тубсиз жар оғзига келтириб қўйилган одамнинг нигоҳи билан, кўзларини катта очганича тикилиб қолди. Кейин бирдан ғазаби қўзиб, оёқларини қаттиқ тапиллатганича ер тепиниб, NN\*\*ни хонасидан ҳайдаб чиқарди ва бу ишга ўзи киришишга қарор қилди.

16 март куни Парижнинг барча газеталарида ҳукм мазмуни эълон қилинди:

«Казино»нинг ташкилотчиси жаноб Паганини ҳар ҳафта энг камида икки марта, ҳақ олмаган ҳолда «Казино»да концерт бериши шарт. Ҳар бир концерт жаноб Паганини томонидан олти минг франк миқдорига маблағ тўланган тақдирда жарима билан алмаштирилиши мумкин. Таъминот кафолати сифатида «Казино»нинг барча мол-мулклари махсус ҳибс остига олинган деб эълон қилинади.

Энди ҳеч қанақа Америка ҳақида ўйламаса ҳам бўлаверади. Жаноб Паганинининг Париждан чиқмаслиги ҳақида тилхат ҳам олинди. Август ойига қадар вақт шу тарзда ўтди. Паганини худди қафасга тушган ёввойи хайвондай ўзини ҳар тарафга уради. Касаллиги авж олиб кетди, ҳар оқшом уни безгак тутади, тунлари даҳшатли алаҳлашлар юз бериб, томоғига қон тўлиб оқади.

Қандайдир кимсалар полициянинг махсус ижозатнома-си билан «Казино»ни тасарруф этишмоқда. Сешанбада, киш билан видолашув байрамида аллақандай Сан Феличе деган аёл Паганини номидан ёзилган сохта хат билан «Казино»да концерт берди. Кейин ўша фирибгар аёл ҳамма пулларни олиб, фазначи билан бирга қочиб кетибди. Шундан сўнг Париж маъмурияти бошлиғи Жискенинг рафиқасининг акаси жаноб NN\*\* адвокатдан даъвогарга айланди-қўйди. У Паганинини судга чақиртирди ва унинг ишларини юритганлиги эвазига Паганинидан ниҳоятда катта миқдордаги пул тўловини талаб қилди. Паганини NN\*\*нинг ўзига ҳуқуқий қўмак кўрсатганлиги ҳолатини рад этди. Аммо суд Паганинини жарима тўлашга ҳукм қилди. Ҳукм NN\*\*ни қаноатлантиради. Паганини адлия нозирига мактуб жўнатди. Ишнинг палатада тингланиши тайинланади.

Адлия саройи — тошбақадай имиллаб ишлайдиган муассаса. У ерда иш жилдлари ва ҳужжатлар негадир ҳеч бир сабабсиз йўқолиб қолаверади. Паганинининг шикоят аризалари гўё муз бўлақларига ёзилиб, офтоб тафтида эриб кетган каби ўз-ўзидан иссиз ғойиб бўлаверади.

Франция ва Оврўпа журналлари Паганинининг бошига тушган кўргуликлар ҳақида гоҳ унинг иззат нафсини таҳқирловчи истехзоли ачиниш билан, гоҳи эса унинг

шаънини ерга урувчи таъна-дашномлар оҳангида хабарлар чоп этишмоқда.

Буюк скрипкачи сифатида у энди йўқ. Фириб қопқонига ўзини отган бир кимса сифатида — бор. Оғир хаста бемор сифатида у — мавжуд. Шифокорлар ҳам жаноб Паганинининг аҳволига қизиқиш билдиришни бошлашди.

Паганини Париж балчиғидан қутулиб кетишга урина бошлайди. У Лапортга хат ёзиб, ўзининг Лондонда концерт бериш истагида эканини изҳор этди. Англия газеталари концертларнинг кун ва соатларини эълон қилдилар. Паганини жўнашга тайёргарлик қўра бошлади. Лекин сафар амалга ошмади: қарангки, Адлия саройидаги мутасаддилар Паганини ўз даъво ишини кўриб чиқиш ҳақида ариза топширганини қўққисдан эслаб қолишибди. Бу ҳақда Паганинига хабарнома юборишгач, у ўз сафарини тўхтатиб туришга мажбур бўлди.

Паганини концерт беришдан бош тортганлиги ҳақидаги эълон Лондон газетаарида чоп этилгани тўғрисидаги хабар Парижга етиб келган куниёқ, Паганини адлия нозирлигидан янги билдиришнома олди: «Адлия саройида тингланниши тайинланган даъво иши декабрь ойига кўчирилади».

Паганини нима қилишни билмай қолди. Унинг сабртоқати тугаб битганди.

24 июнь куни «Муסיкий газета» жаноб Паганини ҳақида ёзилган хатни босиб чиқарди. Газетанинг фикрича, бу хат жаноб Паганинининг ортиқ даражада ақлдан озганидан далолат беради. Бу мактубдаги маълумотлар камоли илтифот ила жаноб Дуглас Ловедей томонидан тақдим этилган бўлиб, бу жанобнинг қизига Паганини скрипка ижросидан сабоқ берган экан. Ўтилган сабоқлар учун жаноб Паганини Дуглас Ловедей жанобларидан йигирма олти минг тўрт юз франк талаб қилаётганмиш.

Париж аҳли яна қайтадан ғазабга минди. Газеталар Паганинининг устидан ифлос маъзава тўкишни бошлаб юбордилар. Яқиндагина унинг концертларидан завқ олган одамлар энди елкаларини қисиб, бир-бирларига ҳайратларини изҳор этадилар: «Бу одамга нима бўлган ўзи? Бир ойлик машғулотлар учун йигирма олти минг франк-а! У эсини еб қўйибди-ку!». Бирор соддадил одам агар: «Балки бу ерда бошқа бирор гап бордир?», — деб қолгундай

бўлса, ўзини ҳамма нарсада ақлли деб ҳисоблагувчилар бир овоздан: «Сиз бу одамни билмайсиз», — деб, дарров унинг оғзига уришади.

Паганини бу борада ўзининг изоҳини чоп этишлари учун беҳуда овора бўлди. Ниҳоят, у тақдим этган далиллар шу қадар ҳайратланарли, бу борада бевосита Луи Филипга мурожаат этиш таҳдиди шу даражада қатъий бўлдики, газета Паганинининг мактубидан олдин Дуглас Ловедей унга ёзган таҳдидини чоп этишга мажбур этилди.

Бу хатда Ловедей Паганини унинг уйида тўқсон кун яшаб тургани учун скрипкачидан қирқ минг франк ижара ҳақи талаб қилганди. Бундан ташқари Ловедей хоним Лондонда митти Ахиллинога роппа-роса ўн кун давомида роял чалишдан сабоқ берганлиги эвазига Дуглас Ловедей судга бериш таҳдиди остида ҳар бир дарс учун Паганинининг икки минг франкдан тўлашини талаб қилган. Дуглас Ловедейнинг мактуби дўқ-пўписа ва беилтифот жумлаларга тўла эди. Жаноб Паганини уч кунлик муддат ичида олти минг франк тўлаши шарт қилиб қўйилганди.

Бу мактубни чоп этирар экан, жаноб Паганини шу мазмунда изоҳ беради: «Мен унинг қизига ҳеч қандай дарс берган эмасман. Жаноб Дуглас Ловедейга жавобан мисол тариқасида шундоқ дедимки, агар бундай бемаъни хомхаёлларга бориладиган бўлса мен ҳам истаганимча ўринсиз истакларни тикиштириб ташлашим мумкин. Мен ҳам худди ўзига ўхшаб, унинг қизига ўтмаган дарсларим учун ундан йигирма олти минг тўрт юз франк ёки миямга келган ҳар қандай миқдордаги маблағни сўрасам нима бўларди, дедим.

Мен, — дея давом этади Паганини ўз тушунтиришида, — бошқа ҳеч қандай масалани у билан гаплашганим йўқ. Жаноб Ловедей ўз укасини Англиядаги энг машҳур шифокор, дея менинг ҳузуримга жўнатганида, менинг шахсий котибим ва дўстим жаноб Гаррис унинг ташрифларини ўз вақтида тақиқлаб қўйди. Ўша кимса тиббий шаҳодатномага эгами ёки йўқми, билмадим-у, аммо у буюрган дастлабки дориларни қабул қилишим биланок, мен ўзимни фавқулудда ғалати ҳис эта бошладим ва саломатлигим ниҳоятда ёмонлашди. Гаррис бу фирибгарликни менга тезда фош этиб берди. Бу машҳур шифокор деганлари Ловедейнинг хонадонига ҳар куни келиб, каминадан

юз франк муолажа ҳақи талаб қиларди; ҳатто шунчаки ичкарига кириб: «Аҳволлар қалай?», деган саволи учун ҳам шунча тўлов сўрарди. Шундан сўнг мен шошилиш равишида Ловедейнинг уйини тарк этишга мажбур бўлдим. Гаррис эса барча тўловларни амалга оширганимиз ҳақида тилхат олди».

Паганини охириги пайтларда парижлик шифокорларда даволанишдан қўрқиб қолганди. Оғир бетоб эканига қарамасдан, у 1837 йилнинг 16 декабрида Берлиознинг концертини тинглади. Паганинининг шахсиятига беписандлик билан муносабатда юргувчи бу ғалати мусиқачини қаранг-а! Холбуки, у сеҳрвор тароналар ёзар экан.

— Бу — мўъжиза! — хитоб қилди Паганини «Харолд Италияда»ни тинглай туриб.

Эртаси куни тонгда Берлиоз ўз отасига мактуб ёзиб жўнатди:

«Паганини — ҳақиқатан буюк ва олийжаноб санъаткор экан, у бугун менинг ҳузуримга — саҳнага кўтарилди ва бу сафар мени Бетховен даражасига олиб чиққан концертимдан юрагининг туб-тубидан қаттиқ таъсирланганини изҳор этди. Ҳозиргина мени хайратга солган ходиса рўй берди. Беш дақиқа аввал Паганинининг ўн икки ёшлик ўғли Ахиллино менга отасининг мактубини топширди. Унда Ротшилд банкига қўйилган йигирма минг франкка чек бор эди. Энди мен йигирма минг франк маблағ эгасиман. Паганини менга шундай ёзибди:

«Биродари азиз!

Бетховен ёруғ оламни тарк этиб кетди. Берлиоз эса кеча уни ҳаётга қайтарди. Мен сизнинг дохиёна ижроингизни тинглаш бахтига ноил бўлган инсон сифатида сиздай даҳо олдидаги бурчимни адо этмоқликка изн беришингизни сўрайман. Сизга бўлган миннатдорлигим боисдан йигирма минг франк маблағни қабул қилишингизни илтимос қиламан. Уларни барон Ротшилд банкидан олмоғингиз мумкин. Сизнинг доимий садоқатли дўстингиз Никколо Паганини».

«Журнал де деба»да қутилмаган янги руҳдаги бир хабар пайдо бўлди:

«Дунёда менинг Паганинига қарши қаратилган мақолаларимдан кўра шафқатсиз, адолатсиз ва ғазабнок нарса йўқлигидан қаттиқ уятдаман. Мен ўз танқидларимда

мутлақо ноҳақ эдим. Паганинига қарши мавжуд бўлган ижтимоий фикрга юрагимнинг туб-тубидан ишонгандим.

Жул Жанен».

Жаненнинг тушунарсиз сатрлари унинг Паганинига қарши фитналардан бош тортаётганлигининг асл сабабини очиб бермади.

Парижнинг сафсатабоз газеталари Берлиознинг концертида юз берган воқеа борасида уввос торта бошладилар. Йигирма минг франк ҳақидаги овозалар Паганини ҳақида энг кулгили хангомалар тувилишига сабаб бўлди. Айтишларича, Паганини Берлиозга берган пуллар ўзиники эмасмиш. Гўёки ойимқиз Берлен «Мунозаралар»нинг ношири бўлмиш отасидан яширин равишда скрипкачига илтимос қилиб, Берлиозга ўзининг кўнгил ҳадясини топширишни сўраган эмиш. «Мунозаралар»нинг мухбири бўлмиш жаноб Жаненнинг дил изхори ҳам шунинг самараси экан.

Лист ўзининг Ортегга ёзган хатида бу ноўрин савоҳатни танқид қилди. Яна кимлардир эса Паганини Берлиозга ўғирланган пулларни эҳсон қилиб юборганини айтишарди.

Италияликлар хиёбонида чиқадаган майда бир газета-ча: «Қиморда ютиб олинган бу ифлос пуллар Берлиозга омад келтирмайди», — деб ёзди.

Берлиознинг ўзи эса бахтиёр эди. Бу пуллар унга уч йиллик машаққатсиз меҳнат, эркинлик ва бахт тухфа этарди. У энди «Ромео ва Жулиэтта»ни якунлаб олади.

«Мен уни улкан томошахонада ёлғиз учратдим, — ёзди у синглисига. — Биласанми, у овозидан бутунлай айрилган: унинг ўғли Ахиллионинг ёрдамисиз Паганинининг нима деяётганини тушуниб бўлмайди. У мени кўриши билан кўзларидан ёш думалай бошлади, мен ҳам ҳозир хўнграб йиғлаб юборишимни сездим. Ўзинг ўйлаб кўргин-а, Паганини йиғламоқда эди. Бу ёввойи одамхўр, аёлларнинг бу бало-офати мени қучоқлаб йиғларди. «Ҳеч нарса гапирманг. Мен сиздан миннатдорлик сўзларини кутаётганим йўқ! Аксинча, сизнинг бугунги концертингиздан мен бахтиёрман! — деди у менга. — Сиз менга асл мусиқа санъатининг аллақачон юрагимдан ўчиб кетган ҳисларини қайтариб бердингиз». Кейин эса кўз ёшларини сидириб ташлаб, кулганича қўли билан миз устига мушт солди ва менга фавқулодда ғам-ташвишли бир киёфада

тикилган кўйи лабларини тез-тез кимирлата бошлади. Бу унсиз сўзларни кичик Ахиллино менга тушунтириб турди.

«Мен бахтиёрман, — деди Паганини. — Мен фароғат чўққисидаман. Сизга қарши ноҳолис нарсаларни ёзган маразларнинг ҳаммаси энди ўз тухматларини такрорлай олмайди. Мен мусиқа оламида бекиёс нуфузга эгаман ва сизни буюқ мусиқачи дея тан олишларини талаб қиламан».

Берлиоз ҳақиқатан қаттиқ ҳаяжонда эди. Бу ҳиссиёт унинг гапиришига халақит берарди. Очлик ва қашшоқлик кунларида бу бастакор томонидан йўқотилган имкониётларни амалга ошириш истиқболи Паганини билан сўзлашаётган онларида уни шодлик ҳиссига чулғаб, ҳатто тили айланмай қолди.

Лекин биринчи хижолатлик туйғуси жуда тез ўтиб кетди. Энди Берлиоз Паганинидан унинг саломатлиги ҳақида сўради. Берлиоз даҳшатда: скрипканини у сахнада соғлом ва қудратга тўла бир қиёфада кўрган эди. Ҳозир эса яқиндан кўрганда унинг қаршисида хорғин ва ҳаддан ортиқ кийинчилик кўрган одам турибди. Холбуки, ҳеч қандай ғаразсиз буюқ бир эзгу ишни амалга оширган бу одамнинг соғлиғи шу даражада пугурдан кетганки, у ҳозир аслида бировларнинг фаровонлигини эмас, балки ўзининг ҳаётини сақлаб қолишни ўйлаши керак.

Берлиоз Паганинига ўз моҳиятини тўлалигича очиб берган сирри гайб ҳақида сўз очди. Паганини бош силтаб кўйди, Ахиллино отасининг қисқагина жумласини унга етказди:

— Менинг бор-йўқ сирим шунчаки қандайдир тасодиф натижаси эмас. Бу — узоқ муддатли, азобли меҳнатнинг самараси. Сиз ўз созингизнинг табиатини ўрганинг. Сиз чолғуингизни охиригача билмаслигингиз ҳақидаги фикр билан унинг моҳиятига етишни бошланг. Скрипканинг хос-салари аслида мендан аввалги созандалар ўйлаганларидан кўра анчагина бойроқ.

— Сизни одамлар илоҳа Изиданинг коҳини деб аташадди, — деди Берлиоз бунга жавобан.

— О, йўқ, — эътироз билдирди Паганини, — менинг «маъбуд»им оддийгина қилиб *скрипка* деб аталади.

Берлиоз Парижнинг газеталари ва журналлари билан яқин алоқадорлиги боис ўзига маълум бўлган вазият ҳақида Паганинига айтиш-айтмаслик тўғрисида иккиланиб

қолди. У Паганинини янги хатарлардан огохлантормоқчи бўлди. У ўзини бунга бурчли деб биларди. Лекин hozir бу одам олийҳимматлик ташрифи билан қадам ранжида қилиб турган бир пайтда, унинг учун оғир ва ёқимсиз бўлган нарсалар тўғрисида гапиришни ножоиз деб ҳисоблаб қўя қолди. Берлиоз бунга ботинолмасдан, иккиланган бир ахволда турди-турди-да, охири ноқулай бир ахволда тезгина хайрлашиб, жўнаб қолди. Тобора яқинлашиб келаётган, шу ерда, Парижда юз бериши муқаррар бўлган, тўхтатишнинг иложи йўқ фалокат ҳисси уни кўчага чиқиши биланоқ қамраб олди. Берлиоз Паганини учун ёрдам сўраб қичқиргиси келарди. Бу ерда махфий равишда кечаётган ишлар қандайдир яширин йўллар билан Паганинини хароб қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқиляётган хавфли маҳкамада тайёрланаётган бўлиб, бу Берлиозга дахшат бўлиб туюлмоқда эди. Аммо бундан кейинги ҳаётининг таъминланганлиги, бахтиёрлик ва эркинлик туйғуси Берлиозни зумда сармаст қилиб қўйди. Орадан биргина дақиқа ўтиб, у Паганини ҳақидаги барча фикр-хаёлларини шууридан чиқариб ташлади. Пул чеки банкка топширилди, ялтироқ олтин тангалар санаб олинди, ортиқча шов-шув кўтарилмаслиги учун танланган танишлар даврасида оз кишилик, лекин дабдабали зиёфат берилди: чунки мусиқачилар жуда ҳасадгўй бўладилар...

«Бу телба одамга мен нима ҳам қилиб бера олардим? Жон керак бўлса, ўз ғамини ўзи есин-да!» — Берлиознинг сўнги хулосаси шу бўлди.

Паганинининг дўстлари ва ихлосмандлари томонидан юборилган доктор Лаллеман беморнинг аҳволи ёмонлашганини эътироф этди.

— Бутун Париж сизнинг саломатлигингиз билан қизиқяпти, — деди у Паганинига мурожаат этиб.

«Э, ҳа, — хаёлидан ўтказди Паганини, — бутун Париж нимани ўйляётганини яхши биламан. Биринчи палатадаги иш яна кейинга қолдирилди. Мени яна фалокатга гирифтор қилишмоқчи». У шифокорга қайғули ва жиддий нигоҳ билан боқди, лаблари эса ўзининг соғлиғига алоқадор бўлмаган сўзларни пичирлади.

«Журнал де деба» ва «Мусиқий газета» таҳририятларидан Паганинининг аҳволи жиддий равишда ёмонлаш-



гани ҳақидаги дараклар тўхтовсиз равишда атрофга тарқатила бошлади.

Доктор Лаллеман Парижнинг тўрт нафар энг машхур шифокорларини кўрик маслаҳат учун Паганинининг хузурига таклиф этди. Муфассал текширувлардан сўнг улар кенгашиш учун қўшни хонага чиқиб кетдилар.

Оғир шаклдаги касаллик сифатида «таъқиб ваҳимаси» касаллигини кашф этган Лассег исмли ёш доктор Паганини айнан шу дардга йўлиққанини исбот қилишга уринди. «Буюклик васвасаси» ҳақида илмий иш ёзган психиатр Фовил Паганини *mania grandiosa* касалига учраган, деган фикрини маъқуллаб тураверди. Фақатгина Жан Крувелйе асабларнинг тўла толиқиши аломатларини эътироф этди ва ўз беморининг таржимаи ҳолининг бошланғич даврларига мурожаат этиб, уни ўргангани, Паганинининг болалиги ҳамда ўсмирлиги борасида батафсил маълумотга эга эканлиги билан мухтарам ҳамкасбларини қаттиқ таажжубга солди.

— Мен аввал ҳам унинг хузурида бўлганман, — деди доктор Крувелйе. — Ўша куни кимдир касбдошимиз Суберан томонидан кашф этилган кимёвий воситани беморимизнинг танасида синаб кўрган экан.

— Қандай қилиб? Нимага? — сўради доктор Ростан, кўзойнагини тўғирлаган кўйи.

— Шундай, — унга жавоб қилди Крувелйе, — талончилар хонадон соҳибини хлороформ билан хушсизлантириб, унинг бир халта олтинини олиб кетишган.

— Бунча олтин унинг учун денгиздан бир томчи, холос, — деди доктор Ростан, Паганинининг фавқулодда катта бойликка эга экани ҳақида Парижда тарқалган овозаларга ишонган ҳолда.

Доктор Лассег суҳбатга қўшилди:

— Бу одамнинг асосий хислати — асаб қўзғатувчи воситаларга фавқулодда қаршилик кўрсата олиш қобилиятидир. Каминанинг фикрича, табиатнинг «жаноб Паганини» деб аталувчи бу яратмиши моҳиятан ўзи учун ёт бўлган барча ҳодисаларга қарши тура оладиган улкан қудратга эга. Бу — мутлақ ўз-ўзини еб боровчи хилқатдир. Мен мусикадан яхши хабардор эканлигим боисидан ҳамкасбларимга шуни маълум қилишга ўзимни ҳақли деб биламанки, скрипка мусикаси усталарининг

бирорта ҳам асари шу вақтга қадар жаноб Паганини томонидан тўла қайта ишланмасдан ижро этилган эмас. Бу ислоҳлар Паганинининг ўз шахсиятига хос хусусиятларни шу қадар ёрқин акс эттириб ифодалайдики, у ишлов берган куйларнинг муаллифлари бўлмиш бастакорлар ундан ранжиб қолишга тўла ҳақлидирлар. Ўзгаларнинг ҳиссиётини қатъийлик билан ўз руҳиятига синдириб олиш ва ўз туйғуларини, фикрларини вулқоний бир шиддат билан намоён этиш мижозимизда руҳиятнинг вужудга сиғмай қолиши ҳолатини вужудга келтирган. Бунинг натижаси ўлароқ, жисмиятга сиғмаган асаб қуввати ўз-ўзини куйдириб йўқ қилишга киришади. Ҳар бир янги концерт эса бу ёнишни тобора авжлантириб бораверади.

— Мен унинг бу аҳволини умидсиз деб ҳисоблайман, — гапини узиб-узиб шошилмай сўз бошлади Крувелйе. — Болаликдаги қаттиқ толиқиш ва йиллар давомидаги бетўхтов оғир ва машаққатли меҳнат асоратлари ҳозирга келиб безгакдан баттар бир тажовузкор касаллик кўринишида юзага чиқди. Жаноб Паганинининг қазоси етган. Бу — ғудда сили. У лагунх'дан тарқалиб кетган; бу хол тез орада тўқималарда ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлади. Паганинининг аҳволи Қутб доирасига тушиб қолган кўрғошин чойнакка ўхшайди. Қаттиқ ва қайишқоқ бу металл Арктика қаҳратонлари таъсирида кукунга айланади. Энди нажот йўқ. Ҳар бир янги концерт унинг беш йил умрини олиб кетаверади. Менинг фикримча, унга яна ўнта концерт кифоя қилади. Ўн биринчи ижрода унинг қўлидан скрипкаси тушиб, Паганини мангуликка рихлат қилади.

— Унинг меросхўрлари борми? — аҳмоқона савол берди Лассег.

Крувелйе унга жавоб бермади.

— Шундай бўлиши керак, — деб қўйди ўз-ўзига психиатр Фовил. — Айтишларича, унинг ҳамма ишлари чалкашиб кетганмиш. Қулоғимга сал-пал чалиниб қолган гап-сўзларга қараганда, у адлия нозирлигига шикоят ёзганмиш, аммо даъвоси натижасиз қолдирилибди. Нозир Лаффит, энди ҳокимиятни жаноби банкирлар ташкил қиладилар, деганида мутлақо ҳақ бўлган экан. Бизнинг ҳокимиятимизда ўтирган соҳиби олтин бўлмиш аслзодалар бошқа табақадагиларнинг Паганини қўллаган усул-

лар билан бойиб кетишларини асло истамайдилар. У Петинил ва Руссо каби қандайдир фирибгарларни ёллаб, уларнинг номи билан иш юритиб, Парижда ўзи манфаатдор бўлган катта бир товламачиликни бошлабди. Ишлари барбод бўлиб, Паганинининг ўзи эса судга тортилибди. У агар омма ҳузурида кимнидир қаттиқ ҳақорат қилса, уни албатта кечириб юборишарди, албатта. Лекин Парижда, айниқса манавинақа воситалар билан бойиб кетишга уришиш кечиришга лойиқ иш эмас.

— Буни қаранг-а! — ҳайрон бўлди Кривелйе. — Уни қандай жазога ҳукм қилишибди?

— Ана холос, ишимиздан чалғиб кетибмиз-ку, — жавоб ўрнига эслатиб қўйди Фовил.

Кривелйе ҳеч кимга савол бериб ўтирмади, чунки Паганинининг ахволини мана бу касбдошларидан кўра кўпроқ биларди. Доктор Ростан катмонидан тўрт букланган бир варақ чиройли мактуб қоғозини чиқарди. Уни ўқиб чиққач, яна қайта буклаб, жойига солиб қўйди.

— Демак, мижозимизнинг ўлиши аниқ. Паганинига ёрдам беришни илтимос қилиб мактуб йўллаган жаноб Лаффитни қайғуга солишга мажбурман.

Шифокорлар бир-бирларига тикилиб қолишди.

— Жаноб Лаффитнинг мактуби айнан кимга йўлланган экан? — сўради Кривелйе.

Савол ғалати тарзда берилгани боис, хижолатда қолган Ростан дарров жавоб берди:

— Ҳа, сиз ҳақсиз: бу хат шахсан менга эмас, балки Факултетга юборилган.

Кривелйе бошини аста пастга эгди.

— Демак, — яна эътиборни ўзига қаратди доктор Фовил, — бизни кенгашга таклиф этган Лаллемандан бошқа ҳамма ўз фикрини баён этиб бўлди.

Шу пайтгача дераза олдида турганича, бирор сўз ҳам айтмаган Лаллеман қатъий оҳангда:

— Факултетга ҳисоботни доктор Ростан эмас, мен тақдим этаман, — деди.

— О, албатта, албатта, — буни бараварига тасдиқлашди барча шифокорлар, юзларида аламзада бир илжайиш билан.

— Хулоса шуки, бугундан бошлаб ҳар қандай концерт томошалари қатъиян тақиқланади, — маслаҳатлашувга яқун ясади Кривелйе.

— Маъзур тутасиз, мухтарам ҳамкасблар! — хитоб килди доктор Лаллеман. — Ахир Франциянинг бошкентида бунга йўл қўйиб бўларканми? — Лаллеман фикрини тушунтиришга сўз тополмасдан, гапида тўхтаб қолди.

— Тиббиёт хусусий хонадонларга дахл қилмайди, — жаҳл билан унга мурожаат этди Фовил. — Мижознинг ўзи ўз дардининг сабабчиси бўлиб турганидан кейин парижлик шифокорларнинг қўлларидан нима ҳам келарди? Боз устига Париж судлови мижозимиз учун номақбул бўлган вазиятни юзага келтириб турган бўлса!

Энага Вейсхаупт, доктор Лаллеманнинг ишораси билан хар бирига тўлов чек қоғозлари солинган хатжилдларни олиб келди. Шифокорлар ўзаро ғала-ғовур қилишиб, хонадан чиқиб кетишди. Фақат Лаллеманнинг ўзи ёлғиз қолиб, Паганинининг тўшаги ёнига ўтирди ва жиддий бир катъият билан уни Факултет қарорига бўйсуннишга ҳамда скрипкани ташлашга кўндира бошлади.

— Азиз дўстим, кадрдоним маэстро, — деди Лаллеман, — ўз ижозатингиз билан сизни мусикадан узоқлаштириб туриш имконига эга бўлган кунимдан буён скрипкангиз ўз дўстингиз Алианининг қўлида турибди. Чолғуни унда қолдиринг-да, мен билан жанубга жўнаб кетинг. Ишонтириб айтаманки, ярим йил ҳам ўтмай, сизнинг соғлигингиз тўла тикланади. Сиз қаерда яшашни хоҳлардингиз?

«Буни соҳибимдан сўрашим керак», — ёзди тахтачага Паганини.

Соҳибни чақиртиришди. У ўйиндан қизишган ҳолда, қувноқ ҳолда, кулганича югуриб кириб келди. Хўжайин энага Вейсхауптнинг қўлидан тортиб олган бир тўплам хатларни ҳам кўтариб келганди. Уларни ерга сочганича, хона бўйлаб сакраб ўйнарган, у доктор Лаллеманнинг Франция жанубига, денгиз бўйига жўнаш таклифини шодон қабул қилди.

Ёш Ахиллино отасининг ёнида шўхлик қилиб сакраб турган дақиқаларда фавқуллода башанг кийинган тўрт киши йўлак олдида кимнидир ё ниманидир кутиб туришарди. Тўртта қўшқаробанинг маркабчилари эса газчиноқ устунларига суяниб турган қўйи, Жазоирдаги уруш, арабларнинг қўзғолони тўғрисида, аравакашлардан бирининг жияни бўлмиш соҳибжамол Фаншетта хоним

Риволи кўчасида яшайдиган сартарошни осонгина илин-тириб олгани хақида суҳбатлашмоқда эдилар.

Мана, рангдор қалпоқлар ва башанг камзуллардаги докторлар зинада кўринишди. Аравакашлар от аробалари томон югурдилар.

Халиги тўртовлон пўримлар шифокорларга яқинлашдилар: булар — Гюго, Ламартин, Мюссо ва Жорж Санд эдилар. Улар кимга мурожаат этиш маъкул эканлигини билиш учун ташвишли нигоҳлар билан шифокорларга тикилар эдилар.

— Марҳаматли жаноб ким бўладилар? — мурожаат этди доктор Крувелйе ўзига қапишиб қолгундай яқин келган Мюссеге. Кейин эса иршайган бир ҳолатда, гўёки бутун вужуди билан жилмаяётганини намоён қилган бўлиб Крувелйе Жорж Сандга қўл узатди ва Мюссеге таъзим қилди.

— Энг узоғи билан бир-икки ойлик умри қолган, — деди Крувелйе.

Жорж Санд қўл силкитди. Шу заҳотиёқ муюлиш ортидан ўрта бўй, сочлари узун, тийрак кўзлари учқунланиб турган одам чиқиб келди: у Лист экан. Лист келишилган вақтдан салгина кечроқ етиб келибди.

\* \* \*

...Пайер ўлим тўшагида ётарди. У алахсираб, иситмада нукул Паганинини чақиради. Ахволи енгиллашган пайтларда у аввало кат ёнида турган улкан миз устидаги қоғозларни кўздан кечира бошларди. Зарур ҳужжатни топгач, уни қалин кулранг хатжилдга жойлаб елимлайди-да, миз устида турган қўнғироқчани жиринглатади.

Риккарди хоним кирди. У ёзув мизини кат ёнидан узоклаштиришга ижозат бермаётгани учун эрига дакки берган бўлди-да, хатжилдни олиб чиқиб кетди. Пайер ўз қазоси етиб келганини хис этгани боис, Паганинининг махсус топиригини ҳам кутмасдан, ўз ўқувчисининг Парижга келган пайтидаги илк бахтиёр кунларида ёзган ҳужжатини Париж консерваторийсига жўнатди. Оқшомга бориб, жаноб Фернандо Пайер ҳаётдан кўз юмди.

Консерваторийда Паганинининг Парижга ташрифига доир ҳужжатларга унинг аризасини ҳам қўшиб қўйишди. У оддий сўзлар билан бошланганди:

«Марҳаматли жаноблар, Франция жамоаси каминага раво кўрган қабул маросимлари шунга умид қилмоқликка асос бўладики, камина Парижга ташриф буюриши муносабати билан билдирилган ишончни оқламоқликка ҳаракат қиламан.

Менинг муваффақиятларга эришим борасида агар ўзимда шубҳа ё гумонлар уйғонган тақдирда ҳам, бутун Париж бўйлаб асл қиёфамга ўхшаган ва ўхшамаган сувратларнинг ҳамма ерга елимлаб қўйилгани бу гумонларнинг йўққа чиқишига сабаб бўлиб хизмат қилади. Лекин гап шундаки, сувраткашларнинг интилишлари фақатгина менинг асл қиёфамни яратиш мақсади билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Бугун мен Италия хиёбонидан ўтиб бораётиб, худди аввалги йиллардаги каби менинг қамоқхонада ўтирган ҳолатим тасвирланган босма расмга кўзим тушди. «Ана холос, — дея ўйладим мен, — одамлар ўн беш йилдан бери асосиз равишда ортимдан судралиб юрган айбловдан фойдаланиб кун кўришни ҳануз қанда қилаётганлари йўқ экан».

Назаримда, менинг қамоқда ётганим тўғрисида жуда кўп раб расмларга мавзу бўладиган тўқима воқеалар кўпга ўхшайди. Масалан, ҳикоя қилишларича, мен ўзимнинг хушторимнинг уйда рақибимни кўриб қолганмишман ва у ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлиб турган ҳолатда эканидан фойдаланиб, орқасига тиф санчиб ўлдирибман. Бошқа чўпчакларга қараганда эса хушторимнинг ўзи менинг рашким қурбонига айланибди. Улар ҳаммаси фақат бир нарсада умумий фикрга кела олмаптилар. Бу — мен ўша севган аёлимни қай усул билан нариги дунёга равона қилганлигим масаласидир: бирларининг айтишларича, мен бунинг учун тиғи уч қиррали ханжардан фойдаланган эмишман. Бошқаларининг сўзларига қараганда, мен бу ишда оғуни афзал кўрибман. Ўзимга келсак, ўйлашимча, мен ҳақимда шундай ғийбатларни тўқийдиган ва тарқатадиган махсус одамлар бор. Модомики шундоқ экан, мени ўзлари чизган расмларида ўзлари истаган ҳолатда тасвирловчи рассомлар ҳақида нима ҳам дейишим мумкин?

Шу муносабат билан ўн беш йил муқаддам Падуяда бўлиб ўтган бир ҳодиса ҳақида сўзлаб бермоқликни жоиз топдим. Мен ўша ерда концерт бераётган эдим,

назаримда, бу борада муваффақиятларга ҳам эришиб улгургандим. Концертнинг эртаси кўни тонгда, панада тинчгина нонушта қилиб ўтириб, қўшнилариمنىнг кейинги концертим ҳақидаги суҳбатларига беихтиёр шохид бўлиб қолдим. Суҳбатдошлардан бири камина ҳақидаги мақтовларини аягани йўқ. Унинг қўшнисини ҳам, очиги, хушомаднинг кифтини келтирди. «Паганинининг санъатида ҳайратланарлик ҳеч нарса йўқ, — қутилмаганда суҳбатга қўшилди учинчи бир киши. — Менинг фикримча, модомики у ҳаётининг саккиз йилини қамокда ўтказган экан ва шу муддат давомида унинг қўлидан скрипкасини олиб қўйишмаган экан, кун бўйи эрталабдан кечгача у бошқа нима ҳам қилиши мумкин эди? Унинг қамокқа тушиши масаласига келсамиз, у разилона тарзда менинг энг яқин дўстимни аёллар бобида унга рақиб бўлгани учун сўйиб ташлагани боис қамок жазосига ҳукм қилинган. Бутун шаҳар Паганинининг бу қабих жинояти паскашлик эканидан нафратланганди».

Каминанинг бу суҳбатга қўшилиб қолишини ҳеч бирлари кутишмаган эди. Мен гапираётганлардан биттасига — ўзини менинг жиноятларимдан яхши хабардор қилиб кўрсатаётган кимсага мурожаат этдим. Шунда у ерда ўтирганларнинг ҳаммалари қўққисдан мен томон ўгирилишди. Уларнинг ўша пайтдаги ҳайрат ва ажабланишларини тасаввур қилаверинг. Тамадихонада ўтирганларнинг ҳаммалари каминанинг қиёфасида ашаддий жиноятчини ва қабих кимсани кўриб турарди. Ровийнинг ўзи эса хижолатли аҳволда қолди. Унинг эътироф этишича, ўша ўлдирилган одам умуман унинг дўсти эмас экан, бу гапларни у аллакимларнинг киминингдир кимларидандир эшитган экан, холос. У хижолатли, тушкун бир аҳволда, уни бошқалар чалғитган бўлишлари эҳтимол эканини айтди.

Мухтарам жаноблар! Артистнинг обрўси билан қай тарзда ўйнашаётганларига ўзларингиз гувоҳ бўлиб турибсиз. Табиатлари танбалликка мойил кимсалар эса, ўз олдига буюк мақсадларни қўйган инсоннинг ҳар қандай шароитларда ҳам қатъият ва машаққатли меҳнат билан: яширин равишда тунлари узоқ вақт давомида ўзини азобга қўйиб ишлаши; зоҳиран гўёки суҳбатлашиб ўтирган бўлиб, ботинан эса ижод билан банд бўлиши; шунчаки кўзини юмиб ўтириб ва ҳатто кўча-кўйда кета туриб ҳам

риёзат чеккан қўйи ўз истагига эришишини тасаввур қила олмайдилар. Шу боис жамиятнинг танасига ин қуриб, уни кемириб ётган дангасаларни ва текинхўрларни бир кишилиқ зиндонларга қамаб қўйиш керак, шоядки улар ана шундагина, хатто гавжум шаҳарнинг шовқин-сурони ичида ҳам ўз ижодкорлик виждони билан танҳо қолган инсоннинг фикр-хаёллари ижодий ёлғизликдагина мавжуд бўлишини ҳис этсалар.

Венада эса бундан ҳам ғаройиброқ ҳодисанинг гувоҳи бўлгандим. Бу ўзи нима бўлди экан, марҳаматли жаноблар? Каминанинг ижросидаги кўтаринкиликдан таъсирланган лақмалиқмикан ёки қандайдир қасддан қилинган ёвузликми? Венада «Жодугарлар» дея умумий ном олган, скрипка учун яратилган мавзуларни ижро этмоқда эдим. Бу оҳанглар фавқуллода ғайритабиий таассуротлар уйғонишига сабаб бўлди. Мен юзидан қони қочган, соқолини калта ўстириб олган, қиррабурун бир йигитнинг кўзлари олазарак бўлиб, нотабиий бир васвасага тушган қўйи, телбанамо ахволда ўтирганини қўриб қолдим. У каминага тикилиб ўтирар экан, баланд овозда ён-атрофидагиларга мурожаат қилиб, у менинг ижроимдан мутлақо хайратга тушмаётганини, чунки менинг елкамда иблис ўтириб олиб, менинг қўлларимни ҳаракатлантириб, камончамни юргизаётганини аниқ-тиниқ қўриб турганини айтарди.

«Қаранглар, — дерди ўша йигит, — у Паганинига қуйиб қўйгандай ўхшайди. Иблис ва Паганини айнан битта қиёфанинг ўзи, ҳақиқий қўш қиёфа. Булар қиёфадошлар — уларнинг бири қора либос кийган, бошқаси эса қирмизи рангли кийимда. Паганинининг елкасига қаранглар, у ерда сиз кизил кийим кийган, мугуздор, эчки соқол, пастки лаби дўрдайган, жилмайиб тургувчи, овози хириллаган махлуқни кўрасизлар. Унинг қип-қизил думи жаноб Паганинининг пойабзалига тинмай урилиб турибди».

Марҳаматли афандилар! Бундаин ҳодисотдан сўнг каминанинг ўзи ҳам бу сўзларнинг ҳақлигига гўё шубҳаланмай қўйгандай бўлади. Шунинг боисидан ҳам менинг маҳоратим сирини иблисона, мункир, ёвуз, фитнесгар қудрат билан иттифоқ тузганлигимда деб изоҳлайдиган одамлар кўпайиб кетмоқда.

Мухтарам жаноблар! Бу каби жирканч воқеалар доимо нафратимни қўзғаб, асабимни бузар эди. Мен ум-



рим бўйи уларнинг бемаъни ва қулгили сафсата эканини исботлаб беришга ҳаракат қилиб яшадим. Каминанинг таржимаи ҳоли мана шундоқ оддий ва қайғули.

Илтифотли афандилар! Мен ўн тўрт ёшимдан бошлаб омма олдида тўхтовсиз концерт бериб келмоқдаман. Беш йил давомида Луккада муттасил равишда мудир ва сарой капелмейстери вазифасида хизмат қилдим. Бу муддатга яна мен ўз хушторимни ва унинг ўйнашини ўлдирганим учун қамоқхонанинг бир кишилиқ каталагида ётган нақ саккиз йиллик муҳлатни ҳам қўшинг. Шунда сиз оддий ҳисоб амалларини бажариш орқали менинг қотилиқ қилган, жиноят қилган, сургунда бўлган, маҳбуслар кемасида эшкакчилик қилган йилларим менинг эндигина етти ёшга тўлган маҳалимга тўғри келганини билиб оласиз. Етти яшарлик бола пайгимда менинг ўйнашим ва аёллар борасида рақибим ҳам бўлган экан.

Вена шаҳрида, машҳур санъатлар кентида камина ўз ватандошининг далолатига мурожаат этмоқликка мажбур бўлганди. У шавкатли Италиянинг фуқароси сифатида каминани йигирма йил давомида ҳалол ва виждонли одам қабилида билишини шаҳодатловчи гувоҳнома тақдим этган. Камина ўзи ҳам ҳар қачон ўзига қарши қаратилган айбловларни моҳиятан сурбетларча қилинган бўҳтон эканлигини далиллаб ҳамда исботлаб бермоқликка қодир ва қобил».

## Ўттиз иккинчи боб

### MISTRAL НАФАСИ

Франциянинг жанубий шаҳарларидан эсаётган шамол хуштак чалиб, увиллаб дала-даштларда изғийди ва қўққисдан кичик шаҳарларнинг кўчаларига бостириб кириб, аёвсиз бир шиддат билан дарахтларнинг учларини узиб олади, баргларни тўдалаб учиради, шаҳар майдонларидаги газчиноқларни ерпарчин қилади. У дарахтларни ерга қадар эгиб, тошларни жойидан қўпоради. Тоғдараларда ва ёхуд кўчаларнинг кичик бурилишларида, ҳаттоки болохоналарнинг майда деразаларида худди органнинг бўзлаши каби бўғиқ ва йўғон товушлар билан куйлай бошлайди. Жанубликлар «Прованснинг мурувват-

ли маъбуди» деб атайдиган шамол шимоли-ғарбдан эсади ва доим булутларни шиддат билан олисларга ҳайдаб кетади. У дарахтларни қамишдай синдириб майда тош ва шағалларни учириб ўйнайди. Йўлда кетиб бораётган қадимий зоҳид сингари илгарилаб кетаётган бу тош тўпининг ичига тушиб қолган одамнинг ҳолига вой. Нари борса одам бўйи келадиган, қандоқ пайдо бўлиб қолгани номаълум бу тош гирдоб кишиларни йўл бўйидаги жарликларга улоқтириб кетади. Мистрал<sup>1</sup> хуштагини эшитган қўй-қўзилар ҳам югуришиб, дархол бир жойга ғуж бўлиб тўпланадилар.

Беморни чанг-тўзондан асрашга ҳаракат қилаётган доктор Лаллеманнинг тақиқларига қарамасдан, Паганинининг кўшкаробаси сафарга учинчи бўлиб қўзғалди. Жаноб скрипкачи ўғли Ахиллино кетаётган ароба албатта ўртада боришини ва доимо бу ароба ўзининг кўз олдида бўлишини хоҳлади.

Лаллеманн ўзининг катта лавозимдаги ҳамкасбларига хисобот ёзиб жўнатди:

«Паганинининг ҳозирда фақат сояси қолган, холос. У овозидан ҳам бутунлай айрилди. Овози энди ҳеч қачон қайта тикланмайди. Фақатгина унинг чакноқ кўзлари ва биз бироз кўникишга муваффақ бўлган бесўнақай қўл ишоралари у билан мулоқот қилишимизга имкон бермоқда. Одамлар ундан илтимос қилганларида Марселда Бетховеннинг квартетини ижро этиб беришга розилик билдирди. Ва каминанинг тақиқларига қарамасдан, Алианидан Гварнери ва Страдивари скрипкаларини сотиб олди. Мана, Паганинининг шон-шухратини ташкиллаштираётган бу иш бошқарувчи ҳозиргина у билан бирга хос аробадан тушди. Мартиникада тўсатдан юз берган табиий офатдан жабрланганлар ниҳоятда кўп. Скрипка чалишни қатъиян ман этганимга қарамасдан, Паганини Марселда хайрия концертини беришга тайёрланмоқда».

1839 йилнинг 12 май куни Парижда «Йил фасллари жамияти» Франциянинг эътиборини ўзига қаратди. Бур л'Аббе кўчасида исёнчилар тўдаси қурол-аслаҳа дўконларини талон-тарож қилдилар. Исончиларнинг

<sup>1</sup> Mistral (*фр.*) — Жанубий Франция тоғларидан эсувчи шимолий ёхуд шимоли-ғарбий кучли ва совуқ шамол.

тўдабошилари париждликларни қуролланишга даъват эта бошладилар. Адлия саройи яқинида қўзғолончиларни эгаллаб турган марраларидан анча нарига суриб ташлашди, улар Гренетт кўчасида тўсиқ қуриб олишди, лекин кечга бориб отишмалар тўхтади. Барбес, Бланки, Бернар ва Гинбо хибсга олиндилар. «Йил фасллари жамъияти» устидан айблов жараёни бошланди. Жанубда эса «Ёш Италия» янги карбонарийлик уюшмаси бош кўтариб чиқди.

Адлия саройи Паганинининг ишини ўйлашга ҳам имконсиз бўлиб турган кунларда скрипкачига қарши яна бир айблов жараёни юзага келиб қолди. Қайта кўришга қолдирилган иш қайтадан янги кўрувга тақдим этилди. Паганини ҳозир бўлмаган бир пайтда унинг барча «ёвуз қилмишлари» бўйича қўшимча суриштирув ишлари бошланиб кетди ва дастлабки босқич судлов идоралари чиқарган ҳукм тасдиқланди.

Доктор Лаллеман бу ҳақда Паганинига айтишга журъат этолмади. У Паганинининг қўққисдан қаттиқ ташвишга тушиши унинг ўлимига сабаб бўлади деб қўрқди.

Ҳукм қўйидагича мазмунда эди: бир марталик жарима тўловларидан ташқари, «Казино»нинг ташкил этилиши бўйича барча даъволар қаноатлантирилиши учун Паганинининг мол-мулкани мусодара этишдан ташқари, Паганини ўзининг баднафслиги туфайли кутилмаганда юзага чиқиб қолаётган жабрланувчиларнинг барча даъволарини қаноатлантириш учун ҳамма тўловларни скрипкада ҳақ олмасдан ижро этиш билан тўлаши шарт. Қиролик судининг ҳукми «Жаноб Паганинининг Парижда, «Казино»да ҳафтада камида икки марта имконга кўра ҳар куни скрипка чалишини» буюради. Агар бирорта томоша ўтказиб юборилса, бу ҳолда «ҳар ҳафтада тақдим этилиши шарт бўлган мажбурий икки концертнинг ҳар бир ўтказиб юборилган куни учун» Паганини олти минг франк миқдориди жарима тўлайди».

Лаллеман сочлари тиккайиб кетганини сезди. У қўлига қалам олиб, рақамларни ҳисоблай бошлади. У аввалига ҳатто, алаҳляпман, деб ҳам ўйлади. Лаллеман бу ғалати ҳужжатни қайта-қайта ўқиди. Йўқ! Барча рақамлар тўғри эди. Агар битта сатрда хатога йўл қўйилса, уни кейингисиди тузатиб кетиш мумкин. Лекин ҳамма ёқда ҳар бир

ўтказиб юборилган кун учун олти минг франк тўлови қайд қилинганди.

Лаллеман бир варақ қоғозда ҳисоб-китоб қила бошлади: бир йилда уч юз олтмиш беш кун бор, бир йил давомида ўтказиб юборилган бир юз йигирмата концерт жаноб Паганинини мол-давлатининг ярмидан маҳрум қилади. Ҳар ҳолда доктор Лаллемандаги мавжуд маълумотларга қараганда, биринчи йилнинг ўзидаёқ Ахиллино Паганини қашшокқа айланади-қолади. Концерт берилмаган икки йиллик муддат жаноб Паганинининг ўзини хонавайрон қилади. «Айтишларича, унинг мол-мўлки уч миллионга етади, — фикр юритди Лаллеман. — Ҳукм бу ишни шундай ҳолга келтириб қўйганки, отасининг тирикликдаги ҳар бир куни ўғлини хонавайрон қилади. Агар бугун-эрта Паганини дорулбақога юз бурса, унга қарши даъволар барҳам топиб кетарди. Ҳар бир концерт — ота учун ажал. Ҳар бир ўтказиб юборилган концерт — ўғил учун ҳалокат. Отанинг ўлими мероснинг дахлсизлигини таъминлайди. Бу — жаҳаннамга жўнатиш режаси. Бу одамлар беморнинг ҳозирги аҳволида бир нечта концерт томошаларини бериши унинг тириклар рўйхатидан ўчирилиши учун кифоя қилишини жуда яхши биладилар».

Ҳукуматнинг ўз ташвишлари бисёр. Бур л'Аббе кўчасида юз берган ҳодисалар Франциянинг ҳозирда гўёки вулқон устида турганидан шаҳодат берарди. Ахир бундай пайтда ҳукумат аъзоларидан бирортаси Ниццадаги жаноб Сержаннинг хонадонида қўним топиб турган дунёдаги энг буюк скрипкачини қотилларнинг қўлидан қутқаришдай арзимаган бир бир иш билан шуғулланишига ҳожат бормикан?

\* \* \*

Паганинини ўз уйига ижарага қўйган жаноб Сержан ўзининг ўтмиши ҳақида гапирмасликни маъқул кўраркан. У инқилобий қўмита аъзоси бўлиб, Фарангистоннинг эрк юлдузи Биринчи консулнинг оёғи остига нисор қилинган кунларда ихтиёрый ҳолда юртини ташлаб чиқиб кетган экан. Шарлотта Робеспьер денгиз бўйларида чиллашир лейтенант Бонапарт билан дон олишиб юрган йилларда Сержан Робеспьернинг ва Маратнинг ҳаётдаги ҳамроҳи сифатида Ниццада фаолият юритган экан. Ўша пайтларда

бу лейтенант фарангиларнинг хукмдори бўлади деб ким ҳам ўйлабди дейсиз! Энди эса, тўқ яшил нимча, тоза голланд кўйлагини кийиб олган, умрининг адоғини денгиз бўйида ўтказаетган қария Сержан уйини жаноб Паганинига ижарага бериб қўйибди.

Лекин оқшом чоғлари, доктор Лаллеман бу қария билан боғдаги харракда сухбатлашиб ўтирган пайтларда Сержан докторга мазгилнинг нариги қирғоғида турган мрамар хочнинг тарихини сўзлаб беради. Бонапартнинг бандиси, Рим папаси Павел III Савонага йўл олган пайтида бир неча кунни Ниццада ўтказган экан. Ницца Бонапартнинг фармойиши билан яқиндагина Франциянинг тасарруфига ўтган пайтлар эди. Айни шу жойда Франция ва Италия амлоқларини ажратиб турган Вар дарёси қирғоқларини кичиккина кўприк бирлаштириб тураркан. Рим папаси соҳилнинг нариги тарафидан тиз чўкиб турган аёлни кўрибди. У хос аробасидан тушиб, унинг қаршисига пешвоз чиқибди. Ҳов ўша мрамар хоч тикланган жойда Римнинг олий бош руҳонийси билан Бонапарт истибоддининг бошқа бир жабрдийдаси — шу йили Ницца шаҳрига қувғин қилинган Этрурия кироличасининг изтиробли учрашувлари юз берган.

— Минг саккиз юз ўн тўртинчи йилнинг тўққизинчи февраль куни эса, — дейди Сержан, — шимолда тўфанлар гумбурлай бошлади. Бонапарт маҳв этилди ва энди бошқа бир банди — папа Пий Еттинчи ўз бошкентига озод бўлиб қайтди.

Куллик кайфиятидаги шаҳарликлар томонидан барпо этилган бу мрамар хоч Сержаннинг қаттиқ нафратини кўзғар эди.

— Бу ернинг аҳолиси ниҳоятда бидъатга шўнғиб кетган, — дейди у доктор Лаллеманга. — Очиғи, гапнинг буёғини айтмасам ҳам бўлаверади. Сиёсий сукут сақлашга қасам ичганимга анча йиллар бўлган.

Доктор суд жараёни қайтадан бошлангани ва «Казино» бўйича барча ишлар қироллик судига ўтказилгани ҳақидаги газета хабарларидан қаттиқ ташвишга тушиб юрган кунларда қутилмаганда Паганинининг саломатлиги яхшилана бошлади.

Паганини лабларини қимирлатган пайтларда унинг сўзларида хириллаш орасида тоза, аниқ товушлар эшити-

ларди. Лаллеман бу қувват шиддатининг қисқа муддатли ҳолат эканини яхши билса-да, лекин мана шу валади авомнинг, бу чапани генуяликнинг, озғин, чайир пайлари пўлат каби мустаҳкам бу одамнинг, Наполеон генералларининг бутун-бутун авлодлари бир бўлиб ҳам ўз ҳарбий сафарларида босиб ўтолмаган масофаларни — Оврўпа бўйлаб чақирим-чақирим улкан йўлларни кезиб чиққан вужуднинг саботидан ҳайратда эди. Соғлиғи яхши бўлиб турган шундай кунларда Паганинининг ўзи ҳам «сахнадан-сахнага, шаҳардан-шаҳаргача бўлган масофаларни охири қаричигача ўлчаб чиқиш мумкин»лигини айтарди. Шу зайлда унинг бутун умри аробада, қўноқхоналарда, концерт саройларида, йўл чеккасидаги тамаддихоналарда, Паганини очин-тўқин яшашга ўрганган одамнинг камтарона одатларини ўзи билан олиб кирган хашаматли мехмонхоналарда ўтиб кетди.

Паганини сўзлай олиш имкониятидан фойдаланган ҳолда доктор Лаллеманга ўзининг мусиқа ҳақидаги мулоҳазаларини баён қилар, соғайиб кетганидан сўнг бутун Италия учун хашаматли мусиқа консерваторийсини қуриб бериш режасини сўзлаб берарди. У янгича санъатнинг куртаклари ҳақида шундай бекиёс жонланиш билан, кўзларида шундай бир етук оқиллик билан, шурида шундайин бир тиниқлик билан гапирардики, Лаллеман пировардида бу вужуднинг касаллик устидан қатъий ғалаба қилишига қаттиқ ишониб қоларди.

Лаллеман Паганинининг мусиқа мароми ҳақидаги ўй-фикрларини ёзиб олди: «Жаноб Паганини маромни жараённинг ички қонунияти сифатида изоҳлайди. Унинг айтишича, вақт бу — моддиётнинг ҳаракатланиш шакли бўлиб, жараённинг ички қонуни маромнинг оҳангларда муттасил жорий топиши сифатида вақтда намоён бўлади. Мусиқа бу — жорий топмаган маром бўлиб, у моддиётнинг ҳаракатидаги бир қадар нозик шаклдир. Жараённинг ички қонуни унга кўпроқ таъсир этади».

— Мен бу хулосага билвосита йўллар билан етиб бордим, — деган эди Паганини. — Мен унинг изларини ҳамма ерда учратдим. Замонда ҳаракатни тезлаштириш йўли билан маконни забт этиш услуби мавжуд. Мен буни ҳамма маконларда янги мусиқанинг уруғларини сепиш учун амалга оширдим. Эзгулик, ҳақиқат, гўзаллик,

Ўзгаларнинг туйғуларида ўз хиссиётларининг акс садосини топган якка кишининг қўнгил маъвоси, ўзаро инсоний муносабатларнинг олами бу — ёпиқ маром занжиридир. Эзгулик ва ёвузлик, ҳақиқат, гўзаллик, маром, мукамаллик ортидан ноизчилликнинг пайдо бўлиши — маромнинг бузилишидир. Тарихий маромни қўллашда жорий этиладиган тартибсизлик эса нотўғри қўйилган камертон тахтача устидаги ликоподий кукунини сочиб юборгани каби, кишилиқ жамиятида бўҳронларни ва ғалаёнларни, мувозанатсизликни келтириб чиқаради. Маромни истисносиз равишда ҳамма ерда учратиш мумкин. Табиатда йил фасллариининг бир маромда такрорланишини кўринг.

Анчайин баланд овозда айтилган бу сўзлардан сўнг Паганини гапиришдан тўхтади. Эшик енгилгина очилди ва ғичирлаб, сўнг овози ўчди. Жаноб Сержан ўрнидан туриб, қўшни хонага чикди, лекин у ерда ҳеч ким йўқ эди.

— Ҳеч ким йўқ, — деди у қайтиб келиб, очиқ турган дераза ёнидаги оромкурсига ўтирар экан.

Оғир бахмал дарпардаларнинг чеккаси ҳосил қилган учбурчак тирқишдан қувноқ қуёш нурлари билан хушчакчак жанубнинг барча ранглари ва оҳанглари, денгиз шаббодаси, қушларнинг чуғури, соҳилга урилиб, майда зарраларини ҳар томонга сочгувчи кўпикланиб турган тўлқинларнинг шовуллаши ҳам кириб келди. Бироз совуқ сокин шамол барглар оралаб югурганича новдаларни силкитиб бўлгач, дарпардани ҳилпиратиб ўтади.

Каттагина қадимий хоналар бемор ётган хонага келиб уланади. Атроф унсиз сокинликка чўмган. Бахмал қопланган оромкурси устида скрипка ётибди. Паганини хорғин холда бошини ёстикка қўйди.

— Демак, сизнинг фикрингизча, эзгулик ва илохий марҳамат дунёнинг мутлақ ибтидоси эмас экан-да? У холда черковнинг борлиқдаги ўрни қаерда?

Паганини бош силкиб қўйди: у овоз қаердан келаётганини, атрофда нималар бўлаётганини англолмай қолди.

Сарғиш сочли мовийкўз бир бола боғда, скрипкачининг деразаси остида ҳалқачиллак ўйнаб ўтирибди. Олтин ҳалқа деразадан отилиб киради ва дарпардага оғир урилиб, шундоққина Паганинининг оёғи тагида чойшаб устига тушади. Эшик тақиллаши эшитилади. Энага Вейс-

хауптнинг қўрқув тўла башараси кўринади. Ташвишли ўткир нигоҳ билан Паганинига тикилади.

— Нега тўхтаб қолдингиз? Кираверинг, чўчиманг! — дейди унга Паганини.

Кампир эса жим. Доктор Лаллеман истамайгина ўрнидан турди ва унинг ёнига борди. Кейин хотиржам ҳолатда Паганини томонга ўгирилиб, деди:

— Ницца шахрининг бош роҳиби ҳазрат ота Антонио Галвани ўз ноибини хузурингизга юборибди. Бу тақводор рухонийнинг айтишича, уни сиз таклиф этганмишсиз. Муқаддас черков сизнинг бетоблигингиздан қаттиқ ваҳимага тушганмиш ва руҳингизга енгиллик бағишлаш учун сизга тавба-тазарру қилиб, истиффор келтирмоқлик, гуноҳларингиздан фориф бўлиш ва муқаддас покланишни таклиф этмоқда экан.

Сержан ўрнидан турди. Паганини бош силтади.

— Ҳеч бўлмаса ёлғондан шундай қилинг, — кат ёнига бориб, аста шивирлади доктор.

— Ёлғондан ҳазар қиламан, — хириллади Паганини. Унинг қўзларида ғазаб учқунлари пайдо бўлди, сўнг бошини ёстикқа ташлади.

Лаллеман мутлақо саросимада қолди. Шу онда дафъатан унинг хаёлига: жаноб Паганини баланд овозда аниқ талаффуз билан маром йил фаслларининг ўзгаришидадир, деган сўзларни айтганида қанчалар эҳтиётсизлик қилгани ҳақидаги фикр тиф санчилгандай кириб келди. Бутун Париж ҳозир шунинг телбасига айланган, ҳамма ерда сирли «Йил фасллари жамияти» аъзоларини излашмоқда. Бу касал одам ўзи билмаган ҳолда нима ишларни бошлаб қўйди-я! Докторнинг фикр-хаёли зўриқиб ишлай бошлади. У, доктор Лаллеман, Париж тиббиёт куллиётидан бошқа ҳеч қандай ташкилот билан алоқадор эмас. У покниятда беморга кўмак беришга интилмоқда, у Паганинини қуршаб олган фитналар даҳшатидан йироқ, одамни ўлдириб, унинг ҳаётга қайтмаслигига қатъий ишончда бўлган маккор одамлар унинг мана шу жиҳатидан усталлик билан фойдаландилар. Ўлим ҳолатининг шоҳиди сифатида улар ҳеч нарсага қизиқмайдиган ва ўзларининг мақсадларидан беҳабар одамни қўйишмоқда. Доктор Лаллеман Паганинининг қайсарлигидан ташвишда. У — кекса, тажрибали шифокор; қалбининг туб-тубидан у — ашаддий



ва ўтакетган даҳрий. Лекин Лаллеман Рим черковининг Франция жанубидаги беқиёс қудратини жуда яхши билади.

Соҳилбўйи қишлоқларидаги балиқчилар ва Ницца шахрининг эчки сути, гуллар, шароб ҳамда узум савдоси билан шуғулланувчи пулпарастлари жаноб миршаббошини жуда яхши биладилар, лекин улар ўз кўчаларида яшайдиган миршабхона жосусини ундан ҳам яхшироқ танишади. Улар ҳазрат бош роҳиб Галванини яхши билишади, маҳаллий черковнинг руҳонийси эса авомга ундан ҳам танишроқдир. Лекин қачонлардир скрипка чалган сил одамни улар танишмайди ҳам, билишни истамайдилар ҳам. Улар муқаддас Ривйерага келтирилган яна бир сил касалига учраган одамни умуман танимасликка ҳақлидирлар; агар руҳоний ва миршаб бу бадбуруш аблаҳнинг черков душмани эканини айтсалар, у холда бу одамлар уни дарҳол таниб оладилар, шундан сўнг кўчадаги ҳамма тошлар Паганини ўлаётган уйнинг деразаси томон уча бошлайди.

— Унга нима деб айтай? — ташвиш билан сўради доктор.

Паганини кўзларини очди. У кекса одамнинг умидвор кўзларини кўриб, руҳоний жавоб қутаётганини эслади ва баланд овозда деди:

— Бунга ҳали эрта эканини айтинг, агар унга нима дейишни билмасангиз, мен ҳозирча ўлмоқчи эмаслигимни айтиб қўя қолинг.

— Унга бирор нима беринг, — пичирлади Сержан доктор Лаллеманга.

Доктор бу сўзларнинг маъносига тушунмасдан, унга саросимали тикилиб.

— Ҳа, ҳозир, — бирдан тушуниб қолди у ва пул турадиган қутини излай бошлади.

Пулқути қаёққадир ғойиб бўлганди. Энага Вейсхауптга мурожаат этишларига тўғри келди. Кампир ўз хонасининг эшигини очаркан, деди:

— Мен уни яшириб қўйганман. Янги хизматкор бу қутичага ҳаддан ташқари қизиқиб қолганди. — Шундай дея туриб, у беихтиёр равишда чакқонлик билан руҳоний учун пул санади ва докторга пулни узатди. — Соҳиб қанча пули борлигини билмайдиам. У доим ўғлини қўшқаробадан

туширади, скрипкаларини олади, пулқутини эса хатто эсламайди ҳам. Прагада биз бир куни шаҳар ташқарисига чиққанимизда тасодифан пулсиз қолиб кетдик. Буни қарангки, соҳиб пулқутини аробага солибдилар-у, уни Прагадаги отхонада унутиб қолдирибдилар. Кейин уни излаб, шаҳарга қайтишга мажбур бўлганмиз.

Лаллеман келди. У роҳибнинг ғайриоддий даражада камсукумлигидан мамнун эди. Бу одамнинг ҳеч қандай ёмон нияти йўқдай туюларди, афтидан худди тентак ва довдирга ўхшарди.

Орадан уч кун ўтди. Бу сафар дахлизда икки руҳоний кутиб турарди. Шу куни Паганини ўзини ёмонроқ ҳис эта бошлади. Унинг томоғидан, бурнидан ва хатто кулоқларидан қон оқиб кетди. Сарғайиб кетган қўллари билан чойшабни чангаллаганича, у хушини йўқотди. Шифокор ўз беморига руҳонийларнинг талаблари ҳақида индамай қўя қолди. Улар энди қўполлик қилмоқда эдилар. Бири хона ўртасида бурнини қоқиб, балғамини палосга тупурди. Кичик Ахиллинони қўрқув ва хавотир чулғаб олди. Боланинг қўз остилари қўқариб қолганди. У саросимага тушиб, ўзини кимдир каттиқ қўрқитиб юборганини, тез орада унинг отаси ўлишини айтиб бақирганини айтди.

— Нега улар отамни лаънати деб аташади? — сўради Ахиллино шифокордан.

Кундузги соат учларда Паганинининг аҳволи оғирлашди. У деярли ҳушига ҳам келмай қўйганди. Заиф инграшлар баъзан чуқур уф тортишлар билан алмашиниб турарди. Паганини идроки бироз тиниқлашган пайтда скрипкасини олишга интилиб, сув солинган қўзачани ағдариб юборди ва ўзи ҳам катдан йиқилиб тушди. Ҳеч ким унга ёрдамга келгани йўқ, чунки айни шу дақиқаларда миршабхона бошлиғининг ёрдамчиси ёғоч болғача билан кўча эшикни тақиллатиб турганди. Миршаб Лаллеманга хабарнома топширди. Унда Паганини қироллик судида ҳозир бўлмагани боис унга эллик минг франк миқдорида жарима солингани маълум қилинганди. Шу билан бир вақтда маҳаллий ҳукуматнинг фармойиши ҳам топширилди — Паганини тезда миршабхона идорасига етиб келиб, ўн йил муддатга қамоқ жазосини ўташ учун Парижга жўнаши буюрилади. Ҳукм Қироллик судининг 1840 йилнинг 4 январь қарори билан тасдиқланган.

— Лекин у касал-ку! Ниҳоятда оғир дардга чалинган! — миршабга хайрат ва нафрат билан тикилганича кичкирди Лаллеман.

Миршабхона вакили елкасини қисиб қўйганича, хонадан чикиб кетди. Шифокор эса, ҳукм варақасини қўлида гижимлаган кўйи Паганини ётган хона томон йўналди. Бу ҳодиса 1840 йилнинг 27 январь куни юз берди.

У Паганинини ўлик ҳолда кўрди. Франция Қироллик судининг қарори кечикканди.

Лекин Бйанки хоним фурсатни бой бергани йўқ — оқшомда у аллақачон Ниццада эди. О, ўзининг митти ва кадрдон Ахиллиносини бағрига босиб, унинг бошини кўз ёшлари билан ҳўл қилиб юбораётган бу «бева»нинг «қайғу»сига «тасалли йўқ» эди! У жаноб миршаббоши ёрдамчисидан васиятномани бир дақиқагина очиб ўқишга ўтиниб ижозат сўрамоқда.

Миршаббошининг ёрдамчиси сурғучли оғир мухрлар билан барча қоғоз жилдларни, ёзишмаларни, ноталарни, ҳужжатларни ва қутиларни мухрлагунига қадар иккита миршаб ва тўрт нафар полиция мансабдорлари уйнинг барча чиқиш йўлларини қўриқлаб турдилар. У ҳатто боланинг ичкийимлари солинган саватни ҳам мухрлаб қўйди.

— Соқов махлуқ ўлди, — деди боғбон, Паганинининг уй йўлаги олдида бекорчи оломон тўплана бошлагач, — шайтони лаъиннинг куни битди. Руҳонийларни ёнига яқинлаштирмасдан, тавба-тазаррусиз, дайди итдай ҳаром ўлиб кетди. Унинг жасади шаҳримизни булғамоқда.

Антониа Бйанки хоним марҳум «севикли эри»нинг сўнгги маросимларини амалга оширишни сўраб, роҳибларга беҳуда ялинмоқда эди. Бирорта руҳоний жасаднинг тепасига келмади, ҳамманинг юзида тахайюр зоҳир эди. Хоним бу вазиятдан ташвишга тушиб қолди.

Эртаси кун тонгда қандайдир нотаниш кимсалар пайдо бўлишди. Парижнинг «Муסיқий газета»си 1840 йил 27 январь кунидаги хабарномани чоп этди:

«Машхур скрипкачи Паганини ягона ўғлига, ўн тўрт ёшли чиройли болага ўзининг буюк номини ва беҳисоб бойлигини мерос қолдириб, Ниццада вафот этди. Паганинининг мўмиёланган танаси Генуя шаҳрига, скрипкачининг ватанига жўнатилди. Чин дилдан умид қиламизки,

бу хабар ҳам Паганинининг ўлими ҳақидаги бундан илгариги хабарлар каби бахтимизга инкор этилади».

Таассуфки «Муסיқий газета»нинг бу галги эълони-га раддия берилмади. Биттагина хабар — унинг Генуяда дафн этилиши тўғрисидаги билдиришдан бошқа барча маълумотлар ўз тасдиғини топди.

### **Ўттиз учинчи боб**

## **ОХИРАТ САРГАРДОНЛИКЛАРИ**

— Мен барча зарур нарсаларни келтирдим, — деди доктор икки кундан сўнг қайтиб келгач.

Паганинининг озгин танаси қаттиқ ёғоч катда ётарди. Кат ёнида сунъий мато ёпилган миз. Ҳар хил банклар, ўлчовли идишлар ва оғир шиша эмлагич миз устига тартиб билан териб қўйилган. Шифокор тезда жарроҳликка киришиб, қисқа муддатда уни тугатди. У Паганини танасининг мушакларига, тери остига, вена ва артерия қон томирларига доктор Ганнал кашф этган тиббий воситани навбати билан эмлаб чиқди. Бу модда — хлорли рух. Икки соатлик жарроҳлик амалиётидан кейин мушаклар ўзининг табиий шаклига қайтди, танани қоплаб турган тери осилиб қолишдан ва бужмайишдан тўхтади. Лекин Лаллемен мурданинг юзига тегмади. Бошдаги эмланган жойлар энса мушаклари ва сочлар остида унчалик билинмайди. Жасаднинг юзи хотиржам кўринади. Паганинининг танасига чириш хавфи энди таҳдид соломасди. У тобора қуриб бора-бора, алал-оқибат чиримасдан сақланиб қолади.

Бйанки хоним қўноқхонадан икки марта келиб-кетди. У борган сари тундлашиб ва маъюслашиб борарди. Ахиллинони кимдир шу даражада қаттиқ қўрқитибдики, уни икки соатча тутқанок тутиб, оёқ-қўлларини, бошини ерга ура-ура холдан тойгач, оғзидан кўпик келиб, жазава аралаш оғир уйқуга кетди.

Хоним маййит учун темир қути буюртирди, лекин бундан кейинги барча уринишлари беҳуда кетаверди. Сукутга ўралган ғалати бир мавҳумлик қаердадир, қандайдир махфий фаолият юритилаётганини ва Лаллеманнинг ол-

диндан қўриб қўйилган тайёргарликлари, эҳтиёт чоралари фавқулодда зарур бўлиб чиққанини тасдиқлади.

Меҳмонлар хонасининг бурчакларида ёниб турган икки шаъм нимқоронғи хонани бурқситиб юборганди. Маҳаллий рухонийлар таъзияхонага келишни ва ўлик руҳига гуноҳларини мағфират этгувчи дуо ўқиб қўйишни қатъий рад этгунларига қадар хоним уч кун бекор кутишга мажбур бўлди. Черковнинг қудратли қўллари Паганинини маҳкам тутганича, уни тупроққа топширишга йўл қўймаётган эди. Яна икки кунлик самарасиз илтимослардан сўнг хоним Ницца бош роҳиби ҳазратларига шикоятнома топширишга мажбур бўлди. Учинчи куни Бйанки хоним маҳаллий ибодатгоҳ идорасига киритилди ва у ерда панжара ортидан викорли ва салобатли бир ёш эркак дағал бир оҳангда унга Паганини муртад бўлиб яшаганини ва даҳрий бўлиб ўлганини, муқаддас дунё черковидан четлаб юрганидан ташқари, черков билан байъатлашиш тўғрисидаги марҳамат юзасидан ҳамда илтифот кўрсатиб билдирилган таклифни қўрслик билан рад этиб, католик черковини ҳақоратлаганини айтди. Панжара ортидан, ўрта асрлардаги айбномаларни ўқиб берадиган қораловчининг овози каби баланд ва қўпол товуш билан айтилган бу тумтароқ жумлалар Бйанки хонимга ҳозирда юз бераётган ишларнинг ҳақиқий моҳиятини очиб берди.

У эри тирик пайтида ундан воз кечганида ўзининг чексиз даражада ҳақ бўлганини англади. Лекин орада васиятнома бор-да!

Ниҳоят, васиятнома ҳам эълон қилинди. У Паганинининг ўлиmidан анчагина аввал тузилиб, 1837 йилнинг 27 апрель куни имзоланган экан. Видолашувлари олди-дан Гаррис ўз дўстининг ва ҳурматли устоднинг мол-мулкини тажовузлардан ҳимоялаш учун барча чораларни қўриб қўйган эди. Англия давлат рентасига ҳамда ҳар икки Сицилия қиролликлари ренталарига қўйилган миллионлаб франк миқдоридаги акциялар ва облигациялар унинг севимли ўғли, меросхўри Ахиллионинг узоқ йиллар муҳтожлик қўрмасдан ҳаёт кечиришини таъминлар эди. Лукка шаҳрида яшовчи аллақандай аёлга эса унинг ўзигагина маълум бўлган ва унинг ўзигагина васият қилинган муайян мақсадлар учун каттагина миқдорда пул маблағларини олиш ҳуқуқи берилган. Бу хоним, ўз

насл-насабини маълум қилмаган ҳолда муайян шаклдаги нишон, рамз ва шаҳодатномаларни тақдим этади. Уларнинг тузилиши ва қўрилиши эса васиятномада муфассал тавсифлаб ўтилган, ифодаланган ва изоҳланган.

«Фарзандимнинг онасига эса, — дейилганди васиятно-манинг давомида, — менинг номимдан йилига бир минг икки юз франк рента билан умрининг охиригача таъминлаш мажбуриятини оласизлар. Маркиз Лоренсо Паренто, генуялик жаноблар Жамбатиста Жордани, Лассаро Леббисо ва Пьетро Торрилайани менинг иродамнинг гувоҳлари ва ижрочилари сифатида таклиф этиладилар».

«Бу Паганини деганлари жуда ғалати одам экан, — деб ёзганди «Муסיкий газета». — Ўз ҳаётининг бемаънилигини якунига етказиш учун, у ўлимнинг тутуриқсизлигини ҳам мантиқсизликнинг чўққисига олиб чиқиб қўйди. Бу васиятномадан ҳам кулгилироқ нарса бўлиши мумкинмикан? Уни тентакнинг васиятномаси, телбанинг алаҳсирашномаси деб аташ мумкин».

Ҳақиқатда эса китобхоннинг ҳаёлига: ўз эрига шунча зарар етказган аёлни умрининг охиригача маблағ билан таъминлаш ғалати мурувват эмасми, деган ҳаёл ўтиши табиий. Жаҳон шаҳодатномасига эга бўлган саккизта скрипкани нафақат дўстларига, балки ғанимларига ҳам васият қилиб қолдиришга Паганинини мажбур этган нарса унинг телбаворлиги эмасми? Амати, Гварнери ва Страдиварининг бу мўъжизавий чолгулари кимларнинг қўлига ўтганини ўқиб кўринг-а. Булар — Берио, Эрнст, Липински, Майзедер, Молик, Оле Булл, Вьетан ва ниҳоят, Шпор. Ҳа, Шпор ҳам буюк Маэстронинг, улкан қалб эгаси Паганинининг ворисига айланди.

«Менинг биргина умидим қолмоқда, — леб ёзганди Паганини Пайерга, — бу ҳам бўлса, шоядки менинг скрипкачи сифатидаги муваффақиятларим учун мендан ваҳшиёна қасос олганлар ҳеч бўлмаса ўлимимдан сўнг руҳимни тинч қўйсалар, ҳадрдон юртим тупроғида ётганимда тинчимни бузмасалар ва номимни булғамасалар».

Жаноб Паганини бу борада янглишган эди. У ҳозир хокка ҳам айланолмай ётибди. Шифокор оппоқ хос кийимини ечди. Жасадни кийинтиришди ва оғзига хлорли руҳдан тайёрланган даҳшатли суюқликни қуйиб, руҳ қутига солишди. Мана, жаҳон бўйлаб муסיкий жангу

жадаллардан сўнг бу скрипка ҳарбининг суворий тўраси темир тобут ичида ётибди. Ҳамма қандайдир саросимада: гўёки ҳозир эшик очилиб, хонага қора либосли бир жангари суворий тўра киради-ю, дубулғасининг тўр тўсиғини кўтариб қўйиб, шундай дейди:

— Бу одам билан мана мен бир умр курашиб ўтгандим!

Эшик очилди, лекин хонага дубулғаси туширилган шафқатсиз ва мағрур қора суворий эмас, қўлида гижимланган қоғоз ушлаган исқирт бир роҳиб кириб келди. Унинг ортидан яна икки кутилмаган ташрифчиларнинг қораси кўринди. Булар Паганинининг «почча»лари — опаларининг эрлари эди. Опаларининг бирини Паганини тирик пайтида таниган эди, иккинчиси ҳақида фақат эшитганди, холос. Лекин васиятномасида, хотирасини ишга солиб, уларнинг икковини ҳам эслаб ўтганди. Бир пайт Андреа Паганини ҳам пайдо бўлиб қолди. Марҳум скрипкачи уни ҳеч қачон, ҳеч қаерда ёдга олган бўлмаса-да, у ўзини энг яқин қариндошларнинг энг яқини деб эълон қилиб юборди. Католик пулпарастлар оиласи марҳум скрипкачининг меросини хомталаш қилиш учун сўнгги хужумга ташланди.

Бесаранжом нигоҳига сунъий хушмуомалалик тусини беришга уринаётган роҳиб худди қўй терисини ёпинган бўрининг ўзи эди. Унинг бежо кўзлари хона бўйлаб олазарак бўлди, лекин нигоҳини ҳеч кимда тўхтата олмади. Чамаси, ниманидир сўрамоқчи бўларди-ю, аммо бунга журъат этолмаётгандай, қорин устида қўлларини бириктириб олганича, бармоқларини бир-бирининг атрофида безовта айлантирарди. Хонани обдан назардан ўтказиб бўлганидан кейин, бу роҳибча, уйнинг эгаси кимлигини сўради. Хонадон эгасини кўрмагач эса, қандайдир сирли ва таҳдидли киёфада эшик ёнига борди. Эшикни очди-да, дарпардани бир оз суриб, Ахиллино Паганинини кўрди ва уни кўрсаткич бармоғи билан имлаб чакирди. Бола хонага кирди ва хотиржам, бепарволик билан ҳаракат қилган қўйи дарпардани очиб юборди; уни чап қўли билан ушлаб туриб, катта-катта кўзлари билан зоҳидга тикилди. Зоҳид саросимага тушиб қолди. У хонани тарк этиб, кўча эшик томон отилди ва кўздан ғойиб бўлди. Бир дақиқадан кейин унинг ваҳшиёна бўкириб, оломонга мурожаат этаётгани эшитилди. Ранги оппоқ оқарган жа-

ноб Сержан лаблари титраганича, уйга кириб келди. У Ахиллино Паганинининг ёнига келди ва унинг қулоғига ниҳоятда қисқа бир аллақандай сирли гапни пичирлаб айтди. Ахиллинонинг юзлари қип-қизариб кетди, у жаноб Сержаннинг уйидаги энг ичкари хона томон йўналди.

Бу пайтда Паганини яшаган уйнинг йўлаги олдида даҳшатли манзара намоён бўлди. Искирт кийимдаги пакана зоҳид зинапоянинг юқори поғонасида туриб олганича, остона рўпарасига йиғилган оломонга юзланиб, шу эшик ортида муқаддас черковнинг ҳимоятини ва марҳаматини рад этган нобакор ёвуз ётганини айтиб додламоқда эди. Бу жодугар, лаънати афсунгар фақатгина чақалоқларнинг мияси билан таомланган, хотинини қаттиқ қийноқларга солиб ўлдириб, унинг ичак-чавоқларидан скрипкаси учун тор ясаган. Зоҳид тухмат-бўхтонларни ёфдириш асносида одамларни асосан бир нарсага ишонтиришга интиломоқда эди: муқаддас черковнинг кўмагини рад этмоқликка қасд қилган кимсанинг ўлиmidан сўнг нафақат ўзининггина жасади мурдор бўлади, балки у яшаб ўтган ва мурдаси ётган уй ҳам лаънатга учрайди; у ўлган атроф ҳудуд, у ҳаёт кечирган шаҳар, у кўмилган қабристон ҳам балога гирифтор бўлади. Роҳиб узок гапиргани йўқ, аммо даъвати шу қадар таъсирли бўлдики, аста-секин кўпайиб улкан оломонга айланган мутаассиблар тўдасининг қаҳр-ғазаби чек-чегарасига етди.

Кўхна уй ҳар томондан қуршаб олинганди. Қизиққон саргарошлар, баққоллар ва дастёрлар, суюгоёқ аёллар, зайтун ва эчки сути билан савдо қилувчилар, узум етиштирувчи боғбон-деҳқонлар — католик черковининг барча содиқ фарзандлари улкан ҳалқа ҳосил қилишди ва шу ҳалқа билан рух тобутда ётган иблис жойлашган лаънати уйни қуршаб олишди. Улар жасадни ўтда қуйдириб ташлаш учун уни ўзларига беришни талаб қилардилар. Кўчалардаги тошларни териб олиб, ёғоч, дастаки сўка, гишт бўлаклари ва қўлларига илинган дуч келган нарсалар билан қуролланиб, улар буюк скрипкачининг сўнгги маконига томон юриш бошладилар ва унинг лаънатланган жасади ётган уйнинг қулини кўкка совуриш билан таҳдид қилдилар.

Жаноб Сержан нималар бўлаётганини ҳали англаб олмасидан туриб, уй деразаларига тошлар уча бошлади ва



қўшни уйларнинг чордоқларини каптархонага айлантириб олган шум, чапани болалар унинг томида пайдо бўлишди. Оломон эшик-дераза ромларини бузиб, ойналарни синдириб, уйни қамал қилиб олди. Буларнинг бари — шу уйда турган рух тобут ичидаги бир тўда безарар суяк ҳамда хлорли рух билан қотириб қўйилган пай-мушақлар — фаранги банкчилар тарафидан ва Рим черкови томонидан таъқиб этилган, дунёдаги энг буюк скрипкачи бўлмиш Никколо Паганинининг вафотидан далолат бериб турарди.

— Қани ўша махлук? — қичқирарди ваҳший овозлар. — Уни бизга топширинг!

— Уни нима қилишимизни ҳозир кўрасизлар! — кўчанинг нариги томонидаги шовқинлар ҳам яқинлашиб кела бошлади.

Лекин айна шу пайтда гўё самовий бир томоша оломонни тўхтади қолди. Пуштиранг кўйлак кийган, қўлида елпигич ўрнига каттагина палма шохини ушлаб олган ёшгина соҳибжамол хоним уйга олиб борувчи зинапоянинг энг юқориги поғонасига чиқиб келиб, оломон қаршисида тўхтади.

— Жим бўлинг, — хитоб қилди аёл овозини баланд кўтариб. — Кўриб турганингиздай, барча ташвишларингиз ўринсиз: мен тирикман, менинг эрим, шу уйда ётган буюк скрипкачи Паганини ўз хотинининг ичакларидан скрипкаси учун тор ясаган эмас. Мен — мархум скрипканинг рафиқасиман. У ўз атрофини ўраб турган шифокорларнинг бепарволиги туфайли муқаддас диний сир-асрорларга ноил бўлмагани ва черковга байъат қилолмагани учун мен айбдор эмасман. Энди эса ҳаммангиз тарқалишингизни ва мархумнинг жасадини безовта қилмаслигингизни илтимос қиламан.

Оломон ортига тисарилди. Томдан ерга ирғитилган сопол қоплама чаноклар, ҳамма ёқда сочилиб ётган шиша синиқлари хатарнинг қанчалик катта бўлганидан далолат бериб турарди.

Жаноб Сержан қаттиқ ваҳимага тушиб қолди. Жодугарлик ва афсунгарлик ҳақидаги даҳшатли овозлар бутун соҳилбўйига тарқалиб кетганди. Бунинг бирор чорасини топмаса бўлмасди.

Жаноб Сержан беихтиёр ўтмиш кунларни — сўйиб ташланган Маратнинг жасади тепасида ёлғиз ўзи кўриқ-

чиликда тургани, Париж атрофларида туғилган, буюк Маратнинг, Халқ дўстининг машаққатли кураш йўлларида, уйқусиз тунларида айрилмас йўлдош бўлган Симонна Эврарга тасалли берганларини ёдга олди. У ҳозир ҳам жони азоб-уқубатлар оқибатида узилган Паганинининг бевасига таскин бўлишга ўзини бурчли деб ҳисобларди. Лекин у пайтларда ўн етти ёшли навқирон фуқаро, гвардиячи Сержан ўз қонини сўнгги томчисигача инқилобий ҳудудларга бахшида этишга тайёр эди. Фуқаро Эврар эса, модомики бахтсизлик юз бериб, аслзода Шарлотта Корде хоним Халқ дўстининг нақ юрагига ханжар урган экан, энди болакай Сержан ўз қонининг сўнгги томчисини ҳам Маратнинг жасадини муҳофаза этишга сарфлайди, деб ишонганди.

Энди бўлса тўқ яшил рангли камзул кийган бу кекса одам буёғига нима қилишни билмай, хонама-хона югуриб юрарди. Паганини тобутининг икки бошида икки шам тутаб ёнмоқда. Бйанки хоним изтиробда. Бола ҳам!.. Қаранг, қандай ҳам ғаройиб бола бу! Шу ёшида бошига мана бундоқ мусибат тушгани ёмон бўлди-да... Лекин дўмбоққина ва юзлари лўппи Антониа Бйанки хоним Симонна Эврарнинг тирноғига ҳам ўхшамайди.

Эрта тонгда йўлак олдида яна оломон тўпланди. Жаноб Сержан остонага чиқиши биланоқ, Диния мактабининг безори ўқувчиси эпчиллик билан улоқтирган тош унинг кўзига келиб тегди. Жаноб Сержан йиқилиб тушди, шу заҳотиёқ иккинчи тош ҳам ирғитилди. Кейин бутун тўда уй томонга ташланди. Ўн дақиқалардан кейин эса қонига беланган, қаттиқ калтакланган, суяклари синдирилган жаноб Сержанни шифохонага жўнатишди.

Хайриятки, эртаси куни васиятномада қайд этиб қўйилган васийлар етиб келишди ва шундан сўнг Ницца шаҳрининг диний раҳбарияти билан ҳақиқий... савдолашув бошланди.

Тун пайти Бйанки хоним жойлашган меҳмонхонага учта нотаниш одам кириб келди ва жаноб Паганинини дафн қилиш борасида фавқуллодда қийинчиликлар юзага келгани боис ва марҳум эрининг қандай ҳаёт кечирганини хонимнинг ўзи ҳам яхши билгани сабабли жаноб скрипкачини Франция қироллигининг юрагида жойлашган бирор яширин ва осуда жойга олиб кетиш ҳамда тинч ва шовқин-

суронсиз тупроққа топширишни таклиф этдилар. Икки-уч ҳафталардан кейин эса овозалар тўхтади ва қайғули гап-сўзларни қайтадан бошламаслик мумкин бўлади.

Оппоқ юзи ғайриоддий даражада хушрўй киши сокин ва очик чехраси билан Бйанки хонимни ўзига мафтун этиб қўйди.

— Начора, — деди хоним, — мен розиман. — Шу билан бирга тажрибали бека сифатида деди: — Лекин бунинг учун кимни ва қандай мукофотлашни билмайман.

Шунда хушмуомала хатиржам чехрали одам бунга жавобан деди:

— Биласизми хоним, мен уни ўз қўрғонимда дафн этаман, лекин рухонийларимиз огоҳлантираётган барча машаққатларни бошдан кечиришимга тўғри келади. Нима ҳам дердим, ҳамма кулфатларга розиман, фақат оилам етарлича таъминланса бас.

— Шу ерда кутиб тулинг, — деди хоним ва хонадан чиқди. Қўноқхонадаги қўшни хонада Ахиллино ухлаб ётарди. Шу кунларда таниб бўлмас даражада вояга етиб қолган бола ҳаёт ўзига рўбарў қилиб қўйган воқеотни тўла-тўқис англаб турган эди. Тутқанокнинг биринчи хуржларидан кейиноқ у тушкун, босиқ бўлиб қолди. Ахиллино инсоннинг ақл-идроки ва бутун жисмоний, рухий, маънавий борлиғи бунга қарши турган ҳолатда ҳам ҳукм соҳибларига мутлақ итоатда бўлмоқликни амр этган черковнинг бутун қудратини англади ва унга бўйсунди.

Онаси уни уйқисидан уйғотди ва тунги қўйлақда, пайпоқсиз оёғига ковушини кийгазиб, ташрифчиларнинг хузурига бошлаб келди.

— Ахиллино, — деди Бйанки хоним, — биз икковимиз ҳам отангнинг ақлсизлигининг қурбонларига айландик.

Ахиллино бошини эгди. У индамай турганича, аёлнинг гапида давом этишини кутарди.

— Хуллас, — деди хоним, — манави одамча... — у «одамча» сўзига урғу бериб, ғазаб билан талаффуз қиларкан, ўз туққан боласини ташрифчиларга кўрсатди, — маблағларни мана шу одамчагина тасарруф этишга ҳақли.

Ахиллино бошини қўтариб, онаси мурожаат этган кимсага қаради. Бйанки хоним изоҳ берди:

— У отангни марказий музофотлардан бирортасида махфий равишда дафн этмоқчи.

Ахиллино ўша одамга юзланди:

— Майли, дафн этақолинг. Лекин отам ўзини Генуяда кўмишни васият қилганди. Бунинг қанчалик оғир бўлишини у билмаган бўлса керак.

Бйанки хоним ўғлига мурожаат этиб, деди:

— Бунинг эвазига пул тўлаш керак.

— Қанча?

Хоним қаламда шоша-пиша ёзилган рақамларни ўқиди: икки ярим. Бу икки рақами ва кейин яримни ифодаловчи тақсим белгиси эди.

— Тушунмадим, — деди хоним.

— Икки ярим франкми? — сўради Ахиллино, унинг болаларча соддалиги шу саволнинг ўзидаёқ намоён бўлди.

Ташрифчиларнинг энсалари қотиб, бир-бирларига қараб кўйишди. Уларнинг юзларида ғалати ишшайиш пайдо бўлди. Кейин бу рақамларни ёзган одам бўғик овозда хингирлади.

— Икки ярим минг франкми? — сўради хоним кўзларида умидворлик ифодаси билан.

Яна сукут.

Ташрифчилар ўринларидан туришди.

— Хоним, сиз ҳам, ёш жаноб, икки ярим миллион франкни — ўзларингизга васият қилинган мероснинг ҳаммасини бизга берасиз. Акс ҳолда сизларга ҳам, отажонингизнинг мурдасига ҳам жуда ёмон бўлади...

...Васиятнома тасдиқланмади. Жаноб Паганинининг васийлари бўлмиш генуялик камсуқум буржуаларнинг ҳамда уларга беғараз ёрдам беришни истаганлар — ўзларини Франциянинг жаңубидаги подшопараст қонунчилар партияларининг нуфузли вакиллари дея ҳисоблагувчи маркиз Сезолл ва граф де Местрнинг оворагарчиликлари янгитдан бошланди. Сезолл ва де Местр Паганинининг васиятномасида номлари зикр этилган васийларга Ницца шаҳрининг фуқаролик трибунаliga даъво аризаси топширишни маслаҳат бердилар. XIX асрнинг ўртасида Паганинини жодугарликда, сеҳргарликда ва афсунгарликда айблаш уларнинг фикрича, ўрта асрлар жоҳилиятининг телбавор акс садоси эди. Лекин Ницца шаҳрининг суд трибунали Ницца шаҳри бош роҳиби ҳазрат Антонио Галванининг қарорини тасдиқлади ва ҳатто жазо чорасини кучайтирди.

Ва бутун Франция бўйлаб ҳукм ҳалқаси ёпилди. Махфий йўриқномалар, баённомалар ва фармойишлар Масих хочи мавжуд бўлган ҳар қандай мамлакатда марҳум Паганинини дафн этишни тақиқлаб қўйди.

«Қабристон тупровида, хусусий ва давлат ерларида, амлокдорлар ва дехқонларнинг далаларида, аслзодалар ва графларнинг қўрғонларида, ўрмонларда ва яйловларда, токзорларда ва мевазор боғларда, заминдорларнинг қишлоқларида ёки шаҳарлардаги савдогарларнинг ҳовлиларида ҳеч қандай баҳоналар билан бу жасад ерга кўмилмасин; агар махфий равишда бу иш содир этилгудай бўлса, ўша иблиснинг мурдасини ердан қовлаб олган, тобутдан олиб ташлаб, хокини шамолга совуриб юборган киши черковнинг садоқатли ўғлони сифатида барча гуноҳларидан мағфират этилгай».

Миршабхона бошлиғи ва пакана зоҳид жаноб Сержанининг уйини шаҳар тасарруфига ўтказилишга дахлдор, дея эълон қилишди. Барча хоналарда тинтув ўтказилди, жаноб Сержан шифохонада ётган пайтида жаноб Ницца шаҳри ҳокими аҳолининг оммавий намойишига бўйсуниб, Паганинининг тобутини уйдан судраб чиқиб, бош госпиталга жойлаштиришга буйруқ берди. Лекин доктор Лаллемандан нафратланувчи, черковнинг садоқатли ўғли, мусикада ҳеч нарсани тушунмайдиган ва ўз мансаби ҳамда осойишталиги учун титраб-қақшайдиган, дехқонларни дам урилган муқаддас сув билан даволайдиган, шаҳарликларни эса канакунжут мойи билан муолажа қиладиган бош шифокор дарҳол тобутни госпиталдан олиб чиқиб кетишларини талаб қилди: шифохона одамларнинг саломатлиги тикланадиган маскан, у муртад жасадлар қўйиладиган жой эмас.

... Денгизнинг тошлоқ соҳили бўйлаб шарққа олиб берадиган йўл ниҳоятда оғир эди. Саккиз киши ва олдинда эса қийналган, тиззалари шилинган, мойчироқ кўтариб олган болакай — Ахиллино тобутни кузатиб бормоқдалар.

Ёмғир, момақалдирок, бўрон ва денгизнинг нотинч тўлкинлари Паганинининг жасадини Ниццадан шимолга узатиб қўймоқда.

Туманли, рутубатли тонг отди. Чошгоҳга яқин қайноқ офтоб аста-секинлик билан ҳавони қиздиришни бошлади. Нафас олиш қийинлашиб, тоғ дараларида мардикорлар

холдан тойдилар. Кичик Паганини яқиндагина отасининг кўзларини қувнатган денгизга боқди. Ўғай онаси эса (Ахиллино Бйанки хонимни ичида шундай атар эди) сал нарида мўйловдор хушқомат тобутсоз билан валақлашиб турибди. Қора цилиндр қалпоқ, кумуш уқали чакмон кийган бу йигит хонимга кўзларини сузганича, йўлдан сал нарироқдаги очик горга имо қилди. Тунни ўша очик горда ўтказдилар.

Вилли Франка — махсус шифохона, унинг хузурида эса денгизда чўкиб ўлганлар учун, балиқчилар учун ҳамда папанинг миршаблари ёки катта йўлларнинг эътиборли қароқчилари ўлдирган одамлар учун мўлжалланган ўликхона бор. Бу шифахонанинг ўликхонасида қотилларнинг, ўғриларнинг ва фоҳишаларнинг мурдалари орасидан рух тобут ҳам жой олди. Аммо бу ерда икки кундан ортиқ қолиш мумкин эмас. Ахиллино якка ўзи Генуя яқинидаги Полчеверага борди ва таниқли кишиларнинг қабрларини безаб турган энг яхши ёдгорликлар, мрамар хайкаллар ўрнатилган машҳур Генуя кабристонига отасини дафн этиш учун рухсат сўради.

«О, маъзур тутасиз, йигитча. Бизнинг Полчеверада жаноб Паганинининг ким эканини умуман танишмайди, лекин вабо балосидан жуда қўрқишади, шу боис шаҳарликларнинг наздида уни тарқатиши мумкин бўлган ҳамма нарсадан хавфланишади. Балки ўша жасад вабонинг ўчоғидир?»

Бола барча нуфузли кишиларнинг уйларини ва хокимият идораларини айланиб чиқди. Улар ёш ташрифчига кибр билан ёхуд беписандлик билан бошдан-оёқ назар ташлашади:

— Паганини дейсизми? Бунақа одамни эшитмаган эканмиз.

Ниҳоят Вилла Франка ертўласида жуда катта миқдордаги нақд пул эвазига жаноб Паганинининг тобути учун жой топишга муваффақ бўлди. Ўрта денгиз соҳили бўйлаб узоқ сарсон бўлишга тўғри келди.

Мусибатли ва оғир ҳаёт.

Бйанки хоним кичкина ўғли билан қиладиган иши қолмаганини англагач, ўз юрагидан тобутсозни сиқиб чиқаришга муваффақ бўлган Полчевералик нотариус билан қўққисдан ғойиб бўлиб қолди. Болакай ёлғиз қолди.

Унинг ёнида бир пайтлар Париждаги д'Анфер кўчасига, отасининг ҳузурига келган сартарошга жуда ҳам ўхшаб кетадиган новча бир одам одимлаб бормоқда. Бу жаноб Андреа Паганини. У Ахиллинонинг елкасига шапатилаб қўйди-да, ўзича унинг кўнглини кўтарган бўлди:

— Шошилма, ҳали кўп яхши кунларни кўрамиз!

Соҳил бўйлаб Марселдан Испания қирғоқларига қадар ҳамда Марселдан Генуягача пора беришга уринишнинг барча усуллари бесамар қўллаб кўрилди.

Тунда, Испания соҳиллари йўлида, шундоққина Испания чегараси яқинида қошлари қуюқ, баланд бўйли ирkit бир одам пайдо бўлди. У ўз эрининг тобути ортидан сарсон кезиб, унинг қайта тирилишини кутган Кастилиялик Изабелланинг — Карл V онасининг саргардонликларини эслатувчи даҳшатли дарбадарликдан бохабар бўлди.

Айни шу вақтда шимолда, Оврўпанинг бошкентларидан бирида қоракўз, тундчехра одам, даҳо Паганини ишларининг давомчиси Франц Лист хитоб қилди:

— Йўқ, Паганини қайта тирилмайди!

Бу ерда эса қуюқ қошли ғалати одам пайдо бўлди ва болага ҳамда унинг ҳамроҳига жаноб скрипкачининг танасини ўзига беришлари учун ўттиз минг франк таклиф этди.

— Бир йил ҳам ўтмасдан, — деди у, — Оврўпада бу скрипкачи яна пайдо бўлади. Мен уни биламан, у яна тирилади.

Ахиллино, териси бурушиб кетган, чиллашир, кўзининг остига бинафша ранг доғ тушган, ёноқлари сарғайиб кетган, кўзлари даҳшатга тўлган болакай бу ғалати одамни ваҳимага тушиб тингларди.

Тонгда эса Паганинилар оиласининг дафн маросимига қўшилган янги бир йўлдош уларга тушунтириш берди:

— Бу махлук, бу жонкуш, бу — сизларнинг ҳузурингизда пайдо бўлиб қолган ҳақиқий Агасфер — Дарбадар жухуд. У кўчма антиқаворлар томошахонасининг эгаси. Унинг таклифини рад этганларингиз яхши бўлди. Акс ҳолда сизларнинг у билан шартлашган келишувларингиз отангизнинг тирилишига эмас, балки марҳум Паганини Оврўпани захарлаб ётган ҳамда ўз нафаси билан мамлакатга ўлат тарқатиб, тоқзорларнинг нобуд бўлишига

олиб келаётган жодугар эканлиги ҳақидаги овозаларнинг қайтадан жонланиб кетишига сабаб бўлурди.

Мана, ниҳоят сохил ҳам кўриниб, денгиз тўлқинларининг ортида орол кўзга ташланди. Қирғоқдаги гулхан атрофида ўтирган денгизчилар йўловчиларни бироз тўхтаб, фрути ди маре — денгиз оқишиб келган мевалар билан камтарингина нонушта қилиб олишга таклиф этдилар. Ахиллино ва Андреа гулхан ёнига ўтирдилар.

Тунда нотаниш кема дарғасининг буйруғи билан Паганинининг тобутини Сен Фереол оролига олиб ўтишди. Агар кимдир Ўрта денгизнинг айна шу жойига ташриф буюрган бўлса, миттигина ёлғиз оролга туша туриб, худди орол тепасида атайин барпо этилгандай денгизга юзланиб турган ёрга Паганинининг занжирлар билан олиб кўйилган тобутини албатта кўрган бўлиши шубҳасиз.

Ахиллино отасини оролга олиб боргани ҳақида ҳукуматдагилар қаёқдандир хабар топиб қолишди. Лекин ёш Паганини ҳам энди ғафлатда эмасди. Тушқун аҳволдаги, чала телба холига тушган бу йигитчанинг шу йиллар ичида бормаган жойи қолмади.

Мана у, Ахиллинонинг бахтиёр ёшлиги: навқиронлик фасли эски китоблар ва чарм қоғозларни, Рим папасининг фармон ва фармойишларини, фатво қоидаларини, қадимий, кўҳна ва янги матбаа услубида чоп этилган чарм муқовали китобларни титиш билан ўтди. Ахиллино Римда отасининг жасадини тупроққа топшириш ҳуқуқини тасдиқловчи параграфлар ва пунктларни, боблар ва бўлимларни, изоҳлар ва иловаларни, кўрсатмалар ва далилларни ўрганиш билан кунларини ўтказди.

Папанинг уй бошқарувчиси Маркезе уни тушликка таклиф этди. Хушбўй шароблар, тансиқ таомлар, мусиқа, кўшиқлар, рақслар; ўзларини айш-ишратга бахшида этиб, эвазига ҳеч нарса талаб этмайдиган сохибжамол қизлар Трастеверда Ахиллинонинг уйқусини бузадилар. Енгилгина шивирлаш Ахиллинонинг кулоғига, сен аҳмоқсан, деган сўзларни пичирлайди. Ахиллино — ступидо бамбино. Рим черковига ақча тўласанг-ку, ҳамма ишинг аллақачон битган бўларди. Отанинг жасади дафн этилади, ўғилнинг муддаоси амалга ошади.

— Бу қанақаси бўлди: пора берилса кифоями? — сўрайди Ахиллино.



Бу савол жавобсиз қолди.

Яна кичик юк кемаси, яна елканлар, яна кема сахнида тунни ўтказиш. Машғаланинг хира ёруғи, тамаки ва шароб, балиқ суяклари ва маст-аласт денгизчиларнинг сўкинишлари.

Бордигера, Сан Ремо, Морис бандаргоҳи ва ниҳоят Савона.

— Ўлимдан кейинги бу саргардонлик худди Рим олий рухонийсининг ҳаётлик давридаги дарбадарлигига ўхшаш бўляпти, — деди Андреа Ахиллионинг елкасига шапатаблаб қўйиб, кейин эса буюк скрипкачининг тобутини мушти билан гурсиллатиб урди.

Жаноб Ахиллино Паганини энди пулга сотиб олинган маркизлик унвони соҳиби, у — энди эччеленца. Уни масхаралаш мумкин бўлган пайтлар аллақачон ортда қолиб кетган, у хозирда бутун Италия бўйича диния қонунчилигининг энг яхши билимдонларидан бири.

1853 йилда «Стекката» черкови ўтакетган дахрийнинг гуноҳларини афв этиш маросимини ўтказди. Рим ҳаворийлар черкови бошқаруви кенгашининг тармоқлари бўйлаб бир миллион юз минг франк олтин оқими тарзида тарқалиб кетди. Ахиллионинг охириги чақаларини ҳам тортиб олишларига ҳеч қанча ҳам вақт қолгани йўқ.

Телбавор, ғамгин, кибрга берилган, ўрта ёшли эркак — маркиз Ахиллино Паганини Римнинг Олий рухонийсига мурожаат этиб, отасининг охираддаги қисматини билиб беришни илтимос қилди. Таажжубки, Рим Олий рухонийси бундан аввалги барча қарорларни бекор қилиб, икки нафар фатводорнинг Римдан сафарга отланишини, маркизнинг марҳум отаси, бетайин, лаънатланган скрипкачи қай даражада осийлик гуноҳига булганганини аниқлаб келмоқликларини буюрди. Буни у ўша дахрийнинг ўғли, черковнинг садоқатли ўғли, Пармадаги «Стекката» бутхонасининг фатводори, Рим черковининг роҳиб машҳур Ахиллино Паганини учун амалга оширмақ лозим.

— Бу шунчаки оддий расмиятчилик, — дейишди Римда маркиз Ахиллога.

Лекин мана шу «оддий расмиятчилик» роппа-роса ўн икки йилга чўзилиб кетди. Бу давр ичида жаноб Паганинининг рух тобутини уч-тўрт марта тупроқ остидан қовлаб олиб, яна қайтадан қабрга тикдилар.

Икки нафар фатводорлар марҳум скрипкачи концерт берган барча шаҳарларни кезиб чикқунларига қадар жаноб Ахиллинонинг юзини ажин қоплаб улгурди.

1876 йил ҳам етиб келди. Полеври чорбоғидаги даҳмадан тобутни яширин равишда Пармага жўнатишди ва у ерда жасад биринчи бор қабристондаги тош сағана ичига жойлаштирилди. Аммо Рим папаси бу жонсиз танани тупроққа кўмишга рухсат бергунига қадар орадан яна ўн етти йил ўтди.

1896 йил. Гайон қўрғонининг соҳиби илк бор — рух тобутда — ўз ер-мулкига кириб келди.

Оқсоч, заҳил юзли, қовоқлари шишган ва барок қошлари осилган, баланд бўйли озгин чол — муқаддас Георг нишони соҳиби, маркиз Ахилло Паганини сарв дарахтлари орасида қўлида шаъм билан турибди. Кичиккина тўсиқ устида саккизта устун юксалиб турибди. Сартўсин тепасида енгил гумбаз ўрнатилган, деворнинг юқори қисмида эса улкан ёзув битилган: «Никколо Паганини».

Бйанки хоним Франциянинг шимолида дафн этилганга ҳам анча вақтлар бўлди.

Маркиз Ахиллино Паганини руҳонийнинг келишини кутмоқда.

Унинг ёнида хунгар скрипкачиси Ондричек турибди ва Паганинининг хотирасига бағишланган мунгли куйни ижро этмоқда. Кейин скрипкачи кетди. Жаноб Ахиллино қўрқув билан атрофга аланглайди. Шаъмнинг ярми ёниб тугаб бўлди, лекин руҳонийдан хануз дарак йўқ. Наҳотки бу сафар ҳам яна қандайдир қутилмаган аралашув юз берган бўлса?

Мана, ниҳоят тақдирлар ҳукмдори ҳам етиб келди. Баджахл, қўпол, ҳаракатлари кескин, инсон ҳаёти устидан ўзининг ҳукм қиличини юргазиш қудратига эга эканини ҳис этгувчи кимса.

Муқаддас Рим черковининг истисносиз барча қоидалари асосида тупроққа кўмиш маросими бўлиб ўтди.

Қўққисдан жаноб Андреа Паганини югуриб келиб қолди:

— Анави лаънати генуялик икки юз минг лира тўлашдан бош тортяпти! Айтишича, бу орденлар, нишонлар, тўғнағичлар, қистирмалар ва қадамалар унга

унчалик ҳам зарур эмасмиш. Бу аблахлар биздан нима иштаяпти ўзи?

— Жим, — кескин тўхтатди уни Ахилло Паганини. — Сиз шундоқ ҳам отамнинг хотирасини чакана бозор қилиб сотиб юбордингиз.

Дафн ҳам якунига етди. Гайон чорбоғининг катта хонасида меҳмонлар тўпландилар. Отасининг ўлимидан эллик олти йил ўтиб, маркиз Ахилло Паганини беқиёс бир қатъият билан ўз мақсадига эришди — унинг отаси ниҳоят замин бағрига қўйилди ва унинг хоки ватанининг тупроғи билан аралашди.

Мана бу ғўдайиб ўтирган руҳонийнинг сўзига қараганда, тавба қилмоқликни ва истиғфор айтмоқликни истамаган осий гуноҳкор скрипкачининг руҳи гўёки яратган томонидан кечирилиб, энди фаришталардай қувнаб юрганмиш.

Маркиз Ахилло дастрўмолчасини аста кўзларига босди. Мамнунлик кўз ёшлари қуригач эса, у қолган-қутган пулларини санаб қўриб, одамларнинг католик черкови билан бир битимга келиши уларга қанчалик қимматга тушиши ва оталарнинг гуноҳлари фарзандларнинг елкасига нақадар оғир юк бўлиб ортилиши ҳақида аламли ўйга толди.

1936 й.

---

## МУНДАРИЖА

<i>Сўз боши</i> .....	3
<i>Биринчи боб. «Қўш қиёфали илоҳ» шаҳри</i> .....	6
<i>Иккинчи боб. Таваллуд ҳақида афсона</i> .....	8
<i>Учинчи боб. Қашшоқлик</i> .....	9
<i>Тўртинчи боб. Уруш</i> .....	13
<i>Бешинчи боб. Машакқат йўллари</i> .....	19
<i>Олтинчи боб. Кремена</i> .....	27
<i>Еттинчи боб. Граф Козио</i> .....	37
<i>Саккизинчи боб. Юлдузлар еговида</i> .....	47
<i>Тўққизинчи боб. Ўсмирлик</i> .....	62
<i>Ўнинчи боб. Қимор, ошиқ, скрипка</i> .....	76
<i>Ўн биринчи боб. Каламушлар</i> .....	85
<i>Ўн иккинчи боб. Шер панжаси саҳифани ўғирди</i> .....	94
<i>Ўн учинчи боб. Carmen saeculare</i> .....	100
<i>Ўн тўртинчи боб. Ниҳояти уч франк ақча</i> .....	121
<i>Ўн бешинчи боб. Лолалар ва гитара</i> .....	129
<i>Ўн олтинчи боб. Аждодлар юрти</i> .....	139
<i>Ўн еттинчи боб. Юксаклик сари йўл</i> .....	156
<i>Ўн саккизинчи боб. Иккиёклама ҳаёт</i> .....	180
<i>Ўн тўққизинчи боб. Дарбадар орфей</i> .....	194
<i>Йигирманчи боб. Эвридикани излаб</i> .....	208
<i>Йигирма биринчи боб. Эвридиканинг асл қиёфаси</i> .....	227
<i>Йигирма иккинчи боб. Вена йўлида</i> .....	244
<i>Йигирма учинчи боб. Тириклайин кўмилиш</i> .....	266

<i>Йигирма тўртинчи боб.</i> Шифокор .....	279
<i>Йигирма бешинчи боб.</i> Мактублар ва йўловчилар.....	290
<i>Йигирма олтинчи боб.</i> Азим дарё сохилларида .....	314
<i>Йигирма еттинчи боб.</i> Устод ила шогирд .....	327
<i>Йигирма саккизинчи боб.</i> Икки кўзгу акси .....	344
<i>Йигирма тўққизинчи боб.</i> Уқубат нони ва дахшат суви .....	364
<i>Ўттизинчи боб.</i> Ташвишларга ўт тушсин.....	385
<i>Ўттиз биринчи боб.</i> Жаҳаннам қаърига сафар .....	394
<i>Ўттиз иккинчи боб.</i> Mistral нафаси .....	417
<i>Ўттиз учинчи боб.</i> Охират саргардонликлари.....	428

*Адабий-бадший нашр*

АНАТОЛИЙ ВИНОГРАДОВ

**ПАГАНИНИ ҚИСМАТИ**

Роман

Мухаррир *И. Аҳмедов*

Рассом *Ю. Габзалилов*

Бадий муҳаррир *Р. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Т. Харитонов*

Мусахҳих *С. Салоҳутдинова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Тугушева*

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.09.  
Босишга рухсат этилди 28.11.2012. Офсет қоғози.  
Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
«Peterburg» гарнитурасида офсет усулда босилди.  
Шартли босма табоғи 23,52.  
Нашр табоғи 24,19. Адади 3000 нусха.  
Буюртма № 12-366.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

**Виноградов, Анатолий**

В-62 Паганини қисмати: роман / А. Виноградов; тарж.  
А. Саъдулла. — O‘zbekiston, 2012. — 448 б.

ISBN 978-9943-01-879-2

**УДК: 821.512.133-3**  
**ББК 84(2Рос-Рус)6**